UZBEKINVEST
sug'urta kompaniyasi

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУҒУРТА БОЗОРИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ, МУАММОЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Тошкент шаҳри 2021 йил 18 июнь

UZBEKINVEST
sug'urta kompaniyasi

TOSHKENT DAVLAT
IQTISODIYOT UNIVERSITETI

«ЎЗБЕКИНВЕСТ» ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲАМКОРЛИГИДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУҒУРТА БОЗОРИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ҲОЗИРГА ҲОЛАТИ, МУАММОЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ» МАВЗУСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

«Инновацион ривожланиш
нашриёт-матбаа уйи»
Тошкент – 2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУҒУРТА БОЗОРИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ҲОЗИРГА ҲОЛАТИ, МУАММОЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкент – 2021

УДК: 368/01(075)
КВК 65/271
С 45

«Ўзбекистон Республикаси суғурта бозори учун кадрлар тайёрлашнинг ҳозирга ҳолати, муаммолари ва ривожланиш истиқболлари»мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – [Матн] / Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2021. 714 бет.

ISBN: 978-9943-7630-6-7

Тўпламда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сон қарори, миллий суғурта бозорини ривожлантириш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбекинвест»ЭИСК АЖ ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан жорий йилнинг июнь кунлари - «Ўзбекистон Республикаси суғурта бозори учун кадрлар тайёрлашнинг ҳозирга ҳолати, муаммолари ва ривожланиш истиқболлари»мавзусида ўтказилган илмий-амалий конференция материаллари мужассамлаштирилган.

Тўпламда келтирилган мақолаларнинг мазмуни ундаги статистик маълумотлар ва келтирилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги танқидий фикр-мулоҳазалар ва таклифларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

Масъул муҳаррирлар
т.ф.д., проф. К.Шарипов
и.ф.н.Р.Азимов

Таҳрир ҳайъати
и.ф.д., проф. М.Эшов
и.ф.д., проф. А. Бурханов
и.ф.д., доц. Б. Тухлиев
и.ф.д., доц. Қ. Қўлдошев
Б. Камилов
ф.-м.ф.н. Б. Шамсуддинов
PhD. Д. Баратова

Тақризчилар
и.ф.д., проф. С. Элмирзаев,
и.ф.д., проф. Д.Рахмонов.

Мазкур тўпламга киритилган мақола ва тезисларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилиги ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

УДК: 368/01(075)
КВК 65/271

ISBN: 978-9943-7630-6-7

© «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2021.

КИРИШ

Республикада молия бозорини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли молиявий хизматлар билан қамраб олиш кўламини кенгайтириш, суғурта ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ушбу соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳоли ҳаётининг сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган молиявий хизматларни фаол ривожлантириш Республикада суғурта бозорининг ролини кучайтиришни ва суғурта воситаларини кенг қўллашни тақозо этмоқда.

Миллий суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш, суғурта хизматларининг талаб юқори бўлган янги турларини жорий этиш, истеъмолчиларнинг сугурта бозорига бўлган ишончини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августда «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сон қарори қабул қилиниб, суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, жумладан:

– суғурта хизматлари истеъмолчилари ва суғурта фаолиятининг бошқа субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш,

аҳолининг суғурта саводхонлигини ва суғуртага бўлган ишончини ошириш, суғурта бозорининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

– янги инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этиш ва талаб юқори бўлган анъанавий маҳсулотларни ривожлантириш орқали кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажмларини, турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

– суғурта бозори мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, суғурта соҳасида таълим беришнинг замонавий усулларини қўллаш, илмий-тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш;

– миллий суғурта бозорининг ижобий имижини шакллантириш ва юқори даражада ушлаб туриш ҳамда инвестициявий жозибадорлигини, шу жумладан, миллий суғурта бозорини халқаро ва хорижий суғурта бозорлари билан интеграциялаш орқали ошириш белгиланди.

2020 йил якунлари бўйича 40 та суғурталовчилар томонидан 2, 2 трлн. сўмдан ортиқ суғурта мукофотлари йиғилди.

Суғурта компанияларининг капитализация даражасини оширишга, уларни, аввало, қудратли молиявий институтларга ва иқтисодиётнинг реал сектори учун инвестиция ресурслари манбаасига айлантиришга ҳукумат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2020 йил якунлари бўйича суғурталовчиларнинг ялпи устав капитали ўтган йилга нисбатан 684, 6 млрд. сўмга ошиб, 1, 4 трлн. сўмга етди ёки ўсиш 191% бўлди.

Суғурталовчиларнинг капитализациясини оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4412-сон қарори қабул қилиниши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Суғурталовчиларнинг Республика иқтисодиётига инвестициялари ҳажми 3, 3 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этди. Бу ўт-

ган йилга нисбатан 124% га кўп бўлди. Суғурталовчиларнинг инвестиция портфели асосан юқори ликвидли, юқори даромадли, яъни қўйилмаларнинг қайтарилиши жиҳатдан ишончли, таваккалчилиги кам қўйилмалардан иборат. Суғуртанинг барча турлари бўйича суғурта тўловларининг умумий ҳажми 732, 3 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этди.

Республика ҳудудларида суғурта жараёнлари фаоллашганлигини бизларнинг катта ютуқларимиздан бири деб айтсак муболаға бўлмайди. Суғурта мукофотларини йиғиш бўйича айрим ҳудудларда ўсиш суръатлари Республика бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори бўлганлиги мамлакатимиз вилоятларида сугурта жараёнларининг ҳали очилмаган сезиларли салоҳиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз миллий суғурта бозорида 41 та турли мулк шаклидаги сугурта компаниялари, 5 та суғурта брокерлари, 5 та актуарийлар, 21 та ассистанс, аджастер, сюрверлар ва 8870 та суғурта агентлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Жумладан, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғурта компанияси 27 йилдан бери Республика суғурта бозорида фаолият юритиб келмоқда.

Бугунги кунда Компания Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган 14 та ҳудудий филиаллари ҳамда 200 дан ортиқ туман бўлимлари, улардан 26 та шаҳар бўлимлари орқали Республика аҳолиси ва корхона, ташкилотларга суғурта ҳизматини кўрсатиб келмоқда.

«Ўзбекинвест» ЭИСК АЖ структурасида:

1. «Ўзбекинвест Интернешнл» қўшма компанияси;
2. «Ўзбекинвест Ассистанс» Сервис агентлиги;
3. «Ўзбекинвест Сармоялари» Унитар корхонаси;

4. «Ўзбекинвест Ҳаёт» масъулияти чекланган жамияти суғурта компанияси фаолият юритиб келмоқда.

2020 йил якунларига кўра Компания томонидан **262869,2** млрд. сўм миқдорида суғурта мукофоти йиғилган бўлиб, Республика суғурта бозори етакчисига айланди.

Компания томонидан **2020 йилда** жами **69924,5** млн. сўм миқдорида суғурта товони пуллари тўлаб берилган бўлиб, шундан:

– Юридик шахсларга **48138,1** млн. сўм;

– Жисмоний шахсларга **21786,4** млн. сўм тўлаб берилган.

2021 йил 1 чорагида жами **34444,1** млн. сўм миқдорида суғурта товони пуллари тўлаб берилган бўлиб, шундан:

– Юридик шахсларга **26942,0** млн. сўм;

Жисмоний шахсларга **7502,1** млн. сўм тўлаб берилган.

Шунинг билан биргаликда, «AM BEST» халқаро рейтинг агентлиги Ўбекистон сугурта бозорида биринчи марта «Ўзбекинвест» Экспорт-импорт суғурта компанияси акциядорлик жамиятига «BB» даражасидаги ва «Барқарор» прогнози билан «BB» даражасидаги рейтингни тақдим этди.

Мазкур рейтинг Ўзбекистон Республикаси барча молия институтлари ичида **энг юқори** рейтинг ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу рейтинг даража ҳисобидан, барча суғурталаш бўйича берилган рейтинглардан ҳам юқори туради.

Шулар билан бир қаторда суғурта соҳасида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Мамлакатда кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажми йил сайин ошиб бораётган бўлсада, унинг мамлакат Ялпи ички маҳсулотидаги улуши ҳамон пастлигича қолмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида бу кўрсаткич 8-10 фоизни ташкил этаётган бугунги кунда, мамлакатимизда ушбу кўрсаткич 0,4 фоиздан ошмаяпти. Ҳаёт суғуртаси, бахтсиз ҳодисалардан ихтиёрий суғурталаш, ихтиёрий

тиббий суғурта, ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси каби суғурта турлари етарли даражада ривожланмаяпти.

Ушбу маърузалар тўплами суғурта соҳасида эришилган ютуқлар билан бирга соҳадаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш йўлларига бағишланган суғурта ташкилотлари раҳбар ходимлари ва мутахассислари, хорижий давлатлар мутахассислари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, ёш олим ва изланувчилар, магистрант ҳамда талабаларнинг илмий изланишлари натижасида яратилган илмий мақолаларидан ташкил топган.

1-СЕКЦИЯ. МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА СУҒУРТАНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Р.С. Азимов,
к.э.н., генеральный директор
АО КЭИС «Узбекинвест»

СТРАХОВОЙ РЫНОК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ, ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

Аннотация:

В статье анализируется современное состояние страхового рынка Республики Узбекистан в условиях осуществления масштабных социально-экономических реформ. Сравниваются макроэкономические показатели национального страхового рынка с общемировыми показателями. Выявлены проблемы развития страхового рынка и предложены пути решения данных проблем.

Ключевые слова: страховой рынок, плотность страхования, уровень проникновения страхования, коэффициент убыточности;

Введение

В Узбекистане осуществляются масштабные преобразования в социальной, политической и экономической сферах жиз-

ни общества, начатые в 2017 году по инициативе президента Ш. М. Мирзиёева. Разработана и принята Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах[1], в соответствии с которой в стране проводятся широкомасштабные реформы по либерализации экономики. А именно:

• проведена либерализация валютного рынка. С сентября 2017 года Узбекистан полностью перешел на свободную конвертацию национальной валюты. Успешно развивается сотрудничество с Всемирным банком, Международным валютным фондом, с Азиатским банком развития, с Европейским банком реконструкции и развития, с Азиатским банком инфраструктурных инвестиций

• осуществляются меры по либерализации внешнеторговой деятельности;

• проводятся комплексные меры по совершенствованию налоговой политики, повышению эффективности налогового администрирования, последовательному сокращению налогового бремени;

• реализуются реформы по обеспечению беспрепятственного осуществления предпринимательской деятельности, созданию благоприятной бизнес-среды и повышения инвестиционной привлекательности страны.

Также большое внимание уделяется проблемам социальной защиты населения. Реализуются меры, направленные на обеспечение достойных условий жизни для населения, на реформирование системы здравоохранения, образования, на строительство доступного жилья и его реализации по льготным ценам и на строительство и модернизацию учреждений

[1] Указ Президента Республики Узбекистан от 07. 02. 2017 г. №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». http:// www. lex. uz/Pages/GetPage. aspx?lact_id=3107042

социального значения, в том числе поликлиник, больниц, школ, детских садов.

Как отмечается в ежегодном докладе Группы Всемирного банка «Doing Business 2020», за последний год Узбекистан осуществил четыре реформы, позволившие ему войти в число 20 стран, достигших наибольшего прогресса в улучшении делового климата. Узбекистан занял 69-е место (среди 190 стран мира) в рейтинге «Doing Business 2020», набрав 69, 9 баллов из 100[1].

Отметим, что либерализация экономики в свою очередь оказывает большое стимулирующее влияние на страховой рынок страны, на качественные и количественные параметры его развития и на систему государственного регулирования страховой деятельности.

Действительно, модернизация и либерализация национальной экономики ведет к расширению страхового рынка страны, появлению новых видов страховых продуктов и быстрого роста клиентской базы. Например, привлечение инвестиционных ресурсов в экономику и либерализация внешнеторговой деятельности потребуют дальнейшего развития страхования финансовых рисков и системы перестрахования. Быстрый рост промышленности, сферы услуг, малого бизнеса и частного предпринимательства в структуре национальной экономики предполагает наличие развитой системы страхования гражданской и профессиональной ответственности. Модернизация и **интенсивное развитие сельского хозяйства приведет к появлению новых видов страховых продуктов в сфере аграрного страхования.** С этой точки зрения, принятие Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по реформированию и обеспечению ускоренного разви-

[1] Doing Bussiness 2020. https://openknowledge. worldbank. org/~ 9781464814402. pdf

тия страхового рынка Узбекистана» стало весьма значимым и долгожданным событием для страхового сообщества, так как оно позволит решить ряд проблем, связанных с реформированием национального страхового рынка[1]. В «Дорожной карте» по ускоренному развитию страхового рынка Республики Узбекистан на 2019-2020 годы, утвержденной в соответствии с вышеупомянутым Постановлением, определены основные направления развития страхового рынка[2].

Современное состояние рынка страхования Узбекистана

Состояние страхования как элемента системы управления рисками позволяет отнести страховой рынок Узбекистана к так называемым «мягким» страховых рынкам, которые характеризуются относительно большим числом участников и низким уровнем ставок страховых премий. Структура страхового рынка за 2019-2020 годы приведена в таблице 2. 2. 1. По итогам 2020 года на страховом рынке Узбекистана осуществляли свою деятельность 40 страховых компаний, из них 8 – в отрасли страхования жизни. Далеко не все отечественные страховые компании – активные игроки на страховом рынке, у 7 страховщиков доля рынка по страховым премиям менее 1%.

Уровень цен на страховые услуги в последние годы определяется исключительно рыночными условиями, что в результате желания новых страховщиков увеличить свою рыночную долю приводит к установлению тарифов на страховые услуги на недостаточно обоснованном низком уровне.

---

[1] Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4412 от 02. 08. 2019 «О мерах по реформированию и обеспечению ускоренного развития страхового рынка Республики Узбекистан». http://lex. uz/docs/4459812

[2] «Дорожная карта» по ускоренномуразвитию страхового рынка Республики Узбекистан на 2019-2020 годы. Приложение № 1 к Постановлению https://lex. uz/docs/4459812

1Как известно, ключевыми макроэкономическими показателями страхового рынка являются:

• объем валовой начисленной страховой премии (ВНСП);

• доля ВНСП в ВВП (уровень проникновения страхования);

• размер страховой премии на душу населения (плотность страхования);

• коэффициент убыточности (отношение валовых страховых выплат к ВНСП).

Анализ динамики основных показателей страхового рынка Узбекистана последних лет показывает их динамичный рост: среднегодовой темп номинального роста ВНСП за 2007-2020гг. составил 131, 1% годовых. Отметим, что среднегодовой темп номинального роста ВВП страны за этот период составил 126, 9%. Сравнительный анализ динамики темпов номинального прироста ВНСП и ВВП показывает, что начиная с 2014 до 2020 года наблюдается постоянное опережение темпа роста ВНСП над темпом номинального прироста ВВП. В 2020 году темп номинального роста ВНСП снизился до 95, 5% против темпа номинального роста ВВП в размере 113, 4 %. По мнению рейтингового агентства S&P Global Ratings влияние пандемии является основным фактором, повлиявшим на отрицательные показатели роста страховой премии в 2020 г. [1]

Отметим, что если высокий темп прироста поступлений премий в 2009 года в размере 66% был достигнут за счет таких обязательных видов страхования, как ОСАГО и ОСГОР, то темп прироста в размере 76, 3% в 2018 году был обусловлен радикальными социально-экономическими реформами, проводимыми в стране по инициативе Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева и направленные на кардинальное

[1] Оценка отраслевых и страновых рисков страхового сектора: Сектор общего страхования Республики Узбекистан. https://www. uzdaily. uz/ru/post/57022

реформирование экономики. Либерализация валютной политики, рост объёмов кредитования, увеличение инвестиций в строительство жилья и инфраструктуры привели к росту спроса на страховые услуги, появлению новых видов страховых продуктов.




Рис. 1. Динамика поступления страховых премий. Источник: https://www.mf. uz/uz/?option=com_content&view=article&id=354

В 2020 году объем валовой страховой премии составил 2 209, 68 млрд. сум (210, 91 млн. $ США). Из них 1 875, 33 млрд. сум (84, 9% от общего объема ВСП) – по общему страхованию, 334, 35 млрд. сум (15, 1%) – по страхованию жизни.

Важнейшим макроэкономическим показателем рынка страхования является отношение совокупных страховых премий к внутреннему валовому продукту (показатель проникновения страхования). В странах Евросоюза отношение страховой премии к ВВП составляет в среднем 8%, в странах Латинской Америки, Восточной Европы и Африки – 2–3, 5%, в Узбеки-

стане величина этого показателя за последние годы находилась в интервале от 0, 32 до 0, 5% (рис. 2.).




Рис. 2. Доля совокупной страховой премии в ВВП (%)
Источник: https://www. mf. uz/uz/?option=com_ content&view=article&id=354

В то же время средний показатель расходов на страхование на развивающихся рынках на душу населения составляет порядка 150 долларов США, из которых 54% составляют страховые премии по страхованию жизни и 46% – по страхованию иному, чем страхование жизни. В странах Евросоюза на страхование жителями тратится в среднем 3 тыс. долларов США в год. В странах Латинской Америки и Восточной Европы – 200–600 долларов. В таких странах, как США и Канада – свыше 4 тыс. долларов в год. В Узбекистане же по итогам 2020 года объем страховой премии в расчете на одного жителя составил всего 87, 9 тыс. сумов (то есть чуть более 8 долларов), в 2019 году значение показателя было на уровне 51, 29 тыс. сумов, в 2015-м – 17, 57 тыс. сумов (рис. 3).

Анализ убыточности страховой премии (отношение страховых выплат к страховым премиям) по отрасли общего стра-

хования за 2015-2020 гг. позволяет выявить крайне неравномерную динамику этого показателя (рис. 2. 2. 4), при том, что убыточность Госстраха Узбекистана за 1991-1996 годы была на уровне 45-60%. Подобное изменение этого показателя может свидетельствовать либо о суперкачественном андеррайтинге отечественных страховых компаний, либо об их политике, направленной на избежание страховых выплат, при этом у некоторых из них убыточность страховой премии менее 2% (т. е. из 100 сумов страховой премии на страховые выплаты приходится менее 2 сумов).




Рис. 3. Страховая премия на душу населения (тыс. сум)
Источник: https//www. mf. uz/uz/?option=com_ content&view=article&id=354

Анализ распределения ВСП между страховыми компаниями отрасли общего страхования показывает, что рынок общего страхования является рынком с низким уровнем монополизации. Об этом и свидетельствует индекс Херфиндаля-Хиршма-

на, который используется для измерения концентрированности рынка, и который по данным 2020 года составил 5, 8%.

Страховые компании с государственным участием остаются лидерами в течение ряда лет, но их влияние на конъюнктуру страхового рынка страны из года в год снижается. Следует отметить, что совокупная доля компаний с государственным участием в отрасли общего страхования за период 2015-2020гг. уменьшилась более чем в 1, 5 раза (см. рис. 5).




Рис. 4. Динамика коэффициента убыточности страховой премии в отрасли общего страхования
Источник: https://www. mf. uz/uz/?option=com_ content&view=article&id=354



Рис. 5. Динамика изменения доли частных компаний в ВСП

Отметим, что хотя страховой рынок показывает устойчивые темпы роста, страхование еще не заняло должного положения в системе защиты имущественных интересов населения и хозяйствующих субъектов. Его дальнейшее развитие требует осуществления ряда мер по совершенствованию его нормативно-законодательных и организационных основ.

О некоторых проблемах страхового рынка

По мнениям авторов, превращение страховой отрасли в стратегический сектор национальной экономики, создание более эффективной системы страховой защиты в условиях Республики Узбекистан требует совместной работы самых страховщиков, Агентства по развитию страхового рынка при Министерстве финансов Республики Узбекистан, министерства занятости и трудовых отношений и других заинтересованных министерств и ведомств.

По нашему мнению, основными проблемами рынка страхования являются:

1. Население регионов Узбекистана, особенно в сельской местности практически не вовлечено в операции по страхованию имущества, здоровья и жизни, что подтверждают показатели концентрации страхового рынка страны, 52% которого сосредоточено в г. Ташкент, при доле населения 7, 7% от общего числа жителей страны. При этом, в развитых странах, население играет основную роль в формировании общего объёма страховых операций.

Главными причинами является:

• отсутствие традиций и сформированной страховой культуры у населения;

• низкий уровень доверия населения к страховым компаниям, поскольку имеют место многочисленные случаи невыпол-

нения страховыми компаниями своих страховых обязательств перед населением;

• практически отсутствует вовлеченность субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства в процессы страхования от имущественных и коммерческих рисков

Основными причинами такого положения дел являются слабая работа по маркетинговому продвижению страховых услуг и отсутствие стимулирующих факторов по развитию данного перспективного направления страхования.

Для решения вышеназванных проблем мы считаем целесообразным разработки и реализации широкомасштабной Государственной программы развития страховой культуры населения, предусматривающей 3-х летний цикл активной рекламно-маркетинговой кампании среди населения, доступно и на системной основе разъясняющей перспективы, преимущества и выгоды населения при страховании имущества, жизни и здоровья

В Программу нужно включить разработку и прокат на общеРеспубликанских и местных телеканалах анимационных роликов, запустить цикла телевизионных передач, реализацию мероприятий по информированию населения о преимуществах страхования в социальных сетях и популярных среди населения интернет-ресурсах.

2. Одной из причин низкого уровня развития страхового рынка является несовершенство страхового законодательства, в частности, нормативные требования касательно платежеспособности и финансовой устойчивости страховщиков основаны на количественной оценке достаточности собственных средств страховой компании и подразумевают лишь расчёт нескольких финансовых показателей. Оценка и контроль платежеспособности страховой компании при этом, должна включать в

себя не только определение необходимого объёма средств собственного капитала, но и оценки всех потенциальных рисков страховой деятельности, как это предусмотрено стандартом платежеспособности страховщиков стран Европейского Союза – SolvencyII.

Ввиду отсутствия чёткого механизма обеспечения полноценного формирования страховых резервов, адекватных принимаемым рискам страхования, имеет место проблема демпинга, и, как следствие – нарушение принципов здоровой рыночной конкуренции и применение необоснованно низких страховых тарифов.

Мы считаем целесообразным внедрение риск-ориентированного подхода к системе регулирования страхового рынка (по аналогии с российской практикой, внедрённой в 2020 г.), который подразумевает осуществление следующих мероприятий:

• внедрение двух уровней требований к капиталу страховщиков: минимальные требования к капиталу и требования к обеспечению платежеспособности;

• совершенствование форм публичной отчётности;

• установление требований к корпоративному управлению страховой организации;

• обязательное внедрение в штатное расписание страховых компаний должности риск-менеджеров и актуариев;

• разработку положений о страховых резервах страховщиков с учётом основных принципов страхования и стандартов Международной ассоциации страховых надзоров, с внедрением системы раннего предупреждения рисков и снижения уровня надежности страховщиков, а также внедрением механизмов обеспечения полноценного формирования страховых резервов, адекватных принимаемым рискам страхования;

• обеспечить укрепление и повышение надёжности страховых компаний путем сокращения числа страховых компаний на рынке и увеличения их уставного капитала на основе опыта развития Российского страхового рынка.

3. Государственным регулирующим органом на страховом рынке является Агентство по развитию страхового рынка при Министерство финансов РУз, которое в силу огромной загруженности вопросами формирования и исполнения государственного бюджета и внебюджетных фондов, управления внешним долгом, оценки и мониторинга реализации крупных инвестиционных проектов, финансирования государственного заказа сельско-хозяйственных культур, регулирования тарифной политики и других приоритетных вопросов, полноценно и на системной основе не занималось развитием и реформированием страхового рынка в прошедшие годы.

В результате этого, за годы независимости, страховая система как важнейшая часть финансового рынка значительно отстала от банковской систем.

Мы считаем целесообразным передачи Центральному банку РУз функций регулятора страхового рынка, что позволит:

а) усилить пруденциальный надзор над финансовым состоянием и финансовой устойчивостью страхового рынка, как части финансово-кредитной системы;

б) более эффективно использовать организации банковского сектора для активного продвижения страховых услуг среди населения и субъектов предпринимательства в регионах республики;

в) создания единой системы основных финансовых услуг под управлением единого регулятора.

Отметим, что опыт передачи данных функций от Агентства по развитию страхового рынка Центральному банку в Российской федерации и Казахстане и быстрое развитие страхового

рынка в этих странах подтверждает эффективность такого подхода.

4. Значительную негативную роль в отставании развития страхового рынка играет фактическое отсутствие дееспособной, авторитетной, саморегулирующей, негосударственной некоммерческой структуры, объединяющей и управляемой самими страховщиками, как это принято в странах с сильной финансовой системой.

В развитых странах подобные структуры имеют значительный вес, авторитет и финансовые возможности, и играют важную роль в диалоге между страховым бизнесом и государством с одной стороны, и между клиентами и страховщиками

Для решения данной проблемы, мы считаем целесообразным проведение полной реорганизации и преобразование Ассоциации профессиональных участников страхового рынка в Союз страховщиков Узбекистана, предусмотрев создание полноценно действующей, саморегулирующейся, некоммерческой, негосударственной структурой, обладающей полномочиями и достаточными финансовыми ресурсами для защиты интересов участников страхового бизнеса в органах государственной и исполнительной власти, а также формирующей предложения по формированию законодательной базы по развитию национального страхового рынка.

5. Территория Республики Узбекистан расположена в зоне возникновения опасных техногенных и природных катастроф (землетрясения, селевые потоки, прорыв дамбы и др.), что несёт угрозу имуществу большого количества населения и хозяйствующих субъектов. Согласно аналитическому отчёту экспертов Всемирного банка в 2020 г., сейсмическому риску подвержены 14, 6% территории республики, на которой проживают почти 50% населения и производится 65% объёма ВВП.

Селям подвержены 12% территории республики и 16% населения, проживающего на ней.

При этом отечественные страховые компании в большинстве своём не имеют научно-обоснованных оценок подверженности максимальному риску, что может скрыть факт их финансовой уязвимости в случае возникновения крупных страховых событий.

Предлагается установить обязательный норматив по страхованию катастрофических рисков и защиты страхового портфеля путем приобретения облигаторных программ у международных перестраховочных компаниях, имеющие высокие рейтинги.

Заключение

Анализ современного состояния и тенденций развития национального рынка страхования свидетельствует о наличии огромного потенциала для его динамичного роста и возможности качественного повышения роли страхования в социально-экономической жизни общества. Но в то же время надо учесть то, что развитие национального страхового рынка происходит не только под влиянием различных факторов национальной экономики (политика кредитования, лизинговая деятельность, налогообложение, изменения в страховом законодательстве, правила регулирования страхового рынка и.т.п.), но и также под внешними вызовами. Тем более, в условиях либерализации и цифровизации экономики, влияние последних сильно возрастает и это требует от страхового сообщества принятия новых решений, подходов и технологий.

Список использованной литературы

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 07. 02. 2017 г. №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». http://www. lex. uz/Pages/ GetPage. aspx?lact_id=3107042

2. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4412 от 02. 08. 2019 «О мерах по реформированию и обеспечению ускоренного развития страхового рынка Республики Узбекистан». http://lex. uz/docs/4459812

3. «Дорожная карта» по ускоренномуразвитию страхового рынка Республики Узбекистан на 2019-2020 годы. Приложение № 1 к Постановлению https://lex. uz/docs/4459812

4. Оценка отраслевых и страновых рисков страхового сектора: Сектор общего страхования Республики Узбекистан. https://www. uzdaily. uz/ru/post/57022

5. Doing Bussiness 2020. https://openknowledge. worldbank. org/~ 9781464814402. pdf

А. У. Бурханов,
“Молия ва бухгалтерия ҳисоби”
факультети декани и.ф.д., профессор

ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИ: РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.

Аннотация: Ушбу мақола Суғурта бозорини ривожлантириш стратегияси тенденциялари ва суғурта бозорида мажбурий ва ихтиёрий суғуртанинг ўрни ҳамда суғурта компаниялари суғурта мукофотларининг улушлари бўйича статистик таҳлиллар келтириб ўтилган. Шу билан бирга таҳлиллар асосида фикр мулоҳазалар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Суғрта бозори, суғурта мукофотлари, мажбурий суғурта, ихтиёрий суғурта, инвестицион фаолия, суғурта қопламаси, суғурта тўлови

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон суғурта бозорида жами 41 та суғурта ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 33 таси умумий суғурта соҳасида, қолган 8 таси эса ҳаёт суғуртаси соҳасида ўз хизматларини кўрсатиб келмоқда. 2019 йил натижаларига эътибор қаратсак, суғурта ташкилотлари томонидан жами 2 313,9 млрд.сўм суғурта мукофотлари йиғилганлигини кўришимиз мумкин. Шундан, ихтиёрий суғурта бўйича 2000,6 млрд.сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлса, мажбурий суғурта бўйича 313.3 млрд.сўм суғурта мукофотлари йиғилган.

2020 йил натижаларига кўра, суғурта ташкилотлари томонидан 2 211,7 млрд сўм суғурта мукофотлари йиғилган бўлса, шундан ихтиёрий суғурта 1 852,0 млрд сўм суғурта мукофотлари йилган бўлса, мажбурий 359,7 млрд суғурта мукофотлари йиғилган.



Суғурта компаняилар томонидан суғурта тўловлари ва Суғурта компанияларининг 2019 йилги суғурта тўловлари жами 813,5 млрд.сўм миқдорида суғурта товонлари тўланган бўлса, шундан 719,0 млрд.сўм қисми ихтиёрий суғуртага, 94,5 мажбурий суғуртаға тўғри келади. 2020 йил кўрсаткичлари бўйича суғурта тўловларининг миқдори 732,3 млрд.сўмни ташкил этади. 598,2 млрд сўм ихтиёрий суғуртани ташкил қилган бўлса, 134,1 млрд сўм мажбурий суғуртага тўғри келади.

Кўриб турганингиздек, суғурта мукофотлари 2019 йилда 2016 йилга нисбатан 3,3 мартага кўпайган бўлиб, суғурта қопламалари эса 6,2 мартага кўпайган. “Covid-19” коронавирус пандемияси таъсирида 2020 йил бўйича суғурта мукофотла-

рининг кўрсаткичининг тушиб кетишига олиб келди. Суғурта соҳасида энг катта йўқотишлар асосан чет элга чикувчиларни суғурталаш, туризм бизнеси суғуртасига тўғри келди.



Суғурта ташкилотларининг устав капиталларига қўйилган талаблар ҳам ошириб борилганлиги сабабли, уларнинг умумий ҳажми ҳам ўсиб бормоқда. 2016 йилда суғурта ташкилотлари устав капиталларининг умумий ҳажми 248,3 млрд.сўм бўлган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 755,0 млрд.сўмни ташкил этиб, 3 мартага кўпайган.

Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, банк депозитларига жойлаштирилган маблағлар салмоқли ҳиссани ташкил этади. Қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялар эса 29 фоиз атрофида бўлса, кўчмас мулкларга қилинган инвестициялар 9 фоизни ташкил этали. Шунингдек, бошқа хўжалик жамиятларининг устав фондлари иштирок этиш орқали суғурта ташкилотлари томонидан 6-7 фоиз миқдордаги маблағ инвестиция қилинган.



Суғурта ташкилотлари инвестицияларининг ўсиб бориш тенденциясига қарайдиган бўлсак, охирги 4 йил давомида 3 баробарга ошган. Суғурта даъволарини сифатли кўриб чиқилиши ва қопламаларни тўлаб берилиши мижозларнинг суғурта ташкилотларига бўлган ишончини оширишининг энг асосий омиллари бўлиб хизмат қилади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, суғурта мукофотларининг охирги 4 йил давомида 3,3 маротабага ошганлигининг ҳам асосий омили суғурта қопламаларининг 6 маротаба ошганлигида деб ҳисоблаш мумкин. Ихтиёрий сугурта турлари бўйича суғурта қопламаларининг тўлаб берилиши эса 7,5 маротабага ошган. Сугурта бозорида йилдан-йилга давлат улуши иштирокидаги суғурта ташкилотларининг сони ва улуши камайиб бораётган бўлса, хусусий капитал эвазига ташкил этилаётган суғурта ташкилотларининг сони ва улуши эса ўсиб бормоқда. 2019 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси суғурта бозоридаги зарарлилик даражаси умумий ҳисобда 15,6 фоизни ташкил этган. Мажбурий суғурта турлари бўйича зарарлилик даражаси 30,1 фоиз ва их-

тиёрий суғурта турлари бўйича эса 12,6 фоизни ташкил этиши республика суғурта бозорида ривожланиш истиқболлари катта эканлигини кўрсатади.

Суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича уларнинг устав фондларига минимал талаблар қўйилган бўлиб, бу талаблар 2020-2022 йиллар давомида 2 мартагача оширилиши белгиланган. Қуйидаги жадвалда устав фондларига қўйилган талаблар кўрсатилган:

Суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) учун устав капиталининг
МИНИМАЛ МИҚДОРЛАРИ

Т/р	Суғурта фаолиятининг турлари	2020 йил 1 июлдан	2022 йил 1 июлдан
1.	Умумий суғурта ёки ҳаётни суғурта қилиш тармоғида **ихтиёрий суғурта**	15000	20000
2.	Умумий суғурта ёки ҳаётни суғурта қилиш тармоғида **мажбурий суғурта**	25000	35000
3.	**Фақат қайта суғурта**	35000	45000

Сугурта йиғимларининг йилдан-йилга ўсиб боришига қарамай, ҳозирги кунда суғурта йиғимларининг ҳажми республика ялпи ички маҳсулотига нисбатан 0,4 фоизни, яъни 5 еврони ташкил этади. Дунё бўйича ушбу кўрсаткич ўртача 6,1 фоизни, яъни 847 еврони ташкил этади. Миллий суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш, суғурта хизматларининг талаб юқори бўлган янги турларини жорий этиш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига бўлган ишончини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозори-

ни ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сонли Қарори қабул қилинган.

Мазкур қарор билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»га асосан 8 та муҳим йўналишлар бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, Суғурта соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири ва «Мажбурий суғурта турлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаларини ишлаб чиқилмоқда.

Шунингдек, суғурта соҳасини тартибга солиш ва такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 3 та қарори ва 11 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Суғурта фаолиятини тартибга солиш тизимини институционал ривожлантириш йўналиши бўйича суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар)нинг тўлов қобилияти нормативлари ҳамда суғурталовчилар томонидан суғурта захираларини ҳисоблаш методикаси, уларни шакллантириш ва жойлаштириш тартиблар қайта кўриб чиқилиб, Суғурта назорати халқаро ассоциациясининг асосий суғурта тамойиллари ва стандартларини инобатга олган ҳолда янги таҳрирда қабул қилиш кўзда тутилган.

Шунингдек, суғурта бозори учун янгилик сифатида суғурталовчиларнинг юқори турувчи бошқарув органларига тўғридан- тўғри бўйсунадиган, шунингдек, суғурталовчи тўлов қобилиятининг йўқлиги аломатлари ва нормативларнинг бузилганлиги аниқланган тақдирда ваколатли давлат органига бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган, суғурта ташкилотларида алоҳида актуарий штатини ташкил қилишни назар-

да тутувчи “тайинланган актуарий” институтини жорий этиш белгиланган.

Суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш йўналиши бўйича эса, “Суғурта агентлари тўғрисида”ги низомнинг янги таҳририни ҳамда “Аджестер, сюрвейер ва ассистанс хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида”ги низомларни ишлаб чиқиш мақсад қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмасининг фаолиятини самарадорлигини ошириш ва фаоллаштириш бўйича зарур чоралар кўриш орқали унинг суғурта фаолиятини ривожлантиришдаги ролини кучайтириш белгиланган.

Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини ошириш йўналиши бўйича суғурта ташкилотлари 2020 йилнинг охирига қадар халқаро рейтингларни олиши белгилаб қўйилган ҳамда уларнинг устав капиталларини ошириш бўйича ҳам амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Суғурта хизматларининг истеъмолчилари ва суғурта фаолиятининг бошқа субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, суғуртани оммалаштириш ва суғурта маданиятини ривожлантириш йўналиши бўйича суғурта бозорини ва умуман суғурта тўғрисидаги маълумотларни интернет тармоғида эълон қилиш амалиёти жорий этилади.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида суғуртанинг афзалликлари, замонавий суғурта хизматлари ҳақидаги маълумотлар, суғурта шартномаларини тузиш ва суғурта қопламаларини (суғурта суммалари) тўлаш тартиби, шунингдек,суғурта хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари кенг ёритилади.

Суғурта хизматлари ҳажми, кўламини кенгайтириш ва суғурта хизматлари сифатини ошириш йўналиши бўйича суғурта хизматларининг, айниқса бозор эҳтиёжларини ҳисоб-

га олган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини суғурталашнинг, микросуғурталаш, шунингдек, ҳаётни суғурталаш хизматларининг янги инновацион турлари ишлаб чиқилади ва жорий этилади.

Шунингдек, янги ва замонавий сотиш инструментларини жорий этиш йўли орқали суғурта маҳсулотларини сотиш каналларини кенгайтириш ҳамда экспорт қилинаётган товарларни бир вақтнинг ўзида юк сифатида суғурталаш механизмини жорий этиш ва миллий экспорт қилувчиларнинг кафолатланган суғурта ҳимояси билан таъминлашни инобатга олган ҳолда, капиталлар,товарлар ва хизматларни экспорт қилувчиларга суғуртакопламасини тақдим этиш тартиблари такомиллаштирилмоқда.

Суғурта фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш соҳасида ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш йўналиши бўйича электрон полисларни сотиш ва расмийлаштириш тартибини жорий қилиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, интернет тармоғида

Ўзбекистоннинг ягона суғурта порталини яратиш ҳам белгиланган. Суғурта бозори мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малақасини ошириш тизимини такомиллаштириш йўналиши бўйича махсус таълим курслари ва амалий тренинглар ташкил этиш, шунингдек, уларнинг ишлаб чиқариш амалиётини чет элда ўтказиш учун халқаро дастурлар ва жамғармаларнинг грантларини жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, олий таълим соҳасида хорижий давлатлар ҳукуматлари, шунингдек, чет эл олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш доирасида республикада суғурта иши мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ихтисослаштирилган илғор хорижий олий

таълим муассасаларининг филиалларини (факультетларини) ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида 2019 - 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантиришнинг қуйидаги мақсадли кўрсаткичларига эришиш режалаштирилган:

2019 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантиришнинг МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Кўрсаткичлар номи	2018 й. (факт)	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	Ўсиш
1.	Суғурта хизматларининг ЯИМдаги улуши *(фоиз)*	0,4	0,5	0,6	0,7	0,8	*2,0 баравар*
2.	Аҳоли жон бошига суғурта мукофотининг миқдори *(минг сўм)*	50,0	65,0	88,0	114,0	148,0	*3,0 баравар*
3.	Жами суғурта мукофотларининг ҳажми *(трлн сўм)*	1,6	2,1	2,9	3,8	5,2	*3,3 баравар*
4.	Суғурта ташкилотларининг жами устав капитали *(трлн сўм)*	0,5	0,8	0,9	1,0	1,2	*2,4 баравар*
5.	Суғурта ташкилотларининг жами активлари *(трлн сўм)*	2,5	3,0	3,6	4,3	5,2	*2,1 баравар*
6.	Суғурта ташкилотларининг жами инвестициялари *(трлн сўм)*	2,0	2,5	3,3	4,1	5,3	*2,7 баравар*
7.	Суғурта хизматлари турларининг сони *(бирлик)*	105	115	135	155	175	*1,7 баравар*
8.	Ҳудудий бўлинмалар сони *(бирлик)*	1 450	1 500	1 580	1 660	1 740	*1,2 баравар*

Асосий адабиётлар

1. Шеннаев Х.М., Очилов И.К., Ширинов С.Э., Кенжаев И.Ғ. Суғурта иши. Ўқув қўлланма.Т.: Иқтисод-молия, 2014. 247 б.

2. Абдурахмонов И., Абдураимова М., Абдуллаева Н. Суғурта назарияси ва амалиёти. Дарслик. –Т.: Иқтисод-молия, 2019. – 420 б.

3. Анисимов А. Ю. Страховое дело: учебник и практикум для СПО. – М.: Издательство Юрайт, 2018. – 186 с

4. Маслова Т. Медицинское страхование граждан. Новшества, возможности выбора. – М.: Библиотечка РГ, 2019. – 192 с Юлдашев О., Закирходжаева Ш. Ҳаёт суғуртаси. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2019. –384 б.

Қ.М. Қўлдошев,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
«Молия ва бухгалтерия ҳисоби» кафедраси
профессори, DSc

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ СУҒУРТА БОЗОРИДА СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақоланинг мақсади Ўзбекистон миллий суғурта бозоридаги рақобат даражаси, унинг даражасини белгиловчи кўрсаткичлар, мамлакат суғурта бозорида рақобатни ва хусусан соғлом рақобатни таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва бунда хорижий мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиш, хусусан, қонунчилик базасини такомиллаштириш борасидаги таклифлар кўзда тутилган. Бундан ташқари, мақолада рақобат даражасини ошириш ва суғурта хизматлари ҳажмини оширишда мамлакатда суғуртанинг мамлакатимизда оммавийлашмаган шаклларини ривожлантириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: суғурта, тижоратга асосланган суғурта, ўзаро суғурта, такафул суғурта, рақобат, соглом рақобат, шаффофлик, тендер танлов, тариф ставкаси.

Маълумки, ҳар қандай соҳанинг талаб даражасида ривожланишини таъминловчи муҳим омил бўлиб ушбу соҳада юқори даражада соғлом рақобатнинг шаклланганлиги ҳисобланади.

Мазкур омил дунёнинг кўплаб олимлари томонидан асослаб берилганлиги ва халқ орасида оммавийлашиб кетиши, унинг исбот талаб қилинмайдиган аксиома даражасидаги омил эканлигини эътироф этиш имконини беради. Ушбу ҳолат суғурта соҳасига ҳам бирдай тегишли бўлиб, суғурта хизматларининг ҳажми ва сифатини оширмоқчи бўлган ҳар қандай мамлакат асосий эътиборни ушбу масалага қаратиши ҳар жиҳатдан тўғри бўлади.

Суғурта бозоридаги кучли рақобат ушбу бозорда фаолият кўрсатаётган суғурта компаниясининг ўз устида доимий ишлашини, рақобатда ўз мавқеини сақлаб қолиш учун маркетинг тадқиқотларини олиб боришни, мамлакат ичкарисидаги ва ташқарисидаги ҳар жиҳатдан илғор суғурта компанияларининг тажрибаларини ўрганиш ва ўз фаолиятига татбиқ этиш, тариф ставкаларининг оптималлигини таъминлаш мақсадида актуар ҳисоблардан кенг фойдаланиш, тариф ставкаларини пасайтириш имконини берувчи инвестиця ва бошқа даромад манбаларидан самарали фойдаланиш, потенциал суғурталанувчиларни кўпроқ жалб қилиш ва мавжуд суғурталанувчиларни сақлаб қолиш мақсадида, турли кўринишдаги қўшимча хизматлар ва бонусларни қўллашга, суғурталанувчи манфаатларини кўпроқ эътиборга олувчи сугурта шартномаларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашга ҳаракат қилади. Шундай ҳаракатларни ўзининг фаолият мазмунига айлантирган суғурта компанияларининг миллий бозорда кўпайиши охир оқибатда суғурталанувчилар сонининг кўпайиши, тўпланаётган суғурта мукофотларининг сезиларли даражада ошиши ва суғурталанувчилар ўртасида суғурта компанияларига бўлган ишончнинг ортишига олиб келади.

Мамалакатимизда амал қилаётган суғурта қонунчилигида ҳам рақобат масаласи эътибордан четда қолмаган ва 2002 йил

5 апрелда қабул қилинган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддаси суғурта бозорида рақобатни ривожлантиришга бағишланган бўлиб, унда шундай дейилган: «суғурта бозорида рақобатни чеклаш ёки бартараф этишга, бир суғурталовчиларга бошқаларига қараганда асоссиз афзалликлар берилишига ёки олинишига, суғурта қилдирувчилар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига қаратилганфаолиятга йўл қўйилмайди»[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлашчора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорида кўзда тутилган вазифаларнинг кўпчилиги суғурталовчилар тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини ошириш, бунинг учун уларнинг капиталлашув даражасини ошириш, активлари сифатини яхшилаш ва инвестиция фаолиятини ривожлантиришга қаратилганлиги ҳам келажакда миллий суғурта бозорида рақобатни кучайтиришга шарт-шароит яратиб беради[2].

Шундай бўлсада, бугунги кун ҳолатидан келиб чиққанда, мамлакатимиз миллий суғурта бозорида рақобат муҳити зарур даражада шаклланмаган. Буни қуйидаги кўрсаткичлар даражалари билан асослаш мумкин:

– фаолият кўрсатаётшган суғурта компаниялари сони;
– таклиф этилаётган суғурта маҳсулотлари сони;
– тўпланаётган суғурта мукофотларининг ЯИМдаги ҳиссаси;
– киши бошига тўғри келаётган суғурта мукофотлари ҳажми;

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган. https://www. lex. uz/docs/40253.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлашчора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4412-сон қарори. https://www. lex. uz/docs/40253.

– суғурта мукофотлари билан суғурта қопламалари ўртасидаги нисбат;

– суғурта тариф ставкаларининг даражаси.

Битта суғурта компаниясига тўғри келаётган фуқаролар сони 830 минг кишини ташкил этмоқда (Қўшни Қозоғистонда ушбу кўрсаткич 654 минг кишини ташкил этди.) ва бу нисбатан паст кўрсаткич.

Таклиф этилаётган суғурта маҳсулотлари сони 2019 йилда берилган расмий маълумотга кўра 115 тани ташкил этган бўлиб, ривожланган мамлакатлар билан таққосланганда ушбу кўрсаткич катта фарқ билан орқада қолмоқда.

Тўпланаётган суғурта мукофотларининг ЯИМдаги ҳиссаси кўрсаткичи 2019 йилда Ўзбекистонда 0, 45 фоизни ташкил этди ва ушбу кўрсаткичда йиллар давомида сезиларли ўсиш юз бергани йўқ. Ушбу кўрсаткич қўшни Қозоғистонда 0, 80 фоиз, ривожланган давлатларда ўртача 8-10 фоизни ташкил этади.

Киши бошига тўғри келаётган суғурта мукофотлари ҳажми мамлакатимизда 2019 йилда 70 000 сўмдан камроқни (7 АҚШ доллари) ташкил этди, ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 2000-7500 АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Суғурта мукофотлари билан суғурта қопламалари ўртасидаги нисбат кўрсаткичи 2019 йилда жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси турларини қўшганда 35 фоиздан ортиқроқни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 60-70 фоизни ташкил этади.

Мамлакатимиз суғурта компаниялари томонидан қўлланилаётган тариф ставкаларининг даражаси кўпгина суғурта турлари бўйича юқори даражага эга.

Мамлакатимиз суғурта бозорида 2020 йилда тўпланган суғурта мукофотлари ҳажмида 2019 йилга нисбатан 4, 6 фоиз ҳажмида пасайиш юз берди. Ушбу ҳолатни пандемиянинг таъ-

сири деб қабул қилинди. Ваҳоланки, қўшни Қозоғистонда 2019 йилга нисбатан 2020 йилда тўпланган суғурта мукофотлари 12 фоиз ўсиш кўрсаткичига эга бўлди.

Юқорида келтирилган кўрсаткичларнинг барчаси мамлакатимиз суғурта бозорида рақобат даражасининг паст эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистонда суғурта фаолиятини амалга оширишда рақобат даражасининг пастлигига қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлмоқда дея эътироф этиш мумкин:

– суғурта бозорида соғлом рақобат муҳити тўлиқ шаклланмаган. Ушбу ҳолатни суғурта хизматларининг асосий истеъмолчилари ҳисобланган тижорат банклари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва йирик хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан суғурта компанияларини танлашда шаффоф тендер танловлари ташкил этилмаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

– тариф ставкаларини асоссиз равишда пасайтириш ёки кўтариш ҳолатлари давом этмоқда, яъни тариф ставкаларини актуар хизматларнинг хулосаларидан келиб чиққан ҳолда белгилашга асосий эътибор қаратилмайди. Ушбу ҳолатни мамлакатимиз миллий суғурта бозоридан иикки марта кичик бўлган Қозоғистонда йигирмага яқин актуарийлар фаолият кўрсатаётган бир пайтда Ўзбекистон суғурта бозорида атиги 5 та актуарий хизмат кўрсатаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

– айрим суғурта турлари, масалан, гаровга қўйилган мулкни суғурталашда кредит олувчиларнинг суғурта компаниясини эркин танлаш имконияти чекланган. Бу бўйича суғурта қилдирувчига суғурталовчини танлашда банк ходимининг таъсири сақланиб қолмоқда.

– суғурта қилдирувчи томонидан суғурта компанияси ёки суғурта хизматини танлашда таниш-билишларнинг тавсияси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Ваҳоланки, суғурта қил-

дирувчи суғурта компанияси ёки суғурта маҳсулотини мавжуд ахборотларни таҳлил қилиш асосида ўзи танлаши лозим. Аслида бундай маълумотлар шаффофлиги таъминланмаган.

– табиий монопол ва монопол мавқега эга бўлган давлат компаниялари, корхоналари томонидан суғурта маҳсулотларини харид қилишда очиқ ва шаффоф тендер танловларини ташкил этиш яхши йўлга қўйилмаган.

Ўзбекистон миллий суғурта бозорида кучли рақобат муҳитини шакллантириш учун биринчи ўринда муҳим ҳисобланган қуйидагиларни таклиф этамиз:

– дунёнинг ривожланган мамлакатларида ва қолаверса қўшни мамлакатларда тижорат суғуртаси билан бирдай ривожланиб келаётган суғуртанинг нотижорат шакли ҳисобланган ўзаро суғуртани ҳамда сўнгги йилларда ислом мамлакатларида ва қолаверса АҚШ ва Европа мамлакатларида тезлик билан ривожланаётган такафул суғуртани оммавийлаштиришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш, ушбу суғурта шаклларининг ҳуқуқий таъминотини такомиллаштириш зарур. Ўзаро суғурта тўғрисида алоҳида қонун Қозоғистонда 2006 йилда, Россияда 2007 йилда қабул қилинган бўлиб, мамлакатимизда ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганига икки йил бўлган бўлсада ҳалигача Олий мажлисга муҳокамага киритилмаган. Фуқаролик кодексидаги ўзаро суғурта тўғрисидаги моддага биз томонимиздан таклиф этилган ўзгартиришлар қисман киритилди. Ўзаро суғурта жамиятларига шахсий суғурта турлари билан шуғулланиш мумкинлигини белгилаб қўйиш тўғрисидаги таклифимиз фуқаролик кодексининг янги таҳририда аниқ кўринишда ўз аксини топмади. Ваҳоланки, дунё мамлакатларида ўзаро суғурта жамиятларининг катта қисми шахсий суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқда.

– суғурта қонунчилигимиздаги чет эл суғурта компанияларининг Ўзбекистон миллий суғурта бозорида фаолият кўрсатишларига қўйилган таъқиқни маълум даражада очиш керак. Дунёнинг аксарият мамлакатларида бундай чекловлар мавжуд эмас. Чет мамлакатларнинг илғор сугурта компанияларининг суғурта бозоримизга кириб келиши уларнинг илғор тажрибаларини ўрганишимизга ва амалиётда қўллашимизга имконият яратиб беради, шу билан бирга бозорда рақобатнинг кучайишига, тариф ставкаларининг пасайишига олиб келади. Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш борасида олиб борилаётган ҳаракатларни эътиборга олганда суғурта қонунчилигидаги бундай чекловни олиб ташлаш келажакда ушбу ташкилотнинг талаби билан ҳам амалга оширилиши тайин.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, суғурта хизматлари мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш билан бирга катта инвестиция манбаи бўлиб хизмат қилишини эътиборга олганда ушбу бозорни ривожлантиришга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Бунда албатта ушбу бозорда кучли ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш сугурта бозорининг ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган. https://www. lex. uz/docs/40253.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш-чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4412-сон қарори. https://www. lex. uz/docs/40253.

3. Жук И. Н. Управление конкурентоспособностью страховых организаций, -М.: Анкил, 2015. С. 286.

4. Қўлдошев Қ. М. Ўзбекистонда ўзаро суғурталашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Монография, Т.: «Iqtisodiyot» ДУК, 2020.

Х.М. Шеннаев,
Тошкент молия институти «Суғурта ва пенсия иши»
кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШДА СУҒУРТАНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада иқтисодиёт ва суғуртанинг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари суғурта соҳасидаги халқаро тадқиқотчи ва экспертларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланган ҳолда илмий таҳлил этилган. Шунингдек, 2019 йилда ЯИМ ҳажми бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллаган 16 та давлат мисолида иқтисодий тараққиётга эришишда суғуртанинг ўрни статистик маълумотлар асосида кўрсатиб берилган. Юксак даражада ривожланган иқтисодиёт суғуртанинг аҳоли ва корхоналар орасига чуқур кириб боришини таъминлаши асосланган. Мақолада МДҲга аъзо-мамлакатлар иқтисодиётида суғуртанинг ўрнига баҳо берилган.

Таянч сўзлар: суғурта, суғурта бозори, суғурта компаниялари, ялпи ички маҳсулот, суғурта сектори, сугурта мукофоти, ҳаёт суғуртаси.

Иқтисодий тараққиётга эришишда суғуртанинг аҳамиятига оид илмий-тадқиқот ишлари кўплаб олим ва мутахассислар томонидан амалга оширилган. Хусусан, Milijana Novović Burić ва бошқаларнинг фикрича, сугурта бизнеси иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади [1]. Чунки, ривожланган суғурта бозори мамлакатнинг иқтисодий ўсишини

рағбатлантиради. Ушбу муаллифлар ҳаёт суғуртасининг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги роли ҳақида тадқиқот ўтказиб, қуйидаги хулосага келишган: «Суғурта компаниялари бизнесининг барқарорлиги, хавфсизлиги ва масъулиятлилиги ҳаёт суғуртаси маҳсулотлари ёрдамида аҳолининг суғурта тизимига бўлган ишончига таъсир қилади». Бизнинг фикримизча, фуқароларнинг ҳаёт суғуртасига оид маҳсулотлар ҳақида тушунча ва маълумотларга эга бўлиши суғурта бозорининг ривожланишига олиб келади.

Ҳар бир давлатнинг иқтисодий ҳолати айни пайтда суғурта секторининг ҳолатини ўзида акс эттиради. Бу ҳақда Afzalur Rashidn тўхталиб, иқтисодий тараққиёт аҳолининг тўлов қобилиятини оширади, деб ҳисоблайди [2]. Wong Hong Chau ва бошқалар ўтказган тадқиқот натижалари сўнгги йилларда суғурта фаолияти ва иқтисодий тараққиёт ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масаласи ўзига катта эътиборни қаратганини, бу борада амалга оширилган эмпирик тадқиқотлар суғурта сектори ва иқтисодий ривожланиш ўртасида узоқ муддатли ўзаро боғлиқлик мавжуд эканлигини тасдиқлаган [3]. Peter Haiss, Kjell Sümegi суғурта хизматларининг аҳоли учун қулайлиги иқтисодиёт барқарорлиги учун муҳим аҳамиятга эга ва бу ҳолат, бизнес иштирокчиларини юқори рискларни қабул қилишга мажбур қилиши мумкин, деган ғояни илгари суради [4]. Суғурта компаниялари қабул қилинган рисклар ҳажмига мос келадиган суғурта захираларини шакллантиришлари лозим.

Суғурта компаниялари жабрланганларга суғурта қопламаси тўланишини кафолатлаш орқали юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштиради. Шуни ҳисобга олган ҳолда David Okelue Ugwunta ва Uche Boniface Ugwuanyi ўтказган тадқиқотларнинг кўрсатишича, корхона ва

ташкилотларда товар ва хизматларни, айниқса, қиммат товар ва хизматларни сотиб олишга мойиллик ҳосил бўлади [5]. Шу сабабли, суғурта ишлаб чиқариш ва бандликни рағбатлантиради ҳамда товар ва хизматларга талаб ва истеъмолни барқарорлаштиради. Агар суғурта компаниялари бўлмаганида иқтисодий зарарларнинг катта қисми қопланмасдан қолар, бинобарин, умумий иқтисодий фаровонликка эришиб бўлмас эди. Бошқача сўз билан ифодалаганда, юқори даражада хавфсизликни таъминлаш орқали суғурта иқтисодий ўсишга ёрдам беради ва инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилади.

Zuzana Richterková, Petr Koráb тасодифий самарадорликка асосланган метатаҳлил моделидан фойдаланган ҳолда суғурта секторининг иқтисодий ўсишга таъсирини тадқиқ этишган [6]. Тадқиқот натижалари метатаҳлил орқали аниқланган самарадорликнинг умумий миқдори ижобий эканлигини ва шу боис суғурта сектори иқтисодий ўсишга самарали таъсир кўрсатишини тасдиқлаган. Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, рискларни юмшатувчи механизм сифатида суғурта замонавий иқтисодиёт тараққиётида катта аҳамият касб этмоқда. Глобал суғурта компанияларидан бири AXA Group экспертлари Denis Kessler, Amélie de Montchalin ва Christian Thimannнинг қайд этишича, инсон фаолиятининг катта қисми ноаниқликлар билан боғланган [7]. Иқтисодий ўсиш эса молиявий ва бошқа рисклар билан боғлиқ қарорлар қабул қилишга асосланган.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, 2019 йилда жаҳон бўйича ЯИМ ҳажми 87698 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, унинг 67199, 7 млрд. АҚШ, доллари ёки 76, 6 фоизи ушбу кўрсаткич бўйича рейтингда энг юқори ўринларни эгаллаган 16 та давлат ҳиссасига тўғри келган [8]. Буни қуйидаги

жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин (1-жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2019 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми бўйича АҚШ жадвалда келтирилган давлатлар ичида биринчи ўринни эгаллаган. АҚШ нафақат, суғурта мукофотларининг ЯИМдаги салмоғи, балки аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти миқдори бўйича ҳам етакчилик қилмоқда. Swiss Re Institute халқаро тадқиқот маркази эълон қилган статистика бўйича 2019 йилда АҚШ суғурта сектори 2 460, 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида суғурта мукофотлари тўплашга эришган [10]. Бу жаҳон суғурта бозорининг 39, 1 фоизига тенг демакдир. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, АҚШда суғурта сектори иқтисодиётнинг барча жабҳаларини қамраб олган ва аҳоли ичига кириб борган.

1-жадвалда келтирилган маълумотлар АҚШдан ташқари Корея Республикаси (10, 78), Буюк Британия (10, 30), Франция (9, 21), Япония (9), Италия (8, 3), Канада (7, 67) ва Германия (6, 33)да суғуртанинг ЯИМдаги улуши юқори эканлигини кўрсатмоқда. Бироқ, ЯИМ ҳажми бўйича жаҳонда юқори ўринларда турган айрим давлатларда суғуртанинг иқтисодиётдаги ўрнини яхши деб бўлмайди. Масалан, 2019 йилда Ҳиндистон ЯИМ ҳажми бўйича дунёда бешинчи ўринни эгаллаган. Ҳолбуки, шу йили мазкур давлатда суғурта мукофотларининг ЯИМдаги улуши 3, 76 фоизни ташкил этган. Албатта, ушбу кўрсаткичга демографик омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Россия Федерациясида эса суғуртанинг ЯИМдаги салмоғи 1, 35 фоизга тенг бўлган. Бу ҳолат ушбу давлатда суғуртанинг иқтисодиёт ривожланишига таъсири юқори эмаслигидан далолат беради.

1-жадвал

Суғуртанинг иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи асосий кўрсаткичлари [9] (2019 йил)

Мамлакатлар	**Жаҳон суғурта бозоридаги улуши** (фоизда)	**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти** (АҚШ доллари)	**Суғуртамукофотининг ЯИМдағиулуши** (фоизда)	**Суғурта мукофоти** (млрд. АҚШ доллари)	**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми** (АҚШ доллари)	**ЯИМ ҳажми** (млрд. АҚШ доллари)
АҚШ	39, 1	7 495	11, 43	2460, 1	65, 118. 4	21427, 7
Хитой	9, 81	430	4, 30	617, 4	10, 261. 7	14342, 9
Япония	7, 30	3 621	9, 00	459, 3	40, 246. 9	5081, 8
Германия	3, 88	2 934	6, 33	243, 8	46, 258. 9	3845, 6
Ҳиндистон	1, 69	78	3, 76	106, 7	2, 104. 1	2875, 1
Буюк Британия	5, 82	4 362	10, 30	366, 2	42, 300. 3	2827, 1
Франция	4, 17	3 586	9, 21	262, 3	40, 493. 9	2715, 5
Италия	2, 67	2 764	8, 3	167, 8	33, 189. 6	2001, 2
Бразилия	1, 18	351	4, 03	74, 1	8, 717. 2	1839, 8
Канада	2, 1	3 548	7, 67	133, 2	46, 194. 7	1736, 4
Россия Федерацияси	0, 36	157	1, 35	22, 9	11, 585. 0	1699, 9
Корея Республикаси	2, 77	3 366	10, 78	174, 5	31, 762. 0	1642, 4
Испания	1, 13	1 508	5, 10	71, 0	29, 613. 7	1394, 1
Австралия	1, 09	2 702	4, 95	68, 7	54, 907. 1	1392, 7
Мексика	0, 48	239	2, 42	30, 5	9, 863. 1	1258, 3
Индонезия	0, 35	82	1, 99	22, 3	4, 135. 6	1119, 2

АКРА таҳлилий-рейтинг агентлиги мамлакатнинг фаровонлик даражаси (аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми) ва ҳаёт суғуртасидан ташқари, бошқа суғурта турлари (non-life) бўйича суғурта мукофотининг ЯИМдаги салмоғи ўртасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжудлигини қайд этган [11]. Мазкур агентликнинг баҳолашича, 2007-2018 йилларда иккала кўрсаткич ўртасидаги Пирсон корреляция коэффициенти 0,89 га тенг бўлган. АКРА агентлигининг хулосасини юқорида келтирилган жадвал маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Масалан, 2019 йилда АҚШда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми 65 118,4 АҚШ долларини ташкил этган. Айни шу даврда non-life ва life суғурта мукофотининг ЯИМдаги салмоғи 11,43 фоизга тенг бўлган. Яна бир мисол: 2019 йилда Буюк Британияда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 42 300,3 АҚШ долларини ташкил этган ҳолда суғурта мукофотининг ЯИМдаги салмоги 10,30 фоизга тенг бўлган. Бунга яна Корея Республикаси, Япония, Франция, Канада ва Италияни мисол келтириш мумкин.

Бизнинг фикримизча, айрим мамлакатларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ва ушбу мамлакатларнинг жаҳон суғурта бозоридаги улуши ўртасида нотекис корреляцион боғлиқлик мавжуд. Жумладан, 2019 йилда АҚШда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти 7495 АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, унинг жаҳон бозоридаги улуши 39,1 фоизга тенг бўлган. Худди шундай, Японияда ҳам аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти 3621 АҚШ долларини ва мазкур мамлакатнинг жаҳон суғурта бозоридаги улуши 7,30 фоизни ташкил этган. Бироқ, 2019 йилда жаҳон суғурта бозорининг 9,81 фоизи Хитойга тўғри келган. Ушбу кўрсаткич бўйича Хитой АҚШдан кейин иккинчи

ўринда туради. Лекин, Хитойда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти 430 АҚШ долларига тенг бўлган. Мазкур кўрсаткич бўйича Хитой АҚШдан 17,4 марта ортда қолган. Бу ерда, албатта, Хитой аҳолиси сонини ҳам эътиборга олиш лозим.

Тадқиқот натижалари суғуртанинг иқтисодий ўсишдаги аҳамияти катта эканлигини кўрсатди. Liyan Han ва бошқалар сугуртанинг иқтисодиётга таъсирига доир кўплаб тадқиқот ишларининг таҳлилига асосланиб суғурта фаолияти иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатиши керак, деган фикрни ўртага ташлаган [12]. Бироқ, улар ушбу таъсир мамлакатларнинг иқтисодий ҳолатига кўра ва суғурта бизнесининг йўналишлари бўйича фарқ қилиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Denis Kessler ва бошқаларнинг фикрига кўра, заиф иқтисодий ривожланиш, одатда, суғуртанинг иқтисодиёт ва аҳоли орасига паст даражада кириб борганлиги билан боғлиқ [13]. ЯИМ ҳажми аҳоли жон бошига 3000 АҚШ долларидан 5000 АҚШ долларигача миқдорда тўғри келганда ЯИМ ҳажмининг ўсишига нисбатан суғуртанинг иқтисодиёт ва аҳоли орасига кириб бориш даражаси тезроқ ўсади.

Қуйидаги жадвалда ушбу МДҲга аъзо-мамлакатлар иқтисодиёти ва суғурта секторининг ривожланишини ифода этувчи кўрсаткичлар келтирилган (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

МДҲга аъзо-мамлакатларнинг иқтисодий ва суғурта секторини ривожланиш ҳолатини акс эттирувчи кўрсаткичлар [14] (2019 йил)

Мамлакатлар	**ЯИМ ҳажми,** (млрд. АҚШ доллари)	**Аҳоли жон бошиға тўғри келадиган ЯИМ ҳажми** (АҚШ доллари)	**Суғурта мукофоти** (млрд. АҚШ доллари)	**Суғурта мукофотининг ЯИМдаги улуши** (фоизда)	**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти** (АҚШ доллари)	**Жаҳон суғурта бозоридаги улуши** (фоизда)
Россия Федерацияси	1699, 9	11585, 0	22, 9	1, 35	157	0, 36
Қозоғистон	180, 2	9731, 1	1, 2	0, 69	53	0, 02
Украина	153, 8	3659, 0	2, 2	1, 52	66	0, 04
Беларусь	63, 1	6663, 3	0, 7	1, 06	71, 3	0, 01
Ўзбекистон	57, 9	1724, 8	0, 2	0, 4	7, 9	0, 004
Озарбайжон	48, 0	4793, 6	0, 6	1, 2	39, 8	0, 01
Туркманистон	40, 8	6966, 6	-	-	-	-
Арманистон	13, 7	4622, 7	0, 1	0, 7	34, 7	0, 002
Молдова	11, 9	4498, 5	0, 1	0, 8	34, 8	0, 001
Қирғизистон	8, 5	1309, 4	0, 02	0, 2	2, 9	0, 0003
Тожикистон	8, 1	870, 8	0, 02	0, 3	2, 6	0, 0004

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, МДҲ мамлакатларидан бирортаси жаҳон суғурта бозорида 0,5 фоиздан кўп улушга эга эмас. Ҳолбуки, Россия Федерацияси бундан олдинги жадвалда кўрганимиздек, 2019 йилда ЯИМ ҳажми бўйича дунёда 11 ўринни эгаллаган. Тўғри, Россия МДҲ мамлакатлари орасида жадвалдаги, айтарли, барча кўрсаткичлар бўйича юқори ўринга эга. Фақат, суғурта мукофотининг ЯИМдаги улуши бўйича Украина Россиядан бироз юқори кўрсаткичга эга бўлган.

МДҲ мамлакатларининг 7 тасида ёки 63,6 фоизида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми 4000 АҚШ долларидан юқори. Таққослаш учун: G7 гуруҳига кирувчи давлатларда (Италиядан ташқари) аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми 40000 доллардан ошади, яъни МДҲ мамлакатларининг тегишли кўрсаткичидан 10 баравар юқори.

2-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2019 йилда Тожикистонда суғуртанинг ЯИМдаги улуши 0,3 фоизни ташкил этган. Энг ачинарлиси, ушбу давлатда аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми 870,8 АҚШ долларига тенг бўлган. Жаҳон банки маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткич бўйича Тожикистон дунёда 211 давлат ичида 189 ўринни эгаллаган. Мазкур мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти 2,6 АҚШ долларини ташкил этган.

Юқоридагиларни умумлаштириб хулоса қилиш мумкинки, МДҲга-аъзо давлатларда иқтисодиётнинг унчалик тараққий этмаганлиги суғурта секторининг умумий ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Суғуртанинг иқтисодиёт ва аҳоли орасига кириб бориш даражаси, яъни сугурта мукофотининг ЯИМдаги улуши жуда паст. Худди шундай, аҳоли жон бошига тўғри келадиган сугурта мукофоти ҳам Россияни ҳисобга олмаганда 2019 йилда 100 АҚШ долларидан ошмаган. Демак, суғурта ва иқтисодий тараққиёт ўзаро бир-бирига чуқур боғланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Milijana Novović Burić and other. Impact of economic factors on life insurance development in Western Balkan Countries. Zbornik Radova Ekonomskog Fakultet au Rijeci (2017) 35 (2):331-352. DOI:10. 18045/zbefri. 2017. 2. 331. https://www. researchgate. net/publication/ 322399714_Impact_of_ economic_ factors_on_ life_insurance_development_in_Western_Balkan_Countries.

2. Afzalur Rashidn. Board independenceand firm performance: Evidencefrom Bangladesh, Future Business Journal 4 (2018) 34–49. https://www. sciencedirect. com/science/article/pii/ S2314721016300238.

3. Wong Hong and other. Economic Development Cointegration and Malaysian Life and General Insurance Consumption. Australian Journal of Basic and Applied Sciences, 7 (10): 538-546, 2013 ISSN 1991-8178. https://www. researchgate. net/publication/282787957_ Economic_Development_Cointegration_and_Malaysian_ Life and_General_Insurance_Consumption.

4. Peter Haiss, Kjell Sümegi. The Relationship of Insurance and Economic Growth – A Theoretical and Empirical Analysis. Paper for presentation at the 2006 EcoMod Conference, Hongkong, June 28-30, 2006. https://ecomod. net/sites/default/files/document-conference/ecomod2006/1454. pdf.

5. David Okelue Ugwunta & Uche Boniface Ugwuanyi. Insurance Development and Economic Growth: An Examination of the Non-Bank Financial Institutions in Nigeria. International Journal of Financial Research, Vol. 10, No. 2; 2019. DOI: https:// doi. org/10. 5430/ijfr. v10n2p16. http://www. sciedupress. com/ journal/index. php/ijfr/article/ view/14934.

6. Zuzana Richterková, Petr Koráb. Impact of Insurance Sector Activity on Economic Growth – a Meta-analysis. Acta Universitatis Agriculturae et Silviculturae Mendelianae Brunensis.

Volume LXI 300 Number 7, 2013. http://dx. doi. org/10. 11118/ actaun201361072677. https://acta. mendelu. cz/media/ pdf/actaun_ 2013061072677. pdf.

7. Denis Kessler, Amelie de Montchalin and Christian Thimann. Insurance is Invisible Yet Everywhere, AXA Groupe. (2016). https://www-axa-com. cdn. axa-contento-118412. eu/www-axa-com%2Feec4f313-4fa7-42a0-a9e8-ed8119968 ff9_ axa_brochure_ insurance-everywhere. pdf.

8. Gross domestic product 2019. https://databank. worldbank. org/ data/download/GDP. pdf. GDP (current US$) World Bank national accounts data and OECD National Accounts data files. https://data. worldbank. org/ indicator/NY. GDP. MKTP. CD.

9. Жаҳон банки (World Bank) ва Swiss Re institute тадқиқот марказининг расмий веб-сайтларидан фойдаланган ҳолда тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган. (GDP per capita (current US$). https://data. worldbank. org/ indicator/NY. GDP. PCAP. CD? end=2018&start=1960& view=chart).

10. World insurance: riding out the 2020 pandemic storm. Swiss Re Sigma No 4 /2020. https://www. swissre. com/dam/ jcr:05ba8605-48d3-40b6-bb79-b891cbd11c36/sigma4_2020_ en. pdf.

11. Развитие страхового сектора отражает уровень благосостояния страны. Анализ международной статистики рынков страхования. 20 февраля 2020. https://www. acra-ratings. ru/ research/1671.

12. Liyan Han and other. Insurance Development and Economic Growth. The Geneva Papers, 2010, 35, (183–199), 2010 The International Association for the Study of Insurance Economics 1018-5895/10. www. palgrave-journals. com/gpp/.

13. Denis Kessler, Amelie de Montchalin and Christian Thimann. Insurance and Economic Development: Growth, Stabilization and

Distribution. International Labor Office Geneva: ILO, 2016, 37 p. (Paper; no. 46), ISBN: 978-92-2-126328-9 (Web PDF). http:// www. impactinsurance. org/sites/default/files/MP46%20final. pdf.

14. Жаҳон банки (World Bank) ва Swiss Re institute тадқиқот маркази ҳамда тегишли давлатларнинг Молия вазирликлари, Марказий (Миллий) банклари ҳамда молия бозорини тартибга солувчи давлат органлари расмий веб-сайтларидан олинган маълумотлар асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

У.Т. Хайитматов,
доцент.
Ш.Р. Джуманиязов,
старший преподаватель.
Институт повышения квалификации кадров
и статистических исследований

ВОЗМОЖНОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СТРАХОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация. В работе рассматривается роль цифровых технологий в развитии страхования. Проводится анализ страховой деятельности в условиях рыночной экономике. Показаны направления развития цифровых технологий и перспективы их использования на рынке страхования.

Ключевые слова: цифровое страхование, цифровизация, страховой рынок, цифровые технологии, цифровая экономика.

Ежегодно значение цифровых технологий значительно растет, что ведет к существенным переменам. Меняется отношение общества к цифровизации различных сфер деятельности: развитие экономики уже трудно представить без использования развитых технологий. Проникновение цифровизации в страховую деятельность позволяет полностью ее трансформировать.

Страхование–один из самых динамично развивающихся секторов рынка, предназначенных для преодоления и возмещения разного рода потерь, ущерба в результате непредвиденных случайностей. Страхование на рынке – это система экономико-правовых отношений, позволяющих, с одной стороны,

защитить предпринимательство и благосостояние людей, а с другой – принести доход от страховой деятельности, от инвестиций временно свободных средств в ценные бумаги; банковские депозиты и т. д. Объектом купли-продажи на страховом рынке выступает страховая защита, формирующая спрос и предложение на нее [1].

Применение новых информационных технологий становится принципиальным условием для достижения и удержания страховыми компаниями лидирующих позиций на рынке. Все лидеры страхового рынка уже достигли высокого профессионализма непосредственно в области осуществления страховых операций, поэтому теперь успех или не успех страховщика во многом определяется технологической оснащенностью. Ведь именно от уровня технической подготовленности компании зависит скорость и качество обработки растущих потоков информации, а значит, и обслуживания клиентов. Особенно актуально это становится в том случае, когда компания обслуживает массовый поток клиентов – сотни тысяч или даже миллионы в год.

На современном рынке информационные технологии страхования являются той движущей силой, которая позволяет страховым компаниям успешно взаимодействовать со все более требовательными клиентами. Потребители, хорошо разбираясь в технологических новинках и активно используя их в повседневной жизни, ожидают соответствующего технологичного уровня обслуживания и от страховщиков.

Цифровое страхование – это способ удовлетворения потребностей страхователей при помощи цифровых технологий. Оцифрование страховой деятельности развивалось постепенным внедрением онлайн сервисов, мобильных приложений, которые значительно облегчают жизнь страхователям. Но

в условиях пандемии начала 2020 года, которая коснулась различных сфер рыночной экономики страховым компаниям пришлось трансформировать свои процессы в онлайн, не потеряв в их качестве.

Интернетизация страхового рынка подразумевает использование сети Интернет в деятельности цифровых компаний. Интернет-страхование значительно шагнуло вперед и имеет ряд преимуществ, которые уже оценили потребители страховых продуктов. Например, можно не выходя из дома рассчитать стоимость страхового продукта с помощью онлайн – калькулятора, получить консультацию по любому виду страхования и даже, не выходя из дома заключить электронный договор страхования. Интернетизация также позволяет урегулировать страховой случай, получить страховое возмещение через Интернет [2].

Дигитализация всех бизнес-процессов страховщика с помощью цифровых технологий применяется на всех этапах страхования, начиная от покупки страхового продукта и заканчивая урегулированием страхового случая. На уровень дигитализации влияет развитие блокчейн-технологий, набравшие большую популярность. Большая конкуренция между страховыми каналами, безопасность, нехватка кадров и огромные затраты на цифровизация деятельности создают проблемы дигитализации. Основная сложность заключается в огромных затратах на информационное оборудование и обучение специалистов. Третьим направлением цифровизации страховой отрасли является индивидуализация предложений страховых продуктов.

Цифровизация и использование информационно – коммуникационных технологий позволяет страховой компании собирать необходимую информацию, анализировать ее и формировать индивидуальное предложение для страхователя. Развитие данного направления во многом будет зависеть от развития

таких технологий как Big Data. На сегодняшний день уровень развития Big Data в республике Узбекистан только начинается.

Как показывает практика во всех направлениях цифровизации страхования существуют свои проблемы, причинами которых, как правило, являются сами компании, страхователи, конкуренция и т. д. Однако, можно сделать вывод, что рынок страхования находится в процессе перехода на качественно новый этап развития, и претерпевает сильные изменения в лучшую сторону. А это возможно только благодаря внедрению в экономику и, в частности, в страховую отрасль новых цифровых технологий, которые повлияют на технологию страхования, но при этом экономическая сущность страхования останется неизменной.

В результате использования цифровых технологий в страховой деятельности: повысятся эффективность и рентабельность страховой деятельности; осуществится конвергенция взаимного и коммерческого страхования; произойдет социализация страховых отношений; появятся новые страховые услуги и продукты; изменится рынок труда в сфере страхования (замещение автоматизированными системами управления и роботами части страховых агентов, специалистов низшего и среднего звена).

Список использованной литературы:

1. Цыганов, А.А. Брызгалов, Д.В.Цифровизация страхового рынка: задачи, проблемы и перспективы // Экономика. Налоги. Право. 2018. № 2. С. 111-120.

2. Котлобовский, И.Б., Сириченко, Н. В. Инновационные информационные технологии для страховой отрасли // Финансы. 2017. № 9. С. 38-44.

А.Г. Шаробиддинов,
«Кафолат суғурта компанияси» АЖ
Суғурта бўйича компания директори, и.ф.н.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ: АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон суғурта бозори ва мажбурий суғурта фаолияти, таҳлиллар, мажбурий суғурта турлари бўйича мавжуд муаммолар, ечимини кутаётган масалалар, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ ечимлар берилган. Шунингдек, Ўзбекистонда мажбурий суғурта турларининг қонунчилик базасини такомиллаштириш, янги мажбурий суғурта турини амалиётга жорий этиш бўйича таклифлар киритилган.

Калит сўзлар: суғурта, суғурта бозори, мажбурий суғурта, суғурта мукофоти, жавобгарлик, тўлов, зарарлилик даражаси


Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бир бўлаги сифатида суғурта йўналиши ўз ривожланиш босқичига кириб бормоқда. Миллий суғурта бозори жисмоний ва юридик шахсларга ҳам моддий ҳам маънавий ҳимояни тақдим этувчи воситага айланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон суғурта бозорида фаолият олиб бораётган 40 дан ортиқ турли мулкчилик шаклидаги суғурта компанияларининг устав капитали миқдори 1, 5 трлн. сўмни, инвестициялари ҳажми 3, 4 трлн. сўмни, суғурта захирлари

ҳажми 1, 9 трлн. сўмни ташкил этмоқда. Молия-кредит ташкилотларига киритилган депозитлар миқдори 1, 9 трлн. сўмга етиб, тижорат банклари кредит қўйилмалари ошишига замин яратмоқда.

2020 йилда суғурта ташкилотлари томонидан жисмоний ва юридик шасхлар билан 6, 2 млн. дона суғурта шартномалари имзоланиб, 1 091, 1 трлн. сўмлик суғурта мажбуриятлари қабул қилинган. Тузилган суғурта шартномаларининг 56 фоизи, олинган жавобгарликнинг 27 фоизи, суғурта мукофотларининг 16фоизи, суғурта тўловларининг 18 фоизи мажбурий суғурта турлари ҳиссасига тўғри келган (1-расм).

2020 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ *(УМУМИЙ ВА ҲАЁТ СУҒУРТАСИ ТАРМОҚЛАРИ)* АСОСИЙ КЎСАТКИЧЛАРИ **1-расм**



Умумий суғурталаш тармоғига эътиборни қаратсак, 2020 йилда суғурта мукофотларининг 12, 9 фоизи, олинган мажбуриятларнинг 25, 4 фоизи, суғурта тўловларининг 11, 1 фоизи мажбурий суғурта турлари ҳиссасига тўғри келган.


Таҳлил маълумотлари Молия вазирлигининг расмий сайти (mf. uz)маълумотлари асосида тайёрланган бўлиб, мажбурий суғурта турлари сифатида Транспорт воситалари эгаларининг

фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (ТВЭФ-ЖМСҚ), Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (ИБФЖМСҚ), Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (ТФЖМСҚ), Қурилиш-монтаж таваккалчиликларини мажбурий суғуртаси (532-сон, 20. 12. 1999й.), Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг жавобгарлиги суғуртаси (271-сон, 10.12.2008 й.) ва бошқа суғурта турлари киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 52-боб, 922-моддасига (Мажбурий суғурта) асосан мажбурий суғурта Қонунда кўрсатилган бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулки уларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимолини назарда тутиб, шунингдек, бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши ёхуд бошқа шахслар билан тузилган шартномаларнинг бузилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ўзининг фуқаровий жавобгарлиги хавфини суғурта қилиш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

2-расм

УМУМИЙ СУҒУРТАЛАШ ТАРМОҒИДА 2020 ЙИЛДА МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ТУРЛАРИНИНГ УЛУШИ



тўғ.из сайти маълумотлари асосида тайёрланган

Бугунги кунда умумий суғурталаш тармоғида қонун билан амалиётга киритилган 3 та мажбурий суғурта мавжуд бўлиб, суғурта мукофотлари ҳажми бўйича транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тури етакчи ҳисобланади (2-расм).

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси (ТВЭФЖМСҚ) 2008 йилда амалга киритилган бўлиб, 2021 йил 1 май ҳолатига умумий суғурталаш тармоғини 20 та суғурта ташкилоти мазкур мажбурий суғурта тури бўйича фаолият юритмоқда (3-расм).

Ушбу мажбурий суғурта турининг амалиётга жорий этилиши ҳам иқтисодиёт, ҳам жамият муносабатларида мавжуд кўплаб муаммоларни ечимини топиш имкониятини яратди. Бир йилда 10 минг атрофидаги суғурта ҳодисалари бўйича тўловлар амалга оширилмоқда.

2021 йил 1 май ҳолатига ТВЭФЖМСҚ бўйича йиғилган суғурта мукофотлари, млн. сўмда **3-расм**

(tkj.uz сайти маълумотлари асосида, оператив маълумотлар)



Мажбурий суғуртанинг амалиётга киритилиши суғурта бозорига минглаб суғурта агентларининг кириб келиши ва янги иш ўринларининг яратилишига имкон яратди. Мазкур мажбу-

рий суғурта тури ўтган 13 йиллик ўзининг тарихида такомиллаштириб борилиб бугунги кунда мижоз учун ихчам, шаффоф хизмат сифатида шаклланиб бормоқда.

Биргина Россия Федерациясида ҳам мазкур мажбурий суғурта тури 20 йил ичида бир неча бор замон талаблари асосида такомиллаштирилиб борилмоқда.

Шу қаторда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта бозорида айрим муаммолар мавжуд, жумладан:

а) суғурта тўловларини кўриб чиқишнинг аниқ методикаси, тизими ҳалигача мавжуд эмас, суғурта даъво аризалари ҳар қайси суғурта ташкилотида турлича талқин асосида кўриб чиқилади, суғурта қопламаларини амалга оширишда ойлаб кечикиб тўлаш ҳолатлари мавжуд;

b) иқтисодиёти ривожланган ва ривожланиб бораётган мамлакатларда мижозлар учун уларнинг суғурта даъво аризаларини онлайн кузатиб бориш *(ким томонидан кўриб чиқилаяпти, муддати, ҳолати ва бошқалар)* имконияти яратилган, бу тизим Ўзбекистонда тўлақонли жорий этилганича йўқ;

c) бутун суғурта бозори суғурта портфелининг (маълумотлар базасининг) онлайн режимда мавжуд эмаслиги, мижоз ҳар қандай суғурта компаниясини танлашидан қатъий назар аввалги суғурта тарихи умумий онлайн базада мавжуд бўлиши, интеграциялашган дастур орқали суғурта полиси ва ўзи ҳақидаги маълумотларни дастур асосида шакллантирилиб, ортиқча ҳужжатларсиз суғурта полисини олиш имконияти тўлиқ шаклланмаган;

d) суғурта ҳодисаларининг кўпайиши, суғурта тўловларининг ошиб бориши натижасида айрим ҳудудларда, мисол учун Тошкент шаҳрида суғурта компаниялари томонидан мазкур мажбурий суғурта турини таклиф этишни сунъий камайтириш ҳолатлари юзага келаётганлиги ва бошқа омиллар.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни, жумладан, a, b ва c қатордаги муаммолар ечимини Суғурта бозорини ривожлантириш Агентлиги, Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмаси ва суғурта компаниялари ўртасида тизимли ишларни ташкил этиш орқали ечиш имконияти мавжуд.

Лекин, d қаторда келтирилган муаммо, яъни суғурта тўловларининг кескин ошиб бориши ва бу орқали суғурта компаниялари етарли даражада суғурта турини ривожлантиришга урғу бермаётганлиги масаласини жиддий кўриб чиқиш керак.

Тўловларни кафолат жамғармасининг 2021 йил 1 май ҳолатига берган маълумотига асосан жорий йилнинг январь-апрель ойларида зарарлилик даражаси Тошкент вилоятида 99,3 фоизни, Тошкент шаҳарида 128,9 фоизни, Республика бўйича 58,7 фоизни ташкил этган (4-расм).

4-расм



Бу таҳлилда зарарлилик даржаси дейилганда фақатгина суғурта тўловларининг суғурта мукофотига нисбати олинган. Суғурта компаниялари ҳар бир суғурта полисини сотиш учун суғурта мукофотидан ўртача 20-40 фоизгача қўшимча харажат қилади (суғурта агентига комиссион иш ҳақи, штат ходимлари

иш ҳақи, офис харажатлари, солиқ ва бошқалар). Агар суғурта тўловлари ва мазкур суғурта турини тақдим этишдаги харажатлар йиғиндисини суғурта мукофотига нисбатини кўриб чиқилса (ривожланган мамлакатлардаги таҳлил шундай амалга оширилади), бу кўрсаткич камида 1,5 баробарга ошиб кетади.

2019 йил 16 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 222-сон «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши мазкур мажбурий суғурта тури бўйича хизмат кўрсатишнинг шаффофлигини оширишга олиб келди. Лекин, қарор асосида амалдаги суғурта жавобгарлиги 40,0 млн. сўмга (амалда 12,0 млн. сўм эди), суғурта мукофотлари эса деярли ўзгаришсиз қолдирилди. Бунинг натижасида 2019 йилнинг июнь ойидан бошлаб суғурта тўловлари миқдорининг кескин ошиши кузатилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги кунда йўл-транспорт ҳодисасини ички ишлар органлари ходимисиз расмийлаштириш (европротокол) тартиби белгиланмоқда. Бу ҳолат ҳам суғурта ҳодисалари бўйича мурожаатларнинг ошишигаолиб келади, бу тартиб жорий этилгунига қадар кичик ЙТҲ лар расмийлаштирилмаган бўлса, европротокол жорий этилиши натижасида ЙТҲ ларни расмийлаштириш соддалашади ва расмийлаштирилган ҳодисалар сонининг ошишига олиб келади.

Агар ҳолат шундай давом этса, суғурта компаниялари томонидан мажбурий суғурта турини ривожлантиришга бўлган интилиш пасайиб кетади, мижозлар учун қийинчилик туғдиришига олиб келади.

Мазкур муаммоларнинг ечими, хизматга мос бўлган суғурта тарифларини шакллантириш билан боғлиқ, агар бу муаммо ечими юзасидан чоралар кўрилмаса, яқин икки йил ичида

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртасини тақдим этувчи компаниялар жиддий молиявий қийинчиликларга учрайди ва суғурта хизмати сифати кескин тушиб кетади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (ИБФЖМСҚ) тури 2009 йил амалиётга киритилган суғурта тури ҳисобланиб, мажбурий суғурта турлари ичидан қамров даражаси (потенциал мижозларни суғурта қилиш) энг паст бўлган суғурта тури бўлиб турибди (5-расм).

5-расм



Давлат статистика қўмитаси маълумотларига асосан 2021 йил 1 январь ҳолатига Республикада 475,2 мингта фаол корхона ва ташкилотлар фаолият юритган. 2020 йил мобайнида мажбурий суғурта билан шуғулланувчи суғурта ташкилотлари томонидан иш берувчилар билан 38,9 мингта суғурта шартномалари тузилган. Қамров даражаси 8,2 фоизни ташкил этмоқда.

Мазкур суғурта тури бўйича 2020 йилда суғурта мукофотларининг суғурта тўловларига нисбати 53,0 фоизни, 2021 йилнинг ўтган 4 ойида 60,5 фоизни ташкил этди. Юқорида санаб ўтилганидек суғурта хизматини тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳисоблаб чиқилса, зарарлилик даражаси 100 фоиздан ошиқни ташкил этади.

Амалиётда ИБФЖМСҚ билан боғлиқ бир неча муаммолар мавжуд, жумладан:

a) Суғурта қилиниши мумкин бўлган объектлар (корхона ва ташкилотлар) бўйича очиқ маълумотларни олиш имконияти чекланган;

b) мазкур мажбурий суғурта тури бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятнинг иш берувчилар томонидан бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан амалга оширилиши белгиланган, лекин назоратни амалга ошириш ТВЭФЖМСҚ тури сингари фаол назорат механизмига эга эмас;

c) бу суғурта тури бўйича зарарлилик даражасининг юқорилиги, суғурта тарифларининг бозор механизмларига мос эмаслигиолинган жавобгарликни чет эл қайта суғурталовчиларига қайта суғуртага бериш имкониятини тўлалигича чекламоқда;

d) суғурта шартномасини тузиш ва суғурта мукофотини аниқлаш учун суғурта қилдирувчилар томонидан охирги 12 ойдаги барча иш ҳақи тақдим этилади, лекин амалиётда суғурта ташкилотига берилган маълумот билан иш берувчининг амалдаги охирги 12 ойдаги жами иш ҳақи ўртасида фарқлар юзага келмоқда, айниқса, бу ҳолат бюджет ташкилотларида кузатилмоқда, бундай ташкилотларда суғурта харажатлари авалдан, кейинги йил учун смета асосида белгиланади, бюджет ташкилотлари билан суғурта шартномалари асосан йилнинг

биринчи ва иккинчи чоракларида амалга оширилади ва шартнома тузиш давридаги мижознинг охирги 12 ойдаги иш ҳақи бўйича ҳисобланган мукофот ва сметада белгиланган маблағ бир-биридан фарқ қилади.

е) мазкур мажбурий суғурта турининг зарарлилик даражаси юқори бўлишига қарамай, мижозларга тушган суғурта мукофотидан 40-50 фоизгача огоҳлантириш чора-тадбирлари учун маблағлар ажратилиши кузатилаяпти. Мижозлар томонидан ташкил этилаётган тендерларнинг асосий талаби ҳам айнаншу – суғурта ҳодисаларини олдини олиш ва огоҳлантириш чора-тадбирлари учун суғурта мукофотидан неча фоиз миқдорида ажратилиши ҳисобланмоқда. Суғурта бозорида мазкур мажбурий суғурта тури бўйича тажрибанинг кўп эмаслиги ва мажбурий суғурта билан шуғулланувчи янги суғурта ташкилотларининг суғурта бозорига кириб келиши натижасида объектларга 50 фоизгача огоҳлантириш чора-тадбирлари учун маблағлар қайтарилиши таклиф этилмоқда. Агар бу тадбирлар учун ажратмалар миқдорининг максимал қийматини махсус ваколатли орган томонидан белгилаб қўйилмаса, шаффоф суғурта механизмларини бузилишига олиб келади.

f) суғурта ҳодисаларининг кўпайиши, сугурта тўловларининг ошиб бориши охирги йилларда аниқ кўринмоқда, қамров даражаси 10 фоизни ҳам ташкил этмайди. Бу ҳолда суғурта ташкилотларида жиддий молиявий қийинчиликларни келтириб чиқариши, бу хизматни тақдим этишни сусайиши кузатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги Қарори 2-бандида «Ўзбекистон Республикаси Бан-

длик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ҳар йили иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларининг амалда қўлланишини таҳлил қилсин ва зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифларига, уларнинг чекланган даражасига, таркибига ҳамда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта мукофоти суммасини аниқлашда суғурталовчи томонидан уларни қўлланиш тартибига ўзгартишлар юзасидан таклифлар киритсин» деб белгилаб қўйилган.

Мазкур муаммоларнинг ечими, юқорида келтирилган қарорнинг 2-бандига асосан мазкур суғурта турида мавжуд 20 та класс бўйича уларнинг тарифларини, зарарлилик даражасини кўриб чиқиш, Молия вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тегишли таклифларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиши лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан суғурталанган ёки суғурталанмаган ташкилотлар (иш берувчилар)устидан назоратни кучайтирилиши, суғурта ташкилотларини Республикада мавжуд потенциал иш берувчилар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4412-сон қарори билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича йўл харитасида «Мажбурий суғурта турлари тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда шу жумладан, қуйидагилар назарда тутиллиши белгиланган:

мажбурий суғурта турлари, уларнинг умумий тамойиллари, асосий тушунчалар, мажбурий суғурта турлари субъектларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

мажбурий суғурта турларини амалга ошириш шартлари ва тартиби;

зарарлар (зиён, шикаст)ни компенсация қилишни кафолатлаш, шунингдек, мажбурий суғурта шартномаларини тузиш устидан назорат қилиш механизмлари;

мажбурий суғурта турлари бўйича ягона ахборот тизимини шакллантириш ва юритиш.

Мажбурий суғурта тизими, унинг ҳуқуқий ва ижтимоий асосларини белгиловчи мазкур Қонун ўзида барча мажбурий суғурта турларини жамлаши лозим эди. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан ишлаб чиқилган «Мажбурий суғурта турлари тўғрисида»гиЎзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасида бир қатор омиллар назарда тутилмаганлигини кўриш мумкин. Қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги омилларни инобатга олиш лозим:

Биринчидан, «Мажбурий суғурта турлари турлари тўғрисида»ги Қонунга 5 та мажбурий суғурта турини киритиш шарт эмас, чункибугунги бозор иқтисодиёти трансформацияси жараёнида янги мажбурий суғурта турларининг амалиётга киритилишини давр талаб этади, бунда ҳар сафар Қонунга ўзгартириш киритиш лозим бўлади, шунингдек, 4 та мажбурий суғурта тури (ТВЭФЖМСҚ, ИБФЖМСҚ, ТВЖМСҚ, ХЧЖСҚ) ва мажбурий қурилиш-монтаж суғуртаси бир-бирини тўлдирувчи мажбурий суғурта турлари эмас («фуқаролик жавоб-

гарлиги» тушунчаси нуқтаи назаридан). Шунинг учун мазкур Қонунни 4412-сон (02.08.2019 й.) қарорда келтирилган тарзда (мажбурий суғурта турлари, уларнинг умумий тамойиллари, асосий тушунчалар, мажбурий суғурта турлари субъектларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги) шакллантириш лозим бўлади, яъни Қонун барча мажбурий суғурта турлари учун умумий мезонларни белгилаши лозим.

Иккинчидан, Суғурта қилдирувчи мажбуриятларида «Суғурта қилдирувчи ушбу Қонунда белгиланган тартибда ва муддатда ўзининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаши шарт»лиги белгиланган. Лекин, «Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш» турида таваккалчилик тўлиқ фуқаролик жавобгарлиги эмас.

Учинчидан, барча мажбурий суғурта турларини электрон шаклдаги сугурта механизмига ўтказишда ҳам мижоз, ҳам суғурта ташкилотларининг мавжуд инфратузилмасини ҳисобга олиш зарур.

Эътиборни қаратиш лозим бўлган яна бир жиҳат, сўнги вақтларда мамлакатимизда йирик табиий офатлар юзага келмоқда, жумладан, 2020 йилнинг апрель ойида Бухорода бўлган қаттиқ шамол, кейинроқ Сирдарёда Сардоба сув омборида юзага келган ҳолатлар натижасида аҳоли ва ташкилотлар мол-мулкига, ер майдонларидаги экинларга жиддий зарар етди. Бундай ҳолатларнинг бошқа юзага келмаслигини кафолатлаб бўлмайди, техника-технологиянинг ривожланиши, ишлаб чиқаришга асосланган иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида бундай ҳолатларнинг такрорлинишини инкор этиб бўлмайди.

Мазкур муаммо ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда мажбурий суғурта турларини амалиётга жорий этиш

орқали тартибга солинган. Япония, АҚШ, Испания, Индонезия, Янги Зеландия, Тайван, Норвегия, Туркия, Озарбайжон ва бошқа давлатларда мавжуд. Ўзбекистон ҳудудларининг географик, сейсмик ҳолатини, аҳолининг даромадларини, табиий ва иқлим шароитларини ва бошқа омилларни чуқур ўрганган ҳолда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг кўчмас мулкларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш вақти келди деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Tkj. uz сайти маълумотлари.
2. mf. uz Молия Вазирлигининг расмий сайти
3. «Кафолат суғурта »компанияси фаолиятининг статистик маълумотлари

N.K. Yakubova,
MChJ «ALFALIFE» sug'urta tashkiloti
Bosh direktori
Sh.X. Ibragimova,
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti talabasi,
MChJ «ALFALIFE» sug'urta tashkiloti
«Shaxsiy sug'urta deportamenti» mutaxassisi

O'ZBEKISTONDA IXTIYORIY TIBBIY SUG'URTANI RIVOJLANTIRISH ASOSIDA MEHNAT UNUMDORLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Annotatsiya. Ushbu maqola O'zbekistonda ixtiyoriy tibbiy sug'urtani rivojlantirish asosida mehnat samaradorligini oshirish masalalariga bag'ishlangan bo'lib, uning o'ziga xos xususiyatlari, afzallik va kamchiliklari, shuningdek, rivojlanish tendensiyasi ko'rsatilgan. Maqolada, Ixtiyoriy tibbiy sug'urta – sug'urta bozorining asosiy sug'urta turlaridan biri sifatida baholanib, korxona xodimlarini ijtimoiy himoyalashda muhim ahamiyat kasb etishi maqsad qilib qo'yilgan.

Kalit so'zlar: ixtiyoriy tibbiy sug'urta, mehnat samaradorligi, motivatsiya, sug'urta mukofoti, sug'urta bozori, tibbiyot muassasalari.

Sog'liqni saqlash tizimi doim zamon bilan hamnafas bo'lishi bilan birqatorda, bir tomondan, aholi ijtimoiy manfaatlarini birinchi o'ringa qo'yish, boshqa tomondan, bozor iqtisodiyoti doirasida ishlashi muhim ahamiyat kasb etadi. Sog'liqni saqlash tizimida ij-

timoiy, bozor faoliyatining asosiy shakllaridan biri ixtiyoriy tibbiy sug'urta hisoblanadi. O'z faoliyatining so'nggi yillarida ixtiyoriy tibbiy sug'urta – sug'urta bozori yetakchi qatlamining biriga aylandi. Ayniqsa, 2021-yilda tibbiyot sohasiga alohida e'tibor berilmoqda va bu to'grisida 2020-yil 29-dekabrda Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev Oliy Majlisga yuborgan Murojatnomasi[1]da tibbiyot sohasini raqamlashtirish, yanada kengaytirish zarurligini, xususan, barcha tibbiyot muassasalarida masofadan turib xizmat ko'rsatish turlarini ko'paytirish, klinikalar va shifoxonalarni elektron operatsiyalarga o'tkazish bo'yicha choralar ko'rish zamon talabi ekanligini ta'kidladi. Shuningdek, Respublikaning ixtisoslashtirilgan tibbiyot markazlari va ularning filiallari o'rtasida telemeditsina o'rnatilishini va diagnostika, davolash imkoniyatlari yanada kengayishini aytib o'tdi. Tibbiyot sohasida qilinayotgan islohotlar shundan darak beradiki, aholi salomatligi, ularga tibbiy xizmatlarni vaqtida va sifatli tarzda ko'rsatish hozirgi kunda dolzarb masalalardan biri hisoblanadi va bu masalani yechishda sug'urtaning ishtiroki muhim ahamiyat kasb etadi.

Tibbiy sug'urta – sog'liqni saqlashda aholi manfaatlarini ijtimoiy himoya qilish shakli hisoblanib, sug'urta hodisasi yuzaga kelgan taqdirda, fuqarolarga kafolat berish maqsadida tibbiy yordam ko'rsatish va profilaktik tadbirlarni moliyalashtirish tushuniladi.

Umumiy maqsadga asoslanib, tibbiy sug'urtaning bir nechta maxsus vazifalarini sanab o'tishimiz mumkin:

– Ijtimoiy vazifalar: aholi salomatligini muhofaza qilish; uni ta'minlash qayta ishlab chiqarish; tibbiy yordamni rivojlantirish.

– Iqtisodiy vazifalar: sog'liqni saqlashni moliyalashtirish; uning moddiy bazasini yaxshilash; fuqarolar va ularning oilalari daromadlarini himoya qilish; tibbiy xizmatlar uchun to'lanadigan mablag'larni aholining turli guruhlari o'rtasida qayta taqsimlash.

Jahon amaliyotida tibbiy sug'urta – ikki asosiy shaklda amalga oshiriladi: majburiy va ixtiyoriy, ularning har biri o'z xususiyatlariga, prinsiplariga va sug'urta qilish tartibiga ega.

Majburiy tibbiy sug'urta – kasallik holatida sog'liqni saqlash va zarur tibbiy yordam olish bo'yicha aholini ijtimoiy muhofaza qilish tizimining eng muhim elementlaridan biri [1, c. 7].

Ixtiyoriy tibbiy sug'urta – ham xuddi shunday, majburiy tibbiy sug'urta qilish va shu ijtimoiy maqsadga erishish – fuqarolarga tibbiy yordam olish kafolatini berish tushuniladi. Farqli jihati shundaki, ixtiyoriy tibbiy sug'urta majburiy tibbiy sug'urtaga qaraganda qator afzalliklarga ega:

Birinchidan, sug'urta qildiruvchi tanlash huquqiga ega bo'lib, kerakli sug'urta dasturi va tavsiya etilgan tibbiy muassasalar ichidan o'z talabiga asosan maqul ko'rganini tanlashi mumkin. Butun sug'urta davri davomida sug'urtalovchi unga barcha masalalar bo'yicha maslahat beradi, to'g'ri, eng maqbul tanlovni amalga oshirishga yordam beradi.

Ikkinchidan, ixtiyoriy tibbiy sug'urta vaqtni tejashda muhim rol o'ynaydi.

Agar shaxs ixtiyoriy tibbiy sug'urtalangan bo'lsa, o'ziga mos tibbiy muassasani izlashi yoki cheksiz navbatlarda o'tirishiga xojat qolmaydi. Bundan tashqari, ixtiyoriy tibbiy sug'urta siyosati bo'yicha sug'urtalangan shaxsga keraksiz davolanish buyurilmaydi va undan ortiqcha xarajat talab qilinmaydi.


Uchinchidan, eng muhim jihat yuqori sifatli xizmatlarni taqdim etishdir. Sug'urta tashkiloti mutaxassislarining uzluksiz nazorati orqali doimiy va sifatli tibbiy xizmatlardan foydalanish imkoniyati yaratiladi.

O'zbekistonda xodimlarni ixtiyoriy tibbiy sug'urta qilish juda keng tarqalgan emas, bu bizning fikrimizcha, ish beruvchi tomonidan katta kamchilik hisoblanadi.

Hechkimga sir emaski, barcha korxona, tashkilotlarning asosiy maqsadi foyda olish va foyda to'g'ridan -to'g'ri xodimlarning

mehnati qobiliyati va sog'ligi bilan bog'liq. Bozorda katta raqobat bardoshlik tufayli korxona, muassasa va tashkilotlar mehnat unumdorligini oshirishga intilishadi. Mehnat unumdorligini oshirishning eng asosiy omili bu – xodimlarni motivatsiyalash (rag'batlantirish) hisoblanadi.

Zamonaviy bozor sharoitda ko'plab tijorat tashkilotlarining faoliyati va ularning kelgusida rivojlanish istiqbollari inson resurslaridan foydalanish samaradorligi bilan chambarchas bog'liq. Shuning uchun, hozirgi kunda kadrlarni rag'batlantirish masalalari alohida dolzarblikka ega. Kompaniyada mehnatni rag'batlantirish tizimini barpo etishning asosiy maqsad – bu mavjudishchi kuchidan maksimal darajada foydalanish va bu bilan kompaniyaning umumiy ish faoliyatini oshirish hisoblanadi. Albatta eng yaxshi rag'batlantirish usuli bu ish haqini oshirish tushuniladi, ammo buning boshqa usullari ham mavjud. Ulardan biri va eng samaralisi bu – xodimlarni tibbiy sug'urtalash.



1-chizma: Sug'urta tashkiloti va ish beruvchi o'rtasida sug'urta munosabatlar sxemasi:

1-chizmada shuni inobatga olish kerakki, ish beruvchi va sug'urta tashkiloti o'rtasidagi munosabatlar shartnoma asosida o'rnatilib, tomonlarning huquq va majburiyatlarini o'zida jamlovchi asosiy hujjat hisoblanadi. Shu shartnoma asosida xodimlar ya'ni sug'urtalanganlar sifatli sug'urta xizmatlaridan foydalana oladilar.

Kompaniya va tashkilotlarni korporativ tibbiy sug'urtadan foydalanishga jalb qiladigan omillar:

▶ ixtiyoriy tibbiy sug'urta kompaniya tomonidan taqdim etilayotgan xizmatlarning ijtimoiy paketini raqobatbardosh qiladi, bu esa unga yuqori malakali kadrlarni jalb qilishga yordam beradi;

▶ kompaniyaga majburiy tibbiy ko'rik va xodimlarni emlashdan o'tish tartibini soddalashtirishga imkon beradi;

▶ ixtiyoriy tibbiy sug'urta yuqori darajadagi xizmatlardan foydalanishga imkon beradi, bu esa xodimning mehnatga layoqatsizlik muddatini qisqartiradi;

▶ ixtiyoriy tibbiy sug'urta yuqori malakali mutaxassislarni saqlab qolishga va kadrlar almashinuvini pasaytirishga yordam beradi;

▶ ixtiyoriy tibbiy sug'urta ishchilarning sog'lig'ini yaxshilashga, kasallik varaqalarini ro'yxatdan o'tkazish natijasida kelib chiqadigan ishlab chiqarish yo'qotishlarini kamaytirishga imkon beradi;

▶ sug'urta hodisasi yuz bergan taqdirda, xodimning sog'lig'iga yetkazilgan zarar uchun korxona emas, balki sug'urta kompaniyasi moliyaviy javobgar bo'ladi.

Xorij tajribasini olsak, Rossiya mehnat bozorida ish beruvchining ijtimoiy faoliyatida ixtiyoriy tibbiy sug'urta mavjudligi uzoq vaqtdan beri xodimlarni ushlab turish va ish beruvchiga bo'lgan sodiqlikni oshirishning eng muhim vositalaridan biri bo'lib kelmoqda. Inqiroz davrida esa xodimlar oldida sug'urtaning ahamiyati yanada oshadi. Bundan tashqari, ixtiyoriy tibbiy sug'urtani ro'yxatdan o'tkazishda korxonalar soliq imtiyozlarini olish imkoniyatiga ega,

Xodimlarni ixtiyoriy tibbiy sug'urtalash xarajatlari, mehnatga haq to'lash uchun boshqa xarajatlar singari, soliq solinadigan ba-

zani kamaytiradi[3]. Buning uchun, bir qator majburiy shartlarga rioya qilish kerak: [4].

– ixtiyoriy shaxsiy sug'urta shartnomalari bo'yicha badallar xarajatlar tarkibiga ish haqi fondining 6 foizidan ko'p bo'lmagan miqdorda kiritiladi;

– Ixtiyoriy shaxsiy sug'urta shartnomasi kamida bir yil muddatga tuzilishi kerak.

Rossiya Federatsiyasida ixtiyoriy tibbiy sug'urta asosan korporativ mijozlar tomonidan talab etiladi. Ular ixtiyoriy tibbiy sug'urta dasturlari bo'yicha to'plangan mablag'larning taxminan 90% ni tashkil qiladi. Bir tomondan, xodimlarning sug'urtasi ko'plab kompaniyalarda ijtimoiy himoyaning ajralmas qismiga aylanganda biznesning ijtimoiy ma'suliyatining o'sishi. Shu bilan birga, ko'pgina korxonalarda, ayniqsa, yuqori texnologiyali tarmoqlarda ixtiyoriy tibbiy sug'urta dasturlari nafaqat xodimlarni moddiy rag'batlantirish usuli sifatida, balki xodimlarning sog'lig'ini yaxshilash orqali biznes samaradorligini oshirishning muhim vositasi sifatida ham ko'rib chiqiladi. Ikkinchi tomondan esa, asosiy urg'u korxonalar soliq imtiyozidan foydalanishlari mumkin ekanligida.

Korxona, tashkilotlar uchun ixtiyoriy tibbiy sug'urta afzalliklari bilan bir qatorda, kamchiliklari ham mavjud bo'lib, ular:


▶ Korxona byudjetidan qo'shimcha moliyaviy resurslarni talab qiladi;

▶ Sog'lig'i yaxshi bo'lganyosh mutaxassislar uchun ixtiyoriy tibbiy sug'urta o'z mohiyati yo'qotadi;


▶ Xizmatlar narxi, ularning sifati, muassasa joylashgan joyi va boshqalar kabi mezonlarning nomuvofiqligi tufayli tibbiy markazni tanlashda muammolar paydo bo'lishi mumkin.

Yuqoridagi izlanishlar natijasida O'zbekiston sug'urta bozori hayot sug'urtasi tarmog'ida yetakchi kompaniyalardan biri bo'lgan «Alfa life» sug'urta tashkiloti ko'rsatkichlari asosida ixtiyoriy tibbiy sug'urta turi bo'yicha axborot olingan.

«Alfa life» sug‘urta tashkiloti O‘zbekistondagi birinchi xususiy hayot sug‘urtasi kompaniyasi hisoblanib, ixtiyoriy tibbiy sug‘urta turi bo‘yicha mijozlarini tahlil qiladigan bo‘lsak, asosan xorijiy mutaxassislar, elchixona xodimlari, qo‘shma va xorijiy korxonalar vakillari tashkil etadi. «Alfa life» sug‘urtatashkilot korporativ (kollektiv) tibbiy sug‘urta bo‘yicha 2016-2020-yillar oralig‘idagi sug‘urta mukofotlari o‘sish ko‘rsatkichlar statistik ma’lumotlariga ko‘ra[5]:



2-chizma «Alfa life» sug‘urta tashkilotining ixtiyoriy tibbiy sug‘urta bo‘yicha sug‘urta mukofotlari ko‘rsatkichlari (foizda)



■ ta'lim ■ axborot texnologiyalari ■ neft sanoati ■ savdo ■ xizmat ko'rsatish ■ logistika

3-chizma «Alfa life» sug‘urta tashkiloti ixtiyoriy tibbiy sug‘urta turi bo‘yicha hamkorlik qiluvchi sohalar

2-chizmada ixtiyoriy tibbiy sug‘urta bo‘yicha sug‘urta mukofotlari 2016-yilga nisbatan oxirgi 4 yil olingan bo‘lib, 2018-yilga kelib ixtiyoriy tibbiy sug‘urta bo‘yicha tashkilotda sezilarli darajada sug‘urta mukofotlari o‘sgan va shu ko‘rsatkichga asoslanib bozorda sug‘urtaning bu turiga bo‘lgan talab oshgan deb ayta olamiz. 2019-2020-yillarda «Alfa life» sug‘urta tashkiloti faoliyati ijobiy o‘zgarganini yaqqol ko‘rishimiz mumkin.

3-chizma[6] ma’lumotlaridan shuni xulosa qilishimiz mumkinki, ta’lim, axborot texnologiyalari va xizmat ko‘rsatish sohalari «Alfa life» sug‘urta tashkilotining ixtiyoriy tibbiy sug‘urta bo‘yicha mijozlarining asosiy qismini tashkil etgan. Bunga asosiy sabablardan biri ta’lim, axborot texnologiyalar va xizmat ko‘rsatish sohalari rivojlanib kelayotgani va hozirgi zamon talablari bilan ham nafas bo‘lishlari kerakligini aytishimiz mumkin. Neft sanoati, logistika va savdo soha vakillari ham ixtiyoriy sug‘urta mohiyatini anglashgan deb ayta olamiz.

Yuqoridagilardan kelib chiqib shuni ta’kidlash mumkinki, ixtiyoriy tibbiy sug‘urtaning rivojlanishi ko’p jihatdan, milliy iqtisodiyotning holatiga, jamiyatdagi insonlarning dunyo qarashi, sug‘urta haqida bilimlarni egallaganlik darajasigabevosita bog’liq. Ish beruvchilarga ixtiyoriy tibbiy sug‘urtani afzal tomonlarini yoritib berish orqali korxona mehnat unumdorligini oshirish yo‘llarini ko‘rsatish muhim ahamiyat kasb etadi deb hisoblaymiz.

Ixtiyoriy tibbiy sug‘urta polisi kompaniya ishchilariga g‘amxo‘rlik qilish va ularning samaradorligini oshirishning ajoyib usuli hisoblanadi. Bu sug‘urta turi yuqori malakali mutaxassislar va biznes sheriklar oldida korxonanining nufuzini oshirishga yordam beradi, bu esa biznesni rivojlantirish va uning raqobatbardoshligini oshirishga foydali ta’sir ko‘rsatadi.

Umumiy xulosa qilganda, Respublikada aynan sug‘urta taraqqiyotini, sug‘urta savodxonligini tubdan oshirish, maktab, lit-

sey o‘quvchilariga sug‘urta borasida bilim va ko‘nikmalar berish kerak. Bu borada O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 2-avgustda qabul qilingan PQ-4412-son «O‘zbekiston Respublikasining sug‘urta bozorini islih qilish va uning jadal rivojlanishini ta’minlash chora tadbirlari to‘g‘risida»gi Qarori[7]ga asosan 2020/2021-o‘quv yilidan boshlab sug‘urta bozorining professional ishtirokchilari xodimlarini sohaga ixtisoslashgan oliy ta’lim muassasalarining «Sug‘urta ishi» ta’lim yo‘nalishi bo‘yicha sirtqi va kechki bo‘limlarga test sinovlari o‘tkazilmasdan, belgilangan qabul kvotalaridan tashqari pulli-kontrakt asosida qabul qilish tartibi joriy etilgan bo‘lib, bunda oliy ta’lim muassasalariga o‘qishga qabul qilish suhbat yakunlari bo‘yicha xodimda umumiy o‘rta yoki o‘rta maxsus, kasb-hunar ma’lumoti va sug‘urta bozorida kamida 2 yil amaliy ish staji mavjud bo‘lishi belgilangan. Bu shundan dalolat beradiki, sug‘urta bozori va uning profisional ishtirikchilari faoliyatini keng yo‘lga qo‘yish va jamiyatda sug‘urta savodxonligini oshirish davlatimiz e’tiborida.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. https://president. uz

2. Н. Б. Грищенко, В. А. Клевно, В. В. Мищенко. Добровольное медицинское страхование. Основы современной практики. Издательство Алтайского государственного университета, 2001 – 80 с.

3. Статья 253 НК РФ. Расходы, связанные с производством и реализацией (zakonrf. info)

4. Статья 255 НК РФ. Расходы, связанные с производством и реализацией (zakonrf. info)

5. «Alfa life» sug‘urta tashkiloti ma’lumotlari asosida

6. «Alfa life» sug‘urta tashkiloti ma’lumotlari asosida

7. https://lex. uz

Т.Ф. Рахимов,
«Ўзбекинвест»ЭИСК АЖ
Экспорт қалтисликларини суғурталаш
департаменти Бош менежери

СУҒУРТА БОЗОРИДА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Республика бўйича суғурта хизматлари кўрсатиш қамрови йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бу эса суғурта компанияларни суғурта бозорида суғурта маҳсулотларини таклиф қилиши ва мижозларга сифатли суғурта хизматлари кўрсатишни яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради. Ҳозирда Республикамизда хусусийлаштириш, ерларни ўз эгаларига топшириш, корхоналарни хусусийлаштирилиб берилиши давр тақозоси бўлиб, суғурта хизматларидан ва суғурта ҳимоясидан фойдаланишга шароит яратмоқда. Бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида турли нодавлат мулкчилик шакллари ва хусусий манфаатдорлик тушунчалари ривожланиб, суғурта хизматларининг аҳамиятини тобора ошириб, уларга бўлган эҳтиёж ва талабнинг ортишига олиб келди.

Республика бўйича суғурта хизматлари кўрсатиш қамрови йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бу эса суғурта компанияларни суғурта бозорида суғурта маҳсулотларини таклиф қилиши ва мижозларга сифатли суғурта хизматлари кўрсатишни яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради. Ҳозирда Республикамизда хусусийлаштириш, ерларни ўз

эгаларига топшириш, корхоналарни хусусийлаштирилиб берилиши давр тақозоси бўлиб, суғурта хизматларидан ва суғурта ҳимоясидан фойдаланишга шароит яратмоқда. Режали иқтисодиёт даврида корхоналарнинг аксарияти давлат тасарруфида бўлганлиги ва хусусий мулкчилик ривожланишига тўсқинлик бўлганлиги, кейинчалик мулкларни давлат тасаруфидан чиқарилиши корхоналарнинг ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёжи борлигини кўрсатиб берди. Бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида турли нодавлат мулкчилик шакллари ва хусусий манфаатдорлик тушинчалари ривожланиб, суғурта хизматларининг аҳамиятини тобора ошириб, уларга бўлган эҳтиёж ва талабнинг ортишига олиб келди.

2021 йил 1 январь ҳолатига бўйича мамлакатамизда 40 та суғурта компанияси бўлиб, шундан 32 таси умумий суғурта соҳасида, 8 ҳаёт суғуртаси соҳасида, ҳамда етти минг саккиз юздан зиёд суғурта агентлари фаолият юритаяпти.

2020 йил якуни бўйича суғурта компаниялари томонидан жами 6, 2 млн. дона суғурта шартномаси тузилган. Ушбу суғурта шартномалари бўйича 1 091, 1 трлн. сўмлик суғурта жавобгарлиги олиб борилган ва 2. 2 трлн. сўм суғурта мукофоти йиғилган ҳамда 737, 6 млрд. сўмдан зиёдроқ суғурта қопламаси тўлаб берилди. 2020 йилда 2019 йилга қараганда суғурта мукофотлари ҳажми 109 фоизга, суғурта қопламаларининг ҳажми 148 фоизга ошган. Аҳоли жон бошига тўғри келаётган суғурта мукофотининг ўсиб бориши ҳам кўрсатилаётган сугурта хизматларнинг ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Суғурта бозори иштирокчилари фаолиятининг тахлил этиладиган бўлса, етакчиликни давлат ва хусусий улуши бўлган компаниялар эгаллаб келмоқда. Биринчиликни «Ўзбекинвест» ЭИСК АЖ, «Gross Insurance» МЧЖ ва «Ўзагросуғурта» АЖ эгаллаган.

Суғурта компанияларининг суғурта мукофотлари тушими бўйича бозордаги улуши таҳлили:

Компаниялар	Бозордаги улуши, % ҳисобида
1. «Ўзбекинвест» ЭИСК АЖ	14%
2. «Gross Insurance» МЧЖ	13%
3. «Ўзагросуғурта» АЖ	9%
4. «Кафолат» СК АЖ	8%
5. «Euroasia Insurance» МЧЖ ҚК СК	8%
6. «Apex Insurance» МЧЖ	6%
7. «My Insurance» МЧЖ СК	5%
8. «Alfa Invest» МЧЖ	5%
9. «Temiryo'l Sug'urta» МЧЖ	3%
10. «Asia Inshurans» МЧЖ СК	3%

«Ўзбекинвест» ЭИСК универсал суғурта компания бўлиб, капитал, технологиялар ва товарлар миллий экспортчилари ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари учун сиёсий, тижорат, тадбиркорлик, табиий ва аралаш қалтисликлардан сугурта ҳимоясини тақдим этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг давлат расмий агенти ҳисобланади.

2020 йил якунларига кўра, компаниянинг суғурта мукофотлари ҳажми бир йил илгари кўрсаткичларига нисбатан қарийиб 92%, суғурта мажбуриятлари миқдори эса 65% ташкил этди. «Ўзбекинвест» компанияси ўз фаолиятида мижозларни кенгроқ жалб қилиш ва улар ишончини мустаҳкамлаб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда суғурталаниши лозим бўлган ходисалар бўйича суғурта тўловларини ўз вақтида тўлаб борилаётгани муҳим омил бўлмоқда. 2020 йил якунларига шуни кўрсатмоқдаки, компания томонидан тўланган суғурта товонлари миқдори 66, 6 млрд. сўмдан зиёд бўлиб, бу кўрсат-

кич бир йил аввалгига нисбатан 2, 8 баробаридан кўпроқни ташкил этади.

Компания махаллий экспортер и инвесторларнининг мулкий ҳамда шахсий қизиқишларига мос келувчи комплекс тарздаги суғурта хизматлари билан таъминлаш йўналишидаги фаолиятини давом эттирди. 2020 йилда маҳаллий экспортер ва инвесторларга кўрсатилган суғурта хизматлари ҳажми 154% кўпайган. Ҳисобот даврида Республика инвестиция дастурига киритилган 100 дан ошиқроқ инвестицион лойиҳалар суғурта хизматлари билан қамраб олинган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини доимий равишда қўллаб-қувватлаш компания фаолиятидаги устувор вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Бу йўналишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мулкий ва шахсий қизиқишлари суғурта хизматлари орқали ҳимояланиб келмоқда.

Республика суғурта бозориниг янада ривожланиши бўйича таклифлар:

– суғурта компания агентлик тармоғини ривожлантириш ва суғурта агентлари сонини ошириш;

– қишлоқ жойларида суғурта бўлимлари фаолиятини янада ривожлантириш;

– Республика чекка ҳудудлари аҳолиси ва у ерда жойлашган корхоналарнинг суғурта хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

– фуқароларнинг суғурта хизматларига бўлган талаби доимий равишда ўрганиб бориш.

Ш.С. Насретдинова,
ЎЗМУ доценти.
М.Р. Бекберганова, А.Ш. Икрамов,
ЎЗМУ магистрантлари

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ ШАРОИТИДА СУҒУРТАНИНГ ЎРНИ

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида суғурта фаолияти стратегик аҳамиятга эга бўлиб, бу соҳадаги давлат сиёсатининг моҳияти унинг бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий элементи сифатидаги аҳамияти ва салмоғини янада оширишдан иборат. Суғурта молиявий таъминлаш воситаси сифатида мижозларнинг мол-мулкини рисклардан ҳимоясини кафолатлаши орқали суғурталанувчининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлайди.

Мамлакатимизда молия бозорини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли молиявий хизматлар билан қамраб олиш кўламини кенгайтириш, суғурта ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ушбу соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, суғурта турларини кенгайтириш ва истеъмолчиларнинг суғуртага бўлган ишончини ошириш ва бу орқали суғурта тушумларини ошириш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

Суғурта фаолиятида ўз моҳиятига кўра, айнан «хизмат» тушунчаси фундаментал ҳисобланади. Суғуртачи томонидан таклиф этилаётган «хизмат» ўзида дастлаб моддийликни

акс эттирмайди, яъни суғурта компанияси ўз мижозига фақат «ваъдани сотади». Шу нуқтаи назардан халқаро савдода унга «кўринмайдиган фаолият»[1] деб ҳам тасниф берилади. Суғурталанувчига шартнома тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида «полис»[2] берилади холос. Суғурта шартномасида суғурталанувчига суғурта воқеасига кўра, кўриши эҳтимол бўлган зарарининг эквивалент қийматидаги пул тўлови (айрим ҳолларда мол-мулк кўринишида) таъминланиши назарда тутилади. Шартноманинг бажарилиши унда қайд этилган маълум давр оралиғида амалга оширилади.

Ҳар қандай суғурта компаниясининг иқтисодиёти ҳар қандай бошқа турдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи ташкилотлар сингари суғурта фаолиятидан олинадиган даромадлар ва харажатларни пул шаклида таққослаш принсипига асосланади. Даромадлар ва харажатларни таққослаш компаниянинг самарадорлигини баҳолашга ёрдам беради.

Суғурта операцияларидан тушумлар суғурта компанияларининг асосий даромад манбаси ҳисобланади. Бу асосий даромад манбаларини суғурталанувчиларнинг пул кўринишидаги бадаллари ва суғурта тушумлари ташкил қилади. Суғурта мукофотларининг ҳажми компаниянинг суғурта портфели таркиби, тариф сиёсати, маркетинг стратегияси ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ. Суғурта тушуми суғурта турларининг сотилишидан шаклланади. Суғурта турлари соҳасига кўра ҳаёт суғуртаси ва умумий суғуртага бўлинади.

Аҳоли соғлиғи ёки мол-мулкига бахтсиз ҳодиса оқибатида зарар етганда унга молиявий кўмак бериш суғурта компаниясининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Суғурта қо-

[1] Insurance: Principles and Practice. Compiled by David Bland, The Chartered Insurance Institute, Great Britain, 1993. p. 1 b. 4.

[2] Ефимов С. Л. Энциклопедический словарь. Экономика и страхование. М.: Церих -ПЭЛ, 1996. I-X, с. 347

пламаси – бу суғурта хизматлари орқали жисмоний ёки юридик шахс учун қопланадиган хавф ёки жавобгарлик миқдори. Суғурта қопламаси истеъмолчиларга кутилмаган ҳодисалардан, масалан, автоҳалокатлар ёки оилани боқадиган даромад келтирадиган катталардан маҳрум бўлиш каби молиявий ҳолатлардан халос бўлишга ёрдам беради. Суғурта қопламаси кўпинча бир неча омиллар билан белгиланади. Масалан, суғурталовчиларнинг аксарияти ёш эркак ҳайдовчилар учун юқори мукофот пули тўлайди, чунки суғурталовчилар автоҳалокатга учраган йигитларнинг эҳтимоли, масалан, кўп йиллик ҳайдовчилик тажрибасига ега бўлган, ўрта ёшли турмуш қурган эркакдан юқори. Суғурта қопламаси истеъмолчиларга кутилмаган ҳодисалар, масалан, автоҳалокатлар ёки оилани боқадиган даромад келтирадиган катталардан маҳрум бўлиш каби молиявий ҳолатларни тиклашга ёрдам беради.

Мижознинг суғурта ҳодисаси юзасидан мурожаатини имкон қадар тез кўриб чиқиб, суғурта қопламасини ўз вақтида тўлаб бериш эса суғурталовчининг нуфузини белгилаб беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида 36 та суғурталовчи, шундан 28 таси умумий суғурта тармоғида ва 8 таси ҳаётни суғурта қилиш тармоғида, шунингдек, 5 суғурта брокери, 5 актуар ташкилот ҳамда 22 ассистанс, аджастер, сюрвейер компаниялари фаолият кўрсатиб келмоқда. Суғурта компаниялари маълумотларига мувофиқ 2020 йил II чораги мобайнида 503, 1 млрд. сўм суғурта мукофоти йиғилди. Суғурталовчиларнинг ялпи устав капиталлари 782, 4 млрд. сўмга (ўсиш – 138 фоиз) ва иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми 2 834, 9 млрд. сўмга (ўсиш – 137 фоиз) етган. Инвестицияларнинг 55 фоизи банк депозитларига, 30 фоизи акцияларга ва қолган қисми бошқа қимматли қоғозларга жойлаштирилган. Амалдаги шартномалар сони 7, 0 млн. донани ташкил

қилди.[1] Бу рақамлар ўз навбатида фуқароларнинг суғуртага бўлган ишончининг ортиб бораётганлигини ва суғурта компанияларнинг иқтисодиётдаги салмоғи ошаётганини кўрсатади.

2014 йилга нисбатан 2019 йилда 27 баравар ошган бўлсада жами бозордаги улуши 25, 5 фоизни ташкил этган. Ушбу ҳолатлар шундан далолат беради ки, ҳаёт суғуртаси тармоғида тузилаётган суғурта шартномаларининг асосий қисми жамғариб бориладиган суғурта турларига тааллуқли бўлиб, ушбу суғурта турида тўпланган сугурта мукофотлари тўлиғича суғурталанувчига қайтарилиши туфайли қопламалар ҳажми юқори даражани ташкил этган.

2019 йилда ҳаёт суғуртаси бўйича тўпланган сугурта мукофотларининг асосий қисми, яъни 90 фоизи жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси ва суғурта рентаси тўлови билан узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси сугурта маҳсулотларидан иборат бўлиб, ушбу иккала суғурта маҳсулоти ҳам белгиланган солиқ имтиёзларига тушадиган суғурта маҳсулотлари ҳисобланади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, ҳаёт суғуртаси бўйича юқори ўсиш даражасига эришишда белгиланган имтиёз асосий омил бўлиб хизмат қилган. Сугурта бозоридаги ҳаёт суғуртасининг улуши 25фоизни ташкил қилади. Суғурта бозори кўрсаткичлари йил сайин ўсиб борсада, ЯИМ даги улуши 0. 4 фоизни ташкил қилди. Хорижий мамлакатлатдарда бу кўрсаткич 11фоизгача бўлган кўрсаткичларга эга.

Юқоридаги кўрсаткичлар Ўзбекистон суғурта бозори кун сайин ривожланаётганини билдиради. Бироқ бу суғурта бозорининг бор имкониятларини намоён этган дегани эмас. Суғурта аҳолининг қанча кўп қисмини қамраболса, бу аҳолининг шунчалик ижтимоий ҳимояланганлигини билдиради. Бу эса давлатнинг ижтимоий соҳага бўлган харажатларининг тежалишига олиб келади.

[1] https://www. mf. uz/uz/news-mf-jx/item/609-609. html

Фойдаланилган адабиётлар

1. «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва нинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПФ-4412-сон Қарори.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида» ги Қонуни. 2002 йил 5 апрель, ЎРҚ-358-II-сон.

3. «Суғурта бозорининг инвестицион фаолиятини ривожлантириш долзарб муаммолари» Республика илмий амалий онлайн конференцияси маълумотлари.

4. Sug'urta nazariyasi va amaliyoti. G. Jumayev, R. Djalilov

5. Insurance: Principles and Practice. Compiled by David Bland, The Chartered Insurance Institute, Great Britain, 1993. .

6. Ефимов С. Л. Энциклопедический словарь. Экономика и страхование. М.: Церих -ПЭЛ, 1996. I-X,

7. www. mf. uz Молия Вазирлигининг маълумотлари.

8. www. insuranceurope. eu

Қ.И. Номозова,
Тошкент молия институти
мустақил тадқиқотчиси

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЁНҒИН ҲОДИСАЛАРИДАН СУҒУРТАЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Ушбу мақоланинг мақсади тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ёнғин ҳолатларидан суғурталашни такомиллаштиришнинг долзарблиги, мазкур суғуртанинг Ўзбекистондаги ҳолати ва чет мамлакатлар тажрибалари, уларни жорий этиш масалалари тўғрисида фикр юритилган ва ушбу фаолиятни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ёнғин, ёнғин хавфсизлиги, ёнғин статистикаси, ёнғинга қарши суғурта, ихтиёрий суғурта, мажбурий суғурта, ишлаб чиқариш таваккалчиликлари.

Ёнғин тасодифий ёки ўз-ўзидан келиб чиқадиган кимёвий жараён эмас, балки у табиатдаги турли кутилмаган ҳодисалар ёки инсонларнинг эҳтиётсизлиги натижасида юзага келадиган бахтсиз ҳодисадир. Ана шу бахтсизликнинг олдини олиш эса ҳар бир фуқаронинг ва корхона ва ташкилотлардаги раҳбар ва ходимларнинг ўз қўлида эканлигини унутмасликлари ва шу мақсадда ёнғин қоидаларига риоя этишлари зарур.

Жаҳон ёнғин статистикаси ташкилоти (CTIF) нинг маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили ўртача 9 млн. та ёнғин юз

бериб, ёнғинлар оқибатида 90 минг одам ҳалок бўлмоқда. Агар ўртача олиб қарайдиган бўлсак, соатига 1000 та (дақиқасига 17 та) ёнғин содир бўлиб, соатига 10 нафар инсон ҳаётдан кўз юммоқда.

Республикамиздаги ёнғинлар билан боғлиқ вазиятга тўхталадиган бўлсак, 1 кунда ўртача 38 та ёнғин юз бераётганлигини, ҳар 2 кунда ўртача 1 нафат инсон ҳаётдан кўз юмаётганлигини, 2 кунда 3 киши тан жароҳати олаётганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ёнғинлар оқибатида келтирилаётган зарар эса 1 кунда ўртача 106 млн. сўмни ташкил этмоқда[1].

Аксарият ҳолларда ёнғинлар оқибатида ҳосил бўлаётган моддий зарарларни қоплаш давлат маблағлари ҳисобидан, корхона ва ташкилотлар ҳисобидан, тадбиркорлик субъектлари ҳисобидан ва аҳоли ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида ёнғинлар натижасида кутилмаганда юзага келган зарарларни қоплаш кўп ҳолларда тадбиркорлик субъектлари ёки аҳолининг моддий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлмоқда. Шу туфайли бундай моддий зарарларни қоплаш масалаларига ўзгача ёндашиш бугунги кун талаби ҳисобланади. Бунда суғурта хизматларини тизимли йўлга қўйиш назарда тутилмоқда. Суғурталаш нафақат етказилган зарарни қоплашни, балки ёнғин ҳолатларининг олдини олиш тизимининг самарали механизмини йўлга қўйиш имконини беради.

Бугунги кунда дунёда ёнғинга қарши суғурталашнинг икки тури – ихтиёрий ва мажбурий турлари қўлланиб келинмоқда.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида, аниқроғи 1993 йилда аҳолини қўшимча ижтимоий ҳимоялаш

[1] Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти томонидан ташкил этилган «Ўзбекистон Республикасида ёнғинга қарши суғурта институтини ўрнатиш муаммолари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Т.: 2019 й. 30 апрель.

мақсадида Вазирлар маҳкамасининг «Фуқароларга қарашли мол-мулкнинг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида»ги 609-сон қарори қабул қилиниб, унга кўра фуқароларга қарашли мол-мулкнинг давлат мажбурий суғуртаси жорий этилиб, ушбу суғурта орқали фуқароларнинг мол-мулкини ёнғиндан суғурталаш ҳам йўлга қўйилган эди. Ушбу қарор Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 22 ноябрдаги 413-сон қарори билан бекор қилинган.

Тан олиш лозимки, бугунги кунда табиий офатлар ёки ёнғин сабабли мол-мулк ёки инсонлар ҳалок бўлиши ҳолатлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётган бўлсада, мазкур хавфлар бўйича суғурта тарифлари нисбатан арзонлигига қарамай, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларида ўзларига қарашли мол-мулкни суғурта қилишга бўлган қизиқиш жуда паст даражада сақланиб қолмоқда. Ўз навбатида ёнғин ва бошқа ҳодисалар натижасида вафот этганлар ва жароҳат олганларнинг даволаниши, уй-жойни қайта тиклаши учун салмоқли миқдорларда моддий ёрдам ажратилишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда ёнғинга қарши суғурта фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган алоҳида қонун ҳужжати мавжуд эмас. Ҳозирда амалда бўлган ёнғин хавфсизлиги ва суғурта фаолиятини тартибга соишга қаратилган қонунчилик нормаларида ҳам ёнғинга қарши суғурта тўғрисида сўз бормаган. Айни пайтда мол-мулк суғурта қилинган ҳолдагина ёнғинга суғурта ҳодисаси сифатида қаралади холос.

Кўп йиллар давомида биноларни оловга чидамли материаллардан қуриш, шундай материалларни ишлаб чиқаришга етарлича эътибор қаратилмаган. Аксинча, ёнғин хавфсизлигини маъмурий йўллар билан таъминлаш чораларини кўришга асосий урғу берилган. Ваҳоланки, биноларни оловга чидамли материаллардан қуриш иқтисодий ҳимоя механизмларидан бири ҳисобланади.

Ёнғин ва бошқа табиий офатларга қарши суғурта тизимининг жаҳон амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, АҚШда ёнғинга қарши суғурта жами суғурталар миқдорининг 40 фоизини ташкил этади (табиий офатларга қарши суғуртадан кейин иккинчи ўринда туради). Ўзгарувчан табиий муҳитнинг мавжудлиги, вақти-вақти билан кучли торнадоларнинг юз бериб туриши америкаликларни ўз мол-мулкини ёнғинга қарши суғурта қилдиришга мажбур қилган[1].

Ёнғинга қарши суғурта Ҳиндистонда мулкни суғурта қилдиришнинг энг кенг тарқалган тури ҳисобланади. Бундай суғурта туридан асосан тадбиркорлар фойдаланадилар[2]. Тадбиркорлар бу орқали ўз бизнесларига етказилиши мумкин бўлган зарардан ҳимояланадилар. Чунки Ҳиндистонда кутилмаган ёнғинлар (чақмоқ уриши, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига етарли даражада амал қилинмаслиги, тез аланга олувчи маҳсулотлардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш) тез-тез содир бўлиб туради.

Ҳар икки давлатда ёнғинга қарши суғурта маъмурий йўллар билан эмас, бунга бўлган зарурий эҳтиёж туфайли кенг тарқалган.

Россияда 2010 йилда «Ёнғин натижасида етказилган зарар оқибатлари учун фуқаровий жавобгарликнинг мажбурий суғуртаси тўғрисида» Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган[3] ва ҳалигача муҳокама қилинмоқда.

Қирғизистон Республикасида 2012 йилдан буён «Ёнғин ҳолати бўйича капитал қурилиш эгаларининг фуқаровий жавобгарлиги мажбурий суғуртаси тўғрисида» Қонун лойиҳаси муҳокама этиб келинмоқда[4].

---

[1] CivilSecurityTechnology, Vol. 8, 2011. No. 1 (27). P. 44

[2] AratijaDhavi. Importanceof fire insurance. https://medium.· com@aratijadhav110/ importance-of-fire-insurance-e26dc1598743

[3] https://www. mchs. Gov. ru/law/Proekti_mchs/Nezavisimaja_antikorrupcionnaja_jekspert/Proekti_federalnih_zakonov/item/221849/

[4] https://www. cbd. minjust. gov. kg/act/preview/ru-ru/95478/10?mode=tekst.

Юқорида келтирилган мисоллар кўчмас мулк суғуртаси етарлича ривожланмаган мамлакатларда маъмурий йўл билан ёнғинга қарши мажбурий суғурта тизимини жорий қилиш мураккаб ва кўп вақт талаб қилинадиган жараён эканлигини кўрсатади. Қонун ҳужжатларини қабул қилишнинг ўзи билан самарали тизим яратишнинг имкони йўқ. Дастлаб уларнинг амал қилиш механизми йўналишларини аниқ белгилаб олиш лозим.

Шу сабабли ёнғинга қарши мажбурий суғурта тизимини амалга киритишдан аввал қуйидагиларни амалга киритиш зарур деб ҳисоблаймиз:

– ёнғинга қарши мажбурий суғурта тизимини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш, бу бўйича концепция ишлаб чиқиш;

– ёнғин хавфсизлигига қарши кураш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларга мос равишда амалдаги «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунга ёнғинга қарши мажбурий суғуртанинг киритилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритиш;

– асосий эътиборни ёнғинга қарши суғурта тизими фуқароларнинг мол-мулки ва ҳаёти, тадбиркорларга қарашли мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш мақсадида жорий этилаётганлигига қаратиш;

– ёнғинга чидамли қурилиш ва бошқа материаллар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва хусусий тадбиркорлик субъектларини мазкур фаолиятга кенг миқёсда жалб қилиш;

– мажбурий суғурта тизимини барча тоифадаги объектларга эмас, балки ёнғин келиб чиқиш эҳтимоли юқори бўлган объектларга нисбатан жорий этиш (осон ёнадиган материаллардан қурилган бинолар, ёнғин келиб чиқиш эҳтимоли юқори бўлган ҳудудда жойлашган ва тез аланга олувчи, портловчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ёки ишлаб чиқаришда бу каби маҳсулотлардан фойдаланиладиган объектлар);

– мажбурий суғурта тизимида турли суистеъмолликлар, товламачилик, таъмагирлик ва фирибгарлик каби ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида аҳоли ва тадбиркорларнинг бу тўғридаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш чора-тадбирлари белгиланган алоҳида дастур ишлаб чиқиш.

Ёнгинга қарши суғурталашнинг ривожланиши натижасида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча имкониятлар юзага келади. Замонавий ёнгин хавфсизлиги тизимларини ҳаётга жорий этиш бўйича талаб ортади. Суғурта қилувчи компаниялар суғурта ишларини амалга оширган ҳудудлардаги ёнгин хавфсизлиги хизматининг янада такомиллашувидан манфаатдор бўлади ва улар билан ҳамкорликда иш олиб боради, огоҳлантириш тадбирларини тизимли йўлга қўйиш борасида ишлар олиб боради.

2018 йилда давлатимиз раҳбари томонидан 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилиб, уларда 52 млрд. долларлик 1080 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди.

Юқоридаги ҳолатлар ўз ўрнида турли ишлаб чиқариш таваккалчиликлари билан боғлиқ бўлиб, бу эса ўз-ўзидан суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжни орттиради. Ишлаб чиқариш фаолиятида мавжуд бўлган таваккалчиликларнинг қуйидаги кўринишларини келтириш мумкин:

ишлаб чиқариш таваккалчиликлари (ишлаб чиқаришдаги узилишлар); турли табиий, техноген ва экологик тусдаги офатлар юзага келиши билан боғлиқ таваккалчиликлар; инвестицион қобилиятнинг пасайиши билан боғлиқ таваккалчиликлар; мол-мулкнинг йўқотилиши; молиявий таваккалчиликлар; ускуналарнинг ишдан чиқиши ёхуд шикастланиши; технологик жараён бузилиши; авариялар; ёнғинлар ва ҳоказо.

Ишлаб чиқариш натижасида кўриладиган зарарларни камайтириш, ушбу ҳодисалар натижасида ишлаб чиқаришнинг

тўхтаб қолиш даражасини камайтириш мақсадида турли тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Ишлаб чиқариш таваккалчиликларини бошқариш усулларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

– маблағ ҳамда ишлаб чиқариш асбоб-анжомлари ва ускуналари захираларини яратиш;

– меъёрлаштириш чораларини кўриш (стандартлаштириш, сертификациялаш, лицензиялаш) ва энг юқори хавфсизлик чораларини кўриш;

– суғурталаш.

Ишлаб чиқаришдаги таваккалчиликлар орасида турли сабабларга кўра юзага келиши мумкин бўлган ёнғинлар алоҳида ўрин тутади. Чунки ёнғиннинг юзага келиши билан боғлиқ сабаблар ва омиллар жуда кўп. Бу айниқса, ёниш ва портлаш хавфи юқори объектларда яққол кўзга ташланади. Йирик саноат корхоналарида юз берган авария ва ёнғинлар нафақат корхонанинг иқтисодий ҳолатига, балки атрофидаги бошқа корхоналар ва аҳолининг мулки ва соғлиғига жиддий зиён етказади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида юз берган ёнғинлар натижасидаги зарарлар

Йиллар	Ёнғинлар сони	Ҳалок бўлганлар	Жароҳат олганлар	Моддий зарар (млн. сўм)
2014	13638	179	583	3892, 6
2015	13140	151	508	3500, 1
2016	13002	139	464	3493, 5
2017	12721	165	401	6834, 5
2018	11974	135	373	8807, 3

Жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, Республикамизда фаолият кўрсатаётган иқтисодиёт тармоқлари ва

ижтимоий соҳа объектларида содир бўлаётган ёнғинлар уларнинг сони, инсонларнинг ҳалок бўлиши ва тан жароҳати олиш ҳолатлари бўйича камайиш тенденциясига эга бўлсада, ушбу ёнғинлар натижасида ҳосил бўлаётган моддий зарарлар ҳажми ортиб бормоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналаридаги таваккалчиликлардан кўрилган зарарларни қоплашда Ўзбекистон суғурта компаниялари томонидан турли хил суғурта маҳсулолари таклиф этилаётган бўлсада, амалиёт корхоналарнинг суғуртага катта ишонч билдирмаётганлигини кўрсатмоқда. Бунинг сабаблари сифатида корхоналарнинг суғурта хизматлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмаслиги, бу борада етарли тарғибот ишлари олиб борилмаётганлиги ва суғурта компанияларига бўлган ишончнинг пастлигини кўрсатиш мумкин.

Шаҳарсозлик соҳасида фаолият юритаётган ташкилот ва идораларнинг мутахассислари, шу жумладан, Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг қуйи тизимларидаги ходимлар кўп ҳолларда қурилиш объектлари учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда, шаҳарсозлик соҳасидаги лойиҳа ҳужжатларини Давлат экспертизасидан ўтказишда ва янги қурилишларни назорат қилишда ёнғинга қарши тадбирларни шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида бажарилишини тўлиқ ва тўғри талаб қилмасликлари натижасида инсонларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва қурилиши тугалланмаган объектларда бажарилиши керак бўлган ёнғинга қарши тадбирларни тўлиқ бажарилишига эришилмай объектларни ишга тушириб юборилиши аксарият ҳолларда аянчли оқибатлар билан тугаётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз[1].

[1] К. Якубов, А. Тожибоев, Н. Исмоилов (ИИВ ЁХИ) Ёнғинга қарши суғурталаш ҳозирги давр талаби. «Ўзбекистон Республикасида ёнғинга қарши суғурта институтини ўрнатиш муаммолари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Т.: 2019 й. 30 апрель

Ишлаб чиқариш жараёнида ёнғинлар натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш учун суғурта компаниялари махсус суғурта дастурларини ишлаб чиқишлари лозим деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти томонидан ташкил этилган «Ўзбекистон Республикасида ёнғинга қарши суғурта институтини ўрнатиш муаммолари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Т.: 2019 й. 30 апрель.

2. Civil Security Technology, Vol. 8, 2011. No. 1 (27). P. 44.

3. AratijaDhavi. Importanceof fire insurance. https://medium.com@aratijadhav110/importance-of-fire-insurance-e26dc1598743

4. https://www. mchs. Gov. ru/law/Proekti_mchs/Nezavisimaja_antikorrupcionnaja_jekspert/Proekti_federalnih_zakonov/item/221849/

5. https://www. cbd. minjust. gov. kg/act/preview/ru-ru/95478/10?mode=tekst.

Р.Р. Азимов, И.Ж. Исаков,
Ташкент давлат иқтисодиёт
университети магистрантлари

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА СУҒУРТАЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда суғурталаш тизимининг устунликлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб бер-илган. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда суғурта амалиётини ривожлантиришнинг заруриятлари аксини топган. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда суғурталаш фаолиятида уни қўллаш имкониятлари тадқиқ этилган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган

Калит сўзлар: инвестиция, инвестицион лойиҳа, инвестиция таваккалчилиги, суғурта шартномаси, суғурта даври, риск.

Кириш

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун инвестицияларни жалб қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу аввалambор, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш каби муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам хорижий инвестицияларни фаол жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарур шароит-

ларни яратиб бериш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. [1, с. 84].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиеев томонидан 2021 йил Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш йили деб эълон қилиниши муносабати билан белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда жорий йилда «Ўзбекинвест» компанияси бизнеснинг янги йўналишларини ривожлантиришни давом эттириб, қишлоқ жойларда мижозлар базасини кенгайтиришни, замонавий ахборот технологиялари, мижозлар билан масофавий ва он-лайн алоқаларни жорий этиш орқали суғурта хизматларининг сифатини ва қулайлигини ошириш, шунингдек, халқаро суғурта бозорларида хорижий ҳамкорлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва суғурта хизматлари экспортини оширишни устувор вазифа қилиб белгилади. Шу қаторда, 2020 йилда «Ўзбекинвест» компанияси Республика ҳудудларида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини суғурта ҳимояси билан таъминлашда жадал ўсишни таъминлади. Йил якунларига кўра 25, 6 млрд. сўм миқдорида суғурта мукофотлари йиғилди ва бу кўрсаткич 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 2, 9 баробарга ўсди. Республика бўйича имзоланган инвестиция лойиҳаларини суғурталаш бўйича шартномалар сони 3, 7 баравар ўсиб, 9250 тани ташкил қилди. «Ўзбекинвест» компанияси томонидан 2020 йил давомида 17 та инвестиция лойиҳаларини сугурталаш шартномалари бўйича 12, 2 млрд. сўм суғурта товонлари тўлаб берилди. «Ўзбекинвест» йирик ва ўрта бизнес тузилмалари ва ташкилотлар учун қурилиш-монтаж қалтисликларидан, молмулк, жавобгарлик, юк, шунингдек, экспорт шартномаларининг суғуртаси бўйича замонавий ва актуал суғурта маҳсулотларини таклиф қилади. 2021 йилда «Ўзбекинвест» компанияси эркин иқтисодий, кичик саноат ва ихтисослаштирилган зона-

ларидаги инвестиция лойиҳаларини суғурта қилиш доирасида кучли ва ишончли ҳамкор сифатида ўз фаолиятини давом эттиришни мақсад қилиб қўйган [7].

Илмий аҳамияти: Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни муваффақиятли жалб этиш маълум даражада уч гуруҳ омилларга боғлиқ бўлади:

Биринчидан, инвестиция қувватининг мавжудлигига. Уни табиий, меҳнат захиралари, шунингдек, ишлаб чиқариш, истеъмол, молиявий, инновация, институционал ва инфратузилмавий қувватлар ташкил қилади.

Иккинчидан, мамлакатдаги мавжуд инвестиция шароитлари муҳим аҳамиятга эгадир. Буларга: умумиқтисодий, бозор, меъёрий-ҳуқуқий, ахборот билан таъминланиш, экологик, ижтимоий, маданий ва ижтимоий-маданий шароитлар киради.

Учинчидан, инвестиция таваккалчилиги омилларидир. Улар хорижий инвесторларнинг инвестиция қуввати ва инвестиция шароитларининг қулай афзалликларидан фойдаланиш бўйича вазифаларига қарама-қарши туради.

Барча гуруҳлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Мисол учун, етарли даражада жалб қилувчи бўлмаган инвестиция шароитлари, ҳатто, юқори қувватли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини ҳам пасайтириб юборади. Умумий олганда, инвестиция ресурсларини шакллантиришни учта гуруҳга бўлиш мумкин: ўз маблағлари; қарз маблағлари; жалб қилинган маблағлар [2, с. 30].

Инвестиция лойиҳалари юқорида келтирилган уч гуруҳли манбалар эвазига молиялаштирилар экан, бунда молиялаштиришнинг турли хавф-хатарларни олдини олиш усулларидан фойдаланилади. Шундай усуллардан бири – бу суғурталаш ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаларини суғурталаш, одатда, лойиҳани амалга ошириш учун катта миқдордаги молиявий маблағлар талаб этилган ҳамда уни биргина инвесторнинг маблағлари эвазига молиялаштиришнинг имкони йўқлиги ёки камдан-кам ҳоллардагина инвесторнинг маблағлари этарли бўлган шароитда ҳам у шунча миқдордаги молиявий ресурсларини биргина лойиҳага сарфлаб, оқибатда ундан ажралиб қолишни истамаган вақтда юзага келиши билан жуда аҳамиятли ҳисобланади [3, с. 43].

Таҳлил ва натижалар: Суғурталаш-йирик инвестиция лойиҳаларини бир неча кредиторлар маблағлари эвазига молиялаштиришни ҳисобга олиб, у иқтисодиётда йирик ишлаб чиқариш ва уни молиялаштиришга инвестицияларни жалб этишга бўлган хавф-хатарларда муҳим молиявий асос бўлиб хизмат қилади [5, с. 171].

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва кимё саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Бунда яқин ва узоқ хорижий давлатлар инвестициялари ва кредитларини жалб этиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратмоқ лозим. Уларнинг йирик инвестиция лойиҳалирини суғурталашдаги иштироки ва ҳиссасини ошириш иқтисодиётни модернизациялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизга ташқи инвестицияларни жалб этиш ва стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришда хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни ўрнатишда ва натижада йи-

рик инвестициялаш объектлари ишга туширилиши оқибатида долзарб муаммоларнинг ҳал этилишида муҳим ўрин эгаллайди. Ўз навбатида, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни хорижий инвестициялар иштирокида амалга оширишни янада фаоллаштиришда ўзига хос муаммолар ҳам мавжудлигини унутмаслик лозим. Мазкур муаммоларнинг ҳал этилишда инвестиция лойиҳаларини суғурталаш ҳам муҳим аҳамият касб этади [6. с, 44].

Инвестиция лойиҳалари ўртасидаги рақобат курашининг вужудга келиши, одатда, қуйидаги сабабларга асосланади:

1. Инвестицияларнинг энг қисқа фурсатда қопланиши ва юқори фойда келтириши.

2. Инвесторнинг капитал бюджети чекланганлиги.

Инвестициялар у ёки бу натижаларга эришиш ёки муайян турдаги чекланган ресурслардан фойдаланишнинг муқобил имкониятлари таъминланган ҳолларда ўзаро зиддиятли инвестициялар ҳисобланади ва рақобатлашувчи инвестициялар деб аталади. Муқобил инвестицияларни суғурталаш эса улар ичидан энг юқори самаралисини аниқлашга ва уни кўзланган мақсад йўлида молиялаштиришга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Маматов Б.С, Хўжамқулов Д.Ю, Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. – Т: Иқтисод-молия, 2014. 84-б.

2. Ниязов Ф. Банки увеличивают объемы финансирования инвестиционных проектов. «Рынок, деньги и кредит», 2014 №6 С. 30.

3. Голов Р.С., Балдин К.В., Передеряев И.И. Инвестиционное проектирование: Учебник – М.: Дашков и К, 2010 С. 43.

4. Проектное финансирование: синергетический аспект: Учебное пособие.

5. Г. А. Поташева – М. НИТс ИНФРА-М, 2015. С. – 171 с.

6. Риск-менеджмент инвестиционного проекта. / Под ред. Грачевой М. В. – М.: Юнити, 2009. С. 44.

7. https://uzbekinvest. uz/news/invest-thrice сайти;

8. www. stat. uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти;

9. www. LEX. uz -интернет сайти

А. Вахобов,
и.ф.н., «Ўзагросуғурта» АЖ Ҳудудларни
ривожлантириш ва суғурта ағентлари
тармоқлари биланишлаш департаменти менежери

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИ ҲОСИЛИНИ СУҒУРТАЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларининг экинлари ҳосилини суғурталаш тартиби амалий тарзда ёритиб берилган.

Калит сўзлар: ҳосил суғуртаси, суғурта пули, суғурта мукофоти, суғурта товони, суғурта қиймати, имтиёзли кредит, суғурталаш муддатлари, суғурта мукофотларини субсидиялаш.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг мол-мулки ва етиштираётган маҳсулотларини суғурталаш, табиий офатлар оқибатида етиши мумкин бўлган зарарларини қоплаш кафолатининг мавжудлиги иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида муҳим аҳамият касб этади.

Дунё амалиётида қишлоқ хўжалиги экинлари суғуртаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларни турли қалтисликлардан ҳимоя қилувчи кафолатли хизмат ҳисобланади. Ушбу хизмат эвазига аграр секторнинг барқарорлиги таъминланади, озиқ-овқат таъминоти, экспорт қилинадиган маҳсулотлар кафолати таъминланади, валюта тушуми кўпайишига

ва иқтисодиётни режалаштириш сифатининг ошишига эришилади. Шу туфайли ҳар қандай мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар ва қишлоқ аҳолиси учун барқарор суғурта бозорини изчил ривожлантириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида, шу жумладан, ҳосилни етиштиришда мавжуд таваккалчиликларни суғурталашни халқаро андозалар даражасида йўлга қўйиш унинг қатор янги вазифа ва муаммоларини ҳал этиш заруриятини келтириб чиқарди.

Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалигида бозор инфратузилмаси таркиби ва бошқаруви такомиллашиб бораётган ҳозирги шароитда:

– биринчидан, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталашни халқаро андозалар даражасида амалга оширилишини йўлга қўйиш, суғурталанувчилар томонидан мазкур хизматни тўлалигича ўзлаштириш учун унинг ҳуқуқий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш зарурияти мавжудлиги;

– иккинчидан, ҳосилни етиштиришда мавжуд тавакалчиликларни суғурталашнинг ташкилий-услубий жиҳатдан шаклланиш ва такомиллашуви жараёни давом этаётганлиги;

– учинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасини суғурталашни такомиллаштириб бориш зарурияти ушбу масалани долзарб қилиб қўяди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июнда қабул қилинган 505-сон «Пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги қарори муҳим аҳамият касб этди.

Юқоридаги қарорда Ўзагросуғурта» АЖ томонидан пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинлари етиштирувчи тадбиркор-

лик субъектларига пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинлари етиштириш учун бериладиган имтиёзли кредитларнинг 4 фоизи миқдорида суғурта харажатларига ажратиш бўйича ҳар йили:

– бошоқли дон экинлари ҳосили учун -1 февралгача;

– пахта ҳосили учун – 1 июнгача бўлган муддатларда суғурта шартномаларини расмийлаштириш тартиби белгилаб қўйилди.

Шунингдек, қарорда пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш бўйича расмийлаштирилган суғурта шартномаларига асосан тўланиши лозим бўлган сугурта товонлари, пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинлари етиштирувчи хўжалик субъектларидан тушган жами суғурта мукофотларининг 80 фоизгача бўлган қисми «Ўзагросуғурта» АЖ томонидан қопланиши, суғурта товонларининг қолган қисми Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Ўзагросуғурта» АЖ га ажратиладиган бюджет субсидияси орқали қопланиши назарда тутилган.

Амалда ушбу механизм қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг тўлиқ суғурта ҳимоясини бермайди ва бу борада бир қатор муаммоларнинг сақланиб қолишига олиб келади. Чунки, юқоридаги қарорда фақат давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинлари етиштирувчилар қамраб олинган. Боғ ва узумзорлар, сабзавот, полиз экинлари ҳосилини суғурталаш йўналишларидаэса бундай механизм мавжуд эмас. 2021 йилдан бошлаб бошоқли дон экинлари учун ҳам давлат буюртмаси бекор қилинганлиги мавжуд муаммони янада кенгайтирди.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг турли табиий офатлар натижасида кўрган зарарларини қоплаш механизми

сифатида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини мажбурий суғурта қилиш тизимини амалиётга жорий қилиш самарали йўл ҳисобланади.

Кўпгина мамлакатларда, жумладан: АҚШ, Канада, Европа Иттифоқига кирувчи барча мамлакатларда, МДҲ мамлакатларидан Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Латвия каби мамлакатларда қишлоқ хўжалиги мажбурий суғуртаси тўғрисида қонун хужжатлари қабул қилинган.

Россияда «Қишлоқ хўжалигини суғурталаш соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қонун 2011 йилда қабул қилинган.

Белоруссияда 2007 йилда «Қишлоқ хўжалиги экинлари, чорва моллари ва паррандаларни мажбурий суғарталаш масалалари тўғрисида»ги Фармон қабул қилинган.

Қозоғистонда 2004 йилда «Қишлоқ хўжалиги соҳасида мажбурий суғурта тўғрисида» қонун қабул қилинган.

Юқоридагилардан ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш заруратидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда «Қишлоқ хўжалиги суғуртаси тўғрисида» қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Хорижий мамлакатлар амалиётида суғурта мукофотларининг бир қисмини (50 фоизгача) тўлаш учун фермер хўжаликларига давлатдан субсидия маблағлари ажратилиши ўзининг юқори самарасини бериб келмоқда. Ушбу восита орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурта хизматларига 90-95 фоиз даражада жалб этишга эришилмоқда.

Субсидия маблағларини қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларга суғурта мукофотларининг бир қисмини тўлаш учун ажратилиш механизми амалдаги Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июнда қабул қилинган 505-сон қарорида

кўзда тутилган суғурта товонлари учун субсидия маблаглари ажратилишига нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Жумладан:

– субсидия маблағлари тўғридан тўғри фермер хўжаликларига суғурта мукофотлари тўлаш учун ажратилади.

– суғурта қамрови даражаси ошиши натижасида суғурта компанияларида зарарларни қоплаш учун етарли даражада захира маблағлари шаклланади.

Амалдаги тартиб бўйича субсидия маблағлари суғурта ташккилотига фақатгина суғурта товонлари ҳажми тушган суғурта мукофотларининг 80 фоизидан ошган қисимни қоплаш учун йўналтирилади.

Бунда суғурта шартномасини кучга киритмаган, таъминот олинмасдан ишончли кредит ажратилган, лекин, табиий офатлар натижасида ҳақиқатда зарар кўрган фермер хўжаликларининг кўрган зарарлари қопланмасдан қолади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида, айниқса ишлаб чиқариш натижалари тўғридан тўғри об-ҳаво иқлим шароитлари билан боғлиқ бўлган деҳқончилик соҳасида таваккалчиликлар даражасининг юқорилиги қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ва қишлоқ аҳолисининг молиявий иқтисодий ҳолатига ва агросаноат ишлаб чиқаришига кенг кўламдаги инвестиция маблағларининг жалб этилишига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу борада кафолатланган суғурта ҳимоясининг мавжудлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун ажратиладиган кредит ресурсларини олишга кенг йўл очиб берадива қишлоқ хўжалиги лойиҳаларига инвестицияларни жалб қилиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва турмуш даражасини ошириш имконини беради.

А.М. Махмудов,
«Ўзбекинвест Ассистанс»Сервис агентлиги
директори

СУҒУРТАДА АССИСТАНС ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Аннотация. Мазкур мақолада суғурта хизматлари бозоридаги ассистанс компаниялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган, ассистанс компанияларининг тавсифи, шунингдек ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига тайанган ҳолда ассистанс фаолияти тури, уларнинг классификацияси ва туркумланиши, мавзуга оид иқтисодчи олимларнинг қарашлари, ассистансларга берилган тарифлар ва муаммолари таҳлил қилинган. Таҳлиллардан келиб чиқиб ассистанслар фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Сугурта компанияси, ассистанс компаниялар, тиббий ассистанс, техник ассистанс, ҳуқуқий ассистанс, суғурта ҳодисалари, суғурта даъволари.

Амалиётда суғурта компанияси билан манфаатлар тўқнашуви юзага келганда, одатда истеъмолчилар, суғурта хизматларидан фойдаланувчилари заиф ҳолатга тушиб қолишади. Эҳтимол бу улар учун бундай биринчи ҳолатдир, суғурта қоидалари тушунмаганликларидир, аммо суғурта компанияси учун эса бу одатий ҳолат ва у бундай шароитларда ўз манфаатларини

тўғри ҳимоя қилиш механизмларини ишлаб чиққан ва катта тажрибага эгадир. Бундан ташқари аксарият мизожлар шартнома шартларини ва ўзларининг ҳуқуқий хатти-ҳаракатларини яхши билишмайди. Бундай муаммоларни ижобий ҳал қилиш, мижозларга ёрдам бериш, улар қийин аҳволда қолганларида қўллаб-қувватлаш борасида фаолият тури аллақачон шаклланиб бўлган бу ассистанс компаниясининг хизматларидир. Бироқ, мамлакатимизда ушбу бозор сегменти ривожланган давлатларга нисбатан анча орқада ва етарли даражада ривожланмагандир.

Суғурта бозорининг ривожланиши бевосита жаҳон иқтисодиётида долзарб бўлган иқтисодий тенденцияларга боғлиқдир. Молия соҳасидаги инқирозлар, валюта курслари ва нарх-навонинг ўзгариши, табиий ва техноген жараёнларнинг салбий ҳолатларининг кўпайиши, пандемия ва бошқа иқтисодиётдаги салбий ҳодисалар суғурта бозорига ва ассистанс компаниялари фаолиятига бевосита таъсир қилади.

«Ассистанс» тушунчаси (инглиз тилида assistance – ёрдам) ёрдам, кўмак, қўллаб-қувватлаш деган маъноларни англатади. Халқаро бизнес юритишда «ассистанс» – бу жисмоний ва юридик шахсларга техник, тиббий, сервис, информацион, ҳуқуқий ва молиявий ёрдам кўрсатишга қаратилган фаолиятнинг асосий йўналишини кўрсатадиган компаниялар номларига қўшимча сифатида ишлатиладиган умумий қабул қилинган атама ҳисобланади. Ассистанс дунёнинг кўплаб мамлакатларида тадбиркорлик фаолиятини тури сифатида кенг ривожланган.

Биринчи марта ушбу хизмат тури Францияда XX асрнинг 60-йиллари бошларида пайдо бўлди. Айнан ўша пайтда тиббий харажатларни классик суғурталашдан ташқари, ўз мижозларига вақтида сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш (йўлга қўйиш) мақсадида компаниялар кўринишида пайдо бўла бошлаган. Асосийси бунда барча харажатларни суғурта компаниясининг ўзи амалга оширган.

Шундай қилиб, ассистанснинг асосий вазифаси – бу суғурта компанияси мижозларига хизмат кўрсатиш сифатини назорат қилиш, мижозлар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда уларга хизмат кўрсатиш, хизмат кўрсатувчилар (тиббиёт муассасалари, техник хизмат кўрсатувчи марказлар, эвакуаторлар, юрист ва адвокатлар, меҳмонхоналар) билан ҳамкорликда ишлашни такомиллаштириш, шунингдек минтақавий хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш.

Шунингдек, ёрдамчи ассистанслар (суғуртага алоқаси бўлмаган) онлайн транспорт хизматлари (таксилар, микроавтобуслар) ташкил этишни ўз ичига олган хизматлар, шахсий ассистанс (совғалар, гуллар, курерлик хизматлари, гидлар ва бошқалар), уй ҳайвонлари (мушук, итлар ва ҳ. к) учун тиббий хизмат ассистанси, аренда (уй, офис, автотранспорт ва ҳ. к) ассистанслари ҳам мавжуд.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб ассистанслар суғурта компанияси таркибидаги ва алоҳида юридик шахс сифатидаги кўп тармоқли ассистанс (мултиассистанс) шаклида бўлади.

Суғурта компанияси таркибида ассистансни ташкил этишнинг ижобий томонлари бу суғурта маҳсулотларини яратиш ва сотиш бўлимлари билан ўзаро яхши конструктив алоқаларнинг шаклланишидир. Бундай алоқалар ҳамкорликда ишлаш тизимини кўчайтиради ва натижада мижозларга юқори сифатли хизматлар кўрсатилади, шунингдек, мижозларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларига тезкор таъсир қилиш имкониятини оширади. Аммо кўп ҳоллар бундай ассистанс компания эҳтиёжлари билан чекланиб қолади ва мустақил ривожланиш имкониятларидан маҳрум бўлади.

Мултиассистанс – бу мижозга ёрдамни ташкил этишнинг кўп босқичли тизими бўлиб, унда сугурта компаниялари ўз номидан иш юритишни ассистансга топширади ва у диспетчер вазифасини бажаради, шаклланган хизмат орқали субассистанс

тармоқ хизматларини ташкил этади, яъни бошқа (худудий ёки ўзининг ассистанс тармоқлари) ассистанс компанияларини жалб қилади. Бундай ҳолда, OverFee (тўловни ошиши) усули қўлланилади, бунда асосий (умумий) ассистанснинг хизмат нархларига суғурта ҳодисасини ҳал қилишга жалб қилинган субассистанс хизмат нархлари қўшилади ва у нархнинг ошишига таъсир қилади. Аммо бунга қарамай суғурта компанияси билан ассистанс ҳамкорлиги суғурта компаниясига маблағларни иқтисод қилиш имконинин беради.

Фаолият турига қараб ассистанс ихтисослашган ва универсал ассистансларга бўлинади. Ҳудудий жиҳатидан эса худудий (бир минтақанинг ҳудудида), худудлараро (бир минтақанинг бир нечта ҳудудларида), миллий (бир минтақада) ва халқаро (минтақанинг бир қатор мамлакатларида) ва трансмиллий (кўплаб минтақалар худудларида) ассистансларга бўлинади.

Хорижий мамлакатларда хизмат кўрсатиш учун ассистанс компаниясини танлашда суғурта компаниялари қўйидагиларга эътибор беради, яъни дунёнинг барча бурчакларида кенг ваколатхоналар тармоғига эга эканлиги, шунингдек, ассистанс компанияси билан ҳамкорлик шартномаларига эга бўлган провайдерларнинг мавжудлиги, кўрсатилаётган ассистанс хизматларининг ўртача нархлари, суғурталанувчиларга (суғурталанган шахсларга) хизмат кўрсатишнинг сифати ва самарадорлиги, суғурталовчи хизмат кўрсатаётган худуд ва минтақаларда ваколатхоналарнинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

Суғурта компаниясиининг асосий вазифаси бу суғурта фондини бошқаришдир. Шу сабабли юзага келиши мумкин бўлган рискларни сифатли баҳолаш, захираларни тўғри шакллантириш ва ўз вақтида суғурта ҳодисалари бўйича тўловларни амалга ошириш ҳар қандай суғурта компаниясининг асосий мақсади ва вазифаси ҳисобланади. Айнан шундай сиёсат компаниянинг ижобий имиджини ва ривожланишини белгилайди.

Бугунги кунда рақобатбардош тариф ставкалари билан мижозни ўзига жалб қилиш жуда қийин, шунинг учун мижозга сифатли хизматлар кўрсатиш зарур, айниқса, суғурта ҳодисаси юз берган ҳолатларда. Бунда суғурта компаниялари биринчи навбатда ўзларини фирибгарликдан ҳимоя қилиш ва суғурта ҳодисаларини бартараф этиш харажатларини минималлаштиришга қаратадилар. Буларни ҳисобга олган ҳолда ассистанс компаниялари суғурта компанияларига қоида тариқасида қўйидаги хизматларни тақдим этишади:

1) Суғурта ҳодисаси юз беришининг сабаблари ва зарар миқдорини аниқлаш (adjustingservice), бунга қўйидагилар киради: техник экспертиза ўтказиш ва зарарни малакали баҳолаш, ҳисобот тузиш (assessorreports); форс-мажор ҳолатларининг мавжудлиги (йўқлиги) тўғрисида ваколатли идоралардан маълумотномалар сўраш ва олиш; авария сертификатларини тайёрлаш (surveyreports); мурожаат ҳудудидан келиб чиққан ҳолда суғурта компанияларининг регресс ҳуқуқларини маҳаллий судларда ҳимоя қилиш; маҳаллий ҳуқуқни мухофаза қилиш идораларида суғурта компаниясининг манфаатларини ҳимоя қилиш (бахтсиз ҳодисаларини текшириш жараёнида); зарар етказилган автотраспортни бахтсиз ҳодиса содир бўлган жойда муҳофаза, қуриқлаш чораларини кўриш, зарарни кўпайишини олидини олиш мақсадида суғурта ҳодисасидан кейин ҳар қандай объектни ҳимоя қилиш (кўзатиш) ишлари;

2) Даъволарни кўриб чиқиш хизмати (claimshandlingservice). Суғурта компаниялари учун даъволарни қондириш – бу яхши молиявий инвестицияларни, малакали ишчи кучи ва ўрнатилган алоқаларни талаб қиладиган жараёндир. Афсуски, провайдерлар ёки суғурталанувчиларнинг даъволарни таҳлил қилишда тасодифий (тасодифий бўлмаган) хатолар ва номувофиқлар кўплаб топилади. Суғурта бизнесининг рентабеллиги даъволарини кўриб чиқиш ва уларни қоплаш бўйича ишлар-

нинг қанчалик тўғри ва профессионал тарзда амалга оширилишига боғлиқ бўлади.

1-жадвал

Суғурта компанияси ва ассистанс ўртасидаги самарали ҳамкорлик

Ассистанс нуқтаи назаридан	Суғурта компанияси нуқтаи назаридан
Суғурта компаниясида тўғри ишлаб чиқилган, юқори сифатли маҳсулотларнинг мавжудлиги (унда суғурта шартлари аниқ ва равшан ёзилган, шунингдек бу шартлар икки хил маънони ёки турлича таълқин қилиниши истеъсно қилинган бўлиши керак)	Турли ҳудуд ва минтақаларда кўплаб провайдерлар билан шартномавий муносабатларнинг мавжудлиги;
Мустақил қарор қабул қилиш имконияти, ваколати, ҳеч бўлмаганда маълум чегара доирасида	Мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнида чегирмалар олиш имконияти
Суғурталанувчилар (суғурталанган шахслар) тўғрисида маълумотларни ўз вақтида тақдим этилиши;	Барча жараёнларни автоматлаштиришга имкон берадиган дастурий таъминот ва техник воситаларнинг мавжудлиги, мижозларни идентификация қилишдан тортиб, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб-қитобларни назорат қилишгача
Ўз вақтида қилинадиган ўзаро ҳисоб-китоблар	Хизмат сифатини назорат қилиш имконияти
	Суғурта компанияси манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, мижозларга нисбатан хуш муомала ва тўғри тутадиган юқори малакали мутахассислар таркибининг мавжудлиги

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ассистанс ва суғурта компаниялари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлиги, суғурта компаниясининг ўз зиммасига олган мажбуриятларини қандай бажаришига, яъни маълумотлар базасини ўз вақтида тақдим этиши ёки суғурта полисининг ҳақиқийлигини тасдиқлаши, ассистанснинг ушбу масаладаги сўровига оперативлик билан жавоб беришга боғлиқ, шунингдек, тақдим этилаётган хизматлар ва аниқ кўрсатилган суғурта шартларининг мавжудлиги, асосийси ўзаро ҳамкорлик шартномаси шартларига мувофиқ ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилишига боғлиқ бўлади.

Зарур бўлганда суғурта компанияси кўрсатилаётган хизматларнинг ҳақиқий ҳажмини, ишлатилган материалларнинг аниқ номи, миқдори ва уларнинг ҳақиқий нархини аниқлаш асосида худудда тасдиқланган ёки белгиланган нархларни провайдерлар ёки ассистанслардан сўраши ва назорат қилиши мумкинлиги.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, суғурта бозорида ассистанс фаолиятни бу бозор механизмларининг ишлашини, яъни суғурталанувчилар (юридик ва жисмоний шахслар), суғурта маҳсулотларини истеъмол қилувчиларнинг суғурта хизматларидан фойдаланиш пайтида юзага келадиган муаммоларини ҳал қилиш, олдини олиш, уларга ёрдам (тиббий, техник, ҳуқуқий) бериш, уларни қўллаб-қувватлашда муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари бозорда фаолият юритиш ва рақобатчилардан устунликни таъминлашда суғурта компанияларининг суғурта шартномаси имзолангандан кейинги фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Бу фаолият турини бозорда ассистанс компаниялари тақдим этади. Юқорида айтилганидек ассистанс компанияларининг асосий мақсади суғурта маҳсулотлари мизожларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир.

Афсуски ҳозирги кунда кўпчилик суғурта компаниялари суғурта шартномаси имзолангандан кейинги жараённи назорат қилишмайди ёки бу соҳада деярли назорат мавжуд эмас. Бунга бир қанча омиллар таъсир қилади, яъни суғурта компаниясининг катта кичиклиги, уларда хизмат кўрсатиш ассистанс хизматларининг йўқлиги, бу борадаги харажатларнинг юқорилиги ва бошқалар ҳолатлар.

Шу муносабат билан ассистанс фаолияти ёки суғурта компаниялари фаолиятида ассистанс хизматларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини яратиш, улар фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш (солиқ имтиёзлари бериш) чора-тадбирларини ошириш муҳим аҳамият касб этади ва бу ўз навбатида миллий суғурта хизматлар бозорида яна бир профессионал иштирокчининг фаолиятининг ривожланишига замин яратган бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаева. Ассистанские услуги: не проморгать возможности. (2019). http://isrs. uz/ru/maqolalar/assistanckie-uslugi-ne-promorgat-vozmoznosti

2. Абдурахмонов И. Х. Суғурта тармоқларини ривожлантиришда суғурта воситачилари фаолиятини ташкил этиш самарадорлиги. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. (2020) № 1, февраль.

3. Ефимов С. Л. Ассистанс // Энциклопедический словарь. Экономика и страхование. – Москва: (1996) Церих-ПЭЛ, – С. 33-34. – 528 с. - ISBN 5-87811-016-4.

4. Сирик Н. В. Имущественное страхование в туризме // Вестник Оренбургского государственного университета. – Оренбург: Оренбургский государственный университет, (2006) - № 3. - С. 163-166. - ISSN 1814-6457

5. Ефимов С. Л. Энциклопедический словарь. Экономика и страхование. (1996) М.: Церих-ПЭЛ.

6. Осадець С. С. Страхування: Підручник / Керівник авт. колективу і наук, ред. Вид. 2-ге, перероб. і доп. (2002) К.: КНЕУ

7. Шахов В. В. Страхование: Учебник для вузов. М.: Страховой полис, ЮНИТИ (1997)

8. Овчинникова Е. А. Особенности посреднической деятельности в страховании // Экономический журнал. - М.: Издательство Ипполитова, (2008) - № 15. - С. 17-22. - ISSN 2072-8220

9. Фёдоровой Т. А. Страхование граждан, выезжающих за рубеж // Страхование: учебник / Под ред. Т. А. Фёдоровой. – 3-е изд. (2009) - М.: Магистр. – С. 402-413. – 1006 с. - ISBN 978-5-9776-0032-3.

N.B. Abdusalomova,
iqtisodiyot fanlar doktori, dotsent TDIU
D.B. Begalova,
TDIU 3-kurs talabasi

SUG'URTA KOMPANIYALARI – BOZOR IQTISODYOTINI SHAKLLANTIRISHNING INSTITUTI SIFATIDA

Annotatsiya. Bugungi kunda sug'urta faoliyati harbir mamlakat iqtisodiyoti o'sishning uzluksizligi va barqarorligini ta'minlovchi hamda bozor iqtisodiyoti infratuzilmasini tashkil etuvchi muhim tarmoqlardan biri hisoblanadi. Sug'urta faoliyati mamlakatdagi iqtisodiy munosabatlarning samarali faoliyat ko'rsatishi va muvaffaqiyatli rivojlanishining strategic omillaridan biridir. Bu ijtimoiy va pensiya muammolarini hal qilish, fuqarolarning farovonligini oshirishga, shuningdek, davlatning investitsiya salohiyatini oshirishga imkon beradi. Strategik qarorlar ishlab chiqish va qabul qilishning muhim bosqichlaridan biri jahon standartlariga javob beruvchi va davlat hamda sug'urtachilarning ehtiyojlarini qondiradigan milliy sug'urta tizimini shakllantirish va rivojlantirishdan iborat.

Kalit so'zlar: bank, sug'urta, qimmatli qog'ozlar savdosi, sug'urtada AKTdan foydalanish, zamonaviy sug'urta bozori.

Jahon moliyaviy bozori – vositachilik vazifasini o'tayotgan moliyaviy tashkilotlarning majmuasi bo'lib, jahonmoliya viy aktivlarini kreditorlar va qarzoluvchilar, mol-mulk sotuvchilar va xaridorlar o'rtasida taqsimlaydi. Xalqaro sug'urta bozori global

moloyaviy bozorning bir qismidir, u mustaqil iqtisodiy hodisasi fatida mavjud bo'lib, milliy va mintaqaviy sug'urta bozorlarining uyg'unlashgan holat isifatidaham shakllanadi.

Jahon sug'urta bozorining globallashuvi jahon iqtisodiyotida yuz bergayotlarning o'zgarishlarning ta'siri ostida yuzaga keladigan milliy sug'urta kompaniyalar io'rtasidagi qonunchilik va iqtisodiy to'sqinlarni bartaraf etish jarayonlari bo'lib, uning asosiy maqsadi global sug'urta maydonini shakllantirishdir.

Globallashuv jarayonlarining sug'urta jarayonlarida o'ziga xos xususiyatlari bor. Buning sababi shundaki, u xalqaro moliya sohasi va kompaniyaning axborot tizimi bilan chambarchas bog'liq bo'lgan xalqaro biznesdir. Sug'urtadagi globallashuv jarayonlari, moliyaviy va axborot sektori bilan birga yuqori sur'atlarda davom etmoqda va milliy iqtisodiyotning ko'pgina boshqa tarmoqlariga nisbatan yetakchi dinamikaga egadir. Sug'urta sanoatining yuqori darajada tartibga solinishi tufayli sug'urtani tartibga solishning globallashuvi muayyan o'ziga xos xususiyatlarga egadir, ya'ni bir tomondan, bu integratsiyani murakkablashtiradi, chunki milliy qonunchilikni birlashtirishga qo'shimcha qiyinchiliklar mavjud, ikkichisi esa vaziyatni osonlashtiradi, chunki yaxshi boshqariladigan sanoat davlat va millatlararo ta'sir ko'rsatish osonroqdir.

Sug'urta bozori bugungi kunda faqat milliy va mintaqaviy bozorlarning alohida to'plamidan voz kechib, jahon miqiyosida faoliyat yuritadigan sug'urta kompaniyalari to'plami sifatida aniqlangan va jahon iqtisodiyotdagi sug'urta xizmatlariga talab va taklifni shakllantiradigan global sug'urta bozori, ya'ni yangi mustaqil iqtisodiy hodisa yuzaga kelmoqda.

Jahon sug'urta bozorining paydo bo'lishi uchun quyidagi shartlar bajarilishi kerak bo'ladi: [6 b. 168, 9 b. 745].

– tartibga solishning erkinligi;

– sug'urta va bank kapitalining o'zaro bog'liqligi;

– jahon iqtisodiyotining o‘sishi;

– qayta sug‘urtalash bozorining rivojlanishi;

– axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va xalqaro axborot tarmog‘i bo‘lmish internetdan keng foydalanish.

Moliya bozorlarini tartibga solishning erkinlashtirilishi, yangi bozorlarga kirishning ochilishi, yangi sug‘urta kompaniyalar payda bo‘lishini kuchaytirdi va an’anaviy bozor ishtirokchilari hamda ular bilan yangi kelganlar o‘rtasidagi raqobat kuchayib ketdi. Avval tijorat banklarini investitsiyalash va sug‘urta faoliyati bilan birlashtirishni ta’qiqlagan qonunchilik bazasini bekor qilish, moliyaviy xizmatlar, shu jumladan, sug‘urta xizmatlarini taqdim etuvchi eng kuchli integratsiya tuzilmalarni, ya’ni moliyaviy konglometrlar yaratishga imkon berdi. O‘tgan yillar mobaynida raqobatni rag‘batlantiruvchi va jamoatchilik manfatlarida tartibga solishni cheklaydigan yanada liberal tartibga soluvchi rejimlarga nisbatan sezilarli o‘zgarish yuz berdi.

Sug‘urta kompaniyalari konsolidasiyasiga erishishda kapitalni jamlash va markazlashtirish jarayonlari, shuningdek, sug‘urta bozoridagi kompaniyalarni birlashtiruvchi bir qancha sabablar mavjud bo‘lib, ularga quyidagilar kiradi: [8 b. 285].

– daromadni ko‘paytirish va biznes harajatlarini kamaytirishistagi, kapitalni to‘plash va markazlashtirish jarayonlarini va sug‘urta kompaniyalari foyda hajmini oshirishning asosiy iqtisodiy sababidir;

– sarmoyani samarali ishlatish zarurligi;

– bozorning ko‘payib borayotgan tamoyillari, natijada ular orasidagi shiddatli raqobat;

– keng bozorni rivojlantirish potensiali tugab bo‘lganda « tashqi» bozor segmentini egallab olish yo‘li bilan amalga oshirilishi mumkin bo‘lgan rivojlanishiga bo‘lgan ehtiyoj;

– faoliyatning geografiyasini sug‘urta portfelini oshirish va xavfini pasaytirish uchun asos sifatida kengaytirish istagi.

Kompaniyalarning konsolidasiyasi to‘g‘ridan-to‘g‘ri sug‘urta shartlari va sug‘urta mahsulotlarini birlashtirishga olib keladi. Rivojlangan mamlakatlarning yirik xalqaro sug‘urta kompaniyalari sug‘urta texnologilarini rivojlantirish uchun sug‘urta bozorlari rivojlanayotgan mamlakatlarning bevosita qarzdorligi sifatida yuzaga keladi.

Tahlillarimiz sug‘urta va bank kapitalining o‘zaro bog‘liqligini ko‘rsatmoqda. Bunday uyushmalar shirkatlarning xizmat ko‘rsatish infratuzilmasidan samarali foydalanish, mahsulot liniyasini diversifikatsiya qilish va 5G texnologiyasidan foydalanish orqali kompaniyaalrning bozor qiymatini oshirish imkonini beradi. Bank, sug‘urta, qimmatli qog‘ozlar savdosi va global sug‘urta bozorining alohida ishtirokchilari bo‘lgan moliyaviy konglometrlarning shakllanishi, bu faoliyat turlarining pul operatsiyalari bir-biri bila bog‘liqligini inobatga olib, daromadlar oqimini barqarorlashtiradi.

Ushbu turdagi tashkilotning afzalligi shundaki, u o‘zining mijozlariga, asosiy bank va sug‘urta xizmatlarini o‘z ichiga olgan to‘liq moliyaviy xizmatlar to‘plamini taqdim etish mumkin. Shu bilan birga, bunday uzoq muddatli pulga ega bo‘lgan bunday tashkilotning sug‘urta bo‘limi uni qisqa vaqt ichida bank bo‘linmasi yordamida, masalan, mijozlarga qisqa muddatli kreditlar yoki eksport – import operatsiyalarini moliyalashga sarflashi mumkin.

Bunday guruhlarga mansub banklar va sug‘urta kompaniyalari guruh ichidagi mablag‘larni qayta taqsimlash sababli kapitalizatsiya bilan bog‘liq muammolarni hal qilishmoqda. Bank va sug‘urta xizmatlari mijozlarga taklif etilayotgan yagona mahsulot qatorida bir-birini to‘ldiradi. Bank – sug‘urta guruhlari katta mablag‘ to‘plashmoqda, bular o‘zaro investitsiya va pensiya jamg‘armalari mablag‘lari hisobidan amalga oshirilmoqda. Umuman, bank-sug‘urta guruhlari« moliyaviy supermarket» konsepsiyasiga muvofiq faoliyat yuritib, mijozga moliyaviy xizmatlarning barcha

turlarini bir joyda taklif qilmoqda. Texnik jihatdan bank sug'urtasi ba'zi mamlakatlarning banklar va sug'urta kompaniyalari bir –birining aksiyalarining ustun qismini o'zaro almashishlariga imkon bergan bir qator qarorlardan so'ng paydo bo'ldi. Ushbu sohadagi mavhud qonunlar hali-hanuz mamlakatlarda sezilarli darajada farq qiladi. Biroq, har qanday holatda, bir mamlakatda, bank va sug'urta kompaniyasining bir yuridik shaxs bo'lishi mumkin emas. Ularning har biri tartibga soluvchi organning mustaqil nazoratida bo'lishi kerak, chunki ko'pgina mamlakatlarda butun moliyaviy bozor uchun yagona mega-regulyator mavjud.

Bugungi kunda xalqaro iqtisodiy munosabatlar quyidagi asosiy shakllarda belgilanadi va amalga oshirilmoqda: a) tovarlar va xizmatlar sohasida xalqaro savdo;

b) fan va texnika sohasida almashinuv;

v) kapital va xorijiy investitsiyalarning harakatlanishi;

g) valyuta va kredit munosabatlari va boshqalar.

Zamonaviy sug'urta bozori infilyatsiyaning past darajadagi iqtisodiy barqarorlik sharoitda shakllanmoqda va bu uning rivojlanishining ijtimoiy dinamikaasini ta'minlaydi. Tahlillarimiz shuni ko'rsatmoqdaki, global sug'urta bozorining rivojlanishida quyidagi asosiy tendensiyalar ko'zga tashlanib qoldi:

– xalqarolashtirish va globallashuv – jahon bozoridagi globallashuv belgilari sug'urta kapitalining ko'payishi, turli mamlakatlar sug'urta kompaniyalarining birlashuvi va transmilliy korporatsiyalarning harakati bo'lib, bu milliy sug'urta bozorlarida sug'urtalovchilar va qayta sug'urtalovchilar sonining pasayishiga olib keladi;

– zamonaviy sug'urta biznesida axborot kommunikatsiya texnologiylarini qo'llash – prognozlashning aniqligini oshirish, boshqaruv tizimini takomillashtirish, sug'urta mahsulotlarini sotish hajmini oshirish uchun dasturiy mahsulotlarni faol ishlatishdan iborat;

– rivojlangan mijozlar ehtiyojlari – zamonaviy sug‘urta kompaniyalari doimo raqobat muhitida sug‘urta mahsulotlarini sotishini yaxshilashga to‘g‘ri keladi, bu esa reklama va marketing tadqiqot harajatlarini ko‘paytirishga olib keladi.

Mamlakatimizda iqtisodiyot tarmoqlarining barqaror rivojlanshiga va ularni moliyaviy faoliyatida ko‘rilishi ehtimol bo‘lgan risklardan himoyalashda sug‘urta katta ahamiyatga ega bo‘lgan soha sanaladi.

Keyingi paytlarda sug‘urta munosabatlarini rivojlantirishda bir qator islohotlar amalga oshirildi. Jumladan, ushbu sohaning qonunchilik bazasi yaratildi va u yildan yilga takomillashib bormoqda. Ushbu sohani rivojlantirish bo‘yicha bir qator Prezident Farmon va qarorlari, Vazirlar Mahkamasining Qarorlari qabul qilinib, ular hozirgi kunda amaliyotga keng joriy qilinmoqda. Ulardan mamlakatimizda sug‘urta korxonalarini tuzish, tashkil qilish yo‘llari, vazifalari belgilab berilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Raqamli O‘zbekiston -2030 strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida» 2010-yil 5 oktabrdagi PF-6079 –son farmoni

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 13 – dekabrdagi «O‘zbekiston Respublikasi davlat boshqaruviga raqamli iqtisodiyot, elektron hukumat hamda axborot tizimlarini joriy etish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi PF – 5598-son farmoni.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Sug‘urta bozorini yanada erkinlashtirish va rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida» gi 2002-il 31-yanvar, PF-3022-son Farmoni.

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Iqtisodiy rivojlanish sohasida davlat siyosatini amalga oshirish tizimini tubdan takomillashtirish chora – radbirlari to‘g‘risida» 2019-yil 10-yanvardagi PF – 5621-son farmoni

5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2007-yil 10-apreldagi «Sug‘urta xizmatlati bozorini yanada isloh qilish va rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida « PQ-618-son qarori.

6. Быстров И.В., Цыганов А.А. Основы организации страхования в интернете. –М.: Анкил, 2005ю-168с

7. G‘ulomov S.S. / Begalova B.A. Informatika va axborot texnologiyalari. Darslik. «Fan» nashriyoti. 2010-yil. 685 b.

8. Umarov S.A. Iqtisodiyotni modernizatsiya qilish sharotida O‘zbekistonda sug‘urta faoliyati rivojlanishini boshqarish. Dok. dis. iqt. fan. – Toshkent: TDIU, 2012. 285 bet.

9. Emmett J. Fundamentals of risk and insurance. Printed in the United States of America. – 2008. -P. 745.

10. Menurlin S.B. Information systems Management. Printed in the United States of America. Pearson Education Limited 2014. -P. 506.

N. Aminova,
Toshkent moliya instituti
«Baholash ishi va investitsiyalar» kafedrasi
mustaqil tadqiqotchisi

XORIJIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH ORQALI O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA TASHQI IQTISODIY FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISH

Annotasiya. Ushbu maqolada xorijiy investitsiyalarning iqtisodiyotdagi ahamiyati va ularning tashqi iqtisodiy faoliyatini rivojlantirishdagi o'rni yoritilgan bo'lib, statistik ma'lumotlar yordamida yoritilgan, hamda O'zbekiston Respublikasida eksportga yo'naltirilgan iqtisodiyotni rivojlantirish, tashqi iqtisodiy faoliyat subyektlarining eksport faoliyatini rivojlantirish masalalari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: investitsiya, xorijiy investitsiyalar, investitsiya muhiti, investitsiya siyosati, infratuzilma, investitsiya loyihasi, tashqi iqtisodiy faoliyat, diversifikatsiyalash.

Kirish

O'zbekiston Respublikasida iqtisodiyot barqarorligini ta'minlash, ishlab chiqarish sur'atlarini ko'paytirish va bu orqali aholining turmush darajasini yaxshilash, aholi o'rtasidagi ijtimoiy muammolarni kamaytirish maqsadida zamonaviy bozor iqtisodiyoti sharoitida investitsiyalarga keng imkoniyatlar yaratib berilmoqda. Mamlakatni ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy rivojlanishida investitsiyalarning jumladan, xorijiy investitsiyalarning ahamiyati katta-

dir. Ma'lumki, har qanday davlat dunyodan ajralgan holda, jahon tajribalarini o'rganmasdan, dunyoning yetakchi davlatlari ilm, fan va texnika sohasida erishgan yutuqlarini qabul qilmasdan rivojlanishi mushkul sanaladi. Jahonda iqtisodiy raqobat kuchayib borayotgan bir paytda ishlab chiqarishni kengaytirish hamda tashqi bozorga mustahkam o'rin egallash muhim hisoblanadi. Xususan, mamlakatning iqtisodiy salohiyatini qo'llab-quvvatlash, iqtisodiyot tarmoqlarini modernizasiya qilish va diversifikatsiyalash, aholi bandligini ta'minlash, mahsulot va xizmatlarning ichki va tashqi bozorlarda raqobatbardoshligini oshirishda muhim o'rin egallaydi. Rivojlangan davlatlarning xorijiy investitsiyalarni jalb qilish amaliyotini uning bir qator modellarini chuqur o'rganish va ularning ilg'or tajribasini mamlakatimizning ichki imkoniyatlari, investitsiyalarga bo'lgan ehtiyojini hisobga olgan holda iqtisodiyotni modernizatsiyalash va chuqur tarkibiy o'zgarishlarni amalga oshirishda tadbiq etish muhim ahamiyatga ega hisoblanadi. 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi tasdiqlandi. Ushbu Harakatlar strategiyasida iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo'nalishlaridan biri bu-investitsiya muhitini takomillashtirish, mamlakat iqtisodiyoti tarmoqlari va hududlariga xorijiy, eng avvalo, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni faol jalb qilish vazifalarini amalga oshirish belgilab olingan[1]. Amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar qanchalik keng ko'lamli va bozor iqtisodiyoti talablariga mos holda yo'naltirilganligiga qaramasdan, investitsiya muhitini yaxshilash, samarali investitsiya siyosatini amalga oshirish, hududlarda infratuzilmani yaxshilash va tarmoqlarda xorijiy investitsiyalarni jalb qilish borasidaamalga oshirilishi lozim bo'lgan muammolar hanuzgacha mavjud.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili

Mavzuga oid adabiyotlarni tahlil etish jarayonida O'zbekiston Respublikasida tashqi iqtisodiy faoliyatni xorijiy investitsiyalar yordamida rivojlantirishyuzasidan bir qancha yetakchi iqtisodchi olim va mutaxassislar tomonidan ilmiy izlanishlar olib borilganligiga guvoh bo'ldik, ular tomonidan turlicha ta'riflar berib o'tilgandir, jumladan:

Rossiyalik iqtisodchi-olimlardan M. Suleymanov, A. Mixinning fikrlariga ko'ra, iqtisodiy rivojlanishning muhim shartlaridan biri yuqori investitsion faollikdir. Bunday natijaga moddiy ishlab chiqarish va ijtimoiy sohaning ustuvor tarmoqlariga investitsiyalar jalb qilish va samarali o'zlashtirish orqali erishiladi[2].

N. Livensevning o'z ilmiy ishlarida, iqtisodiy rivojlanganlik darajasidan qat'iy nazar har qanday mamlakat chet el investitsiyalarini jalb qilishga harakat qiladi va ularni jalb qilishda makroiqtisodiy omillar, jumladan, ichki bozor hajmi, valyuta siyosati, siyosiy barqarorlik, infratuzilmaning rivojlanganlik darajasi, ishchi kuchi malakasi muhim o'rin egallaydi[3].

O'zbekistonlik iqtisodchi olimlardan, L. Zoirov, E. Nasirov, N. Xanova va SH. Asamxodjaevalar o'zlarining o'quv qo'llanmalarida, O'zbekiston iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishning obyektiv zarurligi, shakllari, xorijiy investorlar uchun yaratilgan shart-sharoitlar, xorijiy investitsiyalarni davlat tomonidan tartibga solish yo'llari, xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda erkin iqtisodiy zonalarning o'rniga dahldor bo'lgan masalalar ochib berilgan[4].

Ushbu fikrlardan shunday xulosa qilish mumkinki, xorijiy investitsiyalar bir mamlakat iqtisodiyotidan mutloq boshqa davlat iqtisodiyotiga ko'chuvchi kapital bo'lib, u risklar doirasini kengligi bilan ichki investitsiyalardan farqlanadi.

Tahlil va natijalar

Ta'kidlash joizki, bugungi kunga qadar amalga oshirilgan ilmiy va amaliy tadqiqot ishlari va olib borilgan nazariy izlanishlarga qaramasdan, aynan hozirgi global iqtisodiyot sharoitida xorijiy investitsiyalarni jalb etish, ularga kafolatlar, imtiyozlar berilishining keng qamrovli statistik tahlil qilishni takomillashtirish, shuningdek, hududlarda xorijiy investitsiyalarni qulay joylashtirish holatiga ta'sir qiluvchi omillarni statistik modellar asosida baholashga qaratilgan masalalar tizimli holda yoritib berilmagan. Bu kabi masalalarni tizimli asosda hal etilishi, kelgusida mamlakat iqtisodiy taraqqiyotini ta'minlaydi.

Ma'lumki, har bir hududga xos tabiiy, iqlim shart-sharoiti, iqtisodiy resurslarning taqsimlanish xususiyatlari ularning moliyaviy-investitsion salohiyatiga ta'sir etadi. Ushbu hududlarga xos xususiyatlar asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar va xususan, xorijiy investitsiyalarning tarmoq tarkibi bo'yicha ham hududiy farqlanishlarini keltirib chiqaradi [5].

2019-yilning yanvar-dekabr oylarida 189924, 3 mlrd. so'm asosiy kapitalga investitsiyalar o'zlashtirilib, shundan, 26, 6 % mablag' markazlashgan moliyalashtirish manbalari hisobidan va 73, 4 foizi markazlashmagan moliyalashtirish manbalari hisobidan molyalashtirilgan. Aholi mablag'lari hisobidan jami asosiy kapitalga investitsiyalarning 8, 6 % yoki 16302, 5 so'mi o'zlashtirildi. Aholining o'z mablag'lari hisobidan asosiy kapitalga investitsiyalar kiritishda Andijon, Buxoro, Namangan, Samarqand, Farg'ona va Xorazm viloyatlarida aholi tomonidan investitsiyalash qolgan viloyatlarga nisbatan ko'proqdir [6].

Jahon banki 14 ta mamlakatning (Xitoy, Turkiya, Portugaliya, Tailand, Janubiy Koreya, Yaponiya va boshqalar) rivojlanishi bo'yicha tadqiqot olib borgan, tadqiqot natijasiga ko'ra mamlakat ichki investitsiyasining asosiy manbasi aholi jamg'armalari bo'lgan, ular YAIMning o'rtacha 15-17 foizini tashkil etgan[7].

So‘ngi 20 yil ichida ijtimoiy investitsiyalar strategiyasi ijtimoiy ta’minot tizimini isloh qilishning asosiy yo‘nalishi bo‘ldi. Xususan, faol mehnat bozori dasturlarini kengaytirish va bolalarga xizmat ko‘rsatishni rivojlantirish hamda ularga sarf-xarajatlarni amalga oshirish doim kun tartibidagi muhim masala bo‘lib qoldi [8].

Bozor iqtisodiyoti sharoitida xorijiy investitsiyalarni jalb qilish mexanizmlari tarkibida bir qator o‘zgarishlar ro‘y beradi. O‘zbekiston iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalar ulushining oshib borishini quyidagi omillarbilan izohlash mumkin, ya’ni:

– mamlakatdagi investitsiya muhitining jozibadorligi. Ya’ni, yirik investitsion loyihalar uzoq muddatga mo‘ljallab amalga oshirilishi bilan xarakterlanadi;

– avvalombor, xorijiy investorlarga biznes olib borish uchun qulay investitsiya muhitining yaratilganligi hamda ishonchning ortib borishi;

– jahon tovar bozorlaridagi ijobiy holatlar va milliy eksport tarkibidagi asosiy tovarlarga qulay narx konyunkturasi, bunda yirik milliy eksportyorlarning moliyaviy imkoniyatlari kengayadi va o‘zlarining investitsion loyihalarini yanada faollashtirishga harakat qilishi kabilardan iborat.

Darhaqiqat, O‘zbekiston Respublikasida tashqi iqtisodiy faoliyatni rivojlantirish strategiyasi diversifikatsiyalangan va raqobatbardosh iqtisodiyotni yaratishga, turli innovatsion texnologiyalarni tadbiq etilishiga va bozorni boshqarishning yangi usullaridan foydalangan holda milliy resurslardan maksimal darajada foydalanishga yo‘naltirilgan hisoblanadi. Mamlakatning tashqi iqtisodiy faoliyati, xususan, tashqi savdo sohasida amalga oshirilayotgan islohotlarning pirovard natijasi aholining turmush darajasida bevosita o‘z tasirini ko‘rsatadi.

1-jadval

Tarmoqlar va sohalar kesimida xorijiy kapitalga asoslangan xo'jalik subyektlari haqida ma'lumot *(birlikda)*[1]

t/r	Tarmoqlar va sohalar	Yillar		o'sish yoki pasayish tendensiyasi
		2019	2020	
1.	Sanoat	3 690	3 943	+ 253
2.	Savdo	2 579	3 113	+534
3.	Qurilish	804	955	+151
4.	Qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligi	580	673	+93
5.	Tashish va saqlash	282	316	+34
6.	Yashash va ovqatlanish bo'yicha xizmatlar	458	498	+40
7.	Axborot va aloqa	269	315	+46
8.	Sog'liqni saqlash va ijtimoiy xizmatlar ko'rsatish	141	169	+28
9.	Boshqa tarmoq va sohalar	1 579	1799	+220
10.	Jami:	10 382	11 781	+1 399

1-jadval ma'lumotlarini tahlil etadigan bo'lsak, u quyidgicha tus oladi. Tahlil obyekti bo'lib, sakizta tarmoq va soha o'rganilib, unda sanoat tarmog'i o'z ko'rsatkichlari bilan ustuvor ahamiyat kasb etib turibdi. Yangidan tashkil etilgan sohalarga nazar soladigan bo'lsak, savdo sohasi birinchilikda turibdi. 2020-yilda savdo sohasida faoliyat yuritayotgan qo'shma korxonalar soni 534 taga oshib jami 3113 tani tashkil etmoqda. Bu o'z navbatida, bir yilda deyarli 18,0 % ortganiligdan dalolat beradi. Xuddi shu kabi yuqori ko'rsatkichni sanoat va qurilish tarmog'ida ham kuzatish mumkin.

Xususan, O'zbekiston Respublikasi tashqi savdo aylanmasi 2020-yil dekabr oyida 3327,5 mln. AQSH dollari qiymatini tashkil etib, 2019-yilning shu oyiga nisbatan 554,2 mln. AQSH dol-

[1] Davlat statistika qo'mitasi tomonidan ishlab chiqilgan, O'zbekiston Respublikasining ijtimoiy-iqtisodiy holati to'plami. 388-bet.

lariga kamaygan. Xuddi shu ko‘rsatkichlar 2020-yil uchun tubdan farq qilib, dastlabki ikki oyda o‘tgan yilgi ko‘rsatkichlar bilan farq kichik bo‘lib, mart oyidan boshlab jahon bozoridagi konyukturaning o‘zgarishi sababli tebranishlar yuz berdi. Tashqi savdo aylanmasining iyul hamda avgust oylarida keskin o‘sishi oltin eksportining oshgani bilan izohlanadi. Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi tashqi savdo aylanmasining uchdan bir qismi MDH davlatlariga to‘g‘ri keladi. Bu ko‘rsatkich esa keyingi yillarda biroz o‘zgarganligini ko‘rishimiz mumkin. Ayni vaqtda mamlakatimizda tashqi savdoni qo‘llab-quvvatlash hamda MDH davlatlari bilan ushbu sohadagi hamkorlikni yanada mustahkamlash bo‘yicha olib borilayotgan chora-tadbirlarga qaramasdan, 2020-yilning yanvar-dekabr oylarida, tashqi savdo aylanmasida MDH davlatlarining ulushi 32, 6 %ni tashkil etib, tashqi savdo aylanmasidagi 2019-yilga nisbatan ulushi 2, 0% ga kamaygan.

2-jadval

O‘zbekiston Respublikasining asosiy hamkor davlatlarga amalga oshirgan eksport hajmi va o‘sish suratlari
(yillar kesimida) [9]

t/r	Davlatlar	Mln. AQSH dollari		O‘sish surati, %da		O‘rni	
		2019	2020	2019	2020	2019	2020
1	Xitoy Xalq Respublikasi	2528,7	1930,9	87,9	76,4	2	1
2	Rossiya Federatsiyasi	2531,9	1470,1	119,6	58,1	1	2
3	Turkiya	1217,6	1016,3	128,9	83,5	4	3
4	Qozog‘iston	1393,0	903,0	103,0	64,8	3	4
5	Afg‘oniston	617,0	774,6	102,4	125,6	6	5

6	Qirg'iziston	669,6	756,6	2,5b.	113,0	5	6
7	Tojikiston	327,6	404,6	137,9	123,5	7	7
8	Kanada	6,5	142,1	131,7	21,9	40	8
9	Eron	219,9	140,9	127,2	64,1	8	9
10	Tojikiston	144,3	128,0	2,4b.	88,7	11	10
11	Ukraina	119,4	122,8	119,3	102,8	12	11
12	VAA	152,6	98,8	2,3b.	64,8	10	12
13	Pokiston	97,9	98,5	3,0b.	100,6	15	13
14	Fransiya	214,7	89,0	109,4	41,4	9	14
15	Germaniya	62,2	70,5	116,0	113,2	16	15
16	Polsha	41,5	57,3	109,3	138,2	20	16
17	Singapur	34,2	55,7	47,8	162,9	23	17
18	Ozarbayjon	52,2	54,0	146,5	103,5	18	18
19	Koreya Respublikasi	102,9	45,5	94,7	44,3	14	19
20	Buyuk Britaniya	105,7	44,9	60,6	42,5	13	20

Koronavirus pandemiyasi tufayli 2020-yil mamlakatimiz ijtimoiy-iqtisodiy hayoti uchun og'ir yil bo'ldi. 2020-yilda 2019-yilga nisbatan mamlakatimizda amalga oshirilgan eksport hajmi keskin kamaydi, jumladan, XXR 76,4 %, Rossiya Federatsiyasi 58, 1 %, Koreya Respublikasi 44,3 %, Buyuk Britaniya 42,5 %, Fransiya 41, 4 %, Turkiya 83,5, Qozog'iston 64,8 %, Eron 64,1, Tojikiston 88, 7 % va BAA 64,8 %ni tashkil etgan. Yuzaga kelgan mavjud muammolarni bartaraf etish uchun«Iqtisodiyot va sanoat vazirligi», «Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi» bilan birgalikda tadbirkorlikni rivojlantirish va aholi bandligini ta'minlash, jumladan, kichik sanoat zonalariga muhandislik kommunikatsiyalarini o'tkazish uchun imkoniyatlarni taqdim etuvchi yanada ustuvor bo'lgan

infratuzilma loyihalarini amalga oshirishga mablag'larni qayta yo'naltirgan holda Investitsiya dasturini qayta ko'rib chiqish vazifasi belgilab berildi [10]. Keyingi yillarda eksport qiluvchi korxonalarni qo'llab-quvvatlash borasida olib borilgan chora-tadbirlar natijasida iqtisodiyotimizning eksport salohiyatini yuksaltirish, tashqi savdo tarkibida ijobiy siljishlarga erishish, uning hajmini barqaror o'stirish imkoni yaratilmoqda.

Xulosa va takliflar

Xorijiy davlatlarda mamlakatimizda ishlab chiqarilayotgan, yoki ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish mumkin bo'lgan mahsulotlarga bo'lgan talabni o'rganish, bunday tovarlar bozorlariga kirib borish va raqobat qilish strategiyasini ishlab chiqish eksport qilinayotgan tovarlar sonini va mamlakatlar geografiyasini kengaytirishga imkon yaratadi. Yuqorida ko'rib chiqilgan ma'lumotlar asosida aytish mumkinki, O'zbekiston Respublikasida tashqi iqtisodiy faoliyatni oshirishda eksport va import masalalari g'oyat muhim ahamiyat kasb etadi. Xususan, tahliliy materiallar mazmuniga asoslanib quyidagi xulosa va takliflarniilgarisurishmumkin.

birinchidan, xorijiy investitsiyalarni jalb qilish mexanizmlarining takomillashtirilib borilishi ijobiy natijani bermoqda. Uning sabablaridan biri xorijiy investitsiyalar bo'yicha qator afzalliklarning ya'ni ishlab chiqarishni joylashtirishning resurs, tabiiy-iqlimiy sharoitlarning yetarliligi, huquqiy asoslarning takomillashtirilganligi, davlat tomonidan beriladigan kafolat, imtiyozlarning, albatta muayyan talablar asosida oshirib borilayotganligini keltirish mumkin.

ikkinchidan, potensial ravishdagi investitsiya salohiyatiga ba'zihududlardagi xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda investitsiya infratuzilmasining yetarlicha rivojlanmaganligi ta'sir etayotganligini ham ta'kidlash lozim. Bunga investitsiya fondlari, sug'urta

va lizing kompaniyalari faoliyatini rag'batlantirish va investitsiya loyihalarini amalga oshirishda ularning ishtirokini samarali yo'lga qo'yish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

uchinchidan, eksportni rag'batlantirish, xususan, mahalliy mahsulotlarni tashqi bozorga olib chiqishni har tomonlama soddalashtirish hamda moliyaviy qo'llab-quvvatlash borasida ishlar amalga oshirilishi talab etiladi.

to'rtinchidan, jahon bozorlarida korxonalarimiz mahsulotlarining raqobatbardoshligini ta'minlashda eksport qiluvchi korxonalarga mahsulot tayyorlash va sotish xarajatlarini kamaytirishda ko'maklashish, ularni tashqi bozor konyunkturasidagi o'zgarishlar, istiqbolli bozorlar, raqobatchilar to'g'risidaolibborilgan tadqiqotlar natijalari bilan tanishtirib borish;

beshinchidan, mamlakatda mahalliy xomashyolar asosida import o'rnini bosuvchi mahsulotlar ishlab chiqarishni rivojlantirish hamda yirik sanoat korxonalari bilan kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlari o'rtasida sanoat kooperatsiyasi aloqalarini yanadakengaytirishni ta'minlash muhim hisoblanadi.

oltinchidan, transport-kommunikatsiya tizimlarini rivojlantirish, yangi transport yo'laklarini ochish orqali transport xarajatlarini kamaytirish, tayyor mahsulotni yangi tashqi bozorlarga chiqarish bo'yicha maxsus dasturlarda eksport hajmini oshirish, eksport qilinadigan yuklarni tashish tizimini takomillashtirish, eksportchi korxonalarni marketing, moliya va tashkiliy-huquqiyqo'llab-quvvatlashmuhim ahamiyatga ega. Natijada mamlakatimizning tashqi iqtisodiy faoliyati yanada kengayadi, ya'ni import o'rnini bosuvchi eksportga yo'naltirilgan raqobatbardosh tovarlar ishlab chiqarish imkoniyati oshadi, natijada xorijiy investitsiyalarning hamkorlik aloqalarini takomillashtirib, iqtisodiy islohotlarning samarasini yanada kengroq tadbiq etish jarayonini tezlashtiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7 fevraldagi «O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida»gi PF-4947-son Farmoni. https:// lex. uz/docs/3107036.

2. Сулейманов М., Михин А. Иностранные инвеститсии. Монография – М.: МНИ, 2011. – 93с.

3. Ливенсев Н. Международное движение капитала (инвеститсионнаяполитика зарубежных стран):учебник для вузов. – М.: Экономистъ, 2004. – 367 с.

4. Зоиров Л., Насиров Э., Ханова Н., Асамходжаева СҲ. Инвеститсии. – Т.: Иқтисод-молия, 2018. – 270 с.

5. Muzaffarova Kamola Zoyirovna (2018). Qashqadaryo viloyatining investitsion salohiyati asosida xorijiy investitsiyalarni jalb qilishning mintaqaviy jihatlari. Ekonomika i finansi (Uzbekistan), (12), 46-51.

6. Turobov, S., Muzaffarova, K., Alimxanova, N., & Azamatova, G. (2020). INCREASING THE FINANCIAL AND INVESTMENT POTENTIAL OF THE HOUSEHOLDS. *Solid State Technology*, *63* (6), 141-151.

7. ttps://stat. uz/uz/?preview=1&option=com_dropfiles&format=&task=frontfile. download&catid=100&id=78&Itemid=100000 0000000-O‘zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo‘mitasi sayti.

8. Alain Noël, Is social investment inimical to the poor?, *Socio-Economic Review*, Volume 18, Issue 3, July 2020, Pages 857–880, https://doi. org/10. 1093/ser/mwy038.

9. ГеронинаН. Р. Инвеститсионная активност населенИй. М.: Палеотип, 2005. 216 с.

10. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 19-martdagi «Koronavirus pandemiyasi va global inqiroz holatlarining iqtisodiyot tarmoqlariga salbiy ta’sirini yumshatish bo‘yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi PF-5969-son Farmoni. https://lex. uz/docs/4770761.

А.С. Васиев,
ТМИ «Банк иши» кафедраси катта ўқитувчиси

ИСЛОМ МОЛИЯ ТИЗИМИДА ИСЛОМ СУҒУРТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада ислом иқтисодиёти моделини ислом молиясини шаклланиши жараёнида ислом суғуртасининг аҳамияти, унинг иқтисодий моҳияти ва ислом суғуртасини ривожлантириш масалалари баён этилган. Такафулнинг иқтисодий моҳияти, мазмуни очиб берилган ва уларни замонавий шароиталарда амалга ошириш механизми ва жорий этиш алгоритми, ташкилий иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш, миллий суғурта бозорига жорий этиш механизмларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: анъанавий суғурта, ислом суғуртаси, такафул, такафул тамойиллари ва хусусиятлари, шариат тақиқлари, такафул операторлари.

Халқаро майдонда юз бераётган ўзгаришлар ва глобаллашув жараёнлари жаҳон ҳамжамиятида турли маданий қадриятлар ва ғояларга эга бўлган кишиларни бир-бири билан янада яқинроқ мулоқотда бўлишга, юзага келадиган муаммоларни биргаликда ҳал этиш заруриятини кун тартибига қўймоқда. Бу эса, ўз навбатида дунёда умумий тил топиш муайян миллат ёки халққа хос бўлган маданиятлар, анъаналар, диний ва тари-

хий фактларни чуқур билишга асосланган ўзаро ҳурматни шакллантиришни талаб қилади. Бу албатта ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий – ижтимоий ривожланиш жараёнларига боғлиқдир.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётими, ривожланиш босқичидаги давлатлар иқтисодиётими ҳар қайсиси одамларнинг истак-эҳтиёжларини қондириш учун мавжуд ресурсларни тақсимлаш тамойилларини ўрганаши ва уни ҳаётга тадбиқ этишни тақозо этади.

Машҳур инглиз иқтисодчиси Алтфред Маршал ўзининг «Сиёсий иқтисод тамойиллари» номли китобида таъкидлаганидек, «...иқтисодиёт, бойликни ўрганиш билан бир қаторда, унданда муҳимроқ бўлган вазифа – инсонни ўрганиш билан ҳам шуғулланади»[1, с. 58].

Ислом иқтисодиёти моделининг мақсади маънавий масъул бозор иқтисодиёти тизимини яратишга қаратилганлигини қайд этиш мумкин. Унинг ўзига хос жиҳатларидан бири шахснинг ва жамиятнинг манфаатини эмас, балки инсонларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир.

Ислом иқтисодиёти моделининг ўзига хос жиҳати шундаки, у инсонларнинг моддий эҳтиёжларидан ташқари руҳий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларини ҳам инобатга олган ҳолда эркин бозор қонунларини маъқулласада, жамият манфаатларини таъминлашда, шунингдек, иқтисодий-ижтимоий муносабатларда йўл қўйилиши мумкин бўлган бемаънилик ва адолатсизликларни олдини олиш мақсадида муайян маънавий-ахлоқий чегараларни ўрнатади. Ислом иқтисодиёти модели бойликларнинг жамият ичида адолатли тақсимланишига алоҳида эътибор қаратиш билан бирга, ижтимоий баркамоллик ва иқтисодий ўсишни таъминлашда шариат талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзаро ҳамкорлик ва шерикчилик тамойилларига амал қилиш асносида эришишни рағбатлантиради.

Ислом молияси шерикчилик ва ўзаро ҳамкорлик асосида манфаат кўришда, юзага келадиган хатарларни биргаликда бартараф этиш, зарарларни ўзаро тақсимлаш тизимига асосланган ислом суғурта тизимини шакллантириш ва унинг ривожланишини таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатида «...шунингдек, мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келди. Бунга Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади» [2, б. 5], – деб алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ислом суғурта тизимини шакллантириш, ислом шариатига мос келувчи суғурта маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Ислом суғурта тизими ҳали ёш ва энди шаклланиб келаётган соҳа бўлиб, анъанавий суғурта тизимига рақобатдош бўлиб тўлақонли бозор тамоилларига мослашиши учун маълум даврни талаб этади.

Ислом молиясида «Такофул» ва «ислом шариатига мувофиқ суғурта» атамалари бир-бирининг ўрнини боса оладиган атамалар ҳисобланади. Ислом молиясига мувофиқ суғурта – бу ўзаро ёрдам, бирдамлик ва умумий кўмак тамойилларига асосланган бўлиб, бенефициарлар дуч келадиган турли фалокат ва кўнгилсиз ҳолатлар, масалан, мол-мулкдан айрилиш ёки уларга зарар етиш каби ҳолатларда ечим ҳисобланади.

Суғурта араб тилида таъмин, деб аталади. Таъмин яъни суғурта мол эҳтимолий талофатга учраса уни тўлаб бериш эвазига маълум маблағ ёки хизмат ёки бошқа бир молиявий тўлов тўлашни зиммасига олиб, суғурта қилдирувчидан пул олиб тузиладиган шартнома ҳисобланади. Бизнес олами қонунлари

ўз талабларига эга бўлиб, молиявий ва мулкий манфаатларни ҳимоя қилиш ва сақлаб қолиш учун «такафул» деб номланган муқобил фаолият тури ишлаб чиқилган бўлиб, Араб тилида бир-бирига ўзаро кафолат берувчи деган маънони англатади.

Такафул ёки Исломий суғурта, шариат тамойилларига мос келадиган фойда ва зарарларни тақсимлашнинг махсус механизмига асосланган ва мусулмон дунёсининг эҳтиёжларига жавоб берадиган фаолиятдир. Ислом суғуртасининг асосий вазифаси фақат зарарларга шерик бўлиш орқали ўз манфаатларини кутилмаган ҳолатлардан ҳимоя қилиш эмас, балки ўз фаолиятлари асосида фойда олишга хизмат қиладиган тизимдир. Шу сабабли такафул компаниялар анъанавий суғурта компанияларига нисбатан кўпроқ фойда олишлари мумкин.

Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритадиган банк-молия соҳасида хавф-хатарлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарлар, одатда, суғурта ёрдамида қопланади. Ислом молия тизимида ҳам хатарларни бошқаришга ҳам албатта жиддий аҳамият берилади ва ҳимояланиши мумкин бўлган хавф-хатарлар суғуртаси амалга оширилади. Албатта, бунда амалга оширилаётган суғурта шариат талабларига мос келиши талаб этилади. Ислом олами уламоларнинг фикрига кўра, анъанавий суғурта тизими шариатга мос келмайди, чунки анъанавий суғурта шартномасида шариат бўйича таъқиқланган рибо, ғарар (ноаниқлик) ва майсир (қимор) каби унсурлар мавжудлигидир.

Анъанавий суғурта компаниялари мижозлардан олинган суғурта мукофотларининг бир қисмини зарарларни қоплаш учун товон сифатида тўлаб берсалар, яна бир қисмини эса харажатларни қоплашга сарфлайдилар, қолган қисми эса таъсисчиларга даромад сифатида тақсимланади. Яъни кўпчилик мижозлардан олинган суғурта мукофоти эвазига шу суғурта

мукофотининг бир қисмига эга бўладилар. Бундан ташқари, суғуртадан тушган маблағлар фоизли банк омонатлари (депозитлари) ва бошқа рибо аломатлари мавжуд бўлган тизимларга киритилиб, қўшимча даромад олинади. Бу ўз ўзидан шариат талабларига зид ҳисобланган амалиётдир. Яъни, ўзганинг ҳисобига даромад топишни англатади.

Ислом суғуртаси соҳасида етакчи олимлардан бири Е. А. Байдаулет ўзининг Исломий молия асослари китобида ислом суғурта тизими қуйидаги омиллар асосида шаклланишини таъкидлаб ўтган:

1. Суғурта қилдирувчилар ўзаро умумий фаровонлик учун бирлашадилар;

2. Ҳар бир суғурта қилдирувчи эҳтиёжмандларга кўмакни зарур миқдордаги омонат сифатида тўлайди;

3. Кооперация ҳамжамиятига мувофиқ йўқотишлар бўлишиб олинади ва мажбуриятлар тақсимланади;

4. Обуна ва мажбуриятларга нисбатан ноаниқлик унсури барҳам топади;

5. Тизимнинг ҳеч бир аъзоси бошқалар ҳисобига манфаат олмаслиги лозим [3, с. 78].

Бугунги кунда миллий иқтисодиётда олиб борилаётган туб таркибий ўзгаришлар ҳамда суғурта объектлари принципларидан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий соҳада молия, кредит иқтисодий категориялар билан бир қаторда суғурталашнинг қайта тақсимлаш ва назорат функцияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, бу суғуртанинг инвестиция функцияси ҳисобланади. Инвестиция суғурта ташкилотлари учун асосий функция бўлмасада, балки асосий суғурта фаолиятига қўшимча равишда амалга ошириладиган фаолиятдир. Яъни, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида суғурта ташкилотларининг вақтинча бўш турган маблағларини инвестиция қилиш орқали қўшимча даромад олишлари мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ижтимоий-иқтисодий соҳада бир қатор институционал муҳим омилларни амалга ошириш талаб этилади:

таркибий ўзгаришлар учун энг қулай шарт-шароитларни шакллантириш, яъни, тармоқлар, ҳудудлар, эркин иқтисодий зоналар учун фарқланадиган қулай инвестиция муҳитларини яратиш;

бозорнинг мутаносиб ва таркибий ўзгаришларгабўлган салбий таъсирларини сусайтириш орқали таркибий ўзгаришларнинг ижобий бозор регуляторларини ривожлантиришга шароитлар яратиш;

саноатдаги таркибий ўзгаришларнинг ижтимоий йўналишларини таъминлаш, унинг ижтимоий оқибатлари устидан назорат қилиб бориш ҳамда суғурталаш функциялари фаолиятини кучайтиришдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Собиров Ҳ. Р. Суғурта: 100 савол ва жавоб. -Т.: «Меҳнат» нашриёти, 1998. 8-9-бетлар.

2. Сербиновский Б. Ю. Страховое дело. – М. «Феникс», 2000. с. 7.

3. Маликов Т. С. Хўжалик юритувчи субъектлар молияси, ўқув қўлланма, Т.: 2010. 29-32 бетлар.

4. Российский статистический ежегодник. 2008: Стат. сб. М., 2008.

Л.Ш. Тошназарова,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқитувчиси

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИДА СУҒУРТА БОЗОРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада Европа иттифоқига кирувчи мамлакатлар ичида суғурта бозори юқори даражада ривожланган мамлакатлар сифатида Англия ва Германия суғурта бозорларининг илғор тажрибалари ва уларни Ўзбекистонда қўллаш масалалари тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: суғурта бозори, замонавий суғурта стандартлари, суғурта бизнеси, суғурта пули, суғурта мукофоти, суғурта товони, суғурта қиймати.

Бугунги кунда аҳолига муносиб ҳаёт тарзини яратиш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, мамлакат иқтисодиётини жаҳон хўжалик тизимига интегратсиялашувини жадаллаштириш Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган сиёсатнинг марказий ўринларидан бирини эгаллайди. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига эришишда суғурта тизими муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев соҳанинг иқтисодиёт, одамлар турмуш фаолиятида нақадар муҳим эканлигини таъкидлаб, жумладан, қуйидаги фикрларни билдирган: «Соҳага назоратчи эмас, илғор ва замонавий стандартларни жорий этадиган, барча иштирокчилар ўртасида чи-

накам рақобат муҳитини яратиб, суғурта бозорини ривожлантирадиган тузилма керак»[1].

Замон талабларига жавоб берадиган суғурта бозорини шакллантиришда шундай бозорларга эга бўлган Европа иттифоқига кирувчи мамлакатлар суғурта бозорларининг тажрибаларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Европа иттифоқи суғурта бозорида ўзини-ўзи бошқариш тизими мавжуд бўлиб, бунга мисол қилиб Буюк Британия суғурта бозорини келтириш мумкин. Ушбу мамлакатда энг либерал суғурта тизими мавжуд. Бу бозорда ҳаттоки, суғурта компанияларини назорат қиладиган махсус орган ҳам йўқ. Назорат саноат департаменти томонидан амалга оширилади. Суғурта бадалларини ўрнатиш ва суғурта қилиш қоидаларининг эркинлигига қарамасдан, бу бозорда кўрсатилаётган хизмат сифати бошқа мамлакатлардагидан анча юқори, нархлари эса паст. Тарихан таркиб топишига кўра, Британия суғурта бозори иккита мустақил қисмга бўлинган: Лондон ва бошқа барча ҳудудлар. Лондон бозори, одатда, хорижий мижозларни, денгиз кемаларини, нефт компанияларини, ТМКларни суғурталайди. Лондон бозорида ҳукмронлик қилувчи Ллойд суғурта компанияси охирги йиллардаги қийинчиликлардан, фақатгина, жиддий ташкилий ислоҳотларни амалга ошириш билан чиқмоқда. Аммо ушбу қийинчиликлар мамлакат ичкарисидаги мижозларни суғурталовчи – ички суғурта бозорига таъсир кўрсатмади. Лондонда дунёдаги энг йирик суғурта компанияларининг ваколатхоналари ва филиаллари, барча йирик халқаро ва қайта суғурта воситачиларининг марказий идоралари жойлашган. Бу ерда фаолияти халқаро хусусиятга эга бўлган суғурта ташкилотларининг штаб-квартиралари, шунингдек, миллий суғурта бозорининг айрим тузилмалари (Лондон суғуртачилар

[1] https://president. uz/uz/lists/view/2703

институти, андеррайтерлар институти ва бошқалар) жойлашган. Буюк Британияда 1982 йилдан бери янги универсал суғурта компаниялари ташкил этилмаган. Шахсий ва мол-мулк суғуртаси бўйича суғурта полислари бир хил суғурта компаниялари гуруҳида расмийлаштирилиши мумкин. Буюк Британиядаги суғурта компанияларига суғуртадан ташқари бошқа иш билан шуғулланиш таъқиқланади. Буюк Британия суғурта қонунчилиги асосан Европа Иттифоқининг суғурта директивалари талаблари билан уйғунлаштирилган. Ҳаётни суғурталаш масалалари бўйича ҳуқуқий тартибга солиш 1986 йилги Англия молиявий хизматлари тўғрисидаги қонун, дўстона ҳамкорликка асосланган компаниялар фаолияти 1974 йилдаги дўстона компаниялар тўғрисидаги махсус қонун билан тартибга солинади. «Ллойд» суғурта корпорацияси тўғрисидаги махсус қонун 1982 йилда қабул қилинган бўлиб, мазкур қонун ушбу корпорациянинг суғурта фаолияти масалаларини тартибга солади. Буюк Британия давлат суғурта назоратчисининг вазифалари Савдо ва саноат бўйича давлат котиби бошчилигидаги Савдо ва саноат вазирлигига тегишли. Амалда кундалик суғурта назорати Савдо ва саноат департаментининг суғурта бўлими томонидан амалга оширилади. Буюк Британия суғурта бозорида фаолият юритадиган хорижий суғурта компаниялари ўз фаолиятини инглиз рақобатчилари билан бир хил шароитларда олиб борадилар. Яъни юқорида таъкидланганидек, давлат суғурта бозори устидан назоратни амалга оширмайдими, демак уларнинг ҳам фаолияти устидан назорат ўрнатмайди, бужиҳат эса уларга қайсидир маънода енгиллик беради.

Буюк Британиянинг суғурта бозоридан фарқли ўлароқ, Германия суғурта бозори ҳукумат томонидан қатъий назорат остида ушлаб турилади. Унинг характерли хусусияти суғурта бизнесининг йирик саноат капитали билан чамбарчас боғлиқ-

лигидир. Капитал ва бошқаришда ўзаро иштирок этиш кенг тарқалган. Айтишларича, 50 га яқин киши Германиянинг барча йирик корхоналарини назорат қилади. Шунинг учун рақобат асосан тарқатиш тармоқлари даражасида мавжуд. Германияда битта суғурта компанияси устунлик қилади, бу Alyanz AG суғурта компанияси бўлиб, бундай ҳолат бошқа бирон бир давлатда мавжуд эмас. Ушбу компаниянинг суғурта бозоридаги улуши ҳаёт суғуртаси тармоғида 42 фоизни ва ҳаёт суғуртасидан бошқа тармоқларда 38 фоизини ташкил этади. Германия товар айланмасининг 55 фоизидан кўпроғи Alyanz AG ҳиссасига тўғри келади.

1-жадвал

2019 йилда Европада суғурта бозорида мукофотларнинг умумий ҳажми бўйича етакчи мамлакатлар[1]

№	Мамлакатлар	Суғурта мукофотлари (млрд. евро)
1.	Англия	365, 59
2.	Франция	223, 75
3.	Германия	217, 39
4.	Италия	140, 3
5.	Нидерландия	75, 18
6.	Испания	62, 02
7.	Швейцария	52, 6
8.	Дания	33, 27
9.	Швеция	32, 07
10.	Бельгия	27, 96

Германиядаги хорижий суғуртачилар суғурта бозорининг 13 фоизига эгалик қилишади, шулардан етакчи ўринларни Швейцариянинг суғурта компаниялари эгаллайди, улар Рейн бўйида 100 йилдан ортиқ вақт давомида фаолият кўрсатиб

[1] https://www. statista. com/statistics

келмоқда. Германияда фаолият юритадиган барча миллий ва хорижий суғурта компаниялари Берлинда жойлашган суғурта компанияларини назорат қилиш федерал идораси томонидан мажбурий давлат суғурта назорати остига олинган. Мазкур идоранинг асосий функцияларидан бири суғурта компанияларининг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини назорат қилишдир. Суғуртахизматлари анъанавий бўлиб, немис суғурта компаниялари хавфли экспериментларга мойил эмас. Германия ҳаётни аралаш суғурталаш шартномалари катта ҳажмни ташкил этиб, ушбу суғурта турида мижоз вафот этган тақдирда ҳам, у тирик қолган тақдирда ҳам суғурта суммасини 100% олиш кафолатланади. Бошқа мамлакатларда бирлашган суғурта амалиёти қўлланилади, унда ўлим ҳолатига тўланадиган капитал омон қолганда тўланадиган капиталдан фарқ қилади. Қарши суғурталаш ҳам кенг тарқалган бўлиб, унда мижоз вафот этган тақдирда, суғурта қилдирувчи фақат шартнома бўйича тўпланган мукофот захираси миқдорида ёки бироз қўшимча билан қоплама олади. Одатда бундай шартномалар 20 йилга тузилади. Германияда аралаш суғурта ҳаётни суғурталаш бозорининг 77 фоизини эгаллайди. Германияда қайта суғурталаш жуда яхши ривожланган бўлиб, бунга биринчи жаҳон урушидан кейин ушбу мамлакат суғурта компанияларига чет элда ишлаш таъқиқланганлиги сабаб бўлди. Ушбу тақиқ қайта суғурталовчиларга таъсир катта таъсир кўрсатмади ва натижада суғурта капитали асосан ушбу соҳага кириб келиб, бу йиллар давомида ўз натижасини берди. Бугунги кунда бу мамлакат қайта суғурталашнинг жаҳон маркази ҳисобланади. Германия бозорининг муҳим хусусиятларидан бири «банк сугуртаси» ривожланганлиги бўлиб, суғурта компанияси ўз чакана савдо шахобчаларида нафақат суғурта билан, балки банк хизматларини кўрсатиш билан ҳам шуғулланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, Европа суғурта бозори дунёдаги энг йирик ва шу билан бирга замонавий суғурта бозори бўлиб, ушбу бозорда Англия, Франция ва Германия суғурта бозорлари етакчи бозорлар сифатида амал қилмоқда. Англия суғурта бозори халқаро бозор сифатида амал қилиб, бунда Ллойд корпорацияси қадимги анъаналарни сақлаб қолган ҳолда замонавий суғурта хизматларини кўрсатаётган йирик бозор ҳисобланади. Германия эса халқаро қайта суғурта бозори сифатида амал қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қўлдошев ҚМ. Ўзбекистонда ўзаро суғурталашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Монография, Т.: «Иқтисод-молия», 2020.

2. O‘zbekiston milliy sug‘urta bozorining rivojlanish tendensiyalari, muammolari va yechimlari. Oliy o‘quv yurtlariaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plami. 2015-yil 16-may. TMI.

3. https://president. uz/uz/lists/view/2703

4. https://www. statista. com/statistics

O.Y. Xamrayev,
Mirzo Ulug'bek nomidagi
O'zbekiston Milliy universiteti Iqtisodiyot fakulteti
katta o'qituvchisi

SUG'URTA TIZIMI – IQTISODIY RIVOJLANISHNING MUSTAHKAM TAYANCHI

Annotatsiya. Ushbu maqolada, iqtisodiyotni rivojlantirishda sug'urta tizimining ahamiyati atroflicha yoritilgan. Shuningdek, mamlakatimiz sug'urta bozoridagi su'g'urta kompaniyalarining joriy holati va ularning bozordagi ulushi atroflicha tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: sug'urta, elektron, polis, sug'urta mukofoti, sug'urta bozori, ustav kapital, sug'urta to'lovlari, sug'urta bozori.

Kirish. Ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlar shakllanishi bilan uzviy bog'liq ravishda sug'urta tizimi tarixiy kategoriyalardan biri hisoblanadi. Sug'urta atamasi «qo'rquv» so'zi bilan bog'liq bo'lib, iqtisodiy subyektlarning faoliyati davomida tabiiy ofatlar, o'g'irlik, yong'in va boshqa ko'zda tutilmagan xatarlari natijasida mulklarini yo'qotilishi yoki zarar yetkazilishida qo'rquvni his etishgan.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning barchasi inson farovonligi va yurtimiz tinchligini ta'minlashga qaratilganligini ta'kidlashimiz zarur. Aholining sog'ligi va mol-mulkini asrashda sug'urta tizimi alohida o'rin egallaydi. Shuning uchun, jamiyatimiz hayotida sug'urta kompaniyalarining mavqeyi tobora oshib bormoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. M. Mirziyoyev tegishli mutasaddilarga 2022-yilgacha aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan sug‘urta mukofoti hajmini 3 baravar, sohaning yalpi ichki mahsulotdagi ulushini esa 2 baravar oshirish vazifasi qo‘yilgani ham mamlakatimizda sug‘urta tizimini rivojlantirish bo‘yicha amalga oshirilayotgan islohotlar iqtisodiyotga, moliyaga, pul muomalasiga ijobiy ta’sirini ko‘rsatmoqda.

Mavzuning dolzarbligi – iqtisodiyotning moliya sektorini rivojlanishining asosiy omillaridan hisoblangan sug‘urta tizimini yanada rivojlantirish hamda investitsion jozibadorligini oshirish zarur. Shu nuqtai nazaridan, sug‘urta tizimi – iqtisodiy rivojlanishning mustahkam tayanchi hisoblanadi.

Maqolaning ilmiy ahamiyati sifatida, jahon miqiyosida keng ilmiy izlanishlar olib borilayotgan va yangiliklarni sohaga keng targ‘ib qilinayotgani bilan izohlash mumkin. Shuningdek, mamlakatimizda ham ushbu, sug‘urta sohasida ilmiy-tadqiqot ishlanmalari keng amalga oshirilayotgani ham maqolaning ilmiy ahamiyatini asoslashga xizmat qiladi.

Asosiy qism. O‘zbekiston Respublikasining sug‘urta bozorini isloh qilish va uning jadal rivojlanishini ta’minlash chora tadbirlari to‘g‘risidagi Prezident qarori qabul qilindi [1].


Qarorga muvofiq, sug‘urta bozorini isloh qilish va jadal rivojlantirishning asosiy yo‘nalishlari quyidagilardan iborat.

Birinchidan, sug‘urtalovchilarning ustav kapitali minimal miqdorlari 2020–2022-yillarda bosqichma bosqich oshiriladi;

Ikkinchidan, daromadlarning 20 foizigacha miqdoridagi ajratmalar hisobiga shakllantiriladigan sug‘urta tashkiloti zaxira jamg‘armasining cheklangan miqdori sug‘urta tashkiloti ustav fondining 50 foizigacha oshiriladi;

Uchinchidan, sug‘urtaning ayrim turlari bo‘yicha elektron polislarni («E-polis») rasmiylashtirish mexanizmi joriy etiladi.

Sug‘urta mol-mulk, sog‘liq yoki hayot, biznes, va qiymatga ega bo‘lgan boshqa yo‘nalishdagi xatarlarning moliyaviy himoyasi hisoblanadi [2].



1-rasm. Sug‘urtaning funksiyalari.

Yuqorida ta’kidlangandek (1-rasm), sug‘urtaning to‘rtta funksiyasi mavjud:

1) Tavakkalchilik funksiyasi – sug‘urtaning asosiy funksiyasi, sug‘urtaviy tavakkal zarar ehtimolligi sifatida talofat ko‘rgan xo‘jaliklarga pullik yordam ko‘rsatish bilan bog‘liq.

2) Oldini olish funksiyasi – sug‘urta fondi mablag‘larining bir qismi hisobidan sug‘urta tavakkalchiligini kamaytirish uchun moliyalashtirish hisoblanadi.

3) Jamg‘arma funksiyasi – sug‘urta orqali pul mablag‘larini jamg‘arish oilaviy sharoitda sug‘urtaviy himoyaga bo‘lgan ehtiyoj bilan bog‘liq, shunda sug‘urta jamg‘arish funksiyasinibajarishi mumkin.

4) Nazorat funksiyasi – qonunchilik va instruktiv hujjatlar asosida sug‘urta amallarini to‘g‘ri bajarilishi ustidan moliyaviy sug‘urta nazorati amalga oshirish tushunilinadi.

Sug‘urta iqtisodiy kategori sifatida moliya kategoriyasining tarkibiy qismi hisoblanadi. Ammo, moliya to‘laligicha daromadlarni taqsimlash bilan bog‘liq bo‘lsa, sug‘urta esa, faqatgina qayta taqsimlash munosabatlarinigina qamrab oladi.

2021-yilning birinchi choragi davomida sug'urta kompaniyalari yuqori faollikka erishdi, ya'ni 40ta sug'urta kompaniyasidan 32tasi sug'urta mukofotini yig'ishda ijobiy natijalar qayt etdi.

O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining ma'lumotlariga ko'ra, joriy yilning birinchi choragida sug'urta mukofotlari hajmidan kelib chiqib, bozorda 1-o'rinni «O'zbekinvest» (12, 42 foiz), 2-o'rinni «EUROASIA INSURANCE» (10, 68 foiz) va 3-o'rinni «Alfa Invest» (9, 86 foiz) sug'urta kompaniyalari egalladi.

T/r	Sug'urta tashkilotining nomi	Sug'urta mukofotlari (mln. so'm)	Bozordagi ulushi (%)	Sug'urta to'lovlari (mln. so'm)	To'lov darajasi (%)
1	«УЗБЕКИНВЕСТ» ЭИСК	67 514	12,42%	34 443	28,94%
2	«YEUROASIA INSURANCE» КХ МЧЖ	58 088	10,68%	6 792	5,71%
3	«ALFA INVEST» СТ МЧЖ	53 599	9,86%	3 964	3,33%
4	«GROSS INSURANCE» МЧЖ	52 934	9,74%	18 050	15,17%
5	«MY-INSURANCE» МЧЖ СК	52 612	9,68%	10 685	8,98%
6	«КАФОЛАТ» АЖ СК	34 810	6,40%	9 214	7,74%
7	«УЗАГРОСУГУРТА» АЖ	32 149	5. 91%	9 092	7. 64%
8	«APEX INSURANCE» МЧЖ	24 997	4,60%	2 028	1,70%
9	«PSB INSURANCE» МЧЖ СК	18 668	3,43%	1 923	1,62%
10	«TEMIRYO'L – SUG'URTA» МЧЖ СК	17 941	3,30%	3 007	2,53%

1-jadval. Sug'urta kompaniyalarining 2021-wilning I choragi holatidagi reytingi [3].

To‘rtinchi va beshinchi o‘rinlardan «Gross Insurance» (7,7 foiz) hamda « MY-INSURANCE « (5,5 foiz) sug‘urta kompaniyalari joy olgan.

O‘z navbatida keyingi o‘rinlarni «Kafolat», «O‘zAgroSug‘urta», «APEX INSURANCE», «PSB INSURANCE» sug‘urta kompaniyalari zabt etgan. Ilg‘orlarning birinchi o‘ntaligiga «TEMIRYO‘L– SUG‘URTA» kompaniyasi yakun yasaydi.

Bozordagi yetakchi uchta sug‘urta kompaniyasining konsentratsiya darajasi 32,96 foizni tashkil etadi. Ilg‘or beshta kompaniya bo‘yicha mazkur ko‘rsatkich 52,38 foiz, yetakchi o‘nta kompaniya bo‘icha esa 76,02 foizdan iborat. TOP-10 ro‘yxatiga kirmagan sug‘urta kompaniyalarining ulushi 0,11 foizdan 2,77 foizni tashkil etadi.

Xulosa va takliflar.

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash joizki, moliya tizimini rivojlantirishda sug‘urta faoliyatini takomillashtirish, sug‘urta bozorini modernizatsiyalashtirish va mavjud imkoniyatlardan keng foydalangan holda sug‘urta ko‘lamini kengaytirish zarur.

Ijtimoiy ishlab chiqarish jarayoni tabiiy ofatlar yoki boshqa favqulodda hodisalarning salbiy oqibatlari natijasida ma’lum muddatga to‘xtasa yoki zarar yetsa, u holda dastlab oldini olish choralari ko‘riladi, ammo bu har doim ham naf bera olmaydi, unday hollarda faoliyat jarayonini sug‘urtilash orqali moliyaviy chorasizliklarni oldini olishga yordam beradi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida ishlab chiqarish faoliyatini uzluksiz olib borishda va ko‘ngilsiz, kutilmagan hodisalar oqibatlarini kamaytirishda sug‘urtaning o‘ziga xos muhim o‘rni mavjud. Hamda, sug‘urta tizimi ishlab chiqarish faoliyatining zarur unsurlaridan biri sifatidamuhim iqtisodiy dastaklaridan hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasi sug‘urta tizimini yanada yaxshilash uchun quyidagi muhim chora-tadbirlarni amalga oshirish zarur deb hisoblaymiz:

Birinchi. Yuridik subyektarning o‘z xodimlariga ijtimoiy paket sifatida tibbiy sug‘urta paketlarini xarid ko‘lamini kengaytirish;

Ikkinchi. Bosqichma-bosqich majburiy tibbiy sug‘urtani joriy etish yo‘lida keng targ‘ibotlarni joriy etish;

Uchinchi. Elektron sug‘urta polislarini joriy etish;

To‘rtinchi. Sug‘urta tashkilotlari faoliyatida raqamlashtirish darajasini kengaytirish;

Beshinchi. Masofaziy xizmat ko‘rsatishni yo‘lga qo‘yish hamda sifatini yaxshilashni joriy etish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. https://finlit. uz/uz/articles/financial-market/insurance-organizations/

2. https://lex. uz/docs/-4459802?query=sug%E2%80%98urta% 20bozorini% 20isloh%20qilish%20va%20uning

3. https://uzsugurta. uz/reyting-kompaniy/#

А.Р. Умиров,
Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия
академияси магистранти,
суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси,
Замонавий ахборот технологияларини
жорий қилиш ва ривожланиш истиқболлари
йўналишини белгилаш маркази бошлиғи.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА СУҒУРТА СОҲАСИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА УНДАГИ МУАММОЛАР

Аннотация. Мақолада суғурта соҳасида ахборот технологияларини ривожлантириш истиқболлари ва ундаги қўшимча равишда ҳал этилмаган муаммолар ўрганилган. .

Калит сўзлар: рақамлаштириш, суғурталаш, онлайн, суғурта даъволари.

XX аср охирларида автоматлаштирилган ва компютерлаштирилган ишлаб чиқариш усулларининг жорий этилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши суғуртани ташкил этишдаги технологик ўзгаришларга олиб келади. Ўз тарихи давомида суғурта бир неча фундаментал технологик янгиликларни бошдан кечирди, хусусан:

Замонавий суғурта бизнесинингасосига айланган актуар ҳисоб-китобларни;

Оммавий суғурта учун асос яратган суғурта агентлари томонидан меҳнатдан фойдаланиш;

Суғурта соҳасида кўплаб бизнес жараёнларини соддалаштирган компьютерлардан тизимларидан кенг миқёсда фойдаланиш.

Шундай қилиб, рақамли суғурта – рақамли технологиялар орқали суғурта ҳимояси учун анъанавий ёки ўзига хос (рақамлилаштириш натижасида ҳосил бўладиган) эҳтиёжни қондириш усулидир [1, с. 113 бет].

Суғурта бозорини рақамлаштириш йўналиши сифатида интернетизация суғурта компаниясининг бизнес жараёнларини Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали амалга оширишини билдиради. Ҳозирги кунда «Интернетсуғуртаси» атамаси янада кенг тарқалган бўлиб, тор маънога эга бўлиб, Интернет орқали суғурта хизматларини сотишни ўз ичига олади. Жаҳон ахборот тармоғи орқали суғурта Республикамизда 2017 йил охиридан бошлаб амалга оширилиб келинмоқда ва келажакда суғурта полисларини суғурталанувчига қоғозни этказиб бериш ва ариза шаклини имзолаш орқали суғурта хизматларини сотиш усули ҳисобланади. Аксарият суғурта ташкилотлари ушбу усулда ишлаб келмоқда эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича йўл харитасининг 41 бандида суғурта хизматларининг электрон турларини тақдим этиш тартиби, шу жумладан, электрон полисларни амалга ошириш қоидалари, шунингдек уларнинг ҳақиқийлигини текшириш механизмлари бўйича таклифлари ва шу билан бирга:

Электрон полисларни амалга оширувчи суғурталовчилар билан тегишли ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш;

Масофавий технологиялардан фойдаланган ҳолда полис эгалари томонидан электрон полисларни аутентификатсия қилиш;

Тегишли маълумотлар базалари ўртасида шартномалар тўғрисидаги маълумотларни автоматик равишда алмашинуви (Э-полислар)тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифалари белгиланган.

Ушбу ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14 декабрь 2020 йилдаги 780-сон «Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан айнан Транспорт воситалари эгаларини фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тури орқали амалга оширилди. Электрон полисларни сотувини йўлга қўйишда ўзига яраша жуда кўп имкониятлари мавжуд ва ушбу ўзгаришлар яқин орада амалга оширилади. Аммо суғурта хизматларини амалга оширишда иккинчи томони ҳам мавжуд.

Суғурта товонини олиш тизими ҳозирги кунгача классик кўринишда қолган. Айрим компаниялар томонидан суғурта товонини қоплашда аризани қабул қилишт изимини электрон тарзда тўлдириш йўлга қўйилган аммо бундай аризалар аксарияти суғурта қопламасини қоплашда суғурта қилдирувчини иштирокини тақазо этмоқда ҳамда ушбу хизматларни олишда классик кўриб чиқиш вақтини талаб қилмоқда. Дархақиқат, суғурта компанияси томонидан суғурта даволарини кўриб чиқиш бўйича бир қанча жараёнлар мавжуд. Мисол тариқасида, юқорида айтиб ўтилган мажбурий суғурта тури бўйича суғурта қопламасини олиш учун бир қанча қонунчиликда кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар талаб қилинади. Ушбу ҳужжатларни суғурта давосини берган шахс томонидан еғиб чиқиш ўртача ҳисобда 1 ойдан 3 ойгача вақт талаб қилмоқда. Айнан йўл ҳа-

ракати хавфсизлиги хизмати бошқармасининг қарорларидан бошлаб суд тизимиға бориб тақалади.

Суғурта фаолиятидаги муаммолардан бири бу икки томонлама хусусиятдир, бу суғурта қилдирувчи ва суғурта ташкилоти ўртасидаги манфаатлар тўқнашувида намоён бўлади. Суғурта ташкилотининг вазифалари суғурта қопламасини таъминлаш ва тижорат фойда олишдир. Тижорат манфаатларини кўзлаб суғурта ташкилоти суғурта тўловлари миқдорини камайтиришга ва суғурта мукофотлари миқдорини ошириб юборишга ҳаракат қиладилар. Суғурта қилдирувчи эса суғурта ҳодисаси юз берганда етказилган зарарнинг ўз вақтида ва тўлиқ қопланишидан иборат бўлган юқори сифатли суғурта хизматларини олишга манфаатдордир. Суғурта хизмат кўрсатиш соҳасига тегишли эканлигини ҳисобга олиб, ташкилотнинг рақобатбардошлиги зарарни қоплаш қанчалик самарали бажарилишига боғлиқ. Шу сабабли, дунёдаги етакчи компаниялар сугурта товонини қоплаш тизимини доимий равишда такомиллаштирадилар [2, 333 бет].

Республикамизда тўлиқ рақамлаштирилган суғурта давосини кўриб чиқиш тизимини амалгао шириш учун етарли инструментлар мавжуд, мисол тариқасида:

1. Банк тизими етарли даражада ривожланган бўлиб, масофавий равишда товон тўловини амалга ошириш мумкин[3];

2. Ягона интерактив давлат хизматлар портали (my. gov. uz) ҳамда oneid Ягона Идентификация тизими барча жисмоний ва юридик шахслардан суғурта даволарини қабул қилишда марказлашган тизим сифатида ишлатилиши мумкин;

3. Сугурта компанияларининг аксариятида ўз тизимлари мавжуд бўлиб суғурта даволарини кўриб чиқиш тўлиқ электрон шаклда амалга ошириш мумкин.

3. О.Н.Яценюк. Соотношение международно-правого и национально-правого регулирования страхования иностранных инвестиций от политических рисков // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва 2004 г. С. 17.

4. Е. И. Воронина. Полисы COFACE как один из основных инструментов страхования кредита внешней торговле Франции. //Международное публичное и частное право. -2002-. №1. С. 55-59.

5. International Legal Materials. NO. 5. 1988. Vol. P. 1227-1259.

6. В. Трапезников. Гарантии прав иностранных инвесторов//Российская юстиция. №12, декабрь, 2001г. С. 25.

M.A. Sharapova,
TMI, «Moliya» kafedrasi dots. v. b.

IQTISODIY ISLOHOTLAR SHAROITIDA O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SUG‘URTA BOZORINI RIVOJLANTIRISH YO‘LLARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada mamlakatimizda sug‘urta bozorining holati va unda mavjud muammolar, shuningdek, ushbu bozorni rivojlantirishda sug‘urta munosabatlarini erkinlashtirishning zarurligi yoritilgan.

Tayanch so‘zlar: sug‘urta faoliyati, sug‘urta bozori, ustav kapitali, minimal talab, sug‘urta nazorati, sug‘urta bozorini rivojlantirish agentligi.

Bugungi kunda jahon bozori konyukturasidagi keskin o‘zgarishlar, globallashuv sharoitida raqobat tobora kuchayib borayotgani davlatimizni yanada barqaror va jadal sur’atlar bilan rivojlantirish uchun mutlaqo yangicha yondashuv hamda tamoyillarni ishlab chiqish va ro‘yobga chiqarishni taqozo etmoqdaki, buni e’tiborga olgan holda mamlkatimizda qabul qilingan 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasining uchinchi yo‘nalishida makroiqtisodiy barqarorlikni yanada mustahkamlash va yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlarini saqlab qolishda bir necha vazifalar belgilanib olindi. Shulardan biri sug‘urta va lizing hamda boshqa moliyaviy xizmatlar hajmini


ularning yangi turlarini joriy qilish va sifatini oshirish hisobidan kengaytirish, shuningdek, kapitalni jalb qilish hamda moliyaviy institutlar va aholining erkin resurslarini joylashtirishdagi muqobil manba sifatida fond bozorini rivojlantirishdir [1].

Sug'urta faoliyati iqtisodiy infratuzilmaning ajralmas qismi sifatida bir tomondan, ijtimoiy kafolatni ta'minlasa, ikkinchi tomondan, shartnomaviy majburiyat va tariflar mexanizmi orqali turli sug'urta risklaridan ogoh etish negizida iqtisodiyot subyektlari manfaatlarining himoyasini ham o'z zimmasiga oladi.

Mamlakatimizda bosqichma – bosqich bozor munosabatlari shakllanishi va rivojlanishi, iqtisodiyot subyektlarining yuksak darajadagi iqtisodiy mustaqilligi, erkinligi darajasi ortib borayotgan jarayonda doimo risklar mavjud bo'lishi kuzatiladi. Ular manfaatlariga zarar keltirishi mumkin bo'lgan va doimiy takrorlanib turadigan risklarni qayta taqsimlash, ya'ni o'ziga xos bo'lgan maxsus xizmat bilan sug'urta shug'ullanadi. Sug'urta xizmati bahosining yuqori chegarasi talab hajmi va bank foizining miqdori bilan aniqlanadi. Sug'urta xizmatining ma'lum bir turiga yetarli darajada talab mavjud bo'lganda, sug'urta tashkiloti mazkur xizmat bahosini yuqori darajada saqlab turishi mumkin. Lekin, vaqt o'tishi bilan bozorda sug'urta xizmati ko'rsatish turlarining ko'payishi bilan, o'z-o'zidan tarif stavkalari kamayadi.

Sug'urta bozori hududiy joylashuviga qarab xalqaro, mintaqaviy va milliy sug'urta bozorlariga bo'linadi. Milliy sug'urta bozori biron-bir mamlakat hududidagi sug'urta muassasalarini va ularni faoliyatini o'z tarkibiga oladi. Jahondagi eng yirik milliy sug'urta bozori Amerika Qo'shma shtatlaridir. Iqtisodiy jihatdan rivojlangan mamlakatlarda yig'iladigan sug'urta tushumlarining 43 foizdan ortig'i AQSh hissasiga to'g'ri keladi. Bu yerda hayotni sug'urta qiluvchi 2600 dan ortiq va boshqa umumiy turdagi sug'urta xizmatlarini ko'rsatuvchi 3800 ta kompaniya faoliyat

ko‘rsatmoqda. Ulardan ba’zi birlari dunyo sug‘urta bozorida ham oldingi o‘rinlardadir. Masalan, «Prudenshial of Amerika» kompaniyasi mamlakat ichki bozorida birinchi va 1992-yil boshida mavjud aktivlari, to‘plagan sug‘urta mukofotlari bo‘yicha uchinchi o‘rinni egalladi.



1-rasm. Sug‘urta kompaniyalarining tashkiliy shakliga ko‘ra tavsifi [2].

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2002-yil 27-noyabrdagi 413-son Qarori sug‘urta faoliyatida muhim yangilik bo‘ldi. Ilk bor sug‘urtalovchilarning ustav kapitaliga eng kam miqdorlar belgilandi. Sug‘urtalovchilar va sug‘urta brokerlarining sug‘urta faoliyatini litsenziyalash to‘g‘risida nizom, sug‘urta faoliyati klassifikatori tasdiqlandi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2014-yildagi PQ-1544 sonli Qaroriga asosan sug‘urta kompaniyalari ustav kapitaliga qo‘yiladigan talab miqdori belgilandi.

1-jadval

O‘zbekistonda sug‘urta kompaniyalari ustav fondining minimal miqdoriga qo‘yilgan talablar [3]

Sug‘urta faoliyati turlari	01. 01. 2008-yildan, ming AQSh dollari	01. 01. 2010-yildan, ming evro ekvivalentida	01. 07. 2012-yildan, ming evro ekvivalentida	01. 07. 2014-yildan, ming evro ekvivalentida	01. 07. 2018-yildan, milliard so‘m
Umumiy sug‘urta	500	750	1125	1500	7, 5
Hayot sug‘urtasi	750	1000	1500	2000	10
Majburiy sug‘urta	1000	1500	2250	3000	15
Qayta sug‘urta	3000	3000	4000	5000	30

Ushbu qaror sug‘urta bozorini yanada rivojlantirish, raqobatni kuchaytirish, sug‘urta faoliyatining zamonaviy va yangi turlarini yaratish, sug‘urtalaovchilarning moliyaviy barqarorligini mustahkamlash, ularning hududiy tarmoqlarini kengaytirish va sug‘urtani nazorat qilish shakllarini takomillashtirish bo‘yicha muhim hujjat bo‘ldi.

Milliy sug‘urta bozorini yanada isloh qilish va uning jadal rivojlanishini ta`minlash, sug‘urta xizmatlarining talab yuqori bo‘lgan yangi turlarini joriy etish, iste`molchilarning sug‘urta bozoriga bo‘lgan ishonchini oshirish maqsadida qabul qilingan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 2-avgustdagi «O‘zbekiston Respublikasining sug‘urta bozorini isloh qilish va uning jadal rivojlanishini ta`minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida»

PQ-4412-son qarori bilan mamlakatimizda sug‘urta kompaniyalari ustav fondining minimal miqdoriga qo‘yilgan talablar o‘zgardi.

2-jadval

Sug‘urtalovchilar (qayta sug‘urtalovchilar) uchun ustav kapitalining minimal miqdorlari [4] mlrd. so‘mda

T/r	Sug‘urta faoliyatining turlari	2020-yil 1-iyuldan	2022-yil 1-iyuldan
1.	Umumiy sug‘urta yoki hayotni sug‘urta qilish tarmog‘ida ixtiyoriy sug‘urta	15	20
2.	Umumiy sug‘urta yoki hayotni sug‘urta qilish tarmog‘ida majburiy sug‘urta	25	35
3.	Faqat qayta sug‘urta	35	45

2019-yil may oyida O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatining o‘n to‘qqizinchi yalpi majlisida Senat raisi N. Yo‘ldoshev (o‘sha davrda) sug‘urta bozoridagi kamchiliklar haqida to‘xtalib, o‘z fikrlarin bildirdi[5]:

«Qonunchilikdagi bo‘shliqlar, ayrim vazirlik va idoralar mas’ullarining sovuqqonligi va e’tiborsizligi oqibatida milliardlab mablag‘lar mamlakat iqtisodiyoti rivojiga jalb etilmasdan, chetga chiqib ketmoqda. Xususan, bundan 15 yil avval qabul qilingan va takomillashtirilmagan «Sug‘urta faoliyati to‘g‘risida»gi qonun sug‘urta bozoridagi zamonaviy talablarga javob bermay qolgan.

10 200 nafar professional ishtirokchi faoliyat ko‘rsatadigan sug‘urta bozorini Moliya vazirligi huzuridagi bor yo‘g‘i 6 nafar xodim ishlaydigan sug‘urta nazorati inspeksiyasi «nazorat qilmoqda». Mazkur tashkilot o‘z zimmasidagi vakolat hamda vazifalarini to‘laqonli amalga oshirish imkoniyatiga ega emas.

U aksariyat hollarda tegishli hisobotlarni umumlashtirish bilangina shug'ullanmoqda. Oqibatda mamlakat sug'urta bozori nazoratdan deyarli chetda qolib ketmoqda. Bu esa, faqat o'z manfaatlari yo'lida ishlaydigan ayrim sug'urta tashkilotlari va ularning rahbarlariga qo'l kelmoqda».

Ma'lumki, jahon amaliyotida yirik tavakkallarni sug'urtalashda mamlakatdagi bir necha sug'urta tashkilotlarini guruhlarga, jamiyatlarga yoki uyushmalarga jamlash orqali, qayta sug'urtalash tashkilotlarini tuzish tajribasi XIX asrdayoq yo'lga qo'yilgan. Mamlakatimizda esa, shu kunga qadar bu muhim mexanizmdan foydalanilmayapti.

Qonunosti hujjatlaridagi turli to'siq va cheklovlar esa, mazkur mablag'lardan samarali foydalanish, jumladan, ularni sug'urta kompaniyalarining ustav kapitaliga jalb etish imkonini bermaydi. Bir so'z bilan aytganda, qonun hujjatlaridagi eskirgan normalar, tafovutlar, chalkashliklar va boshqa kamchiliklar bu kompaniyalar uchun istiqbol eshiklarini yopib qo'ygan.

Sug'urta sohasidagi og'riqli nuqtalardan yana biri kadrlar salohiyati bilan bog'liqdir. Bugungi kunda soha xodimlarining bor yo'g'i 32 foizi oliy va 30 foizi o'rta maxsus ma'lumotga ega. Boz ustiga, ularning aksariyati sug'urtaga aloqasi bo'lmagan kasb egalaridir. Bu kabi ko'plab muammolar sug'urta bozorining mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushiga ham salbiy ta'sir ko'rsatmoqda.

Islohotlarning hozirgi bosqichida iqtisodiyotning barqaror o'sishini ta`minlashga, aholi hayotining sifati va darajasini oshirishga yo'naltirilgan moliyaviy xizmatlarni faol rivojlantirish respublikada sug'urta bozorining rolini kuchaytirishni va sug'urta vositalarini keng qo'llashni taqozo etmoqdaki, ushbu xususida Prezidentimiz Sh. Mirziyoev sug'urta xizmatlari bozorini rivojlantirish masalalari bo'yicha o'tkazgan yig'ilishida quyidagi fiklarni

bildirdilar: «Sohaga nazoratchi emas, ilg‘or va zamonaviy standartlarni joriy etadigan, barcha ishtirokchilar o‘rtasida chinakam raqobat muhitini yaratib, sug‘urta bozorini rivojlantiradigan tuzilma kerak»[6].

Shu bois, Moliya vazirligi huzuridagi Sug‘urta nazorati davlat inspektsiyasi tugatilib, Sug‘urta bozorini rivojlantirish agentligi tashkil etildi. Shuningdek, sug‘urta sohasini o‘rta va uzoq muddatli rivojlantirish strategiyasini ishlab chiqish, 2022-yilgacha aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan sug‘urta mukofoti hajmini 3 baravar, sohaning yalpi ichki mahsulotdagi ulushini esa 2 barobarr oshirish vazifasi qo‘yildi.

3-jadval

2019–2022-yillarda O‘zbekiston Respublikasining sug‘urta bozorini jadal rivojlantirishning maqsadli ko‘rsatkichlari [7]

T/r	Ko‘rsatkichlar nomi	2018 (fakt)	2019	2020	2021	2022	*O‘sishi, barobar*
1.	Sug‘urta xizmatlarining YAIMdagi ulushi *(foiz)*	0, 4	0, 5	0, 6	0, 7	0, 8	*2*
2.	Aholi jon boshiga sug‘urta mukofotining miqdori *(ming so‘m)*	50, 0	65, 0	88, 0	114, 0	148, 0	*3*
3.	Jami sug‘urta mukofotlarining hajmi *(trln so‘m)*	1, 6	2, 1	2, 9	3, 8	5, 2	*3, 3*
4.	Sug‘urta tashkilotlarining jami ustav kapitali *(trln so‘m)*	0, 5	0, 8	0, 9	1, 0	1, 2	*2, 4*
5.	Sug‘urta tashkilotlarining jami aktivlari *(trln so‘m)*	2, 5	3, 0	3, 6	4, 3	5, 2	*2, 1*

6.	Sug'urta tashkilotlarining jami investitsiyalari *(trln so'm)*	2, 0	2, 5	3, 3	4, 1	5, 3	*2, 7*
7.	Sug'urta xizmatlari turlarining soni *(birlik)*	105	115	135	155	175	*1, 7*
8.	Hududiy bo'linmalar soni *(birlik)*	1 450	1 500	1 580	1 660	1 740	*1, 2*

Mamlakatimizda sug'urta bozorini rivojlantirish masalalari o'rganish natijasida quyidagi xulosalar shakllandi:

Birinchidan, bugungi kunda mamlakatimiz milliy sug'urta bozori nisbatan tez rivojlanayotgan bo'lsada, bugungi kun jahon talablariga to'liq javob bera olmaydi.

Ikkinchidan, sug'urta xizmatidan foydalanayotgan va foydalanishi mumkin bo'lgan aholining aksariyat qismi, sug'urta haqida to'liq ma'lumotga ega emas. Holbuki, bu sug'urta turiga talabning ortishi sug'urtalanuvchi va sug'urtalanuvchiga moliyaviy holatini yaxshilashda o'zining salmoqli xissasini qo'shadi.

Yuridik shaxslar sug'urta qildirishi uchun, birinchi navbatda, ularga ishonch kerak. Jismoniy shaxslarga esa to'g'ri ma'lumot. Ma'lumotlar to'g'ri va to'liq bo'lishi ularni sug'urtadan to'g'ri va maqsadli foydalanishga jalb qiladi. Bu jarayonni amalga oshirish uchun sug'urta bozoriga malakali mutaxassislar talab etiladi. Sug'urta kompaniyalarida faoliyat yuritayotgan aksariyat hodimlar sug'urta ishining mutaxassisi emas. Bir bo'lim xodimi ikkinchi bo'lim xodimining faoliyati, amalga oshirayotgan ishlari haqida ma'lumotga ega emas. Agentlar faoliyatida ham xuddi shunday muammo mavjud. Natijada sug'urtalanmoqchi bo'lgan shaxsga sug'urta xizmatlari to'g'ri va to'liq yetkazilmaganligi natijasida aholi to'liq ma'lumotga ega bo'lmasdan sug'urtaga bo'lgan

talabning pasayishi va faoliyatga nisbatan ishonmaslik holatlari yuzaga kelmoqda.

Yuqorida qayd etilgan muammolarni bartaraf etish maqsadida, quyidagi takliflarni berish mumkin:

Birinchidan mamlakatimiz sug'urta bozorini rivojlangan mamlakatlar darajasiga yetkazishning eng muhim va asosiy omillaridan biri bu, O'zbekistonda xorijiy mamlakatlar tajribasidan kelib chiqqan holda o'zaro sug'urtani joriy etishdir va bunda davlatning tashabbuskorligidan foydalanish sug'urta sohasidagi bugungi kunning dolzarb masalasidir. Mamlakatda o'zaro sug'urtani joriy etish uchun avvalambor uning huquqiy ta'minotini yo'lga qo'yish, o'zaro sug'urtani rivojlantirish maqsadida ushbu sohaga taalluqli imtiyoz va preferensiyalarni taqdim etish zarur deb hisoblaymiz. Shunday holatda o'zaro sug'urta, sug'urtaning alohida shakli sifatida tijorat sug'urtasi bilan parallel ravishda rivojlanadi va ko'p sonli potensial sug'urtalanuvchilarni sug'urtaga jalb etish barobarida fuqarolarning moddiy farovonligini oshishida, ularning tadbirkorlik faoliyati bilan bog'liq tavakkalchiliklarini kafolatlashda, korxona va tashkilotlarning barqaror faoliyat ko'rsatishida muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

Ikkinchidan, sug'urta faoliyatini rivojlanishi uchun sug'urta xizmatlarini keng ko'lamda reklama qilish samarali natija beradi talab etiladi. Eng ommabop bo'lgan ijtimoiy tarmoqlar: telegram, instagram va boshqa ijtimoiy tarmoqlarda sug'urta xizmatlari va uning afzalliklari haqida ma'lumot berib turish. Misol uchun sug'urta xizmatlari bo'yicha telegramda bir kanal ochib, bu haqida boshqa kanallarga ma'lumot tashlash orqali, aholini sug'urta kanaliga a'zo qilish va sug'urta faoliyatining yangiliklaridan muntazam ravishda xabardor qilib turish mumkin. Ya'ni, aholining sug'urtaga bo'lgan ishonchini ortishini ta'minlash maqsadida sug'urtaga nisbatan aholining huquqiy savodxonligini oshirish,

ya'ni sug'urta to'g'risida qabul qilingan qonun, qarorlar to'g'risida va sug'urta faoliyati qonun bilan himoyalanishi to'g'risida mijozlarga muntazam ravishda ma'lumotlar berib borish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini «Xalq bilan muloqot va inson mafaatlari yili»da amalga oshirishga oid davlat dasturini o'rganish bo'yicha ilmiy-uslubiy qo'llanma. Toshkent-2017.

2. http://www. mf. uz – O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi rasmiy sayti

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 29-sentabrdagi PF-5197-son Farmoni asosida tayyorlandi.

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 2-avgustdagi «O'zbekiston Respublikasining sug'urta bozorini isloh qilish va uning jadal rivojlanishini ta`minlash chora-tadbirlari to'g'risida» PQ-4412-son qarori

5. https://www. senat. uz/ – O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatning rasmiy sayti

6. Mirziyoyev Sh., 2019-yil 10-iyuldagi sug'urta xizmatlari bozorini rivojlantirish masalalari bo'yicha yig'ilish. https:// sputniknews-uz. com/

Ш.А. Шермухамедова,
старший преподаватель кафедры «Финансы»
Ташкентского финансового института

ЭЛЕКТРОННАЯ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ – ПЕРСПЕКТИВНАЯ ДОПОЛНЕНИЕ К МЕДИЦИНСКОМУ СТРАХОВАНИЮ

Аннотация. Одной из перспективных направлений развития медицинскую страхованию и здравоохранению в целом автор видет в развитие «электронного здравоохранения». В настоящем статье автор рассмотрел зарубежного опыта Швеции по внедрению «электронного здравоохранения» в повседневную жизнь.

Ключевые слова: медицинская страхования, здравоохранения, зарубежный опыт, электронная здравоохранения, реформы в здравоохранении, телемедицина.

В Узбекистан активно привлекаются инвестиции в сферу здравоохранения [1]. Одной из перспективных направлений развития медицины и здравоохранения в целом автор видет в развитие «электронного здравоохранения». В ходе изучений зарубежного опыта по внедрению «электронного здравоохранения» в повседневную жизнь автор нашел перспективный опыт Швеции.

Например, в прошлом году пилотный проект был запущен в Лен Вермланд на западе Швеции. Местные больницы и клиники предложили приобрести консультацию по видеосвязи по

цене прохождения обычного врачебного обследования. Хороший способ освободить приемное отделение для клиник. В то же время это отличная возможность не тянуть пациента, например, ребенка с повышенной температурой или пациента с расстройством желудка. Связь и технологии для этого проекта предоставила шведская компания KRY. В июне 2017 года он получил $22, 6 млн. от Кремниевой долины за развитие своей деятельности.

KRY называет себя «Шведским медицинским центром номер один». Приложение, созданное этой компанией, работает следующим образом: сначала пациент вводит в него свои данные и симптомы болезни, которые его беспокоют, а затем KRY связывает его с врачом для 15-минутной видеочат. Понятие простое и понятное. В 2018 году он привлек 430 тысяч пользователей, в том числе из Норвегии и Испании. Консультацию дают 200 шведских докторов. «Мы создаем сервис для пациентов, так же являясь сами пациентами. Главная задача для нас состоит в том, чтобы была доступно для всех получить хорошую медицинскую помощь», – говорит главный исполнительный директор и соучредитель Йоханнес Шилд.

В Швеции есть районы с малонаселенным населением, где трудно добраться до врача, и недостаточное техническое оснащение врачебной комнаты. Телемедицина для жителей такого места – это возможность быстро связаться с хорошим врачом.

В целом, удаленные консультации не имеют сенсорного аспекта. В начале прошлого века в самой Швеции врачи лечили пациентов по радио. В основном это были моряки – они описывали свое состояние и вступали в контакт с берегом, а врач консультировал. Врачи уже давно получают по почте фотографии пациентов и разговаривают с ними по телефону. Но видеоконсультация в режиме реального времени-это настоя-

щее достижение. Теперь теоретически появилась возможность у любого у кого есть сматрфон и интернет записаться на прием любого, даже самого именитого врача, даже если он живет в самой бедной государстве.

В Швеции, как и во всей Европе, продолжительность жизни увеличивается. Это означает, что с возрастом число пациентов с раком, сахарным диабетом и другими заболеваниями, возникающими с течением времени, также увеличивается.

Программы и интернет-сервисы, возникающие в последние годы, на самом деле преследуют одну цель – научить пользователя следить за своим здоровьем, интересоваться своим состоянием, следить за прогрессом или регрессом, на основе этих наблюдений врачи могут диагностировать болезнь на более длительный срок и быстро ее преодолевать.

Шведция стремится сформировать здравоохранение по модели «один пациент – одна запись» до 2025 года. При этом единственная медицинская карта будет передвигаться с поциентом по специалистам, будь то стоматолог, физиотерапевт, домашний сторож или массажист. В ближайшем будущем в систему должны быть интегрированы все медицинские организации, компании и поставщики: пансионы для пожилых людей, хосписы, услуги для ВИЧ-инфицированных.

В идеальном варианте – каждый врач должен чувствовать, что пациент лечится у него с детства. Это не обычная задача. Перед тем, как решить несколько проблем (например, как хранить и анализировать большие данные), а также кто может получить доступ к личной информации о пациенте и на какой основе, необходимо будет точно рассмотреть эти этические вопросы.

Телемедицина предоставляет следуюшие преимущества [2]:

– может дать хорощий эффект в мониторинге здоровья населения;

– может помоч сократить очереди в поликлиниках и сельских врачебных пунктах;

– для населения из дальных районов дает возможность получить консультацию у специалистов;

– может обойтись более дешевые для пациентов, чем обычные консультации;

– возможность включить как дополнительную опцию в предоставлении услуг по медицинскому страхованию;

– Клиники могут дополнительно заработать деньег на онлайн-консультациях;

– поможет сэкономить затрат;

– экономия времени.

В заключение можно сказать, что применение телемедицины на практике будет иметь дополнительное удобство. В качестве дополнительной услуги можно предложить услуги медицинского страхования. С помощью этого можно еще больше повысить привлекательность полиса медицинского страхования.

Список литературы:

1. Шермухамедова Ш. А. Зарубежные инвестиции в проекты здравоохранения Узбекистана // Наука и инновации в XXI веке: актуальные вопросы, открытия и достижения: сборник статей XIX Международной научно-практической конференции / Под ред. к.э.н. Г. Ю. Гуляев – Пенза, 2020.

2. Шермухамедова Ш. А. Телемедицина – ближе к врачу. «Глобальная экономика в XXI веке: роль биотехнологий и цифровых технологий» сборник статей IV международной научно-практической конференции. – Пенза, 2020.

3. Telemedicine: opportunities and developments in Member States: report on the second global survey on eHealth 2009. (Global Observatory for eHealth Series, 2),

К.Т. Каленов,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат
университети, мустақил тадқиқотчиси, катта ўқитувчи.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА СУҒУРТА ХИЗМАТИНИНҒ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти билан боғлиқ рисклар ва уларни классификациялаш ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш орқали суғурта хизматлари билан таъминлашнинг самарадорлигига эришиш масалалари ёритиб берилган ва хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги корхоналари, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти билан боғлиқ рисклар, агросуғурта, суғурталашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, рискларни бошқариш.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий ишлаб чиқарувчи тармоқларидан бири эканлиги боис ушбу тармоқнинг янада ривожланиши мамлакат иқтисодиётига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, таъкидлаш керак, қишлоқ хўжалиги табиий ва бошқа стихияли ҳодисалар таъсирига кўпроқ учрайдиган тармоқ ҳисобланиб, бундай ҳодисалар натижасида кўриладиган зарарларни ўз вақтида қоплашни таъминловчи восита сифатида суғурта хизматларидан кенг фойдаланилади.

Аграр соҳани суғурталаш уни табиий ҳодисалардан ҳимоялашнинг элементи сифатида ўтган асрнинг 20-йилларида пай-

до бўлиб, қатор мамлакатларда юқори даражада ривожланишга эришди. Дунёда аграр суғурта дастурларининг кўплаб турлари мавжуд бўлсада, уларнинг бирортаси ҳам аниқ ва ишончли маълумотлардан фойдаланмасдан туриб амалга оширилмайди. Шу билан бирга бу тизим давлатнинг маълумотлар селекцияси ва жамланиши каби муҳим йўналишидаги қўллаб-қувватлашисиз фаолият юрита олмайди. Қишлоқ хўжалигидаги актуал ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун эса аграр ишлаб чиқариш ҳамда об-ҳаво тўғрисидаги маълумотлар зарур [2/31].

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари нуқтаи-назаридан, қишлоқ хўжалиги суғуртаси каби таваккалчиликларни бошқаришнинг муҳим усулидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилинишига таъсир қилувчи қатор омилларни ажратиб кўрсатиш мумикин. Бундай омиллар қаторида биринчи навбатда ишлаб чиқариш жараёнининг натижаси бўйича хўжаликнинг пул маблағлари айланмаси ва кутилаётган даромаднинг бўлиши мумкин бўлган зарар ҳажмига нисбатини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ҳар бир давлат қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш ва унинг барқарорлигини таъминлашни ўзининг асосий вазифаларидан бири сифатида ҳисоблайди. Чунки қишлоқ хўжалиги муҳим стратегик соҳа бўлиб, ушбу тармоқ орқали мамлакат фуқароларининг ҳаёт фаровонлиги таъминланади. Бу вазифани амалга оширишда суғурта хизматларидан кенг фойдаланади.

Қишлоқ хўжалик рискларини самарали бошқариш тизимини яратишнинг муҳим омили уларни классификациялашдир. Рискларни классификациялаш, уларни алоҳида хусусиятидан (белгиларидан) келиб чиқиб гуруҳлашдир.

Қишлоқ хўжалигида юзага келадиган рисклар асосан қуйидаги йўналишларга эга:

1) ижтимоий аҳамиятга эга рисклар;

2) ер унумдорлигининг пасайиши ва экин майдонларининг ўзгариши;

3) табиий-иқтим шароитларининг ўзгариши;

4) қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари нархининг ўзгариши;

5) мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқаро бозорларда рақобатбардошлигининг тушиб кетиши;

6) қишлоқ хўжалиги корхоналари тўловга қобиллигининг пасайиши;

7) давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг етарли эмаслиги;

8) асосий фондлар ва қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминланганлик даражасининг пастлиги.

Қишлоқ хўжалигида рисклар юз бериш объекти бўйича қишлоқ хўжалиги экинлари билан боғлиқ рисклар, чорва моллари билан боғлиқ рисклар ва қишлоқ хўжалик корхонаси мулки билан боғлиқ рискларга бўлинади.

Бу каби классификациялашни ҳар бир суғурта компанияси ўзининг тариф сиёсатини ишлаб чиқишда қўллаш мақсадида амалга ошириши ва иккала томон учун ҳам мос келадиган оптимал тарифларни қўллашда фойдаланиши мумкин. Албатта бунда компания томонидан йиллар давомида яратилган рисклар тўғрисидаги маълумотлар базасининг мавжудлиги муҳим ҳисобланади [1/8-13].

Умумий тарздатаъкидлаш мумкинки, ҳар қандай мамлакат аҳолисининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда қишлоқ хўжалиги муҳим стратегик соҳа сифатида хизмат қилади. Ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида улар фаолияти билан боғлиқ турли рисклардан ҳимоя қилишда суғурта хизматларидан самарали фойдаланиш энг мақбул усул ҳисобланади.

Ривожланаётган Ўзбекистон учун ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалик корхоналарини суғурта хизматлари билан тўлиқ қамраб олишда улар томонидан шартнома тузгани учун суғурта компаниясига тўланадиган суғурта мукофотларини тўлашда давлатнинг моддий қўллаб-қувватлашига қаратилган тизимнинг жорий этилиши ўзининг натижасини беради ва шу орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғуртага тўлиқ қамраб олишга эришиш мумкин. Бундай натижага эришилиши суғурталовчи учун кўп сондаги суғурталанувчилар томонидан тўланган суғурта мукофотлари ҳисобидан катта ҳажмдаги суғурта захирасини шакллантириш ва тариф ставкаларини пасайтириш имкониятининг юзага келиши натижасида суғурталанувчига енгиллик яратилишига эришилади [3/53].

Ушбу усул кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар суғурта фаолиятида тажрибадан ўтган ва самарали қўллаб келинаётганлигини эътиборга олганда, унинг самарадорлигига шубҳа қилишга ўрин қолмайди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг катта қисми турли сабаблар билан суғурта хизматларидан фойдаланмаётганлиги муаммосини ушбу усул орқали бартараф этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Курносов А. Страхование производственных рисков в сельском хозяйстве / А. Курносов, А. Камалян, К. Назаренко // Международный с. -х. журнал. 2002. -№ 3. С. 8-13.

2. Грищенко Н.Б., Грищенко Г.М., Зимина А.П. Система сельскохозяйственного страхования: теоретический аспект // Финансы и кредит. 2007. № 11.

3. Сплетухов Ю.А. Проблемы проведения страхования урожая с государственной поддержкой / Ю.А. Сплетухов // Финансы. 2007. -№ 12.

N.R. Tursunova,
Falsafa fanlari doktori Toshkent moliya instituti,
F.A. Sharopova,
Toshkent moliya instituti magistranti

TAKAFUL – SUG'URTANAING ISLOMIY USULI

Annotatsiya. Ushbu maqolada Islom sug'urtasi – takafulning mohiyati, tarixi, modellari, prinsiplari o'rganilgan va turli metadologik usullar orqali tahlil qilingan. Bundan tashqari Islom sug'urta tizimini sug'urta tizimi rivojlanishi da qanchalik ta'sir qilishi bo'yich ama'lumotlar ham o'rganilgan.

Tayanch so'zlar: shariat, takaful, mudaraba, vakala, ribo, ta'avun, tabarru, g'orar, maysir.

Kirish

Islomiy moliya tizimi butun dunyo bo'ylab tarqalgan moliya tizimi uchun umid bo'lib kelayotgan va moliya sanoatidagi foizlarga asoslangan tizimning zararlarini bartaraf etishning eng yaxshi variant sifatida qaralayotgan tizim hisoblanadi. Bu tizimning rivojlanishida uning muhim tarkibiy qismi bo'lgan islom sug'urtasi (takaful)ning roli katta. Barcha insonlar tabiiy ravishda o'z hayotlari va mol-mulklarini sevadilar. Bu muhabbat ularni o'zlarini har qanday yo'qotishlardan himoya qilishga va barcha mumkin bo'lgan choralar va choralar bilan kutilgan xavflardan qochishga undaydi. Risk – bu hodisada yo'qotish ehtimoli. Bu hayotning muqarrar qismidir, chunki deyarli har qanday inson harakatlari riskni yuzaga keltiradi. Kelajakda noaniq hodisalar, masalan, baxtsiz hodisalar,

o‘g‘irliklar, falokatlar yokio‘lim, yo‘qotish, zarar va moliyaviy qiyinchiliklarga olib kelishi mumkin bo‘lgan voqealar bilan bog‘liq. Sug‘urta bunday xatarlarni boshqarish uchun muhim vositalardan biridir. Takaful shariat tamoyillari asosida xavfni kamaytirish va boshqarishda muhim rol o‘ynaydi.

Shuni alohida ta’kidlab o‘tish joizki, mamlakatimiz aholisining asosiy qismini musulmonlar tashkil etishini hisobga olgan holda Islom moliyasi va sug‘urta tizimiga bo‘lgan qiziqish mamlaktimizda ham ortib bormoqda hamda o‘rganilishi kerak bo‘lgan muhim masalalardan biri sifatida qaralmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2020-yil 29-dekabrdagi Parlamentga murojaatida Islomiy moliya tizimi mamlaktimiz uchun qanchalik muhim ekanligini quyidagicha ta’kidlab o‘tdi: «Mamlakatimizda Islomiy moliyaviy xizmatlarni joriy etish bo‘yicha huquqiy bazani yaratish vaqti soati yetib keldi. Bu borada Islom taraqqiyotbanki va boshqa xalqaro moliya tashkilotlari ekspertlari jalb qilinadi» [1].

Jahon takaful bozori 2020-yilda 23,5 milliard AQSH dollarini tashkil etdi, bu turli xil xizmat ko‘rsatish dasturlarining raqamlashtirilishi bilan bog‘liqedi. Sohaga yangi mahsulotlarning kiritilishi natijasida 2021-2026-yillarda bozor hajmi o‘rtacha 13 foiz o‘sishi natijasida 2026-yilga kelib takaful sug‘urta bozori 49 milliard AQSH dollarini tashkil etishi tahmin qilinmoqda [2].

Adabiyotlar sharhi

Islomiy sug‘urtalash – takofulning mohiyati an’anaviy tijoriy sug‘urtalash ususlidan katta farq qiladi. «Takaful» so‘zi arabcha «kafala» so‘zidan kelib chiqadi va «o‘zaro kafolat» yoki «bir-biri to‘g‘risida o‘zaro qayg‘urish» ma’nolarini anglatadi [3]. Takaful arabcha so‘zdan olingan bo‘lib, qo‘shma kafolat degan ma’noni anglatadi, shu bilan ishtirokchilar guruhi o‘zaro kelishib, bir-birlarini belgilangan xatarlardan kelib chiqadigan zararlar uchun bir-birini qo‘llab-quvvatlashga kelishadilar. Takaful kelishuvida

ishtirokchilar bir qator mablag'larni tabarru majburiyati sifatida umumiy jamg'armaga qo'shadilar, bu esa o'zaro a'zolarga ma'lum bir yo'qotish yoki zararga qarshi yordam berish uchun ishlatiladi [4].

Takaful sug'urtasi deganda guruh a'zolari o'zlarining moliyaviy mablag'larini ma'lum zararlarga qarshi birlashtiradigan o'zaro kafillikning islomiy usuli tushuniladi. Oilaviy takaful yoki hayotni sug'urtalashni islom tamoyillariga muvofiq to'g'ri tuzilgandagina qabul qilinishi mumkin. U ikkita tarkibiy qismdan iborat: jamg'arma elementi, bunda individual ishtirokchilar vaqt o'tishi bilan to'planish uchun har bir shaxsga tegishli bo'lgan pul summasini ajratadilar; xayr-ehson bo'lgan xavfni taqsimlovchi element, bu ishtirokchi nogironlik va o'limga duchor bo'lgan taqdirda jamoaviy moliyaviy himoya qiladi [5].

Takaful g'oyasi asosan zararni sug'urta kompaniyasiga yoki sug'urtalovchiga o'tkazishdan ko'ra, odatdagi sug'urtada bo'lgani kabi, ishtirokchilar yoki sug'urta qildiruvchilar o'rtasida taqsimlashdan iborat [6].

Takaful – bu islomiy sug'urtaning bir turi bo'lib, unda a'zolar bir-birlarini yo'qotish yoki zarar yetkazilishidan kafolatlash uchun pul mablag'lari tizimiga pul qo'shadilar. Takaful brendi ostida sug'urta qilish shariat yoki islom diniy qonunlariga asoslangan bo'lib, unda shaxslar qanday qilib hamkorlik qilishlari va bir-birlarini himoya qilishlari kerakligini tushuntiradi. Takaful siyosati sog'liq, hayot va umumiy sug'urta ehtiyojlarini qamrab oladi [7]. Islom sug'urtasi takaful uchun ishlatiladigan atama bo'lib, o'zaro hamkorlik va hamkorlik tamoyillariga asoslangan, umumiy javobgarlik, umumiy tovon puli, umumiy manfaat va birdamlik unsurlarini o'z ichiga olgan sug'urta shakli hisoblanadi [8]. Islom sug'urtasi 1979-yilda Sudanda musulmon iste'molchilarining Islom qonunchiligiga muvofiq sug'urta himoyasiga bo'lgan ehtiyojlari ortib borayotganidan ilhomlanib, joriy qilingan [9].

Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqot orqali islom sug'urtasi, takafulning sug'urta sohasida tutgan o'rni borasida xorijiy va mahalliy olimlarning ishlari o'rganildi va tahlil qilindi. Maqolada nazariy mushohada, tizimli yondashuv, kuzatish, umumlashtirish, tahlil, sintez kabi usullardan samarali foydalanildi. Bundan tashqari takaful sug'urtasining joriy etish maqsadi, vazifalari va uni joriy etishda qo'llanildigan tamoyillar tahlil etildi.


Kresveli jtimoiy fanlarda izlanishlar quyidagi vazifalardan birini yoki bir nechtasini bajarish uchun olib borilishini taklif qildi:

- G'oyani o'rganish
- Muammoni tekshirish
- Muammoni hal qilish
- Tadqiqot orqali tashqi yordamga murojaat qilishga majbur qiladigan dalillarni keltirish [10].

Tahlil va natijalar

Takaful sug'urta kompaniyalari muqobil ravishda tijorat sug'urtasi sohasidagi kompaniyalarga kiritilgan bo'lib, ular riba (foizlar), al-maysir (qimor) va al-g'orar (noaniqlik) tamoyillari bo'yicha islomiy cheklovlarga zid va ularning barchasi shariatdano qonuniyh isoblanadi. Takaful kelishuvidagi barcha tomonlar yoki sug'urta qildiruvchilar bir-birlariga kafolat berishga va mukofotlar to'lash o'rniga pul jamg'armasiga yoki o'zaro fondga mablag'qo'shishga kelishib oladilar. Yig'ilgan badallar jamg'armasi takaful fondini yaratadi. Har bir ishtirokchining hissasi talab qilinadigan qamrov turiga va shaxsiy sharoitlariga asoslanadi. Takaful shartnomasi odatdagi sug'urta polisi kabi tavakkalning mohiyatini va qoplanish muddatini belgilaydi. Takaful fondini ishtirokchilar nomidan takaful operatori boshqaradi va qaror qabul qiladi, u xarajatlarni qoplash uchun kelishilgan to'lovni oladi. Odd-iy sug'urta kompaniyasi singari xarajatlarga sotish va marketing, anderraytingva da'volarni boshqarish kiradi. Ishtirokchilar tomoni-

dan qilingan har qanday da'vo takaful jamg'armasi hisobidan to'lanadi va qolgan ortiqchan arsalar, kelajakdagi da'volar va boshqa zaxiralarning ehtimoliy xarajatlari uchun mablag'lar ajratilgandan so'ng, takaful operatoriga emas, balki fond ishtirokchilariga tegishli. Ushbu mablag'lar ishtirokchilarga naqd dividendlar yoki taqsimotlar shaklida yoki kelgusi badallarni kamaytirish orqali tarqatilishi mumkin.




1-rasm. Takafulningasosiyjihatlaribog'liqligi

1-rasmdagi ushbu uchburchak orqali ifodalangan munosabatlar islom huquqi maqsadlarining asosiy tamoyiliga asoslanib, insoniyatga foyda keltirishga va har qanday zararni oldini olishga intiladi.

Takaful sug'urtaning muqobil tizimi bo'lib, uning yordamida a'zolar o'zlarining moliyaviy manbalarini ta'avun (o'zaro yordam) va tabarru' (xayr-ehson) tamoyillariga asoslangan umumiy hovuzga qo'shadil ar va guruh o'zaro tavakkalchilikni o'z zimmasiga oladi. Odatda takaful a'zolarning o'zaro yordami va o'zaro ijtimoiy ta'minotini o'z ichiga olgan tabarru'tushunchasiga asoslanadi.

Tabarru'islomda xayr-ehson tushunchasi bo'lib, ko'pincha takafuldagi mukofot degan ma'noni anglatadi, garchi bu ikki atama bir-birining o'rnida ishlatilsa ham.

Takofulning zamonaviy tizimi 1979-yilda joriy etilgan bo'lsada, o'zaro yordam va hamkorlik tushunchasi amalda avvaldan targ'ib etib kelingan.



2-rasm. Zamonaviy takofulning rivojlanish bosqichlari

Jadval

An'anaviy va islom sug'urtasining taqqoslama tasnifi


Takaful	An'anaviy sug'urta
O'zaro hamkorlikka asoslangan	Faqat tijorat omillariga asoslangan
Shariat qonunlari va hukumat qonunlariga bo'ysunadi	Faqat hukumat qonunlariga bo'ysunadi
Takaful rejasi egalari va aksiyadorlarning kapitali faqat Shariatga muvofiq investitsiya fondlariga kiritilishi mumkin	An'anaviy sug'urta mukofotining kapitali Shariat talablariga muvofiq kelmaydigan mablag'lar va investitsiyakanallarigakiritiladi
Riba (foiz), Garar (noaniqlik) va Maysir (qimor) o'yinlaridan ozod	Foiz, qimor va noaniqlik elementlariga ega
Xatarlar birgalikda riskni o'z zimmasiga olishga rozi bo'lgan Takaful ishtirokchilari o'rtasida bo'lishiladi va taqsimlanadi	Risk sug'urtalanuvchidan sug'urtalovchiga o'tkaziladi

Takaful operatori tomonidan mablag'larni boshqarish va investitsiya qilish uchun asosan takaful modellarining ikki xil turi mavjud, ya'ni Mudaraba modeli va Vakala modeli. Bundan tashqari Vaqf modeli, Tabarru modeli va modellarning kombinatsiyasi kabi boshqa biznes modellari mavjud.


Mudaraba prinsipiga ko'ra takaful operatori ishtirokchilarning hissalarini to'lashni kapital sherikligi asosida qabul qiladi, bufoyda takaful operatori va ishtirokchilari o'rtasida oldindan belgilangan tartibda taqsimlanadigan xatarlarni taqsimlash mexanizmi hisoblanadi. Shartnomada takaful operatsiyasidan ortig'i, Mudarabaprintsipigamuvofiq, kapitalni yetkazib beruvchilar sifatida ishtirokchilar va tadbirkor sifatida takaful operatorlari o'rtasida qanday taqsimlanishi ko'rsatilgan. Bunday foydani taqsimlash har yili shar'iy kuzatuv kengashi tomonidan tasdiqlanadi. U 50/50, 60/40, 70/30 va hokazo nisbatda bo'lishi mumkin, bu o'zaro kelishilgan tomonlar o'rtasida oldindan kelishilgan va kompaniyaning rivojlanish bosqichiga bog'liq. Takaful operatsiyalaridan kelib chiqishi mumkin bo'lgan ortiqcha mahsulotlarni bo'lishish, boshqa ishtirokchilarga yordam berish majburiyati bajarilgandan keyingina amalga oshiriladi.

Vakala modeli bo'yicha ishtirokchilar guruhi o'z huquqlarini yoki bizneslarini Takaful operatoriga (Wakeel) topshirishi mumkin, u keyinchalik ularning agenti va vakili sifatida ishlaydi. Takaful Operatorining aksiyadorlari Vakala Takafulni xayriya tariqasida tashkil etish uchun mablag'ajratadilar va Takaful Jamg'armasi ishtirokchilari sarmoyalaridan olinadigan daromaddan hech qanday ulush olmaydilar. Takaful operatori takaful biznesini rivojlantirish va yuritishda ishbilarmonlik tavakkalini ishtirokchilar nomidan o'z zimmasiga oladi, lekin hechqachon o'zaro anderrayting zararlarida qatnashmaydi. Uo'zdaromadini anderrayting operatsiyalari va investitsiya faoliyatini boshqarish uchun Vakala to'lovini undirib,


hissalar darajasi, investitsiya daromadlari va hosil bo'lgan ortiqcha asosida ishlab chiqaradi. Ushbu to'lov stavkasi har yili oldindan belgilanadi va takaful operatorining Shariat Kuzatuv Kengashi tomonidan tasdiqlanishi kerak. Barcha operatsion xarajatlar Takaful jamg'armasidan, investitsiya faoliyati uchun xarajatlar Takaful aksiyadorlar jamg'armasidan olinadi.



3-rasm. Mudarabamodeliishlashstrukturasi



4-rasm. Wakala modeli ishlash strukturasi



5-rasm. Takafulning asosiy tamoyillari[11].

Takaful operatorlari o‘zlarining majburiyatlari qanday tuzilganiga qarab turlixil modellarni qabul qilishlari gaqaramay, umumiy tushunchalar bir xil bo‘lib qolmoqda, chunki u takafulning uchta asosiy tamoyillariga asoslanadi.

Xulosa va takliflar

Shunday qilib, takaful an’anaviy sug‘urtaning islomiy alternatividir. Takafulning asosiy tushunchalari maqbul shar’iy modellarga asoslangan ta’avvun (hamkorlik), tabarru (xayr-ehsonlar) va kooperativ risklarni o‘z ichiga oladi. Takaful bilan shug‘ullanish uchun Shari’ah tomonidan tasdiqlangan innovatsion modellar va tuzilmalarga mudaraba modeli, vaqala modeli, dastlabki ikkita modelni birlashtirgan gibrid modeli va vaqf-vaqala-mudaraba modeli kiradi. Modellar ishtirokchilarning investitsiya fondlari va ishtirokchilarning risk fondlarini boshqarish uchun standart formulalarni o‘z ichiga oladi. Takaful sanoati jahon sug‘urta sanoatiga o‘z hissasini qo‘shishda davom etish uchun o‘sish va bozorga yanada kirib borish uchun muhim salohiyatga ega. U paydo bo‘lishidan boshlab, u yildan-yilga doimiy ravishda o‘sib bormoqda va dunyo bo‘ylab yangi mahsulotlar va xizmatlarni taklif etmoqda. Shu sababli ham mamlakatimizga sug‘urtaning islomiy ko‘rinishini joriy qilish va tadbiq.qilish O‘zbekiston sug‘urta tizimi uchun juda muhim hisoblanadi. Mamlakatimiz aholisining asosiy qismini musulmonlar tashkil qilganligi uchun ham bu tizimni joriy qilish ko‘zlangan natijalarni olib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. https://www. expertmarketresearch. com/reports/takaful-market

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil 29-dekabrdagi Parlamentga Murojaatnomasidan.

3. Исломий молия асослари [Матн] / Е. А. Байдаулет. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2019. – 432 б.

4. Introduction to Islamic banking&Finance, Principles and practice, M. Kabir Hassan Rasem N. Kayed Umar A. Oseni

5. ISLAMIC BANKING & FINANCE: PRINCIPLES AND PRACTICES Copyright © 2014 by Marifa Academy

6. https://www. investopedia. com/terms/t/takaful. asp#:~:text=Takaful%20is%20a%20type%20of, cooperate%20 and%20protect%20one%20another

7. https://www. islamic-banking. com/explore/islamic-finance/ islamic-insurance-takaful

8. Sharifuddin, et al., «The Concept of Takaful (Islamic Insurance) and Its Functions in the Establishment of Syarikat Takaful Malaysia; the First Takaful Operator in Malaysia, » InternationalJournal of Humanities and Social Science Invention 5, no. 12 December (2016): 43–48.

9. ISLAMIC FINANCE Principles and Practice, Third Edition (Hans Visser Vrije Universiteit Amsterdam)

10. (Cresswell, J. W. (2003). Research Design: Qualitative, Quantitative and Mixed · Methods Approaches, CA: Sage Publications.)

11. Islamic Financial Services Board. (December 2009). Guiding Principles on Governance for Takaful (Islamic Insurance) Undertakings. Kuala Lumpur: IFSB.

А.Н. Меликулов,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети тадқиқотчиси

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА ХАТАРЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ

Аннотация. Ушбу мақолада, ташқи иқтисодий фаолиятда хатарларни суғурталашнинг мазмуни, аҳамияти, турлари ва шакллари ўрганилган. Ташқи иқтисодий фаолиятни самарали амалга оширишда суғуртадан фойдаланиш бўйича хулосалар қилинган.

Мавзунинг долзарблиги. Халқаро бозорда компаниялар товар ва хизматларини сотиш жараёнида турли хавф-хатарлар, рискларга дуч келадилар. Компания ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши, турли хавф-хатар ва рисклардан талофатсиз чиқиши учун амалга ошираётган иқтисодий фаолиятни суғурталаши бу энг яхши ечимдир.

Ташқи иқтисодий алоқаларни суғурталаш – давлатнинг, унинг хўжалик юритувчи субъектлари ва фуқароларининг муайян воқеалар содир бўлганда (суғурта ҳоллари) улар томонидан тўланадиган суғурта мукофотлари (яъни бадаллари)дан шаклланадиган пул фондлари ҳисобига мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича халкаро иқтисодий муносабатлардир. Бунда, сугурта мукофоти (ёки бадал) суғурта учун ҳақ бўлиб, уни суғурталанувчи суғурталовчига суғурта шаҳодатномасига (полисига) мувофиқ киритишга мажбур. **Суғурта шаҳодат-**

номаси (полис) (франц. полисе, итал. полозза – тилхат, тўлов қоғози) – суғурталовчи томонидан суғурта қилиш тўғрисида гувоҳнома сифатида бериладиган суғурталаш тўғрисида ёзма шартномадир[1, 185 б].

Асосий қисм. Ташқи иқтисодий алоқаларни суғурталаш жараёнида иккита субъект иштирок этади: шаҳодатнома (полис) соҳиби ва суғурталовчи. **Шаҳодатнома (полис) соҳиби (суғурталанувчи)** – суғурта қизиқишини ифодаловчи, суғурта мукофотини тўлайдиган ва қонун кучи ёки икки томонлама битим (суғурта шартномаси)га кўра суғурталовчи билан аниқ суғурта муносабатига кирадиган хўжалик юритувчи субъекти ёки фуқародир.

Ташқи иқтисодий алоқаларни суғурталаш ташқи иқтисодий хатарларни суғурталашни англатади ва у ёки бу шаклдаги халқаро ҳамкорликнинг маҳаллий ва хорижий иштирокчилари манфаатларини таъминловчи суғурта турларининг мажмуидан иборатдир.


Ташқи иқтисодий алоқаларни сугурталаш турли халқаро суғурта операцияларини ўтказиш воситасида амалга оширилади. Халқаро суғурта операциялари – турли мамлакатлар миллий иқтисодиётлари ўртасида суғурта фондини рўёбга чиқариш бўйича хўжалик алоқалари суғуртасидир.

Ташқи иқтисодий алоқаларни суғурта қилиш умуман суғурта каби мол-мулкнинг шахсий суғуртаси, жавобгарликни суғурта қилишни ўз ичига олади.

Шахсий суғурта фуқароларнинг суғурта ҳимоясини амалга оширишни англатади. Мулкий суғурта қилишда суғурта муносабатларининг объекти бўлиб турли турдаги мол-мулк ва мулкий манфаатлар чиқади. Мулкий суғуртанинг иқтисодий аҳамияти суғурта вазияти оқибатида вужудга келган зарарни қоплаш ҳисобланади.

Жавобгарликни суғурта қилишда **суғурта муносабатларининг объекти** шаҳодатнома (полис) соҳибининг (яъни суғурталанувчининг) бирор-бир ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида жисмоний ёки юридик учинчи шахслар олдидаги жавобгарлик ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий алоқаларни суғурталашнинг энг кўп тарқалган турлари-туристларни суғурта қилиш, ташқи савдо юкларини (юк ва ёки транспортни)суғурта қилиш, валюта хатарларидан суғурта қилиш, хорижий инвестицияларни суғурта қилиш, автотранспорт эгасининг жавобгарлигини суғурта қилиш, тўланмаган кредит учун қарздор жавобгарлигини суғурта қилиш ҳисобланади (1-расм).



1-расм. *Ташқи иқтисодий алоқаларни суғурталашнинг энг кўп тарқалган турлари*[1]

Суғурталашнинг кўпгина турлари учун уларнинг юридик жиҳатдан тузилиши ихтиёрий ҳисобланади. Бироқ товар етказиб бериш тўғрисида, туристик хизматлар тўғрисида, қурилиш ва ташишга пудрат тўғрисида, у ёки бу мол-мулкнинг ижараси ва бошқалар тўғрисида битимлар тавсифи, қоидага кўра,

[1] Муаллиф томонидан тузилган.


суғурталашни шартнома амал қилишининг зарурий шарт-шароити сифатида ҳисобга олади.

Хорижий инвестицияларини суғурталашга доир хизматларни Инвестицияларни кафолатлаш бўйича халқаро агентлик (МИГА) тақдим этади.

МИГАнинг вазифаси ривожланаётган мамлакатларга чет эл инвестицияларини:

– инвестицияларга валютани ўтказиш, экспроприация қилиш, уруш, фуқаролар тартибсизликлари ва сармоя қўйилган мамлакат ҳукумати томонидан шартнома шартлари бузилиши билан боғлиқ хатарларга қарши кафолатлар бериш;

– агентлик аъзоси бўлган ривожланаётган мамлакатларга ана шу мамлакатларни чет эл сармоясини қўйиш учун жозибалироқ қиладиган чораларни амалга оширишга доир маслаҳат хизматларини тақдим этиш йўли билан рағбатлантириш ҳисобланади.



2-расм. Ташқи иқтисодий алоқаларни суғурталашнинг кенг тарқалган шакллари[1]

[1] Муаллиф томонидан тузилган.

Экологик хатарларни суғурталаш суғурталовчининг атроф-муҳитни ифлослантириш билан боғлиқ хатарлар учун масъулиятини назарда тутади. Бундай хатарларга, масалан, танкерлардан нефть маҳсулотларининг денгизга оқиб кетиши ва у билан сув ҳамда соҳилларнинг ифлосланиши учун кема эгаларининг масъулиятини суғурталаш; ядро энергиясидан тинч мақсадда фойдаланиш жараёнида учинчи шахсларга етказилган ядровий зарар учун масъулиятни суғурталаш; ер ости сувлари, ер ва ҳавони ифлослантирганлик учун масъулиятни суғурталаш; кон-қазув фаолиятидан етказилган зарар учун масъулиятни суғурталаш ва ҳоказолар киради.

Экологик хатарларни суғурталаш муайян мамлакатда амал қиладиган табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг меъёрларига асосланади. Мазкур суғурталашдан мақсад – полис соҳиби (суғурталанувчи)нинг фаолияти туфайли атроф-муҳитни ифлослантириш натижасида етказилган зарарни қоплаш зарурати билан боғлиқ зарарларни қоплашдир.

Валюта хатарлари (яъни валюта курслари ўзгаришидан зарарлар) экспортчи ҳисоб-варағига тушум тушган пайтдан бошланади. Ташқи иқтисодий контрактда валюталарнинг икки тури қайд қилинади: нарх валютаси ва тўлов валютаси. *Нарх валютаси* (ёки битим валютаси) – товар (хизмат) нархи белгиланадиган ёки тақдим этилган халқаро кредит суммаси ифодаланадиган валютадир. *Тўлов валютаси* -товар (хизмат)нинг ҳақиқатдаги тўлови ёки халқаро кредитни сўндириш амалга ошириладиган валюта. Бу икки валюталар бир-бирларига мос келиш ёки келмаслиги мумкин.

Валюта хатарлари ташқи савдо операциясини амалга ошириш вақтида тўлов валютаси ва экспортчининг чиқимлари ифодаланган ёки унинг валюта тушумлари (валюта нархлари) ҳисобга олинадиган валюта билан мутаносиблиги ўзгариши-

да пайдо бўлади. Валюта хатарларининг қиймати валютанинг харид қобилияти йўқолиши билан боғланган, шунинг учун у битимни тузиш муддати ва тўлов пайти орасидаги вақтдаги узилишига бевосита боғлиқликда бўлади.

Депозитларни суғурталаш – бу суғурта қилишнинг банклар томонидан амалга ошириладиган бир тури бўлиб, унга кўра омонатчиларга банкни банкрот деб эълон қилинган ҳолларда уларнинг омонатлари қайтарилиши кафолатланади. Депозитларни суғурта қилиш суғурта қилишнинг ихтиёрий шакли ҳисобланади.

Автотранспорт эгаларининг масъулиятини суғурталаш – автотранспорт воситалари эгаларининг йўл-транспорт ҳодисасини содир этиш чоғида бошқа шахсларга эҳтимол бўлган зарар етказилиши учун фуқаролик масъулияти уларни суғурталаш объекта ҳисобланади. Етказилган моддий зарар ва азият чеккан фуқароларга шикаст етказилиши билан боғлиқ бошқа харажатлар суғурта ташкилоти томонидан қопланиши керак. Суғуртанинг ана шу тури бўйича шикастланган транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкни тиклаш билан боғлиқ моддий зарар тўланади, азият чеккан фуқароларни даволаш, протезлаш, овқатланишни кучайтириш, малакасини ўзгартариш билан боғлиқ харажатлар ҳаққи тўланади, азият чеккан кишиларнинг шикастланиши ёки ўлим муносабати билан оила даромадининг талафотлари қопланади, шу жумладан, болалар ёки бошқа қариндошларга умрбод нафақа тўланади.

Замонавий ташқи савдо ва денгиз ташувлари суғуртасиз мавжуд бўла олмайди. Кўп ҳолларда суғурта шартномалари савдо битимларининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Суғуртани ким ва кимнинг ҳисобидан олиб бориши бу битимлар тузилаётганда ҳал қилинади. Халқаро савдода унинг шаклларини кўплигидан у ёки бу товар билан савдо шартлари ва улар томонидан келишилган савдо шартномалари профиллари ишлаб

чиқилади. Бу профилларда битимда томонлар томонидан олинадиган товарлар баҳосини яратиш механизми берилади.

СИФ, КАФ, ФОБ ва ФАС қисқартмалари билан 4 хил асосий савдо битимлари кенг тарқалган.

СИФ инглизча сўз бўлиб товарлар баҳоси суғурта ва фрахт деган маънони англатади. Бу шартноманинг махсус кўриниши бўлиб, унда асосий олди-сотди шартномалари масалалари махсус асосларда ечилади.

СИФ шароитларида товар сотилганда сотувчи юкни тушуришидан бошлаб портига олиб бориши, уни кема бортига ортиши, тоннажни фрахтлаши, фрахтни тўлаши, юкни йил давомида эгасига етиб боргунча денгиз хавфларидан суғурта қилиши ва харид орга юкни жўнатиш бўйича барча керакли ҳужжатларни жўнатиши шарт.

КАФ битимлари – инглизча сўз бўлиб, қиймат ва фрахт деган маънони англатади, етказиб бериш КАФ битимига кўра сотувчи ўз ҳисобидан манзилигача шартномада кўрсатилган денгиз ташуви шартномасини тузиши ва юкни кемагача олиб бориши зарур. Суғурта мажбурияти харидорда бўлади.

ФОБ битимлари ўз номини инглизча «бортда эркин» ифодасидан олган. Бу турдаги битимга кўра сотувчи, харидор фрахтлашдан кемага юкни ортиши зарур. У товарни ташиш вақтига суғурта қилади. Одатда ички пунктдан ортиш партиягача ва кейинчалик охирги йўналиш нуқтасигача.

ФАС битимлари инглизча «Борт бўйича эркин ёки кема борти бўйича эркин» ифодасини билдиради.

ФАС битимларни мазмуни ФОБ битимларига ўхшайди, биргина фарқи шуки ФОБ битимига кўра сотувчи товарни кемага ортади ва товар кема бортига ўтиши билан хавф харидор зиммасига ўтади, ФАС битимига кўра эса сотувчи юкни кемага олиб келади, лекин жавобгарлик унинг ўзидан олинмайди.

офатлар транспорт воситалари ҳалокати, кўприклар қулаши оқибатида юкнинг бир қисми ёки ҳаммаси нобуд бўлганлиги учун, юкни ортиш, жойлаш ва тушириш вақтдаги бахтсиз ҳодисалар учун.

– «Ҳалокат ҳолларидан ташқари шикастлар учун жавобгарликсиз».

Бу шартга кўра транспорт воситалари ҳалокати натижасида юк бутунлай ёки қисман нобуд бўлишидан бўлган зарар тўланади.

Суғурта тўловини талаб қилишга суғуртачи суғурта қилинган юкдаги манфаатини, суғурта ҳолати борлигини, ўзининг зарар бўйича даъвосини ҳужжатлар асосида исбот қилиши зарур. Даъво қила туриб, суғуртачи сугурта компаниясига қуйидаги даъво ҳужжатлари йиғиндисини тақдим этади:

– Суғурта полисининг асли;

– Коносамент, чартер ёкиинвойс (ҳисоб-фактура);

– Суғурта ҳолатини кўрсатувчи ҳужжатлар – авария сертификати, хабар акти, экспертиза акти, денгиз протести, кема журналидан суғурта ҳолатининг сабаби кўрсатилган кўчирмаси;

– Зарарнинг экспертиза ҳужжатлари билан асосланган ҳисоби.

Суғуртачи даъво бериш ва илова қилинадиган ҳужжатлар бериш муддатига қаттиқ риоя қилиши зарур. Юк йўқолган ҳолда суғурта полиси юкни транспорт воситасидан туширилганидан кейин 3 кун ичида ташувчига бериши шарт. Юк авария комиссари томонидан текшириш ва туширилган вақтдан 10 кун ичида олиб борилиши керак.

Ташқи савдо операцияларини олиб боришда даъво қилиш муддатлари қуйидагича: экспорт ташувларида суғурта ҳолати

аниқланган вақтдан бошлаб – 1 йил, импорт ташувларида эса – 6 ой. Транспорт шартномаси бўйича барча баҳслар арбитраж судларида ҳал қилинади.

Хулоса ва таклифлар. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда халқаро бозорларда товар ва хизматларни етказиб бериш ва сотиш бўйича рақобатнинг кучайиши, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг суғурталаш ва қайта суғурталаш жараёнларига эҳтиёжини янада оширмоқда.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишдаги суғурта операциялари турли хилдир. Лекин, баъзи ҳолларда аниқ риск учун, айни бир суғурта ҳимояси тақдим этилиши шарт. Бундан ташқари қайта суғурта қилдирувчи мамлакатидан хорижий валюта кўринишидаги пул маблағлари қайта суғурталовчи мамлакатига чиқиб кетишини ҳам ҳисобга олиш лозимдир.

Кўриб ўтилган, ташқи иқтисодий фаолиятда халқаро суғурта операцияларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, ҳарбир қайта суғурта операцияси фақатгина унда иқтисодий моҳият бўлгандагина амалга оширилиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алимов А. ҳамедов И. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. -Тошкент. ЎАЖБНТ маркази, 2004. -489 б.

2. Эргашходжаева Ш. Ж. Маркетинг: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2020. -122 б.

3. Меликулов А. Н. Ташқи бозорларда товар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини оширишда инновациялардан фойдаланиш. «Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тизимли таҳлил қилиш ва моделлаштириш» Халқаро илмий онлайн конференция материаллари. – Т.: ЖИДУ, 2020. -206 б.

А.С. Нуруллаев,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети мустақил изланувчиси,
и.ф.н., доцент

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИСКЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШ АСОСЛАРИ

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалигидаги рискларни суғурталаш зарурлиги, асосий йўналишлари тадқиқэтилган. Қишлоқ хўжалигидаги рискларни бошқаришда суғурта тизимининг устунликлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари илмий асослаб берилган. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида уни қўллаш имкониятлари тадқиқ этилган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, фермер хўжалиги, хатарлар, зарар, суғурта, агросуғурта, суғурта маҳсулотлари, хатарларни бошқариш, кредит, биржа, хеджирлаш, шартнома.

Кириш

Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашига ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда[1]. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни

қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни яратиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ва рағбатлантириш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган агросаноат корхоналарини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа илғор технологияларга асосланган замонавий бозор хизматлари кўрсатишни янада кенгайтириш[2] каби вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, аҳоли бандлигининг қарийб 1/3 қисмини таъминлайди, ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотлар – аҳоли учун озиқ-овқат ва саноат учун хом ашё ишлаб чиқаради. Шунга кўра, қишлоқ хўжалиги соҳасини барқарор ривожлантириш мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва аҳолининг фаровонлигини оширишга қаратилган ривожланиш стратегиясининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар кўламини кенгайтириш, фермер ва деҳқон хўжаликларининг самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганлигини ижобий ҳол сифатида баҳолаш мумкин. Деҳқончилик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларга ерни тендер асосида узоқ муддатга ижарага берилаётганлиги ва бунда турли омилларни, хусусан, фермерларнинг тегишли маълумотга ва техникага эгалигини ҳисобга олинаётганлиги ердан унумли фойдаланиш, пировардида, ҳосилдорлик даражасини кўпайишига хизмат қилади.

Шу билан бир қаторда фермер ва деҳқон хўжаликларининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши фақатгина юқоридаги омиллар билан белгиланмаслигини ҳам унутмаслик зарур. Қи-

шлоқ хўжалик соҳасини бир маромда ривожланишига агротехника қоидаларига етарли даражада риоя этиш билан эришиб бўлмаслигини ҳам амалий тажриба кўрсатмоқда. Гап шундаки, тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини ошишига, бинобарин, ҳосилдорлик даражасини кўпайишига об-ҳавонинг қулай келиши, ёғингарчиликни меъёрида бўлиши ва шу каби табиий ҳолатлар катта таъсир кўрсатади.

Айни пайтда, Ўзбекистон хавфли қишлоқ хўжалиги зонасида турибди, бу эса мамлакатнинг қишлоқ хўжалигини табиий омиллар таъсирида ўта заиф ҳолга келтиради ва унинг ривожланишининг барқарорлигини бузади [5].

Яна шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларнинг, биринчи навбатда, фермер ва деҳқон хўжаликларининг табиий офатлар ва бошқа олдиндан кўриб бўлмайдиган стихияли ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрган зарарларини қоплашда суғурта муҳим ўрин тутади. Зеро, суғурта – барча хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг мулкий манфаатларини ҳимоя этувчи ишончли воситадир [8].

Фан ва технология тараққиётининг айни пайтдаги юксак даражасига қарамай, дунёдаги кўплаб давлатлар аграр тармоқдаги қишлоқ хўжалик экинларига жиддий талофат етказувчи табиий-иқлим ва иқтисодий мазмундаги хатарларнинг кучайиши билан боғлиқ муаммоларга тез-тез дуч келмоқдалар ҳамда бу каби муаммолар тобора глобал характерга эга бўлиб бормоқда.

Айни пайтда, ушбу масаланинг халқаро амалиёт тажрибаси таҳлили қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши узлуксизлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашда хатарларни бошқаришнинг энг самарали усули суғурта эканлигини кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалигини сугурталашнинг самарали тизими ноқу-

лай табиий ҳодисалар билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар харажатларининг кескин ўзгаришини олдини олишга, уларнинг молиявий ҳолатини яхшилашга шароит яратишга имкон беради ва аграр секторнинг инвестиция жозибадорлигини оширади [9].

Табиий иқлим шароитларига нисбатан юқори даражадаги қарамлик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги хатарларни бошқаришда суғурта ва суғурта тизими имкониятларидан кенг тарзда фойдаланиш заруратини юзага келтиради. Суғурта тармоқда янги технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ хатарлар, кредит ресурсларидан фойдаланишдаги хатарлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини биржа тизими (спот, форвард, фьючерс) орқали сотиш давомида юзага келувчи хатарларни самарали бошқариш имконини беради. Сифатли суғурта хизматлари ва бу борадаги ҳукумат дастурларини ишлаб чиқиш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга имкон беради, аграр тармоқни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат бюджети харажатларини қисқартиради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, жумладан, фермер ва деҳқон хўжаликларининг табиий офатлар ва бошқа рисклар рўй бериши оқибатида кўрган зарарларини суғурта йўли билан қоплашни ташкил этиш ҳамда деҳқончилик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида мана йигирма йилдан зиёд вақтдан бери мамлакатимиздаагросуғурта хизматлари бозори фаолият юритмоқда. Бироқ, фермер ва деҳқон хўжаликларининг мулкий манфаатларини суғурталаш юзасидан ижобий ишлар амалга оширилаётганлигига қарамасдан, бу йўналишда ўз ечимини кутаётган муаммолар тўпланиб қолганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Жумладан, қишлоқ хўжалигини суғур-

талаш тизимига бозор механизмларини жорий этиш, уларни суғурта ҳимоясига тўлиқ қамраб олиш даражаси қониқарли ҳолатда эмаслиги, ҳосил суғуртаси бўйича зарарлилик кўрсаткичи юқори даражада сақланиб қолаётганлиги, қишлоқ хўжалиги ҳосилини, ишлаб чиқарувчиларга қарашли мол-мулклар ва чорва молларини суғурталашда анъанавийлик тамойили устунлик қилиши, фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ рискларини суғурталаш, уларнинг мулкий манфаатларини ҳимоялашда ноанъанавий суғурта хизматларини кўрсатиш ҳам талаб даражасида эмаслиги ва бошқалар. Бу соҳадаги муаммоларни ижобий ҳал этиш учун қуйидаги тезкор тадбирлар ижроси зарур: фермер хўжаликлари фаолиятидаги турли хил рискларни қамраб оладиган суғурта хизматларининг турларини кенгайтириш ва такомиллаштириш; қишлоқ хўжалигини суғурталашда турли мулк шаклидаги суғурта компанияларини агросуғурта бозорига жалб этиш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш; хусусий мулк шаклидаги суғурта компаниялари томонидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги рискларни суғурталаш бўйича суғурта хизматлари таклифини давлат томонидан рағбатлантириб бориш; кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятидаги рискларни суғурталашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш; қишлоқ хўжалигидаги рискларни бошқаришда агросуғурта билан чегараланиб қолмасдан, тармоқ бошқарувининг барча даражаларида рискларни бошқариш механизмини такомиллаштириш; қишлоқ хўжалиги соҳасидаги суғурта ҳодисаларини экспертиза қилиш ва зарарларни аниқлашда «Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази» иштирокини таъминлаш, қишлоқ хўжалик рискларини объектив баҳолашга имкон берувчи кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалик тармоғининг базавий

соҳаларини ривожлантириш орқали уларнинг бошқарувида фойдаланиш; қишлоқ хўжалигини суғурталаш соҳасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини янада кенгайтириш, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиғи асосида қишлоқ хўжалик рискларини суғурталашнинг самарали моделларини ривожланириш; суғурта ҳодисаси содир бўлмаган тақдирда суғурта даъвосини кўриб чиқиш амалиётини соддалаштириш ва шаффофлигини таъминлаш; суғурта ҳодисаси руй бермаган ҳолларда суғурта мукофотларини бир қисмини суғурталанувчига қайтариш амалиётини жорий этиш ва ҳ. к. [11].

Бугунги кунда Республикамизда қишлоқ хўжалик суғуртаси соҳаси ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда. Ушбу тармоқда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини суғурталаш бўйича хизматларни таклиф этувчи «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси фаолият юритмоқда. «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун асосида фаолият кўрсатувчи ушбу компания қишлоқ хўжалиги суғуртаси йўналиши бўйича 40 тага яқин турдаги суғурта хизматларини амалга ошириб келмоқда.

«Ўзагросуғурта» АЖ томонидан 2020 йил 9 ой фаолияти давомида жами 1017, 1 минг тадан зиёд суғурта шартномалари тузилган. Шундан 10, 8 минг таси ёки 1, 06 фоизи қишлоқ хўжалиги суғуртаси билан боғлиқ шартномалардир. Жамият қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича 56, 4 млрд. сўм миқдорида суғурта мукофотлари ундирган. Олинган мажбуриятлар доирасида қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича мижозларга 33, 8 млрд. сўм миқдорида суғурта қопламалари тўлаб берилган.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигидаги институционал ўзгаришлар шароитида давлат кўмаги асосида рискларни суғурталаш методологиясини тадқиқ қилишнинг назарий-услубий асосини қишлоқ хўжалигидаги институционал ўзгаришлар,

қишлоқ хўжалигидаги рисклар менежменти, давлат кўмаги асосида рискларни суғурталаш тизимини такомиллаштириш концепциялари ташкил этади. Бу эса қишлоқ хўжалигидаги институционал ўзгаришлар шароитида давлат кўмаги асосида рискларни суғурталаш методологиясини чуқурроқ тадқиқ этиш ва унинг услубий жиҳатларини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Мамлакатимиз олимлари тадқиқотларида ушбу соҳа кенг ўрганилган бўлса-да, иқтисодиётнинг либераллашуви ва таркибий ислоҳотларни жадаллаштириш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятидаги хатарларни бошқариш борасидаги тадқиқотлар янгича ёндашувни тақозо этмоқда. Қишлоқ хўжалик тармоғида сугурта амалиётини ривожлантиришнинг зарурияти қуйидагиларда ўз аксини топади:

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўзига хос иқтисодий фаолият тури сифатида юқори даражадаги хатарлар билан боғлиқ эканлиги;

– аксарият ҳолларда қишлоқ хўжалик корхоналарининг табиий офатлар ёки ишлаб чиқаришдан кўрган зарарларни мустақил қоплай олмасликлари;

– суғурта ҳимоясининг салбий ҳодисалар билан боғлиқ йўқотишларни қоплаш ҳамда аграр тармоқнинг барқарор ривожланиш суръатларини таъминлаш кафолати сифатида хизмат қилиши.

Амалиётда қишлоқ хўжалигидаги рискларни бошқаришга қаратилган турли хил стратегиялар ишлаб чиқилган, бироқ агросуғурта қишлоқ хўжалигида турли хатарлардан, кўзда тутилмаган йўқотишлардан ҳимоя этишнинг самарали воситаси бўлиб қолмоқда [12].

Агросуғурта барча турдаги қишлоқ хўжалик хатарларини бошқаришнинг синалган механизми эканлиги билан бир қа-

торда суғурта бозорининг барча иштирокчилари манфаатларини бирлаштиришнинг энг мақбул йўли ҳамдир. Шунинг учун аграр соҳани суғурталашнинг замонавий моделларини ривожлантириш унга инновацион ёндошувни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. М. 2017-йил шиддатли ислоҳотлар йили. Т.: «Ўзбекистон», 2018, – 70 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси ID-9413.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 9 январь 2019 йилдаги 14-сон қарори.

5. А. Абдуллаев, Х. Айбешов, Қ. Рустамов, У. Мустафоев. Фермер хўжалиги иқтисоди. – Т.: Fan va texhologiya, 2006 й., 176 бет.

6. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Адабиёт жамғармаси. 2007. – 340 б.

7. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. – Т.: «Ўқитувчи», 2001. -301б.

8. Зайнутдинов Ш.Н., Шермухамедов А. Т. Риск менеджмента. Учебное пособие. – Т.: Иқтисод-молия, 2007 . – 256 с.

9. Балабанов И.Т. Риск менеджмент. – М.: Финансы и Статистика, 1996.

10. Балдин К.В., Риск-менеджмент. Учебное пособие по риск-менеджменту. –М.: ЭКМО, 2006. – 368 с.

11. Бокушева Р., Хайдельбах О. Актуальные аспекты страхования в сельском хозяйстве. Discussion Paper. No 57. 2004. С. 54.

12. Васин С. М., Шутов В.С. Управление рисками на предприятии: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 304 с.

Н.Х. Алимджанов,
директор филиала компании экспортно-импортного
страхования АО «Узбекинвест»

СТРАХОВАНИЕ В УСЛОВИЯХ ТРАНСФОРМАЦИИ УПРАВЛЕНИЕ РИСКОМ

Аннотация. В статье актуальность темы исследования обусловлена потребностью в оказании эффективной страховой защиты в современной рисковой ситуации, для которой характерны нарастание числа и тяжести техногенных, финансовых, политических и социальных рисков, Усложнение рисковой ситуации обуславливает трансформацию механизмов управления риском. В настоящее время риск рассматривается не как фрагментарное неблагоприятное событие, а как атрибут окружающей среды.

Ключевые слова: страхование, риски страховой компании, управление рисками, система управления рисками в страховой организации.

Страхование – эффективное средство защиты интересов государства, граждан и бизнеса при переходе к рыночным отношениям. Современная национальная система страхования зависит от совершенствования правовой базы, эффективности налоговой и денежно-кредитной политики государства, качества контроля над страховой деятельностью и надежности страховых компаний. Как отметил Президент Ш. М. Мирзиёев, «отрасли нужен не надзорный орган, а структура, которая внедряет передовые и современные стандарты, создает

действительно конкурентную среду среди всех участников и развивает страховой рынок». Поэтому было предложено завершить эту проверку и создать Агентство развития страхового рынка. Одна из задач чиновников – разработать среднее и долгосрочную стратегию развития страховой отрасли, чтобы к 2022 году увеличить размер страховых взносов на душу населения в 3 раза, а долю отрасли в ВВП – в 2 раза. Фонд поддержки экспорта, призванный предоставлять экспортерам поручительство и компенсировать часть их расходов, а также экспортно-кредитное агентство, которое займется организацией предэкспортного финансирования. Предусматривается внедрение современных услуг страхования экспорта, механизмов компенсации государством части расходов на использование автомобильного и воздушного транспорта.

Действительно, слово «риск» применительно к бизнесу может обозначать совершенно разные вещи. В частности, под риском может пониматься:

• потенциальная возможность (опасность) наступления вероятного события или совокупности событий, вызывающих определенный материальн ый ущерб;

• возможность недополучения прибыли или дохода;

• характеристика проявления ущерба – частота возникновения и (или) тяжесть (размер) ущерба; • застрахованный объект, который может подвергнуться ущербу.

Прежде всего, необходимо повысить доверие населения и предпринимателей к страхованию. Поставлены задачи по расширению механизмов поддержки инвестиционной деятельности страховых компаний. В частности, определены задачи по стимулированию страховых компаний к занятиям лизингом и совершенствованию системы налогообложения лизинговых услуг. Было отмечено, что важно покрыть экономику страховыми услугами.

Поскольку страховая компания одновременно является как объектом, так и субъектом управления риском, она находится «на пересечении» двух процессов: усложнения рисковой ситуации, что повышает потребность в страховой защите, и трансформации методов управления риском. Сложность объективных процессов, воздействующих на страховую компанию, ставит вопрос о необходимости углубления теоретических представлений об управлении риском, а также практическом применении разрабатываемых концепций. Также были поставлены конкретные задачи по обеспечению доступа национальных страховых компаний к международным финансовым рынкам, для получения международных рейтингов за счет внедрения передового корпоративного управления.

Также было уделено внимание подготовке современных кадров в сфере страхования, подготовке специалистов в престижных зарубежных университетах и повышению квалификации в ведущих компаниях. В феврале этого года «Узбекинвест» выплатил 2, 6 млрд. сумов – столько же, сколько на прошлой неделе. На возмещение ущерба, нанесенного имуществу и здоровью третьих лиц во время вождения, выплачено почти 291 миллион сумов. Нашим соотечественникам, страдающим коронавирусом COVID-19, выплачено 167, 9 миллиона сумов. Еще 59, 9 млн. Сумов выплачены нашим клиентам, получившим различные травмы в результате ДТП, на оплату лечения, все виды страхования предоставляются онлайн. По состоянию на этот год в Узбекистане выдана 41 лицензия на право ведения страховой деятельности. В стране 36 страховых компаний.

Исторически развитию страховой отрасли уделялось мало внимания. В Послании Олий Мажлису Президент Мирзиёев учредил Экспортно-кредитное агентство в Узбекистане, профинансировал экспортные и предэкспортные процессы, вне-

дрил современные страховые услуги для экспорта и частично оплатил расходы на автомобильный и воздушный транспорт за счет государства. Также необходимо принять в этом году законы об обязательном медицинском страховании и разработать все организационные меры по их реализации, чтобы коренным образом реформировать финансирование здравоохранения. Актуальность обусловлена потребностью в оказании эффективной страховой защиты в современной рисковой ситуации, для которой характерны нарастание числа и тяжести техногенных, финансовых, политических и социальных рисков, а их различные сочетания привели к новому качеству и формам последствий.

На сегодняшний день компания экспортно-импортного страхования АО«Узбекинвест», на основании Лицензии Министерства финансов Республики Узбекистан предусматривает риск следующих несчастных случаев:

• Страховым случаем является повреждение или гибель застрахованного Транспортных случаев;

• Специальные условия по управлению ТС в состоянии опьянения;

• Дополнительные расходы и услуги.

Усложнение рисковой ситуации обуславливает трансформацию механизмов управления риском. В настоящее время риск рассматривается не как фрагментарное неблагоприятное событие, а как атрибут окружающей среды. Соответственно, функционирование субъекта происходит в условиях растущей неопределенности, при этом, разрешая одну неопределенную ситуацию, субъект сталкивается с «веером» новых неопределенных ситуаций. В таких условиях управление риском не может быть сведено к минимизации риска, поскольку на современном этапе общественного

развития задачей становится трансформация потенциально неблагоприятного события в шанс.

Поскольку страховая компания одновременно является как объектом, так и субъектом управления риском, она находится «на пересечении» двух процессов: усложнения рисковой ситуации, что повышает потребность в страховой защите, и трансформации методов управления риском. Сложность объективных процессов, воздействующих на страховую компанию, ставит вопрос о необходимости углубления теоретических представлений об управлении риском, а также практическом применении разрабатываемых концепций.

В силу специфики деятельности страховая компания работает в условиях двойного риска, соответственно, нуждается в использовании механизма управления, адекватного природе и структуре риска. В то же время, управлению риском страховой компании как в российской, так и в болгарской литературе не уделяется должного внимания, в частности нет единого понимания предпринимательского риска страховщика, не сформулированы особенности такого риска, не выстроена иерархия рискообразующих факторов. В свете постоянного усложнения денежных потоков страховой компании требуется уточнение понятий страхового портфеля и его сбалансированности; необходимо дальнейшее совершенствование механизма своевременного предупреждения риска, прежде всего рисков системного характера для данного страховщика и синергетических рисков. Дополнительной разработки требует понятийный аппарат, характеризующий данную проблему. Нуждаются в разработке вопросы оценки интегрированного риска деятельности страховщика и влияния на него рисков тарифной политики, инвестиционной деятельности и перестрахования.

Проблемы управления риском в страховании что комплексно, целостно вопросы управления интегрированным риском

деятельности страховой компании в экономической науке Узбекистана не рассматривались. Необходимо отметить, что в имеющейся по вопросу литературе основное внимание уделяется риску страхователя, соответственно, – проблемам обеспечения платежеспособности и надежности страховой организации. Риску деятельности страховщика уделяется недостаточное внимание, хотя сам характер деятельности страховщика, вероятностная природа денежных потоков страховой организации порождает серьезные особенности как в структуре, так и в динамике этого риска. Все это обусловило выбор темы, цель и задачи исследования.

Цель и задачи исследования. Целью исследования является разработка теоретических проблем управления риском страховой компании и комплекса мер по совершенствованию механизма управления. Для достижения данной цели был поставлен ряд задач:

• исследовать рисковую среду страховой компании и определить основные факторы, влияющие на риск деятельности страховщика;

Biroq, sug'urta tashkilotlarining investitsiya resurslarini shakllantirish va ulardan foydalanishning turli qirralarini qamrab olgan mahalliy va xorijiy olimlarning ko'p sonli ilmiy izlanishlariga, iqtisodiy adabiyotlarda bizning fikrimizcha sug'urta tashkilotlarining investitsiya faoliyatini mamalakatning iqtisodiy o'sishini tezlashtiruvchi olib keluvchi bosh omili sifatida o'rganishga yetarlicha e'tibor berilmagan.

Tahlil va natijalar

Sug'urta tashkilotlariga sug'urta bozorida sug'urta faoliyatdan tashqari qo'shimcha investitsiya faoliyatini ham birgalikda olib borishlari uchun juda keng imkoniyatlar yaratildi. Sug'urta tashkilotlari sug'urta operatsiyalaridan olinadigan daromadlardan tashqari investitsiya faoliyatidan ham daromad olish imkoniyatiga ega. Sug'urta tashkilotlari tomonidan tashkil etilgan sug'urta fondlari har qanday mamlakat moliya tizimining muhim bo'g'inlaridan biri va ichki investitsiyalarning muhim manbai hisoblanadi. Dunyoning rivojlangan mamlakatlarida to'plangan mablag'lar hajmi va to'lov balansiga qo'shgan hissasi bo'yicha boshqa moliyaviy manbalar bilan muvaffaqiyatli raqobatlasha oladi. Sug'urta kompaniyalarining investitsiya faoliyatining ahamiyati butun jamiyat miqyosida baholanadi, ammo, avvalo, kompaniyaning normal ishlashini, uning moliyaviy barqarorligi va likvidligini, shuningdek qo'yilgan kapitalni saqlash va ko'paytirishda sug'urta qildiruvchilar manfaatlarini himoya qilish. Mamlakatimizda sug'urta, ayniqsa uzoq muddatli sug'urta rivojlanishning dastlabki bosqichida bo'lib, sug'urtalovchilarning investitsiya faoliyati rivojlangan mamlakatlardagi kabi katta emas, ammo uning kelajakdagi ahamiyatini inobatga olish kerak. Sug'urta kompaniyasining investitsiya faoliyati uchun moliyaviy asos uning investitsiya salohiyati, boshqacha aytganda, tashqi muhit omillari va mamlakat ichki resurslariga bog'liq bo'lgan investitsiya imkoniyatlari hisoblanadi.

Shuning uchun sug'urta kompaniyalarining investitsiya samaradorligi asosan investitsiyani qaysi sohaga joylashtirishga va investitsiyalarni qaysi yo'nalishda ishlatishga bog'liqdir. Sug'urtalovchining investitsiya faoliyatidan daromad olishi asosiy funksiyasi hisoblanmaydi biroq, ushbu daromadlar sug'urta javobgarligini kengaytirish va alohida sug'urta turlari bo'yicha tariflarni pasaytirish, sug'urtalovchining to'lov qobiliyatini oshirishga, material-tex-

nik bazasini mustahkamlash va sug‘urta ishini boshqa yo‘nalishlarda rivojlantirishga mezon bo‘ladi. Sug‘urta bozor iqtisodiyoti sharoitida iqtisodiy faoliyatni muvozanatlashi va barqarorlashishiga yordam beradi.[8, 91-95-ст]


Shuningdek, sug‘urtalovchining moliyaviy resurslari qanchalik darajada yuqori bo‘lsa ulardan foydalanish ham shuncha yuqori darajada bo‘ladi. Shuning uchun sug‘urtalovchilar o‘z moliyaviy resurslarini yanada oshirishi va kengaytirishi lozim. Buning uchun albatta sug‘urta kompaniyalari sug‘urtaning umumiy tarmog‘i bo‘yicha qolaversa hayot sug‘urta tarmog‘i bo‘yicha ko‘rsatilishi lozim bo‘lgan sug‘urta xizmatlarini o‘zlarining faoliyatlarida kengroq qo‘llash maqsadga muvofiqdir. Bu o‘z navbatida sug‘urtalovchini qo‘shimcha investitsiya faoliyatini amalga oshirishga undaydi hamda uning moliyaviy barqarorlik darajasini oshiradi va mustahkamlaydi. Sarmoyalash uchun eng maqbul bo‘lgan asosiy manbalar sifatida sug’urta kompaniyasining shaxsiy kapitali va uzoq muddatli sug‘urta turlari uchun jalb qilingan mukofotlarni hisobga olish maqsadga muvofiqdir. Sug’urtalovchilar butun dunyodagi aktivlari boshqa moliya institutlari investitsiyalari hajmidan sezilarli darajada oshib ketadigan eng yirik institutsional investorlar sifatida qabul qilinadi.

Sug‘urta kompaniyalarining o‘z mablag‘lari va daromadlarining oshishi ularga sug‘urta zahiralarini shakllantirish va investitsiyalar hajmini oshirish imkonini beradi. Sug‘urta kompaniyalari investitsiya faoliyatlarini sug‘urta zahiralarini joylashtirish nizomiga muvofiq zahiralarini daromadlilik, qaytaruvchanlik, diversifikatsiya va likvidlilik tamoyillari asosida joylashtirishadi.

Ushbu tadqiqotimiz doirasida milliy iqtisodiyotning investitsiya resurslariga bo‘lgan ehtiyojini qondirishga va sug‘urta tashkilotlarining investitsiya faoliyatini rivojlantirishning strategik muammolarini hal qilishga qaratilganmiz va bunda xalqaro tajribani o‘rgan-

gan holda yechim topamiz. Xorijiy tajribasi sug'urtalovchilarning iqtisodiyotning real sektoriga investitsiya resurslarining kirib kelishini ta'minlovchi institutsional investorlar sifatida juda katta ahamiyatga ega ekanligidan dalolat beradi. Sug'urta kompaniyalarining alohida mamlakatlardagi umumiy investitsiya salohiyati (masalan, Buyuk Britaniya, Germaniya, AQSh) bank sektorining investitsiya salohiyati bilan taqqoslanadi[9, 65-67 ст].

Shu o'rinda misol tariqasida, dunyoning eng yirik 50 ta sug'urta kompaniyalarining jami aktivlar bo'yicha reytingini taqdim etmoqchimiz, ular bugungi kunda ham reytingdagi o'z o'rnini saqlanib kelmoqdalar, sug'urta kompaniyalarini investitsiya faoliyati ya'ni aktivlarini joylashtirishi bo'yicha faoliyati sug'urta kopmaniyalarini bir-biri bilan taqqoslashda eng ko'p qo'llaniladigan ko'rsatkichlardan biridir. Keling, aktivlari bo'yicha dunyodagi eng yirik 50 ta sug'urta kompaniyalarining qaysi davlatlarga to'g'ri kelishini ko'rib chiqamiz.




1-rasm. Aktivlari bo'yicha dunyodagi eng yirik 50 sug'urta kompaniyalarni davlatlar miqyosidagi taqsimoti[1].

Aktivlar bo'yicha dunyodagi 50 ta eng yirik sug'urta kompaniyalari reytingida AQShning 15 ta sug'urta kompaniyasi, Yaponi-

[1] Muallif tomonidan tayyorlandi.

ya davlatining 9 ta sug‘urta kompaniyasi, Xitoyning 4 ta sug‘urta kompaniyasi, Buyuk Brianiyaning 4 ta sug‘urta kompaniyasi, Shveytsariyaning 4 ta sug‘urta kompaniyasi, Germaniyaning 3 ta sug‘urta kompaniyasi, Kanadaning 3 ta sug‘urta kompaniyasi, Tayvanning 3 ta sug‘urta kompaniyasi, Fransiyaning 2 ta sug‘urta kompaniyasi, Gollandiyaning 2 ta sug‘urta kompaniyasi, Janubiy Koreaning 1 ta sug‘urta kompaniyasi egallab turibdi. Shuningdek keyingi o‘rinlarni Italiya, Hindiston va boshqa mamlakatlarning sug‘urta kompaniayalarni egallashmoqda.

Aktivlar bo‘yicha dunyodagi eng yirik sug‘urta kompaniyalari reytingining so‘nggi uch pog‘onasida 181 milliard AQSh dollari bilan Chubb Ltd sug‘urta kompaniyasi, 179 milliard AQSh dollari bilan Chinawithning Xalq sug‘urta kompaniyasi (Group) va USAA (United Services Automobile Assoc.) sug‘urta kompaniyasi joylashgan(2-rasm).



2-rasm. Aktivlar bo‘yicha dunyodagi eng yirik 20 ta sug‘urta kompaniyalari (mlrd. AQSH dollarida)[1].

2-rasm ma’lumotlaridan shuni ko‘rishimiz mumkinki, dunyodagi eng yirik sug‘urta kompaniyalari aktivlar bo‘yicha reyting-

[1] Muallif tomonidan tayyorlandi.

ining birinchi pog‘onasida 1,251 milliard dollarlik aktivlari bilan Ping An sug‘urta kompaniyasi turibdi. Ikkinchi o‘rinda Allianz SE sug‘urta kompaniyasi 1,144 milliard dollarlik aktivlari bilan, keyin 915 milliard AQSh dollari miqdoridagi aktivlari bilan Prudential Financial sug‘urta kompaniyasi turadi. AXA S.A. sug‘urta kompaniyasi to‘rtinchi, Berkshire Hathaway Inc sug‘urta kompaniyasi beshinchi o‘rinni egallab turibdi.(2-rasm)

Xalqaro miqyosida rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlarda sug‘urta tashkilotlarining investitsion aktivlarini qaysi aktivlarga joylashtiriganligini jadvalga joylashtirib tahlil qilib chiqdik(1-jadval).

1-jadval

Xorij mamlakatlari sug‘urta tashkilotlarining investitsiya portfeli strukturasi[1] [10]

Aktiv turlari / Davlatlar	Obligatsiyalar	Davlat obligatsiyalar	Xususiy sektor obligatsiyalar	Qimmatli qog‘ozlar	Pul va omonatlar	Yer va binolar	Jamoaviy investitsiya fondlari	Boshqalar
Malaziya	29.2			30.6	24.4	1.5	..	14.3
Finlandiya	32.5			12.0	10.6	4.6	21.8	18.5
Shvetsiya	38.7			29.4	3.8	4.5	16.3	7.4
Kanada	49.0			9.5	3.6	0.4	33.9	3.5
Germaniya	50.0			13.0	1.4	1.9	29.8	3.9
Daniya	56.2			17.5	11.5	1.3	5.5	8.0
Avstraliya	66.4			2.6	6.9	0.2	19.1	4.7
Italya		53.4	22.7	7.4	4.0	2.9	..	9.6
Latviya		62.2	12.2	1.5	15.7	2.6	3.9	2.0

[1] https://stats.oecd.org/ internet sahifasi ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

Meksika		58.3	14.2	2.6	2.7	4.9	6.3	10.9
Buyuk Britaniya		29.7	42.7	5.6	6.6	0.3	13.4	1.6
AQSH		52.0	9.1	21.6	7.4	1.0	..	9.0
Gretsiya		46.3	14.2	1.5	12.7	9.5	13.1	2.7
Braziliya		55.3	2.7	0.5	2.0	0.2	38.4	0.9
Argentina		32.6	18.6	1.9	1.5	1.0	27.5	16.8
Niderlandiya		27.6	22.9	5.5	6.9	0.9	18.7	17.4
Isroil		29.0	21.3	2.7	11.2	1.7	25.1	9.0
Ispaniya		29.3	17.7	11.3	13.5	9.6	13.6	5.0
Luksemburg		23.3	21.5	3.6	8.9	1.2	4.2	37.2
Fransiya		21.0	23.1	26.1	5.6	2.6	18.0	3.6
Janubiy Korea		24.9	8.6	2.3	2.6	2.2	..	59.3
Shvetsariya		9.4	21.5	4.0	7.0	5.9	7.0	45.3
Turkiya		23.0	5.1	4.7	64.9	0.6	1.8	0.0
Yaponiya		17.8	9.2	23.8	7.0	3.1	..	39.0
Indoneziya		13.0	10.4	13.8	39.9	1.3	21.0	0.6
Rossiya		9.0	12.3	9.1	28.2	3.5	0.1	37.7

1-jadvaldan ko‘rishimiz mumkinki, dunyoning rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlari turli xil aktivlardan tashkil topgan bo‘lib, masalan Avstraliya, Daniya, Germaniya, Kanada, Finlandiya, Shvetsiya, Malaziya sug‘urta tashkilotlarining investitsiya portfeli strukturasida obligatsiyalar yuqori ulushni tashkil etadi, Latviya, Meksika, Braziliya, Italya, AQSH, Gretsiya, Argentina sug‘urta tashkilotlarining investitsiya portfeli strukturasida davlat obligatsiyalari yuqori ulushni tashkil etadi, Buyuk Britaniya, Fransiya, Niderlandiya, Italya sug‘urta tashkilotlarining investitsiya portfeli strukturasida xususiy sektor obligatsiyalari yuqori ulushni tashkil etadi, Avstriya, Malaziya, Shvetsiya, Fransiya, Yaponiya sug‘urta tashkilotlarining investitsiya portfeli strukturasida qimmatli qog‘ozlar yuqori ulushni tashkil etadi, Turkiya, Indoneziya,

Rossiya, Malaziya, Latviya sug‘urta tashkilotlarining investitsiya portfeli strukturasida pul va omonatlar yuqori ulushni tashkil etadi, Braziliya, Kanada, Germaniya, Argentina, Isroil, Finlandiya, Avstraliya, Fransiya, Shvetsiya sug‘urta tashkilotlarining investitsiya portfeli strukturasida jamoaviy investitsiya fondlari yuqori ulushni tashkil etadi, Janubiy Korea, Shvetsariya, Yaponiya, Rossiya, Luksemburg, Finlandiya, Niderlandiya sug‘urta tashkilotlarining investitsiya portfeli strukturasida boshqalar yuqori ulushni tashkil etadi, “Boshqalar” toifasiga kreditlar, xususiy kapital mablag‘lari, xedj fondlari, tuzilgan mahsulotlar va boshqa sohalarga investitsiyalar kiradi. Yuqorida bildirilgan mulohazali fikrlardan kelib chiqib, shuni ta’kidlash joyizki, sug‘urta kompaniyalarining moliyaviy resurslariga sug‘urta kompaniyasining sug‘urta mukofotlari va to‘lovlari bevosita o‘zining ta’sirini o‘tkazadi.

Mahalliy va xorijiy sug‘urta kompaniyalarining investitsiya faoliyati jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining muhim elementidir. Sug‘urta kompaniyalarining investitsiya faoliyatining asosiy manbalari bu o‘z kapitalini va sug‘urta zahiralarini joylashtirishdir. Sug‘urta zahiralarini joylashtirish sug‘urta kompaniyasining moliyaviy barqarorligi va to‘lov qobiliyatini ta‘minlaydi.[11]

2-jadval

Sug‘urta kompaniyalarining rezervlarini joylashtirish normativlari (% foizda)[12, 10-bet]

Aktiv turlari	**Germaniya**	**Fransiya**	**Yaponiya**	**AQSH**	**Buyuk Britaniya**	**Rossiya**	**O‘zbekiston**
Davlat qimmatli qog‘ozlar	-	-	-	-	-	**<15**	**Cheksiz**
Davlat sub‘ektlari va munisipal qimmatli qog‘ozlar	**<30**	**<65**	**<30**	**<49**	**<2**	**<2**	-

Bank dipozitlari	-	-	-	-	-	<50	<40
Investitsion paylar	-	-	-	-	-	<10	-
AJ aksiya va obligasiyalar	-	-	-	<4	-	<20	<30
Ustav fondidagi ishtiroki va boshqa boyliklar	-	-	-	-	<60	<10	<30
Uy-joy sertifikatlari	-	-	-	<17	<2	<5	-
Ko'chmas mulklar	<20	<40	<20	<17	<20	<40	<50
Valyuta qimmatliklari	-	-	-	-	-	<10	-
Ssudalar	<10	<50	<55	<4	<2	-	<10
Hisob raqam	-	-	-	-	-	Cheksiz	>3

Shu bilan birga 2-jadvaldan shuni xulosa qilishimiz kerakki, dunyoning yetakchi kompaniyalarining tajribalari ko'ra, sug'urta kompaniyalari investitsion portfelining tarkibini shakllantirishda aktivlarni likvidliligiga va boshqa xususiyatlariga qarab normalar belgilashgan, masalan davlat qimmatli qog'ozlariga aksariyat rivojlangan davlatlar cheklov o'rnatishmagan, faqat Rossiyada 15 foizdan kam bo'lishi belgilab qo'yilgan, Shuningdek, investitsion paylarga, valyuta qiymatliklariga cheklovlar belgilanmagan va boshqa turdagi aktivlarga turli darajadagi cheklovlar qo'yilganligini ko'rishimiz mumkin. Qilingan moliyaviy-iqtisodiy tahlillar natijasida sug'urta bozorining o'tgan yillarga nisbatan sezilarli darajada o'sganini ko'rishimiz mumkin. Sug'urta kompaniyalari mukofot yig'ish bo'yicha ancha ijobiy natijalarga erishmoqdalar. Shuningdek investitsiya faoliyati bo'yicha ham bir qancha xorij tajribalari amaliyotidan ham foydalanmoqdalar. Lekin shu bilan birga kompaniyalar tomonidan bir qancha nosog'lom raqobat vujudga kelmoqda. Bunga sabab bozorda sug'urta mukofoti yig'ishda tarif stavkalar miqdori sun'iy tushirilmoqda. Natijada demping paydo bo'lmoqda. Hozirgi kunda buni oldini olish uchun bir qancha qarorlar ishlab chiqish kerak deb o'ylayman.

Hozirgi kunda bunday tahlilni hech qaysi sug'urta kompaniyalari doimiy ravishda amalga oshirmaydi. Bu turdagi tahlillarni doimiy ravishda amalga oshirish va tahlil natijalariga ko'ra sug'urta kompaniyalarining investitsiya faoliyatini takomillashtirishda ijobiy natija keltiradi deb hisoblayman.

Xulosa va takliflar

Sug'urta kompaniyalarini mablag'larini aylanishi yil davomida daromadlarning shakllanishiga olib keladi. Bular asosan, depozit foizlari, kredit foizlari, qimmatbaho qog'ozlar dividendi va boshqa daromadlardir. Shu daromadlar hisobiga ish yuritishga, qayta sug'urtalashga, risklarni oldini olish chora tadbirlariga, sug'urta xizmatlarini bahosini tushirishga ketadigan xarajatlar qoplab boriladi. Sug'urta sohasini bozor munosabatlariga bosqichma-bosqich o'tkazish va oqilona foydalanishni taqazo etadi.

Respublikamiz sug'urta bozorini rivojlantirish, sug'urta kompaniyalarini bevosita investitsiya sohasiga keng jalab qilishga chambarchas bog'liqdir. Hozirgi vaqtda sug'urta kompaniyalarining investitsiya faoliyatini takomillashtirishga to'sqinlik qiluvchi quyidagi omillar mavjudligi aniqlandi:

1. Respublikamizda amaldagi qimmatli qog'ozlar bozorining yaxshi rivojlanmaganligi;

2. Iqtisodiyot sohalarida inflyatsiya darajasining yuqoriligi;

3. Sug'urta kompaniyalarining investitsiya faoliyati doirasining torligi;

4. Majburiy sug'urta turlarini rivojlantirish va kengaytirish, chunki majburiy sug'urta joriy etilmasdan ixtiyoriy sug'urta bozori faol rivojlanamaydi;

5. Sug'urta zahiralarini uzoq muddatga joylashtirishning ishonchli instrumentlari mavjud emasligi;

6. Investitsiya obyektlari haqidagi ochiq elektron yoki boshqa ma'lumotlarning kamligi;

7. O‘zbekistonda turli xil tavakkalchiliklardan sug‘urtalash, yetarli darajada rivojlanmaganligi. Bu esa o‘z navbatida sug‘urta faoliyatini qonun bo‘yicha ta’minlashdagi va soliq tizimidagi kamchiliklar borligiga, sug‘urtalashni amalga oshirishda tajribaning yetishmasligiga bog‘liqdir[13, 13 bet].

Sug‘urta kompaniyalarining investitsion portfel tizimini va uning moliyaviy barqarorligini ta‘minlashi lozim va u odatda sug‘urta nazorati me‘yorlari bilan belgilanadi. Unda sug‘urta zahiralarinnng vaqtinchalik bo‘sh turgan mablag‘larini joylashtirish tartibi belgilangan.

Xalqaro tajriba sug‘urta tashkilotlarining investitsiya faoliyatini rivojlantirish uchun ipoteka kreditlarining katta ahamiyatga ega ekanligini ko‘rsatadi. Amerikalik sug‘urtalovchilarning investitsiya portfelida asosiy o‘rinni savdo, sanoat va institutsional ipoteka egallaydi, bu savdo markazlari, ofislar, sanoat binolari va tibbiyot markazlarini qurish uchun kreditlar berishni o‘z ichiga oladi[6, 4-ст].

Sug‘urta kompaniyalarining investitsiya faoliyati samaradorligini oshirish muammolari bo‘yicha ilmiy tadqiqotlar, ushbu sohadagi professional kadrlar etishmayapti.[6, 4-ст] Yuqoridagi sanab o‘tilgan kamchiliklarni bartaraf etish uchun quyidagi takliflarni amalga oshirish maqsadga muvofiq bo‘lardi:

1. Bugungi kunda sug’urta yo‘nalishi bo‘yicha kadrlar tayyorlaydigan institutlar va unversitetlarni ko‘paytirish kerak;

1. Majburiy sug‘urta turlarini rivojlantirish va kengaytirish kerak;

2. Iqtisodiyotning turli sohalaridagi axborot ochiqligi va shaffofligini ta’minlash kerak va sug’urta normalarini xalqaro tajribadan kelib chiqib ko‘rib chiqish kerak;

3. Sug‘urta kompaniyalari sug‘urta mahsulotlarini va sug‘urta xizmatlarini sifatini oshirish uchun raqamli marketing tizimini ishlab chiqishi kerak

Xulosa qilib shuni ta'kidlash mumkinki, sug'urta kompaniyalarining investitsiya qilishi mumkin bo'lgan moliyaviy resurslar ko'payishi kerak. Shu o'rinda rivojlangan mamlakatlarning sug'urta tashkilotlarini investitsiya faoliyatidagi tajribalari o'rgangan holda mamlakatimizda sug'urta tashkilotlarini investitsiya faoliyatida qo'llash o'zining ijobiy natijasini beradi.

Adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Prezidentining matbuot xizmati sug'urta xizmatlari bozorini rivojlantirish bo'yicha yig'ilishida so'zlagan nutqi 2019 yil 10 iyul.(www.prezdent press.uz)

2. http://www.agros.uz/news/62

3. Д.П.Удалищев, А.В.Исайчева "Инвестиционная деятельность страховых компаний в современных условиях российской федерации" Инвестиционная политика 1 (25) –8-ст- 2010г

4. Окорокова Ольга Александровна "Зарубежный опыт инвестиционной деятельности страховых компаний" научной статьи по Экономика и бизнес, 10-ст – 2012 г

5. Е.Е.Артемова, Н.Ю.Колесников "Особенности инвестиционной деятельности российских и зарубежных страховых компаний", "Экономика и бизнес " 10-ст – 2013

6. Иняев Владимир Игоревич, "Инвестирование страховых фондов: зарубежный опыт и Российская практика" ,"Экономика и бизнес" 4-ст – 2010

7. Н.Н.Никулина, И.И.Ушаков "Эволюция развития и анализ опыта организации инвестиционной деятельности зарубежных страховщиков" Экономика и бизнес, 9-ст –2015 № 7

8. Д.С.Тараскин "Особенности инвестиционной деятельности отечественных страховщиков в современной России" Факторы успеха. 2017. - №1.. 91-95- с.

9. A.X.Gashimova, M.A.Filina, "Specific features and nature of investment activities of Russian and foreign insurance companies"

10. В.С.Кривцова "Инвестиционная деятельность страховых компаний" Журнал "Студенческий". - 2019. - №1-3. - с.65-67.

11. OECD Global Insurance Statistics raport 2019 "Global Insurance Market Trends 2019" http://www.oecd.org/daf/financialmarketsinsuranceandpensions /insurance/globalinsurancemarkettrends.htm

12. N.A.Abdullayeva "Sug'urta bozori va fond bozorining o'zaro faoliyat ko'rsatkichlarining asosiy yo'nalishlari xorij tajribasi" Moliya ilmiy jurnali 1/2020 10 bet

13. Alikulov, M. (2021) "The ways to optimize the investment portfolio in insurance companies" International Finance and Accounting: Vol. 2021 : Iss. 1 , Article 6. Available at: https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss1/6

14. Noureddine Benlagha, Wael Hemrit "Internet use and insurance growth: evidence from a panel of OECD countries" Technology in Society Volume 62, August2020, https://www.sciencedirect.com/science/article /pii/S0160791X19303 63X

С. Х. Валиева,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
"Солиқлар ва суғурта иши" кафедраси, катта ўкитувчи,
мустақил тадқиқодчи
Sayyora3001@gmail.com

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН РИСКЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон шароитида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда рискларни юзага келтирувчи омилларни аниқлаш, уларни сифатвамиқдор жиҳатдан баҳолаш, инвестиция лойиҳаси рискларини таснифи ва инвестицияфаолиятини амалга оширишдавужудга келадиганрискларни суғурталаш тадқиқ этилган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний равишда фаолият кўрсатаётган ҳар қандай суғурта ташкилотида суғурта ҳимоясига бўлган ҳуқуқдан фойдаланиши мумкинлигихам ёритилган.

Таянч сўзлар: Инвестиция, инвестиция лойиҳалари, инвестор, риск, суғурта, суғурта ташкилоти.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёв томонидан ривожланишнинг узоқ муддатга мўлжалланган концепциялари ишлаб чиқилиши, бу борада биринчи қадам сифатида Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат да-

стурлари қабул қилиниб, мазкур дастурларни молиялаштириш фонди ташкил этилиши таъкидланди. Бунда иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган маблағларни инвестиция шаклида ҳаракатга келтириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифаларимиздан бири эканлиги эътироф этилди. [1]

Инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний равишда фаолият кўрсатаётган ҳар қандай суғурта ташкилотида суғурта ҳимоясига бўлган ҳуқуқдан фойдаланади. Инвестицияларни сиёсий ва бошқа таваккалчиликлардан суғурталаш халқаро ташкилотлар, чет эл агентликлари, бошқа суғурта компаниялари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Инвестицияларни суғурталашни амалга оширувчи суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. Давлат суғурта ташкилотларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди, бундан тарафларнинг битимларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Инвестицияларни сугурталаш сиёсий ва бошқа таваккалчиликлардан, шу жумладан қуйидагиларни ўз ичига олувчи таваккалчиликлардан суғурта ҳимоясини ҳамда кафолатларини таъминлайди:

• Мулкнинг реквизиция (экспроприация) қилинишини, шунингдек мулкни олиб қўйишга ёки уни бошқа шахсга беришга, унинг устидан ёки ундан олинадиган даромадлар устидан назоратнинг йўқолишига олиб келадиган ҳар қандай қонунчилик ёки маъмурий чораларни;

• чет эл валютасини мамлакатдан ташқарига ўтказиш бўйича чекловлар жорий этишни; давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва улар мансабдор шахсларининг инвесторлар шартномавий муносабатларига аралашувини;

• урушларни, фуқароларнинг тартибсизликлари ва бошқа шунга ўхшаш воқеаларни; инвесторлар ва чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган сиёсий ва ўзга таваккалчиликларнинг бошқа турларини. [2]

Ҳар қандай инвестиция лойиҳалари турли ноаниқликлар, рисклар билан боғлиқ. Ҳар бир инвестиция иштирокчиси рисклар, риск турларининг вужудга келиши сабаблари, уларнинг таснифи ҳамда риск эҳтимолларини олдини олиш бўйича тадбирлар ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлишлари лозим. Шундагина улар инвестиция лойиҳасини муваффақиятли амалга оширишга ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

Шу жаҳатдан ҳам Ўзбекистон шароитида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда уларнинг рисклилик даражасини ҳисобга олиш, баҳолаш ва аниқлаш, эҳтимоллиги мавжуд бўлган риск ҳамда ноаниқликларни пасайтириш ёки бартараф этиш йўлларини аниқлаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уни дастлабки мукаммал баҳолаш ва ўрганиш, шу жумладан, лойиҳа рискларини таҳлили қилиш ва уларни пасайтириш, бошқариш масалалари иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ўта аҳамиятли ва илмий тадқиқот учун долзарб муаммолардан бўлиб келмоқда.

Инвестиция лойиҳаси тўлиқ ва мукаммал ҳисоб-китоблар ёрдамида асосланган юридик ҳужжатлар тўпламидир. У инвестицион тадбиркорлик ва ташаббуснинг натижаси сифатида яратилган инвестицион ҳужжат бўлиб, инвестициялар билан таъминланган ҳар қандай тадбирлар мажмуаси ҳисобланади, яъни у чекланган муддат давомида фойда олиш ёки ижтимоий самарага эришиш йўлидаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ тадбирлар йиғиндиси ҳисобланади [3].

Инвестиция лойиҳаси деганда фойда олиш мақсадида қўйилган инвестициядан фойдаланиш режасининг асосли ра-

вишда ишлаб чиқилиши тушунилади. Инвестиция лойиҳаси қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:ғоянинг туғулиши,инвестиция қўйиладиган объектни аниқлаш, шу объектга қўйилишининг фойдалилигини асослаш, комплекс тарзда экспертиза ўтказиш,инвестицияга пул маблағини топиш ва қўйиш, унинг самарадорлигини таъминлаш ва бошқалар.

Ўзбекистон шароитида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда рискларни юзага келтирувчи омилларни аниқлаш, уларни сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолаш, рискларни баҳолаш усулларини такомиллаштириш, рискларни пасайтириш йўлларини аниқлаш ҳамда самарали бошқариш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.Инвестиция лойиҳаларини амалға оширишда суғурталаш икки турда: мулкни сугурталаш ҳамда бахтсиз ходисалардан суғурталаш шаклида амалга оширилади.

Мулкий суғурталашнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

– моддий йўқотишлар ва зарарлардан ҳимоя қилиш мақсадида пудрат қурилишларини суғурта қилиш; – моддий йўқотишлар ва зарарлардан ҳимоя қилиш мақсадида денгиз ёки ҳаво транспортлари орқали ташилаётган юкларни суғурта қилиш;

– моддий йўқотишлар ва зарарлардан ҳимоя қилиш мақсадида пудрат ва субпудрат ташкилотларига тегишли бўлган асбобускуналарни сугурта қилиш. Бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилишнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

– қурилиш қатнашчилари тана жароҳатлари, шахсий зарар ёки мулкий зарар кўрганларида бош пудрат ташкилотлари фаолиятини ҳимоя қилиш мақсадида умумий фуқоролик жавобгарлигидан суғурта қилиш;

– лойиҳалаштириш жараёнида архитекторлик ва техник нуқтаи назардан хатоларга йўл қўйилганда лойиҳаларни бошқаришда камчиликлар келиб чиққанда бош пудрат ташкилотини моддий жавобгарликдан суғурта қилиш [4].

Иқтисодий категория сифатида риск - бу бўлиши мумкин бўлган ёки аввалдан айтиб бўлмайдиган ҳодиса. Агар бу ижобий ҳодиса бўлса (фойда, даромад ёки бошқа тушум) ва салбий (ҳаражатлар, зарар, йўқотиш) натижа бўлиши ёки ҳеч қандай натижа бўлмаслиги мумкин. Молиявий операциялар риск даражасини баҳолашни, унинг миқдорини аниқлашни ва уни камайтириш чора-тадбирларини қўллашни талаб қилади. Мамлакат иқтисодиётига ўз сармоясини киритаётган инвестор нуқтаи-назарида, шу мамлакатдаги ҳолат, вазият инвестицион муҳит деб аталади. Инвестицион муҳит бир қатор риск омилларини ўз ичига олади. Бу омиллар ривожланиш истиқболлари, ички ва ташқи шарт-шароитлар ва вазият таъсири остида вужудга келади. Кўп ҳолларда мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳолат ва унинг ривожланиш истиқболларига қараб ижтимоий-сиёсий, ички ва ташқи рисклар тахмин қилинади.

Иқтисодий адабиётларда риск тушунчаси қатор иқтисодчи олимлар томонидан турлича таърифланади. Профессор А.В.Вахабов "Инвестицион риск умумий молиявий рискнинг таркибий қисми бўлиб, ўзида молиявий йўқотишлар эҳтимолини ва инвестициялардан даромадларни тўлиқ ололмаслик ёки қўшимча инвестицион харажатларнинг пайдо бўлишини намоён этади.Лойиҳани амалга ошириш натижасида кўзланган, даромадларнинг пасайишига сабаб бўладиган вазиятлар мажмуаси ёки инвестицион лойиҳани амалга оширишга ҳалақит берадиган ва лойиҳа самарадорлигини пасайтирадиган рискларнинг йиғиндиси тушунилади, деб таъриф беради". [5] Мартина Меркова, Жосеф Драбек риск тўғрисида қуйидаги фикрларни билдириб ўтишган: "Риск ҳар қандай тадбиркорликнинг муқаррар қисмидир, шунинг учун уни таҳлил қилиш жуда муҳим, аммо, шу билан бирга, парадокс шундан иборатки, бу лойиҳанинг энг охиригача баҳолаб бўлмайдиган қисми

ҳисобланади" [6], Рискларни бошқариш деганда, риск ва фойда миқдорини оқилона қўшилмасини аниқлашга қаратилган ҳаракатлар мажмуаси, деб тушуниш мумкин [7].

Э.И.Носиров ва бошқалар томонидан ёзилган "Инвестиция рискларини бошқариш" номли ўқув қўлланмада инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва уни амалга ошириш жараёнида рискларни бошқаришнинг назарий асослари баён этилган. Инвестиция рискларини турлари ва шакллари ифодаланиб, рискларни бошқариш бўйича халқаро молия институтлари тажрибаси кўрсатиб берилган. Ўзбекистонда инвестиция рискларини бошқаришнинг самарали усуллари, воситалари ва имкониятлари очиб берилган [8].

Инвестиция лойиҳасини рискларини таснифини турли тизимлари мавжуд. **Биринчидан**, лойиҳа фаолиятининг босқичлари ва фазалари бўйича таснифлаш: инвестициялаш олди фазасидаги, инвестициялаш фазасидаги, ишлаб чиқариш фазасидаги рисклар. **Иккинчидан,** лойиҳа фаолияти иштирокчилари учун риск таҳдидларига таъсир этишнинг имкониятларини мезонлари бўйича таснифлаш. Шу нуқтаи-назар бўйича рискни: ички ва ташқи рискларга ажратиш мумкин. Ташқи рискларга сиёсий рисклар ва форс-мажор рисклари киради. Форс-мажор рискига табиий офатлар: ёнғин, сув тошқини, қурғоқчилик кабилар киради. Ташқи рисклар лойиҳа фаолиятининг барча фаза ва босқичларида мавжуд. Учинчидан, рискдан ҳимоялаш имкониятлари нуқтаиназаридан таснифлаш:

1. Суғурталанадиган рисклар;
2. Суғурталанмайдиган рисклар.

Суғурталанадиган рисклар ўз навбатида: a) кафолат; b) суғурта; c) заҳира фонди ҳисобига қопланадиган рискларга бўлинади. Бундан ташқари, лойиҳа фаолиятининг ҳақиқий амалиётига асосланган, энг кўп учрайдиган рисклар ҳам бўлиб, уларга лойиҳа

иштирокчилари эътибор берсалар ҳам, ҳеч бир гуруҳлаш мезони доирасига кирмайдиган рисклар ҳам мавжуд. Улар:

• Иқтисодий қонунларнинг ва иқтисодий ҳолатнинг ўзгариб туриши, инвестициялаш ва фойдадан фойдаланиш шартлари билан боғлиқ рисклар;

• ташқи иқтисодий рисклар-савдо ва маҳсулот етказиб беришга чеклашлар киритиш, чегараларнинг беркилиши ва шу каби эҳтимолликлар риски;

• сиёсий ҳолатнинг ноаниқлиги, ҳудуддаги ёки мамлакатдаги номаъқул ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар риски;

• техник-иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси, янги техника технология параметрлари, маҳсулот сифати ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги ёки ноаниқлиги;

• бозор конъюнктурасининг, яъни аниқ даврдаги иқтисодиётнинг жорий ҳолатини характерловчи белгилар, масалан, баҳо, валюта кўрслари, ялпиичкимаҳсулотвабошқаларнингўзгарибтуриши;

• табиий иқлим шароитларининг, табиий офатлар эҳтимолининг ўзгариб туриши;

• ишлаб чиқариш техник рисклари-асбоб-ускуналарнинг бўзилиши ва тўхтаб қолиши, ишлаб чиқаришдаги брак вабошқалар;

• лойиҳа иштирокчиларининг ўзларини тутишлари, қизиқишлари, мақсадларининг ноаниқлиги, уларнинг молиявий ҳолати ва ишдаги обрўси ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги, ноаниқлиги [9].

Хулоса қилиб айтганда, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ўзига хос билим ва малакани талаб этар экан, ўз навбатида, лойиҳага доир рисклардан ва уларга тегишли барча маълумотлардан хабардор бўлиш лойиҳанинг муваффақиятига ижобий таъсир этади. Бу каби маълумотларга эга бўлмаслик

эса турли салбий оқибатларга, ҳатто лойиҳани барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Инвестицион лойиҳалардаги рискларнинг мазмун ва моҳияти, унинг турларини билган ҳолда, ундан кутиладиган йўқотишларни камайтриш чора-тадбирларини қўллаш ва шу йўл билан рискнинг лойиҳа самарадорлигига кўрсатадиган салбий таъсирини камайтириш мумкин.

Миллий иқтисодиётда инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш лойиҳа рискларини баҳолаш ва бошқариш усулларини такомиллаштиришни талаб этади. Бунинг учун Инвестиция лойиҳалари рискларини бошқаришда уларни таҳлил қилиш ва баҳолаш натижаларига асосланиб, бошқариш усуллари танланади. Лойиҳани самарали бошқариш эса, кўзлангансамаралинатижагаэришишгаолибкелади. Шунинг учун лойиҳа рискларини баҳолашни пухта ва мукаммал амалга ошириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ЎзбекистонРеспубликасиПрезиденти Шавкат МирзиёевнингОлийМажлисгаМурожаатномаси, халқсўзи 2017 йил 22 декабрь.

2. LexUZ шарҳи, ўзбекистон республикасининг қонуни инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида, (Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда маъқулланган, 50-модда).

3. Голов Р.С., Балдин К.В., Передеряев И.И. Инвестиционное проектирование:Учебник – М.: Дашков и К, 2010 - С. - 43

4. Шаисламова н.к. “инвестиция рискларини самарали бошқаришда сугуртанинг ўрни” иқтисод ва молия/ экономика и финансы 2020, 1(133).

5. А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Н.Г.Муминов Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма.и.ф.д. профессор А.В.Вахабов-

нинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Молия”, 2010. – 328 б. (Б. -165).

6. Martina Merkova, Josef Drabek. Use of risk analysis in investment measurement and management(http://toc.proceedings.com/29281webtoc.pdf)(656662 pages).

7. Маматов Б.С., Хўжамқулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. Тошкент молия институти. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2014. -608 б.

8. Носиров Э.И. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма, “Фан ва технология”, 2012. - 56 бет.

9. Н.Ғ. Каримов ва Р.Х. Хожиматов.: Инвестицияниташкилэтишвамолиялаштириш: Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2011. -801 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг матбот хизмати:

https://www.gazeta.uz/uz/

http://www.mf.uz сайтлари.

Б.А. Жубанова,
Қорақалпоғистон Республикаси
Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университети
Мустақил тадқиқотчиси
Республика Каракалпакстан
bayramgulzubanova@gmail.com

ТАДБИРКОР СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ СУҒУРТАЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Аннотация. Мақолада тадбиркор субъектларнинг инновацион фаолияти билан боғлиқ рисклар ва уларни классификациялаш ҳамда суғурта мукофотларининг бир қисмини суғурталаш ишларини ташкил этиш орқали ушбу кархоналарга давлат томонидан тўлаб бериш билан қўллаб-қувватлаш орқали суғурта хизматлари билан таъминлашнинг самарадорлигига эришиш масалалари ёритилган ва хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: инновацион, зарар, суғурта, суғурта хизмати, суғурта мақсулотлари, суғурта шартномаси, суғурта даври, риск, классификация.

Мавзунинг долзарблиги: Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожланиш йўлида босқичма босқич олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири – бу тадбиркорликни знада ривожлантириш ҳисобланади. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва техник ҳамда технологик қайта қуриш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-

ликни янада ривожлантиришга кенг йўл очиб берилди. Ҳозирги вақтда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосан савдо-сотиқ, хизмат ва алоқа соҳасида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кўпроқ ривож топмоқда. Шу билан бирга, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар яратишда илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб берилмоқда. Шу муносабат билан тадбиркорликни ривожлантиришда инновациялар асосий омил ҳисобланади [1. 176бет]. Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмларидан бўлган суғурта хизматлари бозорининг роли знада ошишига замин яратмоқда. Мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини суғурта бозорисиз тасаввур қилиш қийин. Суғурта бозори иқтисодиётнинг реал секторини модернизациялаш учун зарур бўлган инвестиция ресурсларини жамланишини таъминлашда инновацион фаолиятини ривожлантиришда улкан салоҳиятга эга бўлган соҳа ҳисобланади [2. 127бет].

Илмий аҳамияти:Хорижий адабиётларда суғурта компаниялари молиявий воситачилар гуруҳи, яъни молия тизимининг бир қисми бўлган ва маблағларни кредиторлардан қарздорларга ёки омонатчилардан инвесторларга йўналтирувчи молиявий воситачилар ташкилотлар гуруҳига киритилган. Молиявий воситачилар мижозлар орасидаги пул маблағлари ва қимматли қоғозларни нафақат жойлаштиради, балки ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширган ҳолда инновацион фаолиятини олиб боришда ахборот харажатлари ва умумий трансакція харажатларини камайтиришга кўмаклашади. Сугурта сектори инновацион фаолият олиб боришда алоҳида

ўринга эга. .[2. 241бет] Тадбиркор субъектларнинг инновацион фаолиятини молиялаштиришда суғурта ташкилотлари фаолиятининг ўзига хослиги шундаки, аввало, улар ўзининг асосий вазифасини (суғурталаш) бажаради ва бу молиявий воситачи вазифасидан фарқлиўлароқ биринчи даражали бўлиб, суғурта жамғармасини шакллантириш орқали аҳоли ва юридик шахсларнинг мулкий манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ муҳим ижтимоий вазифа ҳисобланади. Тижоратбанклари ва инвестиция Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган фондлари суғурталовчиларнинг молиявий ресурсларини капиталлаштиришни таъминлайди.

Тақлил ва натижалар

Натижада суғурта компаниялари ва молиявий воситачиларнинг бошқа турлари орасидаги рақобат муносабатлари молиявий ресурсларни нисбатан қулай жойлаштириш бўйича молиявий воситачилик тизимидаги ҳамма иштирокчиларнинг самарали муносабати ва турли-туман ҳамкорлик шакллари билан тўлдирилади.

Иқтисодий жараёнларнинг фаоллашуви ва аҳолидаромадларинингўсишимолиятизимида, хусусан суғурта секторида ҳам ўз аксини топмоқда. Суғурта компаниялари капиталини оширишнинг асосий манбаларидан бири бўлиб заҳираларниқимматли қоғозларга жойлаштириш ҳисобланади. Аксарият ривожланган мамлакатларда суғурта компаниялари акциядорлари қимматли қоғозлар бозорининг институцион алинвесторлари ҳисобланади.

Ўзбекистон суғурта бозори жамғариб бориладиган суғурта турлари ривожланмаганлиги билан ажралиб туради. Суғурта ташкилотлари ва тижорат банклари ўртасида узвий алоқалар

ўрнатган бўлиб, улар шерикчилигининг асосини суғурта хизматларини кўрсатиш ва уларни кенгайтириш, агентлик ва брокерлик операцияларини кўпайтириш шунингдек суғуртачилар ўз активларини банкларда омонатларда сақлаш ташкил этади. [3. 189бет].

Бунданташқари Ўзбекистон Республикасида инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шулар жумласидан, -инновацион фаолият билан шуғулланувчиларга солиқ имтиёзлари берилди,

- йирик корхоналарда Модернизация ва янги технологияларжамғармалари ташкил этилди,

- корхоналарнинг инновацион стратегиясини ишлаб чиқувчи инновацион марказлар ташкил этилди,

- вилоятларда ҳудудий Инновация фаолияти ва технологиялар трансфери марказлари ташкил этилди.

Инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг молиявий дастаклари деб инновацион фаолиятни умумий солиқ солинадиган фаолиятидан чиқариш; давлат ва хусусий бизнес шерикчилигининг янги тамойил ва механизмларни жорийэтиш (тўғридан-тўғри давлат томонидан молиялаштириш, тўғридан-тўғридавлаттомониданкредитлаш, нодавлаткредитлаш, давлат кредит кафолатлари, нодавлат кредит кафолатлари); олибкиритилаѐтган [4. 152бет].

сармоягасолиқ солиш йўли билан маҳаллий сармояни олиб чиқишни чегаралашни тушиниш лозим.

Хулоса ва таклифлар

Аксарият давлатларда инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг энг асосий молиявий дастаклардан бири – илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш учун турли ҳукумат ташкилотлари билан тузилган дав-

лат шартномалари ҳисобланади. Ушбу шартномалар инновацион лойиҳаларнинг барча асосий тавсифларини тўлиқ мувофиқлаштириш, кутилаётган натижа, ижро этиш муддатлари ва зарур харажатларни назарда тутади. Одатда кутилаётган харажатларнинг миқдори иш бошлангунга қадар қайд этилади, якунийҳисоб-китоб эса ишларни тугатиб топширгандан сўнг амалга оширилади. Субсидиялар ва субвенциялар одатда кескин ва хатарли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун тақдимэтилади.

Тадбиркорлик субъектларининг инновацион технологиялардан фойдаланиши бу соҳаларда меҳнат ва ишунумдорлигини оширишга кўмак беради.

Фойдаланилганадабиётлар

1. UN Department of Economic and Social Affairs. Division for Sustainable Development (National CSD report: Austria - Agriculture) материаллари.

2. Turbina K.E., Dadkov V.N. Vzaimnoe straxovanie. -Moskva, Ankil, 2007, s.214

3. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 1, yanvar-fevral, 2019 yil

4. Qo'ldoshev Q.M. O'zbekistonda o'zaro sug'urtalashning metodologik asoslarini takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan dissertatsiya avtoreferati. Toshkent, 2019.

2-СЕКЦИЯ
ҲАЁТ СУҒУРТАСИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

О.Т. Юлдашев,
Банк-молия академияси докторанти, и.ф.н.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАЁТ СУҒУРТАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада миллий суғурта бозорида ҳаёт суғуртасининг ҳозирги ҳолати, уни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таъсир этиш даражаси, Ўзбекистонда ҳаёт суғуртасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари келтирилган.

Калит сўзлар: ҳаёт суғуртаси, суғурта маданияти, капиталлашув даражаси, тўлов қобилияти, инфляция омиллари.

Миллий сугурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш, суғурта хизматларининг талаб юқори бўлган янги турларини жорий этиш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига бўлган ишончини ошириш куннинг энг долзарб масаласи бўлган бир пайтда ҳаёт сугуртасининг ривожланишига бир қанча омилларнинг салбий таъсири, мамлакатимиздаги реал воқеликни ва унга хос бўлган хусусиятларни ҳамда илғор хориж тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ҳаётни сугурталаш соҳасида инновацион механизмни ишлаб

чиқиш ва жорий этишга йўналтирилган тегишли ишларни амалга оширишни талаб этади. Натижада эса, ҳаёт суғуртасининг ҳар бир потенциал суғурталанувчиларни ушбу фаолият турига жалб этувчанлигини янада ошириш орқали унинг узоқ муддатли прогрессив ривожланишини таъминлашга хизмат қилиши лозим.

Юқорида келтириб ўтилган фикрларни инобатга олган ҳолда, миллий ва хорижий тажрибалар асосида мамлакатимиз ҳаёт суғурта хизматлари бозорининг ривожланиш тенденциялари ва истиқболларига баҳо бериш, ҳаёт суғурта соҳасининг ривожланишига таъсир этувчи омилларни ва уларнинг таъсир даражасини аниқлаш, ҳаёт суғуртасини ривожлантириш билан боғлиқ фундаментал муаммоларни топиш ҳамда уларни ҳал этишга қаратилган таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш бугунги кун тартибидаги энг долзарб масала эканлиги шубҳасиздир.

Умуман олганда, мамлакатимизда ҳаёт суғурта хизматлари бозорининг охирги йилларда ўсиш даражасини кўриш мумкин, аммо, ҳаёт суғуртаси мукофотлари ўтган йилларда ўртача икки баробарга ошган бўлсада, умумий натижа ЯИМдаги улуши 0,1 % эканлиги мавжуд имкониятлардан ҳамон етарлича фойдаланилмаганлигини билдиради. Ҳаёт суғуртаси ривожланган мамлакатларда эса бу кўрсаткич энг камида 2-10 % ни ташкил этади [1,77 б.].

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий суғурта бозорида фаолият олиб бораётган 8 та ҳаёт суғурта компанияларининг устав капитали 206,5 млрд. сўмни, қисқа ва узоқ муддатли инвестициялари ҳажми 338,2 млрд. сўмни, суғурта захиралари ҳажми 216,2 млрд., жумладан, ҳаёт суғуртаси захиралари 203,3 млрд. сўмни ташкил этади [2].

2020 йилда ҳаёт суғурта компаниялар томонидан жисмоний ва юридик шахслар билан 470, 4 минг дона сугурта шарт-

номалари имзоланиб, 2 875, 5 млрд. сўмлик суғурта мажбуриятлари қабул қилинган. Шунингдек, йил давомида 334, 4 млрд. сўмга яқин суғурта мукофотлари йиғилган ва 318, 0 млрд. сўм суғурта тўловлари тўлаб берилган [2].

Мамлакатимизда ҳаёт суғуртасининг ривожланишига таъсир этувчи омилларни, фикримизча, икки гуруҳга бўлиш мумкин: ташқи ва ички омилларга. Ташқи омиллар сирасига мамлакатдаги макроиқтисодий ҳолатнинг барқарорлиги билан боғлиқ бўлган қуйидаги кўрсаткичларни киритиш мумкин:

– инфляция даражасининг юқори эканлиги;

– миллий валютанинг нобарқарорлиги;

– ҳаёт суғурта компаниялари учун суғурта захираларини ишончли жойлаштириш имкониятларининг ва жозибадор инвестиция инструментларининг камлиги, фонд бозорининг суст ривожланганлиги. Ҳаёт суғуртасининг жамғариш ва омонат функцияларини бажарилиши учун инвестициялар бозори ривожланган бўлиши зарур, аммо, мамлакатимизда ушбу ҳолатни етарли даражада деб бўлмайди;

– аҳолининг нобарқарор иқтисодий ва сиёсий вазиятдан ташвишланиши. Ҳаёт суғуртаси, биринчи навбатда, барқарор шароитлардагини самарали ишлайдиган соҳа ҳисобланади;

– аҳолининг реал даромадлари камлиги ёки тўлов қобилиятининг пастлиги. Ҳаёт суғуртасини кенг жорий этилишига кўпчилик аҳолининг кам даромадлилиги тўсиқ бўлади. Аҳоли даромадининг асосий қисми биринчи даражали эҳтиёжлар учун сарфланади ва жамгариш учун кам маблағ қолади;

– ҳаёт суғуртасига оид тақдим этилган солиқ имтиёзлари таъсирчанлигининг етарли эмаслиги. Солиқ имтиёзлари жисмоний шахсларнинг фақатгина ҳаёт суғуртасига йўналтирган иш ҳақи кўринишидаги даромадларига тегишли бўлиб, солиқ ставкаси пасайганда унинг таъсири ҳам пасаяди.

Ушбу имтиёзларни жисмоний шахсларнинг даромад солиғига тортиладиган барча даромадларига нисбатан жорий этилиши мақсадга мувофиқ, деб уйлаймиз. Мисол учун, жисмоний шахсларнинг ижара шартномаси бўйича оладиган даромадлари ҳам 12 фоиз солиққа тортилади. Одатда, солиқдан қочиш мақсадида жисмоний шахслар ушбу даромадларини кам қилиб кўрсатадилар ёки умуман ижара шартномасини тузмайди. Бу эса, хуфиёна иқтисодиётни кенгайтиради.

Ҳал этилиши суғурталовчиларнинг ўз зиммаларида бўлган, ҳаёт суғуртасининг ривожланишига таъсир этувчи ички омиллар тоифасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ҳаёт суғуртаси узоқ муддатли характерга эга бўлганлиги, яъни полисларнинг амал қилиш даври 5-20 йил. Сиёсий ва иқтисодий нобарқарорлик шароитида, инфляция юқори бўлганда узоқ муддатли қўйилмалар аҳолида қизиқиш уйғотмайди;

– ҳаёт суғуртаси асосан аҳолининг ўрта қатлами учун хизмат қилади. Бунда, аҳоли харажатларидан даромадлари юқори бўлиши ва улар ушбу маблағларни келажак авлодига мерос қолдиришни ёки инвестиция учун фойдаланиб, қўшимча даромад олиш мақсадини кўзлаши назарда тутилган. Аммо, ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳаётни инвестицион суғурта қилиш учун кенг суғурта (маҳсулотлари) базаси мавжуд эмас;

– аҳолининг ҳаёт суғуртаси бўйича маданияти пастлиги. Ҳозирги кунда аҳоли ўртасида ҳаёт суғуртаси ҳақидаги тасаввур, онг, суғурта маданияти, суғурта ҳақидаги тушунчалар унчалик даражада шаклланмаганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бу эса, суғурта соҳасидаги энг катта муаммодир. Унинг асосий сабаби, ҳаёт сугуртаси бўйича малакали суғурта агентларининг камлиги ва ҳаёт суғуртаси моҳиятини ёритиб берувчи манбаларнинг йўқлигидир. Аҳоли орасида суғурта маданияти-

ни шакллантиришнинг энг мақбул йўли малакали профессионал суғурта агентларини тайёрлашдир. Шу орқали, уларга ҳаёт суғуртасининг афзалликлари ҳақида маълумот бериш, рекламаларни ривожлантириш лозим;

– аҳолининг ҳаёт суғуртасига ёки суғурта компанияларига нисбатан ишончининг пастлиги. Ҳаёт суғуртасининг асосида суғурта мукофотларини инвестиция қилиш ётганлиги сабабли, суғурта компанияларининг барқарорлиги ва молиявий ҳолатига жиддий талаблар қўйилади. Умумий нобарқарорлик ва молиявий кризис содир бўлиши мумкин бўлган ҳолатда суғурталовчилар узоқ муддатли истиқболга кафолат бера олмайдилар. Фикримизча, бундай шароитда, Ўзбекистонда ҳаёт суғуртаси бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармасини ташкил этиш суғурталанувчилар (наф олувчилар) мулкий манфаатларининг ҳимоясини янада кучайтиради, аҳолининг ҳаёт суғуртасига бўлган ишончини таъминлайди ва сугурта бозорининг барқарор ривожланиши учун шароит яратади;

– аҳолининг ўз жамғармаларини суғуртада жамғаришга мойиллик даражасининг пастлиги. Аҳоли молиявий институтларга бўлган ишончининг пастлиги сабабли, истеъмолидан ортган маблағларини жамғаришнинг энг мақбул йўли сифатида, пулларини АҚШ долларига айлантириб, уйларида сақлайдилар. Чунки, бу валютанинг йил сайин қадри кўтарилади, шу сабабдан уни маҳаллий иқтисодиётга ҳам инвестиция қилмайдилар;

2. миллий суғурта бозорида ҳаёт суғуртасини амалга оширувчи компанияларнинг камлиги. Қолаверса, ҳаёт суғурта компанияларининг барчаси умумий суғурта компанияларининг таъсисчилигида масъулияти чекланган жамият ташкилий-ҳуқуқий шаклида ташкил этилган. Демак, ҳаёт суғурта тармоғи умумий суғурта тармоғининг таъсири остида қолган. Шу сабабдан, ҳаёт суғурта компаниялари сонини кўпайти-

риш ва уларни акционерлик жамияти шаклида ташкил этиш лозим;

3. қонунчилик базасининг секин ривожланиши, қонунлардаги қарама қаршиликларнинг мавжудлиги. Бу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган биринчи даражали вазифа ҳаёт суғуртаси бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги низом, ҳаётни сугурта қилиш тармоғидаги суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги ва тўлов қобилияти тўғрисидаги алоҳида низомларни ишлаб чиқишдир. Шунингдек, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунга узоқ муддатли ҳаёт суғуртасига оид тегишли моддалар киритилиши лозим.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда ҳаёт суғуртасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

– ҳаёт суғурта тармоғи ва шахсий суғурта турларини тартибга солишга оид илғор хориж тажрибаларини инобатга олиб, миллий қонунчилик базасини такомиллаштириш;

– ҳаётни сугурта қилиш тармоғидаги суғурталовчиларнинг тўлов қобилиятини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг активлари сифатини яхшилаш, шунингдек, инвестиция инструментлари таркибини ва турларини кенгайтириш;

– ҳаёт суғурта компанияларининг тижорат банклари билан ҳамкорликда ҳаёт суғуртаси маҳсулотларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш механизмларини жорий этиш;

– истеъмолчиларга ҳаёт суғуртаси маҳсулотларининг кенг кўламини тадбиқ этиш мақсадида замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, суғурта хизматларининг электрон турларини фаол жорий этиш ҳамда ҳаёт суғурта компаниялари фаолиятига InsureTech технологияларини тадбиқ қилиш;

– ҳаётни узоқ муддатли сугурта қилиш бўйича суғурта хизматларини кўрсатувчи ҳаёт суғурта компанияларининг истеъмолчилар олдидаги мажбуриятини самарали ҳимоя қилиш тизимини яратиш;

– аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш мақсадида, инфляция омилларидан ҳимоя қиладиган узоқ муддатли пенсия суғуртасини ривожлантириш;

– аҳолининг суғурта соҳасидаги билими ва маданиятини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали ҳаёт суғурта тармоғи ҳамда шахсий суғурта турларини тарғибот ва ташвиқот қилиш ишларини оммавийлаштириш, ҳаёт суғуртаси турлари бўйича рекламаларни ижтимоий реклама тоифасига тенглаштириш;

– ҳаёт суғурта соҳасидаги ёш кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини илғор хорижий давлатларда ошириш орқали миллий суғурта бозорини ривожланиши таъминлаш;

Умумий хулоса қилганда, ҳаёт сугуртасининг ривожланиши кўп жиҳатдан, миллий иқтисодиётнинг ҳолатига, макроиқтисодий барқарорлик, жамиятдаги инсонларнинг дунёқараши, молиявий билимларни эгаллаганлик даражаси, аҳолининг реал даромадлари, инфляция даражасига бевосита боғлиқ. Бизнинг фикримизча, ҳаёт суғуртасини ривожлантириш юқоридаги устувор йўналишлар асосида амалга оширилса, ҳаёт суғурта тармоғи фаолиятини янада ривожлантириш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали ҳаёт суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, ҳаёт сугурта компанияларининг инвестицион жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириш, хусусан, ҳаёт суғуртаси турларини аҳоли орасида оммалаштириш, уларни кенг миқёсда

тарғиб қилиш ҳамда инфляция омилларини ҳисобга олган ҳолда ҳаётни узоқ муддатга суғурталашни ташкил этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Казакова А. А. Анализ факторов и перспективы развития инвестиционно – страховых продуктов в России // Финансы и кредит. 26 (506) – 2012. с. 77.

2. www. mf. uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.

Б.У. Камилов,
«Ўзбекинвест» экспорт-импорт
АЖ суғурта компанияси
«Суғурта мактаби» директори
Р.Б. Халиков,
«Ўзбекинвест» экспорт-импорт
АЖ суғурта компанияси
Бош директор биринчи ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАЁТ СУҒУРТАСИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мазкур тадқиқот ишимизда Республикада ҳаёт суғуртасининг мамлакат иқтисодиёти ва фуқаролари учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги, унинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили, моҳияти ва муаммолари Республикада фаолият юритаётган суғурта ташкилотлари мисолида атрофлича баён этилган. Ўзбекистон Республикасида ҳаёт суғуртасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан таклиф, тавсия ва хулосалар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: суғурта, суғурта бозори, рақобат, суғурта маҳсулотлари, аннуитет, тармоқ, суғурта қопламаси.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётида суғурта ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги рискларнинг олдини олиш ва кўрилган зарарларни қоплаб бериш бўйича алоҳида ўрин тутади. Айниқса, инсон саломатлиги ва ҳаёти билан боглиқ рискларни бартараф

этиш, юз бериш эҳтимоли бўлган ҳам салбий, ҳам ижобий ҳодисаларни олдиндан молиялаштириш чораларини режалаштиришга талаб жуда юқори. Шу боис, «жаҳон суғурта бозорида умумий суғуртанинг улуши 45-46 фоизини ташкил қилса, ҳаёт суғуртасининг ўрни 54-55 фоизни ташкил этади. Тўпланаётган суғурта мукофотлари суғурта соҳаси ривожланган мамлакатлар ЯИМининг 8-10 фоизини ташкил этиб, унинг 60 % га яқини ҳаёт суғуртаси ҳиссасига тўғри келади»[1]. Бу эса жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида ҳаёт суғуртасининг ўрни ва унга талаб юқори эканлигини кўрсатади.

Жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси мамлакат иқтисодиёти ва унинг фуқаролари учун муҳим аҳамиятга эга, чунки ушбу суғурта орқали инсон ҳаёти, соғлиги ва меҳнат қобилияти билан боғлиқ турли кутилмаган ҳодисалар юз бериши натижасида оила иқтисодиётига етказиладиган зарарлар ўз вақтида қопланади. Мамлакат иқтисодиёти учун эса ҳаётни узоқ муддатга суғурталовчи суғурта компаниялари томонидан узоқ муддатга мўлжалланган катта ҳажмдаги инвестиция маблағлари йўналтирилади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ҳукумати томонидан суғуртанинг мазкур тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг исботи сифатида 2019 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»[2] қабул қилинган қарорнинг «Йўл харитаси»да ҳаётни суғурталаш хизматларининг янги инновацион турларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш масаласи алоҳида белгилаб қўйилди.

Ўзбекистонда 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Суғурта

[1] https://raexpert. ru – сайт маълумотлари.

[2] *Қонунҳужжатларимаълумотларимиллийбазаси, 03. 08. 2019 й., 07/19/4412/3512-сон*

фаолияти тўғрисида» ги қонунга кўра, суғурта икки тармоққа – ҳаёт суғуртаси ва умумий суғурта тармоғига бўлинган. 2002 йил 27 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг 413-сон «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари»[1] деб номланган қарори асосида қабул қилинган суғурта фаолияти классификаторига кўра ҳаёт суғуртаси тармоғи тўртта классга ажратилган бўлиб, улар 1-класс «Ҳаёт ва аннуитетлар», 2-класс «Никоҳ ва туғилиш», 3-класс «Ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш» ва 4-класс «Соғлиқни суғурта қилиш» деб аталади.

Юқоридаги қарор асосида қабул қилинган «Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги низомга кўра ҳаёт суғуртасига ихтисослашган суғурта компанияси умумий суғурта фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, умумий суғуртадаги «Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш» деб номланган 1-класс ҳамда «Касалликдан эҳтиёт шарт суғурта қилиш» деб номланган 2-класслар бундан мустасно деб белгилаб қўйилган.

2002 йил 27 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 413-сон қарори асосида суғурта фаолияти классификатори қабул қилинди. Ушбу меёрий ҳужжатлар асосида ҳаёт сугуртаси бўйича Ўзбекистонда қонунчилик бирмунча такомиллашди. Натижада мамлакатимизда ҳаёт суғуртасига ихтисослашган биринчи компания «Ўзбекинвест ҳаёт» ШКси 2004 йилда ўз фаолиятини бошлади. Ҳозирги кунда уларнинг сони 8тага етди (2. 1-жадвалга қаранг).

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. 2002 йил 27-ноябрь. / Норма ҳамкор.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, суғурта бозоридаги ҳаёт суғуртасининг улуши 2014 йилда 4, 9 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 25, 4 фоизни ташкил этди, аммо ушбу йилда олдинги йилга нисбатан 0, 1 фоизга пасайиш юз берди. Шундай бўлсада буни юқори ўсиш даражаси дея эътироф этиш мумкин. Аммо ушбу нисбатни суғурта соҳаси ривожланган чет мамлакатлардаги ушбу кўрсаткич билан таққосланганда катта фарқ мавжудлигини кўриш мумкин. Бундай мамлакатларда тўпланган жами суғурта мукофотларида ҳаёт суғуртасининг ҳиссаси 50 фоиз ва ундан ортиқни ташкил этади, яъни ушбу мамлакатларда тўпланаётган суғурта мукофотларининг асосий қисми ҳаёт суғуртаси тармоғи ҳиссасига тўғри келади.

1-жадвал

Ўзбекистонда ҳаёт сугуртасининг ривожланиш динамикаси[1] (жами суғурта мукофотларига нисбатан ҳаёт суғуртаси компаниялари улуши, % да)

№	Суғурта компаниялари	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2019 й.	2020 й.
1.	ЎзбекинвестҲаёт	3, 8	4, 1	5, 2	6, 8	6, 2	4, 1	3, 4
2.	AlfaLife	0, 5	0, 7	1, 0	1, 9	1, 5	2, 9	0, 1
3.	NewLifeInsurance	0, 5	1, 4	2, 3	4, 8	9, 8	9, 3	4, 05
4.	AgrosHayot	-	-	-	1, 4	7, 9	4, 2	2, 8
5.	Euroasia Life	-	-	-	-	0, 1	3, 3	1, 7
6.	KafolatHayot	-	-	-	-	0, 01	1, 0	1, 03
7.	Apex Life	-	-	-	-	-	0, 5	0, 8
8.	Alskom Vita	-	-	-	-	-	0, 1	0, 4
	Ҳаёт суғуртасининг жами суғурта бозоридаги ҳиссаси	4, 9	6, 2	8, 5	14, 9	25, 5	25, 4	14, 3

[1] Молия вазирлигининг MF. UZ сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Мамлакатимизда ҳаёт суғуртаси динамикасининг юқори даражасига қандай омил асос бўлаётганлигига эътибор қаратганимизда шу маълум бўлдики, бу даражага эришишда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти томонидан 2007 йил 10 апрельда қабул қилинган ПҚ-618-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу қарорга асосан мол-мулк суғуртаси ва узоқ муддатли ҳаёт суғуртасига оид суғурта мукофотлари юзасидан юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича имтиёзлар белгиланган бўлиб, ушбу имтиёзларни қўллаш бўйича «Низом» ишлаб чиқилиб, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 24 майдаги 59, 2007-37-сонли қарори билан амалиётга жорий этилган. Ушбу низомга кўра юридик шахс томонидан ўз ходимларининг ҳаётини узоқ муддатли суғурталаш шартномаси бўйича тўланган суғурта мукофотлари суммаси жами даромаддан чегириб ташланадиган ва солиққа тортилмайдиган бўлди. Юридик шахс томонидан ўз ходими учун узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси бўйича тўланган суғурта мукофотлари суммаси, жисмоний шахснинг солиққа тортиладиган даромади сифатида қаралмайдиган бўлди ва худди шундай жисмоний шахс ўз ҳаётини узоқ муддатли суғурта қилганда ҳам у томонидан тўланган суғурта мукофоти бўйича даромад солиғи олинмайди. Юқори ўсиш даражасига ушбу имтиёзлар эвазига эришилган.

2. 2-жадвалда келтирилганидек, ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи суғурта компаниялари сони сўнгги 6 йил оралиғида иккитадан саккизтага етган ва улар томонидан тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми сўнгги олти йил ичида 27, 5 марта ўсган. Ушбу таҳлил қилинган 6 йил ичида юқори ўсиш даражаси 2018 йилда кузатилган бўлиб, 2019 йилда олти йил

давомидаги ўсишнинг энг паст даражаси кузатилган. Бу нима сабабдан юз берди?

2-жадвал

Ҳаёт суғуртасига ихтисослашган суғурта компаниялари томонидан тўпланган суғурта мукофотлари динамикаси[1]

(млрд. сўмда)

№	Суғурта компаниялари	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018й.	2019й.	2020й.
1.	Ўзбекинвест Ҳаёт	16, 5	21, 9	36, 0	63, 5	101, 2	95, 1	74, 9
2.	Alfa Life	2, 4	3, 6	6, 9	17, 5	24, 4	67, 4	21, 5
3.	NewLifeInsurance	2, 4	7, 9	16, 3	44, 7	159, 9	214, 4	89, 9
4.	AgrosHayot	-	-	-	12, 9	129, 6	96, 3	62, 9
5.	Euroasia Life	-	-	-	-	2, 0	78, 5	36, 8
6.	KafolatHayot	-	-	-	-	0, 2	22, 4	22, 8
7.	Apex Life	-	-	-	-	-	11, 2	17, 6
8.	Alskom Vita	-	-	-	-	-	1, 2	8, 1
9.	Жами:	21, 3	33, 4	59, 2	138, 6	417, 3	586, 5	334, 5
10.	Йиллик ўсиш, %		156, 8	177, 2	234, 1	301, 1	140, 6	57, 0
11.	Аҳоли сони (минг киши).	30492, 8	31022, 5	31575, 3	32656, 7	33255, 5	33905, 8	34700, 0
12.	Киши бошига тўғри келган суғурта мукофоти, сўм	699	1076	1875	4244	12548	17298	9639, 8
13.	Жами суғурта мукофотлари, млрд. сўм	439, 1	551, 5	692, 6	927, 5	1635, 2	1727, 5	2213, 7
14.	Йиллик ўсиш, %	129, 7	125, 6	125, 6	133, 9	176, 3	105, 6	128, 1
15.	ЯИМ, трлн. сўм	145, 9	171, 8	199, 3	249, 1	406, 6	511, 8	580, 2
16.	Жами суғурта мукофотларининг ЯИМдаги ҳиссаси, %	0, 30	0, 32	0, 35	0, 37	0, 40	0, 45	0, 26
17.	Ҳаёт суғуртаси мукофотларининг ЯИМдаги ҳиссаси, %	0, 01	0, 02	0, 03	0, 06	0, 10	0, 11	0, 2

[1] Молия вазирлигининг MF. UZ ва Давлат статистика қўмитасининг STAT. UZ сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳаёт суғуртасидаги ўсиш мамлакатимизда асосан давлат томонидан тақдим этилган солиқ бўйича имтиёз эвазига юз бериб келаётган эди, аммо ушбу имтиёзни қўллаш тартибига 2019 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида бироз ўзгартириш киритилди.

Ушбу ўзгариш асосан қуйидагича бўлди: сугурта суммаси шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан камида 12 ойдан сўнг бир йўла тўланганда ва бунда суғурта бадалларини тўлаш суғурта суммасини тўлаш санасидан олдинги 12 ойлик даврда ўсиб бормайдиган тартиб бўйича амалга оширилгандагина имтиёз қўлланилади. Мана шу киритилган ўзгартириш 2019 йилда ҳаёт суғуртаси бўйича йиллик ўсиш даражасининг сезиларли даражада пасайишига олиб келди.

Фақат имтиёзга таянган ҳолда ишни ташкил қилиш масалага бир ёқлама ёндашув бўлиб, бугунги кунда имтиёздан фойдаланиш бўйича киритилган ўзгартириш суғурта компаниялари фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатди.

Суғурта мукофотларининг ЯИМдаги ҳиссаси кўрсаткичи бўйича жами суғурта мукофотлари ўсиши 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 0, 05 фоизга ўсгани ҳолда, ҳаёт суғуртаси мукофотларининг ушбу даврдаги ўсиши 0,01 фоизни ташкил этган. Хулоса қилиш мумкинки, ҳаёт сугуртасининг ўсиш даражаси барча кўрсаткичлар бўйича пасайиш тенденциясига эга. Ушбу пасайишга юқорида келтирилган қарорнинг таъсири ва суғурта компаниялари томонидан фақат имтиёзга таянган ҳолда ишни ташкил қилганлиги сабаб бўлган дея хулоса қилиш мумкин.

2.3-жадвални таҳлил қилганимизда, 2014 йилга нисбатан 2019 йилда тўлаб берилган суғурта тўловлари 50 мартага ошганлигининг гувоҳи бўлдик. Юқорида 2.2-жадвални таҳлил қилганимизда ушбу олти йиллик оралиқда суғурта мукофотларининг 27,5 марта ошганлигининг гувоҳи бўлган эдик. Бундан кўринадики, суғурта тўловларида ўсиш анчагина юқори бўлган. Бу шуни англатадики, ҳаёт суғуртаси бўйича тузилган суғурта шартномалари асосан қисқа муддатли ва шу билан бирга улар асосан жамғариб бориладиган суғурта турларидан иборат бўлиб, улар муддати тугагандан кейин тўлиғича қайтарилиши муносабати билан суғурта тўловлари ҳажми кескин ошиб борган. 2019 йилда тўлаб берилган суғурта қопламалари ҳажмининг кескин ошганлиги юқоридаги қарор асосида имтиёз тақдим этишдаги ўзгаришга боғлиқ бўлиб, ушбу ўзгариш натижасида, тузилган янги суғурта шартномалари сони камайиши юз берганлиги сугурта тўловлари ҳажмининг юқори бўлишига олиб келган. 2020 йилда суғурта қопламалари жами 317,9 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда, 2019 йил қопламаларига нисбатан 211,5 млрд. сўмга кам бўлган.

3-жадвал

Ҳаёт суғуртасига ихтисослашган суғурта компаниялари томонидан тўлаб берилган суғурта қопламалари динамикаси[1] (млрд. сўмда)

№	Суғурта компаниялари	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2019й.	2020й.
1.	Ўзбекинвест Ҳаёт	9, 4	14, 6	20, 3	37, 6	68, 1	110, 4	86, 8
2.	Alfa Life	1, 1	2, 4	3, 2	12, 4	17, 6	39, 1	38, 1
3.	NewLifeInsurance	0, 6	4, 9	11, 1	25, 0	98, 7	230, 6	88, 9

[1] Молия вазирлигининг MF. UZ сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

4.	AgrosHayot	-	-	-	3, 3	79, 1	109, 8	48, 2
5.	Euroasia Life	-	-	-	-	0, 4	23, 9	25, 1
6.	KafolatHayot	-	-	-	-	0, 0	14, 4	18, 4
7.	Apex Life	-	-	-	-	-	0, 9	6, 8
8.	Alskom Vita	-	-	-	-	-	0, 2	5, 9
9.	Жами:	11, 1	21, 9	34, 6	78, 3	263, 9	529, 4	317, 9
10.	Суғурта мукофотларига нисбатан қопламалар ҳажми, %	52, 1	65, 6	58, 4	56, 5	63, 2	90, 3	95, 1

2018 йилда ҳаёт суғуртаси бўйича тўпланган суғурта мукофотларининг асосий қисми, яъни 90 фоизи жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси ва суғурта рентаси тўлови билан узоқ муддатли ҳаёт суғуртаси суғурта маҳсулотларидан иборат[1] бўлиб, ушбу иккала суғурта маҳсулоти ҳам белгиланган солиқ имтиёзларига тушадиган суғурта маҳсулотлари ҳисобланади.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, ҳаёт суғуртаси бўйича юқори ўсиш даражасига эришишда белгиланган имтиёз асосий омил бўлиб хизмат қилган. Аммо суғурталовчилар шуни унутмасликлари керак, солиқ имтиёзлари доимийлик хусусиятига эга эмас, улар кутилмаганда бекор қилиниши мумкин.

Суғурта аҳолининг қанча кўп қисмини қамраб олса, бу аҳолининг шунчалик ижтимоий ҳимояланганлигини билдиради. Бу эса ўз навбатида давлатнинг ижтимоий соҳага йўналтириладиган сарф-харажатларини тежалишига ёрдам беради.

[1] Тошкент халқаро молия-банк форуми материаллари. 2019 й. 27-30 март, Bank. saipro. uz.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 2002 йил 5 апрель, ЎРҚ-358-II-сон.

2. 2017-2021 йиллар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

3. Семенова Е. В. Развитие накопительного страхования жизни физических лиц в Российской федерации. автореферат дисс. на соискание к.э.н., Иркутск-2014г.

4. www. mf. uz Молия вазирлигининг маълумотлари.

О.Т. Юлдашев,
Банк-молия академияси докторанти, и.ф.н.

ҲАЁТ СУҒУРТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақола ҳаёт суғуртасини ташкил этиш принципларига бағишланган бўлиб, унда бу принципларнинг ҳаёт суғуртасини ривожлантиришдаги аҳамияти кенг очиб берилган.

Калит сўзлар: суғурта манфаати, дисконтлаш, фойдада иштирок этиш, қайта сотиб олиш суммаси.

Ҳар бир инсон учун унинг ҳаёти (тириклиги), соғлиғи ва меҳнат қобилияти энг асосий тушунча ҳисобланади. Чунки, инсоннинг ҳаётдаги ҳар қандай қизиқишлари айнан уларга нисбатан келиб чиқади. Шу сабабдан, ҳаёт ёки соғлиқни йўқотиш ҳамда ногиронлик билан боғлиқ рискларни англаш ва улардан суғуртавий ҳимояланиш ҳар бир шахснинг энг оқилона хатти-ҳаракатидир. Мазкур рисклардан суғуртавий ҳимояланиш инсонларга ўз маблағларидан самарали фойдаланиш ва инвестицион даромадлар олиш билан бирга рискларни қисман ёки тўлиқ суғурта компаниялари зиммасига юклаш имконини беради.

Ҳозирги пайтда, ҳаёт суғуртаси фақатгина, маълум бир ёшга ёки муддатга қадар тирик қолиш ёҳуд ўлим ҳолатида моддий таъминот билан боғлиқ мулкий манфаатларни ҳимоя қилишнинг бир усули эмас, балки, жисмоний шахслар учун

узоқ муддатли истиқболга молиявий режалаштириш воситаси, шунингдек, инвестицион фаолиятнинг бир тури (инвестицион ҳаёт суғуртаси) ва суғурта ҳимоясининг зарурий даражасини ўзида оптимал мужассамлаштириш (рискли ҳаёт суғуртаси) воситаси ҳамда потенциал тарзда чекланмаган миқдорда даромад олиш (жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси) имкониятидир.

Амалга оширилган тадқиқот натижаларимизнинг кўрсатишича, ҳаёт суғуртасини ривожлантириш масаласини оқилона ҳал этиш, кўп жиҳатдан, уларнинг қандай принципларга асосланиб ташкил қилинганлигига боғлиқ. Шу нуқтаи-назардан, қуйида ана шу принципларни кенгроқ ифодалашга ҳаракат қиламиз.

Бизнинг фикримизча, ҳаёт сугуртасини ташкил этишнинг **биринчи** принципи сугурта манфаатининг мавжудлигидир. Ҳаёт суғуртаси фақатгина ундан суғурта қилдирувчи манфаатдор бўлганда амалга оширилади. Яъни, ҳар қандай шахснинг ҳаётини суғурта қилдиришдан суғурта қилдирувчи суғурта манфаатига эга бўлиши лозим. Ҳаёт суғуртасида суғурта манфаати суғурталанган шахснинг ўлими натижасида юзага келадиган моддий йўқотишларни қоплаш қиймати билан баҳоланади. Мулкий суғуртада эса, сугурта қилдирувчининг сугурта манфаати сугурталанган мол мулкнинг қийматига тенг. Ҳаёт суғуртасида суғурта манфаатининг қачонгача давом этиши доимо баҳсларга сабаб бўладиган савол ҳисобланади: шартнома тузиладиган вақтга қадарми, шартноманинг бутун амал қилиш давридами ёки суғурта тўлови тўланадиган пайтга қадарми? Бизнинг фикримизча, суғурта манфаати суғурта шартномаси тузилган пайтга қадар давом этади, ундан кейин эса манфаатдорлик чораси суғурта йўли билан ҳал этилган ҳисобланади. Шу ўринда айтиш керакки, суғурта қилдирувчи ўзининг, иш берувчи ходимларининг, эр хотинининг (ёки

тескариси), ота-она фарзандларининг, бизнес ҳамкорлар бир-бирининг, кредитор қарз олувчининг ҳаётига нисбатан суғурта манфаатига эга бўлиши мумкин.

Ҳаёт суғуртасини ташкил этишнинг **иккинчи** энг муҳим принципи дисконтлаш бўлиб, ҳаёт суғуртасини ривожлантириш нуқтаи-назаридан бу принципнинг аҳамияти жуда катта. Ушбу принцип математик статистика ёрдамида жамиятнинг демографик ривожланиш (ҳаётнинг давомийлиги, яшаб қолиш ёки маълум ёшда вафот этиш эҳтимоллиги каби) кўрсаткичларини етарлича яққол аниқлаш имконини беради, бу эса, суғурталовчиларга келгусидаги суғурта тўловларининг аниқ вақтини тўғри режалаштиришга шароит яратади. Шу жиҳатдан, суғурта ташкилотлари суғурта тўловларини амалга ошириш вақтини олдиндан билган ҳолда, келиб тушаётган суғурта мукофотларини юқори даражадаги ишонч билан инвестиция қилади. Ҳаёт суғурта компаниялари институционал инвестор ҳисобланади, чунки уларнинг даромадларини асосий қисмини инвестицион даромадлар ташкил қилади.

Келгуси даромадларнинг жорий қийматини аниқлаш дисконтлаш дейилади. Дисконтлаш ставкаси V^n келажакда n йилдан кейин белгиланган i даромадлилик фоиз ставкаси бўйича бир бирлик пул фондига эга бўлиш учун бугун қанча маблағ қўйиши кераклигини кўрсатади:

$$V^n = \frac{1}{(1+i)^n} \qquad (1)$$

Келгусидаги суғурта тўловларини дисконтлашда даромадлилик фоиз ставкаси сифатида одатда давлат қимматли қоғозларининг фоиз ставкаси, тижорат банклари фоизлари ёки Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси қўлланилиши мумкин.

Узоқ муддатли ҳаёт суғуртасида инвестицион даромадларни ҳисоблашнинг дисконтлашдан бошқа усуллари, жумладан, суғурталовчининг фойдасида иштирок этиш усули қўлланилади.

Ҳаёт суғуртасини ташкил этишнинг **учинчи** принципи сифатида суғурталовчининг фойдасида иштирок этишни кўрсатиш мумкин. Бу принцип ҳам ҳаёт суғуртасини ривожлантиришда ёки ривожланиш даражасини аниқлашда муҳим ўрин тутади. Хусусан, унга кўра, суғурта компаниялари ҳаёт суғуртасининг узоқ муддатлилик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, суғурта захираларини инвестиция қилишдан оладиган фойдасида иштирок этиш учун суғурта қилдирувчиларни жалб қиладилар. Суғурта компанияси олган фойдасининг бир қисмини ҳаётни суғурталаш шартномалари бўйича суғурта суммаларини қўшимча оширишга йўналтиради. Ушбу қўшимча сумма бонус деб аталади ва фақатгина шартнома муддати тугагандан кейин ёки суғурта ҳодисаси содир бўлганда тўланади. Фойдада иштирок этиладиган сугурта шартномаларида фойдада иштирок этилмайдиган шартномаларга нисбатан сугурта мукофотлари юқори бўлади, гарчи суғурта суммаси бир хил бўлса ҳам. Ҳисобланган бонуслардан йиллик суғурта мукофотларини камайтириш учун фойдаланиладиган тизимлар ҳам мавжуд.

Сугурта шартномасини қайта сотиб олиш ҳаёт суғуртасини ташкил этишнинг **тўртинчи** принципи ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, узоқ муддатли ҳаёт суғуртасини ривожлантиришда ана шу принцип талабларининг бажарилишига марказий ўрин ажратилмоғи лозим. Гап бу ерда суғурта ташкилоти томонидан ҳаёт суғурта шартномасини ҳар қандай сабабга кўра муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилган суғурта қилдирувчига тўланадиган пул миқдорини ўзида ифодалайдиган қайта сотиб олиш суммаси тўғрисида кетаяпти. Қайта

сотиб олиш суммаси – бу узоқ муддатли ҳаётни суғурталаш шартномаси бўйича тўпланган мукофотлар захирасининг шартнома муддатидан олдин тугатилган кундаги қийматидир. Ҳар бир шартнома бўйича тўланган мукофотлар жамланади ва математик захира шакллантирилади. Масалан, 2 ёки 3 йилдан кейин суғурта қилдирувчи шартномани белгиланган муддатдан олдин бекор қилиб, тўлаган сугурта мукофотларининг бир қисмини қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бу эса, ҳаёт суғурта ташкилотининг асосий рискларидан бири ҳисобланади. Шу сабабдан, қайта сотиб олиш қийматини шартнома шартига киритиш ва олдиндан келишиб олиш лозим. Одатда, сугурта шартномасида қайта сотиб олинишнинг кафолатланган қиймати шартноманинг тугатилиши мумкин бўлган турли даврлари учун турлича қийматда кўрсатилади, шунингдек, суғурта мукофотларининг тўланган муддати, ҳажми ва йиллик бонусларга боғлиқ бўлади. Қайта сотиб олиш қиймати ҳар доим шартнома муддати тугаганда ёки суғурта ҳодисаси юзага келганда тўлаб бериладиган суммадан кам бўлади. Сабаби, суғурта ташкилоти қайта сотиб олиш қийматини аниқлаётганда ўзининг устама харажатлари ва агентларга берган комиссион суммани ушлаб қолади.

Ва ниҳоят, ҳаёт сугуртасини ташкил этишнинг **бешинчи** принципи сифатида ҳаёт суғуртасининг шаффофлигини эътироф этиш мумкин. Суғурта қилдирувчи суғурта шартномаси тузилаётган вақтда ёки унинг амал қилиш муддати давомида суғурта ташкилотидан унинг фаолияти ва суғурта операциялари ҳақида барча маълумотларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга эканлиги ана шу принципга риоя этилишини тақозо этади. Мазкур принцип суғурта ташкилотларига, суғурта шартномаси тузилаётган пайтда ёки тузиб бўлингандан кейин фақатгина керакли маълумотни етказиб бериш эмас, балки, шартнома-

нинг асосий ва қўшимча шартлари, суғурта муддати, мукофот тўлаш ва бонус ҳисоблаш тартиби, шартномани қайта сотиб олиш қийматини аниқлаш қоидалари, шартнома бўйича даъво қилиш тартиби, шартнома шартларининг ўзгариши ёки суғурта тури бўйича қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақида суғурта қилдирувчиларга тўлиқ маълумотлар бериш мажбуриятини юклайди.

Шундай қилиб, юқоридаги принциплар асосида ташкил этилган ҳаёт суғуртаси миллий иқтисодиётни ривожлантириш доирасида ижтимоий-иқтисодий характердаги муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берадиган энг муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Ҳаёт суғуртасини ташкил этиш принципларининг ҳамоҳанглиги ҳаёт суғуртасини ривожлантиришда доимо диққат марказда туриши лозимлигини яна бир марта таъкидлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Адамчук Н. Г. Международная практика страхование жизни. Учебное пособие. – М.: Анкил 2009. – с. 128

2. Лелчук А. Л. Страхование жизни. Учебное пособие. – М.: Анкил 2010. – с. 420.

3. Юлдашев О.Т., Закирходжаева Ш. А. Ҳаёт суғуртаси. Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисод-молия», 2019. – 380 б.

М.М. Миролимов,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети докторанти

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЗЛУКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ҲАЁТИНИ СУҒУРТАЛАШ АФЗАЛИКЛАРИ

Аннотация. Республикада молия бозорини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли молиявий хизматлар билан қамраб олиш кўламини кенгайтириш, суғурта ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ушбу соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Шу билан бирга ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳоли ҳаётининг сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган молиявий хизматларни фаол ривожлантириш Республикада суғурта бозорининг ролини кучайтиришни ва суғурта воситаларини кенг қўллашни тақозо этмоқда.

Калит сўзлар: суғурта, ҳаёт суғуртаси, суғурта бозори, чора-тадбирлар, ислоҳотлар, инновация, меҳнат ресурслари, фаол, сифат, манфаат, иқтисодиёт, ривожланиш, стратегия, миллий суғурта бозори, суғурта хизматлари, агентлик, экспорт, импорт.

Жаҳонда юз бераётган иқтисодий глобаллашув жараёни ва молиявий инқирозлар, иқтисодий хавфсизликка қаратилган

таҳдидлар шароитида миллий иқтисодиётни модернизация қилиш ва ривожлантириш ҳар бир давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Мамлакатлар ижтимоийиқтисодий тараққиёти асосида турли тармоқ ва соҳаларнинг ривожланиши ётади. Тараққиёт давомида ҳам бир қанча муаммолар ўзининг салбий хусусиятлари билан ҳам давлат фаолиятига, ҳам жамият ҳаётига таъсир кўрсатади. Мана шундай тармоқлардан бири сифатида суғурта тизими бўлиб, бугунги кунда мамлакатимизда миллий суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш, суғурта хизматларининг талаб юқори бўлган янги турларини жорий этиш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига бўлган ишончини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга ошириш бўйича Давлат дастурига мувофиқ бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ қилиш важадал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

Суғурта соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шу жумладан, халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини ҳамда ушбу соҳадаги энг яхши жаҳон тажрибаларини изчил жорий этиш;

Тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш орқали суғурта бозорининг ишончлилиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган суғурта фаолиятини тартибга солиш тизимини институционал ривожлантириш;

Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини, тўлов қобилияти ва молиявий барқа-

рорлигини ошириш, уларнинг активлари сифатини яхшилаш, шунингдек, суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини ривожлантириш;

Суғурта брокерлари фаолиятини фаоллаштириш, суғурта агентларининг ишлаш тизимини такомиллаштириш, банк-суғурта механизмларини жорий этиш, шунингдек, умуман суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг ролини ошириш орқали суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш;

Суғурта хизматлари истеъмолчилари ва суғурта фаолиятининг бошқа субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, аҳолининг суғурта саводхонлигини ва суғуртага бўлган ишончини ошириш, суғурта бозорининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

Янги инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этиш ва талаб юқори бўлган анъанавий маҳсулотларни ривожлантириш орқали кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажмларини, турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

Суғурта фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш соҳасида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, суғурта хизматларининг электрон турларини фаол жорий этиш ва ривожлантириш;

Сугурта бозори мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, суғурта соҳасида таълим беришнинг замонавий усулларини қўллаш, илмий-тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш;

Миллий суғурта бозорининг ижобий имижини шаклантириш ва юқори даражада ушлаб туриш ҳамда инвестициявий жозибадорлигини, шу жумладан, миллий суғурта бозорини халқаро ва хорижий сугурта бозорлари билан интеграциялаш

орқали ошириш каби бир қатор йўналишлар белгилаб олинди [1].

Суғурта инсоният ҳаёти ҳамда мулкий манфаатларини ишончли ҳимоя воситасидир. Суғурта бозори мулкчиликнинг деярли барча шаклларини табиий офатлардан сақлашда хилма-хил фалокатлар натижасида одамларга етказиладиган зарарларни қоплашда моддий жиҳатдан ёрдам беради.

Бугунги кунда суғурта компаниялари томонидан кўрсатилаётган сугурта хизматлари ва сифати долзарб масала бўлиб келмоқда. Суғурта компаниялари йилдан-йилга жаҳон андозаларига жавоб берадиган, сифатли ва рақобатбардош суғурта маҳсулотларини яратиб келмоқдалар. Лекин ҳар доим ҳам суғурта компаниялари томонидан ишлаб чиқилаётган суғурта хизматлари мижозларнинг манфаатларига мос келмаслиги мумкин. Айни вақтда мамлакатимизда фаолият юритаётган 41 та суғурта компанияси томонидан мижозларга 300 дан ортиқ турдаги хизматлар кўрсатилмоқда. Ушбу компаниялар хизматлар рўйхатини йилдан-йилга кенгайтирмоқда, суғурта мукофотлари ва тўловлари миқдорини кўпайтирмоқда [2].

Ана шундай суғурта турларидан бири ҳаёт суғуртаси бўлиб, ҳаёт суғуртаси ўзининг молиявий таркибига кўра бошқа суғурта турларига нисбатан анчагина мураккаб ҳисобланиб, унинг мураккаб томони инсон ҳаётини пул билан ўлчаб бўлмаслигидадир. Бу эса суғурталовчи (суғурта таъминоти) ва суғурталанувчининг (суғурта тўлови) жавобгарлик ҳажмини ҳисоблашда мураккаб молиявий ҳисобларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк йилларида яни 1994-йилдан мамлакатда ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи ягона суғурта ташкилоти («Ўзбекинвест ҳаёт» ШК) фаолият кўрсата бошлаган бўлса,

бугунги кунда уларнинг сони 8 таға етди. Уларнинг фаолияти борган сари ўсиб бормоқда.

Суғурта ташкилотлари жумладан, ҳаётни суғурталовчи ташкилотлар фаолиятини модернизациялашнинг жорий ҳолати ва истиқболари бўйича илмий-тадқиқот ишлари Бланд Д, Манэс А, Орланюк-Малицкая Л.А, Турбина К.Е, Сплетухов Ю, Рейтман Л. И, Шахов В.В, Т.А. Федорова, Юлдашев Р. Т. каби хорижлик олим ва мутахассислар томонидан амалга оширилган. Бундан ташқари, Боев Х.Н, Собиров Ҳ.Р., Икрамов О.Г., Халимов И. З., Ризаев Ж.Х. и.ф.д., проф. Иминов Т. К., и.ф.д., проф. Ш. Имомов, и.ф.д. Умаров С.А., и.ф.н., доц. Шеннаев Х.М., и.ф.н. доц. Баймуратов Т.М., Абдумўминова С. Т каби мамлакатимиз олим ва мутахассислари суғурта ташкилотларини модернизациялашнинг долзарб масалалари бўйича муайян тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Илмий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бозор иқтисодиёти шароитида молия тизимининг хусусан, суғурта хизматлариининг шу жумладан, ҳаёт суғуртаси ва унинг структурасини ўрганилганлик даражаси етарли эмас, бу йўналишда ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Ҳозирги кунда меҳнат ресурсларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг турмуш-тарзини яхшилаш қолаверса соғлиқлари ва ҳаётларини турли-хил салбий омиллар тазиридан химоялаш муҳим вазифалардан бир бўлиб келмоқда [3]. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва айниқса, меҳнат ресурсларини ҳаёти ва соғлиқларини ҳимоялаш ва суғурта компанияларига бўлган ишончни ошириш мақсадида давлат томонидан ва суғурта фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар томонидан бир қанча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси молия тизимининг ажралмас таркибий қисми бўлган суғурта соҳасини, хусусан,

ҳаёт суғуртасини ривожланиши ва барқарорлигини таъминлаш масалаларини ўрганиш асосида, Республикамизда суғурта барқарорлигини, суғурта ишини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқилди.

– Ўзбекистон миллий суғурта бозори ва унинг ривожланиш хусусиятларини, макроиқтисодий ўрнини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

– Жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда суғурта компанияларининг ривожланиш истиқболларини излаб топиш;

– Суғурта хизматларини кенгайтириш ва сифатини ошириш билан боглиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилган таклиф ва илмий тавсиялар бериш.

– суғурта хизматларини сифатли ташкил этишда мавжуд муаммо камчиликларни аниқлаш ва уларни статистик ўрганиш;

– шахсий суғуртанинг жумладан, ҳаёт суғуртаси турлари, объектлари ва амалиётга тадбиқ қилиш йўлларини ишлаб чиқиш.

– Ўзбекистонда ҳаётни узоқ муддатли суғурталашнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш;

– Ривожланган чет давлатларда ҳаётни узоқ муддатли сугурта қилиш фаолиятини ташкил этилишини ўрганиш;

– Ўзбекистонда ҳаётни суғурталашдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Илмий изланиш натижалари шуни кўрсатадики, мамлакатимиз аҳолиси томонидан ўтган даврларга нисбатан ҳозирғи кунда қизиқиш ва суғурта компанияларига бўлган ишонч ортганлигини қуйидаги рақамлар орқали ҳам кўришимиз мумкин бўлади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган компанияларнинг ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта мукофотлари, суғурта тўловлари ва мажбуриятлари тўғрисида маълумот

№	Суғурта ташкилотлари номи	Суғурта мукофотлари			Суғурта тўловлари			Суғурта мажбуриатлари		
		01. 01. 2020	01. 01. 2021	ўзгариши % да	01. 01. 2020	01. 01. 2021	ўзгариши % да	01. 01. 2020	01. 01. 2021	ўзгариши % да
	Жами	**586 356, 2**	**334 367, 2**	**57%**	**529 420, 9**	**317 959, 0**	**60%**	**3 102 484, 7**	**2 875 534, 2**	**93%**
1	**«New Life Insurance» MChJ**	214 377, 5	89 851, 4	42%	230 639, 3	88 860, 7	39%	129 609, 4	329 892, 2	255%
2	**«O'zbekinvest Hayot» MChJ**	95 066, 4	74 934, 2	79%	110 398, 7	86 758, 1	79%	1 895 880, 6	803 329, 0	42%
3	**«Agros Hayot» MChJ**	96 254, 1	62 929, 6	65%	109 841, 1	48 213, 9	44%	381 728, 8	1 289 207, 7	338%
4	**«Euroasia Life» MChJ**	78 473, 3	36 761, 5	47%	23 891, 6	25 038, 5	105%	68 523, 4	133 023, 7	194%
5	**«Kafolat Hayot» MChJ**	22 423, 5	22 765, 8	102%	14 362, 0	18 399, 4	128%	92 730, 4	121 616, 1	131%
6	**«Alfa Life» MChJ ST**	67 372, 4	21 451, 9	32%	39 127, 9	38 011, 7	97%	512 333, 1	130 563, 9	25%
7	**«Apex Life» MChJ**	11 211, 5	17 637, 8	157%	917, 0	6 779, 9	739%	13 738, 5	36 839, 2	268%
8	**«Alskom Vita» MChJ**	1 177, 5	8 035, 2	682%	243, 3	5 896, 8	2424%	7 940, 6	31 062, 3	391%

mf. uz маълумотлари асосида тузилган

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳолини суғурта кампанияларига бўлган ишончи ва қизиқиши кундан-кунга ортиб бораётганлигини рақамларда кўришимиз мумкин. Мустақиллигимизнинг илк йилларида аҳолини молия бозори ва суғурта тизими ҳақидаги билим ва кўникмалари бугунги кунда бироз ижобий томонга ўзгарганлигини аҳолини суғурта компанияларига бўлган ишончни ортганлигини 2020-йилга нисбатан 2021-йилнинг биринчи чорагидаги ижобий ўзгаришлар натижасида ҳам кузатамиз мумкин.

2-жадвал

№	Суғурти компаниялар номи	01.01.2020		01.01.2021		ўзгариш %да (амалдаги шартнома)	ўзгариш %да (тузилган шартнома)
		амалдаги шартномалар сони	тузилган шартномалар сони	амалдаги шартномалар сони	тузилган шартномалар сони		
	жами	109 261	133 249	470 787	470375	431%	353%
1	«Agros Hayot» MChJ	60 576	77 732	415 644	420 369	686%	541%
2	«New Life Insurance» MChJ	11 735	5 937	17 914	8 763	153%	148%
3	«O'zbekinvest Hayot» MChJ	5 667	6 001	14 427	14 392	255%	240%
4	«Euroasia Life» MChJ	23 968	31 404	11 644	13 044	49%	42%
5	« Kafolat Hayot» MChJ	68	67	5 035	5 541	7404%	8270%
6	«Alfa Life» MChJ	7 008	11 869	4 239	6 336	60%	53%
7	«Arex Life» MChJ	173	173	1 219	1 211	705%	700%
8	«Akskom Vita» MChJ	66	66	665	719	1008%	1089%

mf. uz маълумотлари асосида тузилган (2021-йил февраль ҳолатига).

Юқоридаги жадвалда ҳаётни суғурта қилувчи суғурта компаниялари томонидан амалга оширилган ва тузилган шартномаларни кўришимиз мумкин. Ушбу жадвал маълумотларга қараганда 2021 йилда тузилган шартномалар сони 2020 йилнинг мос даврига нисбатанбир мунча ошганлигини кўришимиз

мумкин. Мисол учун «Agros Hayot» MCHJ томонидан 2021 йил 2020 йилга нисбатан амалдаги шартномалар сони 686% тузилган шартномалар сони эса 541% га ўсганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

3-жадвал

№	Суғурти компаниялар номи	01.01.2020		01.01.2021		ўзгариш %да (амалдаги шартнома)	ўзгариш %да (тузилган шартнома)
		амалдаги шартномалар сони	тузилган шартномалар сони	амалдаги шартномалар сони	тузилган шартномалар сони		
	жами	**276 632**	**189 666**	**535 061**	**338 260**	**193%**	**178%**
1	«Agros Hayot» MChJ	225 932	174 666	484 102	320 083	214%	183%
2	«New Life Insurance» MChJ	12 737	1 312	21 482	6 007	169%	453%
3	«O'zbekinvest Hayot» MChJ	22 888	4 541	11 911	4 205	52%	93%
4	«Euroasia Life» MChJ	307	258	5 412	670	1763%	260%
5	« Kafolat Hayot» MChJ	6 134	5 690	5 179	4 344	84%	76%
6	«Alfa Life» MChJ	7 974	2 792	3 395	814	43%	29%
7	«Arex Life» MChJ	516	343	2 486	1 598	482%	456%
8	«Akskom Vita» MChJ	144	70	1 094	469	760%	670%

mf. uz маълумотлари асосида тузилган (2021 йил май ҳолатига кўра дастлабки маълумотлар).

Юқоридаги маълумотлар шуни таъкидлаш лозимки, қисқа давр мабайнида суғурта кампаниялари томонидан амалга оширилган шартномалар сони ўсганлигини кўришимиз мумкин. Аммо ушбу малумотларга қарамасдан мамлакат аҳолиси сонига нисбатан кўрсатгичларимиз юқори даражада деб ҳисоблашга йўл қўйилмайди. Шунинг учун ҳам аҳоли ўртасида турли-хил тарвиқот ва ташвиқот ишларини амалга оширишни тақозо этади. Республикамизда шахсий суғурта, ҳаёт суғуртаси ва уни амалга ошириш юзасидан қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштирилиш зарур. Ҳаёт суғуртаси тармоғида бор йўғи 8та суғурта компания фаолият юритмокда. Уларнинг фаолияти

тўғрисидаги маълумотлар ва мижозларга кўрсатаётган хизмат турлари ҳақидаги маълумотларнинг ёпиқлиги, аҳолининг ҳаёт суғуртаси бўйича етарлича маълумотга эга эмаслиги суғурта компанияларининг энг жиддий муаммосидир. Бу борада хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва суғурта фаолиятини самарали йўлга қўйиш, янги инновацион технологияларни соҳага жалб этиш ва айнан ҳаёт суғуртаси тармоғида йиғилган суғурта мукофотларидан унумли фойдаланиш, суғурта компанияларнинг узоқ муддатли инвестиция фаолиятини амалга ошириш имкониятини беради. Бу ўз навбатида компанияларнинг молиявий барқарорлигини таъминлайди.

– Республикамизда ҳаёт сугуртасини амалга ошириш юзасидан қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш ва суғурта бозорида ҳаёт суғуртаси тармоғибўйича суғурта хизмат турларини кўпайтириш ва уни рақобат-бардошлигини ошириш мақсадида ҳудудларда ҳаёт суғуртаси бўйича ихтисослашган суғурта компанияларининг агентлик бўлимлари ва филиалларини ташкиллаштиришни кенг йўлга қўйиш керак;

– Амалда суғурталовчи ва мижоз ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига тўсиқ бўладиган кўплаб сабаблар мавжуд. Аҳолининг суғурта маданиятининг пастлиги – албатта, бу сўз бирозгина қўпол эшитилгани билан, аммо ҳақиқат эканлигини тан олишимиз керак. Чунки ҳақиқатдан ҳам ҳозирги кунда жамият ўртасида суғурта ҳақидаги тасаввур, суғурта ҳақидаги маданият, суғурта ҳақидаги тушунча инсонлар онгида ҳали унчалик даражада шаклланмаганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бу эса, суғурта соҳасида фаолият юритувчиларнинг энг катта муаммоларидир.

– Аҳолининг суғуртага нисбатан ишончнинг пастлиги. Суғуртага бўлган ишончни таҳлилқилишдан аввал, келинг суғуртанинг таърифини бир эслаб кўрайлик:» Суғурта –бу

юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилувчи тадбиркорлик тармоғидир». У инсонларнинг ҳаёти, соғлиғи, тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилади. Нега кишилар унга яъни суғурта соҳасига унчалик даражада ишонч билдиришмаяпти? Шундай экан, аҳолининг суғуртага бўлган ишончини ошириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилиши зарур. Бу Республикамиз суғурта компанияларининг зиммасида турган жуда зарур ва долзарб масаладир.

– Суғурта компанияларининг етарлича даражада хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйилмаганлиги. Суғурта компанияларнинг мижозларга хизмат кўрсатиш тизимини юқори даражада деб бўлмайди. Бунга асистанс хизматларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Асистанс хизматларини юқори даражада йўлга қўйилиши катта ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Чунки бу суғурталанувчи ва мижозларга, улар ўртасидаги муносабатларга жуда катта қулайликлар яратилишидан далолат беради. Ва албатта суғурта соҳасига рекламани кучайтириш, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини мунтазам олиб бориш керак. Шунда ҳеч бўлмаганда инсонларда суғурта ҳақида тушунча ҳосил бўлади деган фикрдаман.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. Т.: «Адолат». 2016.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури тўғрисида. ПҚ-2133-сон, 2017йил 19 февраль.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва

ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». 2016 йил 5 октябрь, ПФ-4848.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. «Суғурта фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида. 2013 йил 6 ноябрь, 298-сон.

6. Баратова Д., Ўзбекистонда суғурта бозорини ривожлантириш кўрсаткичлари ва аҳолига хизмат кўрсатишдаги ўрни. «Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar» ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2020-yil 281 3/2020 (№ 00047) http://iqtisodiyot. tsue. uz

Интернет сайтлари

www. gov. uz.
www. mf. uz.
www. lex. uz.
www. soliq. uz.
www. agross. uz.
www. invtst hayot uz.
www. uza. uz.
www. kafolat. uz.
www. Uzreport.
www. gross insuranc. uz.
www. uzbekinvest. uz.
www. agroshayot. uz

С.Ф. Мирзоев,
«Ўзбекинвест» ЭИСК АЖ
Корпоратив мижозлар билан ишлаш ва ҳудудий
ривожлантириш департаменти
Бош менежери
Р.Б. Халиков,
«Ўзбекинвест» экспорт-импорт
АЖ суғурта компанияси
Бош директор биринчи ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ (Хориж тажрибаси)

Аннотация. Мазкур мақолада Республика суғурта бозоридаги мавжуд муаммолар, суғурта бозори таркиби ва уни тартибга солувчи норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар, суғурта бозорининг ҳозирги ҳолати мисолида атрофлича баён этилган. Шунингдек мавжуд муаммолар сабаблари таҳлил қилинган бўлиб, хориж тажрибаси мисолида уларга бир қатор ечимлар бериб ўтилди ҳамда суғурта бозорини ривожлантириш юзасидан таклиф, тавсия ва хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: муаммо ва ечимлар, суғурта, суғурта бозори, ривожлантириш, хориж тажрибаси, суғурта маданияти, суғурта мукофоти, рақобат, суғурта маҳсулотлари, онлайн сотув, рақамлаштириш, суғурта агенти, инновацион маҳсулотлар, бошқарув кадрлари ва мутахассислар.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарликларида охирги 4 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди, барча соҳаларда ислоҳотлар олиб борилиб, улар изчиллик давом эттирилмоқда.

Айниқса, мамлакатимизнинг халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлиши, Республикамиз иқтисодий равнақи ва салоҳиятини янада кўтариш мақсадида жаҳондаги илғор молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва соҳаларда ишларни хориж тажрибалари асосида ташкил этиш юзасидан муҳим ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Соҳалар фаолиятига оид айрим қонунлар ва қонун ости меъёрий ҳужжатлар халқаро андозаларга мос келтирилиб қайта ишлаб чиқилмоқда ва улар амалиётга тадбиқ этилмоқда.

Молия институтлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида Давлат дастурлари қабул қилинди ва уларнинг ижроси самарали давом эттирилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодиёт ҳаётида алоҳида ўринга эга бўлган суғурта соҳасида ҳам ислоҳотлар олиб борилмоқда. Охирги 4 йил давомида ушбу соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор Фармон ва Қарорлари қабул қилинди.

Асосий қисм

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августда **«Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»** ги ПҚ – 4412-сон Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг қабул қилиниши суғуртанинг Республика иқтисодиётдаги ўрнини белгилаб берди, соҳанинг тадбиркор-

лик субъектлари фаолиятини юритишида турли қалтисликлардан молиявий ҳимоя воситаси эканлиги, шунингдек, аҳолининг ҳаёти-соғлиғи ва мол-мулкларини турли хавф хатарлардан ҳимоя қилишда нечоғлик аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб берди. Шунингдек, ушбу қарор билан соҳада кескин бурилиш қилиниши, мижозларга замонавий, ишончли, сифатли ҳамда тезкор хизматларни кўрсатиш йўллари ва вазифалари белгиланди.

Бундан ташқари, ушбу қарорда **«Суғурта фаолияти тўғрисида»**ги Қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқиш белгиланган бўлиб, бугунги кунда қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди, лойиҳа Олий мажлис палатаси қўмиталарида муҳокама қилиниб, депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилди ва лойиҳа қайта ишлаб чиқилиши, яъни Қонунчилик юзасидан янада мукаммал бўлиши ва замон талабларига жавоб бериши юзасидан мутахассисларга тегишли кўрсатмалар берилди, ҳозирда қонун лойиҳаси устида ишлар давом этмоқда.

Бугунги кунда Давлатимиз раҳбари ва Ҳукумат томонидан барча соҳаларга каби суғурта соҳасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда, соҳа учун тегишли ишлар давом этмоқда.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида суғуртанинг ўрнини кўрсатиб бериш, айниқса, ҳимоя воситаси сифатида суғуртанинг афзалликларини ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан моҳиятини белгилаб бериш бугунги кун талаби бўлиб турибди.


Аммо, ҳозирги вақтда аҳоли ва мижозлар ўртасида суғурта бўйича тарғибот ишларини етарли даражада деб бўлмайди, аҳолининг суғурта тўғрисида хабардорлиги паст, соҳага бўлган ишончсизлик бор, ихтиёрий сугурта турлари бўйича полислар сотувлари амалга ошмаяпти, ушбу камчиликлар са-

бабли суғурта хизматларининг Республика иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши пастлигича қолмоқда.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини суғуртага олиш қамрови паст, Республика сугурта бозорида асосан мажбурий сугурта турлари ва банклардан олинган кредит таъминоти сифатида қўйилган гаров суғуртаси бўйича суғурта шартномалари тузилмоқда, аҳоли асосан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича қамраб олинган холос, ихтиёрий суғурта турлари бўйича полислар сотуви салмоғи жуда паст.

Биргина мисол, 2020 йил якуни бўйича мамлакатимиз Ялпи ички маҳсулотида суғурта хизматлари улуши 0, 37% ни ташкил этган.

Ёки бу кўрсаткич жаҳоннинг ривожланган давлатлари кўрсаткичига нисбатан 16 баробарга кам, яъни дунё бўйича бу кўрсаткич 6, 05% ни ташкил этади.



Суғурта мукофотининг ЯИМ даги улуши ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи суғурта мукофоти миқдори айрим давлатлар мисолида

Жумладан, яқин давлатлар Туркияда 1, 37%, Украинада 1, 34%, Россияда 1, 32% ҳамда Қозоғистонда 0, 75% ни ташкил этмоқда.

Шунингдек, яна бир мисол, аҳоли жон бошига суғурта мукофоти Республикамизда қўшни давлатларга қараганда анча кам. **Хусусан, Республикамизда бу кўрсаткич 6,7 доллар, яъни тахминан 70,3 минг сўмни ташкил этган бўлса, Россияда 146 АҚШ доларини ва Қозоғистонда 68 АҚШ долларига тенг бўлиб, энг юқори кўрсаткич Америка қўшма штатларида 3 681,0 минг АҚШ долларни ташкил** этмоқда[1].

Суғурта соҳасини ривожлантириш, мавжуд камчиликлар бартараф этиш юзасидан Президентимиз Шавкат Мирамонович Мирзиёевнинг 02. 08. 2019 йилда қабул қилинган ПҚ-4412 – сонли Қарорида белгиланган тадбирлар доирасида суғурталовчилардан мижозларга суғуртанинг имконияти ва афзалликлари ҳамда мавжуд имтиёзлар, шунингдек суғурта ҳодисаси содир бўлганда кимга, қандай ва қачон мурожаат қилишлари ташкил этмоқда ва суғурта ҳимоясининг тақдим қилиниши тўғрисидаги маълумотларни янада кенг тарғиб қилиниши талаб этилади.

Шунингдек, ушбу қарор билан соҳага замонавий ва илғор хориж тажрибасини олиб кириш, хизматлар сифати ва тезкорлигини ошириш юзасидан инновацион ғояларни тарғиб қилиш ҳамда соҳада кадрлар салоҳиятини ошириш, уларнинг билим кўникмаларини халқаро тажрибалар асосида бойитиш, билим ва малакалари ошириш юзасидан илғор чет тажрибасини ўрганиш, чет эл мутахассисларини жалб қилиш ва хорижда ўқитиш ишларини ташкил этиш каби муҳим вазифалар белгиланди.

Албатта, бугунги кунда соҳа эгаларидан ушбу белгиланган тадбирлар асосида ўз ишни инновацион ғоялар асосида таш-

[1] https://www. gazeta. uz/ru/2020/06/19/insurance/

кил этиш, энг асосийси суғурта хизматлари афзалликлари ва имкониятларини кенг ташвиқот қилиш, замонавий фикрлайдиган кадрларни тайёрлаш, айниқса, ёшларни ишга жалб қилиш, уларни касбга ўргатиш, соҳадаги ёш ва тажрибали мутахассисларга халқаро молия институтлари ўқитувчи-профессорларини жалб қилган ҳолда ўқитиш ҳамда халқаро замонавий хизматлар усулларини фаолиятимизда тадбиқ этиш лозим.

Бундан ташқари, мижозларга кенг суғурта хизматларини кўрсатиш ва хизматлар янада қулай бўлишини таъминлаш учун мижозларга янги хизмат кўрсатиш шахобчаларини ташкил этиш ва суғурта агентларини жалб этиш, уларга етарли шароитларни яратиб бериш, хизматлар сифати ва шаффофлигини ошириш ҳамда электрон сотув хизматларни кенг жорий қилиш орқали суғурта қамровини кенгайтириш, илғор тажрибаларни ўрганган ҳолда, уларни маҳаллий қонунчилик асосида эҳтиёж ва талаблар бўйича тадбиқ қилишиши талаб этилмоқда.

Шунда Республика иқтисодий кўрсаткичларида суғурта хизматлари салмоғини ошириш учун имконият ва замин яратилган бўлади.

Эътиборингизни айрим ривожланган мамлакатларда суғурта хизматларининг улуши қандай кўринишда эканлигини тўғрисида қуйидаги маълумотларда келтириб ўтамиз, жумладан;

– Америкада 10, 0 мингдан ортиқ суғурта компаниялари, уларнинг барчаси хусусий компаниялар бўлиб, давлат суғурта компаниялари мавжуд эмас. Компаниялар алоҳида штатларнинг қонунчилиги асосида фаолият юритади, суғурта бозорида умумий хизматлар ҳажмининг 75% шахсий суғурта турларига;

– Англияда 750 дан ортиқ суғурта компаниялари бор, давлат суғурта компаниялари ҳам фаолият юритади. Умумий хизматлар ҳажмининг асосий қисми мажбурий суғурта турлари;

– Германияда 39 та группа фаолият юритади. Умумий хизматлар ҳажмининг 51% мол-мулк суғуртаси;

– Францияда 260 та ва Японияда 40 та суғурта компаниялари фаолият юритади. Уларнинг умумий хизматлар ҳажмининг асосий қисми ҳаёт суғуртаси;

– Италияда 250 дан ортиқ суғурта компаниялари фаолият юритади. Умумий хизматлар ҳажмининг асосий қисми мол-мулк суғуртаси ҳисобига тўғри келмоқда.

Республикамизда эса бугунги кунда 41 та суғурта компаниялари рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 8 таси ҳаёт суғуртаси билан шуғулланади, улар томонидан кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажмининг асосий қисми, умумий суғурта турларига, яъни 80,4% умумий суғурта турларига ва 19,6% ҳаёт суғуртасига тўғри келади. Шунингдек, умумий суғурта турларининг 70% мажбурий суғуртага тўғри келмоқда.

Жаҳон суғурта бозорида суғурта хизматлари кўрсаткичларини тахлил қиладиган бўлсак, хизматлар улушининг деярли 40% Европа давлатларига, 30% Шимолий Америка билан Осиё мамлакатларига, қолган 30% Жанубий Америка, Африка, Австралия ва Океания давлатлари ҳисобига тўғри келади.

Ёки жаҳонда Осиё давлатларининг суғурта хизматлари улуши салмоғи юқори бўлган бир пайтда, Республикамизда меҳнатга лаёқатли бўлган 20, 0 миллионга яқин аҳолининг бор йўғи 5-7 % суғуртага олинган холос.

Жаҳон ривожланган мамлакатларида сотилаётган суғурта полисларининг 20% дан ортиғи интернет орқали амалга оширилмоқда, Республикамизда бу кўрсаткич бор йўғи 2 % гачани ташкил қилмоқда.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Республикамиздаги суғурта соҳасининг бу даражадаги кўрсаткичларига таъсир қилувчи бир қатор муаммоларни санаб ўтиш мумкин, булар:

– Аҳолининг нафақат суғурта механизмига, балки уларнинг ҳаёти ва моддий манфаатларига рахна солувчи рискларга иррационал муносабати;

– Сугурта соҳасида юқори малакали мутахассислар етишмаслиги;

– Суғурта компанияларининг капиталлашуви даражасининг пастлиги;

– Бахтсиз ҳодисалар ва ҳар хил кассалликлар суғуртаси, аҳолининг уй-жойи ва мол-мулки суғуртаси каби ижтимоий аҳамиятга эга суғурта турларининг аҳоли ўртасида ривожланмаганлиги;

– Бозорда демпинг билан боглиқ молиявий хатарларнинг мавжудлиги ва суғурта назорати томонидан етарлича кураш олиб борилмаётганлиги;

– Банклар томонидан кэптив суғурта компаниялари ташкил этилаётганлиги ва бунинг натижасида носоғлом рақобатлили муҳитнинг юзага келаётганлиги ва бошқалар.

Республикамизда юқоридаги келтирилган муаммоларни бартараф қилиш учун энг асосий ҳужжат **«Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон қарори бўлиб**, унда барча муаммолар ечими бажариладиган тадбирлар билан билан кўрсатиб берилган, яъни сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш юзасидан асосий йўналишлар белгиланган, жумладан:

– Суғурта соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, жумладан, янги тахрирдаги «Суғурта тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш;

– Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини ошириш орқали мижозлар ҳимоясини мустаҳкамлаш билан уларнинг ишончини қозониш;

– Суғурта бозори мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, сугурта соҳасида таълим беришнинг замонавий усулларини қўллаш, илмий-тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш, жумладан, халқаро нуфузли олий ўқув юртлари ўқитувчи профессорларини жалб қилиш, зарур ҳолларда хорижга ўқитиш;

– Аҳолининг суғурта саводхонлигини ошириш, суғурта бозори шаффофлигини таъминлаш, хусусан, ижтимоий рекламаларни кўпайтириш, халқ орасида ташвиқотни кучайтириш, уларнинг хабардорлигини ошириш ҳамда ОАВ суғурта тўғрисидаги маълумотларни кўпайтириш;

– Суғурта брокерлари ва агентлари фаолиятини янада фаоллаштириш ва такомиллаштириш, банк-суғурта механизмларини ривожлантириш, орқали замонавий хизматларни жорий этиш талаб этилади.

Ушбу санаб ўтилган йўналишлардан ташқари суғурта бозорини ривожлантириш, хизматлар сифатини халқаро андозаларга мослаш мақсадида барча суғурта компаниялари томонидан халқаро рейтингларни босқичма – босқич ўзлаштиришлари ва жаҳон суғурта бозорида фаол иштирокларини таъминлаш талаб этилади ҳамда бунинг натижасида хизматлар сифати яхшиланиб, соҳада шаффофлик ва талаб кўпайишига олиб келади.

Аҳоли ва корхоналар билан фақатгина оммабоп мажбурий суғурта турларини эмас, балки уларга ихтиёрий суғурта турларини авзалликларини тарғиб қилиш, уларни амалга ошириш юзасидан маҳаллабай ишларни ташкил этиш, давр талабидан келиб чиқиб ҳар бир шахс эҳтиёжидан келиб чиқиб индивидуал суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва ушбу тадбирлар асосида аҳоли ҳамда корхоналар суғурта маданиятини ошириш зарур.

Шунингдек, суғурта маданиятини ошириш билан бирга замон талабларидан келиб чиқиб, бозор талаб ва истаклари бўйича мослашувчан янги суғурта турларини ишлаб чиқиш ва мижозларни комплекс ҳимояловчи тизим яратиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги глобаллашув жараёнларидан келиб чиқиб, Республикамиз суғурта бозорини ислоҳ қилиш унинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган омилларни камайтириш учун соҳани рақамлаштириш чораларини кўриш ўзининг катта ва ижобий таъсирини кўрсатади.

Суғурта маҳсулотларини интернет тармоқлари орқали онлайн сотувларини яратиш, уларнинг тарғиботини ташкил қилиш ва мижозлар томонидан аризаларни кўриб чиқиш босқичларини ҳам тўлиқ ичига олувчи тизим яратиш юқорида келтириб ўтилган мижозлар маданияти ва соҳа шаффофлигини таъминловчи асосий ечимлардан биридир.

Келгусида янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали суғурта маданиятини ошириш йўлларини излаш, замонавий усулларни қўллаш лозим, энг асосийси хизматлар сифатини янада яхшилаш ва суғурта тўловлари тезкорлигини таъминлаш шарт.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августда «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ – 4412-сон Қарори.

2. «Суғурта фаолияти тўғрисида» ги 2002 йил 5 апрель, 358-II-сон Қонун ва унинг янги лойиҳаси.

3. Интернет-издание «Газета. uz» – «Статья Переживут ли страховые компании кризис?» / [https://www. gazeta. uz/ru/2020/06/19/insurance/].

4. Statista [statista. com] – «Value of newly contracted annualized insurance premiums at insurance shops in Japan from fiscal year 2011 to 2018 with a forecast until 2020» / [https://www. statista. com/statistics/707052/japan-insurance-premiums-value/].

5. Insurance outlook – 2020 / [https://www2. deloitte. com/us/en/insights/industry/financial-services/financial-services-industry-outlooks/insurance-industry-outlook. html].

6. Global Economic And Insurance Market Outlook 2020/2021 / [https://www. swissre. com/dam/jcr:60421a3b-f246-4718-8374-f4170d52b492/global-economic-and-insurance-outlook-2021. pdf].

7. С. С. Ғуломов, С. Ф. Мирзоев, О. Х. Боев. «Хорижий мамлакатлар суғуртаси тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш». Бухоро ш. «Бухоро» нашриёти, 2005.

8. С. С. Ғуломов, С. Ф. Мирзоев, О. Х. Боев. «Аҳолини ижтимоий суғурталашда ижтимоий сугурта». Бухоро ш. «Бухоро» нашриёти, 2004.

9. Архипов А. П. «Основы страховой деятельности» учебник. М.: Издательство БЕК, 2002.

10. Куликов С. В. Методология страховой науки //Вестник НГУЭУ. – 2008. – №1

D. Baratova,
TDIU «Soliqlar va Sug'urtaishi»
kafedrasi katta o'qituvchisi
Sh. Q. Xoliyorova
TDIU «Moliya va buxgalteriya hisobi» fakulteti
«Sug'urta ishi» yo'nalishi 3-bosqich talabasi

WAYS TO DEVELOP MUTUAL INSURANCE IN UZBEKISTAN

Annotation. The article provides a detailed analysis of the new type of mutual insurance in our country and its role and methods in the development of our economy. What are the high results that can be achieved today when entering the mutual insurance market and what is one of the new reforms in our economy are analysed in this article. The proposed conclusions are given by examining the degree of impact.

Keywords. insurance, insurance market, insurance companies, insurer, insurance premium, Civil Code, property and accident insurance.

The insurance market has historically emerged in the process of transforming goods and services into a commodity economy and has become an integral part of its activities. Today, the economy of any country cannot be imagined without insurance activities. After gaining independence, the country has undergone radical changes in the national economy, and such changes have been made in the field of insurance. At present, insurance services are widely used in the social sphere and in all sectors of the economy. The Law

«On Insurance Activity», which has adopted a number of laws in this area, as well as a number of decrees and decisions aimed at ensuring the development of insurance activities are still being adopted. However, the share of insurance services in the GDP of our country is still significantly lower. This is due to the fact that the population has little understanding of this area. Today we can see a number of leading insurance companies operating in this field, such as UzAgroSugurta JSC, UzbekInvest, New Life Insurance, Gross Insurance, Kafil Insurance and so on. Most of the insurance companies listed above offer almost the same types of insurance products and services to their clients. However, the list of developed countries has more types and products of insurance than ours. If our country implements the form of Mutual Insurance, which has been tested and successfully used in other countries to further improve this area, shortcomings in this regard will be addressed. This form of insurance exists in our country, but many users are unaware of it. The development of this type of insurance will increase efficiency in many areas, especially in agriculture. This form of insurance is non-commercial insurance, and in world practice its share is easily competitive with commercial insurance.

Mutual insurance company is a non-governmental form of compensation between a group of individuals or legal entities for losses that may occur in certain business processes in accordance with certain insurance rules. Mutual insurance is a non-profit form of organization of an insurance fund that provides insurance protection of the property interests of members of its society. In developed countries, the share of the mutual insurance market reaches 50% of the total insurance market.

A mutual insurance company is an insurance company owned by full insurers. Any profits received by a mutual insurance company are retained within the company or returned to the insured in the form of

dividends paid or used to pay future insurance premiums. In return, a stock insurance company belongs to the investors who bought the shares, and any profit generated by the joint-stock insurance company is distributed to the investors without benefiting the insurers.

If we look at the history of this insurance business, the concept of Mutual Insurance emerged in England in the late 17th century to cover the damage caused by fire.

Mutual Accident Insurance began in the United States in 1752 when Benjamin Franklin contributed to insuring Philadelphia homes from fire. Mutual property and accident insurance. companies are now available in almost every country in the world. Founded in 1895 in North America, the National Association of Mutual Insurance Companies (NAMIC) is the sole representative of U. S. and Canadian mutual insurance companies in the fields of advocacy and education.

The Mutual Holding Company was first introduced in Iowa in 1995 and has been operating ever since. There are concerns that the conversion of Mutual Holding has been inconvenient for the company's owners and politicians. The main disadvantage of mutual insurance companies is the difficulty in attracting primary capital. On July 10, 2019, President Shavkat Mirziyoyev held a meeting on the development of the insurance services market. Insurance services are one of the means of protecting the economy from various financial risks. However, the role of these services in the financial market of our country is not enough yet. In the first six months of 2019, the insurance premiums collected by insurance companies increased by 1. 5 times compared to the same period last year, but the insurance revenue per capita amounted to 50 thousand soums. The share of this industry in the country's GDP is only 0. 4%.

By comparison, the figure is 11 percent in South Korea, 6 percent in Germany, and 1. 5 percent in Russia. One of the main

reasons for this is that insurance services are not attractive enough. For example, in the last six months, the total insurance industry collected 887 billion soums of insurance premiums, but during this period the amount of insurance coverage paid to customers accounted for only 11% of the premiums. In the world, this figure is on average 50-60%. Shavkat Mirziyoyev said that the industry needs not a supervisor, but a structure that introduces advanced and modern standards, creates a real competitive environment among all participants and develops the insurance market. Therefore, it was proposed to abolish the existing State Inspectorate for Insurance Supervision and establish an Insurance Market Development Agency. Officials have been tasked to develop a medium – and long-term strategy for the development of the insurance industry, to triple the amount of insurance premiums per capita by 2022, and to double the share of the industry in GDP. First of all, the need to increase the confidence of the population and entrepreneurs in insurance was emphasized. The Ministry of Finance and the Antimonopoly Committee have been tasked with reducing the time and documents for reviewing insurance claims, introducing a system of fair assessment of insurance claims and prompt payment of payments. Tasks were given to expand the mechanisms to support the investment activities of insurance companies.

In particular, the tasks of encouraging insurance companies to engage in leasing activities and improving the system of taxation of leasing services were identified. At this meeting, the President of the Republic of Uzbekistan noted the importance of covering the economy with insurance services. The Ministry of Finance and the Ministry of Investment and Foreign Trade were instructed to introduce mechanisms for state subsidies for part of the cost of insurance for agricultural exports. Specific tasks have also been set to ensure the access of national insurance companies to international

financial markets and to obtain international ratings through the introduction of an advanced corporate governance system. Attention was also paid to the training of modern personnel in the field of insurance, training of specialists in prestigious foreign universities and advanced training in leading companies. Speaking about the introduction of compulsory health insurance in the country, the head of state stressed the need for careful preparation and the formation of a minimum social package of medical services. [1]

In conclusion, it should be noted that in order to develop insurance services in Uzbekistan at the world level, there are many tasks to be done in this area, one of the most important of which is the comprehensiveness of mutual insurance in the country. It is necessary to achieve the popularization of mutual insurance services by supporting, strengthening its legal support and providing various benefits. This will ultimately provide different segments of the population and economic entities with reliable and affordable insurance services.

Literatures:

1. Abramova E.N., Averchenko N.N., Baygusheva Yu V. V. Fuqarolik huquqi: darslik: 3 jildda 3-jild / nashr. A. P. Sergeeva. RG-Press, 2010-yil.

2. Arxipov A. P. Sug'urta: darslik. M.: KNORUS, 2012. Galaganov V. P. Sug'urta asoslari va sug'urta biznesi: o'quv qo'llanma. – M.: KNORUS, 2009-yil.

3. Arxipov A. P. Ijtimoiy sug'urta: o'quv qo'llanma. – M.: Yurayt, 2014-yil.

4. https://awgm. ru/uz/spisok-literatury-po-teme-strahovanie-strahovoe-delo-spisok-ispolzovannoi. html

[1] https://awgm. ru/uz/spisok-literatury-po-teme-strahovanie-strahovoe-delo-spisok-ispolzovannoi. html

Ж. Рахматуллаев,
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси тингловчиси

ҲАЁТ СУҒУРТАСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мазкур мақолада ҳаёт суғуртаси категориясининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва унинг аҳамияти хусусидаги тадқиқотчи олимларнинг турли хил қарашлари таҳлил қилинган. Шу ўринда ҳаёт суғуртаси ва уни ривожлантиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: суғурта, ҳаёт сугуртаси, шахсий суғурта, суғурта бозори, суғурта мукофоти.

Бугунги жаҳон Пандемияси ҳамон давом этаётган бир шароитда инсонлар ҳаёти ва унинг ижтимоий ҳимояси нақадар муҳим эканлигини ҳамда турли кутилмаган ҳолатларда инсон қанчалик ҳимоясиз ва ожиз эканлигини барча бирдек англаб етди десак адашмаймиз. Инсон ҳаётининг турли кутилмаган бахтсиз ҳодисалардан ҳимояланиши учун биринчи навбатда ҳар биримиздан турли кутилмаган салбий ҳолатларга доимо тайёр туришимиз лозимлигини талаб қилади. Лекин, доимо ҳам инсон турли кутилмаган ҳодисалардан ҳимояланиш имкониятига эга бўлмайди. Бунинг натижасида эса, инсонлар вақтинчалик меҳнат қилиш қобилиятини йўқотиши оқибатида даромад манбаидан маҳрум бўлиши, баъзи ҳолларда эса боқувчисидан ажралиб қолиши мумкин бўлади ва бу ўз навбатида

бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳаёт суғуртаси механизми орқали ижтимоий ҳимояга заруратни юзага келтиради.

Дарҳақиқат, инсон ҳаётини турли кутилмаган ҳолатлардан суғурта механизми орқали ижтимоий ҳимоялаш энг маъқул ва ишончли ҳимоя воситаси ҳисобланади. Зеро, мамлакат иқтисодий ривожланишида суғурта фаолияти молиявий инфратузилманинг муҳим тармоқларидан бири сифатида майдонга чиқади. Шу ўринда суғуртанинг моҳиятига тўхталадиган бўлсак, у юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта химоясини таъминловчи ва муайян миқдорда инвестиция маблағларини ўзида жамлаб, реал иқтисодиётни қайта молиялаштиришни амалга оширувчи молиявий тузилмадир.

Шунингдек, фуқаролар, ташкилотлар ва давлатнинг мулкий манфаатларини турли хил табиий, техник ва бошқа қалтисликлардан ҳимоя қилишнинг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан таъминловчи механизми ҳисобланади. Ушбу суғурта механизми орқали ҳар қандай ҳолатда ҳаминсон ҳаёти учун тўсқинлик қилувчи кўзда тутилмаган қалтисликлар туфайли юзага келиши мумкин бўлган зарарларни суғурта шартномаси орқали белгиланган тартибда қоплаш мункинлиги аҳамиятлидир. Шундай экан, юртимизда иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишида ва уларнинг молиявий фаолиятида ҳамда аҳолининг фаравон ҳаёт кечиришидаюзага келиши мункин бўлган турли хатарлардан ҳимоялашда суғурта механизми катта аҳамият касб этади.

Ҳаётни суғурталаш деганда, суғурталанган шахс вафот этган ёки муайян муддатга қадар тирик қолган ҳолатда, тўланган сугурта мукофотлари ўрнига суғурта қилдирувчи ёки у томонидан тайинланган шахсга суғурталовчи томонидан суғурта суммасини тўлаш кафолатини берилиши тушунилади (Федорова Т. А. ва бошқалар, 2008).

Ҳаёт суғуртаси – суғурта тармоги бўлиб, бунда суғурталовчининг жавобгарлиги суғурталанган шахс суғурта шартномаси амал қилган даврда вафот этганда ёки маълум бир ёшга тўлганда қатъий белгиланган миқдордаги пулни тўлашдан иборатдир (Александрова, 2006).

Умуман олганда, ҳаёт суғуртаси иқтисодий категория сифатида намоён бўлиб, суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчилар тўлаган суғурта мукофотлари ҳамда суғурта захираларини инвестиция қилишдан олинган фойда ҳисобидан мақсадли суғурта фондларини шакллантириш ва улардан суғурта шартномасида ўрнатилган суғурта ҳодисалари содир бўлганда, суғурталанган шахсларга суғурта суммасини тўлаш учун фойдаланиш билан боғлиқ юзага келадиган ҳаёт суғуртаси иштирокчилари ўртасидаги қайта тақсимлаш муносабатларини ифодалайди (Шихов, 2001).

Шахсий суғурта – бахтсиз ҳодисалар ёхуд табиий ҳодисалар рўй бериши оқибатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига шикаст етказилиши билан боғлиқ уларнинг мулкий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган суғуртанинг мустақил тармоғи ҳисобланади. Хусусан, шахсий суғурта фуқаролар бошига кулфат тушганда уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу маънода, шахсий суғуртани ижтимоий ҳимоянинг ҳаётий тажрибада синалган ва ишончли шаклидан бири деб айтишимиз мумкин.

Россиялик тадқиқотчилардан Ширяева (2018) илмий изланишларида шахсий суғуртанинг моҳияти ва унинг ижтимоий аҳамиятига тўхталиб ўтган. Унинг фикрича, шахсий суғурта – бу инсоннинг ҳаёти, соғлиғи ва меҳнат қилиш қобилиятига хавф солувчи рисклардан ҳимоя воситасидир. Шу жиҳатдан ҳам инсоннинг ҳаёти, соғлиғи ва меҳнат қилиш қобилияти «Шахсий суғурта» нинг объекти ҳисобланади.

Жумладан, шахсий суғурта обьектлари – бу шахснинг ҳаёти, соғлиғи ва меҳнат қобилияти, ёши ёки бошқа тасодифларга кўра бахтсиз ҳодиса сабабли содир бўлган аниқ ҳодисалар; суғурта қилдирувчи ёки суғурталанган шахснинг вафоти ёки рўй берган ҳодисалар туфайли суғурта муддати давомида соғлиғининг йўқолиши. Бугунги кунда хорижий давлатлар суғурта бозорида қуйидаги турдаги шахсий суғурта турлари мавжуд: ҳаётни суғурта қилиш, бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш, тиббий ва пенсия суғуртаси.

Гришунина (2018) илмий тадқиқотларида ҳаёт суғуртасини шахсий суғуртанинг бир тури сифатида қарайди ва унинг иқтисодий механизмларини таҳлил қилиш асосида, шахсий суғуртанинг пул маблағларини жамғариш воситаси сифатидаги имкониятларига тўхталиб ўтган. Унинг фикрича, шахсий суғурта қатъий белгиланган даромад олиш имконини берувчи ўзига хос бир усул сифатида намоён бўлади.

Иқтисодчи олимлардан Сербиновский (2010) ҳам тадқиқотларида шахсий суғурта, хусусан, ҳаёт суғуртаси ва унинг молиявий механизмлари хусусида изланишлар олиб борган. Жумладан, у шахсий суғуртанинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилған, унинг фикрича, «шахсий суғурта – бу ҳар-бир инсоннинг ҳаёти билан боғлиқ турли бахтсиз ҳодисалардан ҳимоя қилувчи суғурта туридир». Шунингдек, ривожланган давлатларда ҳаёт суғуртаси жамиятнинг ажралмас бир қисмига айланиб улгурганлигини таъкидлайди.

Ҳаёт суғуртасининг баъзи белгилари қадимги римликларга хос бўлиб, у ўша пайтда Диана ва Антони мухлисларининг диний жамияти кўринишида маълум бўлган. Унга кўра ушбу жамиятга аъзо бўлиб кирган шахслар аъзолик бадалини тўлашган. Бунда, жамият аъзоларидан вафот этганда уни кўмиш билан боғлиқ харажатлар жамият ҳисобидан амалга оширилган

ва ҳатто, пул маблағларининг муайян қисми вафот этган шахснинг меросхўрларига берилган.

Ҳозирги пайтда ҳаёт суғуртаси суғурта фаолиятининг йирик тармоғи сифатида жаҳон амалиётида кенг қўлланилади. Ривожланган хорижий давлатларда ҳаёт суғуртаси бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари бошқа суғурта турлари бўйича келиб тушган суғурта мукофотларига нисбатан юқори салмоққа эга. Масалан, АҚШда жами йиғилган суғурта мукофотлари ҳажмида ҳаёт суғуртасининг ҳиссаси 50, 0 фоиздан юқоридир.

«Ҳаёт суғуртаси»нинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз суғурта бозорида унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ошириш ва ҳаёт суғуртасини ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

– ахборот технологиялари асосида аҳоли ва ташкилотлар орасида «Ҳаёт суғуртаси» турининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини кенг тарғиб қилишни йўлга қўйиш;

– «Ҳаёт суғуртаси»ни амалга оширишнинг молиявий механизмларини соддалаштириш ва уни кенг халқ оммаси учун тушунарли тарзда ишлаб чиқиш;

– молия бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда янги ҳаёт суғуртаси турларини ишлаб чиқиш;

– ижтимоий тармоқларда ва оммавий ахборот воситаларида аҳолининг суғурта маданиятини ошириш бўйича қизиқарли ва амалий кўрсатувлар ҳамда хабарлар тақдим этиб боришни кучайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Александрова О.В. Коммерческое страхование. – М.: Янги иқтисодиёт институти, 2006. – 254 б.

2. Федорова Т.А. ва бошқалар. Страхование (3-нашр). – М.: Магистр, 2008. – 1006 б.

3. Гришунина М.А. (2018) Личное страхование как метод накопления денежных средств. Экономика и управление. Май, Том-3, №9.

4. ПФ (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ПФ-4947 ҚТ, 6-сон, 70-модда ОМ Ахб., 2-сон, 33-модда.

5. Сербиновский Б. Ю. (2010) Страховое дело [Текст]: курс лекций / Б.Ю. Сербиновский, В. Н. Гарькуша; под общ. ред. Б. Ю. Сербиновского. – Ростов-н/Д: ЮФУ, 2010. – 387 с.

6. Шихов А. К. Страхование. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. – 431 б.

7. Ширяева О. П. (2018) Актуальные проблемы личного страхование в России. «Научно-практический электронный журнал Аллея Науки» №5 (21) Alley-science. ru.

8. ЎРҚ (2002) Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (5-апрель). «Халқ сўзи» газетасининг 2002 йил 28 майдаги 112 (2940)-сонида эълон қилинган.

Д.А. Баратова,
ТДИУ «Солиқлар ва суғурта иши»
кафедраси катта ўқитувчиси. PhD

МИЛЛИЙ СУҒУРТА БОЗОРИДА ҲАЁТ МИКРОСУҒУРТАСИНИНГ БИЗНЕС-МОДЕЛИНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация. Ушбу мақола ҳаёт суғуртасини ривожлантириш учун потенциал суғурталанувчиларни жалб қилиш учун ҳаёт микросуғуртасининг бизнес-моделини қўллашнинг афвзалликлари тўғрисида маълумот берилган. Шу билан бирга мақолада ҳаёт микросуғуртасини ташкил қилиш моделларининг мақсадли сегментга нисбатан қўлланилиши.

Калит сўзлар: ҳаёт суғуртаси, микросурта, суғурта бадали, жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси, ўзаро суғурта, суғурта суммаси, суғурта ҳодисаси.

Инсонларнинг ҳаёт фаолиятида ҳаёт суғуртасининг аҳамияти ортиб бориши аҳолининг узоқ муддатли молиявий инструментларга нисбатан ишончининг ортиб бориши, уларда ўзига нисбатан молиявий ва суғурта ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган тарбиянинг сингдирилиши ва энг муҳими – давлат томонидан ҳаёт суғуртаси бўйича имтиёзларнинг яратилиши ҳаёт суғуртасининғ, шу жумладан жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасининг кенгайишини таъминлайди.

Худди шундай омилларнинг Ўзбекистон миллий суғурта бозорида ҳам бирин-кетин яратилаётганлиги мамлакатда ҳаёт

суғуртасининг, жумладан, жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасининг оммавийлашувини таъминламоқда. Яратилаётган бундай шарт-шароитлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини келтириш мумкин [1,2].

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган мазкур қарорда ҳаёт суғуртасини ривожлантириш масаласи ҳам қўйилган бўлиб, бизнинг фикримизча, бу борада қуйидаги вазифаларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади:

аҳолининг турли қатламлари, хусусан кам таъминланган ва узоқ аҳоли пунктларида яшаётган оилаларнинг ҳаёт суғуртаси хизматларидан фойдаланишларини таъминлаш;

катта бўлмаган суғурта суммалари ва шунга мос суғурта мукофоти билан, кам сондаги суғурта ҳодисаларини ва шу билан бирга юз бериш эҳтимоллиги юқори бўлган суғурта ҳодисаларини кўзда тутувчи, оддий ва суғурталанувчи учун тушунарли бўлган сугурта шартномаларини юқорида келтирилган аҳоли қатламлари учун тақдим этиш;

ихтиёрий суғуртанинг стандарт шартларини қўллаш амалиётини кенгайтириш, суғурталанувчилар учун тушунарли бўлган суғурта терминларини амалиётда қўллаш билан суғурталанувчиларнинг суғурта турларини танлаш имкониятини осонлаштириш, уларнинг суғурта компанияси ва умуман суғурта институтига бўлган ишончини таъминлаш.

Юқоридаги қарор асосида ишлаб чиқилган суғурта соҳасини ривожлантириш стратегияси суғурта бозори субъектларининг ушбу бозорни ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ўзаро ҳамкорликда оператив тарзда амалга оширишга ҳамда сугурта хизматларининг янги ва инновацион маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни кўзда тутади. Бизнинг фикримизча, миллий суғурта бозорининг ривожланишини таъминлашда мамлакат аҳолиси асосий қисмининг ҳозирги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда «ҳаёт микросуғуртаси» бизнес-моделини қўллаш ўзининг яхши самарасини беради. Ушбу усул аҳолининг ўртача ва кам таъминланган қатламлари учун уларнинг ҳаёт барқарорлигини таъминловчи муҳим восита вазифасини бажаради. Мазкур бизнес-модель аҳолининг суғурта хизматларига жалб қилинмаган катта қисмини, шу билан бирга мамлакатнинг чекка ҳудудларида яшовчи аҳолини ҳаёт суғуртаси ҳизматларига жалб қилиш орқали уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш имконини беради. Ушбу тадбирнинг самарадорлиги уни амалга оширишда суғурта компаниялари ва давлатнинг ўзаро ҳамкорилигини йўлга қўйиш орқали янада тўлиқроқ таъминланади. Бу иккинчи томондан, узоқ муддатли ҳаёт суғуртасининг оммавийлашуви орқали иқтисодиётни инвестиция хусусиятидаги узун пуллар билан таъминлаш имконини беради.

Ҳаёт микросуғуртаси – дунё суғурта бозорида бутунлай янги концепция эмас, унинг амал қилаётганлигига йигирма йилдан ортиқ муддат ўтиб қолди. Микросуғуртанинг илк кўринишлари ривожланаётган мамлакатларда кам таъминланган аҳоли ўртасида ўзаро ёрдам сифатидаги норасмий кўринишларда юзага келди. 1990 йилларда микросуғурта хайрия шаклидаги институционал кўринишда амал қила бошлади. [3]

Ривожланаётган мамлакатларда микромолиялаш тизимларининг фаол ривожланиши ушбу мамлакатларда микросуғуртанинг бизнес-модел сифатида тез суратларда ривожланишига ва ушбу соҳанинг қонунчилик базасининг мустаҳкамланишига, микросуғуртани амалга ошириш қоидаларининг ҳамда ушбу соҳа устидан назоратнинг такомиллашувига олиб келди. Шу билан бирга микросуғурта механизмлари ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта дастурларида қўлланиладиган бўлди.

Катта бўлмаган даромад манбаига эга бўлган аҳоли табақалари рискли ҳолатлар бўйича расмий воситалардан (суғурта, ижтимоий таъминот дастурлари, шу билан бирга соғлиқни сақлаш соҳасидаги профилактик йўналишлар) фойдаланиш имкониятига эга эмас. Шу туфайли бундай шахслар кутилмаган йўқотишлар юз берганда дўстларидан, қариндошларидан ёрдам сўрашга, кўчар ёки кўчмас мулкларини сотишга ёки тез тақдим этиладиган, аммо юқори фоизли кредитлар олишга мажбур бўлади. Аммо бундай ёрдамлар олиш имконияти ҳар доим ҳам бўлавермайди, юқори фоизли кредит эса ушбу шахснинг молиявий имкониятини янада ёмонлаштиради. Шу туфайли аҳолининг бундай қатламлари учун микросуғурта хизматлари яхши кўмакчи бўлади.

Шундай қилиб, ҳаёт микросуғуртаси қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

1. Миллий ҳаёт суғуртаси бозорида аҳолининг нисбатан кам даромадли қатламлари ўртасида ва чекка ҳудудлардаги аҳоли ҳисобидан тўловга қобил талабни шакллантиради.

2. Аҳолининг турли қатламлари ҳамда чекка ҳудудлардаги аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ва суғурта маданиятини шакллантириш имконияти яратилади.

3. Ҳаёт суғуртаси, шу билан бирга жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртасининг барқарор иқтисодий модели яратилади.

4. Мазкур йўналишда давлат-хусусий ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши орқали давлатнинг ижтимоий ҳимоя борасидаги харажатларининг камайишига эришилади.

Ҳаёт микросуғуртасининг ривожланиши янги микросуғурта маҳсулотларининг яратилишига сабаб бўлди. Микромолиялаш ва микросуғуртанинг кириб бориши ўрта ва кам таъминланган аҳоли мазкур соҳаларнинг ривожланишини таъминлайдиган манба эканлигини кўрсатди. Шу билан бирга давлат давлат-хусусий шерикчилиги орқали суғурта мукофотларининг бир қисмини ёки тўлиқ ҳолда субсидиялаш орқали суғурталовчиларни рискларни бошқаришга жалб қилишга эришади. Бундай механизмлар ижтимоий таъминот тизими доирасида кўпгина аҳоли қатламлари учун уларни вафот этиш, меҳнат қобилиятини ёки соғлиғини йўқотиш ҳолатларидан молиявий ҳимоялаш борасида долзарб бўлиб бормоқда.

Ҳаёт микросуғуртаси ҳаёт суғуртасининг узоқ муддатли ўсишини таъминлаш имкониятига эга. Мазкур соҳа орқали аҳолининг кам таъминланган қатлами аста-секин ўртача таъминот даражасига эришиб боради ва бу ўз ўрнида аҳолида суғурталовчиларга нисбатан ишончнинг ортиб боришига олиб келади.

Хорижий мамлакатларнинг ҳаёт микросуғуртаси бўйича тажрибаси базасида анъанавий тушунчадаги ҳаёт суғуртаси билан ҳаёт микросуғуртаси бўйича нисбий таққослаш амалга оширилди ва бу жадвал орқали тасвирланди

Жадвал орқали келтирилган ҳаёт микросуғуртасининг хусусиятлари қуйидаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган принципларни келтириб чиқаради:

– суғуртавий принцип. Ушбу принцип орқали у ёки бу шахсларнинг хўжалик фаолияти давомида юзага келадиган рискларни махсус суғурта фонди орқали ёпиқ тарзда тақсимлаш йўли билан моддий таъминоти амалга оширилади;

– ҳаммабоплик. Ҳаёт микросуғуртаси фуқароларнинг турли қатламлари ва чекка ҳудудлардаги аҳолига суғуртавий ва молиявий ҳимояланиш имконини беради;

– нарх бўйича ҳаммабоплик. Микросуғурта маҳсулотлари нархининг пастлиги мақсадли сегмент учун уларни харид қилиш имконини беради, шу билан бирга давлатнинг суғурта бадалларини тўлиқ ёки қисман субсидиялаш орқали хусусий сектор билан ҳамкорлиги амалга ошади;

– маҳсулотларнинг эгилувчанлиги. Мақсадли сегментнинг турли-туманлиги кам таъминланган аҳоли қатламларининг талабларини кўпроқ қониқтириш мақсадида (ўзгарувчан суғурта суммалари, тўлов графикларининг эгилувчан хусусияти, маҳсулотни турли қўшимчалар билан тўлдириш ёки баъзиларини олиб ташлаш имкониятининг мавжудлиги) уларнинг талабларига кўпроқ мос келадиган эгилувчан қоидалар тўпламларини ўз ичига олган маҳсулотлар ишлаб чиқишни талаб этади;

– маҳсулот дизайнининг оддийлиги. Кам таъминланган ва чекка ҳудудлардаги аҳолининг суғурта хизматлари тўғрисидаги тушунчаларининг камлиги, суғурта маҳсулотлари шартларининг оддийлигини, зарарларни тартибга солишнинг жараёнларининг оперативлигини ва оддий андеррайтингни талаб этади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида ҳаёт микросуғуртасини ташкил қилишнинг қуйидаги институционал ва дистрибутив моделлари қўлланилади. Уларнинг барчаси турлича самарадорлик ва яшаб кетиш хусусиятига эга.

Жадвалда келтирилган ҳаёт суғуртаси моделларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларни молиялаштириш манбаларининг қуйидаги шаклларини келтириш мумкин:

1. Бадаллар тўлиқ суғурталанувчилар томонидан тўланади.

2. Суғурта бадаллари давлат томонидан ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта доирасида тўлиқ тўлаб берилади.

3. Молиялаштиришнинг гибрид схемаларидан фойдаланилади (бадаллар қисман давлат, корхона ёки бошқа манбалар ҳисобидан тўланади).

Жадвалда келтирилган ҳаёт микросуғуртаси баъзи моделларининг алоҳида қисмлари баъзи сугурта компаниялари томонидан қўлланилаётганлигини ҳисобга олмаганда ушбу моделларнинг барчаси Ўзбекистон миллий суғурта бозори учун янги ва уларни амалда қўллаш ўз самарасини беради деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, алоҳида таъкидлаш мумкинки, ушбу моделлар ичида нотижорат, давлат-хусусий шериклик ва такафул моделлари Ўзбекистон сугурта бозори учун тўлиқ маънода янгилик бўлиб, уларни амалда қўллаш мамлакатда ҳаёт микросуғуртасининг оммавийлашувига ва кўпчилик ўрта даражадаги ва кам таъминланган аҳоли қатламларини суғурта хизматларидан фойдаланишга жалб қилиш ҳамда янги суғурта маҳсулотларининг яратилишига сабаб бўлади.

Ушбу моделларни қўллашда яна шуни ҳам эътиборга олиш керак, яъни кам таъминланган аҳоли қатламлари учун давлат-хусусий шериклиги моделини қўллаш яхши самара беради. Агар ушбу аҳоли қатлами учун суғурта компанияси алоҳида тарзда хизматни амалга оширса ушбу хизмат суғурта компанияси учун зарар келтириши мумкин. Чунки аҳолининг ушбу қатламининг кўпчилиги суғурта бадалларини тўлаш имкониятига эга эмас.

Суғурталанувчининг даромад даражаси ва суғурталовчини молиялаштириш манбасига кўра моделларни қуйидагича жойлаштириш мумкин.

3. 11-жадвал

Ҳаёт микросуғуртасини ташкил қилиш моделларининг мақсадли сегментга нисбатан қўлланилиши[1]

Суғурталанувчининг даромад даражаси	Қўллаш модели	Молиялаштириш манбаси
Минимум яшаш даражаси кўрсаткичидан паст аҳоли қатламлари	Давлат-хусусий шериклиги	Суғурта бадаллари давлат томонидан ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта доирасида тўлиқ тўлаб берилади
Минимум яшаш даражаси кўрсаткичидан юқори, аммо маълум ҳудуддаги киши бошига тўғри келадиган ўртача даромаддан паст аҳоли қатламлари	Тўғридан-тўғри, ҳамкорлик, давлат-хусусий шериклиги	Гибрид схемалар
Маълум ҳудуддаги киши бошига тўғри келадиган ўртача даромаддан юқори, аммо мамлакат бўйича киши бошига тўғри келадиган ойлик даромаддан паст аҳоли қатламлари	Тўғридан-тўғри, ҳамкорлик	Бадаллар тўлиқ суғурталанувчилар томонидан тўланади

Ҳаёт микросуғуртаси бўйича суғурталовчи сифатида қуйидагилар иштирок этиши мумкин:

– микромолиявий ташкилотлар таркибига кирувчи ва улар учун амал қилувчи қонунчилик базасига бўйсунувчи, ушбу

[1] Муаллиф томонидан тайёрланган

мақсадлар учун махсус ташкил этилган микросуғурталовчилар;

– тижорат суғурта ташкилотлари;

– суғурта ташкилотларининг шўъба корхоналари;

– ўзаро суғурталаш жамиятлари.

Ҳаёт микросуғуртасини амалга ошириш учун суғурталовчилар қуйидагиларни амалга оширишлари зарур:

– бозорнинг янги сегменти сифатида ҳаёт микросуғуртасини баҳолаш: рисклар ҳажмини, мақсадли сегмент ҳақидаги статистик ва амалий маълумотлар мавжуд бўлмаган дастлабки даврда юзага келиши мумкин бўлган талаб даражасини;

– мақсадли сегментни Республика ҳудудлари бўйлаб имкон қадар тез ва кенг жойлаштириш мақсадида филиаллар тизимини шакллантириш;

– сотиш каналларини аниқлаштириш (шу билан бирга норасмий каналларни);

– кадрлар ушбу йўналиш бўйича махсус ўқитишни ташкил қилиш;

– сотувчиларни жалб қилиш йўлларини ишлаб чиқиш;

– ҳаёт микросуғуртасини таргиб қилиш йўлларини ва потенциал истеъмолчилар бозори бўйича молиявий режалаштиришни тшлаб чиқиш;

– фаолиятнинг бошланғич давридаги ишларни ташкил қилиш, маркетингни йўлга қўйиш ва маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича харажатлар ҳажмини аниқлаш ҳамда ташкил қилиш моделларини молиялаштириш манбаларини белгилаш;

– рисклар даражасини ҳисобга олган ҳолда мақбул тарифларни белгилаш мақсадида актуар ҳисобларни амалга ошириш;

– бизнеснинг даромадлилигини (рентабеллигини) таъминлаш мақсадида, харажатларни камайтиришга йўналтирилган инновацияларни қўллашни режалаштириш.

Микросуғурта бизнес-моделини ривожлантиришда қайта суғурта хизматларидан самарали фойдаланиш ҳам муҳим ҳисобланади. Ҳаёт микросуғуртаси шартномаси бўйича вафот этишдан суғурталашда қайта сугурта хизматларидан фойдаланиш суғурталовчининг қўшимча ҳимоясини таъминлаш билан унинг молиявий барқарорлигини таъминлайди ҳамда андеррайтинг борасидаги харажатларини ҳам камайтириш имконини беради. Қайта суғуртанинг роли айниқса давлат-хусусий шериклиги моделини қўллашда муҳим ҳисобланади.

Сотиш каналлари уларга хизмат кўрсатиш харажатлари билан тақдим этилаётган сервис сифати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаши керак. Бунинг учун норасмий (суғуртавий бўлмаган) сотиш каналларини ривожлантириш керак: микромолиявий ташкилотлар, нодавлат нотижарат ташкилотлари, савдо корхоналари, профсоюзлар, диний ташкилотлар, почта бўлимлари, тиббий муассасалар. Мақсад – мақсадли сегмент истеъмолчиларига етиб болришга эришиш. Ўз ўрнида мобил технологияларининг ривожланиши ҳаёт микросуғуртаси маҳсулотларини тарқатишда ностандарт воситалардан фойдаланишга ундайди. Сотиш каналларининг сотиш жараёнларини амалга ошириш билан бир вақтнинг ўзида тарғибот қилишни олиб боришлари ҳам ушбу хизматни оммавийлаштиришда муҳим воситалардан бири ҳисобланади.

Ҳаёт микросуғуртаси маҳсулотларининг намунавий турлари:

– нафақа суғуртаси маҳсулоти. Ушбу суғурта турида суғурталанувчи мисол тариқасида 60 ой давомида келишилган ойлик бадалларни тўлаб боради ва ушбу муддат ўтгандан кейин 40 ой давомида тўлаган ойлик бадалнинг икки баравари миқдорида тўлов олиш ҳуқуқига эга бўлади;

– маълум қисқа давр (3-5 йил) ўтгандан кейин ҳар йиллик инвестицион даромад олиш ҳуқуқини берувчи суғурта маҳсулоти. Бундай қўшимча имконият суғурталанувчини қўшимча рағбатлантириш билан бирга унга жамғариш имкониятини беради ва бир вақтнинг ўзида ҳаёт билан боғлиқ рисклардан суғурталайди»

– ҳаёт микросуғуртаси бўйича аёллар учун дастурлар (аёл оилада ягона боқувчи ҳисобланса ва ўз қарамоғида нонхўрлари бўлса). Бундай маҳсулотлар боқувчининг соғлиғи билан боғлиқ харажатларни тўлиғича қоплаш жавобгарлиғини кўзда тутади (профилактик тадбирлар билан бирга) ёки маблағларни келажакда фарзандлар таълим олиши билан боғлиқ тўловлар учун жамғаришга йўналтиради.

Ўз ўрнида, ҳаёт микросуғуртаси маҳсулотларининг жалб қилувчи хусусиятларини ошириш учун профилактик тиббий хизматлар, врач маслаҳатлари ёки юридик хизматлар кўрсатишни суғурта шартномасида кўзда тутилиши мумкин.

Бундан олдинги параграфда келтирилган, потенциал суғурталанувчиларнинг истеъмол талабларини оширишни рағбатлантирувчи тавсияларни (маҳсулотнинг оддийлиги, шаффофлиги, маҳсулотнинг инновацион дизайни, маҳсулотнинг эгилувчанлиги, андеррайтингнинг соддалиги) микросуғурта маҳсулотларини сотишни ташкил қилишда ҳам қўллаш мумкин.

Микросуғурта хизматларини оммавий ва самарали тарзда йўлға қўйиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

1. ҳаёт микросуғуртаси бўйича қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш.

2. ҳаёт микросуғуртасини амалга оширувчи суғурта ташкилотларини рағбатлантириш воситаларини ишлаб чиқиш.

3. зарур инфратузилмани ташкил қилиш, мақсадли сегментни суғурта муносабатлари дастурларига киритиш ва юқорида келтирилган аҳоли қатламларининг молиявий билимларини оширишга йўналтирилган молиявий ёрдамни ташкил қилишда давлатнинг иштироки.

4. Ҳаёт микросуғуртаси дастурларини давлат-хусусий шериклиги асосида молиялаштириш. Тижорат нуқтаи-назаридан бундай операциялар яқин келажакда рентабелли бўлмаслиги мумкин, аммо ушбу сегментни суғурта муносабатларига киритиш келажакда албатта ўзининг самарасини беради.

Тартибга солувчи органларнинг бу борадаги фаолияти қуйидагиларга йўналтирилиши керак:

– микросуғурталовчиларнинг тўловга қобиллигини ҳамда уларни ташкил қилишнинг халқаро стандартларга мос келишини таъминлаш;

– истеъмолчилар (мақсадли сегмент) ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

– соғлом рақобат учун зарур муҳит яратиш.

Умуман, хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, ҳаёт микросуғуртаси орқали мамлакатда ҳаёт суғуртаси хизматларига нисбатан тўловга қобил талабни шакллантириш, кам таъминланган ва нисбатан паст даражада таъминланган ҳамда чекка ҳудудлардаги кўп сондаги аҳолини суғурта хизматлари билан қамраб олиш ва шу асосда уларнинг моддий таъминотини яхши томонга ўзгартириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

3. Шеннаев Х. М. Ўзбекистон суғурта бозори Т.: «Молия-иқтисодиёт», 2013.

4. Абдурахмонов И. Х. «Суғурта назарияси ва амалиёти». Т.: «Иқтисод-молия», 2018.

М.М. Миролимов,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети докторанти

АҲОЛИНИНГ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИ ЎРНИНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада суғурта компанияларини фаолияти, аҳолини меҳнат фаолияти муҳофаза қилишдаги ўрнини, ҳамда юртимизда суғуртанинг замонавий турларини жорий этиш, суғурта фаолиятиниривожлантиришда ўз ҳиссасини кўшаётган компанияларнинг фаолиятини статистик тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: стратегия, суғурта хизматлари, агентлик, экспорт, импорт. суғурта, ҳаёт суғуртаси, сугурта бозори, чора-тадбирлар, ислоҳотлар, инновация, меҳнат ресурслари, фаол, сифат, иқтисодиёт, ривожланиш, миллий суғурта бозори, мукофот, қонунчилик.

Мустақиллигимизни дастлабки йилидан то ҳозиргига қадар юртимизда қўлга киритилган ютуқлар шу қадар беҳисобки, уларнинг барчаси дориламон ҳаётимизда, ободлик ва фаровонликда яққол ифодасини топмоқда. Зеро, Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Ҳаётнинг ўзи ва ўтган йиллар тажрибаси ҳудудларни комплекс ривожлантиришни ва инфратузилма фаолиятини тубдан ўзгартиришни таъминлашдаги жиддий камчиликларни бартараф этишни талаб қилмоқда». [1,] Шу мақсадда мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш,

узоқ муддатли стратегик мақсадларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш ва мавқейни мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар, замонавий юксак технологияларга асосланган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш асосий устувор йўналишлардан бири эканлигига эътибор қаратилди.

Сўнгги йилларда, Ўзбекистон иқтисодиётида кузатилаётган ривожланиш кўрсаткичларини самарали молиявий сиёсат натижаси эканлигини қайд этиш зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигинитаъминлашда ва аҳолини кўнгилсиз ҳодисалардан ҳимоя қилишда суғуртанинг ўзига хос муҳим ўрни бор.

Эътироф этишимиз лозимки, бугунги кунда Ўзбекистон суғурта бозорида 36 та суғурталовчи, шундан 28 таси умумий суғурта тармоғиа ва 8 таси ҳаётни сугурта қилиш тармоғида, шунингдек 5 суғурта брокери, 5 актуар ташкилот ҳамда 22 ассистанс, ажастер, сюрвейер компаниялари фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек ҳисобот даврида суғурта бўлимлари сони – 1773тага етди. Суғурталовчилар штатида 6,6 минг ходим ва 8,9 мингта суғурта агенти фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, суғурта компаниялари маълумотларига мувофиқ, 2020 йил Ічораги мобайнида **503,1 млрд. сўм** суғурта мукофоти йиғилди. Суғурталовчиларнинг ялпи устав капиталлари **782,4 млрд. сўм**га (138 фоизга ўсиш) ва иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми **2,834 трлн. сўм**га (138 фоизга ўсиш) етган. Бунда, Инвестицияларнинг 55 фоизи банк депозитларига, 30 фоизи акцияларга ва қолган қисми бошқа қимматли қоғозларга жойлаштирилган. Амалдаги шартномалар сони 7,0 млн. донани ташкил қилди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида халқаро тажрибаларни умумлаштирган ҳолда бозор иқтисодиётига хос суғурта

тизими ривожланиб бормоқда. Албатта, ўтиш даврида амалга оширилган суғурта сиёсати ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз амалга оширилишини таъминлайдиган ва аҳоли манфаатларини ижтимоий кафолатлайдиган соҳага айланиб бормоқда. Суғурта бозорини ривожлантириш бозор иқтисодиёти инфратузилмасини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб келмоқда.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнингчуқурлашуви, давлат мулкининг хусусийлаштирилиши, тадбиркорлик фаолиятининг барқарор суръатларда ривожланиши ишлаб чиқариш фаолиятига фуқароларнинг манфаатлари билан боғлиқ зарарларнинг қопланишида суғурталашга бўлган талабнинг ошиб боришидан, суғурталаш соҳаси муносабатларига янги суғурта объектлари ва субъектлари жалб этилиши орқали бўш маблағларни инвестицияга жалб этган ҳолда даромадлар кўпайтирилишидан далолат беради. Юқоридагилар суғурта иши ва суғурта бозорини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий бошқариш механизмини такомиллаштиришни талаб этади.

Суғурта статистикаси кўрсаткичлари мазмуни ва ҳисоблаш усуллари бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади. Мазмун белгиси бўйича улар суғурта объектига қараб юқорида кўрсатилган тамойилларга мос равишда гуруҳларга бўлинади. Ҳисоблаш усуллари бўйича: миқдорий, нисбий ва ўртача кўрсаткичларга бўлинади. Кўрсаткичлар тизими, шунингдек, натурал ва қиймат кўрсаткичларига, қиймат кўрсаткичларининг ўзи эса жорий ва доимий (таққосланма) баҳоларга бўлинади. Суғурта операцияларининг мутлоқ ўлчовларини характерловчи миқдорий кўрсаткичлар ўз ичига суғурта компаниялари сони, суғурта операциялари ўлчовлари, суғурталовчилар ва суғурта агентларининг сони, талофот кўрган объектлар сони,

тузилган шартномалар миқдори, устав капитали, суғурта бадаллари ва тўловлари суммалари ва бошқа кўрсаткичларни олади. Нисбий ва ўртача кўрсаткичлар ёрдамида суғурта бозорининг интенсивлиги ва самарадорлиги характерланади, шунингдек даромадлар ва харажатларнинг таркиби, талофот кўрган объектларнинг хиссаси, суғурта қоплами тўловларининг суғурта турлари ва шакллари бўйича улуши ва бошқалар характерлаб берилади. Суғуртанинг типик жараёнларини ўрганишда хусусан суғурта бадаллари, суғурта юкламалари ва тўловлари, тариф ставкалари, суғурта суммаларининг зарарли кўрсаткичлари, молиявий турғунлик коэффициентлари ва бошқа умумий кўрсаткичларда ўртача миқдорларни ҳисоб-китоб қилишга мурожаат қилинади. Алоҳида гуруҳни суғуртанинг умумлаштирувчи кўрсаткичлари ташкил қилади, улар суғурта ташкилотлари ишининг умумий кўрсаткичларини ўзаро боғлиқлигини ва уларга алоҳида омилларнинг таъсирини характерлаб беради. Суғуртанинг кўрсаткичлар тизими бутун мамлакат бўйича, шунингдек, иқтисодий ҳудудлар, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Суғурта статистикасида умумлаштирувчи кўрсаткичлар билан бир қаторда гуруҳлаш усули кенг қўлланилади. Суғурта ташкилотлари мулкчилик шакллари бўйича, суғурта тармоқлари ва турлари бўйича, устав капиталининг ҳажми бўйича, ишловчиларнинг сони бўйича ва бошқа кўрсаткичлар бўйича гуруҳларга ажратилади. Бу ерда Ўзбекистонда мулкчилик шакллари бўйича суғурта ташкилотларининг улуши бўйича маълумотлар таҳлил қилиниши керак. Тариф ставкаси (суғурта тарифи) суғурталаш суммаси ёки суғурталаш объекти бирлигидан олинадиган суғурталаш бадали нормасини англатади. Уни суғурта ҳимоясининг баҳоси деб ҳам аташади. Мол-мулк суғуртасида ставка нормаси йиллик суғурта суммасининг ҳар

100 сўмидан олинадиган бадал ҳисобланади. Шунингдек тариф жами суғурта суммасидан олинадиган фоиз ставкаси ҳам бўлиши мумкин. Суғурта тарифи нетто-ставкадан (суғурта мукофоти) ва брутто-ставкадан ташкил топади. Нетто-ставка суғурта фондини шакллантириш ва суғурта қопловларини тўлаш учун мўлжалланган. У суғурта бадалларининг асосий қисми ҳисобланади (90 фоизгача). Брутто-ставка – бу нетто-ставкага қўшимча (юклама) бўлиб, у ўз ичига маъмурий-хўжалик сарфлари ва фойдани олади. Суғурталаш объекти турига қараб, худудий қўшимча 8 фоиздан 40 фоизгача бўлиши мумкин.

Бўлажак нетто-ставка зарарлиликнинг ўртача йиллик кўрсаткичлари асосида аниқланади. Бу ўртача йиллик кўрсаткичлар ўтган 5-10 йиллик динамик қаторлар бўйича, уларнинг вариация даражасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади, яъни қуйидаги формула билан:

U=q+ts

Йиллар	Суғурта суммасининг хар 1000 сум келадиган зарарлилик, q_i	x – x	$(x - x)^2$
2016	28	-1	1
2017	27	-2	4
2018	30	1	1
2019	29	0	0
2020	31	2	4
	145		10

Беш йил учун ўртача йиллик зарарлилик ўртача арифметик бўйича аниқланади:

$$\bar{q} = \frac{\sum qi}{n} = \frac{145}{5} = 29 \text{ сўм}$$

Зарарлиликнинг ўртача квадратик четланиши қуйидагига тенг бўлади:

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum(q_i - \bar{q})^2}{n}} = \sqrt{\frac{10}{4}} = \sqrt{2,5} = 1,58 \text{ сўм}$$

Вариация коэффициенти эса:

$$V = \frac{\sigma * 100}{\bar{q}} = \frac{1,58 \times 100}{29} = 5,45\%$$

Вариация коэффициенти катта эмас ва шунинг учун ҳам динамик қаторни турғун деб ҳисоблаш мумкин, мулкий суғурталашнинг ўртача зарарлилиги эса типик атрофи дейиш мумкин. Динамик қаторнинг типиклик даражасини медиана ёрдамида баҳолаш мумкин. Агар унинг даражаси ўртача арифметик миқдорга яқин бўлса, унда қатор турғун деб баҳоланади. Бизнинг мисолимизда бу даражалар бир хил чиқди [2].

Ўртача миқдорларнинг вазнлари коэффициент ва фоизларда ифодаланган суғурта суммаларининг нисбий кўрсаткичлари бўлиши мумкин. Мол-мулк турлари бўйича суғурта суммалари миқдорини (2-жадвалга қаранг), уларнинг умумий суғурта суммасидаги улушлари билан алмаштирсак (ds=Si:e

Мол мулк тури	Базис даври				Ҳисобот даври			
	суғурта суммаси, млн. сум	суғурта тўловлари, млн. сум	зарарлилик коэффициент	суғурта суммаси, улуши	суғурта суммаси, млн. сум	суғурта тўловлари, млн. сум	Зарарлилик коэффициенти	суғурта суммаси Улуши
№1	24000	6000	0, 25	0, 25	30000	9000	0, 30 0, 26	0, 30 0, 70
№2	72000	19440	0, 27	0, 75	70000	18200		
Жами	96000	25440	0, 265	1, 00	100000	27200	0, 272	1, 00

Зарарлиликнинг ўртача даражаларини мол-мулкни турлари бўйича олинган умумий кўрсаткичлардан фойдаланиб ҳисоблаш мумкин (2-жадвал маълумотлари асосида):

$$\bar{q}_0 = \frac{25440}{96000} = 0{,}265 \text{ ёки } 265\%;$$

$$\bar{q}_1 = \frac{27200}{100000} = 0{,}272 \text{ ёки } 272\%$$

Ўртача зарарлилик индекси қуйидагига тенг бўлади:

$\bar{q} = 0,272:0,265=1,026$ ёки 102, 6 %

Худди шу миқдорни ўзини ўзгарувчи таркибли индекс формуласини қўллаб ҳам олишимиз мумкин:

$$J_{\bar{q}} = \frac{\sum q_1 d_{s1}}{\sum q_0 d_{s0}} = \frac{0{,}3 \times 0{,}3 + 0{,}26 \times 0{,}70}{0{,}25 \times 0{,}25 + 0{,}27 \times 0{,}75} = \frac{0{,}272}{0{,}265} = 1{,}026 \text{ ёки } 102{,}6\ \%$$

Бу индекс суғурта суммаси ўртача зарарлилигини суғурта суммасининг ҳар 1000 сўмига 70 сумга (0, 272 – 0, 265) ёки 2, 6% га ўсганлигини кўрсатади. Унинг ўсиши юқорида кўрсатилган икки омил таъсирида содир бўлди. Доимий таркибли зарарлилик индексини аниқлаймиз:

$$Iq = \frac{\sum q_1 d_{s1}}{\sum q_0 d_{s1}} = \frac{0{,}3 \times 0{,}3 + 0{,}26 \times 0{,}70}{0{,}25 \times 0{,}3 + 0{,}27 \times 0{,}7} = \frac{0{,}272}{0{,}264} = 1{,}030 \text{ } \textit{ёки } 103\%$$

Ўртача зарарлилик суғурта тўловлари ҳисобига 0, 008 сўмга (0, 272 – 0, 264) ёки 3% га ортди.

Суғурта суммалари таркибини ўртача зарарлиликни ўсишига таъсирини таркибий силжишлар индекси бўйича аниқлаймиз:

$$У_{т.с} = \frac{\sum q_0 d_{s1}}{\sum q_0 d_{s0}} = \frac{0{,}30 \times 0{,}25 + 0{,}70 \times 0{,}27}{0{,}25 \times 0{,}25 + 0{,}75 \times 0{,}27} = \frac{0{,}264}{0{,}265} = 0{,}9962 \text{ } \textit{ёки } 99{,}62\%$$

Ҳар 100 сўмлик суғурта суммасига тўғри келадиган ўртача зарарлилик 0,001 (0, 264 – 0,265) сўмга ёки 0,3% га пасайди. Бу омил ўртача зарарлилик даражаси ва динамикасига ижобий таъсир қилди. Юқорида келтирилган маълумотлар ва формулалар қолаверса шартли равишда олинган кўрсатгичларни ҳисоб-китобидан шу маълумки мамлакатимизда суғурталаш соҳасида айниқса ҳаёт суғуртаси билан шуғулланувчи суғурта фирмалари, тизимнинг фаолияти борасида аниқ хулосалар чиқара оламиз. Бугунги кунда мамлакатимизда 41 та суғурта компаниялари ва уларнинг филиаллари ўз фаолиятларини амалга ошириб, ўзларининг суғурта бўйича аҳолига ва аҳолининг иқтисодиёт секторларида банд бўлган яъни меҳнат ресурсларига ўзларининг фойдали таклифларини бериб келмоқда. Қуйидаги 3-жадвалда мамлакатимизда фаолият юритаётган 30 та суғурта ташкилотларининг суғурта мукофотлари, суғурта тўловлари ва суғурта мажбуриятларини тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган суғурта ташкилотларини статистик таҳлили (минг сўмда)

№	Суғурта ташкилотлари номи	Суғурта мукофотлари			Суғурта тўловлари			Суғурта мажбуриятлари		
		01. 01. 2020	01. 01. 2021	o'zgarish %da	01. 01. 2020	01. 01. 2021	o'zgarish %da	01. 01. 2020	01. 01. 2021	o'zgarish %da
	Жами	**1 727 547,4**	**1 879 346,0**	**109%**	**284 089,5**	**419 628,2**	**148%**	**845 506 943,8**	**1 088 180 764,4**	**129%**
1	«O'zbekinvest» EISK AJ	285 609,1	262 869,2	92%	24 175,1	66 601,2	275%	219 043 236,6	142 622 569,4	65%

2	«Gross Insurance» MChJ	222 125,9	251 772,6	113%	30 982,8	48 966,2	158%	159 144 193,6	263 716 640,2	166%
3	«O'zagrosu-g'urta» AJ	252 641,4	178 202,9	71%	97 649,6	91 392,1	94%	70 062 496,4	83 268 490,3	119%
4	«Kafolat sug'urta kompaniyasi» AJ	150 656,0	149 363,3	99%	33 847,7	36 769,9	109%	87 006 898,9	101 898 213,3	117%
5	«Euroasia In-surance» MChJ QK SK	129 727,8	144 931,6	112%	12 685,1	30 157,9	238%	47 322 030,1	69 391 945,5	147%
6	«Apex Insurance» MChJ	40 213,03	120 337,1	299%	474,5	4 785,8	1009%	27 543 353,2	50 025 570,6	182%
7	«My Insurance» MChJ SK	49 389,49	101 309,8	205%	5 676,5	14 477,2	255%	8 811 598,7	14 811 783,8	168%
8	«Alfa Invest» MChJ ST	96 228,37	97 295,0	101%	18 219,7	16 095,6	88%	45 737 245,6	104 392 521,9	228%
9	«Temiryo'l Sug'urta» MChJ	56 302,21	52 787,8	94%	6 861,4	11 690,7	170%	26 354 892,7	20 531 996,1	78%
10	«Asia Inshurans» MChJ SK	71 789,75	51 435,9	72%	10 234,9	19 435,9	190%	19 610 121,7	20 974 014,4	107%
11	«Kafil Sug'urta» MChJ	40 017,69	50 005,6	125%	877,2	1 874,1	214%	6 553 534,2	12 942 068,4	197%
12	«Kapital Sug'urta» AJ	46 466,46	49 431,9	106%	14 106,6	11 650,2	83%	19 399 358,6	38 135 870,6	197%
13	«PSB Insurance» MChJ	21 062,30	48 031,2	228%	154,6	4 868,6	3150%	8 770 680,9	23 558 055,9	269%
14	«Alskom» AJ SK	48 498,04	44 109,3	91%	8 203,5	14 370,0	175%	19 153 224,5	34 612 303,1	181%
15	«Ingo-Uzbekistan» SAJ	35 259,08	37 545,1	106%	2 683,4	7 720,8	288%	31 432 082,2	21 432 359,4	68%
16	«Asko-Vostok» MChJ	31 836,49	35 099,1	110%	7 401,2	15 007,5	203%	5 227 558,7	7 823 190,9	150%
17	«Imkon-Sug'urta» MChJ	3 611,47	29 749,5	824%	–	287,3	-	1 201 816,7	9 361 764,8	779%

18	«Xalq Sug'urta» MChJ SK	39 555,40	29 065,9	73%	2 053,3	8 842,5	431%	9 836 991,3	12 343 071,2	125%
19	«Universal-Sug'urta» AJ	26 834,33	25 565,6	95%	1 895,4	4 097,9	216%	9 267 630,0	13 381 753,0	144%
20	«Hamkor Sug'urta» MChJ	18 994,30	25 110,4	132%	1 398,5	1 654,7	118%	4 591 196,7	6 353 693,9	138%
21	«INSON» MChJ SK	12 926,18	17 128,0	133%	588,4	1 712,3	291%	3 619 366,5	5 403 726,0	149%
22	«IShONCh» BSK MChJ QK	11 305,3	16 535,6	146%	946,8	3 586,6	379%	3 541 717,5	5 538 531,1	156%
23	«Omad Sug'urta» MCHJ	20,66	14 284,5	69146%	–	46,4	-	190 005,5	3 751 453,1	1974%
24	«Global Insur-ance Group» MChJ ST	11 484,89	12 652,4	110%	890,6	1 081,2	121%	2 276 358,7	1 585 680,4	70%
25	«Garant Insurance Group» MChJ	9 324,33	11 795,0	126%	798,6	835,5	105%	1 787 214,7	3 241 351,2	181%
26	«DD-General Insurance» MChJ	9 158,05	9 961,3	109%	1 082,6	1 390,8	128%	2 946 974,9	3 249 024,5	110%
27	«Perfect Insurance» MChJ	1 264,74	9 120,3	721%	–	32,3	-	490 547,3	2 612 478,2	533%
28	«Unipolis» MChJ	5 244,82	2 765,2	53%	201,5	196,9	98%	4 584 617,6	9 866 710,3	215%
29	«ARIA SUG'URTA TASHKILOTI» MCHJ	–	842,2	-	–	–	-	–	1 347 760,6	-
30	«SEMURG INSURANCE» MCHJ QK	–	242,6	-	–	–	-	–	6 172,1	-

Юқорида келтирилган жадвалдан шуни кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларини суғурта мукофотларини 2021 йил 1 январда жами 1 879 346,0 минг сўмни ташкил этган 2020 йилга нисбатан 109 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин.

2021 йил 1 январь давомида суғурта мукофоти бўйича «Apex Insurance» MChJ компаниясиэнг юқори кўрсаткични яни 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 299 фоизга ошган, «Perfect Insurance» MChJ компаниясида 9 120,3 минг сўм билан олдинги йилга нисбатан 721 %га кўтарилганлигини кўришимиз мумкин. Лекин шуни ҳам эътироф этишимиз керакки, суғурта мукофоти куйи кўрсаткичларни ташкил этган компаниялар ҳам мавжуд. Уларга куйидагиларни киритамиз: «Unipolis» MChJ 53%, O‘zagrosug‘urta» AJ 71 %, Asia Inshurans» MChJ SK 72 %, «Xalq Sug‘urta» MChJ SK 73 % ташкил қилганлигини кўришимиз.

Сугурта тўловлари бўйича эса Ўзбекистон Республикаси бўйича 2020 йилнинг 1 январь ҳолатида 284089,5 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда эса 419 628,2 минг сўмга ошганлигини эътироф этишимиз мумкин. Суғурта тўловлари бўйича энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган компанияларPSB Insurance» MChJ – 3150 %, «Apex Insurance» MChJ – 1009%, «Kafil Sug‘urta» MChJ – 214 %, «IShONCh» BSK MChJ QK – 379 %ни ташкил этган. Энг куйи кўрсаткичларда эса «Kapital Sug‘urta» AJ – 83 %, «O‘zagrosug‘urta» AJ – 94 %, «Unipolis» MChJ – 98 % ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар аҳоли барча қатламини ҳуқуқий ҳимояга олган ҳолда, уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаб, пировардида турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бинобарин, аҳоли учун

хизматлар тури ва сифатини ошириш борасидаги вазифалар ижросини бажаришда яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда имтиёзларнинг аҳамияти ниҳоятда беқиёс. Суғурта компанияларини фаолият ривожланиб бораркан аҳолининг ҳаёти турмуш даражаси яхшиланиб бораверади. Компанияларнинг ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, бундан буён ҳам аҳоли ҳамда барча турдаги хўжалик юритувчи субъектларига сифатли суғурта хизматларини кўрсатиб, иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, халқимиз ҳаёт даражасини бундан-да яхшилашга муносиб улуш қўшаверади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4804-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи муҳокама қилинди». http://president.uz. 08.05.2020

5. Soatov N.M., X.Nabiev N.M., Аюбжонов А.Ҳ., Statistika. Darslik. – T.: TDIU, 2020. – 548 bet.

6. Шодиев Х.А. Молия статистикаси. Дарслик – Т: 2010 й. 201-220 б.

7. https://uzsugurta. uz

8. https://www. gazeta. uz/uz/2020/05/19/insurance

З.О. Шаниязова,
мустақил тадқиқотчи,
Қорақалпоқ давлат университети

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ СУҒУРТАЛАШНИ ҚЎЛЛАБ–ҚУВВАТЛАШНИНГ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда қишлоқ хўжалигидаги суғурта тизимининг устунликлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилган. Қишлоқ хўжалик тармоғида суғурта амалиётини ривожлантиришнинг заруриятлари аксини топган. Ўзбекистон фермер хўжаликлари фаолиятида уни қўллаш имкониятлари тадқиқ этилган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: агросугурта, фермер хўжалиги, зарар, суғурта, суғурта мақсулотлари, сугурта шартномаси, суғурта даври, риск.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда Республикамизда қишлоқ хўжалик суғуртаси соҳаси ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда. Ҳозирги кунда ушбу тармоқда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини суғурталаш бўйича хизматларни таклиф этувчи «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси фаолият юритмоқда. «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонун асосида фаолият кўрсатувчи ушбу компания қишлоқ хўжалиги суғуртаси йўналиш бўйича 40 тага яқин турдаги суғурта хизматларини амалга ошириб келмоқда.

Мамлакатимиздаги мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган қишлоқ хужалиги корханаларини суғурталашни қўллаб-қувватлаш хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ҳамда уларнинг ижобий жиҳатларидан оқилона фойдаланиш қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг самарадорлиги ортишига, маҳсулот етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш имкониятларининг ошишига туртки беради.

Илмий аҳамияти. Фан ва технология тараққиётининг айни пайтдаги юксак даражасига қарамай, дунёдаги кўплаб давлатлар аграр тармоқдаги қишлоқ хўжалик экинларига жиддий талофат етказувчи табиий-иқлим ва иқтисодий мазмундаги хатарларнинг кучайиши билан боғлиқ муаммоларга тез-тез дуч келмоқдалар ҳамда бу каби муаммолар тобора глобал характерга эга бўлиб бормоқда.

Айни пайтда, ушбу масаланинг халқаро амалиёт тажрибаси тахлили қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши узлуксизлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашда хавф-хатарларни бошқаришнинг энг самарали усули сугурта эканлигини кўрсатмоқда.

Табиий иқлим шароитларига нисбатан юқори даражадаги қарамлик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги рискларни бошқаришда суғурта ва суғурта тизими имкониятларидан кенг тарзда фойдаланиш заруратини юзага келтиради. Суғурта тармоғида янги технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ рисклар, кредит ресурсларидан фойдаланишдаги рисклар, қишлоқ хўжалик мақсулотларини биржа тизими (спот, форвард, фьючерс) орқали сотиш давомида юзага келувчи рискларни самарали бошқариш имконини беради. Сифатли суғурта хизматлари ва бу борадаги ҳукумат дастурларини ишлаб чиқиш қишлоқ хўжалик мақсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга имкон беради, аграр

тармоқни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат бюджети қаражатларини қисқартиради [1. 176 б.].

Қишлоқ хўжалик тармоғида суғурта амалиётини ривожлантиришнинг зарурияти қуйидагиларда ўз аксини топади:

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўзига хос иқтисодий фаолият тури сифатида юқори даражадаги рисклар билан боғлиқ эканлиги;

– аксарият ҳолларда қишлоқ хўжалик корхоналарининг табиий офатлар ёки ишлаб чиқаришдан кўрган зарарларни мустақил қоплай олмасликлари;

– суғурта ҳимоясининг салбий ҳодисалар билан боғлиқ йўғотишларни қоплаш ҳамда аграр тармоқнинг барқарор ривожланиш суръатларини таъминлаш кафолати сифатида хизмат қилиши.

Амалиётда қишлоқ хўжалигидаги хавф-хатарларни бошқаришга қаратилган турли хил стратегиялар ишлаб чиқилган, бироқ агросуғурта қишлоқ хўжалигида турли хавф-хатарлардан, кўзда тутилмаган йўқотишлардан ҳимоя этишнинг самарали воситаси бўлиб қолмоқда.

Агросугурта барча турдаги қишлоқ хўжалик хатарларини бошқаришнинг синалган механизми эканлиги билан бир қаторда суғурта бозорининг барча иштирокчилари манфаатларини бирлаштиришнинг энг мақбул йўли ҳамдир. Шунинг учун аграр соҳани суғурталашнинг замонавий моделларини ривожлантириш унга инновацион ёндашувни тақозо этади [2, 340 б.].

Мамлакатимиз олимлари тадқиқотларида ушбу соҳа кенг ўрганилган бўлса-да, иқтисодиётнинг либераллашуви ва таркибий ислоҳотларни жадаллаштириш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятидаги рискларни бошқариш борасидаги тадқиқотлар янгича ёндашувни тақозо этмоқда. Юқоридаги-

лардан келиб чиқиб, Агросаноат мажмуасини суғурталашни қўллаб-қувватлаш механизмларини амалга оширишда чет ел тажрибасини таҳлил қилиш давлатнинг аграр соҳани ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш учун қулай молиявий шароитларни яратишда фаол роль ўйнаётганидан далолат беради. Маҳаллий агросаноат мажмуаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уни Ўзбекистон амалиётига мослаштириш мумкин деб ҳисоблаймиз. Мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг қишлоқ хўжалиги тармоғида фермерлик фаолиятини ташкил этиш ва юритишнинг илмий асослари бўйича олиб борган илмий ишларининг натижалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг агросаноат тизимида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари ташкил этади [3, 704 б.].

Шу билан бирга, хорижий мамлакатларда фермерлик фаолиятини ташкил этиш ва уни юритишда ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, Ўзбекистондаги фермер хўжаликларини ривожлантиришда уларнинг фойдали жиҳатларини амалиётга киритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Тақлил ва натижалар.

Қишлоқ хўжалигини суғурталаш амалиёти биринчи марта 1750 йилда Францияда жорий этилганлиги эътиборга олинса, бу борада халқаро даражада тарихий тажриба шаклланган, дейиш мумкин [5, б. 176 б.]. Ҳозирги вақтда эса агросуғуртанинг энг ривожланган тизимлари АҚШ, Канада ва Испанияда, ривожланаётган мамлакатлардан – Ҳиндистонда жуда тараққий этган. Сўнгги йиллар давомида мазкур давлатлар ҳукуматлари ва суғурта компаниялари томонидан бир қанча янги дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, бу борадаги энг эътиборли жиҳат аграр соҳадаги суғурталаш хизматларининг тез суръатларда

диверсификациялашаётганлигидир. Жумладан, қишлоқ хўжалик экинларини суғурталаш, даромадларни суғурталаш ҳамда даромадларни барқарорлаштириш бугунги кундаги халқаро амалиётда энг кенг қўлланиладиган сугурта дастурлари ҳисобланади [6, б. 97].

Аграр тармоқдаги хатарларни бошқариш борасидаги суғурта дастурларини амалга оширишда АҚШ етакчи ҳисобланади. Мазкур мамлакатда 2017 йилда 551 та суғурта дастурлари жорий этилган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фермер хўжаликлари деярли барча турдаги хавф-хатарлардан тўлиқ суғурта қилиш имконини берувчи 123 та турдаги объектлар (қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва ҳайвонлари) учун суғурта дастурлари жорий этилган [7, б. 104].

Фермер хўжаликлари учун жорий этилган асосий агросуғурта дастурлари қуйидаги йўналишларда шакллантирилган:

– алоҳида рискларни индивудиал тарзда суғурталаш;

– кўплаб турдаги рисклардан суғурталаш;

– ҳудудий ҳосилдорлик индекси бўйича суғурталаш;

– об-ҳаво индекси бўйича суғурталаш;

– фермер хўжаликлари даромадларини суғурталаш (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нафақат ҳосил ололмаслик ҳолатларидан, балки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларининг пасайиб кетиш ҳолатларидан ҳам ҳимоя қилинади).

Хулоса ва таклифлар

Қишлоқ хўжалик тармоғининг барқарор ривожланишида хатарларни бошқариш муҳим вазифа ҳисобланади. Хорижий амалиёт ҳар бир давлатда қишлоқ хўжалигидаги хатарларни бошқариш механизми ўзига хос бўлиши, қишлоқ хўжалигини юритиш маданияти билан мос тарзда шаклланиши ва ривожланишини кўрсатиб бермоқда. Ривожланган давлатларда қишлоқ

хўжалигини суғурталашда узоқ йиллар давомида бой тажриба тўпланган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларни турли хатарлардан суғурталашнинг самарали механизмлари жорий этилган. Қишлоқ хўжалик экинларини суғурталаш, даромадларни суғурталаш ҳамда даромадларни барқарорлаштириш суғуртанинг энг кенг тарқалган йўналишлари сифатида эътироф этилган.

Ривожланган давлатларнинг қишлоқ хўжалик суғуртасини амалга ошириш бўйича тажрибаларини Республикамиз маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда қўллаш яхши самара беради.

Хорижий тажрибалар асосида Ўзбекистон фермер хўжаликлари фаолиятидаги хатарларни бошқариш бўйича қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

– фермер хўжаликлари фаолиятидаги турли хил хатарларни қамраб оладиган суғурта хизматларининг турларини кенгайтириш ва такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалигини суғурталашда турли мулк шаклидаги суғурта компанияларини агросуғурта бозорига жалб этиш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш;

– хусусий мулк шаклидаги суғурта компаниялари томонидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги рискларни суғурталаш бўйича суғурта хизматлари таклифини давлат томонидан рағбатлантириб бориш;

– кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятидаги рискларни суғурталашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш;

– қишлоқ хўжалигидаги рискларни бошқаришда агросуғурта билан чегараланиб қолмасдан, тармоқ бошқарувининг барча даражаларида бошқариш механизмини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалиги соҳасидаги суғурта ҳодисаларини экспертиза қилиш ва зарарларни аниқлашда Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази иштирокини таъминлаш, қишлоқ хўжалик хавф-хатарларини объектив баҳолашни имкон берувчи кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалик тармоғининг базавий соҳаларини ривожлантириш орқали уларнинг бошқарувида фойдаланиш;

– қишлоқ хўжалигини суғурталаш соҳасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини янада кенгайтириш, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги асосида қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталашнинг самарали моделларини ривожлантириш;

– суғурта ҳодисаси содир бўлмаган тақдирда суғурта даъвосини кўриб чиқиш амалиётини соддалаштириш ва шаффофлигини таъминлаш;

– суғурта ҳодисаси руй бермаган ҳолларда суғурта мукофотларини бир қисмини суғурталанувчига қайтариш амалиётини жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Абдуллаев, Х.Айбешов, Қ.Рустамов, У. Мустафоев. Фермер хўжалиги иқтисоди. – Т.: Фан ва технология, 2006 й., 176 бет.

2. «И?тисодиёт ва инноватсион технологиялар» илмий электрон журнали. № 1, январ-феврал, 2019-йил

3. Абдуғаниев А. қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Адабиёт жамғармаси. 2007. – 340 б.

3. Бокушева Р., Хайделбах О. Актуалные аспекты страхования в селском хозяйстве. Дисуссион Папер. Но 57. 2004.

4. Задорожная М.В., Решетникова Н.В. Зарубежный опыт управления рисками в агропродоволственном комплексе: рол

государства. Региональные агросистемы: экономика и сотсиология. Эжегодник [Электронный ресурс]. – Саратов, ИАгПРАН, 2017. № 1.

5. Кадомтсева М. Э. Зарубежный опыт управления инноватсионным развитием агропродоволственного комплекса на примере США и Канады / М. Э. Кадомтсева // Региональные агросистемы: экономика и сотсиология. Эжегодник [Электронный ресурс]. – Саратов, ИАгПРАН. – 2010. № 1. УРЛ: ?ттп:// www. иагпран. ру.

6. Международний опит частно-государственного партнерства и государственной поддержки в агрострахование.

7. http://agroinsurance. com/ru/29980/

A.J. Raxmatov,
TMI «Bank ishi kafedrasi oq`ituvchisi

XALQARO BANK AMALIYOTIDA BANK RISKLARNI SUG'URTALASHNING AHAMIYATI


Annotatsiya. Mazkur maqolada bank risklari, ularning mohiyati va bank faoliyatidagi ahamiyati, bank risklarini kamaytirish va oldini olish bilan bog'liq usullar, bank risklarini oldini olishda risklarni sug'urtalashning zarurligi va bu boradagi xalqaro tajriba keltirilgan. Shuningdek, bank risklarini sug'urtalashning zamonaviy usullari, raqamli iqtisodiyot sharoitida innovatsion sug'urtalash usullari va ulardan mamlakatimiz amaliyotida foydalanish imkoniyatlari keng yoritilgan.

Tayanch so'zlar: bank risklari, bank operatsiyalari, sug'urta tizimi elementlari, omonat sug'urtasi, xodimlar sug'urtasi, moliyaviy barqarorlik, Banker Blanket Bond (BBB).

Zamonaviy sharoitda bank risklarini sug'urtalash tobora ommalashgan va istiqbolli sug'urta turiga aylanmoqda, chunki bu bank sektoridagi xatarlarni kamaytirishning eng samarali usullaridan biri hisoblanadi.

Birinchi marta 1887-yilda AQShda bank sug'urtasi shartnomasi tuzildi. Bank biznesidagi sug'urta himoyasining zamonaviy tizimi banklarga bog'liq bo'lmagan moliyaviy yo'qotishlarning deyarli barcha kanallarini qamrab oladi. Hozirgi vaqtda ko'plab mamlakatlarda bank sug'urtasi keng rivojlangan. Masalan, Qo'shma Shtatlarda har yili 2000 dan ortiq bank xavfini sug'urtalash

bo‘yicha shartnomalar tuziladi. Dunyoda bank sug‘urtasi tobora ommalashib borayotgani bir qator sabablarga bog‘liq. Ulardan biri sug‘urta sohasini kengayishi, ya‘ni banklar sonining, ularning aktivlari va kapitalining ko‘payishi, bank operatsiyalari hajmining oshishi. Banklarni sug‘urtalashga majbur qilishning yana bir sababi bu yo‘qotishlarga olib keladigan risklar chastotasi va kengayishi, turli baxtsiz hodisalar natijasida yetkazilgan zarar miqdorining ko‘payishi. Va nihoyat, sug‘urta shartnomasi bankning obro‘sini oshiradi, mijozlar va investitsiyalarni jalb qilishga yordam beradi, chunki bu to‘lov qobiliyati va bankrotlik xavfini kamaytiradi.



1-rasm. Tijorat banklari sug‘urtalash tizimi elementlari [1].

Shunday qilib, bank risklarini sug‘urta qilish, birinchi navbatda, mijozlar va aksiyadorlar tomonidan bankka bo‘lgan ishonchni kuchaytiradi. Ikkinchidan, bu bank uchun tavakkalchilikdan ko‘ra arzonroq variant, chunki ko‘p miqdordagi banklarning xatarlarini birlashtirish miqyosni tejashga yordam beradi, bu esa sug‘urtalovchining xarajatlarini pasaytiradi. Va nihoyat, sug‘urta pul oqimlarining barqarorligiga hissa qo‘shadi, noaniqlikni minimallashtiradi va moliyaviy ofatlarning oldini oladi.

Bank sug‘urtasi tizimining elementlarini ikki guruhga bo‘lish mumkin. Birinchi guruh deyarli barcha korxona va tashkilotlar uchun umumiy bo‘lgan sug‘urta ob‘ektlarini va sug‘urta xavflarini qamrab oladi. Ushbu guruhga mulk va shaxsiy sug‘urtaning har xil turlari kiradi, masalan, binolarni sug‘urta qilish, ofis banklari joylashgan mulk, kompyuterlar, ofis jihozlari va boshqa elektron uskunalar, banklarga tegishli avtoulovlar, bank xodimlarining shaxsiy sug‘urtasi va boshqalar.

Ikkinchi guruhga bunday bank bajaradigan operatsiyalar tavakkalchiliklari kiradi, ularga nisbatan sug‘urtani qoplash zarurati bank faoliyatining maxsus turi sifatida aniqligi bilan izohlanadi. Bunga aktiv bank operatsiyalari (qarz berish, obligatsiyalar sotib olish va boshqalar), passiv bank operatsiyalari (bank depozitlari), kompyuter bank tizimlari, bank tomonidan chiqarilgan plastik kartalar va boshqalar kiradi.

Bank kredit risklarini sug‘urtalashda bank sug‘urtalovchi hisoblanadi va sug‘urta ob‘yekti bir yoki bir guruh qarz oluvchilar tomonidan bank tomonidan berilgan ssudani kredit shartnomasi bo‘yicha to‘lanadigan foizlar va boshqa to‘lovlarni hisobga olgan holda to‘lash majburiyati hisoblanadi. vaqt cheklangan. Kreditni qaytarmaslik xavfidan sug‘urtalashning asosiy maqsadi qarz oluvchi yoki qarz oluvchilar guruhi tegishli bitimlar bo‘yicha bank oldidagi majburiyatlarini bajarmagan taqdirda bankka yetkazilgan

zararni qoplashdir. Sug'urta tovonining ulushi bajarilmagan majburiyatlar miqdorining 50-90% gacha (kredit bo'yicha tegishli foizlarni hisobga olgan holda). Sug'urtalashning ushbu turini qarz oluvchining javobgarligini sug'urtalashdan ajratish kerak, bu yerda sug'urtalangan shaxs bankning bevosita qarz oluvchisi-mijozi hisoblanadi.

Omonatlarni sug'urtalash – bu banklar tomonidan amalga oshiriladigan sug'urta turidir, unga ko'ra omonatchilar omonatlarini qaytarib berish kafolatlanadi, agar banklar to'lovga layoqatsiz deb topilsa va ularning bankrotligi natijasida. Ushbu sug'urta turining xususiyatlari, uning ko'lami va ahamiyatiga ko'ra, alohida e'tiborga loyiqdir.

Muayyan bank operatsiyalarini himoya qilish uchun sug'urtaning maxsus turlariga quyidagilar kiradi:

• kompyuter bank tizimlariga ruxsatsiz kirish bilan bog'liq xatarlarni sug'urtalash;

• bank tomonidan chiqarilgan, yo'qolgan, o'g'irlangan yoki soxta plastik kartalardan foydalanish bilan bog'liq yo'qotish xavfini sug'urtalash;

• bank xodimlarining o'z vazifalarini bajarishda odatdagi xatolari bilan bog'liq xatarlarni sug'urtalash [2].

Uchinchi shaxslar tomonidan sodir etilgan elektron va kompyuter jinoyatlaridan sug'urta himoyasini ta'minlash bank risklarini sug'urtalashning eng qiziqarli yo'nalishlaridan biridir. Bunday sug'urtaga bo'lgan ehtiyoj elektron texnologiyalarni qo'llashda jinoyatchilikning keskin ko'payishi tufayli yuzaga keladi. Britaniya tadbirkorlar federatsiyasining hisob-kitoblariga ko'ra, kompyuter tizimlaridan foydalangan holda firibgarlikning zarari har bir hodisa uchun o'rtacha 500 ming dollarni tashkil etadi va masalan, AQSHda yillik umumiy zarar 3-5 milliard dollarni tashkil etadi. shartnomalar quyidagi sug'urta xavflaridan sug'urta qoplamasini ta'minlaydi:

a) sug‘urtalangan shaxs tomonidan sug‘urta qildiruvchining yoki bankka xizmat ko‘rsatadigan hisoblash markazining kompyuter tizimiga ruxsatsiz kirishi natijasida har qanday mablag‘ni o‘tkazish, ularga kredit berish yoki boshqa har qanday to‘lovni amalga oshirish. yoki bunday ma’lumotlarni buzish;

b) sug‘urta qildiruvchi tomonidan ushbu operatsiyalarni teleks, faks va boshqa elektron aloqa vositalari orqali amalga oshirish to‘g‘risida firibgarlikka buyurtma olish asosida har qanday mablag‘ni o‘tkazish, ularga kredit berish, hisob-kitobni to‘lash yoki boshqa to‘lovlarni amalga oshirish;

c) sug‘urta qildiruvchi qasddan yuqtirish yoki ularni kompyuter virusi bilan yuqtirishga urinish natijasida kompyuter tarmog‘idagi ma’lumotlarning buzilishi sababli har qanday mablag‘ni o‘tkazadi yoki boshqa to‘lovlarni amalga oshiradi;

d) telefon yo‘riqnomasi orqali pul o‘tkazmalari bilan bog‘liq firibgar operatsiyalar (bank xodimi tomonidan tajovuzkor tomonidan yuborilgan telefon buyrug‘ining bajarilishi);

e) vaqtincha shartnomalar asosida sug‘urta qildiruvchi uchun ishlarni bajarayotgan shaxslarning kompyuter dasturlari bilan firibgarliklar;

f) magnit tashuvchilarda qasddan yo‘q qilish yoki yo‘q qilishga urinishlar;

g) sug‘urta qildiruvchiga tegishli yoki elektron axborot vositalarida saqlanadigan qimmatli qog‘ozlarning buzilishi yoki yo‘q qilinishi;

h) o‘z mijozi yoki boshqa moliya instituti tomonidan pul mablag‘larini yoki boshqa har qanday to‘lovni o‘tkazishi natijasida sug‘urta qildiruvchining javobgarligi, shuningdek, firibgar buyrug‘i bo‘yicha go‘yoki sug‘urta qildiruvchi nomidan kvitansiya asosida mol-mulk yetkazib berish. yoki pul mablag‘larini (mol-mulkni) o‘tkazish, to‘lash, yetkazib berish yoki olishni amalga oshirishni tasdiqlash.

Bank xodimlarining o‘z xizmat vazifalarini bajarishda xatolari bilan bog‘liq bo‘lgan xatarlarni sug‘urta shartnomasi bo‘yicha, quyidagi oqibatlarga olib keladigan zarar:

• bank mijozlari bilan naqd operatsiyalarni amalga oshirishda xodimlarning etishmasligi;

• bank xodimlari tomonidan shakllangan qiymatlarni qayta hisoblashda aniqlangan kamchiliklar;

• bank mijozlari tomonidan yo‘qolgan deb e’lon qilingan to‘lov hujjatlari uchun bank kassalari tomonidan to‘lovlar;

• bank kassalari tomonidan chet el valyuta kurslarining noto‘g‘ri qo‘llanilishi;

• bank xodimlarining hisobotida bo‘lgan qimmatbaho narsalarni o‘g‘irlash [2].

Shuni ta’kidlash kerakki, G‘arbda deyarli har bir bank bank risklarini har tomonlama sug‘urtalash bo‘yicha shartnoma tuzadi – Banker Blanket Bond (BBB) deb nomlanadi. [4] Bu holda sug‘urta obyekti bankning o‘ziga tegishli bo‘lgan mol-mulkka egalik qilish, foydalanish, tasarruf etish bilan, shuningdek sheriklar tomonidan bankka o‘tkazilgan pul mablag‘lari va boshqa mol-mulk (qimmatli qog‘ozlar va boshqalar) bilan bog‘liq bo‘lgan mulkiy manfaati hisoblanadi. yoki bank litsenziyasi asosida bank faoliyati doirasidagi mijozlar. Bunday shartnomaga binoan mijozga xatarlardan himoya ta’minlanadi:

• xodimlarning firibgarligi;

• talonchilik, qaroqchilik, g‘arazli harakatlar, o‘t qo‘yishlar natijasida mulkka, shu jumladan naqd pul va qimmatli qog‘ozlarga jismoniy yo‘qotish yoki zarar;

• qalbaki banknotalarni / to‘lov hujjatlarini qabul qilish;

• naqd pul va qimmatliklarni tashish bilan bog‘liq.

Shu bilan birga, BBB sug‘urta polisini sotib olish standart yong‘indan yoki maxsus xavflardan himoya qilmaydi. Alohida

ravishda odatdagi klassik shartlarga muvofiq quyidagilar sug'urta qilinadi: bank binosi, shu jumladan, binoda unda joylashgan mol-mulk (Property Damage Insurance); bankning kassalari, depozitlari va abonent seyflari (Vault Insurance); muhandislik uskunalari (Boiler & Machinery); bankning elektron uskunalari, shu jumladan ma'lumotlar bazalarini tiklash xarajatlari (Electronic Equipment Insurance); sug'urta hodisasi (ishning uzilishi) natijasida yuzaga keladigan ishlamay qolish bilan bog'liq bilvosita zararlar.

Shunday qilib, keltirilgan nazariy yondashuvlar katta amaliy ahamiyatga ega bo'lib, amaliyotda quyidagi xulosalardan foydalanish mumkin:

1. Bank tizimida risklar sug'urtasi bank aksiyadorlari va mijozlari manfaatlariga mos kelishi kerak.

2. Har qanday sug'urta shartnomalarini shakllantirish va ulardan foydalanish aniq belgilangan maqsadlarga ega bo'lishi kerak. Shu bilan birga, ushbu maqsadlar o'zgarmasligini ta'minlash uchun tegishli nazorat zarur.

3. Sug'urta polislaridan samarali foydalanish maqsadlarini aniqlashda banklar faoliyatidagi risklarni umumiy risk menejmenti nazariyasi asosida keng miqyosli o'rganish kerak.

4. Sug'urta zaxiralari sug'urtalovchilar faoliyatidagi risklarning alohida toifasini qoplovchi barcha elementlardan qamrab olgan yaxlit tizim bo'lishi kerak.

5. Xorijiy amaliyotda hayot sug'urtasi bo'yicha zaxiralar boshqa sug'urta turlari bo'yicha zaxiralardan shakllantirish va joylashtirish tartibi bo'yicha alohida ajratilgan. Bunday ajratishga sug'urta zaxirasining tarkibi, funktsiyasi, sug'urtaviy himoyalash maqsadi, riskning xususiyati, hisoblash uslubiyoti bo'yicha farqlanishi sabab bo'lgan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. htpp://www. fdic. gov. AQSh Federal Depozitlarni Sug'urtalash Korporatsiyasi (FDIC) rasmiy sayti ma'lumotlari.

2. Дедиков С. В. Комплексное страхование банковских рисков // Юридическая работа в кредитной организации. 2011. N 3. С. 8 – 21.

3. Козлова О. Н., Калачева И. В. Теоретические аспекты страхования банковских рисков: материали за 10-а Международна научна практична конференция «Найновите научни достижения». Т. 1. Икономики. София: «БялГРАД-БГ» ООД, 2014. С. 15 – 19.

4. Страхование и управление риском: Терминологический словарь / Сост.: В.В. Тулинов, В.С.Горин. – М.: Наука, 2000. – 565 с. – ISBN 5-02008-388-7.

М.Д. Бауэтдинов,
Ташкентский государственный
экономический университет, PhD:
К.Т. Каленов,
Каракалпакский государственный
университет имени Бердаха
Независимый исследователь

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ НОВЫХ ИНСТРУМЕНТОВ В ОБЛАСТИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОГО СТРАХОВАНИЯ

Аннотация. В статье освещены и сформулированы выводы о рисках, связанных с деятельностью сельскохозяйственных предприятий, и их классификации, а также о достижении эффективности обеспечения страховыми услугами посредством государственно-частного партнерства и поддержки этих обществ выплатой части страховых взносов государством путем создания обществ взаимного страхования.

Ключевые слова: риски, связанные с деятельностью сельского хозяйства, Сельскохозяйственных предприятий, сельскохозяйственных предприятий, Агрострахование, государственная поддержка страхования, урожайность сельскохозяйственных культур, управление рисками, Взаимное страхование.

Инновационные инструменты в области страхования сфокусированы как на разрешении традиционных проблем, связанных с сельскохозяйственным страхованием, таких, как моральный риск, высокая стоимость программ, неправильная селекция и противоречивость информации, так и, что более важно, на попытке разрешить проблемы, связанные с последствиями системных потрясений сельского хозяйства, в особенности вызванных климатическими факторами. Эти инструменты особенно перспективны для развивающихся стран, поскольку для большинство из них очень велика вероятность воздействий погодных факторов на всю экономику страны в целом.

Для развивающихся стран основные характерные для сельскохозяйственного страхования проблемы усугубляются относительно большой долей хозяйств мелкого типа, слабой инфраструктурой и отсутствием информации. Это приводит к значительному увеличению административных расходов. Площадь данной местности (обычно в масштабе областях) должна быть достаточно большой для обеспечения достоверности показателей, но и достаточно малой, чтобы отражать характерные условия места, на котором работает каждый сельскохозяйственный производитель. Такой вид страхования предлагает возмещение, не зависящее от уровня урожайности конкретного застрахованного производителя, и, таким образом, позволяет избежать проблем, связанных с моральным риском, ошибочной селекцией и высокой стоимостью контракта, а также создает стимулы для повышения производительности до показателей, превышающих среднюю урожайность для данной местности (области) [1/ 214].

Избыточные осадки, засухи, морозы, штормовые ветры являются относительно легкими и достоверно определяемыми

природными событиями, которые оказывают непосредственное воздействие системного характера на экономическую активность всей сельскохозяйственной отрасли. Страхование, привязанные к индексу погоды, не только способствует минимизации высоких рисков производителей и связанных с сельскохозяйственной отраслью экономических субъектов, но и снижает правительственные затраты на оказание помощи пострадавшим от природных бедствий. Для такого способа страхования достаточно иметь в наличии статистические данные по погодным показателям и объективные измерения, тогда производители сельскохозяйственной продукции будут выбирать необходимую для них степень покрытия, учитывая взаимосвязь между потерями продукции и погодным событием, для которого предлагается возмещение условиями страхового контракта. Таким образом, важнейшим условием для развития инновационных методов является внедрение соответствующих технологий по мониторингу и сбору данных, обеспечивающих их точность и достоверность. Одним из примеров технологических инноваций является замена стационарных метеостанций, дорогостоящих как по установке, так и по поддержанию функционирования на спутниковые системы мониторинга и измерений. Другим примером может служить применение компьютерных моделей раннего оповещения. Это уменьшает или полностью исключает риск, связанный с внесением изменений и самовольной интерпретацией показателей, на основании которых производятся выплаты, а также позволяет получать более точную и достоверную информацию о природных событиях [3/74].

Другим важным условием успешного внедрения инновационных методов в области сельскохозяйственного страхования является обеспечение системного подхода по оказанию под-

держки производителям. Немаловажную роль в области страхования играет оказание государственными и международными структурами финансовой помощи хозяйствам, пострадавшим от природных бедствий.

Немаловажным условием успешного внедрения продуктов сельскохозяйственного страхования являются каналы и способы их распространения. Договоры сельскохозяйственного страхования могут заключаться как непосредственно с крупными и мелкими хозяйствами, так и с экспортерами, импортерами, банками и т. д. Например, можно не только рассматривать данное страхование в качестве инструмента по управлению доходами и рисками самого сельскохозяйственного производителя, но и предложить его банкам, которые заинтересованы в снижении рискованности кредитования сельскохозяйственной отрасли. Инновационные методы и технологии в области сельскохозяйственного страхования обещают значительно повысить финансовую эффективность страховых программ, а также минимизировать, а при определенных условиях исключить большинство проблем, традиционно тормозивших развитие сельскохозяйственного страхования на рыночных принципах.

Использованные литературы

1. Турбина К.Е., Дадьков В. Н. Взаимное страхование. -Москва, Анкил, 2007, с. 214

2. UN Department of Economic and Social Affairs. Division for Sustainable Development (National CSD report: Austria – Agriculture) материаллари.

3. Борина Б. К. Пути совершенствования страхования в растениеводстве. Автореферат диссертации на получение научное звание к.э.н. – Астана, 2006, с. 74.

Ш.Ш. Аликулов,
У.Э. Қобилов,
ТДИУ, 1 курс магистрантлари.

ШАХСИЙ СУҒУРТАНИНГФУҚАРОЛАР ВА ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЙ – ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Барчамизга маълумки, кундалик ҳаётда турли хил нохуш ходисалар натижасида баъзи инсонларнинг турмуш тарзида муаммолар келиб чиқиши кузатилади. Бундай ҳолатларда шахсий суғурта полиси, иқтисодий жиҳатдан фуқароларнинг мушкулини осон қилган бўлар эди.

Шахсий суғурта-бахтсиз ҳодисалар ёхуд табиий ҳодисалар рўй бериши оқибатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига шикаст етказилиши билан боғлиқ уларнинг мулкий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган суғуртанинг мустақил тармоғидир. Шахсий суғурта фуқаролар бошига кулфат тушганда уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу маънода, шахсий суғурта ижтимоий ҳимоянинг ҳаётий тажрибада синалган ишончли шаклидир.

Шахсий суғуртанинг, хусусан унинг ажралмас бўғини блган фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталашнинг жорий этилиши бир неча асрлик тарихга эга. 15-16 асрларда Англия, Германия ва бошқа Европа давлатларида фуқароларни ва турли касб эгаларини бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш ишлари жорий этилган.

Ҳозирги пайтда шахсий суғурта – суғурта фаолиятининг йирик тармоғи сифатида жаҳон амалиётида кенг қўлланилади. Ривожланган хорижий мамлакатларда шахсий суғурта турлари бўйича йиғилган суғурта мукофотлари бошқа суғурта турлари бўйича келиб тушган суғурта мукофотларига нисбатан юқори салмоққа эга.

Мамлакатимизда шахсий суғуртани амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари Фуқаролик кодексининг 921-моддасида акс эттирилган. Унга кўра, шахсий суғурта шартномаси бўйича бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчининг ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс)нинг ҳаёти ёки соғлигига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада кўрсатилган пулни бир йўла ёки вақти-вақти билан тўлаб туриш мажбуриятини олади. Шунингдек, кодексда шахсий суғурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс суғурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади, деб кўрсатилган.

Бугунги кунда суғурта компаниялари томонидан қуйидаги шахсий суғурта хизматлари аҳолининг кенг қатламларига тақдим этилмоқда:

– фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;

– мактаб ёшигача бўлган болаларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;

– мактаб ўқувчиларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;

– талабаларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;

– спортчиларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;

– болаларни дам олиш оромгоҳларда бўлган даврида бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;

– кредит олувчининг ҳаёти ва соғлигини бахтсиз ходисалардан суғурталаш;

– оилавий бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;

– ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жамоавий суғурталаш;

– спорт ва маданий-хордик чиқариш мажмуаларида томошабинларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;

– инфекционка салликлардан суғурталаш;

– ихтиёрий тиббий суғурта;

– чет элга кетувчиларни суғурталаш ва бошқалар.

Шахсий суғуртанинг ижтимоий афзалликларига тўхталадиган бўлсак, шахсий суғурта фуқаролар ва оилаларни эрта ўлим, касалликлар, ногиронлик каби хатарлардан ҳимоя қилади, полисда келтирилган маблағни жабрланувчига ёки унинг шартномада кўрсатилган яқин инсонларига тўлаб берган ҳолда уларни молиявий жиҳатдан кафолатланган маблағ билан таъминлайди. Турли хавфли касбларда ишлайдиган инсонларга хотиржамлик беради, ногирон бўлиб қолган тақдирда пул билан таъминлайди.

Шахсий суғурта иқтисодий жиҳатдан ҳам фойдали бўлиб, замонавий иқтисодиётда узоқ муддатда инсонларнинг яшаш шароитларига ва иқтисодий ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Макроиқисодий планда олиб қаралганда шахсий суғурта давлатнинг ва солиқ тўловчиларнинг ижтимоий соҳага сарфлайдиган маблағига хисса қўшади. Суғурта компанияларига эса шахсий суғуртадан келаётган маблағлардан инвестиция сифатида ишлатиши ёки бошқа турдаги суғурта бадалларини тўлашга ишлатиш имкониятини яратади.

Юқорида келтирган фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак, шахсий суғурта полисларининг оммалашиши фуқароларга ҳам давлатга ҳам суғурта компанияларига ҳам фойдали хиз-

мат тури бўлиб ҳисобланар экан. Шахсий суғурта бозоридаги активлик узоқ муддатларда олиб қараганда умумий иқтисодий ўсишга сезиларли хисса қўшиши шубхасиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. The Brattel Group Report September 2018: The Social and Economic Contributions of the Life Insurance Industry. Professor David Cummins, Fox School of Business, Temple University

А.А. Ядгаров,
ТДИУ доценти, и.ф.н.

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА РИСКЛАРДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ СУҒУРТАВИЙ ҲИМОЯЛАШ

Аннотация. Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини суғуртавий ҳимоялаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш асосида мамлакат аҳолисини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлашнинг муҳимлиги ёритилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалигини суғурталаш, қишлоқ хўжалиги экинлари, суғурта мукофоти, суғурта жавобгарлиги, суғурта товони, суғурталашдаги ислоҳотлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш асосида озиқ-овқат хавсизлигини таъминлаш борасида қуйидаги фикрларни «...глобал пандемия озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади. Шу боисдан ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида импорт соҳасидаги бож тўловлари бўйича берилган имтиёзлар яна бир йилга узайтирилади. Умуман, халқимиз хотиржам бўлиши керак: сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада кафолатланган захирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда

нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилади» деб таъкидлаб ўтган.

Дунё миқёсида давом этаётган пандемия кўплаб давлатларни хавотирга сола олди десак хато қилмаймиз. Глобал тус олган пандемиянинг таъсири соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боглиқ муаммоли вазиятларни юзага келтирмоқда. Пандемиянинг авж олиши Республикамизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари қатори қишлоқ хўжалиги фаолиятига ҳам таъсир кўрсата олди.

Шунингдек, иқлим ўзгариши натижасида турли рискларнинг юзага келиши аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлай олмаслик ёки озиқ-овқат етишмовчилиги ҳамда тўйиб овқатланмаслик ҳолатларини юзага келтиради. Қишлоқ жойларида аҳолининг бандлик даражасига, қишлоқ хўжалигида агротехник тадбирларининг ўз вақтида бажарилмаслиги ҳамда мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Ҳар қандай шароитда ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эътиборни ошириш муҳим масалалардан биридир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилувчи мамлакатлар учун юқори даражадаги асосий хавф бу озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сиёсати сифатида жиддий вазиятни юзага келтиради.

Иқлим ўзгаришларига қарши турли рискларни бошқариш ва кутилмаган хавф-хатарларни олдини олишда қандай йўл тутиш керак? Асосий тўғри йўл бу Республикамиз аграр тармоқ корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларидан хусусан, пахта, ғалла, мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда тармоқни бевосита турли

кутилмаган ва стихияли ҳодисалардан суғуртавий ҳимоялашни такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги 03. 02. 2021 йилдаги ПФ-6155-сон фармони қабул қилинди.

Давлат дастури талабларидан келиб чиқиб айтиш жоизки, бевосита мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини устивор ривожлантиришимиз ҳамда қишлоқ хўжалигида янги экин навларини жорий қилиш, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда сифатли экспортбоп мева-сабзавотлар етиштиришни кенг йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ва чора-тадбирлар амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Бугунги кунга келиб, дунёнинг турли мамлакатларида глобал даражада озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилиги ёки озиқ-овқат захирасининг камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таъминоти бўлган буғдой, шоли ва маккажўхори маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш лозим.

Ҳозирда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг ягона йўли сифатида, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш жараёнида ресурслар таъминоти, уруғлик ва минерал ўғитлар етказиб бериш, даладан истеъмолчигача ҳамда ички ва ташқи бозорларга маҳсулотларни етказиб бериш боғлиқ ҳолатларда турли хавф-хатарлар юзага келиши мумкин.

Ўз вақтида қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, агротехник тадбирларни ўз муддатида бажариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва етказиб бериш

соҳаларини ривожлантириш асосида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.


Глобал даражада иқлим ўзгаришлари барча мамлакатлар қишлоқ хўжалигига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Шу боис, қишлоқ хўжалигида барча турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини экишдан тортиб то уни қайта ишлашга бўлган жараённи турли хавфлардан ҳимоялаш талаб этилади. Бу жараён эса бугунги кунда мамлакатимиз суғурта ташкилотлари олдига катта маъсулиятли вазифани қуймоқда. Ҳар қандай шароитда ҳам қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришдаги асосий омиллардан бири сифатида ишончли суғурта хизматларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шу жиҳатдан мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларни ва аҳоли ҳаёти ҳамда мол-мулкини суғурталаш борасида жадал ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини суғурталаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида суғурта ташкилотларининг суғурта бозоридаги ўрни ва мавқеи ортиб бормоқда. Шу жиҳатдан, суғурта бозорида кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажми ва суғурта қамрови даражаси ортиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги фаолиятини давом эттириш, аҳолини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш асосида озиқ-овқат хавфсизлигини олдини олиш ва бу жараённи суғуртавий ҳимоялаш муҳим вазифалардан биридир.

«Ўзагросуғурта» акциядорлик жамиятининг асосий мижозлари бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда қишлоқ аҳолиси ҳисобланади. «Ўзагросуғурта» АЖ томонидан мижозларни турли хил табиий офат ва бахтсиз

ҳодисалар оқибатида юзага келадиган ҳолатлардан суғурта қилишда муайян ишлар олиб борилмоқда. «Ўзагросуғурта» АЖ томонидан табиий офатлар натижасида кўрилган зарарларни қоплаш мақсадида 2020 йил ҳолатига кўра, жамият ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан кўрсатилган хизматлар натижасида жами 1475649 та юридик ва жисмоний шахслар билан суғурта шартномалари тузилган бўлиб, унга кўра 178, 2 млн. сўм суғурта мукофотлари йиғилган. «Ўзагросуғурта» АЖ томонидан суғурталанувчилар томонидан кўрилган зарарларни қоплаш мақсадида 91, 3 млн. сўм миқдорида суғурта товони тўлаб берилди.



1-расм. «Ўзагросуғурта» АЖ томонидан 2020 йилда фермер хўжаликларининг пахта ва ғалла ҳосили бўйича суғурта мукофотлари тушуми ва тўланган суғурта товони динамикаси

«Ўзагросуғурта» АЖ томонидан фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталаш бўйича жами 56, 3 млн. сўм суғурта мукофотлари келиб тушган бўлиб шундан пахта ҳосилини суғурталаш бўйича 34, 9 млн. сўм

ва ғалла ҳосили суғуртаси бўйича 21, 1 млн. сўм суғурта мукофотлари йиғилган. Ушбу даврда фермер хўжаликларининг табиий офатлар ва бошқа турдаги кутилмаган стихияли ҳодисалардан кўрилган зарарларини қоплаш мақсадида тўланган суғурта товони 44, 4 млн. сўмни ташкил этган.

Аҳолини кенг кўламли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини олдини олишда суғуртавий ҳимоялашни янада ривожлантиришни тақоза этмоқда. Фикримизча, қишлоқ хўжалигини суғуртавий ҳимоялаш тизимини ривожланиши қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш ҳажмини оширишда ва уларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда рағбатлантирувчи молиявий дастак сифатида қўллаб-қувватлайди.

Ҳар қандай таҳликали шароитда ҳам аҳолини бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қишлоқ хўжалигини ривожланишини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, иқтисодий рагбатлантириш механизмларини кенг жорий этиш, қишлоқ хўжалигини суғурталашнинг маъмурий усулларидан рақамли сугурталаш усулларига ўтиш, қишлоқ хўжалиги экинларини ҳосилини суғурталашда индекс суғурталашни жорий этиш, қишлоқ хўжалигида табиий хавф-хатарларни идентификациялаш асосида соҳага инновацион ютуқларни жорий қилиш, аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида янги турдаги ихтиёрий суғурта турларини ишлаб чиқиш ва етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йўқотишни олдини олишга эришиш, қишлоқ хўжалиги экинларини суғурталашда фақатгина ҳосилни олишда жавобгарлик мавжуд бўлиб, бу жараённи экишдан тортиб то етказиб бериш, қайта ишлашга бўлган даргача суғурталаш жавобгарлигини амалга ошириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 29 декабрь, 2020 йил. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий сайти: http:// www. press-service. uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги 03. 02. 2021 йилдаги ПФ-6155-сон фармони.

3. Yadgarov Akram Akbarovich, Abdulkasimov Abdurashid. Rational use and protection of land resources of the Zerafshan economic region Type: article in the conference proceedings Language: Russian Publication year: Pages: 4112-41152016 https:// www. elibrary. ru/item. asp?id=26272357.

4. A. Yadgarov. International insurance market and experience of foreign countries in agricultural insurance. Economics and Innovative Technologies. Vol. 2020 > N. 2. (2020). https:// uzjournals. edu. uz/iqtisodiyot/vol2020/iss2/

5. A. Yadgarov. Agro insurance is an important factor in ensuring the economic stability of agricultural producers. Collection of scientific articles and abstracts of the scientific conference «Science and Education in Uzbekistan». March 26, 2020. The conference published a collection of scientific articles and abstracts linked to the Google Scholar system.

6. A. Yadgarov. (2020). AgroInsurance-As A Mitigating Financial Lever For Climate Change In Agriculture. International Journal of Advanced Science and Technology, 29 (7), 2251 – 2258. http://sersc. org/journals/index. php/IJAST/article/view/17501

7. A. Yadgarov. The importance of using the agricultural insurance system in increasing the volume of agricultural production in pandemic conditions. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR) ISSN: 2319-1422 Vol. 9, July 2020, Impact Factor: SJIF 2020 = 7. 126. 31-37 page. https://saarj. com/ wp-content/uploads/sjbir-july-2020-full-journal

8. A. Yadgarov. Issues of food safety on the basis of agricultural insurance. The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering ISSN: 2689-1018. JULY 2020. Page No.: 43-52 Volume-II Issue-VII PUBLISHED: 30 JULY 2020. https:// usajournalshub. com/index. php/tajabe/article/view/576/539

9. A. Yadgarov. Promising directions of insurance of enterprises of the agro-industrial complex. «Caspian Research Institute of Arid Agriculture» «Modern trends in the development of the agrarian complex» of the International Scientific and Practical Internet Conference. May 11-13, 2016 p. Salt Zaymishche, Astrakhan region, Russia. https://journal. tsue. uz/index. php/archive/article/ view/1138.

10. A. Yadgarov. International insurance market and experience of foreign countries in agricultural insurance International Journal of Advanced Science and Technology Vol. 29, No. 7, (2020), pp. 2251-2258. https://uzjournals. edu. uz/iqtisodiyot/vol2020/iss2/8/.

11. A. Yadgarov. Reducing and financing the impact of climate change on the basis of agricultural insurance. «Иқтисодиёт ва таълим» журнали. Тошкент. 2020 й. № 5, 180-185 бетлар.

12. Akram Yadgarov, Azizbek Rakhimov. Reforms on the development of the livestock sector and insurance protection in Uzbekistan. E3S Web Conf. Volume 244, 2021. XXII International Scientific Conference Energy Management of Municipal Facilities and Sustainable Energy Technologies (EMMFT-2020). https://doi. org/10. 1051/e3sconf/202124412012

13. А. Ядгаров. Чорвачиликни суғурталаш фойда беради... ми? «Фермер ҳаёти» газетаси. 31 март 2021 йил. №5-6-сонлар (64).

14. А. Ядгаров. Қишлоқ хўжалигини суғурталашда малакали кадрлар тайёрлаш масалалари. Агроилм-Аграр иқтисодий илмий-амалий журнал. 2021 №2-илова (72)-сон. http://qxjurnal.uz/load/jurnal_2021/agro_ilm_2021

15. A. A. Yadgarov. Development Of Insurance Market And Agricultural Insurance Process: Analysis And Prospects. Economics and Innovative Technologies. Vol. 2021 > No. (2021) https://uzjournals. edu. uz/iqtisodiyot/vol2021/iss1/4/.

16. A. A. Yadgarov. Insurance of agro-industrial complex: an analytical approach and prospects for development. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий журнали. №2, 2021 йил, апрель. https:// www. interfinance. uz/en/.

D. Abdusattarova,
Associate Professor Ph. D.
D. Mutalova,
Z. Shomansurova,
Senior Lecturer Taxes and
Insurance Business Department
TSUE

GLOBAL ECONOMIC ENVIRONMENT: PROBLEMS AND SOLUTIONS OF THE TAX MANAGEMENT

Abstract. Contemporary government and business sector relations are primarily built on fiscal foundations which rooted from a dilemma of further strengthening for sound performance and tightening for poor performance. Business rounds around the world admit that an effective tax management can be central to thinking of beneficial interaction with tax authorities to keep the relations in mutually fair way. Considering the effects of global financial crisis in global business environment, fiscal profile and behavior of many crisis-hit economies, visibility of relevance of effective tax management may be far-reaching and prioritized in the context of tight tax policies and pressures. This article examines the theoretical and empirical approaches to tax management practices and proposes a tailored effective tax management framework based on comparative analysis and current global economic condition.

Keywords. effective tax management, tax strategy, tax risk.

In an increasingly global environment, managing tax liability and tax issues is becoming more complex (Deloitte, 2011). Due to the severe resource constraints after the global economic recession, companies often pay attention to the effective use of resources. Attempts to expand fiscal space and the government to bridge the fiscal gap often impose excessive tax burdens on companies and create hidden dangers in fulfilling tax compliance. On a global scale, financial recovery and the consequent uncertainty require companies to reduce costs, and tax authorities require increased revenue. As tax authorities require fair sharing of tax revenues from their income, cross-border transfers of potential risks and losses from globalization have led companies to focus on tax functions and improve tax accounting services. Therefore, through effective tax administration and planning, companies increasingly need to adapt to this changing environment. In response to the volatility of the world economy and its impact on the international business environment, governments are changing tax policies to keep up with global trends. Tightening market access, fierce competition and narrow taxation policies have enabled companies to adopt prudent and flexible tax management measures to maintain a stable financial position.

Large companies and SMEs have different tax management methods. Shareholders and boards of large companies often consider reputational risk, brand management, and reduced market share due to poor tax management, while small and medium-sized companies focus on tax administration to increase tax breaks on sales of goods and services. The size of the business and its operating area play a key role in tax administration. In some economies, companies are taxed on the size of their stock capital, the number of employers or their turnover. In multinational corporations, effective tax administration is a core issue because they operate

in several economies and follow different tax procedures in each economy. In addition, double taxation poses a double challenge for multinational companies and foreign direct investment companies.

Tax management has a greater impact on business performance because private companies always seek profits and try to avoid taxes by reducing taxable income. Recent research and evidence have shown that the efficiency of the tax system has a direct impact on several business performance indicators. Tight fiscal policies in many economies, both developed and developing, affect corporate assets, liabilities, cash flow, turnover, profitability, return on investment, portfolio and shareholder value. Effectively managing the impact of taxable assets and balanced taxes on return on investment is a common problem in all types of businesses. The other side of this double-edged problem can be attributed to the government's tax system and policies. In most economies, taxes are calculated and levied on different tax bases. Specific tax rates are levied at a fixed rate, consistent with turnover, income, and profits from different sources, and each source can be levied separately. Therefore, the complexity of tax accounting and false positives may lead to data asymmetry in tax authorities and may be considered tax evasion. This paper proposes a comparative view of the crisis correlation before and after the crisis from the crisis-led challenges and the international perspectives and proposes a practical and effective tax management model based on internationally recognized financial managementpractices.

Many governments, shareholders and boards of directors are changing their attitudes toward tax administration – managing tax risk and reputation issues are an important part of the agenda (KPMG, 2014). Large companies have adjusted the way tax management is done. This highlights the increased sensitivity of the global business environment to financial market volatility

and tax policy changes. In the macroeconomic situation of the past decade, enterprises have hardly been affected by the global financial crisis and are highly vulnerable to changes in business environment factors. These factors have narrowed businesses and markets, masking the full diversification of economic activity and adapting to crisis conditions due to weak financial structures and reduced capitalization, making them highly dependent on loans and debt, which ultimately leads to recurring income losses.

Although the importance of tax administration is increasing globally, the business community has re-examined it due to the sudden outbreak of international financial and commodity markets. Companies in most countries are facing a significant decline in demand for their goods and services, delays in the payment of accounts receivable, consequent liquidity shortages, reduced liquidity, increased reporting defaults, bankruptcy and bankruptcy. Considering the fact that companies always need government support to survive and need a special public support framework to achieve growth under normal economic conditions. The loss of profits of enterprises and the rise of unemployment in the economy indicate that the financial situation of the economy has a double impact: sudden reductions in budgetary revenues and increased government welfare expenditures. In this case, the government has tried to make up for the fiscal gap by proposing new taxes and taxes or changing existing tax rates. As a result, the government's interest in seeking income from taxpayers (mainly large financial and non-financial companies) has expanded. The dilemma of the government's dual role in the unearthed business sector interaction and government support programs was provided as the lender of last resort.

Several factors in the economic environment affect the tax compliance system, including legislation, government policies, public opinion, and economic conditions. These factors all have an

impact on the compliance process, which is shrunk due to the strict taxation and administrative pressures of the tax authorities. More and more tax authorities and tight tax policies are trying to attract more income to cover the fiscal gap, which requires a cautious approach to tax accounting and management. More cautious and prudent measures have been taken in tax compliance, which has led to an absolute need to reconsider taxation practices and revisions to harmonize with the current tax environment.

The path to tax management transformation is no doubt challenging (Deloitte, 2013). High level of uncertainty in the world economy is fuelling the pressure on businesses to cut costs and on tax authorities to increase revenue. As globalization is accelerating centralization of finance and tax, businesses are required to improve their governance, accountability and transparency in all areas including tax. Tax regulation from the standpoint of tax authorities and businesses require tax data disclosure in order to monitor the payment of fair share from profits they earn. Tightening of tax measures in global scale is forcing the companies to revise their tax management practices and to increase their effectiveness and efficiency with country-specific elements through a tailored approach.

Tax reporting is an integral component of tax management practices, as they reflect the full financial profile and income composition. Tax data and reporting are technically important sources of managing the tax risk, if they are combined with key performance indicators, tax control results and regular monitoring findings. Change in both financial and non-financial indicators clearly show the business environment, performance, profitability, stability and liquidity of a company, which are central to tax capacity. They serve as a key tool for the assessment of tax risk taking and risk appetite of a business.

Ensuring the expected efficiency of tax management is a hard-to-achieve target for many companies in a volatile global market condition. Vehicles of global capital – multinational enterprises – face greater scope of risks from tax issues caused from dual taxation principles and different tax categories and rates in economies where their headquarters and affiliates operate, while observing domestic tax system changes suffice to small and medium sized enterprises to have a smooth tax compliance and management policy. It apparently clarifies that polarization of tax management practices still exists and roots from diverse cores depending on business size and location. Therefore, it is impossible to propose equally relevant and common recommendations. However, there is room for ensuring core actions and measures for an affective tax management framework:

1. Setting a firm-specific tax compliance principle in consistent with tax policy and tax authority's auditing behavior;

2. Setting a tax risk assessment and prioritization tools and methods;

3. Timely evaluation and monitoring of business environment and market condition in order to get clear revenue and taxation forecast;

4. Setting a specific tax risk and tax compliance management report at least in internal level;

5. Ensuring an integrated tax management framework element especially tax compliance, tax authority interaction, risk taking from tax and tax data analysis.

Reference

1. Bestvinova, V., Homokyova, M. and Horvathova, H. (2012). Financial and Tax Management in Small and Medium Sized Industrial Enterprises. Slovak University of Technology Research Papers. Special Number. 2012.

2. Boatsman, J., Gupta, S. and Weaver, C. (2002). Tax Management, Sustainable Competitive Advantage, and the Effects of Tax Reform.

3. Deloitte. (2015). Leading Tax Departments Through Change. Deloitte Tax Management Consulting Publications.

4. Gallmeyer, M., Kaniel, R. and Tompaidis, S. (2006). Tax Management Strategies with Multiple Risky Assets. Journal of Financial Economics. No 80/2006.

5. KPMG International. (2014). Tax Management Consulting: How Can You Be More Efficient at Managing Tax? KMPG Publications.

6. Minnick, K. and Noga, T. (2009). Do Corporate Governance Characteristics Influence Tax Management? Bentley University Research Forum Proceedings.

7. Mulyadi, M., Anwar, Y., Bobby, E. and Krisma, D. Examining Corporate Governance and Corporate Tax Management. International Journal Finance & Banking Studies. Vol 3. No 3. 2014.

8. OECD. (2004). Compliance Risk Management: Managing and Improving Tax Compliance. Guidance Note.

9. PwC. (2015). Tax Management Maturity Model: Meeting Tomorrow's Tax Challenges Today. PwC Business Research Papers.

10. Shepler, C. (2013). Adding Value through Efficient Tax Management. *MSCI Case Study Papers*.

М.С. Болтаев,
Тошкент давлат юридик университетининг
Ихтисослаштирилган филиали кафедра мудири,
юридик фанлар номзоди, доцент

СУҒУРТА МУНОСАБАТЛАРИ ТИЗИМИДА ТИББИЙ СУҒУРТАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминланиши, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратилиши, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга мос тарзда ислоҳ этиш масалалари таҳлил қилинган. Соғлиқни сақлаш билан боғлиқ ҳуқуқий асос яратиш ва уни такомиллаштириш, шунингдек, соҳага бозор муносабатлари қонуниятларини жорий этиш, яъни тиббий суғурта, хусусан мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш юзасидан таклифлар берилган.

Калит сўзлар: суғурта, тиббий суғурта, тиббий суғурта муассасаси, суғурталовчи, суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс, суғурта пули, суғурта товони.

Суғурта – инсон умумий маданиятининг муҳим унсуридир. Инсон сугурта воситасида хавфсизликка бўлган ўзининг энг муҳим эҳтиёжларидан бирини амалга оширади.

Тиббий суғуртани жорий этиш аввало соғлиқни сақлашни қўшимча молиявий таъминотини вужудга келтиради. Бу эса ўз навбатида тиббий хизматнинг сифатини ортишига, аҳоли турли қатламларини ўз соғлиқларига беэътибор бўлмаслигини амалда таъминлаш имконини беради. Шу билан бирга тиббий суғуртани жорий этиш – жамиятнинг соғлиқни сақлашга бўлган муносабтини тубдан ўзгаришига, фуқароларнинг суғуртани молиялаштиришда қатнашишидан шахсий жавобгарлиги кучайишига, жамоатчилик учун тиббий суғуртани ошкоралиги таъминланишига, соглиқни сақлаш харажатларининг салмоқли юкини давлат зиммасидан олинишига тиббий хизматлар бозори ривожланиб, соҳага рақобат муҳити кириб боришига қўшимча инновацияларни жалб этиш имкониятининг яратилишига олиб келади.

Шу билан бирга Ўзбекистонда соғлиқни сақлашда тиббий суғурта тизимга ўтиши ушбу ҳолатларнинг ва воқеликларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларидаги янги жиҳатларини аниқлаш, субъектлар ўртасидаги шартномавий алоқаларни тартибга солишга қаратилган қоидаларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бундан ташқари тиббий суғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи миллий қонунчиликни яратиш, соҳага тааллуқли бўлган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, мавжуд Қонун ҳужжатларидаги нормаларнинг янги воқеликка мувофиқлигини таҳлил қилиш ҳамда қонун ва қонун ости ҳужжатларининг ушбу соҳани тартибга солишдаги ўзаро нисбатини белгилаш орқали амалга оширилади. Шу билан бирга тиббий суғурта муносабатини ҳуқуқий тартибга солишда шартномавий тартибга солиш ҳам алоҳида ўринга эгалигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Зеро мамлакатимизда тиббий суғурта бозорини ривожланиши билан ҳамоҳанг равишда тиб-

бий суғурта шартномаси тушунчаси ва моҳиятини очиб бериш бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқи фани олдида турган долзарб масалалардан бири саналади.

Республикамиз суғурта қонунчилигига кўра, суғурта хизмати кўрсатиш фаолияти ёзма равишдаги битим асосида яъни, суғурта шартномаси тузиш орқали амалга оширилади. Бироқ, суғурта шартномаси суғурта хизмати кўрсатиш фаолиятида иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифодаловчи асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланишига қарамай, суғурта хизмати фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонун хужжатларда бу шартномага таъриф берилмаган. Зеро «суғурта» атамасини фақат шартнома билан боғлаш мақсадга мувофиқ эмас. Суғурта бу фаолиятдир. Лекин сугурта тушунчаси адабиётларда турлича – хавф-хатарни камайтириш ва чегаралаш усули [1], иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми [2], хўжалик фаолияти тури [3], молиявий инқироздан ҳимояланиш воситаси[4], фуқаролик-ҳуқуқий институт [5] сифатида талқин қилинади.

«Сугурта фаолияти тўғрисида»ги қонунга асосан эса суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади.

Умуман олганда суғурта фаолияти турли соҳаларда, жумладан, меҳнат муносабатларида ижтимоий суғурта, тадбиркорлик муносабатларида мулкий суғурта, фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчларининг ҳуқуқий муҳофазаси билан боглиқ муносабатларда шахсий суғурта кенг қўлланилмоқда.

Лекин фуқароларнинг соғлигини сақлаш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ муносабатларда қўлланиладиган

яна бир суғурта тури мавжудки, бу тиббий суғуртадир. Тиббий суғурта мамлакатимиз учун ноанъанавий бўлган суғурта хизматларидан биридир. Ханузгача амалдаги қонунчиликларда тиббий суғурта тушунчаси, қўлланиш соҳаси ҳақида изоҳ ва тушунчалар назарда тутилмаган. Бундан ташқари ушбу кунга қадар мазкур суғурта тури Республикамизда деярли қўлланилмай келинмоқда. Бу билан Республикамизда тиббий суғурта муносабатлари вужудга келмаган, – деган хулосага келинмаслиги лозим. Асосан тиббий суғуртанинг ихтиёрий тури хорижий мамлакатлар фуқаролари ва корхоналари томонидан тузилмоқда. Мамлакатимиз фуқароларида бу шартномага нисбатан оммавий равишда ижобий муносабат бўлмаганлиги боис юқорида «деярли қўлланилмай» иборасини ишлатишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Тиббий суғурта муносабатлари ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари тарихи узоқ даврларга бориб тақалади. Лекин, тиббий суғуртанинг қачон вужудга келганлиги ҳақида фанда якдил фикр мавжуд эмас. Аммо манбаларда тиббий суғурта ёки унинг хусусиятларини ўзида қамраб олган айрим ҳуқуқий муносабатлар хусусида фикрларни учратиш мумкин. Масалан, қадимги Хитойда тиббий сугуртага ўхшаш тизим мавжуд бўлиб, унга кўра мижозларнинг шифокорларга, улар соғлом бўлган вақтларида ҳам пул тўлаб туриш тартиби жорий этилган. Бу мижозлар касал бўлганларида эса шифокорлар, улардан чегирма асосида ҳақ олганлар. Қадимги Грецияда эса жангчилар жамоатчиликнинг доимий ижтимоий ҳимояси остида бўлганлар. Кейинчалик римликлар бу амалиётни ўзлаштириб, унга жангчининг вафотидан кейин дафн харажатларини қоплаш, шунингдек, қарилик ва меҳнат лаёқатини йўқотганлик муносабати билан ҳақ тўлаш тартибини жорий этдилар [6].

Суғурта тўловларнинг бу кўринишлари Европада асрлар оша ривожланиб борди. Ўрта асрларда касаллик вақтида аҳолини ҳимоя қилиш соҳасида диний рицарлик орденлари асосий ўринни эгаллади. Улар амбулаторлик ва стационар хизмат кўрсатувчи шифохоналар ташкил этдилар. Кейинчалик ҳунармандлар уюшмалари, ҳалфалар ҳамжамиятлари, савдо гилдиялари каби ташкилотлар пайдо бўлгач, улар ўз аъзоларига иқтисодий қийинчиликлар вақтида ўзаро ёрдам кўрсатиш вазифасини ҳам бажара бошладилар. Умуман, суғуртанинг вужудга келиш тарихи жамиятнинг ривожланиш тарихи, айниқса, XVI-XVIII асрларда саноат ривожи билан чамбарчас боғликдир.

Инсон саломатлиғини сақлашда тиббий хизматларни ҳар томонлама мақбул, аҳоли учун сифатли ва молиявий жиҳатдан имконли қилиш муҳим саналади. Тиббий хизматларни тақдим этишда тиббий муассаса, шифокор ва беморни ўзаро муносабатларини ташкил этиш, беморларнинг тиббий муассасада даволанишлари учун зарурий шароитни яратиш турли усулларда ташкил этилади. Ана шундай усуллардан бугунги замонавий тиббиётда энг самарали деб баҳоланаётгани тиббий суғурта ҳисобланади. Тиббий суғурта орқали суғурта ташкилоти суғурта ҳодисаси рўй берганида суғурталанган шахс (бемор) нинг даволаниши билан боғлиқ барча ташкилий (беморни тиббий муассасага жойлаштириш, юқори малакали шифокорлар) молиявий чораларни кўради ва бунинг натижасида суғурталанган шахс малакали ва сифатли тиббий хизматни олиш имкониятига эга бўлади. Бугунги кунда ҳуқуқий тартибга солишда ва юриспруденция соҳаларида тиббий суғуртанинг ўрни, унинг суғуртанинг қайси соҳаси: ҳаёт суғуртаси ва умумий суғуртага мансублиги борасида аниқ ёндашувлар мавжуд эмас. Бу эса айни пайтда тиббий сугурта шартномасининг моҳиятини талқин этиш ҳамда уни қўллашда бир қатор муаммолар ва

ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқларни юзага келтиради. Шу боис тиббий суғуртанинг моҳияти, унинг мазмуни ва ҳуқуқий муносабат сифатидаги ўзига хосликларини аниқлаш ҳамда шу орқали тиббий суғуртанинг ҳуқуқий асосларини яратиш долзарбдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги [7] Қонунининг 4-моддасида суғурта ҳаётни суғурта қилиш ва умумий суғурта соҳаларига бўлинади. Тиббий суғурта ҳаётни суғурта қилиш соҳасига тааллуқли ҳисобланади. Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда – ФК)да ҳаётни суғурта қилиш шахсий суғурта сифатида белгиланган. Шахсий суғурта шартномасининг объекти сифатида ҳаёти ёки соғлиққа етказилган зарар назарда тутилган. Бундан ташқари, суғурталанган шахснинг ҳаётида тарафларнинг келишуви билан шартномага киритилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) рўй бериши ҳам шахсий суғурта объекти ҳисобланиши ФКнинг 921-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган.

Юқорида нормаларнинг ўзаро нисбати ва таҳлилидан кўринадики, тиббий суғурта – суғурта шартномаларнинг икки тури – мулкий ёки шахсий суғуртадан қай бирига мансублиги, унинг объектини нима ташкил этиши борасида қонунчиликда аниқлик мавжуд эмас. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарорига илова ҳисобланган «Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги Низомга 1-илова Суғурта фаолияти классификаторида [8] ҳам тиббий суғурта кўрсатилмаган. Бу эса қонунчилик нуқтаи назари ҳамда илмий талқин жиҳатидан тиббий суғуртанинг ўрни ва унинг моҳиятини аниқлаш зарурати кўрсатади.

Юридик адабиётлар тиббий суғуртанинг ўрни ва борасида ҳам якдил қарашлар ва тушунчалар мавжуд эмас. Бир гуруҳ

олимлар [9] тиббий суғурта аксарият ҳолатларда жавобгарликни суғурталаш ва зарар хавфини суғурталаш сифатида нотўғри талқин этилишини қайд этишади. Бошқа гуруҳ мутахассислар [10] эса тиббий суғуртани шахсий суғурта шартномасининг тури сифатида талқин этишади. Айрим тадқиқотчилар тиббий суғурта бевосита тиббиёт муассасанинг мажбуриятларини назарда тутади ва бунда объект суғурталанувчининг мулкий манфаатлари, яъни соғлиғига зарар етказилганда уни қоплаш билан боғлиқ харажатлар ҳисобланади, деган хулосага келишади [11]. Шу билан бирга, баъзи ривожланётган давлатларда тиббий суғурта аҳолининг молиявий қўллаб-қувватлаш усули сифатида ҳам кўрилади ва тиббий хизматларнинг баҳоси юқори бўлган шароитда мазкур усул аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш чораси сифатида баҳоланади [12].

Фикримизча, тиббий суғурта ижтимоий йўналтирилганлиги билан шахсий ва мулкий суғуртанинг одатдаги кўринишларидан фарқ қилади. Объекти нуқтаи назаридан тиббий суғуртанинг шахсий сугуртанинг бир тури сифатида талқин этиш ўринлидир. Чунки, тиббий суғуртада суғурта ҳодисаси сифатида инсоннинг соғлиғининг сақлаш билан боғлиқ таомиллар: тиббий хизматлар комплекси (ташҳис қўйиш, маслаҳат, даволаниш, тиббий муолажалар ва жарроҳлик) ва соғлиқни тиклаш билан боғлиқ даволаш-профилактика муолажалари киради. Бу ҳолатда шахсий суғуртадан фарқли равишда суғурталанган шахс соғлиғига етказилган зарар ёки суғурта шартномасида назарда тутилган ҳодиса рўй берганида суғурта пулини олмайди, балки тегишли тиббий муассасада бепул даволаниш ва тикланиш курсини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Тиббий суғуртанинг афзаллигини нафақат даволаниш харажатларининг қопланиши балки, тиббий муассасани, ундаги хоналар ва даво-

лаш курслари, муолажа турларини ҳам шартномада олдиндан белгилаб қўйилиши билан боғлиқдир. Бу ҳолатда тиббий муассаса суғурталанган шахс билан суғурта ҳодисаси рўй берганида тегишли даволаш муолажаларни ўтказишдан ташқари, уни шифохонага жойлаштириш, тегишли дори-дармон ва ташҳис қўйиш ҳаракатлари, тўлиқ тиббий текширувни ўтказиш, малакали мутахассисларни жалб этиш каби комплекс ҳаракатларни амалга ошириши лозим бўлади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Серебревский В. И. Избранные труды по наследственному и страховому праву. – М.: Статут, 1999. – 434 с.

2. Рўзиев Р. АҚШда тадбиркорлик: ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар. -Т.: «Фан», 1991. –151 б.

3. Ходжаева М. Суғурта фаолияти, бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ҳозирги аҳволи ва уни такомиллаштириш йўли. – Тошкент: 2003.

4. Фуқаролик ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. –Т.: «Илм зиё». 2008. – 520 б.

5. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Махсус қисм. – Т.: Консаудитинформ, 2002. – 340 б.

6. http://www. strahuemvseh. ru/index. php?page=content&sub page=s&r=13&p=28&s=42

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда

8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 22-сон, 180-модда

9. Sommers B.D. Why Health Insurance Matters–and Why Research Evidence ShouldToo//https://journals. lww. com/ academicmedicine/FullText/2017/09000/Why_Health_Insurance_ Matters_and_Why_Research. 13. aspx

10. Andrew J. Barnes, Yaniv Hanoch. Knowledge and understanding of health insurance: challenges and remedies // https://ijhpr. biomedcentral. com/articles/10. 1186/s13584-017-0163-2

11. Maximillian kolbe Domapielle. Health insurance and access to health care services in developing countries // February 2014 Journal of Government and Politics 5 (1):80-91 DOI: 10. 18196/jgp. 2014. 0007 / https://www. researchgate. net/ publication/279227038_Health_insurance_and_access_to_health_ care_services_in_developing_countries

12. Kim Thuy Nguyen, Oanh Thi Hai Khuat, Shuangge Ma, Duc Cuong Pham, Giang Thi Hong Khuat, and Jennifer Prah Ruger. Impact of Health Insurance on Health Care Treatment and Cost in Vietnam: A Health Capability Approach to Financial Protection // June 2012 American Journal of Public Health 102 (8):1450-61 DOI: 10. 2105/AJPH. 2011. 300618 / https://www. researchgate. net/publication/ 225373115_Impact_of_Health_Insurance_on_ Health_Care_Treatment_and_Cost_in_Vietnam_A_Health_ Capability_Approach_to_Financial

У.Р. Мухамедазизов,
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси, тингловчиси

БЮДЖЕТ ДЕФИЦИТИ ВА ТАШҚИ ҚАРЗНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мақолада давлат бюджети тушунчасининг моҳияти, унинг турлари ва функциялари кўриб чиқилган. Давлат бюджети дефицитининг моҳияти, турлари, сабаблари ва унинг давлат иқтисодиёти учун юзага келиши мумкин бўлган оқибатлари таҳлил қилинган. Бу ҳодисаларни бартараф этишнинг самарали йўллари ўрганилади.

Калит сўзлар: давлат бюджети; даромад; харажат; бюджет дефицити; давлат қарзлари; ташқи қарз; ички қарз.

Бугунги кундаги пандемия туфайли вужудга келган глобал инқироз мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатларнинг кескинлашуви ва пандемияга қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирларини молиялаштириш орқали давлат бюджети харажатларини ортиб кетиши натижасида, юзага келган юқори даражадаги бюджет дефицити сабабли давлатларнинг ташқи қарзларини ўсиш тенденциялари кузатилмоқда. Бюджет дефицити ва ташқи қарзнинг ўсиши мамлакатда макроиқтисодий мувозанатни бузилиши каби бир қанча муаммоларни олиб келади. Бугунги кунда Бюджет дефицити ва ташқи қарзни бошқриш бир қанча мамлакатлар, халқа-

ро молия институтлари ва олимларнинг олдидаги долзарб муаммолардан бирига айланган.

Тадқиқот ишида давлат бюджет дефицитини юзага келиш сабаблари, ташқи қарз ва унинг давлат иқтисодиёти учун юзага келиши мумкин бўлган оқибатлари таҳлил қилинган.

Иқтисодий ривожланган давлатларнинг молия тизимида энг муҳим ўринни давлат бюджети эгаллайди. Бюджет даромадларининг харажатлар учун етишмаслиги ёки харажатларнинг даромадлардан ортиши бюджет дефицити ҳисобланиб, уни бартараф килиш усуллари ва молиялаштиришнинг манбалари бюджет лойиҳасида кўзда тутилади. Бошкача килиб айтганда, молия йили мобайнида бюджет мажбуриятларини унинг даромадлари билан тўлақонли равишда бажариш имкониятларининг мавжуд бўлмаслиги бюджет дефицитини ўзида акс эттиради. Кейнс томонидан иқтисодий ўсишни ва тўлиқ бандликни таъминлаш мақсадида дефицитли молиялаштириш сиёсатини тавсия қилинган. Айрим бюджет дефицитлари, айниқса, давлат харажатларини кўпайтириш йўли билан юзага келганда, иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришнинг кучли воситаси сифатида қаралган. Жумладан, Буюк Британия, Канада, Австралия, Швеция ва АҚШ ҳукуматлари томонидан бюджет дефицитининг фаол ўсиши ва давлат қарзининг ошиши ҳисобига жамиятдаги инқирозни бартараф этиш ва бандликнинг юқори даражасини таъминлаш мумкинлиги қайд этилган [1].

Бюджет-солиқ сиёсатининг стратегияларига боғлиқликдан келиб чиқиб, бюджет дефицитини бир нечта турлари мавжуд:

1. Циклик дефицит - қайсики иқтисодиётнинг ажралмас стабилизаторлари ҳаракатлари натижасида юзага келади. Иқтисодиётнинг ажралмас стабилизаторлари ишлаб чиқариш ва бандлик даражасини циклик тебраниш амплитудаси-

ни барқарорлаштириш ҳамда иқтисодий сиёсатни ўзгартириш имкониятини берувчи иқтисодий механизмларни англатади.

2. Структуравий дефицит - тўлиқ бандлик шароитида бюджет харажатлари ва даромадлари ўртасидаги фарқ. Структуравий дефицитни баҳолаш энг кўп иқтисодий ривожланган мамлакатларда фойдаланилади.

Бугунги кунда COVID-19 пандемияси туфайли юзага келган глобал инқироз деярли барча давлатларнинг бюджетига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Кейинги йиллар давомида коронавирус сабабли карантин чораларини қўлланиши жаҳон иқтисодиётини издан чиқарди. Иқтисодчиларнинг фикрича, бу инқироз жаҳон иқтисодиётини ривожланиш тарихидаги мисли кўрилмаган глобал даражадаги чуқур инқироз бўлиши мумкин. Хусусан, карантин шароитида иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши, хизмат кўрсатиш соҳалари, айниқса, туризм фаолиятини тўхтаб қолиши каби салбий ҳолатлар давлат бюджети даромадларининг кескин камайишига сабаб бўлган. Мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатларнинг кескинлашуви ва пандемияга қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирларини молиялаштириш орқали давлат бюджети харажатларини ортиб кетиши натижасида, юзага келган юқори даражадаги бюджет дефицити сабабли давлатларнинг ташқи қарзларини ўсиш тенденциялари кузатилмоқда.

Шу билан бирга, ҳар бир ҳукумат бюджет дефицитини олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан ўз сиёсатини ишлаб чиқмоқда. Энг тарқалган усулларга давлат харажатларини қисқартириш; янги даромад манбаларини қидириш ва улардан фойдаланиш; юқори солиққа тортиш, бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг қисқаришига ва иқтисодий фаолият даражасининг пасайишига олиб келиши мумкин; пул эмиссияси,

бироқ бу янада салбий оқибатларга олиб келиши, мамлакатда инфляцияга сабаб бўлиши мумкин; қарз жалб қилиш. Жумладан, Ўзбекистонда давлат бюджети дефецити Республика бюджети маблағларининг молия йили бошидаги қолдиқлари, давлат томонидан маблағ жалб қилиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади. Бюджет кодексига асосан давлат томонидан маблағ жалб қилиш ички ва хориждан маблағ жалб қилишдан иборат [2].

Шундай қилиб, давлатлар бюджет дефецитини бартараф этишда катта қийинчиликларга дуч келади ва бунда қўшимча чора-тадбирлар ва ҳаракатлар талаб қилинади. Давлат қарзлари резидентлардан, хорижий жисмоний ва юридик шахслардан ҳамда бошқа давлатлар ҳукуматидан маблағларни жалб этишни англатади [3, с. 132-136].

Коронавирус пандемияси кўплаб мамлакатларда давлат қарзлари муаммосини янада кучайтирди ва 2020 йилдаги суверен дефолтларнинг сони бўйича кўп йиллар давомидаги рекорд бўлди. Бу йил суверен дефолтларнинг юз бериши эҳтимоли Ангола, Камерун, Кения ва Покистан, шунингдек, Туркия ҳамда Украина давлатларида жуда юқоридир. Шу билан бирга, Европа мамлакатлари, шунингдек, АҚШ ва Япония каби ўз бюджетларига зарар келтирмасдан ўз қарзларига хизмат кўрсатиши мумкин бўлган давлатлар ҳозирги инқироздан энг кам йўқотишлар билан чиқади. Ташқи мажбуриятлар бўйича юқори риск пандемиядан олдин ҳам молиялаштиришда қийинчиликлар мавжуд бўлган Аргентина, Туркия, Украина мамлакатлар учун сақланиб қолади. Ҳиндистон, Бразилия ва бир қатор кичик давлатлар ҳам дефолт риски остидадир. Аслида, қарз рисклари кўп иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд, масалан, Италия ва Португалия каби, лекин Европадаги бир қатор молиявий механизмлар туфайли, улар ташқи қўллаб-қувватлашга таянишлари мумкин [4].

2020 йилда бюджет дефицитининг ўртача миқдори ривожланган мамлакатларда ЯИМга нисбатан 11, 7 фоизни, ривожланаётган мамлакатларда эса 9, 8 фоизни, дунё бўйича ўртача 10, 8 фоизни ташкил этган. 2021 йилда ўртача кўрсаткич 9, 2 фоизга тушиши прогноз қилинмоқда. ХВФнинг таъкидлашича ривожланган мамлакатларда дефицитнинг ўсишига деярли тенг равишда харажатларниг ўсиши ва тўловлар тушиши, ривожланаётган мамлакатларда асосан даромадларнинг камайиши сабаб бўлган. 2020 йилда умумий глобал давлат қарзи пандемиядан аввалги даврга нисбатан 13 фоиз пунктга юқори бўлиб, ЯИМнинг 97, 3 фоизгача ўсган [5].

«Бюджет дефицити» ва «Давлат қарзи» каби тушунчалари ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд, яъни давлат қарзи бюджет дефицтининг оқибати ҳисобланади.

Бюджет дефицитининг ортиши, ўз навбатида, давлатнинг қарз инструментларидан фаол фойдаланишига заруратни келтириб чиқариши жаҳон тажрибасидан маълум. Бу эса ўз навбатида, давлат қарзини жалб этиш самарадорлигини ошириш ва уни бошқариш мезонларини белгилаб берувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга бўлган талабнинг долзарблигини кўрсатмоқда. Шу боисдан, давлат қарзини бошқариш самарадорлигини таъминлашда давлат дастурлари ва бюджет-солиқ сиёсати билан бевосита боғлиқ тарзда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса шуки, барча мамлакатлар бюджет мувозанатини таъминловчи ва бюджет дефецитини рухсат этилган қийматидан ошмайдиган сиёсатни амалга ошириши керак бўлади.

Давлат қарзи мамлакат иқтисодиётига нисбатан йириклашиб борган сари миллий иқтисодиёт учун хавф орта бориши мумкин. Шу билан бирга, ташқи қарзнинг ЯИМдаги улуши қанчалик ортса, макроиқтисодий барқарорлик шунчалик мураккаблашиб бораверади.

Жаҳоннинг йирик суверен кредит рейтингларини аниқлаш ва баҳолаш билан шуғулланувчи агентликлари ҳам ушбу кўрсаткичга алоҳида эътибор қаратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Пышков А. Ю., Бурдин К. К. 2020. Мартиросян Л. А. КЕЙНСИАНСКАЯ И НЕОКЛАССИЧЕСКАЯ ТЕОРИИ ВЛИЯНИЯ БЮДЖЕТНОГО ДЕФИЦИТА И ПРОФИЦИТА НА ЭКОНОМИКУ СТРАНЫ. https://elibrary. ru/item. asp?id=42913207.

2. Бюджет кодекси 2013. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 52-I-сон.

3. Мищенко Е. А., Морозова Д.С. 2015. Реальные преобразования как ключ к эффективной антимонопольной политике // Современная наука: теоретический и практический взгляд:сборник статей Международной научно-практической конференции. – Уфа: Омега сайнс– С. 132-136.

4. https://finance. rambler. ru/economics/45559459-mirovoy-dolg-rastet-v-kakih-stranah-vozmozhen-defolt-v-2021-godu.

5. https://www. kommersant. ru/doc/4762551.

3-СЕКЦИЯ
СУҒУРТА БОЗОРИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ: ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Б.У. Камилов,
«Ўзбекинвест» экспорт-импорт
суғурта компанияси
«Суғурта мактаби» директори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУҒУРТА БОЗОРИ МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ҲОЛАТИ («Ўзбекинвест» ЭИСК АЖ мисолида)

Аннотация. Мазкур мақолада Республика суғурта бозоридаги кучли рақобат шароитида суғурта ташкилотлари учун мутахассисларни тайёрлаш, фаолият юритиб келаётган ходимларни ўқитиш, уларга замонавий билимларни бериш ҳамда узлуксиз равишда касб малакасини ошириб бориш ишларидаги муаммолар таҳлили, ривожлантириш истиқболлари «Ўзбекинвест» ЭИСК АЖ мисолида атрофлича баён этилган. Ўзбекистон Республикаси суғурта бозори профессионал иштирокчилари мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш механизмларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан таклиф, тавсия ва хулосалар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: суғурта, суғурта бозори, рақобат, суғурта маҳсулотлари, суғурта агенти, тайёрлаш курслари, меморандум, инновацион марказ, бошқарув кадрлари ва мутахассислар.

Кириш

Республикада молия бозорини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли молиявий хизматлар билан қамраб олиш кўламини кенгайтириш, суғурта ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ушбу соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳоли ҳаётининг сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган молиявий хизматларни фаол ривожлантириш Республикада суғурта бозорининг ролини кучайтиришни ва суғурта воситаларини кенг қўллашни тақозо этмоқда.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ходимларини соҳага ихтисослашган олий таълим муассасаларининг «Суғурта иши» таълим йўналиши бўйича сиртқи ва кечки бўлимларга тест синовлари ўтказилмасдан, қабул қилиш тартиби жорий этилди. Жорий йилда Тошкент Молия институтига суғурта компанияларининг 144 та ходими талабаликка қабул қилинди.

Бундан ташқари, 2019 йил 5 август куни Лондон шаҳрида Буюк Британиянинг Chartered Insurance Institute (CII) ўртасида Тошкент шаҳрида филиал очиш бўйича меморандиум имзоланди. Ҳозирги кунда, Тошкент Westminster халқаро Университетида 50 яқин суғурта компания ходимлари Chartered

Insurance Institute ўқув дастурлари доирасида ўз малакаларини оширмоқдалар.

«Ўзбекинвест» ЭИСК АЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 апрелдаги 206 сонли Қарори асосида ташкил этилган бўлиб, 2020 йил 1 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта механизмларини кенгайтириш тўғрисида» ги фармони асосида компания акциядорлик жамиятига айлантирилди.

Компания Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида жойлашгн 14 та ҳудудий филиаллари ҳамда 200 дан ортиқ бўлимлари орқали Республика аҳолиси ва корхона, ташкилотларга суғурта хизматини кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда Компанияда 700 яқин ходим ва 1000 ортиқ суғурта агенти фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сон Қарори ижросини таъминлаш, суғурта соҳасига қўйилаётган вазифалар ва бозордаги кучли рақобат шароитида Компания ходимларини ўқитиш, уларга замонавий билимларни бериш ҳамда узлуксиз равишда касб малакасини ошириб бориш мақсадида 2020 йил март ойида Бош Компанияда доимий равишда фаолият юритувчи «Суғурта мактаби» ташкил этилди.

«Суғурта мактаби»нинг асосий вазифалари этиб, қуйидагилар белгиланди:

– Компания устав вазифалари, стратегик мақсадлари ҳамда ривожланиш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда Компания ходимларини ўқитиш ва узлуксиз малакасини ошириб бориш;

– юқори самарали замонавий таълим ҳамда инновацион технологиялар, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

– ходимлар ҳамда сугурта агентларини ўқтишда бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан самарали фойдаланиш;

– илғор хориж ўқув муассасалари, илмий марказлар ва суғурта ташкилотлари билан юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш;

– ўқитиш ишларининг самарадорлигини узлуксиз равишда баҳолаб бориш тизимини йўлга қўйиш.

«Суғурта мактаби» томонидан шу кунга келиб жами 5000 ортиқ ходим ва суғурта агентлари малакаси оширилди. Суғурта мактаби томонидан ташкил этилган семинар-тренинглар ва вебинарларда нафақат Республикада суғурта соҳаси бўйича тажрибага эга мутахассислар балки Россия Федерацияси ва Буюк Британия каби ривожланган давлатларнинг етук мутахассислари ҳам ўз маърузалари билан иштирок этишди.

«Суғурта мактаби томонидан иқтидорли ёшларни Компанияга жалб этиш мақсадида, Республикада фаолият юритиб келаётган бир қатор олий таълим муассасалари билан. жумладан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Республикаси миллий университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти ва тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтлари билан ўзаро ҳамкорлик юзасидан Меморандумлар тузилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозори мутахассисларини тайёрлашда энг асосий муаммолардан бири, суғурта иши йўналиши бўйича талабаларни ўқитаётган аксарият педагог кадрларнинг суғурта ташкилотларида иш тажрибаларининг йўқлиги ва талабаларга соҳа бўйича кўп ҳолларда фақат назарий билимлар бериб келаётганлиги.

Соҳа бўйича олийгоҳларда олган назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш мақсадида Меморандум тузилган олийгохларда Компаниянинг «Инновацион суғурта марказлари»ни ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Миллий университетда шундай марказ ташкил қилинди ва Компаниянинг тажрибали мутахассислари марказда талабаларга ўз тажрибаларини улашиб келмоқда. Шунингдек, жорий йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институтларида ҳам шундай марказларни ташкил этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий университетда жорий йилнинг 30 март куни илмий-амалий конференция ташкил этилди. Мазкур конференцияда университет педагог ходимлари, Компаниянинг етакчи мутахассислари, Россия Федерацияси Ҳукумати қошидаги Молия университети «Ижтимоий соҳа ва суғурта иқтисоди» департаменти бошлиғи, и.ф.д. профессор А. А. Цыганов ҳамда университет талабалари иштирок этишди.

Шу билан бирга Компанияда Олий таълим муассасалари талабаларининг ўқув амалиётлари ташкил этилган.

Республика ёшларини суғурта соҳасига жалб этиш ва иш билан таъминлаш мақсадида ҳозирда «суғурта мактаби» базасида «Янги суғурта агентларини тайёрлаш курслари ташкил этилган. Бу махсус тайёрланган видеодарслар бўлиб, ёшлар онлайн тарзда ушбу видеодарсларни ўрганадилар ва ўрганиб бўлгач, ёшларнинг хоҳишига қараб Компаниянинг хоҳлаган 14 филиалида суғурта агенти бўлиб ишлаши учун йўлланма берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сон ҚарориdaЎзбекистон

Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишларининг бири сифатида «суғурта бозори мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, суғурта соҳасида таълим беришнинг замонавий усулларини қўллаш, илмий-тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш» белгиланган.

Мазкур Қарор ижросини таъминлаш ва Компания мутахассислари илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш мақсадида соҳадаги долзарб мавзуларда илмий ишлар қилинишини ташкил этиш ва ходимлар томонидан Фалсафа доктори (Phd) ва Фан доктори (DSc) илмий даражаларини олишларида кўмаклашиш ишлари йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирда ўндан ортиқ Компания ходимлари томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республика суғурта бозоридаги рақобат шароити, мамлакатимизда олиб борилаётган чуқур ислоҳотлар Компания раҳбар ходимлари ва мутахассисларидан соҳа бўйича чуқур билимга эга бўлишни, ривожланган давлатлар тажрибасини мунтазам равишда ўрганиб боришни, олинган тажрибаларни амалиётга тадбиқ эта билишни ва жойларда бошқарув фаолиятларини замон талаблари асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Шу сабабли Компания бошқарув кадрлари ва мутахассислари малакасини жаҳон стандартлари асосида ошириш мақсадида «Ўзбекинвест» ЭИСК қошида «Суғурта Академияси» ташкил этилмоқда.

Хулоса

Ўзбекистонда олиб борилаётган чуқур ислоҳатлар ва соҳани ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, суғурта бозори профессионал иштирокчилари олдига катта

Kalit so'zlar: investitsiya, xorijiy investitsiya, innovatsiya, investitsion muhit, to'g'ridan – to'g'ri xorijiy investitsiyalar, chet el investitsiya ishtirokidagi korxonalar, investor.

Kirish

O'zbekiston davlat mustaqilligiga erishgan dastlabki yillardan boshlab milliy iqtisodiyotni rivojlantirishning o'ziga xos yo'nalishini belgilab oldi. U iqtisodiyotning rivojlanishi va barqarorligida xorijiy investitsiyalarning beqiyos o'rin tutishini o'z vaqtida to'g'ri anglab yetganligining natijasida investitsiyalarga, xususan, xorijiy investitsiyalariga bo'lgan e'tiborning kuchayishi yuz berdiki, bu esa bugungi kunga kelib mamlakatimizdagi investitsiya faoliyatining rivojlantirilishiga olib keldi. Bugungi kunda rivojlangan ivestitsion faoliyatning yo'lga qo'yilishini hukumatimizning yuritayotgan oqilona investitsiya siyosatining mahsuli ekanligini ta'kidlash lozim.

Bugungi shiddat bilan rivojlanish, globallashuv, dunyoda davom etayotgan moliyaviy iqtisodiy inqirozlar, «savdo urushlari», geosiyosiy jarayonlar, pandemiyalar yanada murakkablashib borayotgan bir sharoitda iqtisodiy barqarorlikni ta'minlash ham siyosiy, ham iqtisodiy, ham ijtimoiy ahamiyat kasb etmoqda. Iqtisodiy barqarorlikni ta'minlash hamda iqtisodiy o'sish borasida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev «iqtisodiy o'sishga, avvalo, raqobatdosh sanoat zanjirlarini yaratish hamda bunday loyihalarga investitsiyalarni ko'paytirish orqali erishiladi... . Shu bilan birga, investitsiya siyosatini yuritishda davlat ishtirokini pasaytirib, xususiy va to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalar ulushini oshirish kerak... . Umuman olganda, 2020-yilda 23 milliard AQSH dollar qiymatidagi investitsiyalarni o'zlashtirish zarur [1, s. 35].»deb ta'kidlab o'tganlar. Shunday ekan, har qanday o'sish va samaradorlikka erishish bevosita investitsiyalarga bog'liqdir.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili

Iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb etish va ulardan samarali foydalanishning nazariy jihatlari qator olimlar tomonidan o'rganilgan. Jumladan, quydagi xorij olimlari fikrlarini keltirib o'tish o'rinli hisoblanadi.

M. Sornaraja quyidagicha fikr bildiradi: «Xorijiy investitsiyalar bu – aktivlar yegasining to'liq yoki qisman nazorati ostida moddiy boylik yaratish maqsadida foydalanish uchun moddiy va nomoddiy boyliklarni bir mamlakatdan boshqasiga o'tkazilishini anglatadi»[2, s. 14].

Yana bir xorijiy olim fikrlarini to'xtalib o'tadigan bo'lsak, F. Xeniusning 1947-yil AQShda chop etilgan tashqi savdo lug'atining 2-nashrida quyidagicha ta'rif berilgan: «Xorijiy investitsiyalar – bu bir mamlakat hududidan ikkinchi mamlakat hududiga kiritilgan, eksport qilingan investitsiyalar» [3, s. 82].

Mahalliy olimlarimizning fikrlarini ko'radigan bo'lsak, A. Vaxabov, N. Haydarov, Sh. Mustafakulov va D. G'ozibekovlar xorijiy investitsiyalarning xususiyatlari va ularni jalb qilish shakllari, iqtisodiy taraqqiyotni ta'minlashdagi ahamiyati xususida ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borganlar. Jumladan, prof. N. Haydarovning investitsiyalarga bag'ishlangan dissertatsiya ishida investitsiya – bu mulk shaklidan qat'iy nazar, tadbirkorlik asosida faoliyat ko'rsatayotgan jismoniy va yuridik shaxslar yoki davlatning iqtisodiy va ijtimoiy samara olish maqsadida o'z boyliklarini qonun doirasida bo'lgan har qanday tadbirkorlik obyektiga sarflashidir» [4, b. 29], deb ta'kidlab o'tgan.

Tahlil va natijalar

Mamlakatimiz iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish – bu nafaqat xorijiy sheriklar bilan hamkorlikda yangi, istiqbolli loyihalarni amalga oshirish, ayni paytda – bu avvalo, yangi zamonaviy texnika dastgoh va uskunalar, texnologiya va nau – xaular joriy etish, shu asosida ishlab chiqariladigan mahsulotlarning yuqori sifatini ta'minlashga qaratilgan. Eng muhimi, xorijdan imtiyozli shartlarda sarmoyalar olib kirish bu pirovard natijada mamlakatning raqobatbardoshligini ta'minlash va jahon bozorida o'zining munosib o'rnini egallashga qodir bo'lish desak aslo mubolag'a bo'lmaydi.

Xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalar eksport salohiyatini oshirishda muhim ro'l o'ynaydi. Pandemiya mintaqaning eksport salohiyatiga ega eng katta salbiy ta'sir ko'rsatganligini ta'qidlash lozim 2020-yil oxirida eksport hajmi tashqi talabning keskin pasayishi tufayli yilning shu davriga nisbatan deyarli 0. 75 baravarga kamaydi.

Mintaqaning barqaror ijtimoiy – iqtisodiy rivojlanishini ta'minlashning asosiy vositasi eng muhim investitsiya loyihalarini moli-

yalashtirish uchun asos bo'lib xizmat qiladigan investitsiya resurslari hisoblanadi (1-jadval).

2016–2020-yillar uchun mamlakatning o'rtacha 8 – 10 foizi investitsiya resurslari mintaqa iqtisodiyoti va ijtimoiy sohasini rivojlantirishga yo'naltirildi. Ulardan foydalanish bo'yicha mintaqa O'zbekiston mintaqalari orasida to'rtinchi va uchinchi o'rinlarni egalladi. Investitsiya faolligining nisbatan barqaror o'sish sur'atlari qayd etilgan. Tahlil qilinyotgan davrda investitsiyalarning hududiy konsentrasiyasi indeksi 0. 747 dan 1. 019 gacha o'sdi.

1-jadval

Toshkent viloyatida investitsiya faoliyatining asosiy ko'rsatkichlari [5, b. 7]

Ko'rsatkichlar	2016 y.	2017 y.	2018 y.	2019 y.	2020 y.
Investitsiyalarning o'sish sur'atlari, %	89. 0	121. 4	138. 2	145. 8	89. 5
YHMdagi investitsiyalar ulushi %	11. 1	18. 3	24. 4	33. 8	28. 8
Mamlakatdagi investitsiyalarning umumiy hajmidagi investitsiyalar ulushi umuman	5. 3	8. 2	9. 0	10. 4	9. 0
O'zbekiston mintaqalari orasida jalb qilingan investitsiyalar hajmida mintaqaning o'rni	3	4	3	3	3

Moliyalashtirish manbalari bo'yicha investitsiyalar tarkibida ma'lum o'zgarishlar kuzatilmoqda (2-jadval). 2017-yildan boshlab markazlashtirilgan investitsiyalar ulushining 24.6 foiz dan 13.7 foiz gacha pasayishining va markazlashtirilmagan investitsiyalar ulushining 86.3 foizini tashkil etishning umumiy tendensiyasi kuzatilmoqda.

Investitsiya loyihalariga ajratilgan davlat byudjeti mablag'larining ulushi 5. 1 foizdan 10. 1 foizgacha o'sdi. To'g'ridan to'g'ri xorijiy investitsiyalar ulushi (13. 7 foizdan 30. 8 foiz gacha) o'sdi. Aholidan tushadigan mablag'lar miqdori (3. 6 foizdan 9. 4 foiz ga-

cha) kamaydi, shuningdek, tijorat banklari (18. 5 foizdan 8. 0 foiz gacha) va korxonalar mablag'lar (55. 0 foiz dan 38. 1 foiz gacha) kreditlari kamayish tendensiyasi kuzatilmoqda.

2 – jadval

Toshkent viloyatida moliyalashtirish manbalari bo'yicha investitsiya resurslari tarkibidagi o'zgarishlar dinamikasi (foizda) [6, b. 2]

Ko'rsatkichlar	2016	2017	2018	2019	2020
Investitsiyalar, jami:	100	100	100	100	100
Markazlashtirilgan investitsiyalar:	9.2	24.6	24.7	25	13.7
– byudjet mablag'lari	5.1	5.1	12.7	14	10. 1
– hukumat tomonidan kafolatlangan xorijiy investitsiyalar va kreditlar		8.7	2.1	2	
– fondlar mablag'lari	4. 1	10. 7	9.9	9	3.6
Markazlashtirilmagan investitsiyalar:	90.8	75.4	75.3	75	86.3
– korxona mablag'lari	55.0	35.7	21.2	24	38.1
– tijorat banklarining kreditlari	18.5	17.6	15.5	11	8.0
– to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar va kreditlar	13.7	6.6	28.3	25	30.8
– aholining mablag'lari	3.6	15.5	9.6	10	9.4

To'g'ridan – to'g'ri xorijiy investitsiyalar hajmi va ulushining sezilarli darajada o'sishi asosan mintaqada joylashgan xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalar faoliyati bilan bog'liq (3-jadval).

3-jadval

Chet el investitsiyalari ishtirokidagi korxonalarni Toshkent viloyatiga joylashtirish ko'rasatkichlari [7, b. 12]

Ko'rsatkichlari	2016	2017	2018	2019	2020
Xorijiy investitsiyalar bilan faoliyat yuritayotgan korxonalar soni	410	583	671	953	1170

Birgina so'nggi besh yili ichida viloyatda xorijiy investitsiyalar ishtirokida 760 ta yangi korxona tashkil etildi. Shu munosabat bilan ularning viloyat eksportining umumiy hajmidagi hissasi 1. 8 foiz dan 36. 0 foiz gacha o'sdi.

4-jadval

Toshkent viloyatining investitsiya jozibadorligini baholash (2020-yil) [8, b. 16]

Investitsiya jozibadorligi indeksining asosiy tarkibiy qismlari	Indeks bahosi (0 dan 1. 000 gacha)	Mamlakat mintaqalari orasida o'rni (14)
Ijtimoiy – iqtisodiy rivojlanish darajasi	0. 977	3
Moliyaviy xavfsizlik darajasi	0. 818	2
Bozor sektorining rivojlanish darajasi	0. 703	4
Ijtimoiy infratuzilmasini rivojlantirish darajasi	0. 865	5
Ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish darajasi	0. 928	4
Investitsiya jozibadorligi darajasini umumiy baholash	0. 858	5

Respublikamizda Toshkent shahri, Navoiy, Qashqadaryo va Samarqand viloyatlari nisbatan yuqori darajada investitsiya jozibadorligiga ega bo'lgan hududlar hisoblanadi.

Investitsiyalarning o'rtacha jozibadorlik darajasi Buxoro, Farg'ona Andijon, va Namangan viloyatlarini qamrab oladi. Qolgan mintaqalar Xorazm, Surxondaryo, Sirdaryo, Jizzax va Qoraqalpog'iston Respublikasi investitsiya jozibadorligi past darajadagi mintaqalar safiga kiradi. Bu, asosan, ularning ijtimoiy – iqtisodiy rivojlanish darajasi va ichki moliyaviy imkoniyatlarning past darajasi bilan xarakterlanishini ko'rishimiz munkin.

Xulosa va takliflar

Shunday qilib, respublikamizda chet el investitsiyalar bilan bog'liq muammolar mavjud, ularni hal qilish O'zbekistoni yanada rivojlanishida muhim ahamiyatga ega.

Buning uchun quyidagi chora – tadbirlarni amalga oshirish lozim:

– investitsion muhitni yaxshilashga qaratilgan qonun va farmonlarni joriy qilish;

– xorijiy investorlarga va milliy ishlab chiqaruvchilarga bir xil imkoniyat, imtiyozlar yaratish;

– milliy buxgalteriya hisobini halqaro moliyaviy hisob standartlariga yanada yaqinlashtirish;

– qo'shma korxonalarning tashqi bozorlarga yo'naltirilgan faoliyatini jadallashtirish, valyuta oqimini barqarorlashtirish. Bunda rag'batlantirish tizimining qulaylik darajasini yanada oshirish;

– erkin eksport zonalari amaliyotini o'rganish va ularni yurtimizda joriy qilishga erishish zarur.

Chet ellik investorlar bilan qo'shma korxonalar tashkil qilish mamlakatimiz iqtisodiyotiga

– yangi, zamonaviy texnika va texnologiyalarni respublika iqtisodiyotiga jalb qilish, ularni ishlab chiqarishga joriy qilish esa necha yillar davomida sifatsiz, xaridor talabiga javob bera olmaydigan mahsulotlar ishlab chiqaruvchi eski texnika texnologiyalardan tezroq qutilish imkonini beradi.

– jahon bozoriga raqobatlasha oladigan sifatli mahsulotlarni ishlab chiqarish va ularni eksport qilish evaziga mamlakatimizga qadri baland valyutalarning ko'proq kirib kelishini ta'minlaydi.

Xulosa qilib aytganda, milliy iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish davlatning yuksak taraqqiy etishida alohida ahamiyat kasb etadi. Mamlakatning investitsiya faoliyatini rivojlantirish esa tadbirkorlikni qo'llab – quvvatlash va hududlarda

mazkur faoliyatni rivojlantirish bo'yicha xorijiy investitsiyalar jalb qilish smaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasi, 2020-yil 29-dekabr. 35 b. https://president. uz/uz/lists/view/4057.

2. The international law on foreign investment, M Sornarajah – 2017 – Cambridge University Press. p. 14.

3. Dictionary of International Trade. Global Marketing Strategies, 2015, p. 82.

4. Haydarov N. H. Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida korxonalar investitsion faoliyatidagi moliya-soliq munosabatlarini takomillashtirish masalalari. Iqtisod fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. – T:. 2003. 29 b.

5. stat. uz saytidagi ma'lumotlar asosida muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

6. stat. uz saytidagi ma'lumotlar asosida muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

7. stat. uz saytidagi ma'lumotlar asosida muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

8. stat. uz saytidagi ma'lumotlar asosida muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

С.Х. Валиева,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
"Солиқлар ва суғурта иши" кафедраси, катта ўкитувчи,
мустақил тадқиқодчи
Sayyora3001@gmail. com

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ВУЖУДГА КЕЛАДИҒАН РИСКЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон шароитида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда рискларни юзага келтирувчи омилларни аниқлаш, уларни сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолаш, инвестиция лойиҳаси рискларини таснифи ва инвестиция фаолиятини амалга оширишда вужудга келадиган рискларни суғурталаш тадқиқ этилган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний равишда фаолият кўрсатаётган ҳар қандай суғурта ташкилотида суғурта ҳимоясига бўлган ҳуқуқдан фойдаланиши мумкинлиги ҳам ёритилган.

Таянч сўзлар: Инвестиция, инвестиция лойиҳалари, инвестор, риск, суғурта, суғурта ташкилоти.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёв томонидан ривожланишнинг узоқ муддатга мўлжалланган концепциялари ишлаб чиқилиши, бу борада биринчи қадам сифатида Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат да-

стурлари қабул қилиниб, мазкур дастурларни молиялаштириш фонди ташкил этилиши таъкидланди. Бунда иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган маблағларни инвестиция шаклида ҳаракатга келтириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифаларимиздан бири эканлиги эътироф этилди [1].

Инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний равишда фаолият кўрсатаётган ҳар қандай суғурта ташкилотида суғурта ҳимоясига бўлган ҳуқуқдан фойдаланади. Инвестицияларни сиёсий ва бошқа таваккалчиликлардан суғурталаш халқаро ташкилотлар, чет эл агентликлари, бошқа суғурта компаниялари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Инвестицияларни суғурталашни амалга оширувчи суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. Давлат суғурта ташкилотларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди, бундан тарафларнинг битимларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Инвестицияларни суғурталаш сиёсий ва бошқа таваккалчиликлардан, шу жумладан қуйидагиларни ўз ичига олувчи таваккалчиликлардан сугурта ҳимоясини ҳамда кафолатларини таъминлайди:

• Мулкнинг реквизиция (экспроприация) қилинишини, шунингдек мулкни олиб қўйишга ёки уни бошқа шахсга беришга, унинг устидан ёки ундан олинадиган даромадлар устидан назоратнинг йўқолишига олиб келадиган ҳар қандай қонунчилик ёки маъмурий чораларни;

• чет эл валютасини мамлакатдан ташқарига ўтказиш бўйича чекловлар жорий этишни; давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва улар мансабдор шахсларининг инвесторлар шартномавий муносабатларига аралашувини;

• урушларни, фуқароларнинг тартибсизликлари ва бошқа шунга ўхшаш воқеаларни; инвесторлар ва чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган сиёсий ва ўзга таваккалчиликларнинг бошқа турларини [2].

Ҳар қандай инвестиция лойиҳалари турли ноаниқликлар, рисклар билан боғлиқ. Ҳар бир инвестиция иштирокчиси рисклар, риск турларининг вужудга келиши сабаблари, уларнинг таснифи ҳамда риск эҳтимолларини олдини олиш бўйича тадбирлар ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлишлари лозим. Шундагина улар инвестиция лойиҳасини муваффақиятли амалга оширишга ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин.

Шу жаҳатдан ҳам Ўзбекистон шароитида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда уларнинг рисклилик даражасини ҳисобга олиш, баҳолаш ва аниқлаш, эҳтимоллиги мавжуд бўлган риск ҳамда ноаниқликларни пасайтириш ёки бартараф этиш йўлларини аниқлаш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уни дастлабки мукаммал баҳолаш ва ўрганиш, шу жумладан, лойиҳа рискларини таҳлили қилиш ва уларни пасайтириш, бошқариш масалалари иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ўта аҳамиятли ва илмий тадқиқот учун долзарб муаммолардан бўлиб келмоқда.

Инвестиция лойиҳаси тўлиқ ва мукаммал ҳисоб-китоблар ёрдамида асосланган юридик ҳужжатлар тўпламидир. У инвестицион тадбиркорлик ва ташаббуснинг натижаси сифатида яратилган инвестицион ҳужжат бўлиб, инвестициялар билан таъминланган ҳар қандай тадбирлар мажмуаси ҳисобланади, яъни у чекланган муддат давомида фойда олиш ёки ижтимоий самарага эришиш йўлидаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ тадбирлар йиғиндиси ҳисобланади [3].

Инвестиция лойиҳаси деганда фойда олиш мақсадида қўйилган инвестициядан фойдаланиш режасининг асосли равишда

ишлаб чиқилиши тушунилади. Инвестиция лойиҳаси қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади: ғоянинг туғулиши, инвестиция қўйиладиган объектни аниқлаш, шу объектга қўйилишининг фойдалилигини асослаш, комплекс тарзда экспертиза ўтказиш, инвестицияга пул маблағини топиш ва қўйиш, унинг самарадорлигини таъминлаш ва бошқалар.

Ўзбекистон шароитида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда рискларни юзага келтирувчи омилларни аниқлаш, уларни сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолаш, рискларни баҳолаш усулларини такомиллаштириш, рискларни пасайтириш йўлларини аниқлаш ҳамда самарали бошқариш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда суғурталаш икки турда: мулкни суғурталаш ҳамда бахтсиз ходисалардан суғурталаш шаклида амалга оширилади.

Мулкий суғурталашнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

– моддий йўқотишлар ва зарарлардан ҳимоя қилиш мақсадида пудрат қурилишларини суғурта қилиш; – моддий йўқотишлар ва зарарлардан ҳимоя қилиш мақсадида денгиз ёки ҳаво транспортлари орқали ташилаётган юкларни суғурта қилиш;

– моддий йўқотишлар ва зарарлардан ҳимоя қилиш мақсадида пудрат ва субпудрат ташкилотларига тегишли бўлган асбобускуналарни суғурта қилиш. Бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилишнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

– қурилиш қатнашчилари тана жароҳатлари, шахсий зарар ёки мулкий зарар кўрганларида бош пудрат ташкилотлари фаолиятини ҳимоя қилиш мақсадида умумий фуқоролик жавобгарлигидан суғурта қилиш;

– лойиҳалаштириш жараёнида архитекторлик ва техник нуқтаи назардан хатоларга йўл қўйилганда лойиҳаларни бошқаришда камчиликлар келиб чиққанда бош пудрат ташкилотини моддий жавобгарликдан сугурта қилиш [4].

Иқтисодий категория сифатида риск – бу бўлиши мумкин бўлган ёки аввалдан айтиб бўлмайдиган ҳодиса. Агар бу ижобий ҳодиса бўлса (фойда, даромад ёки бошқа тушум) ва салбий (харажатлар, зарар, йўқотиш) натижа бўлиши ёки ҳеч қандай натижа бўлмаслиги мумкин. Молиявий операциялар риск даражасини баҳолашни, унинг миқдорини аниқлашни ва уни камайтириш чора-тадбирларини қўллашни талаб қилади. Мамлакат иқтисодиётига ўз сармоясини киритаётган инвестор нуқтаи-назарида, шу мамлакатдаги ҳолат, вазият инвестицион муҳит деб аталади. Инвестицион муҳит бир қатор риск омилларини ўз ичига олади. Бу омиллар ривожланиш истиқболлари, ички ва ташқи шарт-шароитлар ва вазият таъсири остида вужудга келади. Кўп ҳолларда мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳолат ва унинг ривожланиш истиқболларига қараб ижтимоий-сиёсий, ички ва ташқи рисклар тахмин қилинади.

Иқтисодий адабиётларда риск тушунчаси қатор иқтисодчи олимлар томонидан турлича таърифланади. Профессор А. В. Вахабов "Инвестицион риск умумий молиявий рискнинг таркибий қисми бўлиб, ўзида молиявий йўқотишлар эҳтимолини ва инвестициялардан даромадларни тўлиқ ололмаслик ёки қўшимча инвестицион харажатларнинг пайдо бўлишини намоён этади. Лойиҳани амалга ошириш натижасида кўзланган, даромадларнинг пасайишига сабаб бўладиган вазиятлар мажмуаси ёки инвестицион лойиҳани амалга оширишга ҳалақит берадиган ва лойиҳа самарадорлигини пасайтирадиган рискларнинг йиғиндиси тушунилади, деб таъриф беради" [5]. Мартина Меркова, Жосеф Драбек риск тўғрисида қуйидаги фикрларни билдириб ўтишган: "Риск ҳар қандай тадбиркорликнинг муқаррар қисмидир, шунинг учун уни таҳлил қилиш жуда муҳим, аммо, шу билан бирга, парадокс шундан иборатки, бу лойиҳанинг энг охиригача баҳолаб бўлмайдиган қисми ҳисобланади" [6],

Рискларни бошқариш деганда, риск ва фойда миқдорини оқилона қўшилмасини аниқлашга қаратилган ҳаракатлар мажмуаси, деб тушуниш мумкин [7].

Э. И. Носиров ва бошқалар томонидан ёзилган "Инвестиция рискларини бошқариш" номли ўқув қўлланмада инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва уни амалга ошириш жараёнида рискларни бошқаришнинг назарий асослари баён этилган. Инвестиция рискларини турлари ва шакллари ифодаланиб, рискларни бошқариш бўйича халқаро молия институтлари тажрибаси кўрсатиб берилган. Ўзбекистонда инвестиция рискларини бошқаришнинг самарали усуллари, воситалари ва имкониятлари очиб берилган [8].

Инвестиция лойиҳасини рискларини таснифини турли тизимлари мавжуд. Биринчидан, лойиҳа фаолиятининг босқичлари ва фазалари бўйича таснифлаш: инвестициялаш олди фазасидаги, инвестициялаш фазасидаги, ишлаб чиқариш фазасидаги рисклар. Иккинчидан, лойиҳа фаолияти иштирокчилари учун риск таҳдидларига таъсир этишнинг имкониятларини мезонлари бўйича таснифлаш. Шу нуқтаи-назар бўйича рискни: ички ва ташқи рискларга ажратиш мумкин. Ташқи рискларга сиёсий рисклар ва форс-мажор рисклари киради. Форс-мажор рискига табиий офатлар: ёнғин, сув тошқини, қурғоқчилик кабилар киради. Ташқи рисклар лойиҳа фаолиятининг барча фаза ва босқичларида мавжуд. Учинчидан, рискдан ҳимоялаш имкониятлари нуқтаиназаридан таснифлаш:

1. Суғурталанадиган рисклар;
2. Суғурталанмайдиган рисклар.

Суғурталанадиган рисклар ўз навбатида: a) кафолат; b) суғурта; c) захира фонди ҳисобига қопланадиган рискларга бўлинади. Бундан ташқари, лойиҳа фаолиятининг ҳақиқий амалиётига асосланган, энг кўп учрайдиган рисклар ҳам бўлиб, уларга лойиҳа иштирокчилари эътибор берсалар ҳам, ҳеч бир

гуруҳлаш мезони доирасига кирмайдиган рисклар ҳам мавжуд. Улар:

• Иқтисодий қонунларнинг ва иқтисодий ҳолатнинг ўзгариб туриши, инвестициялаш ва фойдадан фойдаланиш шартлари билан боғлиқ рисклар;

• ташқи иқтисодий рисклар-савдо ва маҳсулот етказиб беришга чеклашлар киритиш, чегараларнинг беркилиши ва шу каби эҳтимолликлар риски;

• сиёсий ҳолатнинг ноаниқлиги, ҳудуддаги ёки мамлакатдаги номаъқул ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар риски;

• техник-иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси, янги техника-технология параметрлари, маҳсулот сифати ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги ёки ноаниқлиги;

• бозор конъюнктурасининг, яъни аниқ даврдаги иқтисодиётнинг жорий ҳолатини характерловчи белгилар, масалан, баҳо, валюта кўрслари, ялпи ички маҳсулот ва бошқаларнинг ўзгариб туриши;

• табиий иқлим шароитларининг, табиий офатлар эҳтимолининг ўзгариб туриши;

• ишлаб чиқариш техник рисклари-асбоб-ускуналарнинг бўзилиши ва тўхтаб қолиши, ишлаб чиқаришдаги брак ва бошқалар;

• лойиҳа иштирокчиларининг ўзларини тутишлари, қизиқишлари, мақсадларининг ноаниқлиги, уларнинг молиявий ҳолати ва ишдаги обрўси ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги, ноаниқлиги [9].

Хулоса қилиб айтганда, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ўзига хос билим ва малакани талаб этар экан, ўз навбатида, лойиҳага доир рисклардан ва уларга тегишли барча маълумотлардан хабардор бўлиш лойиҳанинг муваффақиятига ижобий таъсир этади. Бу каби маълумотларга эга бўлмаслик

эса турли салбий оқибатларга, ҳатто лойиҳани барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Инвестицион лойиҳалардаги рискларнинг мазмун ва моҳияти, унинг турларини билган ҳолда, ундан кутиладиган йўқотишларни камайтриш чора-тадбирларини қўллаш ва шу йўл билан рискнинг лойиҳа самарадорлигига кўрсатадиган салбий таъсирини камайтириш мумкин.

Миллий иқтисодиётда инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш лойиҳа рискларини баҳолаш ва бошқариш усулларини такомиллаштиришни талаб этади. Бунинг учун Инвестиция лойиҳалари рискларини бошқаришда уларни таҳлил қилиш ва баҳолаш натижаларига асосланиб, бошқариш усуллари танланади. Лойиҳани самарали бошқариш эса, кўзланган самарали натижага эришишга олиб келади. Шунинг учун лойиҳа рискларини баҳолашни пухта ва мукаммал амалга ошириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи 2017 йил 22 декабрь.

2. LexUZ шарҳи, Ўзбекистон республикасининг қонуни инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида, (Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда маъқулланган, 50-модда)

3. Голов Р.С., Балдин К.В., Передеряев И.И. Инвестиционное проектирование: Учебник – М.: Дашков и К, 2010 -С. -43.

4. Шаисламова Н. К. “Инвестиция рискларини самарали бошқаришда суғуртанинг ўрни” иқтисод ва молия/ экономика и финансы 2020, 1 (133).

5. А. В. Вахабов, Ш.Х. Хажибакиев, Н.Г. Муминов Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. и.ф.д. профессор А. В.

Вахабовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “Молия”, 2010. – 328 б. (Б. -165.)

6. Martina Merkova, Josef Drabek. Use of risk analysis in investment measurement and management (http://toc. proceedings. com/29281 webtoc. pdf) (656662 pages).

7. 4. Маматов Б.С., Хўжамқулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. Тошкент молия институти. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2014. -608 б.

8. Носиров Э. И. Инвестиция рискларини бошқариш. Ўқув қўлланма, “Фан ва технология”, 2012. – 56 б.

9. Н. Ғ. Каримов ва Р. Х. Хожиматов.: Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш: Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2011. -801 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг матбот хизмати

https://www. gazeta. uz/uz/

http://www. mf. uz сайтлари

4-СЕКЦИЯ
АКТУАР ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ.

Д.В. Помазкин,
Кандидат экономических наук
АО НПФ ГАЗФОНД, начальник управления
актуарных расчетов Модель функционального уравнения
в актуарных расчетах.

МОДЕЛЬ ФУНКЦИОНАЛЬНОГО УРАВНЕНИЯ В АКТУАРНЫХ РАСЧЕТАХ

Аннотация. Приведено аналитическое решение для страхового срочного аннуитета в интервале возрастов, допускающих приближение функции дожития полиномом. Показано, что расчетная погрешность незначительна, что позволяет применять полученное аналитическое решение на практике при проведении актуарных расчетов.

Введение. Проведение точных актуарных расчетов для большого числа участников пенсионного фонда достаточно трудоемкий процесс. Однако, в некоторых случаях, например, при проведении анализа финансовой устойчивости пенсионного фонда, определении возможного уровня индексации или при анализе принимаемых решений не требуется проведения точных актуарных расчетов или актуарных балансов, а доста-

точно построить соответствующие оценки. В качестве примера приведена оценка балансового соотношения, лежащего в основе актуарных расчетов и связывающего взносы и выплаты. Далее рассмотрена упрощенная модель групповой пенсионной схемы, являющейся аналогом распределительной пенсионной системы. Следует отметить, что основным допущением, при построении оценки является постоянство нормы доходности. В противном случае в решении должны присутствовать суммы произведений дисконтирующих множителей.

Построение функционального уравнения

Самой простой оценкой, приближающей результаты актуарного расчета является современная стоимость ренты с периодом равным ожидаемой продолжительности жизни. В данной статье предлагается более точная оценка, основанная на применении функциональных уравнений.

Функциональным уравнением называется уравнение, в котором неизвестная функция связана с известными функциями посредством операции композиции. Функциональное уравнение может быть рассмотрено как разностное уравнение, являющееся дискретным аналогом дифференциального уравнения. В случае моделирования сложных систем функциональные уравнения удобны для определения возможных границ получаемых решений и степени чувствительности системы к различного рода воздействиям. В предельном случае функциональные уравнения переходят в дифференциальные уравнения.

В качестве примера рассмотрим простейшее функциональное уравнение связывающее сумму S, размещенную под процентную ставку (r) в моменты времени (x) и (x+1).

$S(x+1)=A*S(x)$, где $A=1+r$

Решение данного уравнения имеет вид:

$$S(x)=const*A^x$$

Где значение const определяется из начальных условий.

В случае регулярной единичной выплаты уравнение сводится к виду:

$$S(x+1)=A*S(x)-1$$

И описывает обыкновенную ренту постнумерандо. Решение имеет вид:

$$S(x)=const*A^x+1/(A-1)$$

Рассчитаем современную стоимость данной ренты. Для этого определим значение const при x=n, где n – число выплат. Очевидно, что современная стоимость будет равна сумме геометрической прогрессии с числом членов n. Проверим, определив значение функции S (x) при x=0. Выразим значение const при условии S (n)=0, const=-1/[A^n * (A-1)], следовательно S (0)= (1-1/ A^n) / (A-1) Сумма геометрической прогрессии равна a* (1-q^n)/ (1-q), где знаменатель прогрессии q=1/A. В случае выплат постнумерандо первый член прогрессии a=1/A, поэтому получаем 1/A* (1-1/ A^n)/ (1-1/A)=S (0)

В случае учета индексации пенсионных выплат решение можно построить аналогично. Например, при индексации по линейному закону уравнение преобразуется к виду:

$S(x+1)=A*S(x)-(1+B*x)$, где B является константой, определяющей степень индексации. Современная стоимость ренты в данном случае равна:

$$S(0)=(B+A-1)/(A-1)^2-[(B*n/(A-1)+(B+A-1)/(A-1)^2]/A^n$$

В случае индексациии по степенному закону: $S(x+1)=A*S(x)-(1+B)^x$

Современная стоимость ренты равна:

$$S(0)=[1-(1+B)^n/A^n]/(A-B-1)$$




Рис. 1. Аппроксимация функции выживания полиномом

Рассмотрим случай страхового аннуитета. Каждая выплата (I) может быть определена как p*I, где p – вероятность наступления события или в нашем случае вероятность дожития до возраста x, начиная с возраста y. Вероятность p можно рассчитать, зная функцию выживания sf (x)=p (X>x), которая может быть построена по таблице дожития как sf (x)=L (x)/L (0), где L (x) и L (0) – число людей доживших до возраста x и число родившихся соответственно. Сеточная функция sf (x) является гладкой и для достаточно широких интервалов может быть приближена полиномом. Для примера рассмотрим приближение полиномом 2-й степени функции выживания на отрезке 40-80 лет. Естественно, что увеличение степени полинома приведет к уменьшению погрешности аппроксимации, однако в этом случае аналитическое решение принимает более сложный вид. Например, полиномом 10-й степени можно достаточно точно приблизить функцию выживания в диапазоне от 0 – 100 лет, однако коэффициенты в решении получается

настолько громоздкими, что проще перейти к привычным суммам, образующимся в результате решения балансового уравнения. Для менее точных оценок можно ограничить таблицу дожития выживания возрастом, соответствующим точке перегиба функции sf (x), приблизительно находящейся в возрасте 90 лет.

На рис 1. приведена функция, построенная методом наименьших квадратов, которая аппроксимирует функцию выживания (сплошная линия) полином $Y=D0+D1*X+D2* X^2$ с коэффициентами : D0=1. 03, D1=0. 00339, D2=-0. 0001855 (пунктирная линия). По оси абсцисс отложен возраст, по оси ординат число доживших до данного возраста, нормированное на общее число родившихся.

В этом случае уравнение, определяющее величину разового взноса для обеспечения срочного пенсионного страхования сводится к виду:

$$S (x+1)=A*S (x) – (D0+D1*x+D2* x^2)/Const,$$

А решение имеет вид:

$$S (x)=const0*A^x – const1-const2*x-const3*x^2,$$

Где

Const – определяет число доживших до возраста age,

Const= D0+D1*age+D2*age*age

Const0 – определяется из начальных условий. Если выплата производится раз в год, то S (y+n)=0, следовательно $Const0=[const1+const2* (y+n)+const3* (y+n)^2]/ A^n$

$Const1= [D0* (1-A)/Const+D1/Const+D2/Const* (1-2/ (1-A)]/ (1-A)^2$

Const2= [D1/Const-2*D2/ (const* (1-A))]/ (1-A)

Const3=D2/ (1-A)/const

При срочном пенсионном страховании на n лет, величина разового взноса, обеспечившего ежегодную единичную выпла-

ту может быть так же определена из балансового уравнения:

$$S(0)= \sum_{i=1}^{n} p(i)*v^{i}, \text{ где } v=1/(1+r)$$

Сравним результаты расчетов функционального уравнения с решением балансового уравнения для единичной ежегодной выплаты, нормы доходности 10 % (r=0. 1), p (i) определяется по таблице смертности населения. Результаты сравнения решений, полученных по уравнению баланса и оценке и ренты при p (i)= 1 приведены на рис. 2. По оси абсцисс отложен возраст, по оси ординат величина разового взноса, соответствующая данному возрасту, которая обеспечивает единичные выплаты постнумерандо до возраста 60 лет.




Рис. 2. Сравнение результатов расчета функционального уравнения с решением балансового уравнения

Функциональные уравнения в модели пенсионного фонда Аналогично можно построить функциональное уравнение для определения баланса пенсионного фонда. Под балансом понимается разница между расходами и доходами пенсионного фонда, как и в случае групповой пенсионной схемы, когда сумма, необходимая для пенсионных выплат, формируется за счет пенсионных взносов. Балансовое уравнение можно представить:

$$P(x+1)=A*P(x)+C(x+1)-E(x+1),$$

где

P (x+1) – баланс в настоящий момент времени

P (x) – баланс в предыдущий момент времени

C (x+1) – суммарные взносы в настоящий момент времени

E (x+1) – суммарные расходы в настоящий момент времени

В частном случае A=1. В общем случае необходимо рассматривать A=1+r, что соответствует наращению профицита или дефицита по процентной ставке (r), соответствующей, например, ставке ГКО, или уровню инфляции.

Функции C (x) и E (x) являются функциями многих переменных. В распределительной пенсионной системе к основным переменным можно отнести соотношение между плательщиками взносов и получателями пенсию, а также размер взноса и пенсии как фиксированный процент от заработной платы. В случае P (x)=0, что соответствует сбалансированному потоку взносов и выплат уравнение преобразуется к виду:

$$NE*Contr=NP*RR,$$

где NE – число плательщиков

NP – число пенсионеров

Contr – процент отчислений от заработной платы

RR – размер пенсии в процентах от заработной платы

Используя функционал P (x), можно построить поле возможных значений баланса пенсионной системы в зависимости от времени (x) в классе функций M (x)= C (x)-E (x). Рассмотрим для простоты класс функций M (x), ограниченный полином первой степени M (x)=E0+E1*x. Решение в данном случае решение имеет вид:

P (x)=const* Ax +D0+D1*x,

где D0=[E0* (1-A)-E1]/ (1-A)2

D1=E1/ (1-A)

Const=P (0)-D0, P (0) – начальное значение баланса.

Выводы

Получена оценка для постоянной нормы доходности, определяющая величину тарифа при срочном пенсионном страховании в зависимости от применяемой таблицы дожития. Оценка позволяет проанализировать чувствительность тарифов к изменению таблицы дожития. Построена упрощенная модель распределительной пенсионной системы, позволяющая оценить финансовую устойчивость групповой пенсионной схемы. Предложенный подход может существенно упростить анализ влияния индексации, изменения инвестиционной политики, пенсионных схем на финансовое положение пенсионного фонда и поможет построить прогноз финансового состояния в будущем.

А.А. Кудрявцев,
докт. экон. наук, профессор
кафедры статистики и эконометрики СПбГЭУ,
ответственный актуарий

РАЗВИТИЕ СТРАХОВОГО И АКТУАРНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В САНКТ-ПЕТЕРБУРГЕ

Аннотация. Тезисы посвящены обзору развития страхового и актуарного образования в Санкт-Петербурге (Россия), выявлению ключевых особенностей этого процесса иосновных факторов, влияющих на него.

Ключевые слова: страховой рынок России, актуарная деятельность, страховое образование, актуарное образование

Актуальность тезисов состоит в рассмотрении особенностей развития страхового и актуарного образования в Санкт-Петербурге как результат особенностей страхового рынка России и основных тенденций в образовательной сфере. Научная значимость заключается в выявлении основных закономерностей исторического развития профессионального образования на примере конкретной области подготовки.

Основные результаты сообщения состоят в следующем:

1. Профессиональное образование (в том числе и в области страхования) всегда является следствием, с одной стороны, потребностей развития соответствующего рынка и, с другой стороны, особенностей образовательной сферы.

2. Страховой рынок в России прошел несколько основных этапов, среди которых можно назвать период экстенсивного

развития (90-е годы), период консолидации (волна слияний и поглощений в 2000-е годы) и период интенсификации и профессионализации (2010-е годы). Каждый этап сопровождался различными требованиями к подготовке кадров как по содержанию, так и по структуре.

3. Этот процесс на локальном страховом рынке Санкт-Петербурга был еще более отчетливо виден, т. к. сопровождался вымыванием крупных региональных страховых компаний и превращением их в филиалы крупных федеральных компаний.

4. Основная тенденция состояла в усилении требований к сотрудникам страховых компаний, особенно к специалистам, обеспечивающим выполнения определенных управленческих функций (актуарии, андеррайтеры и т. п.). Вместе с тем, часть спроса на высококвалифицированных работников удовлетворялась за счет перераспределения сотрудников с опытом работы, который имел место в процессе слияний и поглощений, а также при «расчистке» рынка в результате отзыва лицензий.

5. Со своей стороны образовательная сфера развивалась в соответствии со своими закономерностями. «Индустриализация образования» (в том числе в форме реализации принципов Болонского процесса, стандартизации образовательных программ и т. п.) наряду с положительными эффектами продемонстрировала и отрицательные. В частности, она привела к некоторому снижению гибкости университетов на рынке образовательных услуг.

6. В результате снижение спроса страховщиков на молодых специалистов при повышении требований к ним, с одной стороны, и некоторая формализация работы университетов при ориентации на массовую подготовку, с другой стороны, привели к парадоксальной ситуации, когда программы подготовки кадров для страховой сферы стали сокращаться, а создание

программ для продвинутой подготовки актуариев и других специалистов стало испытывать большие трудности.

7. Страховой рынок ответил на это созданием системы корпоративной подготовки кадров. Но определенные диспропорции, в том числе и в актуарной области, сейчас довольно сильны.

Подводя итоги, можно сделать следующие выводы:

• страховое и актуарное образование являются следствиями развития страхового рынка и рынка образовательных услуг;

• несоответствие тенденцийна указанных рынках может приводить к достаточно противоречивым результатам, приводящим к дефициту предложения актуариев и других специалистов, обеспечивающих выполнение определенных управленческих функций.

Список используемой литературы:

1. Л. М. Лихтарников «Элементарное введение в функциональные уравнения», «Лань», Санкт-Петербург, 1997.

2. Г. И. Фалин «Математические основы теории страхования жизни и пенсионных схем», Москва 1996.

3. Е. М. Четыркин «Методы финансовых и коммерческих расчетов», «Дело Лтд», Москва 1995.

4. C. W. Jordan «Life contingencies» 1967.

Ф.А. Саидназаров,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
докторант

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ СТРАТЕГИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Аннотация. Мақола корхона учун молиявий стратегияни ишлаб чиқишнинг назарий жиҳатларини ўрганади. Молиявий стратегияларнинг моҳияти, мақсадлари ва турлари, шунингдек корхонанинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш тамойиллари ва босқичлари очиб берилади. Молиявий режалаштириш ва башорат қилишнинг умумий тизимида молиявий стратегиянинг ўрни кўрсатилган.

Таянч сўзлар: молиявий стратегия, молиявий ресурслар, умумий молиявий стратегия, операцион молиявий стратегия, молиявий стратегиялар турлари.

Молиявий стратегия ҳар қандай корхонанинг юқори самарали молиявий фаолиятини таъминлашда улкан рол ўйнайди, чунки бу унинг барча асосий фаолият йўналишларига таъсир қилади. У корхонанинг молиявий ресурсларидан фойдаланишнинг мумкин бўлган йўналишларини шакллантириш, жалб қилиш ва белгилашни ўз ичига олади [3]. Агар корхона ўз ресурсларидан самарали фойдаланса, бу инвесторлар эътиборини кучайишига олиб келади, бу эса корхона ҳаёти ва эгалари фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Молиявий стратегия (financial strategy) –корхона молиявий фаолиятининг узоқ муддатли мақсадлари тўплами ва уларга эришишнинг энг самарали усулларини танлаш [6].

Молиявий стратегия стратегик, тактик ва операцион режаларни ишлаб чиқиш зарурлигини англатади, чунки бозор муносабатлари тизими молиявий кўрсаткичлар билан тўлиқ боғлиқдир. Ҳар қандай корхонанинг молиявий стратегиясининг асосий мақсади корхонани етарли миқдордаги молиявий ресурслар билан таъминлашдир [1].

Корхонанинг молиявий стратегиясининг моҳияти молиявий ресурсларни шакллантириш, капитал тузилмасини оптималлаштириш ва умумий концепцияга мос келадиган активлардан самарали фойдаланиш соҳасида устувор мақсадларни ва уларга эришиш бўйича чора-тадбирлар тизимини белгилашдан иборат.

Таниқли иқтисодчилар (И. П. Хоминич, А. М. Ковалева, А. Н. Жилкина) вақт омили асосий классификатор вазифасини бажарадиган таснифни беришади. И. П. Хоминич бунинг сабаби қуйидагича эканлигини таъкидлайди: молиявий стратегиянинг узоқ муддатда осонроқ тушунтирилиши мумкин бўлган жиҳатлари мавжуд. Шунга кўра, ушбу тасниф фақат бир йил ёки бир неча йилга ҳисобланган умумий молиявий стратегияни ва ярим йиллик, чорак ёки ой учун ҳисобланган оператив стратегияни ажратиб туради [2].

Умумий молиявий стратегия деганда корхона фаолиятини белгилайдиган молиявий стратегия тушунилади [7]. Ушбу турдаги стратегия кўпинча корхонанинг даромадларини тақсимлашга ёки кейинги молиявий йил учун молиявий манбалар шаклланиши ва сонига йўналтирилган. Чорак ёки бир ой давомида операцион молиявий стратегия ишлаб чиқилади, бу унинг бугунги бозор башорат қилиш қийин бўлган муносабатларида долзарблигини оширади [4].

Стратегия ялпи даромад ва ялпи харажатларни қоплайди. Ялпи даромад ва пул тушумларининг биринчи тоифасига харидорларга сотилган маҳсулотлар доирасидаги ҳисоб-китоб операциялари, кредит операцияларидан олинган даромадлар ҳажми ва қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар киради. Иккинчи тоифага етказиб берувчиларга тўловлар, ходимларга иш ҳақи тўловлари ва бюджет ва кредит ташкилотларига қарзларни тўлаш киради.

Молиявий ресурсларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги режалаштирилган ҳаракатларга, риск ва фойда ўртасидаги нисбатга қараб, корхона стратегияси консерватив, фаол ва ўртача бўлиши мумкин [7].

Консерватив стратегия билан режалаштирилган тадбирларни асосан ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш режалаштирилган. Бундай ҳолда, қарздорлик даражаси, таваккалчилик ва қарз капиталини олиш харажатларининг пасайиши таъминланади [8]. Бу иқтисодий фаолиятни кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва фойдани оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш учун молиявий имкониятларни чеклайди. Консерватив молиявий стратегияни танлаш фақат юқори инфляция шароитида, шунингдек, қарз маблағларини жалб қилишнинг қийинлигида қабул қилинади.

Фаол молиявий стратегия қарз маблағларидан сезиларли даражада фойдаланишни ўз ичига олади, бу эса фойда ва шу билан бирга таваккалчилик даражасининг ошишига ёрдам беради. Ушбу стратегия катта миқдордаги пул оқимларини олишни ўз ичига олган юқори рентабелликдаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда қўлланилади. Барқарор иқтисодий вазият ва корхонанинг юқори рақобат бардошлиги шароитида фаол молиявий стратегиядан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир [4].

Ушбу стратегиянинг самарадорлиги кўп жиҳатдан менежерларнинг касбий маҳоратига, уларнинг арзон капитални жалб қилиш қобилиятига, молия бозоридаги ваколатли ҳаракатларига ва корхона мулки ва капиталининг қийматини оширишга ёрдам берадиган вазифаларнинг бажарилишига боғлиқдир.

Ўртача стратегия билан консерватив ва фаол стратегиялар элементлари бир вақтнинг ўзида ишлайди. Кўпгина ҳолларда, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ўз ресурсларидан фойдаланилади деб тахмин қилинади. Шу билан бирга, корхона қарз маблағларидан фойдаланишни режалаштирмоқда, уларнинг нархи ва жалб қилиш шартларига катта эътибор беради [5].

Молиявий сиёсатни ишлаб чиқиш асосий ёки муҳим бўлмаган ишларга сарф-харажатларни олдини олишга имкон беради. Бундай ишларнинг бажарилиши ва назорати, қоида тариқасида, молия директори ва корхонада унга бўйсунувчи вертикал томонидан назорат қилинади.

Иқтисодчи олим И. А. Бланк томонидан тузилган молиявий стратегияни ишлаб чиқиш тамойиллари ҳанузгача долзарбдир:

1. Корхонани ўзини ўзи ташкил этишга қодир бўлган очиқ тизим сифатида кўриб чиқиш.

2. Корхона операцион фаолиятининг асосий стратегияларини ҳисобга олиш.

3. Молиявий стратегик бошқарувнинг тадбиркорлик услубига устунлик.

4. Молиявий стратегияда мослашувчанликни таъминлаш.

5. Молиявий стратегик ривожланишнинг доминант йўналишларини тақсимлаш.

6. Стратегик молиявий алтернативаларни тақдим этиш танлов.

7. Молиявий фаолиятда технологик тараққиёт натижаларидан доимий фойдаланишни таъминлаш.

8. Ишлаб чиқилган молиявий стратегияни тегишли ташкилий тузилма ва ташкилий маданият билан таъминлаш.

9. Молиявий стратегияни амалга ошириш жараёнида молиявий менежерларнинг профессионал аппаратига йўналтириш.

10. Стратегик молиявий қарорларни қабул қилиш жараёнида молиявий таваккалчилик даражасини ҳисобга олиш [2].

Яқинда яна бир принцип энг долзарб бўлиб қолди-молиявий стратегияларнинг инвестиция қисми учун айниқса инновацион тамойил муҳимдир.

Стратегияни ишлаб чиқиш қуйидаги босқичларни амалга оширишни ўз ичига олади:

- узоқ муддатли истиқболларни баҳолашни аниқлаш;
- форесаст ривожланиш прогнозини амалга ошириш;
- мақсадни аниқлаш; – кучли ва заиф томонларни таҳлил қилиш;
- мавжуд стратегик алтернативаларни умумлаштириш;
- оптималлаштириш учун зарур бўлган мезонларни ишлаб чиқиш;
- энг мақбул стратегияни танлашни амалга ошириш;
- таклиф этилаётган тадбирларни режалаштириш; [5].

Молиявий стратегияни ишлаб чиқиш усулларини қуйидагилар ҳисобиланади:

1. Функционал ва харажатларни таҳлил қилиш. Ушбу усул ёрдамида маълум бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган амалга оширилган жараёнларни рентабеллик ва фойда нисбати бўйича оптималлаштириш мумкин, шунингдек, усул биздан олинадиган фойда миқдорини тахмин қилишга имкон беради. Маҳсулот ёки хизматни ишлаб чиқариш.

2. SWOT-таҳлил. Ушбу усул ёрдамида маркетинг маълумотларини таҳлил қилиш асосида корхоннинг самарали ёки самарасиз иши сабабларини аниқлаш, корхонани ривожлан-

тириш учун янада қулай векторни аниқлаш ва мавжуд ресурсларни сегментлар бўйича тўғри тақсимлаш мумкин, классик SWOT корхона ишидаги кучли ва кучсиз томонларни, юзага келиши мумкин бўлган ташқи таҳдидларни ва мавжуд ички имкониятларни баҳолашни ўз ичига олади. Таҳлил натижаси стратегияни ишлаб чиқишдир.

3. Бостонконсалтинг гуруҳи усули. Ушбу усулнинг моҳияти матрицани таҳлил қилишдан иборат бўлиб, унда сотишнинг ўсиши (пасайиши) ставкалари горизонтал равишда кўрсатилади ва корхонанинг бозордаги нисбий улуши вертикал равишда кўрсатилади. Ўсиб бораётган бозорнинг катта улушига эга бўлган корхоналар энг жозибали ҳисобланади. Матрица усуллари корхона ҳолатини энг муносиб ва аниқ баҳолашга имкон беради, аммо ишончли маркетинг маълумотларига эҳтиёж туфайли ушбу усуллар фойдаланишнинг юқори нархи билан ажралиб туради.

4. Бўшлиқларни таҳлил қилиш. Ушбу усул сизга мақсадларнинг мақсадга мувофиқлигини ҳақиқатан ҳам баҳолашга имкон беради. Шунингдек, услуб турли вазифаларни таҳлил қилиш нуқтаи назаридан мақбул кўп қирралилик билан тавсифланади [8].

Молиявий стратегияни ишлаб чиқишнинг турли усулларидан фойдаланиш корхонанинг молиявий имкониятларига, шунингдек, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга боғлиқ. Бу шуни кўрсатадики, ҳар бир корхона учунягона услуб мавжуд эмас. Корхона ўз маълумотлари ва рақобатчилар томонидан баҳоланиши керак бўлган маълумотларга асосланган ҳолда стратегияни ишлаб чиқиш усулини танлаши керак.

Молиявий стратегияни ишлаб чиқишда корхона бир қатор мажбурий қўшимча ҳаракатларни амалга ошириши керак, уларга қуйидагилар киради:

• барча даражадаги бюджетларга ва кредит ташкилотларига мажбурий тўловларни тўлашдан олдин ва кейин уларнинг барча даромадлари бўйича аниқ ёзувларни юритиш;

• корхонанинг ўз ресурсларини сафарбар қилиш;

• маҳсулот таннархининг минимал қийматига эришишга интилиш;

• келажак ўтмишдан ошиб кетиши учун фойдани тўғри тақсимлаш;

• корхона капитали ва унинг айланма маблағларини ваколатли тақсимлаш ва улардан фойдаланиш [7].

Ҳар доим молиявий стратегия масаласи долзарб деб ҳисобланган. Бу мантиқан тўғри келади, чунки бу масала доимо ташқи иқтисодий муҳит омилларининг доимий ўзгариши билан шартланиб келган. Ушбу ўзгаришлар таркибига қайта қуриш ва янги инновацион тижорат таклифларининг пайдо бўлиши, шаклланишнинг янги босқичига ўтиш ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган асосий фаолиятнинг мақсадлари ва вазифаларининг ўзгариши киради.

Бундай шароитда ҳар қандай корхонанинг молиявий фаолиятининг моҳиятини олдиндан аниқ айтиш керак, бу аниқ ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқилган молиявий стратегия билан тўлиқ таъминланиши мумкин.

Шундай қилиб, биз хулоса қилишимиз мумкинки, корхонанинг молиявий стратегияси узоқ муддатли истиқболда корхонанинг молиявий фаолияти ва молиявий муносабатларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналиши ҳисобланади. Корхонанинг молиявий стратегияси молиявий аҳволни таҳлил қилиш, иқтисодий фаолият натижаларини таҳлил қилиш, маҳсулотлар бозорлари динамикасини таҳлил қилиш, юзага келиши мумкин бўлган хатарларни баҳолаш, кучли ва заиф томонларни таҳлил қилиш, таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган корхонанинг рақобатдош позицияси.

Молиявий стратегия корхонага қуйидагиларни амалга оширишга имкон беради:

1) молиявий ресурсларни аниқлаш ва бошқарувни ўрнатиш;

2) компаниянинг захираларидан фойдаланишни оптималлаштириш билан бирга, асосий иш йўналишларини аниқланг ва уларни бажаришга эътибор бериш;

3) маълум вақт давомида корхонанинг иқтисодий ҳолати ва мавжудмолиявий ҳолатини самарали таҳлил қилиш;

4) корхона захираларини яратиш ва тайёрлаш;

5) компания ва унинг шерикларининг иқтисодий ва молиявий имкониятларини аниқлаш;

6) асосий мавжуд рақобатчиларни аниқлаш, рақобат тадбирларини режалаштириш [1].

Шундай қилиб, биз хулоса қилишимиз мумкинки, корхоналарнинг ишлаш самарадорлиги, фаолиятининг рентабеллиги, рақобатбардошлиги корхонанинг умумий корпоратив стратегиясининг таркибий қисми бўлган молиявий стратегияни ваколатли танлаш, ишлаб чиқиш ва амалга оширишга боғликдир. Молиявий стратегия корхонанинг бозордаги хатти-ҳаракатларини белгилайди, молиялаштириш манбалари ва корхонанинг молиявий ресурсларидан фойдаланиш йўналишлари бўйича иш олиб борадиган бозор ҳолатини шакллантиради.

Корхонанинг молиявий стратегиясининг муваффақияти молиявий стратегия назарияси ва амалиётини ўзаро мувофиқлаштириш, молиявий стратегияни молиявий стратегик бошқарувни қатъий марказлаштириш ва унинг мослашувчанлиги орқали корхонанинг молиявий имкониятларига мувофиқлиги билан амалга оширилади. [8].

Молиявий стратегиянинг ролини деярли баҳолаб бўлмайди. Унинг мавжудлиги корхонани иқтисодий ривожлантириш-

нинг узоқ муддатли умумий ва молиявий мақсадларини амалга оширишга имкон беради. Бу ички молиявий имкониятлардан максимал даражада фойдаланишни кафолатлайди. Шундай қилиб, молиявий стратегияни ишлаб чиқиш узоқ муддатли истиқболда ташкилот ривожланишининг муҳим шартидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бруяка В. Н. Сущность финансовой стратегии, основные инструменты и методы ее разработки В. Н. Бруяка Вестник науки и образования. 2018. Том 1. С. 50-52.

2. Величко Е. Л. Финансовая стратегия предприятия Е. Л. Величко, А. А. Куприн Ученые записки Тамбовского отделения РоСМУ. 2018. С. 34-42.

3. Вивчарь Е. А. Аналитические вопросы формирования финансовой стратегии организации Е. А. Вивчарь, М. С. Кочка, Ю. И. Хвойко Экономика и бизнес: теория и практика. 2020. № 3-1 (61). С. 41-48.

4. Дубина Е. Ю. Сравнительный анализ моделей, используемых при разработке финансовой стратегии Е. Ю. Дубина Academy. 2019. С. 27-29.

5. Ковалева Н. А. Финансовые стратегии корпораций Н. А. Ковалева, В. В. ШашковаВектор экономики. 2019. №8. С. 21-30.

6. Подкуйко К. Ю. Теоретические основы финансовой стратегии К. Ю. Подкуйко Economics. 2017. С. 43-46.

7. Рысева С. О. Виды, цели и процесс разработки финансовой стратегии организации С. О. Рысева Международный журнал прикладных наук и технологий «Integral». 2018. № 4. С. 414-419.

8. Чеснякова К. С. Разработка финансовой стратегии предприятия К. С. Чеснякова. 2017. № 3 (34). С. 2094-2098.

Б.Х. Маматкулов,
Тошкент молия институти
«Статистика ва эконометрика» кафедраси доценти,
иқтисод фанлари номзоди

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА СУҒУРТА БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Аннотация. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида кенг тарқалган хўжалик юритиш шакли фермер хўжалиги ҳисобланади. Мулкчиликнинг бу шакли бозор муносабатлари шароитида Республикамиз иқтисодиёти ва аҳолисининг турли товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда асосий ролни ўйнайди. Республикадаги бу борада олиб борилаётган ислоҳотлар фермерларнинг, яъни бевосита маҳсулот етиштирувчиларининг моддий манфаатдорлигини ошириш орқали фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш *фаолиятидаги суғурта* кўрсаткичларини ва тариф ставкаларини ҳисоблаш ҳамда статистик таҳлил қилишнинг янги механизмларини ишлаб чиқишни талаб этади. Шу сабабли, фермер хўжаликларини иқтисодий қўллаб-қувватлашда суғурта бозори статистикаси муҳим ўрин эгаллайди.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, статистика, фермер хўжаликлари, суғурта, суғурта компанияси, суғурта бадаллари

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида бюджетни шакллантиришда қишлоқ хўжалигида хўжалик субъектларининг

асосий шакли–фермер хўжаликларининг ўрни муҳим ва етакчи ҳисобланади. Бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим мақсадларидан бири қишлоқда кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, бу жараён мамлакат иқтисодий тараққиётини тезлаштиради ва аҳоли фаравонлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти М. Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек:-

«Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди.

Мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачиликда ҳам 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Бунингнатижасида, пандемиянингсалбийтаъсиригақарамасдан, 1 миллиард долларликмева-сабзавот экспорт қилинди» [1, 5 бет].

Фермерхўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишда давлатнинг роли муҳим аҳамиятга эгадир [3, 36 бет].

Фермерликфаолияти субъектлари ўртасида ахборот ва тушунтириш ишларини, консалтинг, суғурта ва бошқа хил хизматлар тизими ривожлантирилишини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [8, 14].

Масалан, кўпгина давлатларда фермерларни суғурталашни ҳам ҳукумат қўллаб-қувватлайди. Яъни, фермер ҳосилини табиий офат ёки бошқа сабаблар туфайли ҳосилни йўқотилиши

суғурталаётганда, улар томонидан тўланадаган суғурта мукофотининг асосий қисмини ҳукумат тўлаб беради. Масалан, АҚШда ҳосилни суғурта қилиш давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва шу билан биргаликда ўз ҳосилини суғурта қилдирмаган фермер хўжаликларига давлат субсидия бермайди. Давлатдан субсидия олишни хоҳлаган фермер ўз ҳосилини суғурта қилдиради.

Суғурта молиявий фаолиятнинг бир тури бўлиб, унинг мақсади корхоналар, ташкилотлар ва хусусий шахсларга суғурта риски содир бўлган тақдирда зарарларини ўрнини улар томонидан тўланган пул маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган суғурта фондидан қоплаш ҳисобланади [6, 201 бет].

Мамлакатимизда фермер хўжаликларининг даромадлилигини ошириш мақсадида юқоридаги тажрибадан фойдаланиш, яъни ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоларини ҳар йили бозордаги шароитга қараб фермер зарар кўрмайдиган миқдорда белгилаш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари ҳукумат фермерларни сугурта қилиш билан шуғулланувчи ягона ташкилот «Узагросуғурта» сугурта компаниясини бевосита қўллаб-қувватлаётган бўлсада, фермерларни бу соҳада қўллаб-қувватлаётгани йўқ. Аксарият фермерларда сугурта мукофоти тўлаш учун маблағ етишмаган ҳозирги шароитда ҳукумат улар томонидан тўланадиган суғурта мукофотининг бир қисмини қоплаб бериши лозим. Бу фермер хўжаликлари фаолиятида таваккалчиликни камайтириш, фермерларни барқарор даромад олишини таъминлаш имконини беради.

Фермер хўжалиги ўзига қарашли ва ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларининг, қишлоқ хўжалиги экинзорларининг (кўчатзорларининг), кўп йиллик дов-дарахтларнинг, етиштирилган маҳсулотнинг, хом ашёнинг, материалларнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши

хавфини, тадбиркорлик хавфини, шунингдек шартномаларни бузганлик учун ўзининг жавобгарлик хавфини ихтиёрийлик асосида суғурта қилдиради ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда суғурта товони олади [4, 5 бет].

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июндаги «Пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тартиби тўғрисида» ги НИЗОМпахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларини етиштирувчи барча тадбиркорлик субъектларига, жумладан, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқарувчилар ва кластерларга нисбатан тадбиқ этилди. Унга кўра, сугурта шартномаси амал қилган даврда суғурта ҳодисасини келтириб чиқарувчи ҳодисалар оқибатида экинлар зарарланиши ёки нобуд бўлиши натижасида ҳосилни олиш имконияти камайса ёки йўқолса, суғурта қилдирувчи суғурталовчига 10 иш куни ичида бўлиб ўтган ҳодиса тўғрисида хабарнома беради. Шунингдек, мониторинг ўтказган суғурталовчининг масъул мутахассислари ҳам ушбу ҳодисалар тўғрисида суғурта қилдирувчига маълумот беришлари лозим [5, 2 бет].

Аграр тармоқдаги хатарларни бошқариш борасидаги суғурта дастурларини амалга оширишда АҚШ етакчи ҳисобланади. Мазкур мамлакатда 2017 йилда 551 та суғурта дастурлари жорий этилган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фермер хўжаликлари деярли барча турдаги хавф-хатарлардан тўлиқ суғурта қилиш имконини берувчи 123 та турдаги объектлар (қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва ҳайвонлари) учун суғурта дастурлари жорий этилган [7, 4 бет].

Фермер хўжаликлари учун жорий этилган асосий агросуғурта дастурлари қуйидаги йўналишларда шакллантирилган:

• ·фермер хўжаликлари фаолиятидаги суғурта компанияларини статистик ҳисобот шакллари билан таъминлашорқали

турли хил хатарларни қамраб оладиган суғурта хизматларининг турларини кенгайтириш ва такомиллаштириш;

• фермер хўжалигини суғурталаш иши ҳақида маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашни ташкил этиш натижасида турли мулк шаклидаги суғурта компанияларини агросуғурта бозорига жалб этиш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш;

• суғурта компаниялари томонидан тўпланган маълумотларни тартибга солиш (гуруҳлаш, сводкалаш, жадваллар, графиклар) орқали фермер хўжалиги ишлаб чиқаришидаги хатарларни суғурталаш бўйича сугурта хизматлари таклифини давлат томонидан рағбатлантириб бориш;

• фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятидаги хатарларни ихтиёрий (шахсий мол-мулкни, жавогарликни) ва мажбурий суғурта кўрсаткичларини ва тариф ставкаларини ҳисоблаш ҳамда статистик таҳлил қилишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш;

• фермер хўжаликлари фаолиятида суғурта ҳодисаси содир бўлмаган тақдирда суғурта даъвосини кўриб чиқиш амалиётини соддалаштириш ва шаффофлигини таъминлаш, ҳамда сугурта мукофотларини бир қисмини суғурталанувчига қайтариш амалиётини жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ·Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //»Халқ сўзи» газетаси, 30 декабрь 2020 йил № 275–276 (7746–7747).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги ПФ-5853-сон Фармони. 2019 йил 23 октябрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947 – сонли фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. 2004 йил, 26 август (ўзгартириш ва қўшимчалар билан)

5. Ўзбекистон Ресубликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июндаги «Пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тартиби тўғрисида» ги НИЗОМ. www. lex. uz.

6. Шодиев Х.А. Молия статистикаси – (Дарслик) Т. Иқтисод-молия нашриёти. 2015. 326 бет.

7. Задорожная М.В., Решетникова Н.В. Зарубежный опыт управления рисками в агропродовольственном комплексе: роль государства. Региональные агросистемы: экономика и социология. Ежегодник [Электронный ресурс]. – Саратов, ИАгПРАН, 2017. № 1.

B.X. Mamatkulov Statistical analysis of factors affecting the volume of groom production of farms // South Asian Journal of Marketing & Management Research (SAJMMR)// ISSN: 2249-877X. Vol. 11, Issue 1, January 2021, Impact Factor: SJIF 2021= 7. 642 https://saarj. com. 31-39 p.

К.Т. Каленов,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ
давлат университети,
мустақил тадқиқотчиси, катта уқитувчи

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МОЛИЯВИЙ СУҒУРТА РИСКЛАРИ:ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИЛМИЙ ТАСНИФЛАШ АСОСЛАРИ

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти билан боғлиқ рисклар ва уларни илмий жиҳатдан таснифлаш, рискларни самарали бошқариш мақсадида турли хусусиятларидан келиб чиқиб баҳолаш орқали тўғри тариф сиёсатини қўллаш билан иккала томон учун ҳам самарали суғурта хизматларини кўрсатишга эришиш эришиш масалалари ёритилган ва хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги рисклари, экинлар суғуртаси, хавфни самарали бошқариш, хавф турлари, саноат хавфи, нархларнинг мавсумий тебраниши, табиий тўсиқ.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши юқори даражадаги хавф мавжудлиги билан тавсифланади. Аввало, бу очиқ майдонда деҳқончилик қилиниши унинг об-ҳаво ўзгаришларига юқори даражада боғлиқлигини келтириб чиқаради. Об-ҳаво ўзгаришларини олдиндан аниқлаш имкониятининг чегараланганлигиушбу боғлиқликни янада оширади. Бозор нархларининг ўзгариши билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ет-

казиб беришдаги ноаниқлик яна бир муҳим муаммо бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг юқори нарх хавфи мавжудлигини кўрсатади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базадаги кутилмаган ўзгаришлар юз бериш эҳтимоллиги қишлоқ хўжалигидаги яна бир хавф ҳисобланади.

Суғурта қишлоқ хўжалиги тадбиркорларининг даромадларини барқарорлаштиришнинг асосий воситаларидан бири бўлиб, улардан фойдаланишда ЖСТ (Жаҳон савдо ташкилоти) қоидаларини бузмасликка эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади. ФАО маълумотларига кўра, бугунги кунда экинларни суғурталаш дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатларида амалга оширилади. Бундан ташқари, 50 дан ортиқ мамлакатларда қишлоқ хўжалигини суғурталаш дастурларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мавжуд. Шу билан бирга, суғурта қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги рискларни бошқариш воситаларининг бутун тизимида фақат биттадир ва шунга мувофиқ, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг даромадларини барқарорлаштиришнинг бошқа мумкин бўлган усуллари билан таққослаб кўрибчиқилиши керак. Натижада, муайян бизнес шароитида энг мақбул бўлган хавфни камайтириш воситаларини ваколатли танлаш тўғрисида савол туғилади.

Хатарлар ва уларнинг қишлоқ хўжалигидаги таснифи кўпинча, рисклар натижаларининг ноаниқлиги ва бунинг натижасида бошқарув қарорини қабул қилишнинг номақбул оқибатларга олиб келиши эҳтимоли сифатида талқин этилади. Бироқ, хавфдан ҳар доим ҳам қўрқиш керак эмас. Бизнесда фойда кўпинча хавф учун мукофот сифатида талқин этилади ва бубежиз эмас. Шунинг учун муаммо хавфнинг мавжудлигида эмас, балки хавфни қандай қилиб самарали бошқаришда, инсоннинг салбий оқибатларга қарши туриш қобилиятида. Шу билан

бирга, хатарларни бошқариш деганда, унинг бошқариладиган объект ҳолати ва ривожланишига хавфнинг салбий таъсирини камайтириш мақсадида хатарларни аниқлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва унга қарши курашишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тушунилади. Ушбу чора-тадбирлар тизимида хавф эҳтимоли ва ҳажмини тўғри баҳолаш алоҳида аҳамиятга эга.

Илмий аҳамияти

Хавфларни келиб чиқиш манбалари бўйича таснифлаш уларни бошқариш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги хатарларни қандай камайтириш мумкинлиги масаласини ҳал қилиш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига тегишли бўлган хатарларнинг моҳиятини тушуниб олиш керак. Хатарларни бошқариш тўғрисидаги адабиётларда қишлоқ хўжалигида 5 та асосий хавф манбалари борлиги келтирилган: ишлаб чиқариш хавфи; нарх ёки бозор хавфи; институционал хавф; инсон омилига боғлиқ хавф; молиявий хавф.

Саноат хавфи ноқулай об-ҳаво шароити, эпидемия ва касалликлар ҳамда бошқа кутилмаган ҳодисалар билан боглиқ бўлган ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ҳолати тўғрисидаги ноаниқликдан келиб чиқади. Керакли ресурсларни сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш вақти уларни ишлатишдан иқтисодий қайтиш пайтига тўғри келмаганлиги сабабли, ишлаб чиқариш ресурслари нархларининг ноаниқлиги муаммоси пайдо бўлади. Компания маҳсулотларининг бозор нархларини уларни ишлаб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш пайтида ишончли тарзда баҳолаш деярли мумкин эмас. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг ноаниқлиги муаммосини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги соҳаси-

даги тадбиркорлар нарх ёки бозор хавфи мавжуд бўлган шароитда фаолият юритадилар. Шуни таъкидлаш керак, йилнинг ойлари бўйича нархларнинг нисбий ўзгариши турли йилларда бир-бирига ўхшаш бўлиши мумкин. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мавсумийлиги билан боғлиқ. Масалан, ғалла нархларининг юқори тебранишлари ўрим-йиғим даврига хос бўлиб, ўрим-йиғимдан кейинги даврда, доннинг нархи ялпи йиғим-терим тўғрисида биринчи маълумот пайдо бўлганда пасаяди.

Мавсумий истеъмолчиларнинг истаклари йил давомида нарх ўзгаришининг яна бир омили бўлиши мумкин. Нархларнинг мавсумий тебранишлари жиддий хавф манбасини англатмайди ва маҳсулотларни сотиш режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши мумкин. Йиллар давомида нарх ўзгариши, аввалambор, алоҳида йилларда ишлаб чиқариш ҳажми, яъни унинг таклифи, шунингдек ички ва ташқи бозордаги талаб билан боглиқ. Ноқулай об-ҳаво шароити юзага келган ва шунга мос равишда паст ҳосилдор бўлган йилларда ўсимлик маҳсулотларининг нархи сезиларли даражада ошиши мумкин. Аксинча, яхши йилларда маҳсулотлар таклифи кўпаяди, бу одатда нархларнинг пасайишига олиб келади.

Ушбу ҳодиса табиий тўсиқ деб аталади. Табиий хеджерлаш ҳосил ва ишлаб чиқариш нархи ўртасида салбий корреляция бўлганда юз беради. Бу корхоналар даромадларини барқарорлаштирувчи таъсирга эга, чунки фермер хўжаликлари ҳосилдорликнинг пасайиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни юқори нархлар орқали камайтириши мумкин. Ишлаб чиқариш ва нарх таваккалчилигини тавсифлашда қуйидагиларни таъкидлаш керак: энг қадимий (ибтидоий) ишлаб чиқариш технологиялари қўлланиладиган қишлоқ хўжалиги тизимлари учун ишлаб чиқариш хавфи муҳимроқ. Ва

бу ажабланарли эмас: технологияларга риоя қилмаслик, суғориш ва дренаж тизимларининг етишмаслиги, эрозияга қарши чораларни эътиборсиз қолдириш, санитария ва ветеринария тадбирларидан воз кечиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини табиий иқлим ва бошқа экологик омилларга, беқарор ҳосилга боғлиқлигига олиб келади. Илмий ишланмаларга эга бўлган технологик интенсив тизимларда нарх хавфи, айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўзгарувчанлиги муҳимроқдир.

Бу биринчи навбатда озиқ-овқат бозоридаги талаб ва таклифнинг эгилувчан эмаслиги билан боглиқ. Талаб ва таклифнингбир-бириганисбатанҳарқандай,ҳаттокисезиларсиз даражадаги аралашиб кетиши нархнинг кескин ўзгаришига олиб келади. Яна бошқа муҳим ҳисобланган риск манбаи давлат томонидан қишлоқ хўжалигини тартибга солиш борасидаги тез-тез содир бўлиб турадиган ўзгаришлар, ушбу соҳанинг ҳуқуқий таъминотидаги ноаниқликлар ва нобарқарорликлар ҳисобланади. Масалан, ўтиш даври иқтисодиётига асосланган давлатларда бу ҳолат ер ресурсларини тартибга солишга йўналтирилган ҳуқуқий базага тааллуқли. Ушбу ҳолат қишлоқ хўжалиги бизнеси учун капитал йўналтиришни хохловчи инвесторлар учун юқори риск мавжудлигини билдиради. Яна бир бошқа мисол сифатида ўсимликларнинг ҳимоя воситаси ҳисобланган маълум турдаги усулни қўллашни чеклашнинг киритилишини келтириш мумкин. Тартиб-қоидаларга давлат томонидан киритиладиган бу каби ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирувчи корхоналар даромадига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади. Бундай рисклар институционал рисклар деб аталади. Рискнинг яна бир манбаи – айниқса деҳқон хўжаликларида учрайдиган риск – бу инсон фактори билан боғлиқ рисклар ҳисобланади.

Оилавий кризислар дея эътироф этиладиган, яъни ферма ёки фермер хўжалиги эгасининг вафот этиши мазкур корхо-

нанинг молиявий ҳолатига жиддий зарар етказиши мумкин. Қишлоқ хўжалик техникалари ва чорва молларига нисбатан бепарволик натижасида юзага келадиган зарарларни ҳам инсон фактори билан боғлиқ рисклар категориясига киритилади. Ишлаб чиқариш, баҳо, институционал ва инсон фактори билан боглиқ рискларнинг ялпи таъсирини битта термин билан бизнес-риск деб аташ мумкин.

Юқорида келтирилган риск турларини бир гуруҳга киритиш имконияти қуйидагилар билан белгиланади: мазкур рисклар қандай молиялаштирилишидан қатъий назар, ушбу рисклар билан барча корхоналар дуч келади. Бизнес риск бу хўжалик юритишнинг иқтисодий самарадорлигига таъсир кўрсатувчи барча ноаниқликларнинг жами таъсирини ўзида акс эттиради. Ушбу риск маҳсулот таннархи, сотиш ҳажми, фойда, пул оқимлари ва бошқа шу каби корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларига таъсир кўрсатади. Кредитор қарздорлиги мавжуд бўлмаган корхонани, айниқса агар бу мавсумий хусусиятга эга бўлган қишлоқ хўжалиги корхонаси бўлса топиш қийин. Корхонада жалб қилинган капиталнинг улуши қанчалик юқори бўлса ва бир вақтнинг ўзида бундай корхонада бизнес-риск даражаси юқори бўлса унинг банкротликка учраш эҳтимоли юқори бўлади. Ва аксинча, агар бундай корхонада хусусий капиталнинг ҳиссаси юқори бўлса банкротлик юз бериш эҳтимоллиги паст бўлади. Буни икки омил билан изоҳлаш мумкин, яъни жалб қилинган капиталдан фойдаланиш муддати чегараланган ва шу билан бирга ушбу маблағ фоиз қўшимчаси билан қайтариш шарти билан жалб қилинади ва ушбу фоиз ставкаси кўп ҳолларда юқори бўлиши мумкин. Шу туфайли, корхонанинг ишлаб чиқариш иқтисодий фаолиятини молиялаштириш усулининг ўзи ҳам хўжалик рискининг манбаси ҳисобланади. [3,35-37].

Эришилган натижалари

Корхонани молиялаштириш усули билан боғлиқ рискларни молиявий рисклар гуруҳига киритиш тўғри бўлади. Ҳудудий қамраб олиш масштабига кўра рискларни классификациялаш ушбу рисклар юз бериш эҳтимоллигини камайтиришда муҳим ўрин тутади. Мазкур масалада рискларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

– бир табиий-иқтисодий ҳудудда жойлашган барча хўжаликлар ёки уларнинг катта қисмига зарар етказувчи рисклар гуруҳи. Бундай рискларга биринчи ўринда ҳудудий масштабдаги табиий рисклар (масалан, бирданига бир нечта ҳудудларни қамраб олувчи қурғоқчилик), баҳо риски, ҳамда кўпчиликка маълум бўлган институционал хусусиятга эга рисклар. Бундай рискларни тизимли ёки диверсификацияланмайдиган рисклар деб аташ тўғри бўлади;

бошқа қишлоқ хўжалик тузилмалари рискларига боғлиқ бўлмаган, хўжалик юритишнинг индивидуал шарт-шароитларига эга бўлган алоҳида корхоналарга хос бўлган рисклар. Бундай риск гуруҳига маҳаллий ноқулай об-ҳаво шароитларини киритиш мумкин, масалан совуқ уриши ёки дўл уриши, ўсимликлар ва молларнинг турли касалликларга чалиниши, ҳамда молиявий ва инсон фактори билан боғлиқ рисклар. Бундай рискларни идиосинкратик рисклар деб аталади. [2,38-47].

Рискни баҳолаш. Рискни баҳолаш деганда етиши мумкин бўлган зарарнинг юз бериш эҳтимоллиги ва ҳажмини аниқлаш тушунилади, яъни кутилган ҳажмдан ҳақиқатдаги натижанинг камайиш томонга ўзариши тушунилади. Қишлоқ хўжалигида кўпгина иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг аксарияти ўз даражаларининг статистик тақсимотига эга. Шу сабабли хавфни баҳолаш кўпинча стандарт оғиш каби статистик характерга асосланиб амалга оширилади. Бундан ташқа-

ри, ишлаб чиқаришнинг барқарорлик даражасини баҳолавш учун кўпинча ўзгарувчанлик коеффициенти каби статистик кўрсаткичлар қўлланилади. Стандарт оғишдан фарқли ўлароқ, у нафақат бизни қизиқтирган ҳолатнинг ўзгариши ҳақида маълумот беради, балки уни кутилган қийматига қараб ўлчайди. Бироқ, маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилишда нафақат унинг ҳажмининг ўзгаришини, балки унинг тўлиқ тақсимланишини ҳам ҳисобга олиш керак. Экинларнинг зарарланиш даражаси юқори бўлмаган турларини ва ишлаб чиқариш усулларини танлашда нафақат ҳосилдорликнинг ўзгариши ва ўзгарувчанлик коеффициентини, балки ҳосилдорликнинг тақсимланишини ҳам ҳисобга олиш керак. Бундан ташқари, таваккалчиликни баҳолашда қарор қабул қилувчининг (масалан, хўжалик раҳбарининг) таваккалчиликка муносабати каби омилларни ҳисобга олиш зарур. Турли хил одамлар натижага нисбатан ноаниқлик тўғрисидатурли хил тасаввурга эга («хавфли» ва «камроқ хавфли» деган тасаввурлар). Шунинг учун, турли хил одамлар бир хил хавфни турлича баҳолашлари мумкин. [3,35-38].

Шуни таъкидлаш керакки, таваккалчиликни баҳолашда кўриб чиқилаётган ишлаб чиқариш тебранишлари ва тасодифий факторлар сабаб бўлган иқтисодий кўрсаткични ўзаро фарқлаш керак, яъни бошқариб бўлмайдиган омиллар ва тасодифий бўлмаган, яъни масалан, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш даражасининг ўзгариши каби бошқариладиган омиллар. Гап шундаки, кўрсаткичларнинг ўзгарувчанлигининафақат табиий ва бозор омилларининг тасодифий еўқнашуви, балки ишлаб чиқаришдаги технологик ўзгаришлар билан ҳавм изоҳлаш мумкин. Хатарларнинг даражасини ўлчаш фақат тасодифий омилларнинг индикатор даражасига таъсирини баҳолашни ўз ичига олади. Шу сабабли, ўтган бир неча йиллар

давомида ҳосилдорлик (рентабеллик) билан боғлиқ хавфни баҳолаш пасайтирилган рентабеллик каби кўрсаткич асосида амалга оширилиши керак.

Нархларнинг ўзгариши билан боғлиқ хавфни кейинги давр нархининг олдинги давр нархига нисбати сифатида ҳисобланган нисбий ўзгариш кўрсаткичи асосида баҳолаш қулай. Шу билан бирга, таҳлил қилинаётган даврда инфляцияни нисбатан бир текисда ўсиши шарти билан тузатиш киритишга ҳожат йўқолади. Бундан ташқари, бу турли хил маҳсулотлар нархларининг ўзгаришини таққослаш имконини беради, чунки бу кўрсаткич нисбий (нархларни бир-бирига бўлиб таққосланганда, уларнинг пулдаги ифодаси йўқолади).

Қишлоқ хўжалигида рискларни бошқариш инструментлари. Қишлоқ хўжалигини юритишнинг тарихий жараёнида фан ва амалиёт рискни бошқаришнинг кўп сондаги турли-туман усулларини кашф қилди. Бу усулларни 2 та асосий гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) иқтисодиётнинг турли субъектлари ўртасидаги рисклар трансфери ва ўзаро тақсимлаш стратегияси; 2) корхона рискларини камайтириш бўйича стратегиялар.

Рисклар трансфери ва ўзаро тақсимлаш стратегияларига қуйидагилар киради:

– вертикал интеграция;

– контакт қилиш асосидаги ишлаб чиқариш;

– фьючерс ва опцион бозорларида хеджерлаш;

– кредитлаш;

– суғурталаш.

Хўжалик ички стратегиялари гуруҳи қуйидаги инструментларни ўз ичига олади:

– қисқартирилган ишлаб чиқариш жараёнлари ва рискка кам берилувчан маҳсулот ва технологияларни танлаш;

– ишлаб чиқариш тармоқлари ва усулларини диверсификациялаш;

– қўшимча даромад манбаларини қидириб топиш;

– етарли ликвидликни қўллаб-қувватлаш: молиявий захиралар ташкил қилиш;

– босқичма-босқич инвестициялаш; -сотишни вақт меъёрида оптималлаштириш. Корхона рискларини бошқариш инструментларининг ўзаро фарқи шундаки, улар хўжаликлар томонидан мустақил қўлланиши мумкин, шу билан бирга рисклар трансфери ва тақсимоти инструменти сифатида экинларни суғурталаш усулини танлаш ҳар жиҳатдан қулай ҳисобланади. [2,38-47].

Сўнгги ўн йилликда вертикал интеграция мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида кенг оммалашди. Агросаноат мажмуаси корхоналарини ўзида бирлаштирган қишлоқ хўжалик кластерларининг шаклланиши қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноати корхоналарида нарх-наво хатарлари билан боғлиқ айрим муаммоларни бартараф этишга имкон беради, шунингдек таркибига кирадиган корхоналарнинг молиявий хатарларини камайтиради. Ижобий таъсирга, шунингдек, диверсификация қилиш орқали эришилади, бу даромаднинг жиддий тебранишини камайтириш учун турли хил ишлаб чиқариш майдонларини бирлаштиришни назарда тутади ва хатарни юзага келтирадиган вазият деярли диаметрли равишда ривожланиб борадиган бундай соҳаларга сармоя киритиш орқали хатарларни камайтиришга имкон беради. Диверсификациянинг умуман ижобий таъсирига қарамай, уни самарали қўллаш имкониятлари кўпинча ресурсларнинг чекланганлиги, маҳсулот сотиш билан боглиқ муаммолар, ноқулай об-ҳаво шароити ва бошқа шу каби омиллар билан чегараланади. География диверсификация ҳам хавфни камайтиришга ёрдам беради. Маҳсулотларнинг бир турини ёки чекланган турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхо-

на уларни ишлаб чиқаришни иқлим ва бозор шароитига кўра бир-биридан фарқ қилувчи турли минтақаларда жойлаштириши мумкин. Нисбатан йирик ва шу билан бирга тарқоқ ер участкаларига эга бўлган йирик инвесторлар географик диверсификация бўйича афзалликларга эга бўлиши мумкин, яъни бундашартномавий ишлаб чиқаришга асосланган корхона, ишлаб чиқариш устидан назоратнинг бир қисмини маҳсулот истеъмолчисига бериши мумкин. Назоратни узатиш даражасидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин. Улардан нисбатан оддий шакли – сифати маълум бўлган маҳсулот бўйича, олдиндан келишилган ва кафолатланган баҳода шартнома тузиш ҳисобланади. Бунда баҳо ноаниқлиги билан боғлиқ риск маҳсулотни олувчига ўтади. Даромаднинг ўзгарувчанлиги ишлаб чиқариш рискининг мавжудлиги билан боғлиқ бўлади. Нисбатан мураккаб шакли – шундай ишлаб чиқариш шартномасики, бунда қишлоқ хўжалик корхонасининг мажбуриятига ишлаб чиқаришни асосий воситалар билан таъминлаш киради, масалан – ер ва ишчи кучи билан таъминлаш. Шартнома тузувчи (маҳсулотни олувчи) эса ишлаб чиқаришни айланма маблағлар билан таъминлаш (шу билан бирга ем ва емиш билан)масаласини ўз зиммасида қолдиради. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг ушбу шакли рискнинг кўпроқ қисмини шартнома тузувчига ўтишини билдиради.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, қишлоқ хўжалигида рискларни бошқариш бирмунча мураккаб бўлиб, қишлоқ хўжалигини юритишнинг узоқ йиллик тарихий жараёнида фан ва амалиёт рискларни бошқаришнинг турли-туман инструментлари яратди. Булар иқтисодиётнинг турли субъектлари ўртасида рисклар трансферини амалга ошириш, ўзаро тақсим-

лаш стратегиясини қўллаш ва корхона рискларини камайтириш бўйича стратегияларни ўз ичига олади. Бу усулларнинг барчасини ўз ўрнида қўллаш орқали рискларни самарали бошқаришга эришиш мумкин. Албатта булар ичида рискларни узоқ йиллик тарих ва тажрибага эга бўлган суғурта хизматлари орқали бошқариш нисбатан оддий ва самарали йўл ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Раушан Бокушева Олаф Хайдельбах Талгат Кусайынов. Страхование посевов в Казахстане. Анализ возможностей эффективного управления рисками. IAMO 2007.

2. Соколова А.М., Шибалкин О.А. Перспективы страхования сельскохозяйственных культур в РФ // Страховое дело. 2007. № 10. С. 38-47.

3. Мадаева Р.Е. Теоретические аспекты сельскохозяйственного страхования // Страховое дело. 2007. № 10. С. 35-37.

4. www. agroinsurance. com.

5. www. agros. uz.

A.M. Mavlyanov,
Andijon davlat universiteti, magistrant,
Hamkorbank ATB Valyuta maphsulotlari
sotish sektori boshlig'i

SUG'URTA SOHASIDA RAQOBAT MUHITINI RIVOJLANTIRISHNING INNOVATSION JOZIBADORLIGINI OSHIRISHGA TA'SIRINI BAHOLASH

Annotatsiya. Innovatsion ishda faoliyat olib borayotgan, kompaniyalar tomonidan yangilik darajasiga ko'tarilgan narsalar va ozmi-ko'pmi o'zyutuqlarida o'tirgan kompaniyalar o'rtasida aniq farq bor. Bu sug'urta qildiruvchi manfaatdor bo'lgan narsalarda juda aniq ko'rinadi, masalan barqaror raqobatbardosh ustunlikni yaratish, barqaror sof daromadni keltirib chiqaradigan va ortiqcha hosilni yaratadigan, bu esa kompaniyani kredit xavfi nuqtai nazaridan xavfsizroq qiladi.

Kalit so'zlar: biznes model, Innovatsion ma'lumotlar, Innovatsion natijalar, Tashqi manfaatdor tomonlar, Accenture dasturi, Texnologik inqilob, Lapetus, Chat-bot.

Innovatsiya sug'urta kompaniyasining bugungi muvaffaqiyatining ajralmas qismi hisoblanib, jamiyat, iqlim va texnologiyalar o'zgarishi sur'atlarining oshishi bilan – COVID-19 pandemiyasi va uy sharoitidagi ish tufayli kuchaygan – innovatsiya sug'urtachilarning qisqa muddatli va uzoq muddatli muvaffaqiyatlarining asosiy harakatlantiruvchisi bo'ldi.

Buni tan olgan AM Best global kredit reyting agentligi bir necha yil oldin sug'urta kompaniyalarining moliyaviy ahvolini baholash uchun reyting o'zgaruvchisi sifatida innovatsiyalardan foydalanishni boshlashini e'lon qildi. Firma innovatsiyalarni «ko'p bosqichli jarayon, bu tashkilot g'oyalarni vaqt o'tishi bilan o'lchanadigan ijobiy ta'sir ko'rsatadigan va tashkilotga imkon beradigan yangi (yoki organik ravishda yaratilgan yoki tashqi manbalardan qabul qilingan) yangi yoki sezilarli darajada takomillashtirilgan mahsulotlarga, jarayonlarga, xizmatlarga yoki biznes modellariga o'zgartiradi. dolzarb va muvaffaqiyatli bo'lib qoling» [1].

2020-yil mart oyida AM Best rasmiy ravishda «Innovatsiya ballarini aniqlash va baholash» deb nomlangan yangi mezonlar tartibini joriy qildi. Sug'urta kompaniyasining innovatsion darajasini baholash ikki elementga asoslanadi: innovatsion ma'lumotlar – kompaniyaning innovatsion jarayonining tarkibiy qismlari; va innovatsion natijalar – kompaniyaning innovatsion harakatlarining ta'siri. Olingan innovatsion ball bu ikki bahoning yig'indisidir.

«Reyting bo'yicha tahlilchi sifatida biz bir necha yillardan buyon iqlimi bo'lgan, madaniyati bor va yetakchilikni raqobatbardosh bo'lish maqsadida o'zgaruvchan kompaniyalar mavjudligini payqadik», dedi Stiv Chiriko, P&C reyting bo'limi direktori, AM Best. «Va biz kompaniyalarni vaqt o'tishi bilan baholaganimizda, bu narsalar foyda keltirishi nuqtai nazaridan ham foyda keltirganini, keyin esa bu juda yaxshi taraqqiy etganini bildik, albatta. Hozir biz innovatsion usullar deb ataydigan narsalar yordamida aniqlanadigan raqobatbardosh ustunlik mavjud edi.

AM Best-ning innovatsiyalarni rasmiy baholash to'g'risidagi qarori tashqi manfaatdor tomonlar, shu jumladan, sug'urta agentlari va brokerlari, aksiyadorlar tahlilchilari, sohadagi boshqa tartibga soluvchilar va sug'urta qildiruvchilar bilan olib borilgan ko'plab muhokamalardan so'ng qabul qilindi. Shuningdek, bu The

Economist tomonidan 2019-yil iyul oyida chop etilgan «Sug'urtalash uchun qochish – sug'urta kelajagi sug'urta kompaniyalarisiz amalga oshmoqda» nomli provokatsion maqoladan keyin bo'lib, u sug'urta sohasi qanday orqada qolgani va shoshilinch ravishda innovatsiyalarni amalga oshirishi zarurligi to'g'risida qat'iy dalillarni keltirdi.

O'tgan yil davomida butun dunyo bo'ylab sug'urtalovchilar COVID-19 tomonidan yetkazilgan bosim tufayli katta yutuqlarga erishdilar. Pandemiya butun dunyoda biznes qanday amalga oshirilayotgani to'g'risida juda ko'p o'zgardi va sug'urta sohasi ushbu tizimli o'zgarishlarga deyarli bir kechada javob berishi kerak edi. Sanoat yangi biznesni yozish, da'volarni qondirish va virtual biznes muhitida mijozlarga xizmat ko'rsatishni ta'minlash uchun tezda moslashdi. Ko'pgina tahlilchilar ushbu misli ko'rilmagan yilni sug'urta sohasidagi yangilik uchun burilish nuqtasi sifatida ko'rib chiqdilar. Ushbu bashorat amalga oshadimi yoki yo'qligini vaqt ko'rsatadi [2, 4-9 mod].

Ushbu vaziyatda raqobatbardosh bo'lish uchun an'anaviy sug'urtalovchilar bozor tendentsiyalaridan foydalanishning to'rtta usuli mavjud bo'lib, ularni quyida batafsilroq ko'rib chiqamiz [3. b-20,66]:

1. Yangi mahsulotlar va xizmatlar bilan innovatsion bo'ling

Sug'urtalovchilar yangi bozorlar va xatarlarni qamrab oladigan yangi mahsulotlarni taqdim qilmasa, mijozlarni jalb qila olmaydi va ularni xursand qila olmaydi.

Quadient nomli xalqaro sugurta tashkiloti mutaxassislarining o'z tadqiqotlari shuni ko'rsatdiki, sug'urta mijozlarining yarmidan ko'pi (56%) o'z provayderlaridan aniqroq mukofot taklif qilish uchun texnologiyadan foydalanishni xohlashadi, shu bilan birga Accenture sug'urta rahbarlarining 82% o'z tashkilotlari tobora tez sur'atlarda innovatsiyalarni amalga oshirishga rozi ekanliklari

haqida xabar beradi. zamonaviy tendentsiyalarga qarshi raqobatbardoshlikni saqlab qolish.

Bu shunchaki nazariya emas, chunki kengash bo'ylab innovatsion sug'urta kompaniyalari o'z mijozlariga ko'plab yangi mahsulotlar va xizmatlarni taklif qilmoqdalar va o'zlarini ortda qolmasliklari uchun an'anaviy provayderlar ham shunday qilishlari kerak.

Masalan, Hiskoksni olaylik: yaqinda Bermudda joylashgan sug'urtalovchi kiberhujumlarning oldini olish bilan birga kiberxavfsizlik bo'yicha seminar va o'quv modullarini taklif qiladigan yangi kiber sug'urta turini taklif qilayotganini e'lon qildi.

Yaqinda tashkil etilgan insurtechs kompaniyasining tahdidi bilan bir qatorda zarba berayotgani sababli, ko'proq innovatsion raqobatchilar tashqarida qolish xavfi har qachongidan ham dolzarbroq.

Shuni yodda tutish kerakki, agar ularni mag'lub qila olmasangiz, ularga qo'shiling.

2. Mavjud mijozlarga yaxshiroq xizmat qiling Joriy yilning boshida fuqarolar maslahati, raqobat va bozorlar boshqarmasi va moliyaviy xulosalarni boshqarish organlari, shu jumladan, tartibga soluvchi va sanoat organlari sug'urtachilarni yangi mijozlarga yaxshiroq imtiyozlar va mukofotlar taqdim etishdan ogohlantirib, mavjudlarini e'tiborsiz qoldiradilar.

Buning ajablanarli joyi yo'qligi – sodiq mijozlar yangi mijozlarni o'z mablag'lari hisobiga birinchi o'ringa qo'yadigan sug'urta kompaniyasida qolishlari uchun qanday rag'batlantirishi kerak?

Sug'urtalovchilar mijozlarni haydab yubormaslik va regulyatorlarning g'azabiga duchor bo'lishlari uchun o'zlarining sodiq mijozlariga qanday qilib yaxshiroq narsalarni taklif qilishlarini doimiy ravishda ko'rib chiqishlari kerak.

O'shandan beri bir qator sug'urtalovchilar sodiq mijozlar uchun yaxshiroq narxlarni taklif qilishni va'da qilishdi – ammo bu mukofot arzonroq mukofot bo'lishi shart emas.

Muhimi shuki, endi mijozlarga o'zlarining fitness-trekerlarini o'zlarining siyosati bilan bog'lash imkoniyatini taqdim etadi va tez-tez mashq qiladigan sodiq mijozlarni bepul Starbucks ichimliklari va kinoteatrlarda vaucherlar bilan mukofotlaydi.

Sug'urtalovchilar kostyumni kuzatib borish va sodiqlikni ta'minlash orqali mavjud mijozlarni raqobatchilarning to'lqiniga yaxshi narxlar va ustun texnologiyalar bilan yo'qotmasliklariga ishonch hosil qilishlari mumkin.

3. Texnologik inqilobni qabul qiling

Haqiqatan ham, an'anaviy sug'urtalovchilar raqobatdan qutulishni va mijozlarni xursand qilishni xohlasalar, ular texnologiyani arzon narxlarni pasaytirish va jarayonlarida tezroq va samaraliroq bo'lishlari kerak.

Lapetus singari yangi boshlanuvchilar bilan yuzni aniqlash texnologiyasidan foydalanib, kelajakdagi sog'liq muammolari yuzaga kelishi ehtimolini taxmin qilishadi – bu administratorning kamroq vazifalari va amalga oshiriladigan baholarni anglatadi – xarajatlarni kamaytirish va mijozlar hayotini osonlashtirish uchun avtomatlashtirish salohiyati cheksizdir.

Biroq, qo'lda ishlaydigan jarayonlarni raqamlashtirish va avtomatlashtirish sug'urtalovchilar taqdim etadigan xizmatlarni tubdan o'zgartirishi mumkin bo'lsa-da, aksariyat odamlar bunga mos kelmayapti.

Accenture ma'lumotlariga ko'ra, sug'urta ma'murlarining 77% i sun'iy intellekt o'zlarining tashkilotlarini qabul qilish sur'atlariga qaraganda tezroq rivojlanayotganiga ishonishadi.

Ushbu potentsialdan maksimal darajada foydalanish uchun sug'urtachilar texnologiya mijozlar safari jarayonini soddalashtirish va mijozlarga o'zlarining sug'urtalovchisi bilan tez va to'g'ridan-to'g'ri aloqada bo'lish imkoniyatini berish orqali mijozlarning yanada uzluksiz, yaxlit tajribasini yaratishda yordam berishi mumkinligini tushunishlari kerak.

Chat-botlardan va to‘g‘ridan-to‘g‘ri da’volarni ko‘rib chiqishdan boshlab, mavjud aloqa kanallarini bir-biriga bog‘lashga qadar, texnologiya va avtomatlashtirish sug‘urtalovchilarga kerakli vaqtda tezroq, samaraliroq va kerakli shovqinlarni o‘z vaqtida taklif qilish imkoniyatini beradi.

Sodda qilib aytganda, texnologiyadan foydalanmayotgan sug‘urtalovchilar raqobatchilarga yutqazish xavfi bor.

4. Ma’lumotlaringiz bilan aqlli bo‘ling.

Va nihoyat, sug‘urta inqilobida davom etish uchun sug‘urtalovchilar o‘zlarining mijozlari ma’lumotlaridan maksimal darajada foydalanganliklariga ishonch hosil qilishlari kerak.

Boshidanoq, ular mijozlar ma’lumotlarini istalgan vaqtda kirish va undan foydalanish imkoniyati bo‘lmagan joylarda saqlanib qolmaslik uchun hamma narsani qilishlari kerak.

Agar, masalan, sug‘urtalovchi mijoz elektron pochta xabarlariga kamdan-kam javob berishini bilsa, lekin tez-tez xabar almashish dasturi orqali o‘zaro aloqada bo‘lsa, ushbu imtiyozlarni yozib olish va ularga kirish imkoniyatini yaratish kerak.

Shunday qilib, mijozga ularning siyosati yangilanishi kerakligini eslatish vaqti kelganida, ular kerakli kanal orqali bog‘lanishlarini ta’minlashi mumkin.

Mijozlar ma’lumotlari bilan aqlli bo‘lish nafaqat uzluksiz ko‘p tarmoqli aloqalarni taklif qilishga yordam beradi, balki me’yoriy muvofiqlikni ta’minlashga va yangi mahsulotlar uchun yo‘lni belgilashga yordam beradi.

Mijozingiz ma’lumotlari qanday va qayerda saqlanishini aniq bilish va mijozlarning aloqa afzalliklarini hisobga olish shaffoflikni ta’minlashi mumkin.

Masalan, so‘nggi paytlarda dashkameralardan foydalanishning keskin o‘sishini misol qilib oladigan bo‘lsak, ko‘plab sug‘urtalovchilar yig‘ilgan ma’lumotlardan mukofotlarni pasaytirish

usuli sifatida foydalanmoqdalar – bu baxtli mijozlarni saqlash va yangilarini jalb qilishning ishonchli usuli.

Mijoz ma'lumotlaridan foydalanish murakkab bo'lishi shart emas. Sug'urtalovchilar o'zlarida mavjud bo'lgan ma'lumotlardan foydalanib, mijozga ham, kompaniyaga ham foyda keltiradigan aqlli qarorlarni qabul qilishlari mumkin.

Doimiy raqobatbardosh sug'urta bozorida qolish uchun kurashda, mijozlar tajribasiga ustuvor ahamiyat berish, rivojlanayotgan inqilobdan omon qolish uchun muhim ahamiyatga ega.

Agar an'anaviy sug'urtalovchilar paydo bo'layotgan raqobatchilar to'lqini sanoat to'siqlariga hujum qilishga urinayotganlarida qat'iy turishni istashsa, ular baxtli va sodiq mijozlarni kengash bo'ylab saqlashlariga ishonch hosil qilishlari kerak [4. 102].

Buni ta'minlash uchun ular mijozning ehtiyojlarini birinchi o'ringa qo'yishi, jarayonlarni avtomatlashtirishi va eng yangi va eng innovatsion texnologiyalarga mablag'kiritishi yoki jiddiy muammolarga duch kelishi kerak.

Yuqoridagi qoidalar asosida sug'urta kompaniyalarining iqtisodiyotdagi ahamiyati yanada ortib yurtimiz rivojiga o'z hissasini qo'shishiga ishonchim komil.

Foyadalanilgan adabiyotlar:

1. https://www. insurancebusinessmag. com/uk/news

2. O'zbekiston Respublikasining Qonuni. Sug'urta faoliyati to'g'risida, 358-II 05. 04. 2002.

3. Sugurta ishi. 2014. X. M. Shennayev,

4. «Ijtimoiy Sug'urta» fanidan O'quv-uslubiy majmua, Toshkent Moliya Instituti 2013-yil, 102-113 b.

А.Н. Тўраев,
ТМИ, «Бухгалтерия ҳисоби»
кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари доктори
А.А. Устемиров,
ТМИ, 1-курс «Бухгалтерия ҳисоби»
мутахассислиги магистранти

БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНДАН РЕСПУБЛИКАМИЗДА ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Билвосита солиқлар ҳисобининг хорижий давлатларда қўлланилиши ва ундан Республикамизда фойдаланиш жиҳатлари бўйича батафсил маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: солиқ, билвосита солиқ, солиқ ҳисоби, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи.

Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган солиқ тизимининг самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи муҳим ва зарур шартлардан бири, узоқ вақтлардан буён солиқлардан иқтисодиётни бошқаришнинг энг таъсирчан воситаларидан бири сифатида самарали фойдаланиб келаётган ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини пухта ўрганишдир. Солиқларнинг ундирилиши, таркиби, ҳисобланиш усули, ставкаси, берилган имтиёзлар ва қолаверса, солиқ йиғувчиларга берилган ҳуқуқлар билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Лекин, бу жараёнларни чуқур таҳлил қилиниши натижасида унинг умумий томонларини топиш, шу билан бирга устувор тарафларини

иқтисодиётга мослаштирган ҳолда қўллаш имкониятларини очиш мумкин бўлади.

Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларда солиқ тушумларининг таркибида билвосита солиқларни юқори салмоққа эга эканлигининг асосий сабабларидан бири, бу мамлакатларда солиқ ставкаларининг умумлаштирилганлиги ва солиққа тортиш базасининг ўзаро уйғунлаштирилганлиги ҳисобланади.

Буюк Британияда [10; 8; 78-82-б.] қўшилган қиймат солиғи анча олдин, яъни 1973 йил 1 апрелдан киритилган. Қўшилган қиймат солиғи бўйича барча қабул қилиган ҳужжатлар 1983 йилда қабул қилинган ягона қонуний ҳужжатда тўпланган. Қўшилган қиймат солиғи Молия вазирлиги бож тўловлари ва акциз бошқармаси ихтиёрига киради.

Хўжалик юритувчи субъект ҳар чоракда солиқ декларациясини тўлғазиб топширади. Солиқ суммасини солиқ бошқармасига ўтказади ҳамда агар ортиқча тўланган солиқ суммаси мавжуд бўлса қайтариб олиши мумкин. Солиқ декларацияси чорак тугагандан сўнг бир ой ичида солиқ бошқармасига топширилиши керак.

Буюк Британиянинг қўшилган қиймат солиғи бўйича ўзига хос хусусиятларидан бири, бир нечта умумий назорат остидаги компаниялар қўшилган қиймат солиғи тўлаш мақсадида гуруҳ тарзида рўйхатдан ўтиши мумкин. Бу ҳолатдан ягона декларация тузилади.

Германияда [10; 8; 277-280-б.] қўшилган қиймат солиғи ижтимоий ва хусусий истеъмол солиғи сифатида эътироф этилади.

Германиянинг қўшилган қиймат солиғи солиғи айрим хусусиятларга эга. Жумладан, олдинги календарь йилда айланмаси белгиланган бирликдан ошмаган, жорий йил учун эса белгиланган бирликдан ошмайдиган тадбиркорлар қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилинадилар. Лекин бунда

улар қўшилган қиймат солиғига ёзилган ҳисоб варақларидаги солиқ суммасини ундириб олиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўладилар. Бундай тадбиркор қўшилган қиймат солиғи эмас, балки даромад солиғи тўлайди. У қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилишидан воз кечиш ва умумий асосларда солиқ харажатларини тўлаш ҳуқуқига эга.

Қозоғистонда [10; 8; 467-473-б.] қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқишнинг умумий тартиби Ғарбий Европадаги етакчи мамлакатларнинг тажрибасидан қабул қилинган. Ташкилотлар орқали фаолият юритадиган юридик шахслар, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахслар солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланадилар. Солиқларни қоплаш тартиби солиқ тўловчилар учун катта аҳамиятга эга. Қозоғистонда сотиб олинган моддий бойликлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи харидорлар томонидан уларнинг ҳақи тўланганлиги фактидан қатъий назар бюджетдан қопланади.

Россия Федерациясида [10; 8; 388-397-б, 9; 181-182-б.] билвосита солиқларнинг ундирилиш механизми турличалиги ва ўхшашлиги бўйича фикрларимизни қуйдагича баён этамиз.

Россия Федерациясида қўшилган қиймат солиғи тўловчилари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

– ташкилотлар;

– якка тартибдаги тадбиркорлар;

– божхонадан товар ва материаллар олиб кирувчи шахслар.

Божхона орқали товар ва маҳсулотлар олиб кирувчи шахслар Россия Федерацияси Божхона кодексида белгиланган тартибда ҚҚС тўлайдилар.

Юқорида кўрсатилган солиқ тўловчилар, ўз навбатида шартли равишда солиқни тўлаш жойига қараб ички қўшилган қиймат солиги тўловчилар ва божхона қўшилган қиймат со-

лиғи тўловчиларига ажратилади. Ўзининг таркиби бўйича бу икки гуруҳ бир-биридан фарқ қилади. Шу билан бирга божхона қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ички қўшилган қиймат солиғи тўловчиларидан кўпчиликни ташкил қилади.

Россияда тўрт турдаги солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғи тўлаш мажбуриятига эга эмас. Улар:

1. Солиқ солишнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун қўлланиладиган тизимига кирувчилар;

– Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимидагилар;

– Айрим турдаги фаолият билан шуғулланувчи ягона солиқ тўлови тўловчилар;

– Солиқ кодексига мувофиқ ҚҚС тўлашдан озод қилинган юридик ва жисмоний шахслар.

Кўрсатиб ўтилган тўртта ҳолатда, агар харидорлар счет-фактурада қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатиб ўтган бўлса, қўшилган қиймат солиғи тўлаши шарт.

Ноль фоизли ставка бўйича экспорт қилинган товарлар, экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотларни юклаш, юклаб жўнатиш жараёнида бажарилган ишлар ва хизматлар, халқаро божхона транзити орқали товарларни олиб ўтишда бевосита бажарилган ишлар ва хизматларда қўлланилади. Ноль фоизли ставкани қўллаш учун солиқ органларига тегишли ҳужжатлар тақдим этилади.

Қўшилган қиймат солиғини 10 фоизли ставкаси Россия Федерацияси Солиқ кодексида кўрсатилган озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарилганда, болалар учун маҳсулотлар реализация қилинганда, даврий рўзномалар ва китоб маҳсулотлари реализация қилинганда, тиббиёт маҳсулотлари реализация қилинганда амалга оширилади.

Ўрганилган давлатларнинг ичида мамлакатимиз билан энг кўп иқтисодий муносабатларга киришадигани – бу Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистон Республикасидир. Эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу давлатларбизнинг асосий ҳамкорларимиз ва чет эллик асосий истеъмолчиларимиз ҳисобланади. Чет эл тажрибасини ўрганган ҳолда қуйидаги хулосаларга келдик: табақалаштирилган ставкаларнинг жорий этилиши қўшилган қиймат солиги бўйича чалкашликларни келтириб чиқаради ва бу солиқ ундириш механизмини издан чиқариб, айрим ҳолларда солиқдан қочишга олиб келади. Қўшилган қиймат солиғига тортиладиган база акциз солиғи суммасини қўшилмаслиги ўзаро ҳамкорликдаги давлатлар билан олди-сотди муносабатларида қулайлик туғдириб қолмасдан, солиқ тўлашга нисбатан бир марталик ва адолатлилик принципини таъминлайди. Қўшилган қиймат солиғи ставкасини Ўзбекистон Республикаси билан асосий ҳамкорлик қилаётган давлатлардаги мавжуд ставкаларни таҳлил қилиб, ўрганган ҳолда билвосита солиқ харажатларининг пасайтирилиши аҳоли истеъмол қобилиятини оширибгина қолмай чет эллик жисмоний ва юридик шахслар томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизматлар) истеъмолини ошириб, ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиради. Бу эса, мамлакатимизга чет эл инвестициясини кўпроқ жалб қилишга имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси: – Т.: «Адолат», 2016. – 400 б.

2. Налоговый кодекс Российской Федерации. -М.: 2014. – 532 с.

3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. – Т.: «Адолат», 2015. – 692 б.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). 2016 йил 13 апрель. № 404.

5. Исроилов Б. И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2006. – 386 б.

6. Камилов М. М. Қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация. – Т.: БМА, 2007. – 144 б.

7. Паклар А. Н. Налоговый учет. Учебное пособие. – М.: ЗАО Юстицинформ, 2007. – 554 с.

8. Шамсутдинов Ф. Ш, Шамсутдинова Ш. Ф. Чет мамлакатлар солиқ тизими. Дарслик. – Т.: «Fan va texnologiya», 2011. – 508 б.

9. Практическое пособие по НДС. – М.: Издательство «Статут», 2006. 416 с.

10. http://vatlive. com – Қўшилган қиймат солиғи – ахборот сайти.

А.Р. Абдуллаева,
мустақил тадқиқотчи (PhD),
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
ҳузуридаги Фискал институти

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА РИСКЛАР ВА УЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ

Аннотация. Ушбу мақолада ташқи иқтисодий фаолият рисклари, уларнинг мазмун-моҳияти, турлари ва назарий-услубий асослари ўрганилган. Олиб борилган тадқиқотларга кўра, ТИФ хатарлари деб, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнининг турли босқичларида юзага келадиган, ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлган, бошқарилиши.

Калит сўзлар: ташқи иқтисодий фаолият, ташқи савдо, шартнома, хатар, ташқи савдо шартномаси, транспорт хатарлари.

Кириш ва мавзунинг долзарблиги

Иқтисодий тизимда ҳар қандай фаолият тури умуман тизим ёки унинг таркибий қисмлари учун йўқотишлар хос бўлиб, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг йўқотишлари, одатда, мулкий зарарлари кўринишида бўлади.

Ташқи иқтисодий фаолият – бу корхоналарнинг жаҳон бозорига йўналтирилган ташкилий-иқтисодий, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва операцион-тижорат функцияларининг мажмуи.

Ташқи савдо – бу экспорт ва импортга бўлинадиган давлатлар ўртасида маҳсулот сотиш. Ушбу турдаги савдо савдо-со-

тиқ шартномаларини, яъни халқаро шартномаларни тузишни ўз ичига олади.

Ўз навбатида, халқаро шартнома бу турли мамлакатларда жойлашган икки ёки ундан ортиқ томонлар ўртасида маҳсулот сотиш, муайян фаолиятни амалга ошириш, товарларни ташиш, биноларни ижарага бериш, қарз бериш, ҳар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтказиш ҳамда бошқалар бўйича битим бўлиб ҳисобланади.

Ташқи савдо рисклари – бу ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган корхоналарга кераксиз харажатлар ёки бошқа зарар етказадиган кутилмаган вазиятлар.

Ташқи савдо хавфи қуйидаги сабабларга кўра юзага келади:

Ташиш пайтида маҳсулотларнинг йўқолиши ёки бузилиши;

ваколатни суиистеъмол қилиш, пул операцияларида коррупция;

пул бирликлари курсининг кутилмаган ўзгариши;

шартномани имзолаганидан кейин маҳсулот нархининг ўзгариши ёки уни тўламаганлиги.

Ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) хатарлари ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг ҳар қандай босқичида юзага келиши мумкин. Масалан, шартномаларни имзолаш, товарларни юклаш, божхонадан олиб ўтиш, юкни ташиш ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалари ривожланиб, мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси 2020 йилда 36299, 3 млн. долларни [1] ташкил этаётган бир даврда ТИФ билан боғлиқ хатарларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларга таъсир кўрсатадиган омилларни тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Аммо ушбу мавзу мамлакатимизда кенг тадқиқ этиляпти, дея олмаймиз. Сабаби ушбу мавзуни ўрганаётган олимлар саноқли. Шу жиҳатдан ҳам муаллиф томонидан ушбу мавзуни тадқиқ этиш асосий мақсад ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси

Ташқи иқтисодий фаолият рисклари ва уларнинг назарий-услубий асослари Д. Тобин, Эд. Долан, Ж.А.Стаугер, И. Ворст, П. Ревечтлов, Р. Брейли, Санкт-Мерс, Блез Паскал ва Пер де Фермат [2], Т.Е. Мютте, МДҲ олимлари орасида А. П. Алгин, В. В. Аленичев, И.Т. Балабанов, В.П. Буянов, П.Г. Грабовои, В. М. Гранатуров, ПМ Качалов, К.А. Кирсанов., Михайлова Л. М., Лапуста М.Г., Рйбалкина В.Э., Уткина Э.А., Чернова Г. В., Шаршукова Л.Г.лар томонидан ўрганилган.

Т. Е. Мютте тадқиқотларига кўра, ташқи иқтисодий фаолиятда энг кўп учрайдиган божхона рисклари еттита ҳудудга ажратилади [3].

1-жадвал

Ташқи иқтисодий фаолиятда энг кўп учрайдиган божхона рисклари [4]

Ҳудудлар	Асосномаси
1	Божхона қонунчилиги. Халқаро шартномалар. ЖСТ ҳужжатлари. Таржимадаги муаммолар
2	Божхона божи, акциз ва йиғимлар
3	Валюта назорати
4	Санъат ва маданият мерослари
5	Наркотик ва психотроп воситалар
6	Экологияга зарар етказувчи воситалар
7	Интеллектуал мулк ҳуқуқи билан ҳимоя қилинган объектлар

Олим тадқиқотларига мувофиқ, ҳар бир риск турини башорат килиш ва бошқариш ўзига хос тавсифга ҳамда йўналишга эга. Бу мамлакатнинг ташқи иқтисодий сиёсатига боглиқ бўлади.

Таҳлил ва натижалар

ТИФ да рискларининг қуйидаги турлари кўп учрайди.

1. Ташқи савдо шартномаларида валюта хатарлари

Катта миқдордаги шартномалар тузиш жараёнида, шунингдек кредит бериш пайтида, ҳужжатни имзолаган томонлар томонидан тўловлар миқдорини ўзгартирадиган валюта ташқи савдо хавфи пайдо бўлади. Бундай ҳолатлар кўпинча битимнинг иккала томони учун ҳам моддий йўқотишларга олиб келади.

Масалан, валюта айирбошлаш курси кўтарилган ҳолларда, зарарни чет элдан маҳсулот сотиб олувчи томон қоплайди ва ушбу маҳсулотни сотадиган корхонадан даромад кўпаяди ёки аксинча. Шунинг учун ташқи савдо шартномаларида ташқи иқтисодий фаолият хавфини тартибга солиш жуда муҳимдир.

2. Импорт қилувчи томонидан назорат қилинмайдиган сиёсий ва трансфер хатарлари

Бунга сиёсий ва жамоат соҳалари билан боғлиқ кўплаб кутилмаган ҳолатлар киради: мамлакатнинг молиявий ночорлиги; шартнома мажбуриятларини бажаришни кейингақ олдириш; пул ўтказмаларига таъсир қилувчи қонунчиликдаги ўзгаришлар; банк ҳисоб варақларини ёпиш ва бошқалар. Ўзларини бундай ташқи савдо хатарларидан ҳимоя қилиш учун корхоналар бир неча усуллардан фойдаланадилар.

Импорт қилувчи томонидан назорат қилинмайдиган сиёсий ва трансфер хатарларининг қуйидаги турлари амалиётда нисбатан кўпроқ учрайди:

Давлат томонидан суғурта қилинмаган хизматлар ёки маҳсулотларни ташиш учун тўловларни тўлаш учун кредитлар. Бу ерда хатарларни фоизлар билан маблағ чиқарган банк ташкилоти ёки товарларни сотадиган компания ўз зиммасига олади;

ташқи савдо операциялари учун векселларни ва бошқа қарздорлик талабларини айирбошлашсиз (форфайтинг) олиш йўли билан банк ёки молия институти томонидан экспортга кредит бериш;

пул маблағлари олувчи (аккредитивлар) фойдасига тўловларни амалга ошириш учун тўловчининг номидан банк муассасаси томонидан қабул қилинган шартли пул мажбуриятлари;

ички лизинг компанияси чет эл лизинг олувчига бошқа маҳаллий фирмадан сотиб олинган ускуналарни тақдим этадиган ташқи савдо битими. Бу ерда ташқи савдо хатарлари лизинг компаниясининг зиммасига тушади;

экспорт кредитининг давлат суғуртаси, яъни давлат суғурта компанияларига кутилмаган ҳолатлар туғдириши.

3. Транспорт хавфи

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа ноқулай ҳолатларига қараганда транспорт ташқи савдо хатарлари халқаро ва миллий ҳуқуқий асослар билан тартибга солинади. Инкотермс-2010 қоидалари бу борадаги асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Ушбу ҳужжат ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида шартномалар доирасида бажариладиган мажбуриятларни, шу жумладан юкни суғурталашда томонларнинг мажбуриятларини ҳам белгилаб беради.

Инкотермс-2010 қоидаларининг ҳар бир атамаси доирасида ўзига хос суғурта мажбурияти талаб этилади. Масалан, CIP ёки Carriage and Insurance Paid доирасида сотувчидан минимал суғурта қопламалари талаб этилади, қўшимча суғурта харидорнинг жавобгарлигига тегишли бўлади. CIF доирасида эса юкни суғурталаш сотувчи томонидан амалга оширилади. CFR (cost and freight)да асосий ташишни суғурталаш, юкни тушириш сотиб олувчининг мажбурияти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида «Инкотермс-2010» атамаларидан фойдаланилади. Ушбу атамалар етказиб бериш шартларини ўзида мужассамлаштириб, 11 та шартни ўзида жамлайди. Улардан 7 таси транспортнинг ҳар қандай тури билан амалга ошириладиган юкларни ташиш учун, 4 таси эса фақат сув транспорти (денгиз транспорти ва ҳудудий сув транспорти) орқали юкларни етказиб бериш усулларига тааллуқлидир [5].

4. Ташқи савдо нархларидаги хатарлар

Маҳсулотларнинг нархи халқаро шартноманинг энг муҳим жиҳатларидан бирибўлиб, унда иложи борича аниқроқ акс эттириш талаб этилади. Аммо вақт ўтиши билан шартнома қиймати валюта курсининг ўзгариши ёки товар ва хизматлар бозоридаги нархлар даражаси туфайли камайиши ёки ошиши мумкин, бу эса битим томонларига зарар етказишига олиб келади. Шу сабабли, компания учун ташқи савдо нархларида молиявий хатарларни ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

Хатарлар жуда кўплиги сабабли ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун йўналтирилган хатарларни бошкариш сиёсатини ишлаб чиқиш долзарбдир. Жумладан:

биринчидан, вазиятни таҳлил қилиш ва юзага келиши мумкин бўлган хатарларни аниқлаш (башорат қилиш);

иккинчидан, юзага келиши мумкин бўлган зарарни баҳолаш ва уни камайтиришга қаратилган қарор қабул қилиш;

учинчидан, қабул қилинган қарорларни амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш учун.

Хулоса

Олиб борилган тадқиқотларга кўра, муаллиф томонидан ташқи иқтисодий фаолият хатарларига қуйидаги таъриф берилди:

ТИФ хатарлари-ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнининг турли босқичларида юзага келадиган, ички

ва ташқи омилларга боғлиқ бўлган, бошқарилиши мураккаб, аммо олдини олиш имконияти бор хатарлар тушунилади.

ТИФ хатарларининг мазмун-моҳияти, назарий-услубий асосларини кенг ўрганиш мамлакат экспортёрлари учун ташқи савдо хатарларини олдиндан башорат қилиш, олдини олиш ва хатарларни суғурта қилиш имконини беради.

Суғурталаш жараёни ва суғурта мажбуриятлари ТИФнинг муҳим босқичларидан бири ҳисобланиб, ТИФ рискларининг олди олинишида ва бошқарилишида асосий ўрин тутади. ТИФ рискларини суғурталашда Инкотермс-2010 қоидалари йиғиндиси муҳим ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлиб, ТИФ шартномаларини тузишда ва юкни суғурталашни амалга оширишда асосий халқаро қўлланма вазифасини бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. https://www. stat. uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2

2. Альфред Реньи. Письма о вероятности: письма Паскаля к Ферма / пер. с венг. Д. Сааса и А. Крамли под ред. Б. В. Гнеденко. М.: Мир. 1970

3. Мютте Герман Евгеньевич Управление таможенными рисками на базе современных информационных технологий // Ученые записки Санкт-Петербургского имени В. Б. Бобкова филиала Российской таможенной академии. 2005. №2 (24). URL: https://cyberleninka. ru/article/n/upravlenie-tamozhennymi-riskami-na-baze-sovremennyh-informatsionnyh-tehnologiy (дата обращения: 22. 05. 2021).

4. file:///C:/Users/User/Downloads/upravlenie-tamozhennymi-riskami-na-baze-sovremennyh-informatsionnyh-tehnologiy.pdf

5. https://cc-customs. ru/poleznaya-informaciya/inkoterms-udobnaya-tablitsa/

Х.Ф. Уктамов,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
«Иқтисодий хавфсизлик» кафедраси ассистенти

КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ТУШУНЧАСИГА НИСБАТАН ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Аннотация. Ушбу мақолада корхоналар иқтисодий барқарорлиги тушунчасига нисбатан илмий-назарий қарашлар ёртилган. Шунингдек, корхоналар иқтисодий барқарорлиги тушунчасига нисбатан иқтисодчи олимларнинг илмий назарий қарашлари ёртилган. Қолаверса, мамлакатимизда корхоналар иқтисодий барқарорлигини таьминлаш орқали иқтисодий ўсишни эришиш мумкинлиги акс этган. Бундан ташқари, корхона барқарорлиги элементларининг тузилмаси ҳам муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: корхоналар иқтисодий барқарорлиги, барқарорлик, корхонанинг самарадорлиги, стратегик бошқарув, бошқариш механизми.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг иқтисодий, ижтимоий сиёсий, мафкуравий-маънавий соҳаларда тараққиёт ва янгиланишнинг ўзига хос ҳамда ўзига мос йўлини танлади. Мамлакатимиз ўтган қисқа вақт мобайнида улкан ютуқларга эришди. Ватанимизда соғлом, осойишта ижтимоий муҳит, сиёсий барқарорлик вужудга келиб, фуқароларга ўз қобилият ва истеъдодларини намоён қилиш, яратиш, бунёдкорлик билан


шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясини, давлат ва жамият курилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлиги, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш ҳамда ижтимоий ривожланишнинг илмий асослари ва амалий йўналишларини ўрганиш жамиятда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларни тизимли таҳлил килишга, муаммоларни ҳар томонлама идрок этишга ёрдам беради.

Бизнинг фикримизча, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида давлат мулкини хусусийлаштиришга қўйилган асосий талаблар. Ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш. Хусусийлаштириш орқали мамлакатда иқтисодий рақобат муҳитини яратиш. Давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарда ишлаб чиқариш тузилмасини диверсификациялаш рақобатбардошлигини таъминлаш воситаси. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда хусусийлаштириш жараёнларининг асосий мақсад ва йўналишлари. Тармоқ ва минтақавий хусусийлаштириш, хусусийлаштиришда ҳудудий даражадаги марказлар мақоминиг оширилиши, йирик ва ўрта корхоналарни кенг кўламли акциядорликка ўтказиш, қишлоқ жойларида хусусийлаштиришни жадаллаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларини мерос қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланишга бериш. Саноатнинг асосий тармоқларини хусусийлаштириш бўйича белгиланган вазифалар. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган иккинчи босқичда хусусийлаштирилган корхоналарнинг унумли ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

Хорижлик олимлардан Р. С. Каплан, Д. П. Нортон асарларида стратегик бошқарув тизимида корхонанинг самарадорли-

гини ошириш ва иқтисодий фаолиятини ривожлантириш масалалари кенг ёритилган. Бу олимларнинг қарашларида асосий эътибор, стратегик бошқарув тизимини корхона ва ташкилот учун асосий хусусиятларини, унинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган. И. Ансоффнинг қарашларида стратегик бошқарув тизимида корхонанинг истиқболларини ўрганиш ва уларга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш муҳим ўрин тутади. Унинг эътиборида корхона доим риск билан ишлаши, унинг узоқ муддатли фаолияти учун прогнозлар тузиш, экстропляция усулини қўллаш зарур. М. Портер қарашларида компанияларнинг ривожланишида инновацияларнинг ўрни, уларни қўллаш хусусиятлари, компаниянинг барқарор ривожлантирилишига фақат инновацияларни доимий равишда жорий этиш ҳамда компанияларнинг рақобат устунлигига эришишларида инновациянинг таъсири масалалари тадқиқ этилган, Р. С. Муратов, И. А. Джалолова, С. Ш. Орипов қарашларида корхона алоҳида объект сифатида қаралиб, унинг мазмун ва моҳияти, унга қўйиладиган талаблар, кўрсаткичлар тизими, молиявий барқарорлиги ва бошқаруви масалалари атрофлича ёритиб берилган. Корхоналар бошқаруви ва уларга қўйиладиган талаблар, тамойиллар, бошқарув шакллари баҳолаб берилган. И. О. Улашев, Ш. А. Атамурадовларнинг илмий қарашларида корхоналар фаолиятини бошқариш механизми муаммолари, уларни ечиш бўйича таклифлар, бошқарув усуллари, бошқарувда оптимал вариантни танлаш, бошқарув самарадорлигини баҳолаш каби масалалар ёритиб берилган.

Бизнинг фикримизча, корхоналар ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда корхонанинг инновационривожланиши, меҳнат самарадорлиги, корхонанинг рақобатбардошлиги каби омиллар орқали корхонанинг барқарорлигини таъминлашга эришиш мумкин (1-расм).



Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган
1-расм. Корхона барқарорлиги элементларининг тузилмаси

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, корхоналар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳозирги кунда иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан биридир. Аҳолининг маҳсулотларга бўлган талаби йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу талабни қондириш корхоналар ишлаб чиқаришига инновацион технологияларни қўллаш, етарли ҳажмда инвестициялар киритиш ва янги усуллардан фойдаланиш ҳамда бошқарув механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармонининг 1-иловаси «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». Lex. uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи 23 декабрь 2017 й. № 258 (6952).

3. Махмудов Э. «Корхона иқтисодиёти» (ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ. 2004 йил, 208 – бет.

4. Рўзиев А., Қ. Абирқулов «Ўзбекистон иқтисодий географияси». Т.: Шарқ, 2001 йил, 144 – бет.

5. Рўзиев А., Рўзиев О., «Иқтисодий интеграциянинг худудий – географик жиҳатлари». Термиз: «Сурхандарё», 2001 йил, 20 бет.

Ф.У. Умаров,
Ўзбекистон Республикаси Давлат
статистика қўмитаси қошидаги «Кадрлар малакасини
ошириш ва статистик тадқиқотлар институти»нинг
катта ўқитувчиси

ИНВЕСТИЦИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА СУҒУРТА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада миллий иқтисодиётга жалб қилинаётган инвестицияларни давлатнинг иқтисодий ривожланишидаги ўрни, уларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда инфляцининг назарий асослари, инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усулларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ушбу усулларни ҳисоблаш амалиёти ўрганилган ва таҳлил қилинган ҳамда тегишли хулосалар келтирилган.

Калитли сўзлар. Инвестиция, инфляция, инновация, тадбиркорлик, инвестициялар, иқтисодий самарадорлик, инвестиция лойиҳалари, инвестициялар рентабеллиги, дисконтлаш ставкаси.

Кириш

Жаҳон мамлакатларининг глобаллашуви жараёнида Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларни кучайтириш, уларни янги, янада юқори босқичга кўтариш устувор вазифа қилиб белгиланган.

Бу вазифаларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш пировардида ватанимиз тараққиётини янада юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган бўлиб, бунда ҳал қилувчи омил сифатида экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашда инвестицион лойиҳалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида «Коронавирус пандемияси» номи билан жаҳон иқтисодиётини ларзага солаётган инқироз ҳолати бутун жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг инқирозга юз тутишига сабаб бўлмоқда. Бу ўз ўрнида нафақат давлатлар ўртасидаги иқтисодий битимларнинг балки олдиндан тузилган кўплаб инвестицион лойиҳалар муддатини ўз вақтида бажариб бўлмаслигига олиб келмоқда. Мақсадли инвестицион лойиҳалар кўплаб мамлакатлар инвестицион фаолигини камайишига ҳамда иқтисодиётнинг долазарб муаммолари бўлмиш иқтисодий ўсиш, бандлик, инвестицион самарадорлик каби кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев таъбири билан айтганда «Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди[1]. Жаҳон ҳамжамияти иқтисодий майдонига чиқаётган «Коронавирус пандемияси» иқтисодий инқирозини юмшатишда инвестицияларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Шундай экан, «...энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифалар, тармоқ ва ҳудудлар бўйича мақсадли дастурлар, устувор инвестиция лойиҳалари ва бошқа долзарб вазифалар бажари-

[1] 2019 йил – «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили. 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. http://cemc. uz

лишини танқидий таҳлил қилиш юзасидан амалдаги мавжуд тизим самарадорлигини оширишимиз лозим»[1]. Иккинчидан, «...саноат корхоналарида янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ушбу корхоналарни халқаро молия бозорининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш лозим бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янги даврида барча тармоқ ва йўналишлардаги каби статистика соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда.

Жумладан, мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги «Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4273-сон ҳамда 2020 йил 3 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4796-сон қарорларига соҳани ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Статистика соҳасидаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишидан бири сифатида, ички истеъмол бозоридаги нархлар статистикасини такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибаларни ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, 2020 йилда истеъмол бозорида нарх кузатувларини ўтказиш жараёнларига CAPI технологияси, яъни махсус қурилмалар – планшетлар тўлиқ жорий этилди. Натижада, инфляцияни ҳисоблаш жараёнлари автоматлаштирилди, статистик маълумотларнинг объективлиги ва юқори сифатини таъминлашга эришилди.

---

[1] Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 592 б

2021 йил 1 январдан бошлаб, МДҲ мамалкатлари орасида биринчи бўлиб, мамлакатимизда истеъмол нархлари индекси кузатувларига Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) томонидан тавсия этилган «Мақсадлар бўйича шахсий истеъмол таснифлагичи – 2018» талаблари жорий қилинди. Натижада, Ўзбекистонда қўлланиладиган нархлари кузатиладиган товарлар ва хизматлар таснифлагичи халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқлаштирилди.


Шунингдек, ХВЖ техник кўмак миссияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда қўлланилаётган истеъмол нархлари кузатувларини ўтказиш амалиёти ва инфляцияни ҳисоблаш методологияси батафсил кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, миссия якуни бўйича ХВЖ экспертлари томонидан мамлакатимизда истеъмол нархлари кузатувларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган амалий ва услубий ишларга юқори баҳо берилди.

Энди, бевосита инфляция масаласига тўхталадиган бўлсак, маълумки, инфляция кўрсаткичи мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорликни ифодаловчи муҳим иқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлиб, ички истеъмол бозорида товар ва хизматлар нархлари умумий даражасининг ўзгаришини ўзида акс эттиради.

Мазкур статистик кўрсаткич Ўзбеккстон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан халқаро андозаларга асосан, яъни миллий ҳисоблар тизими (МҲТ-2008) талаблари асосида 1994 йилдан бошлаб шакллантирилиб, эълон қилиб келинади.

Бугунги кунда, мамлакатимизда инфляция даражаси халқаро амалиётга мувофиқ истеъмол нархлари индекси асосида ҳисобланади ҳамда шу мақсадда ички бозордаги 510 та турдаги истеъмол товарлари ва хизматлари нархлари кузатиб борилади.

Шундан, 170 тасини озиқ-овқат маҳсулотлари, 250 тасини ноозиқ-овқат махсулотлари ҳамда 90 та хизматлар ташкил қилади. Бунда, нарх кузатувлари:



1-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича ИНИ динамикаси ўтган йилнинг декабрига нисбатан, % да

10 мингдан ортиқ савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларида ўтказилади[1].

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики 2020 йил давомида ўтказиб борилган истеъмол нархлари кузатувлари натижаларига кўра йил якуни бўйича Ўзбекистонда инфляция даражаси 11, 1 %ни ташкил қилди. Бунда, озиқ-овқат маҳсулотлари 15, 3 %га, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 8, 8 %га ва хизматлар тарифлари 7, 1 %га қимматлашди.


Таъкидлаш жоизки, 2020 йилда ички бозорда товар ва хизматлар нархларининг ўсиши кузатилган бўлсада, иқтисодиётда нархлар ўсиши 2019 йилдагига нисбатан секинлашди, яъни инфляция даражаси 15, 2 %дан 11, 1 % гача ёки 4, 1 фоиз бандга пасайди[2].

[1] М. Умаров. Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи. Ички бозордаги истеъмол нархлари статистикаси кузатувлари: 2020 йил якунлари ва амалга оширилган ишлар сарҳисоби.

[2] М. Умаров. Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи. Ички бозордаги истеъмол нархлари статистикаси кузатувлари: 2020 йил якунлари ва амалга оширилган ишлар сарҳисоби.

Маълумки, инқироз иқтисодий ривожланиш даражасига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) прогнозларига кўра, 2020 йилда глобал иқтисодий ўсиш жаҳон иқтисодиёти миқёсида 3 фоизли даражаси таъминланиши прогноз қилинган эди.

Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2020 йилда 1, 8 фоизга пасайиши кузатилган. Айни пайтда, ушбу прогноз Марказий Осиё мамлакатлари бўйича энг яхши кўрсаткичлардан саналади. Масалан, Қозоғистон ЯИМ ўсиши 2, 5 фоизга, Қирғизистонда эса 4 фоиз пасайиш кузатилди. Шунингдек, коронавирус тарқалиши даврида тиббий хизматларга талабнинг ошиши таъсирида тиббий лаборатория хизматлари 14, 8 %га, тиббий амбулатор ва реабилитация хизматлари 10, 9 %га, тиббий диагностика хизматлари 8, 1 %га ҳамда стационар даволаш ва реабилитация хизматлари 7, 3 %га қимматлашган (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича 2020 йилда айрим турдаги хизматлар нархларининг ўзгариши, % да

Хулоса қилиб айтганда, коронавирус пандемияси билан боғлиқ мураккаб шарт-шароитларга қарамасдан, 2020 йил якуни бўйича мамлакатимизда инфляция даражасининг сезиларли даражада пасайиши кузатилди.

Инфляция даражасини баҳолашда молиявий риск даражасини миқдорий баҳолаш учун методик инструментарий ҳисобланади. Мазкур инструментарий кенг кўламли саналади. Шунинг учун турли хил иқтисодий-статистик, эксперт ва анологияга кўра баҳолаш методларини ўз ичига олади. Муайян баҳолаш методларини танлаш ахборот базаси мавжудлиги ва бошқа омиллар билан белгиланади.

Иқтисодий-статистик методлар молиявий риск даражасини баҳолашнинг асоси саналади. Ушбу методнинг моҳияти шундан иборатки, бу жараёнда ишлаб чиқаришда кузатилган фойда (зарар) статистикаси динамикасини кутилган натижага эришиш даражаси ва даврийлигини аниқлаш орқали прогноз амалга оширилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, «молиявий риск» категорияси кўрилиши эҳтимол бўлган муайян салбий ёки ижобий натижани англатади. Молиявий риск ҳам моҳиятан статистик кўрсаткичларга асосланган ҳолда бошқа рисклар каби бирмунча аниқ ҳисоблаб чиқилиши ва прогнозланиши мумкин бўлган зарарларнинг (йўқотишлар) математик эҳтимоллигини ўзида мужассам этади[1]. Бу ўринда қайд этиш лозимки, режалаштирилган муайян фаолият ёки операциядан кутилиши эҳтимол бўлган рискни баҳолаш иқтисодиёт субъектидан юқори малака ва тажрибани талаб қилади. Бошқарув юзасидан тегишли қарорни қабул қилиш ва амалга оширишда рискнинг тизимли ва мураккабликни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Молиявий рискни аниқ мезонларга кўра баҳолашда муайян фаолиятдан (ҳаракатдан) кўрилиши эҳтимол бўлган ҳодиса оқибатлари эҳтимоллигини билиш талаб этилади.

---

[1] Баймуратов Т. М., Баймуратова Г.Т. Суғурта ташкилотлари молиявий рискларини баҳолаш: концептуал ёндашувлар ва тизимлилик. Молия ва банк иши электрон илмий журнали. III-сон. май – июнь, 2020 йил.

Рискнинг баҳолаш қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинишини тақозо этади:

а) Молиявий риск даражаси баҳолашнинг умумий алгоритми билан тавсифланиб, қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$УР = ВР \times РП \quad (1),$$

бу ерда УР-тегишли молиявий риск даражаси;

ВР-берилган молиявий рискни юзага келиш эҳтимоли;

РП-рискни амалга оширишда мумкин бўлган молиявий йўқотишлар миқдори.

Молиявий риск даражаси баҳолашнинг мазкур алгоритмини қўллаш амалиётида мумкин бўлган молиявий зарар (йўқотиш) ҳажми одатда мутлақ суммада ифодаланиб, ушбу риск юзага келиши эҳтимолини ўлчаш (вариация коэффициенти, бета-коэффициент каби) коэффициенти ҳисобланади. Молиявий риск даражаси алгоритм бўйича ҳисоблаб чиқилган мутлақ кўрсаткич сифатида намоён бўлади, бу эса, муқобил вариантларни кўриб чиқишда таққослашнинг асосини сезиларли даражада камайтиради.

Бу ўринда 2014-2018 йилларда Ўзбекистондаги баъзи суғурта ташкилотларининг амалий кўрсаткичлар динамикасига асосланиб молиявий риск даражасини баҳолаш (1-диаграмма) шуни кўрсатадики, суғурта ташкилотларида, масалан, «O‘zbekinvest Hayot» суғурта ташкилотида келтирилган йилларга мос равишда 0,568/0,667/0,565/0,592/0,673; «Ўзагросуғурта» ДАК (ОАЖ) да 2014 йилдан ташқари мос равишда 0, 226 / 0,206 / 0,694 / 0,369 юқори кўрсаткичлар кузатилган.

Тегишли суғурта ташкилотларида молиявий риск даражаси коэффициентлари динамикасининг таҳлили шуни кўрсатадики, энг паст кўрсаткичлар қуйидаги суғурта ташкилотларида, хусусан, «Gross Insurance» МЧЖда келтирилган йиллар бўйича мос равишда 0, 038/0, 048/0, 049/0, 140/0, 098; «Xalq Sug‘urta»

ХК МЧЖда 2017 ва 2018 йилларда мос равишда 0, 078/ 0, 077 даражадаги коэффицентларда бўлганлиги қайд этилган.

Даромадларнинг умумий ўртача миқдорини ҳисоблаш, яъни субъектларнинг (R=X–Y)молиявий операцияларидан ўртача даромадини[1]

$$\bar{R} = \frac{1}{n_i} R_i \sum$$ бу ерда n – кузатувлар сони.

Даромадларнинг умумий ўртача миқдорини ҳисоблаш алгоритми орқали молиявий операциялардан олинган ўртача даромад даражаси мутлақ кўрсаткич сифатида намоён бўлиши, ўз навбатида муқобил вариантларни кўриб чиқишда таққослаш асосларини сезиларли даражада камайтиради.

Мавзу доирасида амалга оширилган назарий-амалий ишланмалар ва статистик маълумотлар таҳлили, риск омилларини ҳисобга олган ҳолда молиявий операциялар даромадлилигининг зарурий даражасини, хусусан, суғурта ташкилотининг фаолияти жараёнидаги кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашга қаратилган муаллифлик ёндашуви молиявий риск даражасини баҳолаш юзасидан қуйидаги таклифлар шакллантирилишига асос бўлиб хизмат қилди.

Юқоридаги маълумотларга асосида инвестиция қарорларини қабул қилишда инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, таҳлил қилиш, танлаш ва амалга оширишнинг илмий асосланган усулубиятидан фойдаланиш муҳим саналади. Шунингдек, инвестициялар хусусида қарорлар қабул қилинишида уларни молиявий маблағлар билан таъминлаш жараёнларини шундай ташкил қилиш керакки, бунда уларнинг қийматини минималлаштириш ва жойлаштириладиган капиталнинг фойдалилигини ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

[1] Баймуратов Т.М., Баймуратова Г.Т. Суғурта ташкилотлари молиявий рискларини баҳолаш: концептуал ёндашувлар ва тизимлилик. Молия ва банк иши электрон илмий журнали. III-сон. май – июнь, 2020 йил.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодчи-олимлардан А. Вахабов, Ш. Хажибакиев, Н. Муминовлар инвестиция муҳити тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтадилар: «Инвестиция муҳити – бу хорижий капитал қўйилмаларининг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий, юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндисидир. Инвестиция муҳити комплекс, кўпқиррали тушунча бўлиб, миллий қонунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар (инқироз, ўсиш, стагнация), божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция суръатлари, валюта курсининг барқарорлиги, ташқи қарздорлик даражаси каби кўрсаткичларга эга»[4, б. 300]. Шунингдек, мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуи инвестиция муҳитини яхшиланишига доир масалалар ёритилган.

Б. Ғойибназаров. Халқаро статистика тажрибасига таянган ҳолда келгусида миллий статистикани ислоҳ қилишни халқаро андозаларга мувофиқ олиб бориш, уларда қўлланилаётган халқаро услубиятни Республикамизда кенг жорий этиш мақсадида бир қатор ўқув курслари халқаро амалиётда қабул қилинган миллий ҳисоблар-2008 стандарти тамойиллари ва қоидаларига асосланиб, миллий статистика фаолиятида ислоҳотларни амалга оширишда рақобатбардош кадрларни тайёрлашда инвестиция устуворлиги асосий мезон бўлиб хизмат қилишига доир илмий таклифлар берилган [6, б. 280].

Баймуратов Т.М., Баймуратова Г.Т. Ўзбекистон суғурта ташкилотлари мисолида молиявий операциялар даромадлилиги даражасини аниқлаш юзасидан зарурий услубий воситалар келтирилган. Риск омилларини ҳисобга олган ҳолда молиявий

операциялар даромадлилигининг зарурий даражасини шакллантиришга бўлган бундай ёндашув умуман суғурта ташкилотларининг молиявий фаолияти жараёнида кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашга имкон беришини амалий мисолларда ёритилган [7, б. 351].

А. Ж. Сиддиқов. Ўзбекистон тараққиётида инвестицияларнинг роли ва уларни жалб этиш жозибадорлигини оширишда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан юқори ривожланиш даражаси Ўзбекистон учун Республиканинг инвестицион жозибадорлигини тадқиқ этиш, инвестиция маблағларини ички капитал ресурслар ҳамда хорижий инвестиция ва кредитларни кўпайишига эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамияти бўйича таклифлар келтирилган [8, б. 280].

Ш. Мустафақулов. «Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги докторлик диссертация иши авторефератида минтақалардаги табиий ресурслар захираси, инвесторлар учун яратилган имтиёзлар, инфратузилма ҳолати, ҳудудларнинг инвестицион рейтинги хорижий инвестициялар оқими ҳамда ички инвестицияларнинг фаоллашуви асосида асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми инвестицион салоҳият ва иқтисодий салоҳият кўламининг юзага келишини таъминланиши юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар келтирилган [9, б. 320].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотимиз мавзуси макроиқтисодий мутаносибликни таъминлашда инвестиция жозибадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштиришда инфляцияни жиловлаш масалаларига бағишланганлиги сабабли, аввало, мавзу доирасида

тадқиқот олиб борган иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, мавзуни ўрганилганлик даражаси тадқик этилган.

Тадқиқот методологияси сифатида иқисодчи олимларнинг адабиётлари қиёсий таҳлил қилинган ва иқтисодий кўрсаткичларни аҳамиятлигини баҳолашда статистик фаразни текшириш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ушбу мақолада иқтисодчи олимларнинг инновацион ивестиция самарадорлигини оширишда инфляция, модернизация борасидаги фикр-мулоҳазалари кенг ўрганилган бўлиб, унинг бугунги кундаги аҳамияти хусусида тўхталсак.

Фикримизча, инновацион инвестицияни илмий жиҳатдан ўрганиш ва инвестиция назариясига асосан, иқтисодий тизимда асосий капиталга йўналтирилган маблағлар қуйидаги учта вазифани бажарадилар: биринчидан, асосий капитал сифатини яхшилайдилар ва иқтисодий ўсишни таъмин этадилар; иккинчидан, иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга оширадилар; учинчидан, илмий-техникавий ривожланиш натижаларини иқтисодиётга жалб этишни рағбатлантирадилар.

Дарҳақиқат, дастлабки йилда миллий иқтисодиётга киритилган инвестициялар ўзидан аввалги даврдаги капитал маблағларга нисбатан техник ва технологик жиҳатдан мукаммалроқ бўлган асбоб-ускуна, жиҳоз ва қурилмаларни иқтисодий тизимга жорий этади. Бу эса, миллий иқтисодиётдаги асосий капитал сифатини яхшилайди, уларнинг электр, ёқилғи ва материал сиғимдорлигини пасайтиради. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, иқтисодиётга киритилган инвестициялар миллий маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширади ва нисбатан юқорироқ қўшилган қиймат яратилишига имкон беради.

Хулоса ва таклифлар

Биз юқорида инвестиция ва инновация терминларини иқтисодий категория сифатида ўрганиб, уни олимлар томонидан турлича талқини асосида ўрганиб чиқдик. Юқоридаги таърифлар ва бошқа иқтисодий адабиётлар таҳлили натижаларига таянган ҳолда иқтисодиётнинг муҳим вазифаларидан – бу макроиқтисодий мутаносибликни таъминлашда инновацион инвестиция фаол тадбиркорликнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланишидадир.

Бугунги кунда Республикамизда ички инвестицияларни жалб қилишдаги муаммолар қуйидагиларда ўз аксини топмоқда:

– инвестицион лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларининг чуқур олиб борилмаслиги ва бу лойиҳанинг келгусидаги пул оқимлари ҳаракатининг барқарорлигига ҳамда кредитни қайтариш манбасининг ишончлилигига салбий таъсир этиши;

– молиявий рискнинг аниқ баҳоланиши уни бошқариш жараёнидаги муаммоларни комплекс тарзда ҳал этиш имконини беради. Шу нуқтаи назардан молиявий рискларни баҳолашнинг концептуал ёндашувларини шакллантириш иқтисодиёт субъектлари, хусусан, сугурта ташкилотлари фаолиятидан (молиявий операцияларидан) кутган натижалари самарали бўлишига таъсир этади;

– тижорат банкларининг кредит-молия муассасаларига хос бўлмаган вазифаларни бажариши. Кўп ҳолларда банклар назорат қилувчи ва кузатувчи органлар сифатида ҳаракат қилмоқда ва бу ҳол инвестицион лойиҳалар ташаббускорларининг банк тизими билан муносабатига салбий таъсир кўрсатади;

– инвестицион лойиҳалар ташаббускорларининг кредитга қобиллигини баҳолаш ишларининг, айрим ҳолатларда, холисона ўтказилмаслиги.

Бизнинг фикримизча, Республикамизда иқтисодиёт тармоқларига инвестиция жалб қилиш кўламини кенгайтириш ҳисобига тармоқ ва корхоналарнинг инновацион фаоллигини ошириш бўйича қуйидаги тавсияларни берамиз. Яъни, мамлакатимиз реал секторларида хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Таҳлиллар кўрсатадики, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишда қуйидаги бир қатор омиллар тўсқинлик қилмоқда:

– хорижий инвестицияни жалб этувчи корхоналарнинг ташқи бозорга чиқишда инфляцияни ҳисобга олган ҳолда таргитлаш йўқлиги, етарли билим ва тажрибага эга эмаслиги, халқаро бозордаги мавқеининг пастлиги;

– инвестиция жараёнида иштирокчи томонларнинг ўзаро бир-бирлари тўғрисида етарли маълумотга эга эмасликлари ёки бу маълумотларнинг доимо ҳам тўлиқ ва ишончли бўлавермаслиги ва ҳ. к.

Бу каби муаммо ва тўсқинликларни бартараф этиш учун бизнинг фикримизча, қуйидаги чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– халқаро майдонда мамлакатимиздаги инвестиция муҳити, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқ, компания ва ташкилотларининг инвестицион имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни кенг тарғиб этиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тасдиқлаш каби тадбирларни кучайтириш;

– эксперт баҳолаш методини молиявий риск даражасини аниқлаш ва инфляция даражасини баҳолашда қўллаш орқали мантиқий, макроиқтисодий статистик методлар мажмуасини, экспертларнинг мувофиқлаштирилган ҳаракатлари замирида баҳолашнинг ишончлилиги кафолатланганда, муайян қарорни қабул қилиш ҳамда уни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни қайта ишлаш юзасидан экспертлар фаолияти

билан боғлиқ тартиблар тизимли бажарилиши муҳим ҳисобланади;

– мамлакатимиздаги бозор ахборот хизматини ривожлантириш, маркетинг хизмати фаолиятини ва ташқи иқтисодий қонунчиликни фаоллаштириш;

– инвестицияларнинг дисконтланган қоплаш муддатини топиш учун жорий қийматларни ҳисоблашда дисконт даражаларини белгилашда таклиф этилган усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

2. Ш. М. Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологиялар йилида» амалга оширишга оид Давлат дастури. ПФ-5308-сон Фармони.

3. «Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3437-сон Президент қарори, 18 декабрь 2017 йил.

4. Вахабов А. В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н. Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», 2010. – Б. 153.

5. Б. А. Бегалов, Б. А. Ғойибназаров, О. А. Қутлиев, С. С. Гулямов, А. Ж. Сиддиқов, Қ. Х. Жумаев, Х. Хужакулов, З. ҳамраев, Ғ. Б. Эрназаров, Ф. У. Умаров. Миллий иқтисодиёт-

даги таркибий ва тузилмавий ўзгаришларнинг тизимли таҳлили. Монография. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. –Т.: ЎзР ДСҚ Статистик материаллар тарқатишни техник қўллаб-қувватлаш шўъбаси, 2018. – 269 б.

6. Б. К. Ғойибназаров. Статистика фаолиятида ислоҳотларни амалга оширишда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш устуворлиги. bilim. stat. uz. 2018 йил.

7. Баймуратов Т.М., Баймуратова Г. Т. Суғурта ташкилотлари молиявий рискларини баҳолаш: концептуал ёндашувлар ва тизимлилик. Молия ва банк иши электрон илмий журнали. III-сон. май – июнь, 2020 йил.

8. А. Ж. Сиддиқов. Ўзбекистон тараққиётида инвестицияларнинг роли ва уларни жалб этиш жозибадорлиги. bilim. stat. uz. 2018 йил.

9. Ш. Мустафақулов. «Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги докторлик диссертация иши автореферати. Тошкент. 2017 й.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010-2019 йиллардаги «Йиллик статистик» тўплам маълумотлари 2020 й.

Б.А. Мақсудов,
ТМИ Банк иши кафедраси ассистенти

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ БАРҚАРОР РЕСУРСЛАР ҲисобИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ

Аннотация. Ўзбекистон тижорат банклари кредитлаш амалиётида ҳам ечимини кутаётган долзарб масалалар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари сифатида жами кредитларнинг 60 фоизга яқини имтиёзли кредитлар улушига тўғри келиши, банк хизматлари, хусусан, кредитлаш амалиёти бўйича аҳолининг саводхонлик даражасининг пастлиги, тижорат банкларида кредитлаш амалиётининг мураккаблиги ва ҳужжатларни кўриб чиқиш муддатларининг чўзилиб кетиши, банклар капитали таркибида давлат улушининг юқори даражада сақланиб қолаётганлигини кўришимиз мумкин.

Калит сўзлар: актив, пассив, кредит, ресурс, депозит, кредит рисклари, муаммоли кредитлар.

Мамлакатимиз қонун ҳужжатларида ҳам кредит тушунчаси келтирилмаган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 41-боби «Қарз ва кредит» деб номланади. Бироқ у ерда қарз ва кредит нима экани ҳақида аниқ таърифлар йўқ. Сўз қарз шартномаси ва кредит шартномаси ҳақида боради холос. Бунда Фуқаролик кодексида «банк кредити» тушунчаси умуман келтирилмайди, фақат 748-моддасида тижорат кредити ажратиб кўрсатилади [1].

Айни вақтда барча адабиёт манбаларида, банк йўриқномаларида ва низомларида «ссуда» ва «кредит» тушунчалари синонимлар сифатида қўлланилган. Бизнингча, ссуда иқтисодий категория сифатида кредитнинг қиймат ифодасидир.

Кредитнинг бундай таърифларида ҳам унинг моҳиятининг муайян жиҳатини ифодаловчи устунлик, ҳам камчиликлар бор, чунки кредитнинг батафсил таърифини келтирмайди.

Тижорат банкида кредит муносабатларининг моҳияти банк томонидан кредит бериш принциплари билан таърифланади. Қуйидагилар унинг энг муҳимлари ҳисобланади: қайтариш, тўловлилик, таъминланганлик, мақсадлилик, кредитлар ва қарз олувчиларга алоҳида ёндашув.


Банк кредитини операциялар, хизматлар, маҳсулот сифатида таърифлаш кейинги жиддий масаладир.

Кредит маҳсулоти – банк томонидан кредит хизматларини кўрсатиш усули бўлиб, мижозга хизмат кўрсатиш бўйича бир-бири билан боғлиқ тартиб-таомиллар (технологик, ахборот ва шу кабилар) мажмуини ўз ичига олади. Кредит маҳсулотлари инновацион банк технологияларини ўз ичига олади [2].

Кредит муносабатлари – замонавий иқтисодий фаолиятнинг энг муҳим жиҳатидир. Кредитлашнинг самарали тизими ишлаб чиқариш ва умуман ижтимоий-иқтисодий жараёнларни муваффақиятли ривожлантириш гаровидир [3].

Кредитлашнинг ҳозирги тизимида режалаштиришга етарлича эътибор бермаслик унинг самарадорлигини пасайтиради, шу сабабли назарий нуқтаи назардан биринчи навбатда кредитлаш тизими мавжуд бўлиши учун зарур бўлган элементлар таркибини аниқлаб олиш керак. Бу бошқа тушунчаларга ҳам тааллуқлидир.


Тадқиқ этилган мавзу бўйича иқтисодий адабиётлар таҳлили бизга кредитлаш тизими элементларини ажратиб олиш ва қуйидаги гуруҳларга бўлиш имконини берди (1-расм):



1-расм. Банк томонидан кредит бериш тизими элементларининг блок-схемаси (муаллиф томонидан тузилган)

Кредитлаш тизимининг кўриб чиқилган элементлари унинг моҳияти доирасида барқарор ва ажралмасдир. Уларнинг бирлигига путур етказишга уриниш бутун тизимни бузиб юборади, унга путур етказади ва банк ссудалари қайтарилишига зарар етказиши мумкин. Ушбу элементлар бир-бирини тўлдириб турсагина банк муваффақиятга эришади, кредит битими ишончлилиги ошади. Бунда тизим барқарорлиги ва ташқи муҳит ўзгаришига мослашиш қобилияти билан ифодаланади. Шунинг учун кредитлаш тизими элементлари ривожланиш босқичида бўлган яхлит нарсани акс эттиради.

Жисмоний шахсларга қайта тикланадиган кредитларнинг яна бир тури – *овердрафт*. Ушбу кредит шакли Қўшма Штатларда жуда кенг тарқалмаган.



2-расм. Тижорат банклари активлари ва кредитларининг ўсиш динамикаси, млрд. сўм [4].

Мамлакатимиз банклари активлари ва улар томонидан берилган кредитлар динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, охирги ўн икки йил мобайнида кредитлаш ҳажми 35 мартага ошган. 2008 йилда 4, 8 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб 167, 4 трлн. сўмга қадар етган. Бунинг асосий сабаби банк активларининг ўсиши ҳисобланади. Мазкур даврда банк активлари 23, 6 мартага ёки 2008 йилда 9 трлн. сўмдан 2019 йилда 214, 3 трлн. сўмга қадар ошган. Банк кредитларининг жадал суръатлар билан ўсиши мамлакат иқтисодиётини ўсишда муҳим аҳамият касб этди. Шу билан бирга банклар томонидан берилган кредитларнинг сифати ҳам охирги йилларда ижобий томонга ўзгарди.

Қолаверса, 2017 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб миллий валюта алмашув курсининг бозор механизмлари асосида белгиланишига ўтилиши ва миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан девальвация қилиниши ҳам ўз таъсирини ўтказди.

1-жадвал

Тижорат банклари активларининг таркиби, млрд. сўм [5]

Кўрсаткичлар номи	01. 01. 2017 й.		01. 01. 2018 й.		01. 01. 2019 й.	
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда
Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари	1 336	1, 60%	4 841	2, 90%	5 269	2, 50%
Марказий банкдаги маблағлар	11 958	14, 20%	14 909	8, 90%	11 429	5, 30%
Бошқа банклардаги маблағлар-резидент	4 281	5, 10%	6 713	4, 00%	6 374	3, 00%
Бошқа банклардаги маблағлар-норезидент	6 588	7, 80%	18 347	11, 00%	13 545	6, 30%
Инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар	1 492	1, 80%	1 649	1, 00%	2 277	1, 10%
Мижозларнинг молиявий инструментлар бўйича мажбуриятлари	1 129	1, 30%	2 466	1, 50%	1 879	0, 90%
Кредит қўйилмалари, (соф)	52 045	61, 90%	108 467	65, 10%	164 670	76, 80%
Асосий воситалар, (соф)	1 794	2, 10%	2 335	1, 40%	3 488	1, 60%
Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар	593	0, 70%	1 413	0, 80%	2 842	1, 30%
Банкнинг бошқа хусусий мулклари	386	0, 50%	298	0, 20%	230	0, 10%
Бошқа активлар	2 474	2, 90%	5 193	3, 10%	2 416	1, 10%
Жами активлар	**84 075**	**100, 00%**	**166 632**	**100, 00%**	**214 420**	**100%**

2017-2019 йилларда банк активлари ҳажми 255, 1 фоизга (2016 йилда – 29 фоиз, 2017 йилда–98, 2 фоиз, 2018 йилда-28, 7 фоиз) ўсиб, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 214, 4 трлн. сўмни ташкил этди.

Банк активлари таркибида банк кредитлари энг катта улушга эга бўлиб, унинг улуши кўриб чиқилаётган даврда мос равишда 61, 9 фоиз, 65, 10 фоиз ва 76, 8 фоизни ташкил этди. Мазкур давр мобайнида кредитлар суммаси 52 трлн. сўмдан 164, 7 трлн. сўмга қадар ошди.

Активлар таркибидаги кейинги асосий элемент бу бошқа банклардаги маблағлар ҳисобланади. У ўз навбатида 2 турга, яъни резидент ва норезидент банклардаги пул маблағларига бўлинади. Ушбу активлар суммасининг улуши жами активлардаги улуши 2018 йилда йил бошига нисбатан 5 фоизга камайган ва 1 декабрь ҳолатига 6, 3 фоизни ташкил этмоқда.

Марказий банкдаги маблағларнинг улуши 2019 йил 1 январда 2017 йил 1 январь ҳолатига нисбатан деярли 3 мартага камайган ва 5, 3 фоизни ташкил этган. Бунинг асосий сабаби 2018 йил 1 июндан бошлаб мажбурий захира нормативларидаги ўзгаришлар, яъни ставкаларнинг мижозлар кесимида ва ва муддати бўйича табақаланиши ҳисобланади.

2018 йил 1 октябрдан бошлаб қуйидагича қилиб белгиланган:

Миллий валютадаги мажбуриятлар бўйича:

– 2 йилдан ортиқ – 0 фоиз;

– 1 йилдан 2 йилгача – 2 фоиз;

– бошқа мажбуриятлар – 4 фоиз.

Чет эл валютадаги мажбуриятлар бўйича:

– 2 йилдан ортиқ – 0 фоиз;

– 1 йилдан 2 йилгача – 7 фоиз;

– бошқа мажбуриятлар – 14 фоиз[1].

Шу билан бирга нақд пул кўринишидаги активлар суммаси ва унинг улуши олдинги даврларга нисбатан бироз ортган ва 5242 млрд. сўм ёки 2, 5 фоизни ташкил этмоқда.

Банк томонидан кредитлаш тизими – кредитор ва қарз олувчи муносабатларининг ўзаро фойдалилигини ва тегишли равишда банк кредит фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга қодир элементлар мажмуи.

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти (http://cbu. uz/uzc/monetarnaya-politika/normativy-obyazatelnykh-rezervov/) маълумотлари асосида тайёрланди

Кредит жараёнини ташкил этиш ва кредит рискини бошқариш тизими кўп жиҳатдан банкдаги ахборот тизимига ва дастурий таъминот сифатига боғлиқ. Яқин вақтгача кредит жараёни инфратузилмаси самарадорлигини ошириш масалаларига тартибга солувчи органлар томонидан ҳам, бозор иштирокчилари томонидан ҳам етарлича эътибор берилмади. Кредитлашнинг тўлиқ инфратузилмасини шакллантириш – харажатлар, хавф-хатарлар ва даромад бўйича кредит портфелини мақбуллаштиришнинг муҳим шартларидан биридир. Шу туфайли барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда банк секторининг функционал ролини ошириш мақсадида инвестиция жараёнларини қонун ҳужжатлари билан қўллаб-қувватлаш, истеъмолни кредитлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, мамлакат бизнесини, шу жумладан, банк соҳасини ҳимоя қилишда давлатнинг фаол нуқтаи назари каби операциялар бозорлари инфратузилмасини яратиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 05. 04. 2002 й. № 360-II.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 2 мартдаги 905-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низоми // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи нашри. – Т.: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 326-332.

3. Лаврушин О. И. Банковское дело – М.: КНОРУС, 2006

4. www. cbu. uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида тайёрланди.

5. www. cbu. uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида тайёрланди.

И.Х. Абдурахмонов,
Тошкент молия институти
«Суғурта ва пенсия иши» кафедра мудири

СУҒУРТА СОҲАСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: Мақолада суғурта соҳасининг ижтимоий-иқтисодий механизм сифатидаги моҳияти ва унинг самарадорлигини баҳолашнинг мавжуд ёндашувлари таҳлил қилинган. Ҳозирги кунгача самардорликни баҳолаш бўйича ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги муаммонинг долзарблиги белгилайди. Суғуртанинг самарадорлигини аниқлаш нафақат алоҳида суғурта компанияси учун, балки суғурта соҳасининг мамлакат ва минтақа иқтисодиёти учун аҳамияти нуқтаи назаридан ҳам зарурдир.

Таянч сўз ва иборалар: суғурта, суғурта функциялари, суғурта самарадорлиги, суғурта соҳалари, суғуртанинг ижтимоий тамойиллари.

Суғуртанинг алоҳида тизим сифатида ишлаш самарадорлигини баҳолаш муаммоси қўплаб қизиқишларни ўйғотади. Замонавий иқтисодий фанда суғурта соҳаси ва унинг алоҳида тармоқларининг самарадорлигини баҳолашга турли хил қарашлар ва ёндашувлар шаклланган. Бугунги кунда сугуртанинг самарадорлиги ва уни баҳолашга бўлган ёндашувлар тўғрисида маҳаллий ва хорижий олимларнинг акс эттирадиган асосий тушунчалари ва ёндашувларини солиштирма таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Суғурта соҳаси самарадорлиги муаммоси ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиёти учун муҳим масаладир. Суғурта соҳаси фуқаролар ва корхоналарни рисклардан ҳимоя қилишга, шунингдек жамғарма ва инвестиция фондларини яратишга қаратилган ўзиниинг ижтимоий-иқтисодий функцияларини тўлиқ бажармаяпти.

Кўплаб замонавий тадқиқотлар суғурта компанияларининг баъзи жиҳатларини баҳолашга бағишланган муаммоларни қамраб олган (масалан сотиш сиёсатини ёки менежментини баҳолаш) ва қоидага кўра ушбу таҳлиллар микро иқтисодий ёндашувларни ҳам қамраб олади.

Баҳолаш усуллари ва кўрсаткичларини тузишда замонавий иқтисодий фанларда ривожланган суғурта самарадорлигини баҳолашнинг учта асосий йўналишини ажратиб кўрсатиш ва уларни янада чуқурроқ ўрганиш зарурдир (1-жадвал).

Бизнинг фикримизча, суғурта самарадорлигини баҳолаш усулларини макро ва микро даража мезонларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Бунинг сабаби, микро иқтисодий баҳолаш суғурта компаниясининг имкониятлари ва устуворликлари асосида, макро иқтисодий баҳолаш эса суғурта хизматининг жамият учун фойдалилиги нуқтаи назаридан белгаланади. Шунга кўра баҳолаш усуллари ва мезонлари фарқ қилади. Суғуртанинг микро даражада самарадорлигини баҳолаш йўналишларини икки ажратиш мумкин:

– Суғурта компаниясининг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш;

– Суғурта компаниясининг молиявий салоҳиятини баҳолаш;

Бунда асосий фарқ шундаки, иқтисодий салоҳиятни баҳолашда суғурта компаниясининг асосий фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичлар ҳисобга олинади (суғурта портфели,

тариф ставкаси, суғурта хизматларининг сифати ва бошқалар). Шу билан бирга, суғурта компанясининг молиявий салоҳияти молиявий ресурслари (ўз маблағлари ва суғурта резервлар) ва улардан фойдаланиш самарадорлиги билан баҳоланади.

1-жадвал

Суғурта самарадорлигини баҳолаш усуллари ва воситалари

Мирко даражада	Иқтисодий салоҳиятни баҳолаш	Баланслашган суғурта портфети; суғурта тарифи таркиби ва миқдори; суғурта хизматларининг сифати (шунингдек даъволарни кўриб чиқиш бўйича ҳам)
	Молиявий салоҳиятни баҳолаш	Ўз капиталининг миқдори ва динамикаси; суғурта резервларнинг таркиби; инвестициядан даромадлар ва унинг таркиби; сууғурта суммалари ва мукофотларнинг зарарлилик даражаси; рентабеллик кўрсаткичлари, бизнес фаолияти ва молиявий аҳволи
Макро даражада	Ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида	Суғурта функцияларини амалга ошириш: - Ҳимоя; -Жамғариш; -Инвестиция;- Огоҳлантириш;
	Иқтисодиёт соҳаси сифатида	Суғуртанинг қамровлиги ва зичлиги; инвестициялар ҳажми ва уларнинг диверсификацияси; ўртача рентабеллик
	Бозор механизми сифатида	Суғурта хизматларининг турлари ва уларнинг диверсификацияси; худудий бозорнинг мувозанати; рақобат даражаси; суғурта объектларининг қамровлиги; инфратузилманинг ривожланганлиги; суғуртанинг нархи

Иқтисодиёт инфратузилмасининг бир элементи сифатида суғурта соҳасининг самарадорлигини баҳолаш ҳам муҳим ҳисобланади. Иқтисодиётнинг бир тармоғи сифатида суғурта самарадорлигини баҳолашда суғуртанинг мамлакат ялпи ички

маҳсулотини яратишга қўшган ҳиссасини ҳисобга олиш зарур. Шу сабабли суғурта компанияларининг макроиқтисодий самарадорлигини акс эттирувчи қўйидаги кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

– Ялпи ички маҳсулотда суғуртанинг улуши, аҳоли жон бошига суғурта мукофотларининғ ҳажми ва динамикаси;

– суғурта соҳаси инвестицияларининғ ҳажми, уларнинг диверсификацияси ва рентабеллиги;

– соҳадаги ўртача рентабеллик ва бошқа шу каби кўрсаткичлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, суғуртани иқтисодиётнинг бир қисми сифатида баҳолаш суғурта соҳасининг ўсиши ва молиявий барқарорлиги нуқтаи назаридан жуда муҳимдир, сабаби бу бизга суғурта фаолиятининг қўлами, мамлакатда суғурта ҳимоясининг даражаси ва иқтисодиётнинг реал сектори учун суғуртанинг аҳамиятини баҳолашга имкон беради.

Суғурта субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг натижавийлиги ва сифати нуқтаи назаридан биз суғурта фаолиятиниинг самарадорлигини бозор механизми сифатида қўриб чиқишимиз мумкин, бундай ҳолда, унинг қўйидаги муҳим элементларини ҳисобга олиш керак бўлади:

– Ихтиёрий ва мажбурий суғуртанинг ўзаро нисбати;

– ҳудудий суғурта бозорлари мувозанати (мукофотлар ва тўловлар бўйича, суғурта хизматлари турлари ва қабул қилинган суғурта объектлари бўйича, суғурталанувчилар тоифалари бўйича);

– суғурта бозори инфратузилмаси ривожланиш даражаси ва бошқа бозор институтлари билан ўзаро муносабатлари. Бунга суғурта воситачилари, баҳоловчилар, актуарийлар, суғурта бозорини ҳуқуқий ва ахборот билан таъминланиши, банклар ва нобанк молия институтлари билан ўзаро муносабатлари киради;

– суғурта бозорида рақобат даражаси, бу суғурта компанияларининг сони ва улар концентрацияси орқали баҳоланади (ҳудудий миқёсда ҳам).

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, суғурта соҳасининг самарадорлигини ва бозорнинг ривожланишини баҳолашда тўпланган тажрибани умумлаштирган ҳолда, бизнинг фикримизча унинг самарадорлигини баҳолаш учун маълум аҳамиятга эга бўлган баъзи мезонларни ажратиб қўрсатиш муҳимдир.

Биринчидан, суғурта бозорининг миқдорий кўрсаткичлари, шунингдек асосий сегментлари бўйича, суғурта қамровлиги ва зичлиғи, сугурта қопламалари даражаси, ихтиёрий ва мажбурий суғуртанинг нисбати.

Иккинчидан, потенциал суғурта объектларини суғурта билан қамраб олиниши даражаси (аҳоли жон бошига, корхоналар сони ва бошқалар).

Учинчидан, суғурта компанияларининг инвестиция ва молиявий оқимларда иштироки, айниқса ҳудудларда.

Тўртинчидан, огоҳлантириш чора-тадбирларини ўтказишдаги фаоллик (суғурта компаниялари томонидан огоҳлантириш тадбирларига ажратилган маблағлар, фаолият юритаётган корхоналарнинг активлари орқали баҳоланади).

Бешинчидан, суғурта бозоридаги рақобат даражаси, бу суғурта тариф ставкалари уларнинг таркибини оптималлаштириш ва суғурта хизматлари сифатини яхшилишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Большунова Т. В. Критерии и показатели оценки социальной эффективности страхования // Вестник Тамбовского университета. Серия: гуманитарные науки. 2008. Вып. 10. С. 195–197.

2. Шарапова С. А. Оценка эффективности управления сбытовыми каналами страховой компании на рынке промышленного страхования // Вестник Московского городского педагогического университета. Серия: Экономика. 2014. № 1. С. 84–94.

3. Садков В.Г., Федякова Н.И. Системные основы развития страховых отношений и обоснование общественной эффективности системы страхования // Финансы и кредит. 2007. № 24. С. 43–52.

4. Рябченко А.В. Оценка эффективности страховых компаний. SFA-подход // Вестник Хабаровской государственной академии экономики и права. 2012. № 1. С. 97–106.

5. Афанасьев О.В. Развитие методических основ оценки эффективности страхования производственно-экологического риска // Электронный научный журнал «Нефтегазовое дело», 2007. http://www. ogbus. ru.

6. Барикаев Е.Н., Казиахмедов Г.М., Бойко М.В. Страхование как вид экономической деятельности в условиях современного предпринимательства. Вестник Московского университета МВД России. № 9 / 2015. – С. 243-247.

7. N. Apergisa, T. Poufinasb. The role of insurance growth in economic growth: Fresh evidence from a panel of OECD countries. North American Journal of Economics and Finance 53 (2020) 101217.

8. Ефимов О.Н. Страховое дело. Уфа, 2014. 176 с.

9. Сахирова Н.П. Страхование. М.: ТК Велби, 2007. 744 с.

10. Скамай Л.Г. Страхование: теория и практика. М.: Юрайт, 2016. 383 с.

11. Гвозденко А.А. Страхование. М.: Проспект, 2008. 464 с.

12. В.А. Шербаков, Е.В. Костяева. Страхование: учебное пособие. – М.: Кнорус, 2007, – 312 с.

13. Собиров Ҳ. Р. Суғурта: 100 савол ва жавоб. – Т.: «Меҳнат», 1998. – 160 б.

14. Балакина А.П., Бабленкова И.И. Финансы: Учебник. – М.: Издатель скоторговая корпорация «Дашков и К°», 2013. – 384 с

15. Быкова Н.Н. Сущность страхования и механизм реализации имущественного страхования на современном этапе // журнал Вестник НГИЭИ. 2016/ №2. С. 139-144.

И.С. Мусахонзода,
ТДИУ катта ўқитувчиси

МОЛИЯВИЙ-ТРАНСАКЦИОН ХАРАЖАТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР, УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада молиявий-трансакцион харажатлар, корхона молиявий натижалари самарадорлиги ҳолатининг таъсирини таҳлили ёритилган. Ушбу кўрсаткичлар тизимида рентабеллик марказий ўринга эга бўлиб, фаолият самарадорлигининг сифат ва миқдор жиҳатларини ифодалайди

Калит сўзлар: фаолият натижавийлиги, молиявий – трансакцион харажатлар, соф молиявий натижа, фойдани максималлаштириш, мехнат унумдорлиги, фойда, рентабеллик кўрсаткичи, соф тушум, ялпи фойда, молиявий фаолият фойдаси, самарадорликнинг ўзгариши, хусусий капитал.

Кириш.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш»[1] каби устувор вазифа белгиланган. Ушбу вазифанинг самарали ижросини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

таъминлаш реал секторда фаолият юритувчи корхоналарда молиявий натижаларни самарали бошқаришнинг принципал жиҳатдан такомиллашган механизмини жорий қилишни тақозо қилади.

Корхоналар томонидан амалга ошириладиган деярли барча молиявий

операциялар пул маблағларининг тушуми ва сарфланиши каби умумлашган кщрсаткичда ифодаланади. Вақтнинг маълум моментида корхоналар капитали барқарор қийматга эга бўлиб, ўзгарувчан бозор шароитидаги турли омиллар таъсирида уларнинг қиймати тебраниб туради. Хўжалик субъектлари капиталга таъсир этувчи бундай эндоген ва экзоген омилларни негатив таъсирини нейтраллаштиришга ҳамда фойдани максималлаштириш мақсадида пул оқимларини самарали тақсимлаш механизмини ишлаб чиқишга ҳаракат қиладилар. Ушбу пул оқимларига таъсир этувчи омиллардан бири замонавий шароитларда «Трансакцион харажатлар» ҳисобланади. Трансакцион харажатларни мазмун ва моҳиятини аниқлашдан олдин «Трансакция» тушунчаси феноменига аниқлик киритиб олишиз мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар шарҳи.

Трансакция феномени таниқли иқтисодчи Ж. Коммонсом томонидан иқтисодий муомалага киритилган бўлиб, унинг тарифигакўра, Трансакция–бутовараламашинувижараёниэмас, балки жамият томонидан яратилган мулк ҳуқуқи ва эркинликни ажратиб олиш ва эгалик қилишдир. Демак, трансакция маълум мулк ҳуқуларга эгалик қилиш мақсадида, уни ўтказиш жараёнидир. Иқтисодчи Карл Менгер ўзининг «Сиёсий иқтисоднинг асосланиши» номли асарида трансакцияларга анилик кириб, трансакция – бу субъектлар ўзаро фаолият

ҳаракати мобайнидаги иқтисодий қурбонлик (йўқотиш) ёки харажатлар эканлигини таъкидлайди[1]. Иқтисодий қурбонлик (йўқотиш) ёки харажатлар сифатида почта йиғимлари, авария оқибатларини тугатиш харажатлари, кредит маблағарига эгалик қилиш, патентлар олиш юридик актлар, комиссион тўловлар, пул айланишидаги сарф харажатларни назарда тутади[2]. Иқтисодчи Р. Коуз ўзининг «Фирмалар табиати» номли асарида илмий-иқтисодий муоамалага «Трансакцион харажатлар» тушунчасини киритган. Унинг таъкидлашича, трансакцион харажатлар-бозор механизмидан фойдаланиш бўйича сарф-харажатлар ҳисобланади[3].

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишини бажаришда кузатиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, назарий ва амалий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш асосида молиявий натижалар тушунчасига аниқлик киритиш, молиявий диагностикада молиявий натижаларни тадбиркорлик субъектлари қийматига таъсир этиши, ҳисоб, молиявий диагностика ва молиявий бошқарувнинг миллий ва халқаро тажрибалар асосидаги ўзаро уйғунлашган тараққиётини таъминлашга қаратилган хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Демак, трансакцион харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва с уни сотиш жараёнида ҳамда мулк ҳуқуқини ҳимоялаш жараёнида иқтисодий агентлар ўртасидаги ўзаро фаолият бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳғисобланади. Ҳозирги шароитда амалга оширилаётган ислоҳотларда транакцион харажатлар хўжалик субъектлари

[1] Coase R.H. The firm, the market and the law. Chicago, 1988, P. 188

[2] Менгер К. Основания политической экономии / Австрийская школа в политической экономии: Менгер К., Бем-Баверк Е., Визер Ф.. – М., 1992. С. 161

[3] Coase R. H. The firm, the market and the law. Chicago, 1988, P. 188

молиявий натижаларини шаклланишига таъсир этувчи асосий омиллардан бир бўлмоқда. Бу бир томондан маҳсулот ишлаб чяиқариш, сотиш жараёнига кўрсатилаётган хизматлар нархи билан бевосита боғлиқ бўлмоқда.

Трансакцион харажатлар ўзига хос иқтисодий табиатга эга бўлса-да, фақатгина бошқарув ҳисоби тизимида инобатга олинади. Замонавий шароитларда ушбу туркум харажатлар мулкчиликнинг турли шаклларидаги хўжалик субъектлари молиявий натижаларига таъсир этувчи харажатлар ҳисобланади.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида хўжалик субъектлари молиявий натижаларини шаклланиш самарадорлигига таъсир этувчи бир қатор муаммолар аниқланиб ва уларни бартараф қилиш бўйича қуйидаги таклифлар келтирилади.

1-муаммо. Хорижий давлатлардан замонавий техника ва технологияларни импорт қилган ҳолда ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган тадбиркорлик субъектлари учун кредит ажратилиши жараёнида тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун комиссион тўловлар қийматининг юқори даражада қолмоқда.

Бугунги кунда тижорат банкларида қўлланилаётган комиссион тўловларнинг ўртача ставкаларини таҳлил қиладиган бўлсак:

– кредит комиссияси томонидан ҳужжатлар кўриб чиқилиши учун кредит суммасининг 1, 0 – 2, 0 фоизи миқдорида комиссион тўлов тўланади;

– гаров объекти эркин баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳоланиши учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробаридан 5 баробаригача миқдорда тўловлар тўланади;

– кредит ҳужжатларини нотариал тартибда тасдиқлатиш учун нотариуслар томонидан ўртача300, 0 – 400, 0 минг сўм атрофида божлар ундирилади.

– гаров таъминотини суғурталашда олдиндан кредит муддатининг ҳар бир йили учун гаров сифатида автотранспорт воситаси кўрсатилса – гаровнинг 1, 5 фоизи, бино-иншоотлар кўрсатилса – 0, 1 фоиз ва ускуналар кўрсатилса – 0, 1 фоиз миқдоридаги тўловлар суғурта учун тўланади. Ишлаб чиқариш фаолиятини янги бошлаётган тадбиркорлик субъектларида фаолиятининг бошида бино ёки ускуналарнинг мавжуд бўлмаслигини инобатга олсак, одатда гаров таъминоти сифатида автотранспорт воситаси кўрсатилади;

– маблағлар конвертация қилинганлиги учун – конвертация қилинган хорижий валютадаги сумманинг 2, 0 фоизининг давлат курсидаги қийматида комиссион тўлов тўланади;

– банкда аккредитив очиш учун – аккредитив очилган муддатга қараб комиссион тўлов тўланади. Хорижий давлатларда олдиндан аванс тўловлари олмасдан туриб, одатда берилган буюртма бўйича ишлаб чиқаришни бошламайди. Хорижий давлатларамалиётида ишлаб чиқарувчиларга шартнома тузилган ускуналар бўйича аккредитив очилганлиги тўғрисидаги маълумотнома етиб боргандан кейингина буюртма расман қабул қилинган ҳисобланиб, шартномада белгиланган ускуналар ишлаб чиқарилиши бошланишини ҳисобга олганда тадбиркорларда доимий равишда узоқ муддатларга аккредитив очиш зарурати бўлади.

Таклиф: Тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаган ҳолда банк тизимидаги комиссион тўловларни оптималлаштириш масаласини кўриб чиқиш лозим.

2-муаммо. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурлари самарадорлигини ошириш, хусусан, Дастурларга киритилган лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда ишга тушиши, янги ишчи ўринлари яратилиши ва кейинчалик ҳисоботларда ҳажм кўрсатилишини таъминлаш

мақсадида Дастурлар ижросида қатнашадиган субъектлар (ҳокимият, банк, лойиҳа ташаббускори, идора ва ташкилотлар) ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи низомнинг мавжуд эмаслиги.

Таклиф: Дастурга лойиҳаларни киритиш бўйича қўйиладиган талаблар, тақдим қилинадиган имтиёзларнинг мазмуни ва ҳудуд иқтисодиёти учун самарадорлигини инобатга олган ҳолда ҳар бир лойиҳа учун имтиёзнинг алоҳида белгиланиш шартлари, Дастурларга киритилган лойиҳалар бўйича бугунги кунда амалда бўлган тармоқ жадваллари ўрнига бизнес режа хусусиятига эга бўлган кўп томонлама шартномалар тузиш ва бу шартномаларда барча жараёнларнинг тўла миқёсда қамраб олиниши (тижорат банки кредитининг миқдори, фоиз ставкаси, имтиёзли даври, гаров масаласи кабилар), янги лойиҳаларни Дастурга киритишнинг доимий равишда мумкинлиги (ишчи комиссия қарори билан), шунингдек Дастур ижросида иштирок этувчи субъектларнинг масъулияти ва жавобгарлиги кабилар белгилаб қўйилган низом ишлаб чиқиш лозим.

5. Хулоса

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак харажатларни самарали бошқаришда «Ишлаб чиқариш имкониятларига асосланган» режалаштириш тизимига ўтиш мақадга мувофиқдир. Оператив бошқарув тизимини самарали ташқил этиш мақсадида молиявий режалаштиришда бюджетлаштириш амалиёти қатор афзалликларга эга бўлиб, бюжетлаштириш асосан прогнозлаштириш ва режалаштириш технологиясининг қарорлар қабул қилувчи учун зарурий ахборотларни шакллантиишнинг нисбатан мукаммаллигини билан изоҳланиши ишда асосланди.

Юқорида келтирилган муаммолардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин. Тадбиркорлик субъектлари

манфаатларини кўзлаган ҳолда банк тизимидаги комиссион тўловларни оптималлаштириш масаласини кўриб чиқиш лозим. Замонавий иқтисодий адабиётда сарф-харажатларни бошқаришда бир қатор концепциялар мавжуд. Ушбу концепциялардаги ёндашувлар бир хил эмас. Баъзи концепциялар харажатларнинг ҳисоб тавсифларига асосланади ҳамда сарф-харажатларни бошқаришнинг бухгалтерлик жиҳатига даҳлдор ҳисобланади. Бошқа концепциялар сарф-харажатларни фақат ҳисоб соҳасида эмас, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам бошқариш объекти сифатида кўриб чиқади.

Ушбу харажатларни минималлаштириштириш хўжалик субъектлари харажатларини камайтириш орқали уларнинг соф молиявий натижаларини максималлаштириш имкониятларини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

2. Coase R. H. The firm, the market and the law. Chicago, 1988, P. 188.

3. Менгер К. Основания политической экономии / Австрийская школа в политической экономии: Менгер К., Бем-Баверк Е., Визер Ф.. – М., 1992. С. 161.

4. Coase R. H. The firm, the market and the law. Chicago, 1988, P. 188.

5. Ален Бейтон, Антуан Казорла, Кристин Долло, Анн Мари Дре. 25 ключевых книг по экономике. – Челябинск: Урал LTD, 1999. – С. 514-538.

6. Вагазова Г.Р., Лукьянова Е.С. Сущность финансовых результатов деятельности предприятия // Молодой ученый. – 2015. – №11. 3. – С. 13-15.

7. Гусева Л.И., Порицкий А.В. Анализ в управлении финансовым результатом предприятия. Новосибирск: Новосибирский государственный технический университет, 2014. С. 152–153.

8. Козлова, Е.П. Бухгалтерский учет / Е.П. Козлова, Н. В. Парашутин, Т.Н. Бабченко, и др. – М.: Финансы и статистика, **2015**. – 464 с.

9. Крылов Э. И., Власова В. М. Анализ финансовых результатов предприятия: учеб. пособие / ГУАП. – СПб., 2016. – 256 (4 страница) с.

10. Савицкая Г.В. С. Анализ хозяйственной деятельности предприятия: Учеб. пособие / Г.В. Савицкая. – 7-е изд., испр. – Мн.: Новое знание, 2002. – с. 386 (704 с.).

11. Тулаев У. Молиявий натижаларни шакллантиришнинг назарий, меъёрий ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш // http://www. biznes-daily. uz.

12. Хайрулин, А. Г. Управление финансовыми результатами деятельности организации // Экономический анализ: теория и практика. 2006. № 10.

13. Кравченко Л. И. Анализ хозяйственной деятельности в торговле. -М.: Новое знание, 2011.

Қ.Ш. Пўлатов,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети, таянч докторанти

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЧАКАНА КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётини такомиллаштириш аҳолининг чакана кредитлардан фойдаланиш даражасини ошириш имконини беради. Бу эса, аҳолининг турмуш даражасини оширишда муҳим ўрин тутади ва иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришга хизмат қилади.

Мақолада Республикамиз тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, чакана кредит, фоиз ставкаси;қайта молиялаш ставкаси, даромад, субсидия, инфляция, девальвация, тўловга қобиллик.

Кириш

Тижорат банкларининг чакана кредитлари аҳолининг ижтимоий мазмунга эга бўлган харажатларини ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу сабабли, 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясидакредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга оши-

риш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, етарли даражада хизмат кўрсатилмаётган ва заиф қатламларда давлат иштирокини кучайтириш ва манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли ва кичик бизнес учун масофавий хизматларни кенг жорий қилиш, камхарж хизмат кўрсатиш нуқталари тармоғини ривожлантириш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган[1]. Бу эса, тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган молиявий хизматларнинг ҳажми ва сифатини ошириш заруриятини юзага келтиради. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини, шу жумладан, чакана кредитлаш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.

Ж. Синкининг хулосасига кўра, тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётини такомиллаштиришда кредитли таҳлил, кредит олувчининг кредитлашдаги иштироки, берилган кредитларни қайта таркиблаш, субпрайм кредитлаш муҳим ўрин тутади [2].

Аммо, Ж. Синки тижорат банкларининг ликвидлилигини чакана кредитлаш амалиётидаги ролини инобатга олмаган.

О. Лаврушиннинг фикрига кўра, аҳоли кредит олувчи бўлиб иштирок этадиган кредит муносабати истеъмол кредитининг мазмунини ташкил этади ва истеъмол кредити савдо корхоналари томонидан товарларни тўловини кечиктириб сотишда, банклар томонидан истеъмол товарларини сотиб олиш учун ссуда беришда, шахсий мазмунга эга бўлган харажатлар бўйича тўловларни амалга оширишда намоён бўлади [3].

А. Г. Грязнова истеъмол кредитини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари томонидан аҳолига истеъмол товар-

лари сотиб олиш учун, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш учун бериладиган кредит шаклида ва маиший хизматларнинг тўловини кечиктирилган шакли сифатида қарайди [4].

АҚШ Федерал захира тизими истеъмол кредитини жисмоний шахсларнинг молия муассасалари, чакана савдо муассасалари ва бошқа дистрибьютерлар олдидаги товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун берилган ссудалар бўйича қарздорлиги сифатида қарайди [5].

В. Поляков томонидан чакана кредитларга хос бўлган қуйидаги хусусиятлар кўрсатилган:

*кўп сонли кичик битимларни амалга оширилиши;

*ички бўлинмаларнинг кенг тармоғини мавжудлиги;

*банк маҳсулоти ва уни сотишнинг умумлашган кўриниши;

*банк маҳсулотининг маълум ассортиментга ва сотиш шартларига эга эканлиги [6].

Е. Литвинованинг фикрига кўра, чакана кредитни кўриб чиқишда нафақат унинг истеъмол хусусиятини (жисмоний шахснинг жорий эҳтиёжларини қондириш мақсадида берилиши), балки шахснинг ривожланиш инструменти сифатидаги хусусиятини ҳам инобатга олиш лозим [7].

Ҳақиқатдан ҳам, чакана кредитлар шахсни камол топишида катта аҳамият касб этади. Масалан, таълим кредити бўлмаса кўплаб ёшлар ўқиш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин эди.

Ш. Азимованинг хулосасига кўра, жисмоний шахсларга тақдим этиладиган кредитлар ҳажмини кенгайтириш йўли билан тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасини ошириш зарур [8].

Муҳокама

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг замонавий босқичида тижорат банклари томонидан бериладиган чакана кредитлар ва чакана кредитлаш жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишнинг зарурий шартларидан бири сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ:

– Фармонга асосан ипотека кредити орқали бирламчи уй-жой бозорида квартираларни сотиб олиш ҳамда якка тартибдаги уй-жойни қуриш ва реконструкция қилиш учун бошланғич бадал миқдори 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланди;

– Молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан ипотека кредитлари 6 ойлик имтиёзли давр билан 20 йил муддатга ажратилади;

– дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдорида шаҳар ва қишлоқ жойларда субсидиялар ажратилади;

– фуқаролар ўзларининг хоҳишига кўра ипотека кредити бўйича тўловларни аннуитет ёки дифференциал усулида амалга оширади;

– жисмоний шахсларга якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун ипотека кредитлари ажратилади;

– улушдор жисмоний шахсларга берилган ипотека кредитлари Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган ресурс маблағлари ҳисобидан қайта молиялаштирилади;

– маҳаллий ҳокимликлар томонидан 1000 та квартира сотиб олинади ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ижарага берилади[9].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сон «Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан, якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун кредитлар:

*кредитлар Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятда 500 та, жами 6 500 та якка тартибдаги уй-жойни қуриш (реконструкция қилиш) учун ажратилади;

*кредитлар дастлабки бадал 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда, 6 ойлик имтиёзли давр билан 20 йил муддатга ажратилади;

*кредитлар қурилиш материалларини сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойни қуриш (реконструкция қилиш) ишларини амалга ошириш бўйича харажатларни қоплашга берилади. Бунда, қурилиш ишлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қарз олувчининг ўз кучи билан, хусусий пудрат ташкилотларини ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчиларни жалб этган ҳолда амалга оширилиши мумкин;

*кредитлар бўйича таъминот сифатида жисмоний шахсларга тегишли бўлган якка тартибдаги уй-жой гарови ёки бошқа таъминот турлари тақдим этилади;

*агар қарз олувчи томонидан кредит олиш вақтида бошқа таъминот тури тақдим этилган бўлса, якка тартибдаги уй-жой қурилиши (реконструкция қилиниши) якунланиб кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилганидан сўнг, кредит бўйича таъминот ушбу уй-жойнинг ипотекасига алмаштирилади;

*даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларга якка тартибдаги уй-жойларга ажратилган ипотека кредитлари бўйича дастлабки беш йил мобайнида фоиз ставкасининг 10 фоизлик пунктдан ошган қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилади;

*субсидиялар қурилган (реконструкция қилинган) якка тартибдаги уй-жойнинг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган ойнинг кейинги ойидан бошлаб тўланади[10].

2021 йил I чорагида янги тартиб доирасида 3 698 нафар фуқароларга жами 787, 4 млрд. сўм миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилди. Ипотека кредитларининг 375, 2 млрд. сўми (47, 6 фоизи) 1 ва 2 хонали квартира, 412, 2 млрд. сўми эса (52, 3 фоизи) 3 ва ундан кўп хонали квартираларни сотиб олиш учун берилди [11].

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан аҳоли берилган чакана кредитларнинг миқдори ва динамикаси [12]

	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2020 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши
Чакана кредитлар – жами, трлн. сўм	24, 4	39, 9	54, 9	2, 3 марта
Шу жумладан:				
ипотека кредитлари, трлн. сўм	4, 6	7, 9	9, 1	197, 8 %
истемол кредитлари, трлн. сўм	7, 6	11, 1	13, 3	175, 0 %

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан аҳолига берилган чакана кредитларнинг умумий миқдори ҳамда ипотека ва истеъмол кредитларининг миқдори 2018-2020 йиллар-

да ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, аҳолининг чакана кредитларга бўлган талабини ошиб бораётганлиги билан ва тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланаётганлиги билан изоҳланади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Республикамиз тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётини такомиллаштириш борасида бир қатор муаммолар мавжуд. Ана шундай муаммолардан бири – бу инфляция даражасини ва тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг фоиз ставкаларини юқори эканлиги ҳисобланади.

Қуйидаги расм маълумотлари орқали инфляция даражасига ва тижорат банклари кредитларининг фоизига баҳо берамиз.


2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида инфляциянинг йиллик даражаси ва тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси, фоизда [13]

	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Инфляция даражаси	14, 3	15, 2	11, 1
Кредитларнинг ўртача фоиз ставкаси	21, 1	23, 7	22, 3

2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида 2018-2020 йилларда инфляция даражаси юқори бўлган. Бу эса, тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг фоиз ставкаларини юқори бўлишига сабаб бўлган.

Шунингдек, миллий валюта – сўмнинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги тижорат банкларининг чакаан кредитлаш амалиётига салбий таъсир кўрсатмоқда.



1-расм. Миллий валюта-сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси, сўм [14].

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, 2015-2020 йилларда миллий валюта-сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиш суръати юқори бўлган. Бу эса, аҳоли даромадларининг реал қийматини пасайишига олиб келади ва шунинг асосида банкларнинг чакана кредитлаш амалиётига салбий таъсир кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар

Тижорат банклари томонидан бериладиган чакана кредитлар ҳажмини ошириш ва чакана кредитлаш жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Республика тижорат банклари томонидан аҳолига берилган чакана кредитларнинг умумий миқдори ҳамда ипотека ва истеъмол кредитларининг миқдорини 2018-2020 йилларда

ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги аҳолининг чакана кредитларга бўлган талабини ошиб бораётганлиги билан ва тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланаётганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасида 2018-2020 йилларда инфляция даражаси юқори бўлганлиги тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг фоиз ставкаларини юқори бўлишига сабаб бўлди.

2015-2020 йилларда миллий валюта-сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиш суръати юқори бўлганлиги аҳоли даромадларининг реал қийматини пасайишига олиб келди ва натижада, банкларнинг чакана кредитлаш амалиётига салбий таъсир кўрсатди.

Фикримизча, тижорат банкларининг чакана кредитлаш амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

1. Ўзбекистон Республикасида инфляцион таргетлаш режимига ўтилаётганлиги ва бунинг учун жавобгарликни Марказий банкка ва Ҳукуматга юкланганлигини ҳисобга олиб, биринчидан, чакана кредитларнинг фоиз ставкасини белгилашда инфляциянинг йиллик даражасини 5 фоиздан ошмайдиган қисми базавий даража сифатида инобатга олиниши лозим; иккинчидан, инфляциянинг 5 фоиздан ортган қисми миқдорида банкларнинг чакана кредитлардан оладиган даромадлари давлат томонидан субсидияланиши лозим.

2. Миллий валюта девальвациясининг банкларнинг чакана кредитлаш амалиётига нисбатан юзага келаётган салбий таъсирига барҳам бериш мақсадида, биринчидан, хорижий валютада берилган чакана кредитларни қайтаришда миллий валютанинг чакана кредит берилаётган кундаги номинал алмашув курси асос сифатида олиниши керак; иккинчидан, чакана кре-

дитларни сузувчи ставкадаги депозитлар ҳисобидан сузувчи ставкада беришни амалиётга жорий қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармони//ҚҲММБ:06/205992/0581-сон. 13. 05. 2020 й.

2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 611. -627.

3. Деньги, кредит, банки : учеб. / под ред. О. И. Лаврушина. – 13-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2014. – 448 с.

4. Финансово-кредитный энциклопедический словарь / под ред. А. Г. Грязновой. – М.: Финансы и статистика, 2002. – 1168 с.

5. Савинов, О. Г. О Многообразии форм кредита физическим лицам / О. Г. Савинов // Вестник Самарского государственного экономического университета. – 2012. – № 6 (92). – С. 91-95. – ISSN 1993-0453.

6. Поляков, В. В. Розничные банковские услуги: продуктивный подход : учебник / В. В. Поляков. – Иркутск : Издательство БГУЭП, 2011. – 159 с. – ISBN 978-5-7253-2419-8.

7. Литвинов, Е. О. Кредитное бремя населения России: вопросы теории и методологии / Е. О. Литвинов // Волгоградское научное издательство. – 2012. – 148 с.

8. Азимова Ш. С. Ўзбекистон тижорат банкларини кредит фаолиятини инновацион ривожлантиришни таъминлаш йўллари. И. ф. ф. д. дисс. Автореф. – Тошкент, 2020. – Б. 47.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони//www. lex. uz

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сон «Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони//www. lex. uz

11. Ипотека кредитлари//www. cbu. uz

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Статистик бюллетени//www. cbu. uz.

13. Пул-кредит сиёсати// www. cbu. uz.

14. Расм муаллиф томонидан www. cbu. uz сайти (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) маълумотлари асосида тузилган.

Б.В. Адашалиев,
ТДИУ, «Молия ва бухгалтерия ҳисоби»
кафедраси ассистенти

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА УНГА МОСЛАШИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА ТАДБИРЛАР

Аннотация. Мазкур мақолада бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг (МҲХС) моҳияти уларни, таркиби ва таъснифи келтирилган. Шунингдек МҲХС га ўтиш зарурияти ва бу борада мамлакатимизда амалга оширилган ишлар тавсифи баён қилинган.

Калит сўзлар: халқаро молиявий ҳисобот, молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, умумий фойдаланишдаги молиявий ҳисобот.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим

пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислоҳотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда[1].

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожла-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

тириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш;

Ҳозирги пайитда иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида турли мамлакатларда сифатли ва аниқ, таққосланадиган ва ишончли ҳамда уйғун ахборотларни шакллантиришда ягона ёндашувни қабул қилиш муҳим ахамият касб етади.

Ишлаб чиқариш субъектлари, ташкилотлар фаолияти самарадорлиги, умуман, иқтисодиёт ривожида молиявий ҳисоботларнинг ўзига хос мухим ўрни бор. Шу маънода президентимиз томонидан 2020 йил 24 февралда «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор қабул қилиниши ва унга биноан, 18 та банддан иборат «Йўл харитаси» тасдиқлангани юртимизда ушбу йўналишда ҳам жиддий ишларга қўл урилаётганидан далолат берилади, бу эса албатда қувонарли ҳолатдир[1].

Бундай имкониятга фақат молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МҲХС) тан олиш ва унга мувофиқ ҳолда ҳисоботлар тузиш орқали эришиш мумкин.

Бу оқилона йўл, бинобарин, биз халқаро доирага жаҳон бозорига интилаётган эканмиз, фаолиятимиз ҳам халқаро стандартларга мос бўлиши лозим. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунинг янги таҳририда ҳам бухгалтерия ҳисоби субъект-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент ш., 2020 йил 24 февраль, ПҚ-4611-сон

лари белгиланган тартибда МҲХСларни қўллаш мумкинлиги эътироф этилади.

МҲХСларни қўллаш зарурати қуйудаги омиллар билан белгиланади:

– турли мамлакатларда инвесторлар ва акционерлар потециал компанияларнинг бир ҳил тамоиллар, яъни таққосланувчанлик асосида тайёорланган молиявий ҳисоботни яхшироқ таҳлил қилиш имкониятига эга бўладилар;

– турли мамалакатларда турли фонд биржаларига уларнинг ҳар бирига ўша мамлакатнинг стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисоботдан кўра ҳаммаси учун ягона тан олинадиган битта молиявий ҳисоботни тузиш мақсадга мувофиқдир. Натижада ҳисоботни тузиш харажатлари қисқаради ва капитални жалб қилиш имкониятлари кенгаяди.

Аънанавий миллий ҳисобчилик тизимининг бугунги ҳолати хусусида фикр юритишдан олдин шуни аълохида таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда бошқа давлатлардаги каби бизнес субъектларида ҳисоб хизматларининг аниқ тартиб таъмоиллари шакллантирилган. Бу жараён Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Буҳгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинса, кейинчалик қабул қилинган бошқа ҳужжатлар орқали миллий ҳисобчилигимиз бирмунча такомиллаштирилди. Аммо ушбу ўзгаришлар қарамасдан биснес субъектлари бошқаруви, бир томондан, фаолиятни ривожлантириш ва молиялаштиришда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишдаги функционналиги ўз қобиғидан нарига ўта олмаганликлари билан изоҳланса, бошқа томондан, сезиларли харажатлар эвазига аниқланган ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларига дахлдор маълумотлар базаси ташқи қизиқувчилар талабларига ҳам шаклан, ҳам мазмунан мос эмасди. Бу эса уларнинг эътиборидан

четда қолишига асосий омил бўлиб келаётганди. Ваҳоланки, ҳар қандай бизнес аниқлик ва шаффофлик таъминланган жойда равнақ топади.

Халқаро молиявий ҳисобот деганда, МҲХС ёки АҚШнинг GAAP стандартларига мувофиқ ҳолда тузилган молиявий ҳисоботга айтилади. Ушбу икки турдаги стандарт дунёдаги барча фонд биржалари учун молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш қоидаларини тартибга солади ва шу биржалар томонидан тан олинади.

МҲХСлар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар инвестицион муҳитни яҳшилайди. Мамалакатга йирик компаниялар томонидан инвестициларнинг кириб кенлешига имконият яратади[1].

МҲХСлар бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади

Айтиш керакки, бугунги кунда иқтисодиётнинг турли соҳаларида ярим миллионга яқин корхона ва ташкилотларда ушбу хизмат тури йўлга қўйилиб, ҳисобдорлик юритиб келинмоқда. Бироқ бир хилдаги иқтисодиётнинг қонун-қоидалари асосида ишлаётган икки хил жабҳа (миллий ва халқаро) ҳисоб тизимини таққослашдаги оралиқ масофа борган сари кенгайиб кетмоқда.

Буни ўтган даврда амалга оширилган ишлар қадир қийматини эътироф қилган ҳолда, қайд этиш ўринлики, иқтисодиёт очиқланмаганлиги, эришилган натижадорлик халқаро майдонга намоён этилмаганлиги, яъни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг амалдаги анъанавий тартибда халқаро майдонда расмий тан олинган талаблар эмас, балкий кўпроқ миллий иқтисодиётнинг устуворлиги юқори қўйилганлиги билан изоҳласак тўғри бўлади.

[1] Ташназаров С. Н «Бухгалтеия ҳисоби ва аудит» Экономика и бизнес. 2018 йил

Бугунги кунда эса муҳит тубдан ўзгарди. Ўзбекистон ташқи дунёга тўлиқ очилди. Шу маънода, эндиликда бухгалтерия ва аудит соҳаси мутахассислари олдига ҳисобдорликни янги дунё муносабатлар тизимига мос ҳолда йўлга қўйиш вазифаси юкланмоқда. Бунинг эчими эса оддий эмас. Чунки бу борада бир қатор муаммолар мавжуд. Аввало, бизнес субъектлари фаолитининг реал натижаларини аниқлаш, уларнинг ютуқларини тан олиш, баҳолаш ва очиқлашдаги амалдаги тартиблари иқтисодий ресурсларнинг бўлғуси ҳақиқий эгалари манфаатларига мос тушмайди.

Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлариқўмитаси (IASC)-бутун дунёдаги бухгалтерия ҳисоби соҳаси фаолиятдаги вакиллардан иборат аъзоларни бирлаштирган, ҳукуматга оид бўлмаган халқаро бухгалтерия ҳисоби ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун буҳгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва доимий такомиллаштириб бориш ҳисобланади.

IASC бош қароргоҳи Лондон шаҳрида жойлашган. Бу халқаро ташкилотнинг кенгашига глобал ташкилот ва компанияларда, дунё банкларида катта мансабларда ишлаган юқори обрў эътибор ва малакага эга бўлган мутаҳассислар жалб қилинган. 1975 йилда қўмита томонидан биринчи бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти «Ҳисоб сиёсатининг очиқланиши » нашр этилди.

Маълумки, молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи молиявий ҳисоботнинг стандартлари асосида юритиладиган тизим сифатида тавсифланган. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг меъёрий хуқуқий асосини ташкил этади.

Бизнес субъектлари даромад ва харажатларининг аниқ ўлчанган қийматлари потенциал қизиқувчилар манфаатларига

мос тушмайди. Бундай фойданинг аниқлиги, нақдлиги ва сифатини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Бизда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва ҳисоботни тузиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда ташқи назоратга устунлик берилган. Одатда назоратни ички турига кўпроқ аҳамият қаратиш талаб этилади. Чунки ички назорат тўғри ва самарали ташкил этилса, ташқи назоратга зарурат қолмаслиги халқаро стандартларнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Ҳалқаро стандартлар расмий эълон қилинадиган ҳисоботларда бизнес, бошқарув ва фаолият натижадорлигини объектив ҳамда реал акс эттиришга, бизнеснинг давомийлиги, ривожланиш ва тараққиётнинг муҳим теденцияларини аниқ кўра билишга имкон беради. Бу эса жалб қилинадиган ташқи инвестициалар ҳажмини оширишга, халқаро алоқалар мустаҳкамланишга, салоҳиятли харидорлар гуруҳи шаклланишга, умуман, халқаро доирада нуфуз ошишига замин яратади.

МҲХСлар ўзларининг ўта мувофиқлиги билан ажралиб туради. Халқаро стандартлар ушбу соҳа бўйича энг асосий ва умумий йўналишларни белгилайди. МҲХСларни ишлаб чиқишга бундай ёндашиш уларнинг турли мамлакатларда қўлланилиш имкониятини оширади ва миллий ҳисоб стандартларининг халқаро стандартларга мувофиқлигини оширади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий, мулкий ва молиявий ҳолатини, уларнинг ўтган даврлардаги молиявий натижаларини қиёсий ўрганиш ва объектив баҳолаш орқали келгусидаги фаолиятини кенгайтириш, ташқи молиявий манбаларини излаб топиш, халқаро молиявий институтлардан капитал жалб қилиш имконини беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги пайтда нашр қилинган МҲХСлар бир-бирига боғлиқдир ва биргаликда ягона тизимни ташкил этади. Шундай қилиб, битда стандартнинг қўлланилиши шу узлуксиз тизимнинг бошқа қисимларини қўллашни талаб қилади, яъни битта стандартни бошқа стандартлардан ажратиб олган ҳолда қўллаш мумкин бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида МҲХСларга ўтишда ўзига хос ва миллий иқтисодиётимизга мос йўл танлади. Бу халқаро стандартларга мувофиқ келадиган бухгалтерия ҳисоби бўйича миллий стандартларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш йўли бўлади.

Мазкур ислоҳотлар, биринчи навбатда, йирик бизнес субъектларининг МҲХСга ўтишларига қаритилган «Йўл харитаси» бўлиб, анъанавий тарзда амалга оширилиб келинган ҳисоб тизими тубдан қайта кўриб чиқилишини назарда тутади. Хусусан ушбу «Йўл харитаси»да мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этишлари, 2021 йил якунидан бошлаб, молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлашлари белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари қарорда 2021 йил якунига қадар бухгалтерларини халқаро сертификатлаш доирасида МҲХС бўйича молиявий ҳисобот фанини муваффақиятли топширилганлиги тўғрисида ҳужжатга ёҳуд CIPA-Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер, ACCA-Буюк Британиянинг малакалаий бухгалтелар уюшмаси, CPA-Тармоқ орқали ўзаро фойдали ҳамкорлик дастури ва DipIFR-Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом каби сертификатлардан бирига эга бўлган камида уч нафар бухгалтерия хизмати ходими билан таъминлашлари лозимлиги алоҳида қайд этилган.

Қарорда аккредитациядан ўтган ўқув марказлари орқали ва соҳага оид ОТМ ўқув дастурлари асосида кадрларни тайёрлаш масаласи юзасидан аниқ топшириқлар белгиланганлиги ҳам кўриш мумкин.

Албатта, ўзларининг молиявий ҳисоботларини МҲХСга мувофиқ тайёрлайдиган бизнес субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим қилишдан озод этиладилар.

2021 йилдан бошлаб аккредитациядан ўтган ўқув марказлари лицензияланадиган фаолият турларини амалга ошириш бўйича қонунчиликда назарда тутилган талабларга риоя қилиш шарти билан, тегишли лицензия олмасдан МҲХС ҳамда АХС бўйича ўқитиш ва малака ошириш юзасидан лицензияланган фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

Кадирлар тайёрлаш борасида яна бир муҳим жихатга тўғри ёндашилган. У ҳам бўлса, халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган талабгорларни олий таълим муассасалари магистратурасининг Бухгалтерия ҳисоби ва Аудит мутахассисликларига кириш имтихонларини топширмасдан тўлов-контракат асосида кириш ҳуқуқининг берилганлигидир. Бу кадрлар тайёрлашнинг узвийлигини таъминлайди.

Хулоса сифатида айтганда, қарорнинг кенг кўламли ва сифатли ижросини таъминлашда кадирлар масаласи асосий масала ҳисобланади. Шундай экан, бизнес субъектларининг халқаро бизнес тиллашувида ўз номидан ахборотлар оқимини барча учун тушунарли ҳамда аниқ шаклларда очиб беришга қодир бўлган бухгалтерия ҳисоби аудит соҳасининг профессионал маҳоратли, шахсий тажрибалар ва интуицияларда алданмайдиган кадирларни тайёрлаш устувор вазифамиз бўлмоғи керак.

Юқорида билдирилган таклиф ва хулосаларда келтирилганишларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда молиявий

ҳисобот халқаро стандартларига мувофиқлаштиришга хизмат қилади деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент ш.,

2. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, 10-модда. // Ўзбекситон Республикси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й, 9-сон, 142-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўплами. -Т.: «NORMA», 2011.

4. Международные стандартый финансовой отчётностий: Изданый на русском языке. – М.: «АСКЕРИ-АССА», 2016.

М.Х.Турсунова,
Совместный факультет
Ташкентского финансового института и
Полоцкого государственного университета
студент, направление подготовки «Финансы и кредит»

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ЦИФРОВОГО БАНКИНГА В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ

Аннотация: В данной статье излагается особенность цифрового банкинга. Так как цифровой банкинг забирает финансовые активы и переводит их с традиционных видов деятельности на онлайн-платформы. Процесс оцифровки банковской деятельности включает в себя перемещение денежных депозитов, снятие средств и переводы, управление счетами, подачу заявок на финансовые продукты, управление кредитами, оплату счетов и любые услуги по обслуживанию счетов онлайн. Они, как правило, выполняются в финансовом учреждении, таком как банк, однако они находятся далеко от этого.

Ключевые слова: цифровой банкинг, финтех, инвестиция, инновация, транформация, онлайн-платформы.

С развитием технологий потребители получают более легкий доступ к мобильным устройствам, которые имеют доступ к онлайн-сервисам и цифровым услугам. Физические банки теряют возможности для расширения из-за стремительной трансформации цифровых услуг, поскольку клиенты готовы переключать услуги на уникальные цифровые функции, такие

как онлайн-оплата счетов, мобильные платежи, более быстрые скорости переводов и удобные кредитные приложения. Банки больше не полагаются исключительно на инвестиции в своих физических местах, поскольку все больше банков видят рост цифровых услуг, и большинству пользователей больше не нужно обращаться в физические банки. Переходя на цифровые функции, банки используют свои инвестиции для обслуживания более молодых клиентов, которые с большей вероятностью будут использовать обновленные технологии и, следовательно, продлевать срок службы своей банковской компании. В 2020 году изменилось все отношение к цифровому банкингу. И это не обязательно только миллениалам, которые раньше продвигали цифровое банковское дело, это привело нас в совершенно другой сектор, например, к пожилым людям, которые не вернутся к очереди за пределами банка, чтобы пойти и заплатить по чеку. В следующем году в космосе появятся удивительные инновации. Необходимо подчеркнуть, что некоторые из более спокойных секторов, таких как regtech, будут продолжать работать невероятно хорошо. Финтехи в пространстве regtech не часто получают столько внимания, но они поддерживают эти изменения, спокойно собирают деньги и передают это вам и будут продолжать быть сторонниками изменений. . Заглядывая в будущее финтеха в 2021 году, мы не можем игнорировать разрыв на рынке для получения более специализированных финансовых консультаций, учитывающих целостные ситуации людей. Бизнес все больше осознает, что, когда дело доходит до денег, один размер не подходит для всех. И хотя сложное регулирование, связанное с «советами», может отпугнуть некоторые фирмы, будет интересно посмотреть, какие фирмы воспользуются этим пробелом на рынке. И финансовые услуги будут не просто персонализированы, они также будут автоматизированы.

По мере того как все больше клиентов обращаются к цифровым каналам для управления всеми аспектами своей жизни, они испытывают плохой опыт платежей и обслуживания. Проблема в картах. Они не были созданы для первого цифрового опыта и были переоборудованы в текущие потоки онлайн-платежей. Новые подходы, такие как Google Pay или Apple Pay, закрывают эти трещины, но не меняют фундаментальных принципов. Открытый банкинг является цифровым и мобильным – в первую очередь по дизайну. Платежи от банка к банку перемещают деньги за небольшую часть стоимости, безопасно и удобно, а также обеспечивают значительно лучший потребительский опыт. Это огромный выигрыш и для продавцов, с более высоким коэффициентом конверсии, чем карты, с почти мгновенным расчетом и все по более низкой цене. [1].

Существует огромная возможность для банков улучшить опыт, удалив устаревшую инфраструктуру карт и переместив деньги с меньшими затратами, более безопасно и с более высоким уровнем потребительского опыта и удобства. 2021 год станет годом, когда будущее открытых платежных архитектур, основанных на открытых банковских возможностях, вступит в свои права. Мы увидим значительные инвестиции в инновационные платежные продукты и услуги, построенные на основе открытого банковского обслуживания, что будет способствовать дальнейшему внедрению для улучшения пользовательского опыта. В дополнение к этому, отдельный сегмент людей смог сэкономить значительно больше денег в течение 2020 года, что побудило их исследовать новые области для размещения этого дополнительного располагаемого дохода, что привело к росту числа транзакций wealthtech в этом году. Появилась новая волна цифровых розничных инвесторов, и мы можем ожидать, что это окажет положительное влияние на рост финтеха в 2021 году.

В соответствии с результатами цифровотивизации следует обратить внимание на преимущества цифрового банкинга[2]:

▶ Снижение затрат. Реинвестирование денег в цифровые сервисы помогает снизить стоимость операций для традиционных банков. Это снижает затраты на рабочую силу, содержание помещения, арендную плату и возможные дополнительные физические затраты, связанные с запуском кирпича и раствора.

▶ Проворство. Переходя в цифровое пространство, это ускоряет передачу данных, что дает больше времени для работы над другими аспектами онлайн-банкинга. Эта скорость также позволяет пользователям тратить меньше времени на банковские услуги и эффективно использовать свое время.

▶ Жизнеспособность. Скорость, с которой работают онлайн-сервисы, невероятно успешна, поскольку большинство сервисов выполняются на защищенных серверах, которые обеспечивают конфиденциальность, безопасность, быстрое и эффективное обслуживание и мониторинг транзакций.

▶ Увеличение выручки. При большей доступности это создает более широкий рынок и аудиторию для услуг, что в конечном итоге увеличит доход для бизнеса. Финансовые учреждения смогут обслуживать больше клиентов и корпораций, чтобы помочь с их возросшим спросом и услугами.

▶ Привлечение и удержание Клиентов. Клиенты, как правило, остаются лояльными к компаниям, которые адаптируются и внедряют инновации, поскольку становится все меньше причин для перехода в другую службу или компанию. Благодаря постоянному мониторингу активов и обновлению услуг клиенты могут быть привлечены этими функциями и оставаться благодаря им.

▶ Оставайтесь впереди конкурентов. Оставаясь впереди конкурентов, финансовые учреждения могут прогнозировать тенденции и помогать удерживать клиентов, а также оставаться в курсе событий больше, чем их конкуренты, чтобы сохранить аудиторию, которую они имеют. Это может помочь привлечь большую аудиторию и сделать их лидерами в своей отрасли.

▶ Оставайтесь в соответствии с новым законодательством. Благодаря большему количеству политик и ограничений, выпущенных с развитием технологий, услуг и институционального роста, соблюдение законодательства помогает финансовым отраслям создавать справедливые и обновленные с учетом последних правил и положений системы.

Цифровые банковские решения

▶ Существует множество различных цифровых решений, которые помогают удовлетворить потребности различных клиентов. Эти решения основаны на разнице в кредитном программном обеспечении. Кредитное программное обеспечение учитывает дизайн и упрощение обслуживания предоставления кредитов.

▶ Существует несколько видов банковских продуктов и услуг. Чтобы квалифицироваться как Цифровая банковская платформа/решение, они должны содержать следующие элементы

▶ Предоставление цифровых услуг по различным каналам

▶ Быть в состоянии облегчить услуги по качественному общению с потребителями и обслуживанию

▶ Управление кредитными и некредитными продуктами в рамках цифровой платформы

▶ Использование дизайна специально для интернет-банкинга

▶ Поддержка сторонних систем и сетей

▶ Цифровой банкинг для традиционных банков

Эти решения относятся к самой базовой и популярной форме цифрового банкинга. Это решения, которые берут на себя банковские опции и переходят на их цифровой аналог. Независимо от того, используется ли это онлайн или через мобильное приложение, переключение передач на цифровой аналог их банковской системы может стать решением.

Цифровой банкинг опирается на автоматизацию процессов и веб-сервисы. В некоторых случаях цифровые банковские платформы также допускают межинституциональный доступ пользователей к финансовым данным через настольные, мобильные и банкоматные сервисы. Цифровые банковские платформы – это финансовые услуги, которые предоставляются исключительно онлайн, в отличие от онлайн-банкинга, который относится к онлайн-компонентам банковских систем, которые также имеют обычные операции (также известные как традиционные банковские операции) [3].

Сущность вышеизложенного сводится, что Финтехи пережили год смешанной судьбы, но, несмотря на многие очевидные негативные последствия пандемии, она стала катализатором для внедрения финтеха и ускорила ряд новых тенденций. Первый, дальнейший переход к безналичному обществу. После пандемии частные лица и предприятия были вынуждены использовать цифровые методы платежей как онлайн, так и лично. Поэтому хотелось бы предположить, что многие из тех, кто использовал онлайн-платежи, цифровые кошельки, QR-коды и другие бесконтактные способы оплаты, будут продолжать делать это в будущем. Цифровые банки начнут заботиться о неблагоприятных средствах массовой информации – необанк будет оштрафован за нарушение правил отмывания денег и

будет разоблачен как слишком слабое отношение к финансированию терроризма, торговле людьми или отмыванию денег. С учетом этого и достижений в области базовой технологии регулирующие органы начнут задаваться вопросом, достаточно ли просто взглянуть на ограниченный набор субъектов с высоким риском, подпадающих под санкции и политическое воздействие, и начнут рассматривать возможность проведения широкомасштабных проверок неблагоприятных средств массовой информации.

Список используемой литературы:

1. What the Digital Banking industry thinks will happen in 2021 https://www. altfi. com/article/7405_what-the-digital-banking-industry-thinks-will-happen-in-2021-part-2

2. https://www. techfunnel. com/

3. https://www. trustradius. com/digital-banking

И. Ғ. Кенжаев,
Тошкент молия институти
"Суғурта ва пенсия иши"
кафедраси доценти Ph.D

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНҒ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Аннотация. Ишда сугурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашда суғурта хизматларининг тутган ўрни ва аҳамияти кўриб чиқилган. Шу билан бирга суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашда хориж тажрибасини роли ҳамда рақамли технологияларни ривожлантириш йўналишлари ва улардан суғурта бозорида фойдаланиш йўналишлари таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: суғурталовчи, суғурталанувчи, суғурта компаниясини молиявий барқарорлиги, суғурта компаниясини тўловга қобиллиги.

Бугунги кунда сугурта компанияларининг тўловга қобилликнинг Солвенсй ИИ стандартларини жорий этиш бўйича Европа иттифоқининг аъзолари бўлган Европанинг Марказий-шарқий мамлакатларининг конструктив тажрибаларини ўрганиш ва мамлакатимизга жорий этиш учун мазкур тажрибаларни алоҳида ўрганиш талаб этилади. Умуман олганда мазкур мамлакатларда фаолият кўрсатаётган суғурта компанияла-

рининг молиявий барқарорлиги ва тўловга қобиллик даражаси юқори бўлсада, суғурта бозорининг ривожланганлик даражаси ва дунё хўжалигига жалб қилинганлиги кўрсаткичлари бўйича бир-биридан фарқ қилади. Масалан Латвия ва Руминияни тарихан ва ҳозирги ҳолати бўйича олиб қараганда дунё хўжалигига кириб бориши айтарли даражада эмас ва бу ушбу мамлакатлар суғурта бозорларининг бундай даражага етмаганлигидан далолат беради. Мазкур минтақа мамлакатлари суғурта бозорлари ривожланганлик ва тайёргарлик даражасининг турли хил ҳолатда бўлишига қарамасдан, 2016 йилдан бошлаб ушбу минтақанинг барча давлатлари тўловга қобилликнинг Солвенсй ИИ иккинчи директиваси талабларини бажаришлари, ушбу директивани жорий этишга бирлашишлари ва миллий қонунчиликни шунга мослаштиришлари ҳамда бу борадаги тўсиқларни бартараф этишлари шарт қилиб белгиланди.

Шунингдек Марказий-шарқий Европа минтақаси[1] 2018 йилнинг 1-ярмида 18 млрд. евродан ортиқ брутто-мукофотлар тўплаган бўлиб, бу унинг юқори даражадаги ривожланишга эга эканлигидан далолатдир[2]. Иккинчидан, ушбу бозор ўз хусусиятига кўра, дунё хўжалигига кириб бориши нисбатан юқори бўлмасада, суғурта хизматларига бўлган талабнинг юқорилиги эвазига юқори ҳажмдаги мукофот тўплаш имкониятига эга. Шу билан бирга, ушбу минтақа суғурта компаниялари миллий бозор хусусиятларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, турли йўналишларда фаолият кўрсатиш хусусиятига ҳамда субминтақавий ривожланиш тенденцияларига эга. Минтақанинг

[1] Xpriminsurancereport/Oktober 2017 статистикага қуйидаги мамлакатлар ва категорияларни киритади:Албания, Болгария, Босния ва Герцеговина, Венгрия, Латвия, Литва, Македония, Польша, Руминия, Сербия, Косово, Словакия, Словения, Хорватия, Чехия, Эстония.

[2] D.Ghetu Insurance Report CEE, SEE & CIS Insurance markets in 1H2018//FirstHalf 2018//XPRIMM. 2018 №.2 pp.10-25

умумий хусусиятлари ичида чуқур кириб боришнинг паст даражаси, чакана суғуртанинг етарли даражада ривожланмаганлиги ҳамда аҳолининг суғурта соҳасидаги молиявий билимларининг пастлиги кўрсаткичларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Минтақа бўйича умумий картинани CWOT-таҳлил матрицаси кўринишида тасвирлаш мумкин[1].

1-жадвал

Марказий-шарқий Европа минтақаси мамлакатлари суғурта сектори бўйича CWOT-таҳлил[2]

Кучли томонлари	Кучсиз томонлари
*нисбатан юқори ўсиш суратлари (суғурта мукофотлари); *суғурта маданияти даражасининг ошиши; *мижоз талабидан келиб чиқувчи ривожланиш моделига ўтиб борилиши; *халқаро гуруҳларнинг бозордаги иштироки; *етарли қайта суғурта сиғимининг мавжудлиги; *сифатли хизмат ва сифатли андеррайтинг; *Солвенсй ИИ га тайёргарлик учун вақтнинг етарлилиги; *мажбурий суғурта турлари сонининг кўплиги; *иқтисодиётнинг очиқлиги.	*аҳолининг суғурта соҳасидаги молиявий билимларининг пастлиги; *ноанъанавий суғурта турларига бўлган талабнинг пастлиги; *нархларнинг сезувчанлик даражасининг юқорилиги; *йўл қўйилган техник даражадан паст ставкалар; *агентлик комиссияларининг юқорилиги; * хусусий секторнинг фавқулотда ҳолатларда давлатга таяниши; *турли ҳудудларда зарарларни тўламаслик рискининг мавжудлиги; *риск-менежмент ривожининг паст даражаси.

[1] The Outlook for Insurance and Reinsurancein Central and Eastern Europe/ Summary Report 2016//TRUST RE [электрон манба] http://trustre.com/uploads/media_centre/research_surveys/Trust_Re_Market_Survey_2016.pdf

[2] Xpriminsurancereport/Oktober 2017 статистикага қуйидаги мамлакатлар ва категорияларни киритади:Албания, Болгария, Босния ва Герцеговина, Венгрия, Латвия, Литва, Македония, Польша, Руминия, Сербия, Косово, Словакия, Словения, Хорватия, Чехия, Эстония.

Имкониятлари	Хавфлар
*бозор потенциалининг мавжудлиги; *иқтисодиёт ўсиши келажагининг мавжудлиги; *ЕИ директивалари ва талабларига асосланган ҳаёт суғуртасининг ўсиши; *бозор сиғимининг мавжудлиги; *мотор суғуртасида тарифларнинг ўсиши; *онлайн-суғурта; *қўшни европа бозорларига чиқиш имконияти ва баҳо бўйича рақобат	ЕИда иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашуви; *капитал нархининг ошиши; *капиталга нисбатан талабларнинг кучайиши.

Юқоридаги CWOT-таҳлилда келтирилган Марказий-шарқий Европа минтақаси мамлакатлари сугурта бозорига хос хусусиятларни Ўзбекистон миллий суғурта бозори билан таққослаб кўриш мумкин. Бунда биринчи навбатда бозорнинг кучли ва кучсиз томонларини таққослаш зарур, чунки ушбу жиҳатлар жорий этилаётган стандартлар учун базавий функция бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон суғурта бозори учун ҳам хос бўлган хусусиятларни суғурта бозорининг қуйидаги асосий ривожланиш кўрсаткичлари орқали аниқлаш мумкин: суғурта мукофоти, суғурта зичлиги, суғуртанинг кириб борганлик даражаси. Бунда аввало ушбу ишнинг мақсади учун танлаб олинган, Солвенсй ИИ га қўшилган Европа иттифоқи мамлакатларини тавсифлаш зарур. Тавсифлаш суғурта бозорининг сиғими, статистик маълумотларнинг мавжудлиги ва узлуксизлиги, ҳамда Ўзбекистон учун қизиқарли бўлган маълум ўзига хосликлар билан боғлиқ кўрсаткичларни ўз ичига олади.

CWOT-таҳлил матрицасини таҳлил қилган ҳолда кучли ва кучсиз томонларнинг умумий кесишув нуқтаси мавжуд эканлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин ва бунда халқаро стандартларга асосланиш зарур деб ҳисоблаймиз. Чунки нисбий кўрсаткичлар

тебранишининг қисқа динамикаси шуни кўрсатадики, бир томондан, бозорнинг етилмаганлиги (тайёр эмаслиги) ва шунга кўра тўловга қобилликни баҳолаш стандартларини тезликда жорий қилиш имкониятининг йўқлиги, иккинчи томондан, бозор ривожланиш потенциалининг мавжудлигидир. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, икки ҳолатда ҳам стандартларни жорий этиш ривожланаётган ва ўсиб бораётган бозорда амалга оширилиши зарур ва бунда маълум ўтиш даври ҳамда ушбу даврда субъектларга нисбатан талабларнинг енгиллаштирилиши талаб этилади. Бундан ташқари, тўловга қобиллик стандартларини жорий этиш алоҳида йўналиш бўлиб қолмаслиги, балки уни тармоқни ривожлантиришнинг умумий стратегиясига интеграциялаштириш керак. Хусусан, Ўзбекистон учун ҳам хос бўлган талаб ҳосил бўлиши факторларининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб аҳоли молиявий билимлари ва тўлов қобилиятининг пастлиги каби ҳолатлар суғурта хизматларига нисбатан жамиятдаги қизиқишга салбий таъсир кўрсатади. Албатта суғурталанувчилар манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлсада, Солвенсй ИИ тўловга қобиллик Директиваси талабни бошқаришнинг тўғридан-тўғри инструменти ҳисобланмайди. Шундай бўлсада ушбу директива талабларини қабул қилиш мижозлар талабларига мос келиши ва уларни суғуртага жалб қилишга йўналтирилган бўлиши зарур (бу Марказий-шарқий Европа минтақаси мамлакатларининг сиёсий йўналишларидан бири ҳисобланади). Бунда риск-менежмент институтининг ривожланганлиги яна бир ўзига хос фактор бўлиб, буни ҳам эътиборга олиш муҳим ҳисобланади.

Марказий-шарқий Европа бозорининг келажаги борлиги таъкидланган бўлиб, унинг истиқболига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолат бозорнинг ривожланганлик даражасининг ғарбий Европа бозорига нисбатан пастлигидир. Бозорни

ривожлантиришга йўналтирилган асосий вазифалар сифатида аҳолининг суғурта соҳасидаги молиявий билимларини ошириш, ҳамда зарарлар бўйича маълумотлар базасининг сифатини ошириш зарурлиги кўрсатилган. Қайта суғурталовчи компания вакилларининг фикрига кўра, суғурта индустрияси мижоз талабига асосланган модель томонга қараб тезлик билан ривожланиб бормоқда ва у келажакда талабнинг ошиши ҳисобига инновацион ривожланиш тармоғининг етакчисига айланиши керак. Натижада Марказий-шарқий Европа суғурта бозорларининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, ушбу бозорда кўп сондаги суғурта гуруҳлари фаолият кўрсатади. Солвенсй ИИ стандартини жорий этиш биринчи даврда гуруҳлар ичидаги стандартлар призмаси орқали амалга оширилган ва бу фаолият ушбу минтақада филиаллари фаолият кўрсатаётган Ғарбий Европа сугурта компаниялари томонидан қўллаб-қувватланган. Хусусан, бошқарувчи, бундай гуруҳлар фаолияти бўйича кўп сондаги стресс-тестларни амалга оширди ва бу тадбирлар ушбу гуруҳларнинг стандартга қўшилишини таъминлади.

Умуман олганда сугурта бозорида фаолият юритувчи йирик суғурта компаниялари рискларни бошқаришнинг янги самарали тизимини жорий этишга маблағларни фаол йўналтираётган бўлса, ўрта ва кичик компаниялар бу борада қийинчиликка учрамоқда ва капитал жалб қилишнинг альтернати усулларини қўллашга ҳаракат қилмоқда. Норезидентларга талаблар янада қаттиқроқ қўйилмоқда ва улар ҳам муаммога дуч келмоқда. Ушбу ҳолат Марказий-шарқий Европа ҳудудида бўлгани каби ёпилиш ва қўшиб олишлар ҳисобига концентрация даражасининг ортишига олиб келиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кенжаев И., Матиязова С., Адилова Г. Суғурта маҳсулотларини сотишни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2018. 208 б.

2. Шеннаев Х.М., Очилов И.К., Ширинов С.Е., Кенжаев И.Ғ. Суғурта иши. Ўқув қўлланма.Т.: Иқтисод-молия, 2014. 247 б.

3. Анисимов А. Ю. Страховое дело: учебник и практикум для СПО. – М.: Издательство Юрайт, 2018. – 186 с

Х.Н. Шодмонов,
Тошкент молия институти
"Иқтисодиёт" кафедраси мустақил изланувчиси

СУҒУРТАЛОВЧИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИҒА ТАЪСИРИ

Аннотация. Суғурталовчининг молиявий барқарорлиги суғурта хизматларига таъсири кўриб чиқилган. Шу билан бирг қаторда суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги суғурта хизматларига таъсири юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: суғурталовчи, суғурталанувчи, суғурта бозори, суғурта хизмати, суғурталовчининг молиявий барқарорлиги, суғурта тўловлари.

Жаҳон амалиётида молия бозорининг муҳим сегменти ҳисобланадиган суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги асосан унинг тўловга қобиллиги ва суғурта захираларининг миқдори билан белгиланади. Халқаро йирик рейтинг компаниялари[1] берган маълумотларга кўра аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси билан (ЯИМни аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори) ва ЯИМ нинг таркибида суғурта мукофотларининг улуши ўртасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжуд эканлиги, етакчи ривожланган давлатларнинг суғур-

[1] ACRA (Analytical Credit Rating Agency)-халқаро кредит рейтингини таҳлил қилиш ва баҳолаш агентлиги.

та бозори молиявий барқарорлиги ҳақида далолат бермоқда. ACRAга кўра, 2007 ва 2019 йиллар оралиғида юқоридаги иккита кўрсаткич бўйича Пирсон корреляция коэффициенти 0,89 ни ташкил этган. Swiss Re халқаро экспертлар гурухининг фикрига кўра, пандемия шароитида ривожланаётган давлатлар суғурта компаниялари кўпроқ зарар кўриш билан бирга, 2020 ва 2021 йилларда суғурта мукофотлар миқдорини 3,6% пунктга пасайиши кутилмоқда. Хитой ва Осиёнинг бошқа ривожланаётган давлатларида иқтисодиётни секин аста тикланиши билан бир қаторда суғурта бозори хажми ўсиш тенденциясига эга бўлсада, айрим минтақаларда мехнат бозорида жиддий муаммоларни келиб чиқиши ҳаётни суғурталашга бўлган талабга таъсир этиш орқали Бразилия, Мексика, Жанубий Африка каби давлатларда суғурта мукофотлар миқдорини сезиларли даражада пасайишига олиб келади[1]. Мазкур ҳолатлар эса, суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашга доир зарурий чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Халқаро амалиётда суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, суғурта мажбуриятларини ўз вақтида бажариш, аҳоли ва кенг жамотчиликка суғурта компанияларининг тўлов қобилияти ва суғурта тўловлари, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ҳақидаги маълумотларни эркин олишини, интерактив мурожаатлар ва сугурта соҳасидаги муаммолар ҳал этилиши, суғурта захиралари миқдорини ошириш орқали суғурта қилирувчилар моддий манфаатдорлигини таъминлаш долзарб масалалардан бири саналади. Суғурта соҳасини ривожлантириш борасида юқоридаги каби ислоҳотларнинг амалга оширилиши иқтисодий тараққиётни таъминлаш билан бир қаторда, суғурта хизматлари турини

[1] ACRA(Analytical Credit Rating Agency)-халқаро кредит рейтингини таҳлил қилиш ва баҳолаш агентлиги.

ошириш ҳамда халқаро молия бозорининг муҳим иштирокчисига айланиш имконини беради. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда суғурта бозорида замонавий молиявий инструментларни жорий этиш, суғурта хизматларини диверсификациялаш ҳам суғурта бозорини ривожлантиришда халқаро илғор тажрибалардан фойдаланиш орқали молиявий барқарорликни таъминлаш амалиётини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири сифатида сақланиб қолмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий тараққиётни таъминлашда суғурта компанияларнинг аҳамиятини янада ошириш борасида муҳим устувор вазифалар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш»[1] бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Яқин истиқболда суғурта компанияларининг ЯИМдаги улушини босқичма босқич ошириб бориш, суғурта компанияларни қимматли қоғозлар бозоридаги иштирокини янада такомиллаштириш, суғурта хизматларини диверсификациялаш хисобига замонавий суғурта хизматлари жорий этиш ва мазкур жараёнларда аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш, суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъкинлаш кабилар суғурта бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Суғурта хизматлари иқтисодиётни турли хил молиявий хатарлардан ҳимоя қилувчи воситалардан биридир. Бироқ мамлакатимиз молия бозорида суғурта хизматларининг ўрни жуда беқиёсдир.

---

[1] https://forinsurer.com/news/20/09/07/38406-Which insurance markets in the world will be most affected by COVID-19

Шунингдек олти ойида суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган суғурта мукофоти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар ошган бўлсада, суғурта тушуми аҳоли жон бошига 50 минг сўмдан тўғри келган. Ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши атиги 0,4 фоизни ташкил этмоқда. Қиёс учун, бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 11 фоиз, Германияда 6 фоиз, Россияда 1,5 фоизни ташкил этади[1].

Бунинг асосий сабабларидан бири суғурта хизматлари етарли даражада жозибадор эмаслиги. Мисол учун, ўтган олти ой давомида умумий суғурта тармоғида 887 миллиард сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлсада, ушбу даврда мижозларга тўланган суғурта қопламасининг ҳажми мукофотнинг атиги 11 фоизига тўғри келган. Дунёда эса бу кўрсаткич ўртача 50-60 фоизни ташкил этади.

Дарҳақиқат ҳукуматимиз томонидан суғурта соҳасини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, 2022 йилгача аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳажмини 3 баравар, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини эса 2 бараварга ошириш вазифаси қўйилди. Бу эса аҳоли ва тадбиркорларнинг суғуртага бўлган ишончини янада оширади. Шу билан бир қаторда суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш юзасидан бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди, жумладан, суғурта компанияларининг лизинг фаолияти билан шуғулланишини рағбатлантириш ва лизинг хизматлари бўйича солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш вазифалари белгиланди. Шу билан бирга иқтисодиёт тармоқларини суғурта хизматлари билан қамраб олиш муҳимлиги қайд этилди. Яъни Молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.

савдо вазирлигига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини суғурталаш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан субсидиялаш механизмларини жорий этиш бўйича кўрсатма берилди. Натижада миллий суғурта компанияларининг халқаро молия бозорларига чиқишини таъминлаш, илғор корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш орқали халқаро рейтинглар олиш бўйича ҳам аниқ вазифаларни амалга ошириш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1 Разумовская Е.А., Фоменко В.В. Страховое дело: учебное пособие. – Екатеринбург: Гуманитарный университет, 2016. – 249 с.

2. Jack Kinder Jr. Garry Kinder "Secrets of Successful Insurance Sales", Napoleon Hill Foundation, UK, 2012.

3. Robert H., II Jerry, Douglas S. Richmond "Understanding Insurance Law", LexisNexis; 5 edition, UK, 2012.

И. Ғ. Кенжаев,
Тошкент молия институти, доценти Ph.D
М. В. Аъзамова,
Тошкент молия институти,
1-босқич магистри

ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Ишда халқаро молия институтлари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашда роли ва аҳамияти кўриб чиқилган. Шу билан бир қаторда халқаро молия институтлари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашни такомиллаштириш йўналишлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: халқаро молия институтлар, кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлик, кредит хавф-хатари.

Маълумки жаҳон иқтисодиётида кичик ва ўрта тадбиркорлик хусусий секторнинг муҳим қисми бўлиб, иш ўринларини яратади ва иқтисодий ўсишни таъминлайди. Шунингдек кичик ва ўрта тадбиркорликни кредитлашни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича турли давлат дастурлари қабул қилинганлигига қарамай, юридик шахсларга берилган кредитларнинг умумий портфелидаги кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига берилган кредитларнинг улуши уларнинг Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларнинг ЯИМига

қўшган ҳиссасидан пастдир. Жаҳонда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун молиялаш тақчиллиги 2 трлн. АҚШ долларини ташкил этмоқда".[1] Шу боис халқаро молия институтлари кичик ва ўрта тадбиркорликни молиялаштиришни жадаллаштириш учун тобора кўпроқ ўзларининг капиталлари ва ресурсларидан фойдаланишга эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга жаҳон амалиётида молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларга инновацион фаолият юритиш, самарадорликни ошириш, янги бозорларга чиқиш ва иш ўринларини яратиш имконини беради. "Жаҳон тажрибаси кўрсатишича[2], кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имконияти билан уларнинг самарали фаолияти ўртасида ижобий корреляцион боғлиқлик мавжуд." Дунёнинг етакчи университетлари, халқаро молия институтлари ва илмий-тадқиқот марказларида бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатларда инновацион молиялаштириш манбаларини ривожлантириш негизида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга бағишланган фаол илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишининг етакчи манбаи ҳисобланади. "2019 йилда мамлакатда КБХТнинг ЯИМдаги улуши 56,5 фоизни ва иқтисодиётда банд бўлганлар сонида 76,3 фоизни ташкил этди",[3] "КБХТдан олин-

---

[1] Kersten R, Harms S, Liket K and Maas K. 2011 Small Firms Large Impact? A.Systematic Review of the SME Finance Literature. World Development 97 p.330-348

[2] Kersten R, Harms S, Liket K and Maas K. 2011 Small Firms Large Impact? A.Systematic Review of the SME Finance Literature. World Development 97 p.330-348

[3] Малое предпринимательство в Республике Узбекистан в 2019 г. Государственный Комитет по статистике Республики Узбекистан. с. 9-10 – www.stat.uz

ган даромадлар аҳоли умумий даромадларининг 62,3 фоизини ташкил этди."[1] "Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси лойиҳасига мувофиқ КБХТни ривожлантиришнинг мақсади мамлакат аҳолисининг умумий даромадларидаги тадбиркорлик улушини 70 фоизга етказиш ҳисобланади".[2] Мамлакатимизда КБХТни қўллаб-қувватлаш механизми сифатидаги ташқи кредитлаш шаклланиш босқичида бўлиб, 2019 йилда кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталига йўналтирилган инвестицияларнинг умумий ҳажмида хорижий кредитларнинг улуши 15,1 фоизни ташкил этди.[3] "Бизнинг тижорат банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиши, арзон ва узоқ муддатли ресурсларни жалб қилиши керак"[4]. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида халқаро молия институтларининг кредит маблағлари ҳисобига КБХТ субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ хориж валютасидаги кредитларнинг юқори фоиз ставкалари, банк томонидан талаб қилинадиган гаров таъминотини таъминлашнинг қийинлиги, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг молиявий манбалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш каби масалаларни тадқиқ этиш долзарб, ҳал этилиши зарур ва амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Халқаро молия институтларининг кредит линиялари хусу-

[1] Малое предпринимательство в Республике Узбекистан в 2019 г. Государственный Комитет по статистике Республики Узбекистан. с. 9-10 – www.stat.uz

[2] Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш Концепцияси. https://regulation.gov.uz/uz/document/9413

[3] Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане. Государственный комитет по статистике Республики Узбекистан. Ташкент – 2018. с.61.

[4] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси: https://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev - 25 - 01-2020

сиятларини таҳлил этиш қуйидагиларни кўрсатди: *биринчидан*, улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига давлат кафолатлари билан таъминланган LBL асосида кредитлар таклиф қилмоқда, бунда кредитлаш сузувчан ставкали бўлиб, олти ой учун ЛИБОР ставкасидан, шартнома бўйича амалдаги спрэддан ва тегишли ҳолларда кредит амалда бўладиган бутун муддат учун белгиланган муддатидан олдин қайтариш учун мукофотлардан иборат бўлади; *иккинчидан*, LBL кредити – бу ОТБга энг яхши шароитларда самарали воситачилик қилишга имкон берадиган бозорга асосланган кредит маҳсулотидир; *учинчидан*, кредитнинг молиявий шартларини танлашда қарзни бошқаришнинг оқилона амалиёти мавжуд, бунда кредит параметрлари қарз олувчининг ташқи қарзининг умумий портфелини ҳисобга олган ҳолда лойиҳанинг талаблари ва унинг хатарларга мойиллиги даражасига мувофиқ тузилади; *тўртинчидан*, кичик бизнес субъектлари учун кредит спрэд муайян лойиҳа ва қарз олувчининг кредит хавф-хатарларини акс эттиради; *бешинчидан*, ставкаларнинг фиксинглари жадвалини (SRF) белгилашни назарда тутадиган белгиланган фоизли кредитлар бўйича қарз олувчи ОТБга муддатларда ёки миқдори бўйича бир қанча фоиз ставкалари фиксингларини автоматик равишда бажаришни буюриши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Public finance. Harvey S. Rosen, Ted Gayer.10 th ed.United States.2013

2. Winslow C. The cost of sickness and the price of health. – WHO.1990.

3. Ракитина І., Берѐзина Н. Государственные и муниципальные финансы. Учебник и практикум. М: Юрайт - М, 2017. – 392 стр.

Kh.N. Khasanov
ТДИУ 5 ташаббус
мактаб директории
hayrullo.khasanov@gmail.com

ИҚТИСОДИЁТНИНГ КОРПОРАТИВ СЕКТОРИГА ХАЛҚАРО КАПИТАЛ БОЗОРИДАН МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШ

Иқтисодиётнинг корпоратив секторини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлардан бири кенгайтирилган ишлаб чиқариш асосида ўсишини таъминлаш бўлиб, бу эса ўз навбатида компаниялар учун кенгайтирилган ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг молиялаштириш манбаларини оптималлаштиришни талаб қилади. Компанияни ривожлантиришда ўз маблағлари ва қарз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш имкониятининг мавжудлиги сабабли, ўз маблағларининг етишмаслиги шароитида корпоратив сектор акциядорлик жамиятлари капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишга бўлган талаб вужудга келади [3].

Акциядорлик жамиятлари томонидан молиявий ресурсларни жалб қилишга доир қарорлар қабул қилишда, капитал бозорининг ҳолати ва молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражасидан келиб чиқади. Чунки иқтисодиётда корпоратив секторга йўналтирилаётган ресурсларнинг ўртача фоиз ставкаларидан келиб чиққан ҳолда акциядорлик жамиятлари қарз маблағларининг чегаравий миқдорини белгилашга ҳаракат қи-

лади. Шу билан бирга, аниқланган хусусиятларнинг аҳамияти миллий иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятига қараб фарқ қилиши мумкин. Капитал бозорига жалб қилинаётган молиявий ресурслар ҳажми, жалб қилиш усуллари ва жалб қилувчи молиявий инструментлар, капитал бозорининг аниқ сегментлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро боғлиқ[4].

Юқоридаги билдирилган асосий хулосаларга таянган ҳолда биз, иқтисодиётнинг корпоратив секторига молиявий ресурсларни жалб қилишни таъминлаш имконини берувчи, қўлланилаётган усуллар ва молиявий инструментларга мос равишда кредит ва қимматли қоғозлар бозорини сегментлаш орқали капитал бозорининг институционал ва ташкилий тузилишига аниқлик киритиш зарур деб ҳисоблаймиз (1-расм)[5].



1-расм. Капитал бозоридан корпоратив секторга молиявий ресурслар жалб қилишнинг институционал ва ташкилий тузилиши

Капитал бозоридан корпоратив секторга молиявий ресурсларни жалб қилиш тамойиллари орасида, бизнинг фикримизча, қуйидаги тамойиллар муҳимдир: диверсификация тамойили, оптималлаштириш тамойили, хеджерлаш тамойили, мувофиқлик тамойили (2-расм).

Капитал бозоридан корпоратив секторга молиявий ресурсларни жалб қилишда диверсификациялаш тамойили - капитал бозорида корпоратив сектор томонидан капиталнии жалб қилишнинг турли манбаларини қўллаш мумкинлигини англатади ҳамда қуйидагиларни таъминлайди[6]:

а) капиталнии жалб қилиш ҳажмини ошириш;

б) капитал қийматини оптималлаштириш;

в) бизнес имиджини (обрўсини) яхшилаш, янги бизнес муносабатларни шакллантириш;

г) капитал бозорининг ҳолати ва унинг сегментлари тўғрисида қўшимча маълумотларга асосланган стратегик ва тактик молиявий қарорлар қабул қилишнинг ахборот "майдони"ни кенгайтириш.



2-расм. Капитал бозоридан корпоратив секторга молиявий ресурсларни жалб қилиш тамойиллари

Молиявий ресурсларни жалб қилишга доир қўлланиладиган қийматни оптималлаштириш тамойилига асосан, молиялаштириш манбаларини танлашда биринчи навбатда эътиборни энг кам ўзлаштириш қийматига эга бўлган капитал манбаига берилиши ва ушбу манба бўлмаган ҳолатда капитал бозорининг бошқа сегментларини қўллаш тавсия этилади. Бундан ташқари, капитални ошириш ёки кўпайтириш бўйича харажатларини камайтиришга компаниянинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш, молиявий стратегиялар, операцион режа ва махсус ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, молиявий ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ бизнес-жараёнларни қайта кўриб чиқиш орқали эришиш мумкин[7].

Молиявий ресурсларни жалб қилишда хеджерлаш тамойили - рискларни самарали бошқариш заруриятини англатади ҳамда қуйидагиларни ўзида мужассамлаштиради:

а) капитал бозори сегментига, жалб қилиш усулига ва фойдаланиладиган молиявий воситаларга нисбатан капитални жалб қилиш рискларини идентификация (алоҳида тоифаларга ажратиш) қилиш ва баҳолаш;

б) рискларни асослаш ва уларни камайтириш усулларидан фойдаланиш;

в) рискларни камайтириш учун ҳосилавий молиявий инструментлардан фойдаланиш;

г) халқаро капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, молиявий ресурсларни сиёсий барқарорлик ва иқтисодий конъюнктура ҳолатидан келиб чиққан ҳолда жалб қилиш, мавжуд валюта тушумларидан келиб чиққан ҳолда валюта мажбуриятларини ўз зиммасига олиш. Ушбу принципдан фойдаланиш айрим компанияларда салбий оқибатларни камайтиришга ва шу асосда уларнинг инвестицион жозибадорлигини ҳамда бозор қийматини оширишга имкон беради.

Компания қуйидаги муҳим масалаларга доир қарорлар қабул қилиши ва баҳолашнинг долзарблиги асосида молиявий ресурсларни жалб қилишнинг мувофиқлик принципи ифодаланади[8]:

а) капитални жалб қилишда унга бўлган эҳтиёж ҳажмини аниқлаш;

б) жалб қилинадиган капитал такркибини белгилаш;

в) капитални жалб қилиш манбаларини аниқлаш ва белгилаш;

г) капитални жалб қилиш муддатини аниқлаш;

д) жалб қилинадиган капитал баҳосини аниқлаш.

Ушбу тамойилга амал қилмаслик қуйидаги ҳолатларга олиб келиши мумкин:

а) компания капиталининг қимматлашуви;

б) инвестицион жозибадорлигининг камайиши;

в) компаниянинг банкротликка учраш эҳтимоллигининг вужудга келиши.

Юқоридаги меъёрлар мажмуи капитал бозоридан молиявий ресурслар жалб қилишнинг "табиати" ва хусусиятларини назарий тушуниш имконини беради ва шу билан бирга, капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш усулларини қўллашни такомиллаштиришда корпоратив молиявий бошқарув учун илмий ёндашув зарурлигини кўрсатади[9].

Таъкидлашш лозимки, капитал бозоридан корпоратив секторда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларига молиявий ресурсларни жалб қилиш тамойилларининг қўшимча тавсифлари ва ушбу тамойилларнинг акциядорлик жамиятлари учун қўшимча аҳамиятли жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар бўйича маълумотларни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

Молиявий ресурсларни жалб қилишда фойдаланиладиган усулларни асослашда назарий ва амалий ёндашувларни таҳлил қилиш маҳаллий, миллий ва жахон капитал бозорларига нисбатан қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди[18]:

- биринчи навбатда, молиявий ресурсларни жалб қилиш усуллари молиявий менежментнинг мақсадларига боғлиқ равишда фарқланади;

- иккинчидан, молиявий ресурсларни жалб қилиш усуллари капитал бозорининг сегментлари ва турлари бўйича ўз хусусиятларига эга;

- учинчидан, молиявий ресурсларни жалб қилиш усуллари қўлланиладиган молиявий воситалар асосида аниқланади;

- тўртинчидан, молиявий ресурсларни жалб қилиш усуллари қуйидаги параметрларга боғлиқ: молиявий ресурсларни жалб қилишнинг мақсадлари, ҳажми ва шартлари, компаниянинг ташкилий ва иқтисодий хусусиятлари.

Фикримизча, иқтисодиётнинг корпоратив секторига капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш мақсадларини иқтисодий, молиявий ва маркетинг йўналишларига ажратиш мумкин. Буларнинг ҳар бирини асосий ҳусусиятини ифодаловчи таркибий жиҳатлари мавжуд бўлиб, иқтисодий мақсадларга:

а) компаниянинг асосий фаолиятини ривожлантириш (айланмадан ташқари активларга инвестициялар йўналтириш);

б) унинг асосий фондларини янгилашни молиялаштириш ҳисобидан компания фаолиятини кенгайтириш ва модернизация қилиш асосида бозордаги улушини кўпайтириш.

Молиявий мақсадларига:

а) молиявий ресурсларнинг қўшимча манбаларига эга бўлиш имкониятини яратиш;

3-жадвал

Капитал бозоридан иқтисодиётнинг корпоратив секторига молиявий ресурсларни жалб қилиш тамойилларининг ҳусусиятлари

Тамойиллар	Тамойиллар тавсифи	Корпоратив сектор учун тамойиларнинг аҳамияти
Капитал бозорида битимлар тузиш эркинлиги тамойили	Капитал бозори иштирокчиларининг битимларни тузишда ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги	Молиявий ресурсларни жалб қилишда манфаатдор иштирокчиларнинг иқтисодий манфаатларига мос келиши керак
Капитал бозорининг ҳуқуқий тартибга солиниши тамойили	Операциялар капитал бозорида битимлар қонунийлигини таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий механизмларига мувофиқ амалга оширилади	Давлат томонидан тартибга солиш капитал бозорининг барқарорлигини таъминлашга, бозор иштирокчиларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш имконини беради
Капитал бозорида иштирокчиларни нг рақобатдошлик тамойили	Бозорда битимлар тузиш молиявий ресурсларни жалб қилишнинг энг яхши шартларини таклиф қилиш асосида амалга оширилади	Жалб қилишнинг энг яхши шартлари капиталнинг қийматини сезиларли даражада камайтириш имконини беради
Капитал бозори иштирокчилари учун самарадорлик тамойили	Капитал бозорида битимлар тузиш жараёнида самарадор компаниялар, молиявий воситачилар, молиявий инструментлар ва жалб қилиш шартлари аниқланади	Иқтисодиётнинг корпоратив сектори субъектлари, капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш самарадорлигини ошириш учун фойдаланади
Капитал бозори иштирокчилари тўғрисидаги ахборотнинг ошкоралик тамойили	Ахборотни ошкор қилиш, капитал бозоридаги битимлар таваккалчиликларини камайтириш учун керак	Корпоратив секторнинг ташкил этилиши ўз ўрнида иштирокчиларнинг молиявий-иқтисодий аҳволи тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги бўйича жавобгарлик олиб боради

б) жорий капитал тузилишига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш;

в) жорий қарздорликни қайта молиялаштириш;

д) касса узилишларини қоплаш;

е) мавсумийликни ва тенг бўлмаган пул оқимларини тартибга солиш;

э) бозорни эгаллаш (бирлашиш ва қўшиб олишлар бўйича битим);

г) қарз олишнинг тўғри молиявий стратегиясини амалга ошириш асосида компаниянинг бозор қийматини ошириш.

Маркетинг мақсадлари эса ўз ичига қуйидагиларни олади[19]:

а) етакчи молия институтлари томонидан маҳаллий, миллий ва жахон капитал бозорида тан олинишига эришиш асосида компания брендини қимматлаштириш;

б) ихтисослашган оммавий ахборот воситалари орқали танилиш, тармоқ шарҳларига кириш, биржа котировкаларига кириш орқали компаниянинг танилишига ва имиджининг ошишига эришиш;

в) капитал бозорининг глобал сегментларида молиявий ресурсларни жалб қилиш тажрибасига эга бўлган компания-ҳамкорлар ва мижозларнинг ишончини қозониш.

Молиявий ресурсларни капитал бозоридан жалб қилишнинг хажмидан (миқдоридан) келиб чиққан ҳолда корхоналарни йирик, ўрта ва кичик корхоналарга ажратиш мумкин. Бунда шубҳасиз, капитални жалб қилиш ҳажми нисбий бўлиб, улар капитал тури ва молиявий потенциалидан келиб чиқиб маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсдаги кўринишларга эга бўлади. Капитал диверсификацияси ва қийматининг оптималлиги тамойилларидан келиб чиқиб, йирик ҳажмдаги капитални жалб қилиш жахон ва миллий капитал бозорларида амалга ошири-

лиши мумкин. Ўртача ҳажмдаги капитални одатда миллий бозорлардан жалб қилиш, кичик ҳажмдаги капиталларни эса маҳаллий бозорлардан жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, капитални қайта жалб қилишда, агар компания ижобий молиявий имкониятларга эришган бўлса, энди капитал ҳажми муҳим аҳамият касб этмайди. Масалан, акцияларнинг қўшимча эмиссияси ва облигацияларнинг қўшимча чиқарилиши, кредитлаш лимитларининг (сони ва/ёки ҳажми) ҳажми уларнинг биринчи чиқарилишига нисбатан кичик ҳажмда бўлиши мумкин.

Капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш шартлари, мақсадлари, фойдаланиш усуллар ва молиявий воситаларига (қимматли қоғозлар) қараб, узоқ муддатли, ўрта муддатли ва қисқа муддатли бўлиши мумкин. Кўплаб иқтисодий адабиётларда келтирилганидек, узоқ муддатли хусусиятга эга бўлиш молиявий маблағлар 5 йилдан ортиқ муддатга жалб қилинадиган бўлиб, улар облигациялар, банк кредитлари ёки акцияларни жойлаштириш (IPO, SPO) орқали амалга оширилади. Ўрта муддатли молиявий маблағлар 1 йилдан 5 йилгача бўлган даврга жалб қилинадиган молиявий ресурслар бўлиб, улар кредитлаш ёки облигация жойлаштириш орқали амалга оширилади. Қисқа муддатли молиявий маблағлар 1 йил муддатгача бўлган маблағлар бўлиб, улар қисқа муддатли кредитларни жалб қилиш, қисқа муддатли облигацияларни жойлаштириш, банк молия инструментларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Корпоратив секторга тегишли компаниянинг қуйидаги хусусиятлари: фаолият ҳажми, фаолият хусусияти, бозор улуши ва таркиби, бренди, молиявий имкониятлари, молиявий воситачилар ва капитал бозори инфратузилмаси субъектлари билан ҳамкорлик тажрибаси компаниянинг молиявий ресурсларни

жалб қилиш йўналишидаги молиявий институтлар учун жалб қилувчи хусусиятлардир.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари томонидан капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишнинг асосий усуллари сифатида қуйидагилардан кенг фойдаланилади[20]:

а) акцияларни жойлаштириш;

б) облигацияларни жойлаштириш;

в) кредитлаш.

Акциядорлик жамиятлари томонидан юқоридаги учта асосий молиявий таъминот манбаига боғлиқ бўлиб қолгани салбий ҳолат сифатида баҳолансада, ундан ҳам оғирроқ вазият асосий улуш молиялаштиришнинг банк секторига таяниб қолаётганлиги ҳисобланади. Булар бўйича батафсил таҳлилий маълумотларни ишимизнинг иккинчи бобида бериб ўтамиз.

Диссертация ишимизнинг объекти сифатида танлаб олинган "Капитал суғурта" акциядорлик жамиятида ўтказилган сўровнома натижаларига асосан молиявий ресурсларни жалб қилишнинг ҳар бир усулини муҳимлигини белгиловчи эксперт баҳолаш амалга оширилди. Капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш мақсадларининг аҳамиятлилиги борасида қиёсий таҳлил қилиш қуйидаги асосий хулосаларни шакллантириш имконини берди: корпоратив сектор ташкилотлари учун маблағлар жалб қилишнинг кўпроқ мураккаб ва аҳамиятли усули қимматли қоғозлар бозорининг акциядорлик сегментида акцияларни жойлаштириш, энг содда усули эса кредит қарзлари жалб қилишдир. Мақсадларнинг солиштирма таҳлилини капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишнинг асосий параметрлари бўйича таққослаш йўли билан ҳам батафсил тушунтириш мумкин.

Капитал хажмини ошириш усуллари нафақат мақсадлар, воситалар, муддатлар, ҳажмлар билан, балки молиявий ресурсларни жалб қилиш харажатларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бир қатор хусусиятлар билан ҳам фарқланади. Шунинг учун, капитал бозоридан корпоратив сектор акциядорлик жамиятларига молиявий ресурсларни жалб қилишда чуқур таҳлил қилган ҳолда самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш лозим.

Таъкидлаш керакки, капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишнинг учта усулидан иккитаси – облигация қарзи ва кредит қарзи усуллари ўзининг молиявий моҳиятига кўра ўзаро яқин ҳисобланади, кредитлашнинг икки усули - кредитлаш усули ва кредитни қўллаш усуллари уларнинг молиявий жиҳатларига ўхшашдир. Модомики қўлланилган молиявий воситалардан қатъий назар улар компаниянинг қарз маблағларини ташкил этадилар, шунинг учун молиявий ресурсларни жалб қилиш стратегиясини танлашда улар бир-бирини алмаштирувчи ёки бир-бирини тўлдирувчи сифатида ёндашиш мумкин (4-жадвал) [21].

4-жадвал

Капитал бозоридан облигация ва кредит қарз маблағларини жалб қилишнинг асосий фарқли хусусиятларининг таснифи

Тасниф белгилари	Капитал бозоридан молиявий заҳираларни жалб қилиш усуллари	
	Кредит маблағлари	Облигация чиқариш
Муддати	Инвестицион кредитлар (5-10 йилгача)	Муддатлар ихтиёрий белгиланади (эҳтимол муддатсиз)
Ҳажми	Банкнинг кредит сиёсатидан келиб чиқади	Акциядорлар умумий кенгаши қарори асосида
Тўлаш даврийлиги	Ҳар ойда	Облигациялар лойиҳасига мувофик

Таъминот	Кредит хажмига мутаносиб равишда	Қонунчиликда меъёрларга асосан
Маълумотни тақдим этишга оид талаблар	Маълумотлар фақат кредитор учун тақдим этилади	Маълумотлар капитал бозорининг барча иштирокчилари учун тақдим этилади
Қарз олувчининг сиғими	Йирик, ўрта ва кичик бизнес	Йирик ва ўрта бизнес
Қайта таркиблаш имкониятлари	Мавжуд, шу жумладан жорий кредит таснифларини ўзгариши хисобига	Мумкин, янги қарз инструментларини эмиссияси ҳисобига
Кафиллик	Мумкин (компаниялар ва бошқа юридик шахслар)	Мумкин (Бош компания)

Облигациялар ва кредит ресурсларининг таснифий белигиларини солиштириш, молиявий ресурсларни жалб қилиш усули сифатида облигация қарзини танлаш компания учун капитални жалб қилишнинг янада қулай шароитлар яратишини ифодалайди, бироқ бу усулдан фойдаланишда юзага келадиган қуйидаги чекловлар ҳам мавжуд эканлигини назарда тутиш лозим:

Биринчидан, компаниянинг молиявий бошқарувига бўлган талабнинг ортиши. Битим банк томонидан тузиладиган кредит қарзидан фарқли ўлароқ, облигация қарзида битимни тузиш ва маълумотларни ошкор қилиш функцияларини компания ижро органи раҳбари ва андеррайтер/ҳамкор-ташкилотчилар бажаради;

Иккинчидан, бу облигация қарзларини қайта тузиш ва ёки модификациялашнинг мураккаблиги, одатда, унинг параметрларини ўзгартиришни назарда тутмайди. Бундан ташқари, агар компания фоизларни тўлаш ёки облигацияларни сотиб олиш учун етарли маблағга эга бўлмаса, қарзларини қайта тузиш им-

кониятига эга бўлмайди ва бу мажбуриятларини тўлаш учун кредит қарзидан фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради. Молиявий маблағларни жалб қилиш усули сифатида кредит қарзидан фойдаланган компания учун қарз берувчи (банк) билан келишилган ҳолда кредитни ёки унинг қўшимча шартларини қайта ўзгартириш имконияти мавжуд бўлади[22].

Учинчидан, облигацияни олишда қарз олувчи компания хажми бўйича аниқ белгиланган чегаралар мавжуд эмас, бунда облигацияга бўлган талаб жахон капитал бозорининг ҳолати, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси (миллий капитал бозори учун), минтақа иқтисодиёти (маҳаллий капитал бозори учун) ва облигацияларни жойлаштиришда компаниянинг ахборот тавсифи (молиявий барқарорлик кўрсаткичлари, фоизларни амалга оширилиши, таъсисчилардан қарздорликнинг ҳолати, маркетинг компанияларининг сифати, PR ва бошқалар)га боғлиқ бўлади.

Молиявий ресурсларни жалб қилиш жараёнида фойдаланиладиган молиявий инструментларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиётнинг корпоратив секторида капитал бозори сегментларининг ўзаро муносабатлари шаклланади. Ўз навбатида, сегментлар ўзаро таъсирининг хусусиятлари ва даражасини таҳлил қилиш қимматли қоғозлар бозори ва кредит бозорининг (кучли, ўрта, заиф) уч турдаги ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва тавсифлашга имкон беради.

Инвестициявий кредитлаш сегменти ва акциядорлик, қарз ва суғурта сегментлари ўртасидаги кучли муносабатлар банкларнинг қимматли қоғозлар, облигациялар ва молиявий деривативлар каби молиявий воситаларни жойлаштириш жараёнида иштирок этиши орқали амалга оширилади. Бундан ташқари, ўзаро муносабатлар банклар томонидан биржадан ташқари молиявий инструментларни эмиссия қилишида намо-

ён бўлади. Бундай молиявий инструментларнинг инвестицион қиймати уларнинг бозордаги муомаласи давомида аниқланади. Акция ва облигация каби молиявий инструментлар банклар томонидан кредит таъминоти сифатида ҳам қўлланилиши мумкин.

Кредитлаш жараёнидаги жорий кредитлаш сегменти ва қимматли қоғозлар бозорининг суғурта сегменти ўртасидаги ўртача муносабатлар кредит ташкилотлари рискларни ҳимоя қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорида қарздорлар томонидан молиявий воситалардан фойдаланиш орқали йирик кредитлар ва/ёки узоқ муддатли қайта тикланадиган лимитларни беришда рискларни хеджерлаш мақсадида қўлланилади. Бундай муносабатларга мисол сифатида фьючерс валюта шартномалари сотиб олиш орқали қарз олувчининг валюта рискларини хеджерлашни келтириш мумкин.

Корпоратив молия назариянинг асосий қоидаларига мувофиқ, корпоратив секторнинг бизнес фаолияти ҳолатига қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатади: молиявий ресурсларнинг мавжудлиги, капитал бозорининг ҳолати, иқтисодиётнинг монетизация даражаси[23].

Молиявий ресурсларнинг мавжудлиги капитал бозорининг ҳолати билан белгиланади, бу миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръатларига, капитал истеъмолчилари ва унинг етказиб берувчилари бўлган алоҳида корхоналарнинг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатади. Бинобарин, тизимни ташкил қилувчи корхоналар молиявий аҳволининг ёмонлашуви, ўз ўрнида корхоналарнинг, шу жумладан, кичик ва ўрта корхоналарнинг молиявий ресурсларга эришиш имкониятига салбий таъсир кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, капитал бозоридан корпоратив секторга молиявий ресурсларни жалб қилишнинг ташкилий-иқти-

содий механизмини ташкил этиш, мазкур соҳадаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланган ҳолда мамлакатимизда капитал бозори фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 14 январида "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони қабул қилинди.

Ушбу фармон асосида мамлакат фонд бозорининг ривожланишига маълум даражада тўсиқ бўлиб келаётган ҳолатга барҳам берилди, яъни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи орган давлат активларини бошқарувчи ҳамда антимонопол фаолиятни тартибга солувчи органдан ажратилди. Рақобат давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Монополияга қарши курашиш қўмита ва капитал бозорини ривожлантириш бўйича агентлик ташкил этилди.

Мазкур фармонда бир давлат органи доирасида давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашиш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш функцияларининг жамланиши тизимли муаммоларнинг тўпланишига олиб келганлиги таъкидланди ва бундай муаммолар сифатида бизнинг мавзуимизга алоқадор бўлган қуйидаги муаммолар ҳам эътироф этилди[24]:

- устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар фаолиятига давлат аралашувининг юқори даражаси, бозор тенденцияларига мослашувчанлик ва сезувчанликнинг йўқлиги, бундай корхоналарнинг солиқ ва божхона, шу жумладан якка тартибдаги имтиёзларга ҳаддан ташқари суяниб қолганлиги;

- стратегик режалаштириш, хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва бошқариш тизимининг йўқлиги, ишлаб чиқаришнинг паст техник даражаси, молиявий ресурсларнинг ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган мақсадларга йўналтирилиши ушбу корхоналар инвестициявий жозибадорлигининг пастлигига олиб келганлиги;

-товар ва молия бозорларини таҳлил қилишнинг эскирган усулларидан фойдаланилаётганлиги;

-мамлакат капитал бозорининг ҳозирги ҳолати, иқтисодиётнинг реал секторига узоқ муддатли ва тўғридан-тўғри, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича мавжуд имконият ва салоҳиятдан фойдаланишга имкон бармаётганлиги таъкидланди.

Бундан ташқари давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳам белгиланган бўлиб, ушбу йўналишларнинг мавзуга тааллуқли йўналишлари сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

-давлат иштирокидаги корхоналар устав капиталидаги давлат улушини бошқаришнинг бозор механизмларини ишлаб чиқиш;

-давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш;

- давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушини босқичма-босқич қисқартириш;

- давлат иштирокидаги иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш;

-бозорнинг барча иштирокчиларига товарлар (иш ва хизматлар) учун тенг имкониятлар яратиш;

- товар ва молия бозорларида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталидаги давлат иштирокини камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

-капитал бозорини ривожлантиришнинг яхлит стратегиясини шакллантириш ва ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

-капитал бозорининг самарали инфратузилмаси ҳосил бўлишида кўмаклашиш;

- иккиламчи қимматли қогозлар бозорини жадал ривожлантириш ва унинг кўламини кенгайтириш;


- корпоратив бошқарув ва капитал бозорини тартибга солиш соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш.

Корпоратив секторни молиявий ресурслар билан таъминлашда капитал бозорининг барқарорлигига уни тартибга солиш механизми ва модели билвосита таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади. АҚШ да йирик фонд биржалари нодавлат ташкилотларга тегишли бўлиб, уларнинг фаолиятини тартибга солишда ягона мегарегулятордан фойдаланилади (4-расм). Япония ва Россияда капитал бозори фаолиятини тартибга солишда ягона мегарегулятордан фойдаланилса, фонд биржалар фаолиятини назорат қилишда эса давлатнинг билвосита улуши мавжуд. Осиё ва Тинч океани минтақаси доирасида ҳар бир мамлакат капитал бозорини тартибга солиш бўйича ўзига хос тизимга эга. Мисол учун, Япония капитал бозори ўзининг "Twin Peaks" тартибга солиш модели билан ажралиб туради.

Ушбу модел доирасида ягона мегарегулятор асосида (JFSA) қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш функциясини амалга оширади, эмитентлар ва уларнинг қимматли қоғозлари тўғрисидаги жорий маълумотлар ва савдо қоидаларини эълон қилиб бориш вазифалари эса миллий фонд биржасига (TSE) ўтказилган[25].

Гонгконг капитал бозорини тартибга солиш фонд биржаси (HKEX) механизмлари орқали амалга оширилади, унинг иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва брокерлик

фаолиятини амалга ошириш бўйича назорат қилиш вазифалари тартибга солувчи орган (Securitirsand Futures Comission) зиммасига юклатилган. Шанхай ва Шинжон (Хитой) биржалари хорижий капитал учун қисман ёпиқ бўлиб, улар фаолияти Хитой қимматли қоғозлар комиссияси (CSRC) ва Хитой миллий банки (PBC) томонидан тартибга солинади.



4-расм. Хорижий давлатларда капитал бозори фаолиятин тартибга солиш турлари бўйича таснифи

Халқаро амалиётда капитал бозоридан корпоратив секторга молиявий ресурслар жалб қилишда, асосан компанияларнинг янги инновацион ғоялари, кам энергия сарфланувчи ва замонавий технологияларни ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этиш ва старт-апларни молиялаштириш каби соҳаларга кўпроқ эътибор қаратиб келинмоқда. Бу каби молиялаштириш амали-


ёти корпоратив венчур молиялаштириш дейилиб, мазкур параграф доирасида халқаро амалиётни таҳлил қилишда молиявий ресурсларни жалб қилишнинг ушбу усулига асосий эътибор қаратиб ўтамиз.

Венчур капиталининг асосида компаниялар фаолиятини молиялаштиришмеханизмидастлаб1950йилларда АҚШда вужудга келган ҳамда 19801990 йилларда ривожланиш фазасига кирган. Венчур сўзи инглиз тилидаги «venture» - сўзидан олинган бўлиб, «юқори рискли янги корхона, фаолият тури» деган маънони билдиради. Бунда ўрта ёки юқори хавфли активларга инвестиция киритиш назарда тутилади[26].

Венчур молиялаштириш дейилганда, бу янги маҳсулот ёки хизматни бозорга чиқариш ва юқори даромадга эга бўлиш мақсадида инновацион технологияга эга бўлган янги яратилаётган корхонага юқори риск асосида инвестиция киритишдир. Бунда иқтисодий фаолиятнинг турлитуман кўринишларини амалга оширишда вужудга келувчи рискар назарда тутилади. Венчур фондни янги ишланмаларга маблағ киритишга тайёр ягона инвестор деб ҳам айтиш мумкин.

2019 йилда компаниялар томонидан, молиялаштириш бўйича тузилган битимларнинг умумий сонида корпоратив венчурли молиялаштиришнинг улуши 28 %ни ташкил этган ҳамда ушбу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 6 %га ошганлигини таъкидлаш мумкин. Халқаро экспертларнинг прогнозларига кўра корпоратив венчурли молиялаштиришнинг улуши 2025 йилга келиб 35 %га ўсиши баҳоланган. Жахон амалиётининг таҳлил натижалари кўрсатадики, 2019 йилда корпоратив венчур инвестицияларни амалга оширишда ёки инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда 941 та венчур фондлар, жумладан 259

та янгитдан ташкил этилган фондлар иштирок этган. Бу эса, ушбу кўрсаткични 2018 йилга нисбатан 38 %га ўсганлигини англатади (5-расм).




5-расм. 2014-2019 йилларда дунё бўйича иқтисодиётнинг корпоратив секторида венчурли молиялаштириш хажми ва шартномалар сони

Айтиб ўтиш лозимки, айрим иқтисодий манбалар ёки илмий мақолаларда йиллар бўйича дунё мамлакатлари бўйича венчурли молиялаштириш амалиёти хажми биз томондан келтирилган 5-расм маълумотлари билан фарқ қилиши мумкин. Биз таҳлил қилаётган маълумотлар диссертация мавзуимиздан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиётнинг корпоратив секторига капитал бозоридан венчур инвестиция кўринишида жалб қилинган молиявий ресурслар хажми акс эттирилган. Тадқиқот ишимиз давомида хорижий иқтисодчи олимлар томонидан венчурли молиялаштириш моделлари сифатида таснифланган яъни молиялаштиришнинг бозор модели, кластер модели, шунингдек, корпоратив ва мезокорпоратив моделларига доир қиёсий таҳлил маълумотларни ҳам келтириб ўтамиз[27].

Дунё амалиётини таҳлил қилар эканмиз, 2018 йилда сўнгги 18 йил ичида кузатилган энг юқори венчурли молиялаштириш амалиёти амалга оширилганлигини алоҳида эътироф этиш мумкин. 2018 йилда дунё бўйича 14247 та битим бўйича жами 207 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган бўлса, бу 2017 йилга нисбатан 21 %га кўпдир. Бир йилнинг ўзида АҚШда корпоратив сектор компаниялари фаолиятини молиялаштиришнинг умумий хажми 30 %га ошди ва 5536 та битим бўйича 99,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Йил давомида тахминан 382 та фонднинг молиялаштириш хажми (шундан 184 таси АҚШда) 100 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағни ташкил этган бўлса, 2017 йлда йилда уларнинг сони 266 тани ташкил қилган эди. АҚШда 53 та ташкил этилган янги венчур компаниялар 2018 йилда капитал бозоридан 1 млрд. АҚШ долларидан ортиқ молиявий ресурсларни жалб қилган бўлса, 2017 йилда уларнинг сони 29 тани ташкил қилган. Биргина 2018 йилнинг 4-кварталида 21 та шу каби компания рўйхатдан ўтган бўлиб, бу венчурли молиялаштириш амалиётидаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

АҚШда капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишни соҳалар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, инвестициялар асосан корпоратив секторнинг сунъий интеллект, рақамли соғлиқни сақлаш ва молиявий технологияга ихтисослашаган компаниялари томонидан жалб қилинган. Шундан сунъий интеллект билан боглиқ маблағлар 72 %га ўсиб, 9,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Шу билан бирга Сан-Франциско штатида венчурли молиялаштириш 55 %га ўсиб 28 млрд. АҚШ долларига етган бўлса, ушбу кўрсаткич Нью-Йоркда 13 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. 2014-2019 йиллар мобайнида АҚШ алоҳида штатларида компаниялар бўйича корпоратив венчурли молиялаштиришнинг энг кўп улуши яъни 80 %и Силикон водийсига (Silicon valley) тўғри келмоқда (6-расм).




6-расм. АҚШ нинг турли ҳудудларида корпоратив венчурли молиялаштириш билан боғлик битимлар сонининг динамикаси, (дона)

АҚШда 2019 йил мобайнида жами корпоратив венчурли молиялаштириш таркибида рақамли соҳаларнинг улуши (молиявий технологиялар, сунъий онг (интеллект), рақамли соғлиқни сақлаш, кибер хавфсизлик) 51 %ни ёки 29,1 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 14 % ошганлигини таъкидлаш мумкин.

2019 йилда Осиё минтақа давлатлари орасида Хиндистоннинг Udaan компанияси 585 млн. АҚШ доллари миқдорида B2B e-commerce платформасини молиялаштирганлиги билан юқори ўринларни эгаллаган. Ушбу инвестицион лойиҳа Citigroup банки томонидан ташкил этилган Citi Ventures компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилган. 2019 йилга келиб Осиё минтақасида венчурли молиялаштириш хажмини ошиши кузатилган бўлсада, бироқ Хитой Халқ Республикасида шартномалар сони 19 %га ва молиялаштиш хажми эса 41 %га камайганлигини кўриш мумкин (1.7-расм). Экспертлар

томонидан бунга асосий сабаблардан бири сифатида, мамлакатдаги йирик корпоратив фонд Baidu Ventures компаниясини мамлакатдаги фаолиятини кескин қисқартирганлиги билан изохланмоқда.



7-расм. Минтақалар бўйича капитал бозори орқали корпоратив секторни венчурли молиялаштиришга оид битимлар сони (%,да)

Мазкур компания 2016 йилда Baidu компанияси томонидан Alibaba ва Tencent компаниялари билан рақобатлашиш мақсадида ташкил этилган эди. Дастлабки компания ташкил этилаётганда молиялаштиришнинг умумий хажми 3 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган. Хитойнинг корпоратив венчурли молиялаштириш амалиётини таҳлил қилишда давом этар экамиз, Хитой биринчи маротаба 2018 йилнинг 2 чорагида молиявий технологияларни ривожлантиришга ихтисослашган Ant Financial Services Group компанияси томонидан 14 млрд. АҚШ доллар маблағ жалб қилиш натижасида Шимолий Американи венчур капитал хажми бўйича ортда қолдирди. Crunchbase молиявий экспертлар порталининг маълумотларига кўра, 2018

йилнинг апрел, май ва июн ойларида Хитой дунёдаги венчур капиталнинг 47 %ни жалб қилган бўлса ушбу давр мобайнида АҚШ ва Канада эса 35 % молиявий ресурсларни жалб қилган. Хитойга инвесторларнинг қизиқишининг ўсиши Ant Financial Services Group компаниясига рекорд даражадаги инвестициялар билан боғлиқ бўлиши табиий.

Маблағларни жалб қилишда янги инвесторлар, жумладан Сингапурнинг GIC va Temasek Holdings венчур фондлари, Американинг Warburg Pincus va Silver Lake компаниялари шунингдек, Канада пенсия жамғармасининг инвестицион кенгаши ва Хитойлик акциядорлар ҳисобланади. 2018 йилнинг 4-чорагида Ant Financialдан ташқари Хитой компанияларининг "старт-ап"ларига киритилган инвестициялар хажми йил бошига нисбатан ўсиш тенденциясига эга бўлиб, дунё бўйича жами корпоратив венчур капиталининг 36 %ни ташкил қилди. Crunchbase молиявий экспертлар порталининг ҳисоботига кўра, 2018 йилнинг якунларига кўра биргина Ant Financial Services компаниясининг бозор баҳоси (қиймати) 150 млрд. АҚШ долларидан ошган. Хитой "старт-ап"ларни молиялаштириш ва уларнинг сони бўйича юқори суръатлар билан ривожланган давлатлар қаторида бормоқда. Бунга асосий сабаблардан бири, Ҳукумат мамлакатни рақобатбардошлигини ошириш мақсадида инновацион ривожланиш стратегияларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бундан ташқари Хитой хукуматининг ривожланиш стратегиялари бўйича муҳим йўналишлари сифатида Интернет, Big Data ва сунъий интеллект кабилар алоҳида келтириб ўтилган[28].

Юқоридаги фикримизнинг давоми сифатида таъкидлаб ўтмоқчимизки, 2020 йилда нафақат Хитойда балки бутун дунёда пандемия шароитида инвестициялаш хажми камайиб кетаётганлиги билан бирга иқтисодий пасайиш деярли барча мамла-

катларда 10 %гача ва ундан ортиқ фоизларни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда.

Корпоратив венчурли молиялаштириш амалиётини Европа мамлакатлари бўйича таҳлил қилар эканмиз, Европада корпоратив сектор томонидан капитал бозоридан венчурли молиялаштириш усули бўйича молиявий ресурсларни жалб қилишда Буюк Британия ва Германия етакчилик қилиб келмоқда. Европа мамлакатлари орасида корпоратив венчурли молиялаштириш улуши асосан Швеция ва Швейцария давлатларида барқарор ҳолатда сақланиб қолмоқда (8-расм).



8-расм. Европа мамлакатлари бўйича корпоратив венчурли молиялаштириш билан боғлиқ битимлар тузилиши

Таъкидлаш лозимки, Ғарбий Европа мамлакатлари орасида Франция ҳам корпоратив венчурли молиялаштириш бўйича иқтисодиётда кенг кўламли ислоҳотлар олиб бориши натижасида сўнгги беш йил ичида 15 %дан 20 %гача ўсишга эришган.

Strategy тадиқотлар марказининг маълумотларига кўра, Шарқий Европа мамлакатларида орасида йирик иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Россия Федерациясида корпоратив венчур

молиялаштириш соҳасида фаоллик унчалик сезилаётган йўқ. Бироқ Европа мамлакатлари билан эмас Осиё минтақасининг бошқа давлатлари билан солиштирганда Россияда ҳам корпоратив секторни молиялаштиришда венчурли инвестициялар соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш мумкин.

2019 йилнинг ярим йиллик ҳисоботлари бўйича, Россияда венчур капитал бозори ўсиш тенденциясига эга бўлган, аниқроқ айтадиган бўлсак, ушбу кўрсаткич 2018 йилнинг ушбу даврига нисбатан 160 %га ўсиб, 348 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Молиялаштириш бўйича тузилган шартномалар сони 87 тадан 129 тага ошганлини ўзи венчур капитал бозорида ижобий силжишга эришилганидан далолат беради. Соҳалар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, венчур капитал бозорида йирик улушни IT-тармоқларида юқори технологик лойиҳалар таклиф қилаётган компаниялар эгалламоқда. Россияда 2019 йилнинг 6 ойи мобайнида иқтисодиётнинг ушбу тармоғида 219 млн. доллари миқдорида 73 та битимлар имзоланган бўлса, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 78 млн. АҚШ доллари хажмида бўлиб шартномаларнинг сони 53 тани ташкил қилган. Айниқса, инвесторларни асосий жалб қилган соҳа электрон савдодаги “старт-ап”лар бўлиб, улар бўйича киритилган венчурли инвестициялар жами капиталдаги улуши 32 %ни ташкил этган ҳолда 137 млн. АҚШ долларини ташкил қилган.

Россияда иқтисодиётнинг корпоратив секторида венчурли молиялаштириш манбаларини жалб қилиш бўйича иккинчи ўринда, бизнес учун юқори технологик хизматлар (14,6 млн. АҚШ доллари, жами капиталдаги улуши 7 %), учинчи ўринда эса бошқа хизматлар ўрин олган (11,5 млн. АҚШ доллари, жами капиталдаги улуши 5 %). Бироқ таъкидлаш лозимки, Россияда Ғарбий Европа мамлакатларига нисбатан биотехнологи-

ялар секторидаги инвесторларни жалб қилиш хажми нисбатан кам улушга эга бўлиб, ушбу секторнинг жами тузилган шартномалардаги улуши 5 %ни, капитал хажми эса 8,8 млн. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бундан ташқари, ушбу маблағларнинг ярмидан кўпи - 4,7 млн. АҚШ доллари – айрим турдаги касалликларни даволаш учун дори-дармонларни етказиб бериш ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган PM&HM стартапига киритилган сармоялар ҳисобига амалга оширилди. Битим эса, РВК давлат корпорацияси иштирокида амалга оширилди[29].

Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, Россия венчур капитал бозорида корпоратив иштирокчилар сонининг кўпайиши сабабли мамлакатнинг венчур капитал бозори соҳа йўналишлари ўзгаришда давом этмоқда, улар асосан инновацион лойиҳалар портфелларини ишлаб чиқмоқдалар ва яратмоқдалар. Шундай қилиб, 2018 йилда улар 90 млн. АҚШ доллари миқдорида битимлар тузишган бўлса, бу эса 2017 йилдагига нисбатан уч баробар кўпдир. Корпорациялар тобора кўпроқ ўзларининг асосий бозори билан боғлиқ бўлмаган янги ("ёш") лойиҳаларга сармоя киритмоқдалар. Буларга мисол қилиб, Сбербанк, Яндех, МТС ва Mail.ru каби компанияларни келтириш мумкин[30]. Ўйлаймизки, мамлакатимизда ҳам корпоратив сектор акциядорлик жамиятлари ва бошқа корхоналар томонидан капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш ҳамда янги инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда венчур фондлар фаолиятини ташкил этишда хорижий илғор тажрибалардан самарали фойдаланиш ушбу соҳани такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Conclusion

"Молиявий бозор" ва "Капитал бозори" тоифаларига мамлакатимиз ва хорижий олимлар томонидан берилган таърифлар

келтирилди ва берилган ушбу таърифларни таҳлил қилган ҳолда капитал бозорига муаллифлик таърифи шакллантирилди. Турли манбалар ҳамда амалга оширилган назарий ва амалий таҳлилларга таянган ҳолда, капитал бозорини ривожланаётган жами иқтисодий муносабатлар, молиявий механизмлар ва инструментлар сифатида, шулар воситасида капитал таклифининг шаклланиши ва қайта ишлаб чиқариш жараёнларини таъминлаш учун жамғарма маблағларни инвестицияларга айлантириш орқали капитал таклифи шакллантириладиган тўплам сифатида эътироф этилди.

Капитал бозори ривожланишининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда унинг иштирокчилари ва уларнинг ўзлаштириш мақсадларини ҳисобга олган ҳолда капитал бозорининг хусусиятларига аниқлик киритилди ҳамда иқтисодиётнинг корпоратив сектори манфаатлари учун фойдаланиладиган капитал бозорининг молиявий воситалари аниқланди.

Базавий, тартибга солувчи ва ёрдамчи инфратузилмалар кесимида, капитал бозори молиявий инфратузилмаси функцияларининг умумлашган тавсифи ишлаб чиқилди; капитал бозори ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди ва унинг молиявий инфратузилмасининг асосий турлари бўйича таснифланди. Иқтисодиётнинг корпоратив секторига капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишни таъминлашда молиявий инфратузилманинг роли ошиб бориши тўғрисида хулоса чиқарилди.

Ҳозирги босқичда, корпоратив секторнинг бозор муносабатлари тизимида, ушбу сектор ишлаб чиқариш жараёнларининг кенгайишини таъминлаш учун ташқи молиялаштириш манбаларига кириб боришга имконият яратилиши керак, чунки бугунги шароитда мазкур секторнинг ўз молиявий ресурслари

етарли эмас ва бу ишлаб чиқариш омилларини янгилашни жадаллаштириш тенденциясининг юқори технологик услубларга босқичма-босқич ўтишнинг глобал тенденцияси билан боғлиқ.

Халқаро амалиётни таҳлил қилиш асосида мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилишда венчурли молиялаштиришга доир қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

акциядорлик жамиятлари устав капиталида давлат улушининг юқори эканлиги корпоратив венчур молиялаштириш капиталини рағбатлантиришга тўсиқ бўлувчи асосий омиллардан бири бўлиб, бунинг асосий сабаблари сифатида венчур молиялаштириш амалиёти рискини давлат корхоналари ўз зиммасига олишга тайёр эмас.

корпоратив сектордаги айрим компанияларнинг монопол мавқеи, рақобатни чеклаш, шу жумладан, давлат миқёсида чеклаш ёки давлат томонидан турли инструментлар орқали қўллаб-қувватлашнинг мавжудлиги соҳада рақобатнинг пастлиги, шунингдек инновацияларни хусусан рақамли технологияларни жорий этиш учун имкониятларни чеклайди.

мамлакатимиз акциядорлик жамитларида инновациялар билан ишлаш бўйича ички механизмни йўлга қўйилмаганлиги инновациялар билан ишлаш бўйича фаолиятни етарлича рағбатлантирмайди ҳамда компаниялар ўзларининг батафсил моливий ҳисоботлари ва режалари ҳақида етарлича маълумотлар берилмаслиги корпоратив венчур фондлар орқали молиялаштириш амалиётини чегаралашга сабаб бўлади.

Адабиётлар руйхати

[1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизими-

ни ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

[2]. *Коупленд*, Т. Стоимость компаний: оценка и управление /Т. Коупленд, Т. Коллер, Дж. Муррин; пер. с англ. - М.: Олимп-Бизнес, 2008. -576 с.

[3]. The 2019 Global CVC Report/CB Insights report. – 2019. – 33 p.

[4]. *Бровкина Н.Е.* Закономерности и перспективы развития кредитного рынка в России: Монография/Н.Е. Бровкина. – 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2016. – 248 с.

[5]. Гончарук Е.А. Привлечение финансовых ресурсов корпоративным сектором экономики на рынке капитала. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Санкт-Петербург – 2018 г.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 5

1-СЕКЦИЯ
МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА СУҒУРТАНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Р.С. Азимов
СТРАХОВОЙ РЫНОК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ, ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ 10

А.У. Бурханов
ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИ: РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. 26

Қ.М. Қўлдошев
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ СУҒУРТА БОЗОРИДА СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ 36

Х.М. Шеннаев
ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШДА СУҒУРТАНИНГ АҲАМИЯТИ 44

У.Т. Хайитматов, Ш.Р. Джуманиязов
ВОЗМОЖНОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СТРАХОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ 56

А.Г. Шаробиддинов
ЎЗБЕКИСТОНДА МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ:
АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР 60

N.K. Yakubova, Sh.X. Ibragimova
O‘ZBEKISTONDA IXTIYORIY TIBBIY SUG‘URTANI
RIVOJLANTIRISH ASOSIDA MEHNAT
UNUMDORLIGINI OSHIRISH MASALALARI 74

Т.Ф. Рахимов
СУҒУРТА БОЗОРИДА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ
КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ 83

Ш.С. Насретдинова, М.Р. Бекберганова, А.Ш. Икрамов
ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ
ШАРОИТИДА СУҒУРТАНИНГ ЎРНИ 87

Қ.И. Номозова
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЁНҒИН
ҲОДИСАЛАРИДАН СУҒУРТАЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 92

Р.Р. Азимов, И.Ж. Исаков
ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА
СУҒУРТАЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ 101

А. Вахобов
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИ ҲОСИЛИНИ
СУҒУРТАЛАШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ 107

А.М. Махмудов
СУҒУРТАДА АССИСТАНС ХИЗМАТЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ 112

N.B. Abdusalomova, D.B. Begalova
SUG‘URTA KOMPANIYALARI – BOZOR IQTISODYOTINI SHAKLLANTIRISHNING INSTITUTI SIFATIDA 121

N. Aminova
XORIJIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH ORQALI O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA TASHQI IQTISODIY FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISH 128

A.C. Васиев
ИСЛОМ МОЛИЯ ТИЗИМИДА ИСЛОМ СУҒУРТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ 139

M. Olimova
MAMLAKAT IJTIMOIY-IQTISODIY RIVOJLANISHIDA SUG‘URTANING O‘RNI VA ROLI 145

М.М. Эшмаматова, А.У. Бурханов
РОЛЬ СТРАХОВАНИЯ В РАЗВИТИИ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СФЕРЫ СТРАНЫ 149

N.M. Mamatkulova, A.N. Akhmedov
FEATURES OF INSURANCE IN SPAIN 164

Х.Ғ. Хайдаров
МАМЛАКАТНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРИДА СУҒУРТАНИНГ АҲАМИЯТИ .. 171

Л.Ш. Тошназарова
ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИДА СУГУРТА БОЗОРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 177

O.Y. Xamrayev
SUG‘URTA TIZIMI – IQTISODIY RIVOJLANISHNING MUSTAHKAM TAYANCHI 183

А.Р. Умиров
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА СУҒУРТА СОҲАСИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА УНДАГИ МУАММОЛАР 189

В.Х. Назарова, Р.Ф. Назаров
ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ДОБРОВОЛЬНОГО МЕДИЦИНСКОГО СТРАХОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 194

Э.А. Латипханова
МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА СУҒУРТАНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ 197

С.М. Ҳошимов
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ 205

M.A. Sharapova
IQTISODIY ISLOHOTLAR SHAROITIDA O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SUG‘URTA BOZORINI RIVOJLANTIRISH YO‘LLARI 218

Ш.А. Шермухамедова
ЭЛЕКТРОННАЯ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ – ПЕРСПЕКТИВНАЯ ДОПОЛНЕНИЕ К МЕДИЦИНСКОМУ СТРАХОВАНИЮ 228

К.Т. Каленов
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА СУҒУРТА ХИЗМАТИНИНГ АҲАМИЯТИ 232

N.R. Tursunova, F.A. Sharopova,
TAKAFUL – SUG‘URTANAING ISLOMIY USULI 236

А.Н. Меликулов
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА ХАТАРЛАРНИ 274

А.С. Нуруллаев
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИСКЛАРИНИ
СУҒУРТАЛАШ АСОСЛАРИ 258

Н.Х. Алимджанов
СТРАХОВАНИЕ В УСЛОВИЯХ ТРАНСФОРМАЦИИ
УПРАВЛЕНИЕ РИСКОМ.....267

Н.К. Исмаилова
СУҒУРТА БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ
МАМЛАКАТ МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИҒИНИ
ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....274

И.С. Арифходжаева
АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ РЫНКА ОБЯЗАТЕЛЬНОГО
СТРАХОВАНИЯ ГРАЖДАНСКОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ
ВЛАДЕЛЬЦЕВ ТРАНСПОРТНЫХ СРЕДСТВ В
СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ СТРАХОВОГО
РЫНКА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН 280

Т.Ф. Рахимов, Р. Б. Халиков,
РАЗВИТИЕ СТРАХОВАНИЯ ЭКСПОРТНЫХ ОПЕРАЦИЙ В
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....291

Р.Х. Хурсанов
ҲАЁТ СУҒУРТАСИНИНГ СУҒУРТА БОЗОРИДАГИ
ЎРНИ ВА РОЛИ 296

M. S. Aliqulov
SUG'URTA KOMPANIYALARINING INVESTITSIYA
FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISHNING
XORIJ TAJRIBALARI.....303

С. Х. Валиева
ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН РИСКЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ 319

Б.А. Жубанова
ТАДБИРКОР СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ СУГУРТАЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ 328

2-СЕКЦИЯ
ҲАЁТ СУҒУРТАСИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

О.Т. Юлдашев
ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАЁТ СУҒУРТАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....333

Б.У. Камилов, Р.Б. Халиков
ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАЁТ СУҒУРТАСИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ 341

О.Т. Юлдашев
ҲАЁТ СУҒУРТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ПРИНЦИПЛАРИ 351

М.М. Миролимов
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЗЛУКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ҲАЁТИНИ СУҒУРТАЛАШ АФЗАЛИКЛАРИ.....357

С.Ф. Мирзоев, Р.Б. Халиков
ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ (Хориж тажрибаси).....369

D. Baratova, Sh. Q. Xoliyorova
WAYS TO DEVELOP MUTUAL INSURANCE IN UZBEKISTAN.....380

Ж. Рахматуллаев
ҲАЁТ СУҒУРТАСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ
ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТИ 385

Д.А. Баратова
МИЛЛИЙ СУГУРТА БОЗОРИДА ҲАЁТ
МИКРОСУҒУРТАСИНИНГ БИЗНЕС-МОДЕЛИНИ ҚЎЛЛАШ
САМАРАДОРЛИГИ.....391

М.М. Миролимов
АҲОЛИНИНГ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШДА СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИ ЎРНИНИ
СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ.....404

З.О. Шаниязова
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ СУҒУРТАЛАШНИ
ҚЎЛЛАБ–ҚУВВАТЛАШНИНГ ҲОЛАТИ
ВА РИВОЖЛАНИШИ.....417

A.J. Raxmatov
XALQARO BANK AMALIYOTIDA BANK RISKLARNI
SUG‘URTALASHNING AHAMIYATI 425

М.Д. Бауэетдинов, К.Т. Каленов,
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ НОВЫХ ИНСТРУМЕНТОВ
В ОБЛАСТИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОГО СТРАХОВАНИЯ..433

Ш.Ш. Аликулов, У.Э. Қобилов
ШАХСИЙ СУҒУРТАНИНҒФУҚАРОЛАР ВА ДАВЛАТ
ИҚТИСОДИЙ – ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛАНИШИДАГИ
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ 437

А.А. Ядгаров
ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА РИСКЛАРДАН ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ СУҒУРТАВИЙ ҲИМОЯЛАШ.....441

D. Abdusattarova, D. Mutalova, Z. Shomansurova
GLOBAL ECONOMIC ENVIRONMENT: PROBLEMS
AND SOLUTIONS OF THE TAX MANAGEMENT 450

М.С. Болтаев
СУҒУРТА МУНОСАБАТЛАРИ ТИЗИМИДА ТИББИЙ
СУҒУРТАНИНҒ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ 457

У.Р. Мухамедазизов
БЮДЖЕТ ДЕФИЦИТИ ВА ТАШҚИ ҚАРЗНИ
БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ.....466

3-СЕКЦИЯ
СУҒУРТА БОЗОРИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ: ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Б.У. Камилов
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУҒУРТА БОЗОРИ
МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ҲОЛАТИ («Ўзбекинвест» ЭИСК АЖ мисолида).....472

U. Narimanova
HUMAN RESOURCES BENCHMARK FOR INSURANCE 480

М.Х. Турсунова
РЕАЛИЗАЦИЯ РЕЖИМА ИНФЛЯЦИОННОГО
ТАРГЕТИРОВАНИЯ.....490

Б.П. Қличев
ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДА «START-UP» ЛОЙИҲАЛАРИНИ
РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....498

Q. M. Qo'ldoshev, M. To'g'izova,
AHOLINING SUG'URTA SAVODXONLIGINI VA
SUG'URTAGA BO'LGAN ISHONCHINI OSHIRISH.....505

J.R. Hoshimov
XORIJIY INVESTITSIYALAR – IQTISODIY
TARAQQIYOT OMILI 510

С.Х. Валиева
ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА
ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН РИСКЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ.....518

4-СЕКЦИЯ
АКТУАР ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ

Д.В. Помазкин
МОДЕЛЬ ФУНКЦИОНАЛЬНОГО УРАВНЕНИЯ
В АКТУАРНЫХ РАСЧЕТАХ 527

А.А. Кудрявцев
РАЗВИТИЕ СТРАХОВОГО И АКТУАРНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
В САНКТ-ПЕТЕРБУРГЕ.....535

Ф.А. Саидназаров
КОРХОНА МОЛИЯВИЙ СТРАТЕГИЯСИНИНГ
РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ 538

Б.Х. Маматкулов
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА СУГУРТА БОЗОРИ
СТАТИСТИКАСИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ.....547

К.Т. Каленов
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МОЛИЯВИЙ СУГУРТА
РИСКЛАРИ:ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИЛМИЙ
ТАСНИФЛАШ АСОСЛАРИ 553

A.M. Mavlyanov
SUG‘URTA SOHASIDA RAQOBAT MUHITINI
RIVOJLANTIRISHNING INNOVATSION JOZIBADORLIGINI
OSHIRISHGA TA’SIRINI BAHOLASH 565

А.Н. Тўраев, А.А. Устемиров
БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНДАН РЕСПУБЛИКАМИЗДА ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....572

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТДА РИСКЛАР ВА УЛАРНИ СУҒУРТАЛАШ.....578

Х.Ф. Уктамов
КОРХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ТУШУНЧАСИГА НИСБАТАН ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ... 585

Ф.У. Умаров
ИНВЕСТИЦИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА СУҒУРТА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ.....590

Б.А. Мақсудов
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ БАРҚАРОР РЕСУРСЛАР ҲИСОБИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ.....606

И.Х. Абдурахмонов
СУҒУРТА СОҲАСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....613

И.С. Мусахонзода
МОЛИЯВИЙ-ТРАНСАКЦИОН ХАРАЖАТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР, УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ.....620

Қ.Ш. Пўлатов
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЧАКАНА КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....628

Б.В. Адашалиев
ЎЗБЕКИСТОНДА КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА УНГА МОСЛАШИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА ТАДБИРЛАР.....639

М.Х.Турсунова
РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ЦИФРОВОГО БАНКИНГА В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ.....649

И.Ғ. Кенжаев
СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ.....656

Х.Н. Шодмонов
СУҒУРТАЛОВЧИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИГА ТАЪСИРИ.....663

И.Ғ. Кенжаев, М.В. Аъзамова
ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....668

Kh.N.Khasanov
ИҚТИСОДИЁТНИНГ КОРПОРАТИВ СЕКТОРИҒА ХАЛҚАРО КАПИТАЛ БОЗОРИДАН МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШ.....672

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУҒУРТА БОЗОРИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ҲОЗИРГА ҲОЛАТИ, МУАММОЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ»

«Инновацион ривожланиш
нашриёт-матбаа уйи»
Тошкент – 2021.

Муҳаррир	М. Ҳайитова
Тех. муҳаррир	А. Мойдинов
Мусаввир	А. Шушунов
Мусаҳҳиҳа	Л. Ибрагимов
Саҳифаловчи	Ш. Сирожиддинов

Нашриёт лицензияси AI № № 3226-275f-3128-7d30-5c28-4094-7907
10.08.2020.
13.11.2021 йилда босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими 70×100 $^{1}/_{16}$. «Times New Roman» гарнитураси.
Шартли босма табоғи 44. Адади 50 нусха.
Буюртма рақами № 293.
«Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи»
босмахонасида чоп этилди.
100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 7-уй.
Тел.: +998999209035 e-mail: nashr2019@inbox. ru